

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

# ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

*Беш жилдли*

*5-жилд  
Адабий танқид*

*Адабиёт яшаса —  
..миллат яшар.  
Ўзбекистон*



Тошкент  
“ADIB” нашриёти  
2013 йил

УЎК: 821.512.133.1/-9  
КБК: 84(5Ў)6  
О-36

**Тахрир хайъати:**

*Муҳаммад Али  
Сирожиддин Саййид  
Маҳмуд Тоир  
Иқбол Мирзо  
Аҳмаджон Мелибоев  
Ҳамидулла Болтабоев  
Шухрат Ризаев  
Улугбек Ҳамдам  
Уйғун Рўзиев*

**Нашрга тайёрловчи:**

*Ҳамидулла Болтабоев*

**Масъул муҳаррир:**

*Иброҳим Ғафуров*

**Озод Ватан саодати:** Беш жилдли. [Тахрир хайъати: М.Али, С.Саййид ва бошқ. Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Болтабоев; масъул муҳаррир: И.Ғафуров; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси]. – Тошкент: ADIB, 2013.

Ж.5. Адабий танқид. – 2013. – 424 б.

УЎК: 821.512.133.1/-9  
КБК: 84(5Ў)6

**ISBN 978-9943-4165-4-3**

© “ADIB” нашриёти, 2013

*Чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик, боқимандалик билан боғлиқ барча нарса ўтмишга айланиб бормоқда. Кишиларимизда мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси ошиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ўзимизнинггина эмас, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам тўпланган, кичик бўлса-да, анчагина аччиқ тажриба одамларнинг кўзини очди, улар зийракроқ ва бошқаларга нисбатан сабр-бардошлироқ бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини қуриш мумкинлигини кўрсатиб турибди.*

**Ислом КАРИМОВ**

*“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридан*

## СЎЗБОШИ

Бундан йигирма йил аввал ОЗОД СЎЗ мураккаб ва машаққатли йўлга чиқди. Сўз йўлининг мураккаблиги шунда эдики, у асрлар оша орзу этилгани билан ҳали ўтилмаган йўл эди. Истиклол шоири Абдулҳамид Чўлпон “Ҳақ йўли бир ўтилғуси” дея Ҳақ йўли фақат бир марта ўтилиши ва унинг сақлаб қолиниши машаққат билан амалга оширилишига урғу берганди. Айни Истиклол туфайлигина адиб сўзи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов айтган “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” фақат бир рисола сарлавҳасигина эмас, балки мустақил адабиётнинг келажаги ҳақида дастурий йўлланма бўлди. Биз муқаддас деб билган ОЗОД СЎЗ мустақиллик йўлидан, мана қарийб чорак асрдирки, улкан сарҳадларни режалаб, олдинга интилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек насри залворли, салмоқли ютуқларга эришди, шеърят янги чўққилар сари кўтарилди, драматургияда замоннинг шиддатини акс эттирувчи сахна асарлари яратилди, бадиий адабиётнинг ҳар бир турида синкретик жанрлар, ўзаро уйғун жанрларнинг диффузияланиши ҳодисалари юз берди. Буларнинг барчаси даврнинг барометри ҳисобланган адабий танқидда, адабиётшунослик асарларида ўз аксини топди. Адабий танқид бадиий ижодга нисбатан кейинги ҳодиса саналса ҳам, айрим бадиий асарларнинг узок яшаб қолиши нафақат ўша бетакрор асарлардаги истеъдод куввати, балки уни талқин ва таҳлил қилиб, замонлар оша китобхонларга етказиб турадиган мунаққид ва адабиётшунослар заҳмати туфайли ҳамдир. Шунинг учун ҳам ушбу тўпламга жам қилинган мақолалар Истиклол даври адабиётининг турли жабҳаларини камраб олишга, масалага турли нуқтаи назардан қарашга, шу билан бирга таҳлилга тортилган асарлардаги Сўз салмоғини англашга, унинг келажак учун асқотарли жиҳатларини илғашга ҳаракат қилган.

Адабий танқид ўз умри давомида проблематик мақола ва очерклар, ижодий портрет ва эсселар, талқин ва тақризлар билан иш кўргани маълум. Танқидчиликда ҳар бир жанрнинг ўз ўрни, имкониётлари, ифода йўсини ва шакл жозибиклари мавжуд. Уларнинг бири иккинчисининг юмушига қиришиши қийин. Адабий танқиднинг энг ҳозиржавоб ва масъулиятли жанрларидан бири тақризчиликдир.



Такриз ёзишда турли ифода йўсинларию уни китобхонларга етказишнинг ҳам турлича шакл-шамойиллари бор. Бироқ такриз қай йўсинда яратилмасин, не муддаони илгари сурмасин, ундан асосий мурод асарни тушуниш ва имкон қадар тушунганларини китобхонлар оммасига етказиш эканини унутмаслик керак. Шунингдек, такриз фақатгина бир мунаққиднинг қараши сифатида майдонга келса ҳам, маълум маънода ўша асар ҳақида жамоатчилик фикрининг шаклланишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам такризчининг янги бадиий асарни холис баҳолай олиши, бир асарда қуртак ёзган истейдод қанотларини илғаб, унинг келгусидаги парвозидан дарак бериши, такриз майдонини оғайнигарчиликка берилмай ёки янги чиққан асар билан муаллифни матбуот орқали табриклар қўйиш йўлини тутмай профессионал таҳлил тамойилларига таяниб иш қўриши керак бўлади.

Танкидчиликда доимий соҳа ҳисобланган, адабий жараёни ойнадай акслантириб турадиган жанр проблематик мақолалардир. Мақола фақат кундалик матбуот воситаси орқали иш қўрувчи танкидий минбар эмас, балки миллий адабиётнинг ҳозирги ҳолатидан хабар берадиган, жамиятнинг энг долзарб муаммоларига нисбатан адибларнинг чиқишларини баҳолайдиган, энг асосийси, бадиий адабиётни янги уфқлар сари йўналтириб турадиган соҳадир. Адабий-танкидий мақолалар билан бир қаторда назарий масалалар таҳлилига бағишланган, бадиий асарни санъатнинг бир тури сифатида тушунадиган ва санъат асарини юксак поэтика талаблари билан боғлайдиган мақолаларга ҳар доим эҳтиёж бор. Чунки бизнинг адабий жараёнимиз жаҳон адабиётидаги етакчи бадиий тизим ва қарашлар, услубий оқим ва шакл изланишларига бефарқ қарай олмайди. Аксинча, замон билан ҳамқадам бўлишга, жаҳон эстетик тафаккуридаги етакчи тенденциялардан руҳ олишга ҳамиша тайёрлигини назарий аспектдаги мақолалар кўрсатиб туради. Бу мақолаларда жаҳон андозаларига мос келадиган адабий асарларни аниқлаш, ўзгаришлар табиатига мос равишда миллий адабиётимиздан намуналар, тимсоллар ва муқобиллар белгилашга дилдан ҳаракат қилинади.

Танкидчиликда адабий портрет яратиш, қаламга олинаётган ижодкорнинг адабий киёфасини кўрсатиб бериш, асарларидан ижодкор шахсини топиб, худди бадиий характер каби тўлақонли акс эттира олиш қобиляти ҳамма мунаққидларга ҳам насиб қилавермайди. Бундан ташқари, адабий жараён айрим масалалари, хусусан, бадиий асарларнинг яратилиш тарихи, унинг замиридаги адиб

назарда тутган сир-синоати, бадияти кирралари кўплаб ижодий суҳбатларда очилади. Қолаверса, адабий суҳбат ўзбек танқидчилиги имкониятларини кенгайтирмоқда, истеъдоди юксак адибларни ўз ижоди ҳақида суҳбатга тортиб, бадий асарларнинг китобхонга номаълум жабҳаларини очишга эътибор қаратиш натижасида мазкур асар ёки адибнинг китобхонлар томонидан қабул қилиниши энгиллаштирилмоқда.

Ҳар соҳадаги каби адабиётнинг ҳам юлдузли онлари, нурли чўққилари баробарида қўналғада жиндай пастлаб кетган даврлари бўлади. Тўғри, адабий танқиднинг йигирма йиллик йўли ҳар соҳада ҳам текис ва раvon кечгани йўқ, адабий жараёнда из қолдирган, миллатнинг маънавий хазинасидан жой олган барча гўзал асарлар ҳам танқидчилик томонидан тилга олиниб улгурганича йўқ. Лекин энди жиддий ва ҳақ йўлига чиқа бошлаган миллий танқидчилигимизни камситиш ёки “танқид ўлди”, “танқидчилар нега жим” кабилидаги ноилмий хулосаларга йўл бермаслигимиз керак. Ҳозирги глобаллашув даврида мунаққид масъулиятини ҳеч бир камайтирмай айтиш мумкинки, очиқ матбуотимизда эълон қилинаётган барча асарларни қамраб олиб, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб беришнинг имкони йўқ. Шундай экан, танқид миллий адабиётдаги асосий тенденцияларни илғаб олиши, адабиётнинг келажагига аскотадиган бадий тажриба ва янгиликларни оммалаштириши ва адабиётнинг жамият олдидаги умуминсоний бурчини бажаришига кўмаклашиши зарур.

Мана йигирма йилдирки, ўзбек танқидчилиги янги масъулиятли йўлга қадам қўйди. Сўз йўли ўз умри давомида яна қанча “ҳисобот бекал”ларидан ўтиши, миллат ва мамлакат келажаги учун холис ва озод сўзнинг умрбоқийлигини таъминлаш зиммамиздаги моддий-маънавий юмушлардан эканини унутмасак бўлгани. Танқидчилик илинж тўрларига илинмасдан, таъма ва манфаат туманида тутилмасдан парвоз қилиши лозим.

Озод сўз катта йўлга чикди. Энди у мафқуранинг тор йўлаклариди сиқилиб қолмайди ё тирикчилик жинкўчаларида сарсон кезинмайди. Озод йўлни ўташи ва манзил (халқ қалби)га етиб бориши ўша СЎЗнинг ўзига ва ОЗОД СЎЗ соҳибларининг истеъдодларига боғлиқ.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Адабий танқид кенгаши*





# Озод ШАРАФИДДИНОВ

Ўзбекистон Қаҳрамони  
(1929 – 2005)



---

## “АДАБИЁТ ЯШАСА – МИЛЛАТ ЯШАР”

Ҳар қандай чинакам истеъдод соҳиби каби Абдулҳамид Чўлпон ҳам ижоднинг деярли ҳамма соҳаларида самарали фаолият кўрсатган. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург, ҳам таржимон, ҳам публицист бўлиши билан бирга, баркамол мунаққид, моҳир адабиётшунос, ўзига хос тарзда фикрлайдиган санъатшунос ҳам бўлган. Унинг бадиий асарлари халқ маънавиятини шакллантиришда қанча муҳим роль ўйнаган бўлса, адабий-танқидий мақолалари ҳам шунчалик катта қимматга эга. Аммо истибдод замонида Чўлпон ижодини ўрганиш у ёқда турсин, номини тилга олиш тақиқлангани учун кенг жамоатчиликкина эмас, ҳатто адабиётшунос мутахассислар ҳам Чўлпон ижодининг бу қирраси тўғрисида ғоят мавҳум ва туманли тасаввурга эга эдилар. Фақат сўнгги йиллардагина Ш.Турдиев, Н.Каримов, Б.Дўстқораев, М.Олимов, У.Долимов, З.Эшонова, Д.Қурононов, У.Султонов каби адабиётшуносларнинг ҳаракати билан Чўлпоннинг инкилобдан олдин ва кейин чоп этилган, ҳозир эса топилиши амримаҳол бўлиб қолган, журналлар ва газеталарда сочилиб ётган адабий-танқидий асарлари илмий муомалага кира бошлади. Сурхондарёлик ёш чўлпоншунос Н.Йўлдошев эса Чўлпон ҳаёти ва

ижодига доир библиография эълон қилиб, унда биринчи марта Чўлпон мақолаларининг рўйхатини аниқлади. Библиографияда кўрсатилишича, шоирнинг 1914 – 1937 йиллар мобайнида чоп этилган адабий-танқидий мақолалари ҳозирча 63 та экан. Изланишлар давом эттирилса, бу рақамнинг кўпайиши турган гап.

Мақолалар билан танишиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, Чўлпон ўзини профессионал мунаққид ёки муайян академик қоидалар асосида иш юритувчи адабиётшунос олим деб ҳисоблаган эмас. Чўлпон эстетика бобида, санъат назариясида янги саҳифа очган эмас, жаҳон санъатини ва санъатшунослигини батамом янги йўлларга буриб юборадиган тугал таълимот яратмаган. Шунга қарамай, янги ўзбек адабиёти тарихини Чўлпоннинг адабий-танқидий фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Янги ўзбек адабиётини шакллантиришда, XX аср 20 – 30-йилларидаги ғоят мураккаб иждодий курашлар муҳитида унда изчил реалистик услубнинг устуворлигини таъминлашда Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашларининг аҳамиятини камситиш мумкин эмас. Чўлпон мунаққид сифатида, биринчи навбатда, адабиёт ва санъатнинг амалий масалалари билан шуғулланган, янада аниқроқ айтганда, маънавий уйғониш ва маданий ривожланиш асосида адабий жараён олдида кўндаланг бўлган долзарб муаммоларга жавоб топишга интилган, шу тарзда адабиётни ўз даврининг илғор ғоялари билан бойитишга, Шарқ ва Ғарбнинг бебаҳо тажрибасини янги ўзбек адабиётига олиб киришга ҳаракат қилган.

Чўлпон адабий-танқидий меросининг аҳамияти фақат шу билан чекланмайди. Юқорида айтганимиздек, Чўлпон танқидий фаолияти билан эстетика соҳасида янги бир таълимот яратишни мақсад қилиб қўймаган бўлса-да, унинг мақолаларини ички яхлитликдан маҳрум, ҳар хил йилларда ҳар хил муносабатлар билан ёзилиб, ҳар хил нарсалар тўғрисида баҳс юритувчи пароканда асарлар йиғиндисидан иборат деб қараш мумкин эмас. Аксинча, ҳар бир мақоланинг югурик мисралари ортидан Чўлпоннинг



ўзи қараб тургандай бўлади. Ҳар бир мақолада Чўлпон шахсиятининг аниқ муҳри борки, худди шу нарса уларни бир яхлит ҳолга келтириб туради. Чўлпоннинг адабий-танқидий мероси бу улуғ адиб шахсиятининг турли қирраларини, маданий савиясини, эътиқоди ва дунёқарашини ўрганишда, ижтимоий ҳаётнинг муҳим жиҳатларига унинг муносабатини аниқлашда, ижодий биографиясининг баъзи нукталарини тўлароқ ёритишда ҳам ғоят аҳамиятлидир. Биз меросни муайян тартибда ўрганиш натижасида Чўлпоннинг ғоявий-эстетик эволюцияси қандай кечгани ҳақида тасаввурга эга бўламиз, ҳатто “ижтимоий тузум ва истеъдод” деган муаммони қўйиб, совет воқелиги Чўлпоннинг санъаткор сифатидаги ўсишига қандай салбий таъсир этганини, бир санъаткор тақдири мисолида тоталитар тузумнинг чинакам истеъдодга қанчалик душман эканини тўлароқ тасаввур этишимиз мумкин.

Чўлпоннинг биринчи танқидий асари “Адабиёт надур?” деган мақола бўлиб, “Садои Туркистон” газетасида 1914 йил 4 июнь куни эълон қилинган. Бу мақола, умуман, Чўлпоннинг матбуот юзини кўрган илк асарларидан биридир. 16 яшар ўсмирнинг шунчалик тийрақлик билан қалам тебратганига қойил қолмай иложингиз йўқ. Фақат фавқулодда иқтидорга эга одамгина 16 ёшида тафаккурнинг бунчалик юқори поғоналарига кўтарилиши мумкин. Сарлавҳанинг ўзидан аён кўриниб турибдики, мақола жуда муҳим масалага бағишланган. Адабиёт адабиёт бўлгандан бери Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам не-не буюк истеъдод соҳиблари “Адабиёт, санъат надур? Унинг кимга кераги бор? Санъаткор ким? У жамият олдидан бурчдорми? Бурчдор бўлса, бу бурч нималардан иборат? Бурчдорлик билан ижод эркинлиги ўзаро қандай чиқишади?” каби муаммоларга рўпара келишган. Кўриниб турибдики, булар ижоднинг ҳаёт-мамот масалалари, ижодкор уларни лоақал ўзи учун ҳал қилмай туриб, эътиқод қилиб олса арзийдиган эстетик принципларни аниқламай туриб, самарали ижод қилолмайди. Лекин шунга қарамай, ҳануз адабиёт ва санъатнинг етакчи хоссаларини қамраб оладиган, ҳамма даврлар



учун барабар маъкул бўладиган универсал таъриф, мукамал жавоб топилгани йўқ. Буюк санъаткорларнинг жавобларида ҳам масаланинг айрим жиҳатларигина, адабиёт ва санъатнинг айрим хислатлари, айрим фазилатларигина ифодаланади.

Табиийки, Чўлпон ҳам адабиёт оламига қадам қўйиши биланок шу муаммога рўпара келди ва унга жавоб излашга мажбур бўлди. Шуниси диққатга сазоворки, Чўлпон ўз изланишларида ёлғиз эмас эди. Худди шу даврда бошқа ўзбек зиёлилари ҳам “адабиёт надур?” деган муаммога жавоб излаб анча уринишган. Масалан, кўконлик машхур маърифатпарвар “Ашъори нисвон” деган мажмуанинг муаллифи Иброҳим Даврон 1909 йилдаёқ “Туркистон вилояти газети”да “Шоирлиқ надур?” деган мақола эълон қилади. Ёки адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг таъкидлашича, 1914 йилда Мирмуҳсин Шермуҳаммад билан Саидахмад Васлий ўртасида адабиётнинг моҳияти, вазифалари ва жамият олдидаги бурчи тўғрисида баҳс-мунозара бўлган. Қолаверса, бундай изланиш фақат туркистонлик зиёлилар ўртасидагина содир бўлган эмас. Худди шу йилларда кўшни Қозоғистонда ҳам, Озарбойжон ёхуд татарлар юртлирида ҳам адабиётнинг моҳиятини излаш, унинг жамият ҳаётидаги, миллат равнақидаги аҳамиятини аниқлаш ҳаракати анча авж олган эди. Натижада “адабиёт надур?” деган мангу саволга турли минтақаларда бир-бирига яқин жавоблар пайдо бўла бошлаган эди. Озарбойжон адиблари Жалил Мамадқулзода ёхуд Абдурахим Ҳақвердиевларнинг, татар ёзувчилари Абдулла Тўқай ёхуд Олимжон Иброҳимовларнинг XX аср бошларида чоп этилган адабиёт ҳақидаги мақолалари фикримизнинг далили бўла олади. Ўз изланишлари оқибатида улар нақадар бир-бирига яқин хулосаларга келганини кўрсатиш учун бир конкрет мисолга мурожаат қиламан: таниқли козоқ журналисти, маърифатпарвар ва демократ М.Сералин ўзи муҳаррирлик қилган “Айқап” журнаlining 1922 йилдаги 1-сонида ёзади: “Тил ва адабиёт халқнинг қалби ва руҳидир... адабиётсиз халқ забонсиз боладай гап. Бундай бола бошқаларга ўзининг дарду



кувончларини гапириб беролмайди. Халкларни бир-бирига яқинлаштирадиган энг кучли восита тил ва адабиётдир. Ўз адабиётининг ҳақиқий кадр-қимматини билган халкларнинг фарзандларигина ўз тилини чинакам ардоқлай олади. Қозок халқининг ўз тили ва ўз адабиёти бор... бизнинг бурчимиз унутилиб ётган улкан хазиналарни юзага олиб чиқиш ва ҳаммининг мулкига айлантиришдир”.

Энди Чўлпонга муурожаат қилайлик. Ёш мунаққид “Адабиёт надур?” мақоласида, биринчи навбатда, адабиётнинг ижтимоий моҳияти тўғрисида фикр юритади. Унинг фикрича, адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, унинг маънавиятини таъминлайдиган омил; Чўлпон бу хулосанинг чин эканлигига шу қадар ишонганки, мақолада ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда “адабиёт яшаса – миллат яшар” дея тасдиқлайди: “Ҳа, тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора қирлар билан қирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса – миллат яшар. Адабиёти ўлмаган ва адабиётининг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб секин-секин инқироз бўлур”.

Бири Туркистонда, бири Қозоғистонда туриб, бир-биридан беҳабар икки муаллиф деярли бир хил тарзда адабиётнинг моҳияти, жамият ҳаётидаги, миллат раванқидаги аҳамияти тўғрисида фикр юритмоқда. Бундаги муштараклик тасодиф эмас, албатта. Бу шу билан изоҳланадики, ХХ аср бошларида Туркистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам улуғ Уйғониш шабадалари эса бошлаган эди. Туркистонда шу кезлари тарих майдонига кириб келган, кейинчалик “жадидлар” деб ном олган фикри очик, тараққийпарвар зиёлилар бу уйғонишни таъминлаган асосий куч бўлди. Улар мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон забун аҳволга тушиб қолганини, халқ вазоҳат ва нодонлик қўйнида, эрксизлик бўйинтуруғи остида иккиёқлама зулм исқанжалари остида қаттиқ эзилиб ётганини чуқур англадилар ва бундай ҳаётни ўзгартириш, янгилаш

зарурлиги ҳақидаги ғояларни олға сурдилар. Улар халқни маърифатли қилишни, савиясини кўтариб, оқ-қорани танийдиган қилишни янгиланишнинг бирламчи шarti деб билдилар ва шу олижаноб ниятни амалга ошириш учун фидойилик билан ишга киришдилар. Улар ҳар хил таъқиб ва тақиқларга қарамай, моддий қийинчиликларни енгиб мактаблар очдилар, дарсликлар яратдилар, газеталар чиқардилар, нашриётлар очиб, китоблар чоп этдилар, турли маданий-маърифий тўғараклар очдилар... Хуллас, қисқа муддат ичида жадидлар миллатнинг садоқатли ва фидокор фарзандлари сифатида танилди.

Чўлпон шу улуғ маърифатпарварлик ҳаракатининг қанотларида ижод майдонига кириб келди. У мустақил ўқиб-ўрганиш оқибатида ғоят юксак маданий савияга эга эди. Шарк классиклари, айниқса, турк ва хинд ёзувчиларининг асарлари билан, шунингдек, Оврўпа ва рус адабиёти билан пухта таниш эди. Шунинг учун 15-16 ёшларидаёқ маърифатпарварлик ғояларини қабул қилишга ҳар жиҳатдан тайёр эди. Шунинг учун Чўлпон ёшлигига қарамай, Туркистоннинг тақдири тўғрисида, миллатнинг истикболи ҳақида чуқур қайғуриш билан ўйлай бошлади. У ҳам жадидларга эргашиб, халқни жаҳолат ва нодонлик, эрксизлик ва қашшоқлик ботқоғидан қутқариб олишнинг бирдан-бир йўли маърифат деган эътиқодга келди. Миллатни раванак топтириш учун, биринчи навбатда, уни мустамлақа асоратидан халос этиш керак, бунинг учун эса халқ ўзини-ўзи таниган бўлмоғи, ҳаммани бирлаштирадиган, яқдил қиладиган миллий ифтихор туйғусига эга бўлмоғи керак. Чўлпон халқни шу даражага етказишга ёрдам берадиган имкониятлар, чора-тадбирлар излайди ва адабиёт уларнинг энг самаралисидир, деган тўхтамга келади. Шунинг учун ҳам ёш мунаққид комил ишонч билан ҳатто миллатнинг яшашини адабиётнинг яшашига боғлиқ қилиб қўйди. Эҳтимол, Чўлпон бу ерда бир оз эҳтиросга берилгандир, бир оз муболагага йўл қўйгандир, лекин ҳеч шубҳа йўқки, XX аср бошларидаги Туркистон шароитида “адабиёт яшаса – мил-





лат яшар” деган формула тўғри ва самарали формула эди. Мухими шундаки, адабиётга бундай қараш, уни халқ ҳаётини янгилашнинг муҳим воситаси деб ҳисоблаш Чўлпон ижодида шунчаки йўл-йўлакай айтилган бир фикр сифатида қолиб кетгани йўқ, балки унинг кейинги ижоди давомида доимий равишда раҳнамолик қилувчи дастуриламал бўлди. Чўлпон шу эътиқоддан келиб чиқиб, 20-йилларда янги никобга кириб олган мустамлакачиликни фош этди, халқ учун кишан ясовчи турли-туман тўралар ва афандиларни қоралади, хурликни, эркинликни куйловчи оташин шеърлар яратди. Кейинчалик эса халқ ҳаётининг турли қатламларини ҳаққоний акс эттирувчи роман ва драмалар яратиб, халқнинг маънавий улғайишига катта ҳисса қўшди.

“Адабиёт надур?” мақоласининг кишини лол қолдирадиган яна бир муҳим томони шундаки, 16 ёшли мунаққид адабиётнинг ижтимоий вазифасини таъкидлаш билан чекланмайди, балки унинг ўзига хос хусусиятига, яъни образлар табиатига алоҳида урғу беради. Ёш мунаққид учун адабиёт қуруқ ғоялар мажмуаси эмас, балки, биринчи навбатда, инсон руҳияти билан боғлиқ бўлган ходисадир. У одамларнинг шуррига эмас, ҳис-туйғуларига ҳам таъсир этиши, уларни қувонтириб ёхуд маҳзун аҳволга солиб, шу орқали ижтимоий бурчини ўташи зарур. Чўлпон бу фикрларни ўзига хос образларда бундай ифодалаган: “Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган мажруҳ ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурган, ўткир юрак қирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни артиб тозалайдурган булоқ суви бўлгонликдан бизга ғоят керакдур”.

Қадим-қадимлардан бери маълумки, бадиий асар чинакам санъат даражасига кўтарилмоғи учун унда ғоявийлик билан бадиийлик чамбарчас бирикиб кетган бўлмоғи керак. Бадиийсиз ғоявийлик адабиётни муқаррар ўлимга маҳкум этади-



ган рақ касалига ўхшайди. Адабиёт фақат бадиияти орқалигина, теран ҳаётий мазмунни, муҳим ҳаёт ҳақиқатини одамларни ҳаяжонлантирадиган, тўлкинлантирадиган бадиий шаклларда ифодаланидагина жамият эҳтиёжини қондира оладиган кудрат касб этади. Буни яхши англаган Чўлпон бадииятнинг моҳиятини ўзига хос тарзда шундай уқдиради: “...Баъзи вақтда фалак бир одамни қайғуга солар, ул ўзи тушуниб, ўйлаб туриб, оҳ тортиб йиғлар. Бу ҳасратларни ўз ичига сиғдирилмас. Бировга айтса, “вой бечора” дермукин деб, албатта, ўз қайғусини бировга айтмакка тилар. Туб тўғри айтганда ул қадар таъсир қилмас. Адабиёт ила айтганда, албатта, таъсир қилар. Менинг бир ошнамнинг ўлдиги хабари келар. Мен ҳеч хафаланмайман. Бир вақтда мактуб келар, мактубда аларнинг кўрган кунлари адабиёт ила бундай ёзилур:

*Гуллар билан пок қайғули маҳзун боқурди,  
Кўз ёшларимиз тўхтамай тун-кун оқурди.*

Мана шуни ўқиб, албатта, бир таъсир ила аларнинг қайғусига қўшилурмиз”.

Чўлпон адабиётнинг янги ғоявий мазмуни учунгина эмас, айни чоқда унинг юксак бадиияти учун ҳам курашганида, албатта, ўша даврдаги адабий жараённинг хусусиятига таянган. Маълумки, жадидлар XX аср бошларида маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган янги мазмундаги адабиёт яратдилар, аммо турли сабабларга кўра бу адабиёт ҳамма вақт ҳам юксак бадиият билан омухта бўлавермас эди. Шунинг учун бўлса керак, Чўлпон адабиётни санъатга яқинлаштириш имконларини излади ва бунга эришишнинг энг тўғри йўли ҳаққонийлик деган хулосага келди. Ҳаққонийликнинг илдизлари эса халқчилликда. Адиб ёхуд шоир халқ ҳаётининг ичида бўлмоғи керак ва бу ҳаётнинг ҳамма замзамаларини акс эттиришга интилиши керак. Эҳтимол, ёш Чўлпон бундай қарашларга стихияли тарзда келгандир, лекин нима бўлганда ҳам у “қалам аҳллари”ни халқ ҳаётига яқинроқ “аралашиб” юришга ундайди. “Адабиёт надур?”дан кейин ёзилган ва



“Садои Туркистон” газетасининг 1915 йил 6 февраль сонидачоқ этилган “Муҳтарам ёзғувчиларимизга” деган мурожаатномада Чўлпон шундай хитоб қилади: “Муҳтарам қалам аҳллари миллий маишатни ёмон деб безмай, зоҳирда бўлса ҳам тўйларда, гапхоналарда, баччабозлар мажлисида, базмларда ва шунга ўхшаш миллатнинг энг танқид қиладурган ўринларида бирга аралашиб юрмаклари керакдурки, токи комил ўша одатларни китоб саҳифаларида чиройлироқ қилиб ёзғундай бўлсунлар. Миллий маишатдан безган билан беэзилиб, кўмилиб кетаберадилар. Онда аралашиб юрулса, ондаги сўзларни, одатларни ўрганмокка имкон бўладурки, китоб бетларига кўчуриб ёзмокка материалларнинг энг асллари халқ орасидан олинур”.

Чўлпон инқилобдан кейин ҳам ўзининг эстетик принципларини шакллантириб борди. У кўпгина мақолаларида конкрет ижодкорлар мисолида ёки муайян асарлар таҳлили орқали реализмнинг турли-туман масалаларини ўртага қўйди. Жумладан, унинг мақолаларида талант ва ижодий меҳнат, ҳаётийлик ва ҳаққонийлик, самимият ва сунъийлик, матн устида ишлаш, бадиий тасвирнинг чинлиги ва рангдорлиги, табиат манзаралари ва психологизм каби масалалар қаламга олинган ва улар тўғрисида бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган қимматли фикрлар айтилган. Масалан, Чўлпон мақолаларидан бирида адабиётнинг “тугалланиши”, яъни такомиллашишига катта эътибор бериб, бунга “адабиётга кира олмаган нарсаларни шафқатсиз суратда майдондан ҳайдаш” билан ва бадиий асар тилини соддалаштириш орқали эришилар, деб ҳисоблайди. Чўлпон “Чиғатой гурунги”га мансуб одамлар худди шу йўлда фаолият кўрсатганини айтади. Маълумки, бизнинг “совет” адабиётшунослигимизда бу ташкилот ҳамини пантуркистик ташкилот, аксилинқилобийликни олдинга сурган гуруҳ сифатида қораланиб келинди. Бунинг натижасида биз бугун “Чиғатой гурунги” ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Бугунга келиб билганимиз шу бўлдики, “Чиғатой гурунги” ҳақида айтилган гапларнинг бари бўҳтон экан. Шунинг учун

Чўлпон мақоласидан олинган куйидаги парча шоирнинг чин адабиёт учун курашини кўрсатиш билан бирга, ўша тўғарак ҳақида қисман бўлса-да, маълумот беради: “...у жамиятга мансуб кишилар тилни соддалаштирмаслик мақсадини асос қилиб ушлаганлари ҳолда ўзбек адабиётининг тугалланишига ҳам катта аҳамият бердилар. Тугалланадурғон адабиёт чин адабиёт бўлмоғи керак. Шунинг учун улар адабий асарларга ҳақиқий кийматини бериб, адабиётга кира олмаган нарсаларни шафқатсиз сувратда майдондан ҳайдай бошладилар... “Чигатой гурунги” асосини маҳкам курғонлиги ва чинакам тўғри чизгонлиги учун ўзи йўқ кетса ҳам, ўзбекнинг янги адабиётида янги, порлоқ, шарафли саҳифалар очди ва очмоқда давом этадир”.

1918 йилда Чўлпоннинг ўзи ҳам “Чигатой гурунги” тўғарагининг фаол аъзоси бўлганини айтсак, “чин адабиёт” учун курашда унинг хизматлари аён бўлади. Албатта, бизнинг мақоламизда Чўлпоннинг ҳамма адабий-танқидий мақолаларини тилга олиб, уларда кўтарилган масалаларни батафсил шарҳлаб чиқиш имкони йўқ. Бироқ янги ўзбек адабиёти учун унинг изчил кураши ҳақида сўз борар экан, бир мақолани сира ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Бу “Улуғ хинди” деган мақола бўлиб, унда олға сурилган фикрлар ғоят принципиал қимматга эга.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йил 7-8-қўшма сонидида чоп этилган бу мақола бир қарашда жузъий масалага – буюк хинд шоири Робиндранат Тагор сиймосини тарғиб қилишга бағишлангандай кўринади. Бироқ аслида эса Чўлпон Тагор бахонасида ўзбек адабиётининг ривожини қай йўлдан бориши кераклиги ҳақидаги мулоҳазаларни баён қилади. Мақолада Тагор асарлари идеал даражасига кўтарилган чинакам санъат намуналари сифатида талқин қилинган. Хўш, Чўлпон Тагор ижодини қай жихатдан идеал ижод деб билади? Шуниси муҳимки, Чўлпон бу тўғрида фикр билдирар экан, фақат ўзбек адабиёти ёхуд ўзбек ёзувчиларинигина назарда тутмайди, балки умуман адабиётнинг XX аср бошларида янги адабиётга кириб келган Шарқ ёшларини назарда

Озод Ватан сарвати

тутади. Чўлпоннинг назарида, бу ёшлар “йўлсизлик” касалига чалинган. Қолаверса, Чўлпоннинг ўзи ҳам “йўлсизлик” дардидан кўп азият чекади. Нима учун? “Йўлсизлик” деганини қандай тушунмоқ керак? Чўлпон ёзади: “Эски адабиёт билан янги адабиётнинг ўртасида қолган шарқлик ёш чинакам чучмал бир вазиятдадир. Эски адабиёт бир ширин; янгиси яна ширин: ғарбники тагин яна ширин. Қайси биттасига кўпроқ берилсин?”

Афсуски, Чўлпон бу ўринда эски ва янги адабиётнинг “ширинлиги” нималарда ифодаланишини айтмайди, фақат мақола давомида ёшларнинг йўлсизлиги, “бошлаб ўзи йўлсиз” эканини айтиб, унинг моҳияти нимадалигига ишора қилади: “Ўзимнинг йўлсизлигимдан бир оз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил... Кўнгил бошқа нарса қидирадир. Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулкунбойларни ўқийман: қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёлғон чироклар бўлса ҳам, менинг эртам учун! Авлоний, Таваллю, Сиддиқий ва Ҳакимзодаларни ўқимайман, ўқимайман. Мана шу ҳолга солғон ўшалар!..” Бу парчада Чўлпон ўзбек намоёндаларининг номларини тилга оляпти, уларнинг ижодида бир хиллик борлигидан, баъзиларида эса бундан ҳам жиддийроқ нуксонлар борлигидан зорланяпти. Шу парчага қараб туриб Чўлпоннинг ўзбек классикларига салбий муносабати ёхуд менсимай қарагани ҳақида гапириш мумкинми? Афсуски, мен Чўлпон ҳақидаги рисоламда шунга яқинроқ гапни айтганман ва классикларимизни ўзимча Чўлпондан ҳимоя қилмоқчи, Чўлпоннинг ўзини ҳам ўз мақоласидан ҳимоя қилмоқчи бўлганман. Мана ўша парча: “Ўйлайманки, бугун Чўлпоннинг бу хулосаси билан унчалик келишиб бўлмайди – классикларимизнинг ҳар қайсиси ўзига хос қиёфага, бир-бириникидан фарқ қилувчи услубга эга экан, оламни идрок этадилар ва олам ҳақидаги қарашлари билан ҳам, эстетик принциплари жихатидан ҳам бир-бирларини такрорламасликлари исбот қилинди. Лекин Чўлпон уларни “бир хил, бир хил, бир хил!” деб баҳолаётган экан, бунда Шарқ шеърятининг ўзига хос баъзи сифатларини назарда тутаётган бўлиши мумкин”.

Гап шундаки, Чўлпон бу мақолада фақат ўзбек адабиёти ҳақидагина мулоҳаза юритаётгани йўқ, балки у Шарқ адабиётидан ҳам, Ғарб адабиётидан ҳам кўнгли унча тўлмаслигини айтяпти, бу адабиётлар ё “ортиқча шарқлилиги” ёхуд “ортиқча ғарблилиги” билан таассуф туғдиришини изҳор қиляпти. “Тўқайдан тортиб Қави Нажмийгача – татар адабиёти, Ходидан тортиб Ҳ.Жовидгача – озарбойжон адабиётини (Ҳусайн Жовидни ажратиб олиб қолдим!), Номик Камолдан Али Сайфийга доғур Усмонли адабиётини ўқийман: ё ортиқча янгилик, ғарблилик ё ортиқча шарқлилик, фақат усмонличадан Ризо Тавфиқнинг баъзи бир янги шакл билан эски руҳда айтган сўфийларча шеърятини ўқийман, шуларга дурустгина қоникаман. Ундан кейин Яхё Камолнинг “Сайдобод” руҳида баъзи нарсалари. Фақат улар шу қадар озки...”

Савол туғилади: нима учун Чўлпон бирварақайига ҳам ўзбек, ҳам татар, ҳам озарбойжон, ҳам турк адабиётларининг намуналаридан қоникмаслик туйғуларини намоён этяпти? Менимча, бунинг бирдан-бир сабаби шундаки, Чўлпон Уйғониш даврининг одами бўлгани учун адабиётнинг ҳам янги-ча бўлишини хоҳлаган. Янги адабиёт уйғониш даврининг моҳиятига мос келадиган, халқ ҳаётига яқинроқ турадиган адабиёт бўлмоғи керак. Ортиқча “шарқлиликка” ёки ортиқча “ғарблиликка” берилган адабиёт эса бу талабларга жавоб беролмайди. Хўш, нима қилмоқ керак? Адабиётни, “ширинликдан”, “бир хилликдан” қутултиришнинг йўли қанақа бўлади? Чўлпон бу саволларнинг жавобини Тагор ижодидан излайди. Мунаққид Тагор асарларини ўқиб, “улардан қонганини” маълум қилар экан, бунинг асосий боиси деб Тагорнинг “Шарқ ва Ғарб ўртасидаги олтин кўприк” эканини айтади. Дарҳақиқат, Тагор ижоди тўлалигича Ҳиндистон заминида ўсиб-улғайган бўлса-да, бетакрор миллий рангларга эга бўлса-да, бу ижод миллий маҳдудликдан узок. У ўз ижодида ҳам миллий, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб анъаналарини бирлаштирди. Унинг шеърятини ва романларида Шарққа хос шартлилик, кўтаринкилик, донишмандлик ҳам, Ғарбга хос психологизм, характерлар





мантиғига амал қилиш, далиллаш ҳам бор. Бунинг оқибатида у ҳинд халқининг ҳаётини шундай тасвирладики, бу тасвир бутун жаҳон китобхонига – унинг миллати ва яшаш жойидан қатъи назар – баравар таъсир қиладиган кучга эга бўлди. Юк-сак бадиият билан таҳлил қилинган умумбашарий муаммолар Тагор асарларига алоҳида теранлик ва ўзига хос фалсафийлик бахш этдики, худди шу сифатлар уларни Чўлпон учун бағоят жозибадор қилди.

“Улуғ ҳинди” мақоласида Чўлпон Тагордан олинган сабоқ сифатида яна бир масалани қўйди. Шу муносабат билан юқоридаги мақолада келтирилган матн парчасидан бир нуқтага диққатни жалб қилмоқчиман. Чўлпон бошқаларга қараганда Авлоний, Тавалло, Сиддиқий ва Ҳамза Ҳакимзода шаънига кескинроқ оҳангда гапиради, “Мени шу ҳолга солган”, “яъни “йўлсизликка” мубтало қилганлар “Ўшалар” деб, бир марта эмас, икки марта уларни “Ўқимайман, ўқимайман” деб таъкидлайди. Афсуски, бизнинг ўзбек “совет” адабиётшунослигида Чўлпоннинг бу мулоҳазаси ҳам илмий асосда ҳолисона таҳлил қилиниш ўрнига унга сиёсий айблар такаш учун яна бир баҳона бўлди. Ҳатто “жиддий адабиётшунослардан бири” сифатида танилган Иззат Султон ҳам шу “далил” асосида Чўлпонни айблашдан тийина олмайди. “Бу ерда совет воқелигини сўзсиз ва изчил қабул қилган шоирларга салбий баҳо берганлиги (афтидан, Ҳамза ва Авлоний назарда тутиляпти. Унда Тавалло ва Сиддиқий нима бўлади? – О.Ш). Чўлпон “йўлсизлиги”нинг маъносини очиб беради: у ҳали шоир сифатида янги воқеликни тушунишга ва мадҳ этишга тайёр эмас”.

Чўлпоннинг адабиётдаги “йўлсизлик”дан қутулиш йўллари ни излагани тўсатдан қаттақон сиёсий айбга айланиб қолган. Ҳолбуки, Чўлпоннинг мақоласида на совет воқелиги, на инқилоб ҳақида гап кетаётгани; айрим шоирлар ҳақида кескинроқ руҳда гапириладиган экан, буни Чўлпон уларнинг инқилобни “сўзсиз” қабул қилганлиги учун эмас, бошқа сабаблар туфайли қиляпти. Маълумки, жадидлар адабиётдан жа-



миятни янгилаш жараёнида муҳим курул сифатида фойдаланишган. Аммо айрим жаид ёзувчиларининг ижодида ғоялар тарғиботига кўпроқ эътибор берилиб, бадиият масалалари кейинги ўринларга тушиб қолган эди. Натижада санъатнинг энг муҳим шартларидан бири бўлмиш мазмун билан шакл бирлигига путур ета бошлаган, ғоявийлик бадиият ҳисобига устувор ўрин эгаллай бошлаган эди. Бу нуқсон нафақат Ҳамза, Сиддикий ёхуд Авлоний асарларида, ҳатто жаидчилик ҳаракатининг энг йирик сиймоси Маҳмудхўжа Бехбудий ижодида ҳам кўзга ташланади. Афтидан, Чўлпон бу ҳодисани жуда чуқур ҳис қилган, унинг хавфини жуда аниқ англаган ва мақолаларида бунга қарши оғохлантирган. Унинг айрим асарларни “ўқимайман” деб зорланишининг асосий сабаби ҳам шунда – бу асарларда ғояга урғу берилган-у, бадиият оқсаб қолган.

Шундай қилиб, Чўлпоннинг 20-йиллардаги бир қанча мақолаларида тилга олинган ва “Улуғ ҳинди”да анча тўлиқ ифодаланган масала – янги ўзбек адабиётини яратиш масаласи эди. Чўлпоннинг назарида бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун Тағордек буюк санъаткорлар тажрибасидан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарб санъатларини синтез қилмоқ ва мазмун билан шаклнинг уйғунлигига эришмоқ керак, зинҳор-базинҳор санъатнинг қуруқ ғоялар мажмуасига айланиб қолишига йўл қўймаслик зарур.

Афсуски, 20-йилларда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам Чўлпоннинг бу хитоби ҳеч кимнинг қулоғига етиб боргани йўқ. Чунки совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган адабий сиёсат – чинакам санъат намуналарини яратишдан кўра ёзувчиларни ҳукмрон мафқуранинг содиқ солдатларига айлантиришга ҳаракат қилган эди. Ёзувчи ўз ёғига ўзи қоврилиб, минг хил ижод изтиробларини кечириб, матн устида жон куйдириб ишлаб ўтириши шарт бўлмай қолганди – у “долзарб” мавзунини танласа, илғор ишчи ё садоқатли коммунистни қаҳрамон қилиб олса, халқлар дўстлигини улуғлаб, улуғ мадҳиялар ўқиса, “ҳаётимиз фаровон, келажакимиз



порлок, партияга минг раҳмат!” деган гапларни айтса кифоя эди. Бундай асар, бадий савиясидан қатъи назар, ҳақиқий адабиёт деб баҳоланар, ортиқча тўсиқларсиз чоп этилар, бошқа тилларга таржима қилинар, ҳар хил мукофотлару ун-вонлар билан рағбатлантирилар эди. Бу сиёсат муқаррар равишда адабиётда “схематизм” деган даҳшатли иллатни туғдирди, ҳақиқий истеъдод эгаларини кадрсизлантирди, ўртамиёначиликка кенг йўл очди, санъат бобида талантсиз, лекин иғволарга, фисқу фасодларга, хушомад ва лаганбардорликка, замонага мослашишга устаси фаранглар, нафси учун виждонини сотишга тайёр одамлар сув бетидаги кўпикдек қалқиб юришига имкон яратди. Афсуски, бу ғайритабиий, тескари ҳодисанинг оқавалари ҳозирги кунга қадар ҳам сиркиб ётибти. Чўлпоннинг зорланишларига ва огоҳлантиришларига эътибор бериб, ўша маҳалдаёқ бу ҳодисанинг олди олинганда, эҳтимол, аҳвол бошқача бўлиши мумкин эди, ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам ҳозиргидан кўпроқ даражада жаҳон миқёсида тан олинган ва танилган бўлармиди? Нима бўлганда ҳам, бизни ғоят қувонтирадиган жойи шундаки, шоир ва драматург, носир ва публицист Чўлпон танқидчилик билан ҳам жиддий шуғулланиб, бугун ҳам қимматини йўқотмаган асарларни мерос қолдирган. Унинг мақолалари бу улуғ инсоннинг чинакам халқ фарзанди бўлганини, миллат равнақи йўлида астойдил қайғуриб чолишганини, ўзбек адабиётининг том маънодаги юксак адабиёт бўлиши учун қимматли фикрлар баён қилганини кўрсатади. Чўлпон бу фикрларни баён қилиш билан, янги адабиёт яратиш йўлидаги мулоҳазаларини ўртага ташлаш билан чеклангани йўқ, балки ўзининг амалий ижодида бу эътиқодларга амал қилиб, ўзи ҳам “Ғарб ва Шарқ ўртасида олтин кўприк” бўладиган асарлар яратди...

Чўлпонда миллий ифтихор туйғуси шу қадар ўткирки, у бирон ўринда миллат шаънига айтилган таҳқирли гапларни назардан қочирмайди. Биринчи қарашда, бундай таъналар ёхуд пичинглар ҳар қанча арзимас кўринмасин, Чўлпон улар ҳақида ўз мулоҳазаларини айтади ва яра газак олишининг ол-

дини олгандай бўлади. Бир мисол келтирайлик. Чўлпоннинг 1924 йилда ёзилган ва “Фарғона” газетасида босилган бир мақоласи бор. “Қаламнинг тойилиши” деб аталган бу мақола адабий-танқидий мақола эмас, бироқ у Чўлпоннинг ўз халқининг миллий туйғуларини, шаънини нечоғли сезгирлик ва хушёрлик билан ҳимоя қилганини яхши кўрсатади. Мақоланинг ёзилишига сабаб бўлган воқеа шуки, Москвада Главхлопком деган ташкилот пахта ҳақида китоб чиқарибдида, унда “русский хлопок” деган ибора қўллабди. Тошкентда чиқадиغان “Туркестанская правда” газетасида эса бир мақолада “Русский Памир” деб ишлатилибди, шунга ўхшаш биринчи қарашда ғайримантикий кўринган, аслида баъзи бир шовинистларнинг ўзбек халқига менсимай қараши, Туркистонга отасидан қолган мулкидай муносабатда бўлишини ифодаловчи иборалар Чўлпонни қаттиқ ғазаблантиради. “Русский хлопок” дейиш мумкин бўлса, нима учун “Русский Туркестан” дейиш мумкин бўлмасин?” дея истехзо билан сўрайди Чўлпон ва мақола давомида рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсатини оқлашга уринувчиларни қаттиқ фош қилади. Чўлпон ўз мақоласида Туркистон иқтисодий шўроси чиқарган “Статистическое ежегодник”дан куйидаги парчани келтиради: “Туркистонни олган рус подшолари уни мустамлака қилмоқ учун муайян режа билан иқтисодий зарурат орқасида олғонлари йўқ. Халқи Россияга чегарадош бўлгон қабилалар рус савдо қарвонларини талаб, ҳадеб бесаранжом қила бергандан кейин, шуларни босамиз деб айланишиб келиб қолгон”. Чўлпон чоризмнинг бунақа ҳимоячиларини фош қилар экан, Туркистоннинг мустамлака бўлганини Октябрь идеологлари ҳам тан олганини эслатиб ўтади.

Чўлпон бошқа масалаларда ҳам, жумладан, маданият борасида ҳам халққа ўринсиз таъналар қилувчи, асоссиз равишда унинг “нодон”лиги ёки “маданиятсиз”лигини пеш қилувчи одамларни ҳам танқид қилади. Бунда ҳам Чўлпон учун арзимидайдиган гап йўқ, у йўл-йўлакай айтилган гап-сўзларга жавоб беришни ҳам бурчи деб билади. 20-йилларда ҳам баъзи

спектаклларга томошабин кам қатнаган кўринади. Шу сабабдан бўлса керак, “халқ театрга юрмайди” деган гап тарқалиб, айбни маданий савиянинг пастлигига йўймокчи бўладилар. Чўлпон бунга кескин жавоб беради: “Халқ театрга юрмайди” деган гап тўғри эмас. Халқ юрадир. Лекин театр-томоша исмида бўлатурғон кўғирчоқ ўйинларига, ўз руҳига ёт бўлган, унга англашилмай турган таржималик “ғарбий” асарларга юрмаса ҳақи бордир. Йўқ эса, ўзини қизиқтирадиган заминларда ёзилган ва яхши ўйналатурғон томошаларга халқ юрадир”.

Чўлпоннинг миллатпарастлиги, миллий ифтихор туйғусининг ўткирлиги унга маданият, санъат, адабиёт ходимларини объектив баҳолашга халақит берган эмас. Керак ўринларда Чўлпон маданий сиёсат бобидаги нуқсонларни кескин танқид ҳам қилган, халқ турмушидаги, урф-одатларидаги, дидидаги кемтикларни очик айтишдан ҳам сира тортинган эмас. Демак, Чўлпоннинг 20-йиллардаги мақолаларида намоён бўладиган миллатпарастлиги шунчаки ғайришуурий, стихияли, “биологик” туйғу бўлган эмас. Ундаги миллий ифтихор туйғуси реал замин асосида шаклланган туйғу ва у ўз навбатида Чўлпоннинг байналмилалчилигига қанот бўлган...

Чўлпон ҳам бошқа истеъдод соҳиблари каби совет ҳокимияти йилларида тўрға илинган балиқдай ҳукмрон мафкура домига илиниб, ундан кутулиш илинжида тахликада типирчилаб яшашга мажбур бўлган. Айниқса, большевиклар тузуми мурватларни қаттиқроқ бураганда, тизгинлар қаттиқ тортилганда чўлпонлар омон қолмоқ учун замона зайлига қараб иш юритишга мажбур бўлган. Агар 20-йилларнинг бошларида ҳали адабиёт ва санъат соҳасида нисбатан жиндай эркинлик мавжуд бўлган бўлса, ҳали адабиётда бир-биридан фарқ қилувчи оқимлар яшаётган ва улар бир-биридан фарқ қилувчи ғояларни олға сураётган бўлса, 20-йилларнинг иккинчи ярмида жиндай-жиндай тоза ҳаво кириб турган тешиклар батамом ёпиб ташланади. Айниқса, РКП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 18 июнь қароридан кейин “пролетар адабиётининг гегемонлиги” учун кураш жуда қизғин тус

олди. Бунинг окибатида ижодда ҳар қандай эркинликка чек қўйилди. Янги пайдо бўлган РАПШ ташкилоти ҳам ўзининг вульгар социологик қарашлари билан ҳукмрон мафкуранинг тегирмонига сув қуйди. “Мафкуравий соғломлик учун”, “Ёт мафкураларга қарши кураш” шиори остида адабиётдаги ва санъатдаги ҳар бир мустақил куч, ҳар бир йилт этган истеъдод эгаси шафқатсиз тазйиқ остига олина бошлади. Бунга бўй бермаган, бўлар-бўлмас ривоятларни, ёлғон-яшиқ афсоналарни қабул қилмаган адабиётчилар боши устида эса ҳеч муболағасиз ўлим хавфи қанот ёза бошлади. Ҳукмрон мафкура ўз ақидаларини НКВД, ГПУлар орқали зўрлик билан ўтказга бошлади. Бундай шароитда ҳар қандай ижодкор ҳам табиий равишда жонини сақлаб қолиш йўлларини қидира бошлайди. Баъзилар кўпроқ, баъзилар камроқ даражада замонасозликка ўтади. Шулар қаторида Чўлпон ҳам бор эди. Хўш, бунинг учун Чўлпонни қоралаш мумкинми? Нега у мардона равишда ўзини ўққа тутиб бермади? – дея унга таъна қилиш мумкинми? Менимча, йўқ. Чунки ўз-ўзини сақлаш инстинкти – инсоният табиатида, қонида, шуурининг аллақайси пинҳона пучмоқларида бор. Ҳар қандай одам ҳам хатарга, ўлим хавфига дуч келганда, ҳатто истамаса ҳам, ҳимояланиш, ўзини асраш йўлига ўтади. Ижодкор одам ҳам бундан мустасно эмас. Буни ўз эътиқодидан чекиниш деб қараш керак эмас. Чўлпон эътиқодидан чекинган йўқ. Аввало, шуни айтиш керакки, мустабидлик тузуми авж олиб, ҳукмрон мафкуранинг хуружлари кучайган сари, айниқса, 30-йилларнинг бошидан бошлаб, адабиётда “Совет воқелигини мадҳ этиш, партиянинг раҳбарлик ролини улуғлаш, доҳий образини яратиш” деганга ўхшаган ҳодисалар жуда кенг қулоч ёйди. Бу йўлга кирмаган шоиру ёзувчилар очикдан-очик аксилинқилобчи, миллатчи шоирлар сифатида қараларди. Буни қарангки, Чўлпон бутун ижоди давомида биронта шеърда Сталиннинг номини тилга олмади, ҳатто бир неча йил қантаргач, созини яна қўлга олиб, яъни “Совет позицияси”га ўтиб ёзган шеърларида ҳам бундай қилмади. Тўғри, “Соз” тўпламига кирган шеърлар ичида

“Ғоявий” шеърлар ҳам бор – уларнинг айримлари инкилобга, партия курултойига, янги ҳаётга бағишланган. Бирок улар бадий жихатдан Чўлпоннинг асл шеърларидан заифроқ бўлсалар-да, ошкора хушомаддан ёхуд ҳамду санодан узок шеърлар. Афтидан, Чўлпон битта яхши шеърини яратиш учун ўша шароитда ҳукмрон мафкурага жиндай ён бериб, икки-учта “Ғоявий шеърлар” битган кўринади. Унинг адабий-танкидий мақолалари ҳам шунақа. Фақат, баъзи мақолаларидагина, юқорида кўрганимиздек, у ҳукмрон мафкуранинг баъзи бир “қўшиқлари”ни куйлаган бўлса эҳтимол. Бунинг учун Чўлпонни қоралаш, меросининг айрим қисмидан воз кечиш мумкин эмас...

Чўлпоннинг адабий-танкидий мероси эндигина ўрганила бошланди. Ҳозирча шу нарса аён бўлдики, бу мероснинг жуда зўр фазилатлари ҳам, ўзига яраша қусурлари ҳам бор. Уларда Чўлпон босиб ўтган мураккаб йўл муҳрланиб қолган. Бу мерос ўзининг жамики фазилатлари ва қусурлари билан адабий тафаккуримиз тарихининг қимматли саҳифасини ташкил қилади.



**Иззат  
СУЛТОН**  
(1910 – 2001)

---

**БАХОВУДДИН НАҚШБАНД АБАДИЯТИ**

Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти (нақшбандия тарикати)-нинг мазмуни ва хусусиятларини аниқлашга киришар эканмиз, биз бир нарсага эътибор бермасдан қололмаймиз: Навоий асаридан маълум бўладики, ҳар бир тарикат (шу жумладан, нақшбандия) икки қатламдан иборат. Биринчи қатлам (уни “ташки қатлам” деса бўлади) таълимотни тарикатдаги бошқа таълимотлар билан бирлаштирган хусусиятлардир. Иккинчи (“ички”) қатлам – ҳар тарикатнинг ўзига хос хусусиятларидан иборат. Алишер Навоий “Насойим...” да аввал тарикатларнинг ҳаммасига хос хусусиятларни тавсифлайди. Навоий машойих ва авлиёнинг пайғамбар таълимоти тарғиботчилари сифатидаги фаолиятига баҳо бергандан сўнг “Бу тоифанинг (яъни машойих ва авлиёнинг – И.С.) аъмол ва афъол ва муомилот ва риёзатидин баъзисини зикр қилмоқ” сарлавҳаси билан махсус боб очади. Бу бобда айтилганларнинг ҳаммаси, шубҳасизки, Нақшбанд ва унинг таълимотига ҳам алоқадордир. Нарироқда Навоий Шайх Увайс Қаронийдан бошлаб, энг машҳур шайхлар (шу жумладан, Нақшбанд) ҳақида қисқача маълумотлар



беради. Бу – тариқатдаги (шу жумладан, Накшбанд таълимотидаги) иккинчи (“ички”) қатлам бўлиб, у ҳар бир йирик арбобнинг тариқатга қўшган ҳиссасини ва таълимотининг ўзига хослигини ёритади.

Накшбандия тариқатининг мазмуни ва хусусиятларини билиш учун биз бу ҳар икки қатламни эътиборга олишимиз керак. Зеро, “Насойим...”ни бу хилда тузишда унинг муаллифлари (Жомий ва Навоий) тарихий ҳақиқатга қатъий риоя этадилар: ҳақиқатан ҳам тариқат бир неча авлодларнинг энг яхши вакилларининг биргалашиб яратган хазинасидир. Бу ҳақиқатни “Рашаҳот” муаллифи ўн бешинчи асрнинг буюк накшбандийси Хожа Аҳроф фаолияти муносабати билан айтилган (ва накшбандия тариқатининг чуқур ва кенг томирларидан гувоҳлик берувчи) қуйидаги сўзлар билан тасдиқ этади: “Махфий қолмасунким, Ҳазрати эшон (яъни Хожа Аҳроф – И.С.) зикр ва нисбат таълимини ва хожагон тариқаларини Мавлоно Яъқуб Чархийдин олдилар ва алар Хожа Баҳовуддин Накшбанддин ва алар Хожа Муҳаммад Бобойи Симосийдин ва алар Хожа Али Ромитанийдин ва алар Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдин ва алар Ориф Ревгарийдин ва алар Абдуҳолик Гиждувонийдинким, сарҳалқаи силсилаи хожагон турурлар ва алар Хожа Юсуф Ҳамадонийдин (олдилар)”.

Тариқат йўлига кирган ҳар бир кишининг фаолияти ва ҳаёти бошқа оддий кишиларнинг ҳаётидан нима билан фарқ этишини Навоий “бу тоифанинг” тақдири ва ахлоқий киефасидаги хусусиятларни санаб чиқиш ва тушунтириб беришдан бошлайди. Бу хусусиятларнинг биринчиси – тавбадир. Навоий ёзади: “Буларнинг аввал ишлари тавбадурким, Ҳақ субҳонаху ва таоло барча мунхий ишлардан аларга ижтиноб каромат қилғай”, яъни Аллоҳ бундай кишиларга шариатга хилоф, нопок ишлардан ўзини тортиш ҳақида ишора беради.

Гап мусулмонлик ҳақида бораётгани учун (шубҳасизки, тариқат мусулмонликнинг бир соҳасидир) бу ерда, биринчи навбатда, имоннинг тилга олинишини кутиш мантиқан тўғри бўлар эди, Навоий эса тариқатнинг талабларини санаб чиқар экан, биринчи ўринда тавбани тилга олади.



Тавба нима? Одам қандайдир бир лаҳзада ўзининг яшаш тарзи Оллоҳнинг талабларига мувофиқ эмаслигини тушунади. Унинг олдида тавба қилади ва янгича, яъни тариқатнинг талабларига мувофиқ яшай бошлайди. Бу лаҳзада, Навоий фикрича, одамнинг ўз ҳаёти тарзини ўзгартириб, янгича яшай бошлаши зарурлиги ҳақида илоҳий бир ишора бўлади (ижтиноб каромат қилгай).

“Насойим...”нинг бу жойида Навоий тавбанинг айрим шайх ва авлиё ҳаётида қандай зоҳир бўлгани ҳақида мисоллар келтириб ўтирмайди. Аммо айрим буюк шахслар ҳақида гап борганда, Навоий баъзан тавба жараёнининг қандай кечганини тасвирлайди.

Тавбанинг қайси маънода эканини биз, масалан, Фаридиддин Атторнинг “тавбаларининг сабаби” ҳақида Навоий томонидан келтирилган маълумотдан тушуниб оламиз. Кейинроқ машҳур шайхлик даражасига кўтарилган ва ўзи ҳам кейинроқ машойих ва авлиёлар ҳақидаги “Тазкират ул-авлиё” китобини ёзган Аттор савдогарлик қилар эди. Бир куни у дўконида ўтирганда олдида бир дарвиш келади ва сўрайди: “Эй хожа, сен қандай ўласан?” Аттор айтибди: “Сен қандай ўласан, мен ҳам шундай ўламан”. Дарвиш эътироз этибди: “Йўқ, сен мендек ўлолмассан”. Аттор сўрабди: “Нечук?” Бунга жавобан дарвиш “мана бундоғ”, дебди-да, “аёғин боши устига кўюбдур ва жонни Ҳаққа таслим қилибтур”. Бу – “сен Оллоҳ йўлида жон беришга ҳар лаҳзада тайёр эмассан” деган таъна эди. Шунда Аттор ўзини аллақандай, ғайритабиий рухий ҳолатда сезибди (“Аларнинг ҳоли мутағаййир бўлибтур”). Бу ходисани ўз ҳаёти тарзини ўзгартириши зарурлигига илоҳий ишора деб билиб, Аттор дўкон ва бутун бойлигидан кечиб, тариқат йўлига киришга қасд этади.

Тариқатдаги тавба, кўпинча, буюк шахснинг ўзининг ҳаётдаги миссияси (муқаддас вазифаси) ва олий ўрни ҳақида Оллоҳдан ғайриоддий бир воқеа воситаси билан дарак топиши жараёнидир. Баҳовуддин Накшбанд ҳақида Навоийдан юз йил аввал ёзилган “Мақомот”да ҳикоя этилган ва “Насойим...”да





такрорланган воқеа куйидагичадир: Муҳаммад (Нақшбанд) нинг ёшлик чоғи эди. Уни бир куни кечкурун аллақандай изтироб босди. Бу ҳолатдан кутулиш учун у Бухоро атрофидаги қабристонга борди ва уч мазорни зиёрат этди. Учала мазор устида шам ёнар, аммо чироғларнинг идиши ёғга тўла ва фатила (пилик)лар ёғ ичида бўлса ҳам, шамлар хира ёнар эди. “Сўнгги мутабаррок мазор” деворга тикилиб ўйга ботган Муҳаммад Бобойини бу одамлар орасида кўриб, ўзининг рухлар қошида турганини тушунади. Тахт атрофидагилардан бири унга бу тахт Хожа Абдулхоликники эканини айтади. Тахт атрофидагилар Муҳаммадга яна дейдилар: “Қулоқ сол ва яхши эшитки, улуғ хожа ҳазратлари сенга сўзлар айтгусидурларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўли сулукида сенга андин чора йўқтур”. Нақшбанд ҳикояни давом эттиради: “Ул жамоятдин илтимос қилдимки, ҳазрат Хожага салом қилай ва муборак дийдорлариға мушарраф бўлай”. Тахт устидаги парда очилади ва Муҳаммад Абдулхолик Ғиждувонийнинг нуроний киёфасини кўриб, мафтун бўлади. Буюк шайх унга тариқатнинг кўп масалаларини тушунтиради ва дейди: “Сен кўрган шамлар сенинг тариқат йўлидаги қобилият ва истеъдодингдан ишора ва башоратдир”. “Аммо истеъдод фатиласини ҳаракатга келтирмак керак, то ёруғай ва асрор зухур қилғай” (илоҳий сирлар очилғай). Шундай қилиб, буюк шайх ёш муридга тариқатнинг хираланиб қолган чироғларини янгидан ёқиб, оламни илоҳий нурлар билан тўлдириш вазифаси Оллоҳ томонидан унинг зиммасига юкланганидан башорат беради. Нақшбандия тариқати асоскорининг фаол ҳаёти ана шу тавбадан бошланади.

Шу ерда Баҳовуддин Нақшбанднинг бошқа шайхлардан бир афзалиятини қайд этиб ўтиш керак. Нақшбанд увайсийдир. Навойининг тушунтиришича, агар шайхнинг пири маълум бўлмаса ва “машойихдин бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, ани увайсий дерлар”. Биз кўрдикки, Нақшбандга Абдулхолик Ғиждувоний бевосита эмас, билвосита пирдир. Увайсий шайхларга ҳурмат айрича, катта эди. “Насойим...”да



буюк шайхлар рўйхати худди шу Увайс Қаронийдан бошла-  
ниши тасодиф эмас, албатта.

Навоий тариқат асоскорларининг хусусиятлари ва тари-  
катнинг талабларини синаш ва тавсифлашни давом этти-  
рар экан, булар қаторида иккинчи ўринни “луқма ҳиллия-  
ти” (ҳалол меҳнат билан топилган таом ҳисобига яшаш)га  
беради: “андин сўнгра (яъни тавбадан кейин – И.С.) луқма  
ҳиллиятиким, ул бобда улча мумкиндур, саъи қилурлар”. На-  
воий Қуръони каримдан “қосиб Оллоҳнинг дўстидур” деган  
оятни келтиради ва машойих шу илоҳий талабга биноан бир-  
рор касбнинг эгаси бўлганини, яъни ўз ҳаётини ҳалол луқма  
ҳисобига таъмин этганини уқтиради. Навоий ислом оламида  
алоҳида обрўга эга бўлган икки шайхдан – Абу Саид Харроз  
ва Хожа Абдуллоҳ Ансорийдан бошлаб, уларнинг маълум  
қасб эгалари бўлганини (“алар этук тикарга мансубдурлар”)  
алоҳида, жуда ҳам маъқулловчи оҳангда таъкидлайди. Наво-  
ий яна ёзади: “Ва Шайх Муҳаммад Саккокийким, ўз замона  
машойихининг яғонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдур. Ва  
шайх Абу Ҳафз Ҳаддод темурчилик қилибтур. Ва шайх Абу-  
бакр Ҳаббоз ўтмоқчиликда (новвойликда – И.С.) машҳурдур.  
Ва шайх Аббос Омилийким, ўз замонининг қутби ва ғавси эр-  
миш ва султони тариқат Шайх Абусаид Абулхайрнинг хирка  
пири эрмиш, қассоблик қилибтур. Ва шайх Иброҳим Ожарий  
хишт улабтурлар. Ва Мирчаи Сафолфурушким, Хуросон эли-  
нинг пири эрмиш, дошгарлик қилибтурлар. Ва шайх Банон  
ҳаммол ва Шайх Абулҳасан нажжорликка машҳурдурлар”. Бу  
хунар эгалари қаторини Навоий Баҳовуддин Нақшбанднинг  
тавсифи билан безайди: “ва мутааххир машойихдин замон-  
нинг яғонаси ҳазрати Хожа Баҳовуддин Нақшбандки, кимхо  
нақшини боғламоққа машҳурдурлар”.

Навоий луқма ҳалоллигига оид узун рўйхат ва батафсил  
тушунтириш билан қаноатланмай, яна бу мавзуга қайтиб, кўп  
кўзга кўринган тариқат арбобларининг ҳатто ўтин ташишдек  
машаққатдан ҳам қайтмаганини айтади ва кўшимча қилади:  
ҳалол луқма ҳамма учун мажбурийдир, Оллоҳни таниш ва



бошқа фазилатлар шундан бошланади. Аксинча, “шубҳали лукма” (яъни ҳалоллиги аниқ бўлмаган овқат) жуда кўп машаққатлар келтиради. Ҳаром лукмадан келадиган балоларни даф этиш имкони маълум эмас.

Табиийки, лукмаи ҳалол (ёки лукма хиллияти) коидасига риоя этиш Баҳовуддин Нақшбандга ёшлигиданок одат эди. Биз Нақшбанд ҳақидаги илк “Мақомот”да ўқиймиз: “Ҳалолликни талаб этишда ва шубҳот (шубҳали овқат)дан сақланиш масаласида, айниқса, лукма борасида у қаттиқ талаблар кўяр эди (“муболаға менамуданд”). Нақшбанд Сарҳасда бўлганида чопар келиб, подшоҳ уни Ҳиротга таклиф этаётганидан дарак беради. Нақшбанд пойтахтга боради, аммо подшоҳ дастурхонига қўл узатмайди, ҳатто жуда ҳам тоза ҳисобланадиган “ов таомлари” (қуш гўшtidан пиширилган овқат)ни ҳам емайди. Бунинг сабабини суриштирганларида у “Биз подшоҳ дастурхонидан овқат емасмиз” деб жавоб беради (Бу ерда подшоҳ дастурхонидаги овқат ҳалол меҳнат самараси эмаслигига ишора борлиги ўз-ўзидан англашилса керак).

Тариқатнинг ўзига хос ахлоқий талаблари сираси бор. Навоий бунга алоҳида саҳифалар ажратади. Шариатнинг талабларини бажаришдан ташқари муршид ва мурид “тариқат одоби”ни адо этиши керак. Тариқат одобининг биринчи шарты – “ул адабдурки, яхши ва ёмонга ва улуг ва кичикка бажо келтурурлар. Андоқки, барча халойикка ўзларини кичик ва камрок тутарлар ва барчага хизмат хузурида бўлурлар. Ҳаттоки ўз фарзандлариға, ходим ва мамлуклариға (қуллариға – И.С.) ҳар неча алардин бекоидалик (одобсизлик – И.С.) кўрсалар, хушунат била (қўполлик билан – И.С.) аларға сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоғ ва чучук тил била килурлар, ҳаттоки ўғриғача”. Бу сўзларни Навоий Хожа Абул Вафойй Хоразмий ҳаётидан бир лавҳа келтириш билан тўлдиради. Хожанинг салласини бир ўғри олиб қочибди. Бунга жавобан Хожа айтибди: “Бекорга овора бўлдингиз, саллам эски, чурукдир”. Ўғри бу гапга қулоқ солмай, саллани очиб кўради ва чирик эканини кўриб, ерга ташлайди. Хожа дебди: “Ҳар неча айттукки, ярамас, инонмаслар, ўзлари кўрмагунча ташламадилар”.

Навоий муршид ва муридлар олдига тариқат кўйган ва улар томонидан завқ билан қабул этилган яна бир неча одоб талабларини айтади. Буларнинг бири – ортик даражада сахийликдир. Хожа Абунасаб Порсонинг отини ўғрилар олиб қочганда, у дебди: “Майли, биз кам минар эдик. Олиб қочганларга отимиз дорбойистрок (заруррок) экан-да”. Ўғриларни тутиб келтирганларида, Хожа уларнинг ўз юртларига – тоққа пиёда кетаётганларини билиб, дебди: “Ул от сизга дорбойистрокдир, олинг, боринг”.

Навоий тариқат аҳли ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган ахлоқий вазифаларни санаш ва тушунтиришни давом эттиради. Юмшоклик, бардош-тоқат, ризо (ўз бошига нима келса, Оллоҳдан кўриб, рози бўлиш), сабр, сидқ (дўстликка садоқат) ва “азим риёзат” (Оллоҳ йўлида ҳар қандай азобу укубатни кўтаришга, машаққатлар тортишга хозирлик) – булар ҳаммаси тариқат аҳлининг ахлоқий коидаларидандир”.

“Насойим...”нинг бу қисмини Навоий тариқат аҳлининг бу қаби фазилатлари (“ҳамида ахлоқ ва писандида сифот”) жуда кўплигини қайд этиш билан тугаллайди.

Тариқатнинг учинчи шарти – (тавба ва луқма ҳалоллигидан сўнг) шариатга риоя қилишдир, унинг талабларини бажаришдир. Бу жойда шариат талабларининг ижросида мумкин бўлган қадар талаблар доирасидан чиқмаслик ҳақидаги сўзларга (бизнингча) эътибор бериш керакдир. Навоий, агар жиддий узр бўлса, шариатнинг талабларини тўла бажаришдан четга чиқишга ҳам йўл кўйди: “Андин сўнгра шариат риоятидурки, ул жойда истиқомат бўлғай ва улча мумкиндур, андин қадам тажовуз қилмағай” (Шуниси ҳам борки, Навоий худди шу жойда Абдурахмон Жомий фикрини келтиради. Жомийнинг фикрича, ҳар нарсадан бир қисми олинса, бир қисми қолади, аммо шариатдан бир қисми олинса, ҳеч нарса қолмайди, яъни шариатнинг талабларини тўла-тўқис бажариш шартдир).

Навоий “ислом аркони” (исломнинг таянчлари) бўлмиш фаройиз (фарзларни) бирма-бир санаб чиқади: “шаҳодат калимаси”, сўнгра “салоти ҳамса” (беш вақт намоз), рўза, закот ва ҳаж.

Юқорида машойих ва авлиё тоифасининг (шу жумладан, шубхасизки, Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳам) хусусиятлари ва фазилатлари ҳақида сўз боради. Тарикат арбобларининг вазифаси – бошқаларга шу фазилатлар билан намуна бўлиш, амалда, ҳаётда, муршид сифатида кўриб, муридларга ана шу фазилатларни юктиришдир. Бу ерда энг муҳими авлиёуллоҳ (Оллоҳга яқин кишилар – И.С.) деб танилмиш шахсларнинг ўзида шу фазилатларнинг мукамал намоён бўлишидир. Юқорида айтилган фазилатлар фақат орзу бўлибгина қолаверар эдими ёки уларни мужассамлантирган одамларни ҳаётда учратиш мумкин эдими? Бу саволга Навоий томонидан қайд этилган бир фактдан аниқ ва ижобий жавоб топиш мумкин: у фазилатларни мужассамлаштириш билан кўпчиликдан ажралиб турувчи шахслар оз эмас эдилар (Турли тазкираларда номлари тилга олинган авлиёлар бу тоифанинг энг нодир вакилларигина эди, холос). Навоий авлиё Абу Абдуллоҳ Сомилый муносабати билан ёзади: “Андин сўрдиларки, авлиёуллоҳни халқ орасида не осор ва аломат била танигайлар?” “Дедиким, такаллумнинг латофати била ва хулқнинг хўблиғи била ва юзнинг тозалиғи била, нафснинг саҳоси била ва эътирознинг қиллати ва узрнинг қабули биласки, ҳар ким узр этса, қабул қилгай ва шафқат тамомлиғи била, дебтурким, дийдор дўстлуқ калидининг миннатидур”.

Ўз даврининг улуғ ва кичик одамлари орасида чексиз обрў қозонган Баҳовуддин Нақшбанд ўзи ҳам шундай пок инсонлардан бири бўлган, деб айтиш учун ҳамма асослар борлигига бизда ҳеч қандай шубҳа йўқдир.

Энди Баҳовуддин Нақшбанд таълимотининг иккинчи, “ички” қатламига (тўғрироғи бу қатламнинг бизнинг мавзуимизга доир ахлоқий масалаларига) мурожаат этар эканмиз, биз дастлаб нақшбандия тарикати асослари “Насойим...” да ажиб бир қисқалик ва шу билан бирга мукамаллик билан ифода этилганини қайд этишимиз лозим бўлади. Бунда Навоий “кўп айтмоқ шарт эмас” деган қоидага (Нақшбанднинг қоидаларидан бирига) амал қилади.

Навоий нақшбандия тариқатининг асослари ҳақида гапиришдан аввал Баҳовуддиннинг тариқат оламида тутган ўрнини аниқ тайин этувчи савол-жавобни келтиради: “Бирав алардин (Нақшбанддан – И.С.) савол қилдиким, дарвишлик сизга маврисми ёки мактасб?” (яъни дарвишлик Нақшбандга меросми ёки кейин эгалланган касбми?). Нақшбанд бунга Қуръондан оят келтириб, “Оллоҳ ишорати билан бу саодатга мушарраф бўлдик”, деб жавоб беради, яъни ўз фаолиятининг илоҳий топшириқ эканини тасдиқ этади.

Исломда энг муҳим масалалардан бири банда (Худонинг қули, одам)нинг Оллоҳга ўз садоқатини изҳор этишининг йўллари масаласидир. Ибодат шу йўлларнинг биридир. Тариқатнинг баъзи йўналишларида ибодат (намоздан ташқари), яъни зикр, жаҳр, хилват ва самоъ шаклини олади. Нақшбандия бу жиҳатдан бошқа тариқатлардан фарқ этди. Навоий ёзади: “Яна алардин сўрдиларки, сизнинг тариқингизда зикр жаҳр ва хилват ва самоъ бўлур?” Нақшбанднинг жавоби: “Дедиларким, бўлмас”.

Шундай қилиб, хилватдан ва у билан боғлиқ бўлган бошқа расм-русумлардан Оллоҳга яқинлашиш ҳосил бўлмаслигини тушунтириш – Абдулҳолиқ Гиждувонийдан бошланган бу жараён – Нақшбанд таълимотида узил-кесил ҳукм тусини олади. Бу – тафаккур ривожига олға қараб босилган катта, ижобий кадам эди.

Нақшбанд Гиждувоний ортидан бориб, хилват ва самоъни анжуманда (халқаро) суҳбат билан алмаштирар экан, бу янгиликни ўз тариқатининг пойдевори деб ҳисоблагани сира бежиз эмас. Навоий ёзади: “Яна сўрдиларки, сизнинг тариқингиз биноти не ишгадур?” Дедиларки, анжуманда хилват: зоҳир юзасидан халқ билан ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло била”, яъни ташқаридан қараганда мажлисда (одамлар бирла суҳбатда) бўлсанг ҳам, қалбингда доимо Оллоҳни сақла. Бу қонданнинг бошқача ифодаси тарзида Навоий “шахслар борки, олди-сотди вақтида ҳам Тангрини унутмайдилар”, деган маънодаги байтни келтиради. Бу ерда

тарикатдаги машхур ўн калимаи кудсиядан бири – “хилват дар анжуман” (“анжуманда хилват”) калимаси тилга олинади. Бу ўн муқаддас калимадан ҳар бирининг маъносини тушунтириб берган “Рашаҳот” муаллифи “хилват дар анжуман”ни одамлар (кўпчилик) орасида бўлганда ҳам Оллоҳни унутмаслик мумкин, яъни Аллоҳ билан бирга бўлиш учун хилват шарт эмас, деган маънода талқин этади. Бу талқин – тўғри, аммо тўла эмас. Унинг тўла эмаслигини биз “Рашаҳот”нинг бошқа жойида келтирилган ва биз томондан юқорида бир қарра қайд этилган мўътабар сўзлардан биламиз. Бу сўзларнинг мўътабарлиги унинг Хожа Аҳрорга мансублигидадир. Ўн бешинчи асрнинг катта нақшбандия раҳнамоси бир гал, хилват масаласида суҳбат чоғида хилватдан кечишнинг кенг маънода эканини айтибди; у дебдики, агар бирор шайх ва мурид узлатга кетиш (яъни хилватда ўтириш) ё бир одамни зулмдан халос этиш каби икки ишдан бирини танлаш зарурати олдида қолса, у мазлумни ҳимоя этиш учун узлатни (хилватни) тарк этиши лозимдир (“Узлатни тарк этмоқ ва зулмга ихлот этмак бу тақдирга нисбатан фарз турур”). “Рашаҳот”нинг муаллифи Хожа Аҳрорнинг бошқа, жуда муҳим сўзларини ҳам келтиради: ўн бешинчи асрнинг нақшбандийси Хожа Аҳрор айтар эканки, дунёдаги ҳамма мавжудотда Оллоҳ ўзини намоён этади, шундай экан, “одамларким, ўз ихтиёрлари билан гўша тутиб, ани “хилват” ва “узлат” од кўярлар, на узурлари бор турур ва агар шундоғ тажаллийи азимушшонни ботил десалар (Оллоҳнинг ҳар мавжудотда кўринган нурини, киёфасини беҳуда деб билсалар – И.С.) бағоят жоҳил турурлар”.

Хожа Аҳрор шайхликни (хилватда муридлар билан умр ўтказишни) қатъий равишда рад этади. Сўфий гувоҳлик беради: “Айтур эрдиларким, агар биз бу рўзгорда шайхлик этсак, ҳеч шайх мурид топмас эрди. Лекин бизга бошқа иш буюрубтурларким, мусулмонларни зулмнинг қўлидан сақлармиз, бу восита била подшоҳларга ихтилот этмак (подшоҳларнинг ишларига аралашмак – И.С.) керактур ва аларнинг нафсларини мусаҳҳар этмак (қўлга олмоқ, идора этмоқ – И.С.) ва бу

амалнинг тавассути била мусулмонларни максудга еткурмак керактур”. Бошқача қилиб айтганда, хилватдан кечиш ҳаётга, жамият манфаатларига фаол муносабатни афзал кўриш демакдир.

Нақшбанднинг бундан кейинги сўзларидан ҳам ана шу маъно, яъни хилватнинг ижтимоий ҳаёт учун зарурлиги ва суҳбатнинг афзалияти ҳақидаги фикр чиқади. Навоий ёзади: “Нақшбанд дер эрмишларким, бизнинг тариқимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳраттур ва шуҳратта офат”. Нима учун “Хилватта шуҳрат”? Чунки таркидунё этиб, хилватда ўтириб, бутун умрини тоат-ибодатга бағишлаш – Оллоҳ ва одамлар олдида шуҳрат қозонишнинг, яъни тариқат қоралаган манфаат-парастликнинг бир туридир. Одамларнинг жам бўлиши ва бир-бирлари билан фикр алмашиб, маърифат орттиришининг фойдаси жуда катта. Нақшбанд ўргатади: “Хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатда, бу шарт билаки, бир-бирларига нафъи бўлунғай ва улача бир бузург (яъни Нақшбанд – И.С.) буюрадурларки... агар жамъи бу йўл соликлари (яъни тариқат аҳли – И.С.) бир-бирлари билан суҳбат тутсалар, анда кўп хайру барокат”.

Навоий Нақшбанднинг маънавий қиёфасида мавжуд олижаноб хусусиятларни алоҳида қайд этадики, ишимизнинг мавзуи учун уларнинг аҳамияти айричадур. Нақшбанд буюк олимдир. Нақшбанд айтибди: “Ҳазрати Хожа Азизон (яъни Али Раметоний – И.С.) дер эрмишларки, ер бу тоифанинг (яъни тариқат асоскорларининг – И.С.) кўзида бир супрачадур ва биз дермизки, тирноғ юзичадур”. Биз аввал тилга олганимиз калимаи кудсия орасида “Сафар дар ватан” (“Ватанда сафар”) деган калима ҳам бор. Бу калима тариқат аҳлидан ватанни (кенг маънодаги ватанни, яъни бутун инсоният ватанини) яхши билишни талаб этади. Навоийдан фарқли ўлароқ, “Мақомот”нинг муаллифи Боқир “Сафар дар ватан”ни ҳам Нақшбанд таълимотининг муҳим қисми сифатида тилга олади. Навоий Нақшбанд ҳақида дейди: “Ҳеч нарса булар кўзидин ғойиб бўлмас”. Бу сўз билан буюк шоир оламни би-





лиш соҳасида ҳам Нақшбанд тариқати асосчилари ажралиб туришини тан олади.

Навоий қайд этади: “Нақшбанд дер эмишларки, нафсларингизга тухмат қилинг”, яъни шахсий тилакларингиз ва манфаатларингиздан кечиб яшанг ва ишланг. Айниқса, Нақшбанднинг бир хусусияти унинг таълимотининг тарбиявий ва амалий аҳамиятини ёрқин очиб беради ва халқ манфаатлари билан яшовчи буюк мутафаккирнинг образини айрича жозибадор этади: “Нақшбанд яна биров гуноҳин ўзларига тутиб, юкин тортибтурлар”. Нақшбанднинг бу каби ишлари Абдухолиқ Ғиждувонийнинг “халқ юкин кўтармак керак” деган даъватини беихтиёр ёдга туширади.

Биз аввал қайд этганимиздек, ўрта асрларнинг адиблари авлиё ва машойихнинг ҳаёти ва фаолиятини тасвир этганда уларнинг силсиласига (келиб чиқишига, насабига) катта аҳамият берардилар, ҳатто бу йўлда чегарасиз муболағага йўл қўядилар (Авлиёнинг силсиласини Пайгамбарга олиб бориб боғлаш каби). Нақшбанднинг бу бобдаги фикри ўзгачадир. Навоий ёзади: “Бирав алардин сўрдиким, сизнинг силсилангиз не ерга етар? Алар дедиларки, киши силсиласи билан ҳеч қаерга етмас”.

Нақшбанддек буюк шахсларнинг оддий кишилар ҳаётида тутган баланд ўрнини тасдиқ этувчи ва шу билан бирга унинг одамлардан мутаассибликни талаб этмаслигидан гувоҳлик берувчи яна бир тафсилот: Нақшбанд сафарга кетаётиб, бузургодалардан бирига тоат-ибодат этиш бобида таълим бериб кетибди. Сафардан қайтгандан кейин одамлар унга бузургоданинг бу топширикни бажармаганини айтибдилар. Бунга жавобан Нақшбанд гуноҳқордан сўрабди: “Бизни ҳеч туш кўрдингми? Деди: ҳа, кўрдим. Дедиларки, санга басдур”.

Нақшбанднинг каромат масаласига муносабати ҳам айричадир: “Алардин каромат талаб қилдилар. Алар дедиларки, бизнинг кароматимиз зоҳирдур: бовужуди бу навъ гуноҳ юки ер юзида бора олурмиз” (яъни мунча гуноҳлар қилган бўлсак ҳам, шунга қарамай, ҳамон ер юзида юрибмиз). Бошқача қилиб

айтганда, ўрта асрларда авлиёларнинг имтиёзи ҳисобланган иш – каромат кўрсатишга Нақшбанд шубҳа билан қарайди ва саволга “тўғри жавоб” беришдан бош тортади.

Навоий буюк мутафаккирнинг шахсини ва таълимотини тушунтириш жиҳатидан муҳим ҳисобланган бўлса керак, яна қуйидаги тафсилотларни қайд этади: Нақшбанд қул ва чўри сақламас экан. Ундан бунинг сабабларини суриштирганларида “алар дебдурларки, қачон бу бандалиқ хожалиқ била рост келур?”, яъни бандалиқ (Аллоҳга қуллик) билан қулга эга бўлиш бир-бирига зид ишдир.

Муҳими шуки, нақшбандия тариқатининг моҳияти унинг асоскорига мансуб машҳур калимада ўз ифодасини топади: “Дил ба ёру даст ба кор” (“Дилингни Аллоҳга, қўлингни ишга бағишла”).





# Матёқуб ҚЎШЖОНОВ

(1918 – 2005)



---

## БИР АСАР ҚИСМАТИ

Яқинда, февраль ойининг бошланишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган йирик илмий анжуман ўтказилди.

Мен анжуманда иштирок этиб, беихтиёр бундан бир неча ўн йил аввал худди шу залда Навоий номи ва хотираси билан боғлиқ равишда ўтказилган бошқа бир йиғилишни ҳам хотирладим.

Ўша машъум йиғилиш, аниқроғи, Ўзбекистон Компартиясининг пленуми 1952 йилнинг ёз ойларида бўлиб ўтди. Мафкура масалаларига бағишланган бу пленум Марказқўм томонидан чақирилди. Пленумда республика партия ташкилотининг ўша пайтдаги раҳбари ўз нутқида Ойбек номини алоҳида ажратиб олиб танқид қилди. Жумладан, унинг “Навоий” романи тилга олиниб, бу романда ўтмиш идеаллаштирилган, демак, адиб ўтмишни қўмсаяпти, деган даъво ўртага ташланди...

Аслида, Ойбекнинг “Навоий” романи бошқача муносабатга лойиқ эди. Аммо собиқ шўро тузуми миллий адабиётларда

ги улкан истеъдодларга, уларнинг ижод намуналарига ғайрли бир кўз билан қарар эди.

Ойбекнинг “Навоий” романи тарихий беллетристиканинг барча талабларига тўла жавоб берадиган асар сифатида майдонга келди. Роман Иккинчи жаҳон урушининг айна авжига чиққан 1944 йили битилган. Бу давргача собик иттифок адабиёти жараёнида “Навоий” типига тарихий роман талабига ҳар жиҳатдан жавоб берадиган асарлар битиш тажрибаси унча катта эмасди.

Тарихий романларни икки типга ажратиш кўрсатиш мумкин. Бири – асар марказида машҳур шахслар турган, барча воқеа ва ҳодисалар шу шахс атрофида сюжетга киритилган ҳақиқий тарихий асарлар, иккинчисидан – асар марказига машҳур тарихий шахслар олинмаган. Бироқ тарихнинг айрим нуқталарини сюжетда акс эттирадиган, мавзу жиҳатдангина тарихий асар деб аталадиган романлар ва қиссалар орасида Ойбекнинг “Навоий” романи тарихий роман жанрининг мумтоз намунасидир.

“Навоий” романининг яратилиши тарихи ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтиш фойдадан холи эмас. Тасаввур қилинг: 1941 йил. Иккинчи жаҳон уруши давом этмоқда. Айна пайтда ўша йилда Навоий бобомиз таваллудига 500 йил тўлди. Бироқ шоирнинг ватани – Ўзбекистонда Навоийнинг юбилейига бағишлаб бирор тадбир ўтказилиши ҳақида гап-сўз ўрғага тушгани йўқ. Тушган тақдирда ҳам “шу хилдаги тадбирни ўтказиш керакми ёки йўқми”, қабилида баҳс ва мунозаралар рўй берган.

Бу ҳол ўзбек маданиятида рўй берган тарихнинг бир кемтиги эди. Шундай шароитда Ойбек Навоий тўғрисида жиддий ўйлай бошлайди. У Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга киришди ва ниҳоят, 1944 йилда “Навоий” номли романини битказиб, эълон қилди. Роман китобхонларда зўр кизиқиш уйғотди.

Асар ҳақида кўпгина ижобий фикрлар айтилди ва бир қатор мукофотларга сазовор бўлди. Роман тез орада хорижий тилларга ҳам таржима қилинди. Шу йўсинда республика ша-

ройтида ҳам тарих кемтиги бир оз тўлдирилган ва текислангандек бўлди.

Шундай караганда, ҳамма ишлар жойидадай кўринади. Энг асосийси, ўзбек романчилик мактаби муҳим бир тарихий асар ҳисобига бойиган эди. Бироқ 1952 йили, мусаффо осмонда момақалдирик гулдирагандек, қутилмаган воқеа рўй берди. Бутун дунёга тарқалиб улгурган “Навоий” романи каттик танкид остида қолди.

40-йилларда илм-маърифат ва маданий ҳаётга мафқуравий таъйик янги, юқори босқичга кўтарилган эди. Бу даврга келиб қатор ўзбек шоир ва ёзувчилари ҳибсга олинган ва Сибирь қилинганди. Шундай бир пайтда, 1952 йилнинг ёз ойларида, биз юқорида эсга олган республика Марказқўми пленуми чакирилди ва унда Ойбекнинг “Навоий” романи аёвсиз танкидга учради. Шундан кейин бу танкидни ривожлантирадиган қатор мақолалар матбуотда ҳам эълон қилиниб, Ойбек шўролар тузумининг душмани сифатида таърифланадиган бўлди.

Масалан, ўша даврда ҳали ғўр, эндигина аспирантура курсларини ўтаётган ёш олим номидан “Навоий” романига нисбатан жиддий айблар қўйилди. Ойбек “...Навоий образини идеаллаштириб акс эттиргандир... Биз Алишер Навоий билан Хусайн Бойқаро орасида юз берган жиддий ҳаёт конфликтини кўрмаймиз... Ойбек Навоийнинг халқпарварлик фазилатларини ошириб юборган...”, “Алишер Навоийнинг “йирик феодал эканлиги тўла кўрсатиб берилмаган”. (“Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1953 йил, 16 май).

Мунаққид-ку ҳали ёш, юқорида айтганимиздек, ғўр, атиги аспирант. Ойбек билан ҳамнафас, ҳатто унга тенгдош адабиётшунослардан бири эса республика партия Марказқўмининг ўша пайтдаги биринчи қотиби нутқини тарғиб қилиб, қуйидагиларни ёзган эди: “Романнинг яна бир муҳим камчилиги тарихий процесснинг социал-синфий қарама-қаршилигини кенг образлар галереяси орқали етарли гавдалантириб бермаслигидадир”. Адибга сафдош мунаққид ўз фикрининг

давомида қарийб ёш мунаққид билан баробарлашиб қолади. “Натижада, – ёзади у, – асар қарама-қарши синфлар курашини эмас, балки давлат, маданият доираларидаги илғор ва реакцион интилишлар курашини кўпроқ бўрттирган. (“Шарк юлдузи” журнали, 1955 йил, 5-сон, 106-бет).

Афсуски, ўша тоталитар мафкура талаби асосида айтилган, битилган бу хилдаги айбномалар йирик истеъдод эгаси Ойбекнинг соғлиғига катта путур етказди. Унинг қаламини қайирди, ижодий режаларини синдирди...

Эндиликда, мустақилликка эришганимиздан кейин, Ойбек ижоди ва Алишер Навоий ҳаётига тегишли ўйлаб кўриш керак бўлган бошқа нуқта мавжуд.

“Навоий” романи яратилгандан бери 60 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр ичида Алишер Навоий ҳақида кўпгина илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бизга номаълум бўлган айрим ҳужжатлар бугун юзага чиқди.

Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг ёшлик даврларига тегишли бир маълумот бор. Унга кўра, ёш Алишер Ҳусайн Бойқаро билан тенгдош сифатида бирга ўсган, бир хилда тарбия олган. Ўша пайтларда иккаласи ҳам ўз келажаклари ҳақида катта орзулар билан банд бўлганлар.

Бу икки шахснинг дўстлигига тегишли айрим ҳодисалар борки, улар кенг жамоатчилик орасида кўп тарқалавермаган. Кейинги йиллардаги илмий-тадқиқот ишларида шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган ёзувчиларнинг қатор асарларида Навоий ва Бойқаро орасидаги дўстона муносабатнинг фақат болалик чоғларидагина эмас, балки уларнинг умр бўйи бора-бора яна ҳам мустаҳкамланган ва янгича мазмун касб этганлиги қаламга олинган.

Ўйлаб қоласиз, Ойбек бу воқеалардан хабардор бўлганмикан? Жавоб излаб хулосага келасиз: Ойбек роман ёзиш учун Алишер Навоий ҳаётини, жумладан, Ҳусайн Бойқаро билан шоир ораларидаги муносабатни тўла ўрганганлиги шубҳасиз. Бирок бу воқеалар романга киритилмаган. Бунинг сабаби ҳам аниқ. Ойбек замон руҳини – тоталитар мафкура

талабларини ҳис қиладиган ва тушунадиган санъаткорлардан эди. Борди-ю, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги улкан дўстликка доир воқеалар романга кенг кўламда киритилганда ўз қисматининг яна ҳам оғирроқ бўлишини ҳис қилган. Шу боисдан, мазкур воқеаларни четлаб ўтишга мажбур эди.

Навоий образини яратиш борасида Ойбек қўйган илк қадам ҳеч вақт қимматини йўқотмайди. Уни қўлга олган ҳар бир китобхон адибнинг кашфиётларидан воқиф бўлади. Тарихий ҳақиқатни очиб бериш санъатига тасаннолар айтади. Шу тарзда асар XX асрда яратилган ўзбек адабиётининг дурдоналаридан бири бўлиб қолади.

Алишер Навоий ижодининг билимдони Мақсуд Шайхзода ўша кезлари биринчилардан бўлиб “Навоий” романи хусусида фикр билдирган эди: “Ойбек “Навоий” романида замондошлари учун улуғ Алишер Навоийнинг аниқ, йирик ва жонли образини яратиб беришни мақсад қилиб қўйди. Адиб бу ишнинг уддасидан чиқди”. Зеро, Шайхзоданинг бу баҳоси бугун ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.



## Азиз ҚАЮМОВ

(1926 йилда туғилган)

### ШЕЪР ДУРДОНАЛАРИ

Алишер Навоийнинг “Назмул-жавоҳир” деб аталган тўртлик шеърлар тўпламининг сарлавҳасини “Шеър дурдоналари” ёки “Шеър дурдоналар” дейилса бўлади. Бу тўртликлар ҳазрат Алининг ривояти билан айтилган ва шеър-га солинган пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари – ҳикматли сўзларига бағишланган. Алишер Навоий ҳазрат Алининг адабий маҳоратига юксак баҳо берган. У ўзининг “Маҳбубул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) асарида шеър аҳли тўғрисида сўз юритганда биринчи бўлиб ҳазрати Алини тилга олган. Навоий бу асарида ёзади: “Бу азиз қавмнинг пешво ва муқтадоси ва бу шариф хайлнинг сардафтери ва сархайли валоят баҳрининг гавҳари ва каромат авжи мунир ахтари амир ул-мўмин Али навараллоху ваҳҳаху (Аллоҳ унинг юзини нурли қилсин) дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нуқат нолийдуд” (Алишер Навоий, 14-жилд. Б. 24-25). Маъноси: Бу азиз қавмнинг (шоирларнинг) пешво ва йўлбошчиси ва бу шариф гуруҳнинг илғори ва бошлиғи, азизлик денгизининг гавҳари ва каромат авжининг ёруғ юлдузи амир ул-мўмин Али... дурки,





назм девонлари бор ва унда сирлар ва нозик маъноли сўзлар беҳисобдир.

Алишер Навоийнинг “Назмул-жавоҳир” асари Ўзбекистонда чуқур ва ҳар томонлама ўрганилган эмас. “Назмул-жавоҳир”нинг матни Навоий асарларининг ўн беш томлик тўпламида (1968) ва йигирма томлик мукамал асарларида (1999) Тошкентда нашр этилган. Маъмура Рашидова “Назмул-жавоҳир”нинг илмий-танқидий матнини тузиб чиқди ва уни филология фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация сифатида муваффақият билан ёқлади (1991).

“Назмул-жавоҳир” ҳақида С.Ғаниева, М.Маҳмудов, Т.Ғафуржонованинг ёзган мақолалари ҳам диққатга сазовордир. Ҳижрий 1387 йили Техронда “Назмул-жавоҳир” сарлавҳасида ҳазрати Алининг ҳикматлари ва уларнинг ўзбек, рус, инглиз тилларига таржималари алоҳида рисола сифатида чоп этилди (*Тузувчилар: Баҳман Акбарий, Суйима Ғаниева*).

Бу аслида ҳазрати Алининг “Насрул-лаъолий” (“Лаълилар насри”) асаридир.

Навоийнинг “Назмул-жавоҳир” асари бошдан-оёқ таълим-тарбияга доир. “Назмул-жавоҳир”да Навоий элу юрт ҳаёти тажрибасидан келиб чиққан хулоса ва умумлашмалари орқали эзгулик, инсонийлик, адолат ғояларини кенг тарғиб этади. Кишиларни маънавий юксакликка кўтаришга ҳаракат қилади, моддий ва маънавий уйғунлик қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатади.

Навоий “Назмул-жавоҳир” муқаддимасида ёзган:

*Ёраб, бу жавоҳирларники, манзум этдим,  
Чекканим анга ҳар нуктаки, маълум этдим,  
Ҳар нуктага бир тарона марқум этдим,  
Кўп гавҳар анинг зимнида мактум этдим.*

Маъноси:

Эй худо, бу жавҳарларни шеър билан ёзиб чиқдим,  
Турли нозик маъноли сўзларни териб уларнинг  
(мазмунини) маълум қилдим.



Ҳар бир шундай сўзга бир оҳанг бердим.

Уларнинг орасига кўп гавҳарларни беркитдим.

Энди биз “Назмул-жавохир”даги тўртликларни кўрмакка ва уларда беркитилган гавҳарларни очмоққа киришамиз.

Ҳазрат Али ривоят қилганлардан биринчиси бундай: “Имону маръий йўрафу би иймониҳи”. Маъноси: кишининг имони унинг аҳдига вафосида кўринади. Демак, кишидаги имон, яъни ишонч, эътиқод унинг ўз аҳдига вафодорлигида билинади. Шу фикрни Навоий шеър билан бундай баён этган:

*Имони анингки, куфрига сотир эрур,  
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,  
Ҳар кимсаки, имон ишида моҳир эрур,  
Имонини билки, отидин зоҳир эрур.*

Маъноси:

Ул кишики, имони куфрини йўқотар экан,

Чин тоза маъноли сўз демакка қодирдир.

Имон ишида маҳорат касб этган ҳар бир кимсанинг

Имони унинг отидан билиниб туради.

Ушбу тўртликдаги асосий масала нукта ва имондир. Нукта – чин тоза маъноли сўз. Бундай сўзни демакка қодир инсон соф имон эгаси бўлган инсондир. Кўриниб турибдики, Навоий асл нусхадаги маънони анча кенгайтирган. Асл нусхада “иймон” аҳдга вафо қилув тўғрисида боради. Навоий эса имонга эга бўлмоқни бош ўринга қўяди. Ҳақиқий чин маъноли сўзни демоққа фақат имон ишида моҳир бўлган зотгина қодирдир. Ким соф имон эгаси бўлса, бу унинг отиданоқ англашилиб туради. Демак, ҳамма гап имон, ишонч, эътиқодда саховатли бўлмоқликдадир.

“Ахука ман асока фил шиддати”. Фалокат етганда ёрдамга келган киши биродарингдир. Навоий бу ҳикматни бундай шарҳ қилади:

*Қардошинг эмас улки қўюб бош санга,  
Давлат чоғи қилгай ўзни қўлдош санга.  
Ким қилди қатиглигда вафо фош санга,  
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.*

Маъноси:

Сен давлатга эга бўлган чоғингда ёнингда  
 Сенга бош қўйиб турган киши кардош эмас.  
 Бошингга оғир кун келганида сенга вафо  
 Кўрсатган киши ҳақиқий чин кардошингдир.

“Изҳор ул ғаний мин аш шукри”. Бу ҳикмат ғоят ибратли. Бойликнинг кўриниши, изҳори шукур оркалдир. Демак, шукур қилган киши ғаний – бой кишидир. Бу маъно Навоий тўртлигида бундай шакл касб этган:

*Шукр айлади шиддатда рижо изҳори,  
 Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори.  
 Мол истасанг эт шукру сано изҳори,  
 Ким шукр демак қилур гино изҳори.*

Маъноси:

(Кимки) Оғир кунда яхши умид билан шукур қилди,  
 Ҳар бир қийинчиликда балолардан кутула олди.  
 Агар молу мулк тиласанг, шукрона изҳор қилгин,  
 Кимки, шукур қилса, ўша бойликка эришган бўлади.

Маълум бўладики, том маънодаги бойлик борига шукур қилмоқдадир. Шундай қилган одам боридан ортиғига интилмайдди, тинч ва шукур қилиб яшайди. Асл бойлик (*гино*) ана шудир, деб уқтиради ушбу ҳикмат.

“Ад-диб айолака танфаъухум”. Бу ҳикмат кишининг ўз қарамоғида бўлганларга (оила, болалар, рафикаси) адаб ўргатишни, уларга фойда етказмоқни ташвиқ этади. Бу фикрни Навоий анча кенгайтирган ҳолда ифодалайди:

*Топтинг чу аёл, яхшилиқ етқургил,  
 Ўргат адабу яхши қилиқ етқургил,  
 Ҳар неча адаб бўлса қаттиғ етқургил,  
 Хайлингга адаб қилиб осиг етқургил.*

Агар оила, карамоғингдаги кишиларга эга бўлсанг, уларга яхшилик қилгин. Адаб ўргат, яхши қиликлардан тарбия бер. Адабни қаттиққўллик билан ўргатгин. Агар ўз оилангни адабли қилиб тарбияласанг, уларга фойда етказган бўласан. Кўриниб турибдики, асл ҳикмат араб тилида буйрук феъли орқали баён этилган. Шунинг учун Навоий унинг маъносини қатъий ва кескин ифодалар орқали бермоқда.

“Адаб ул маръи хайрун заҳабиҳи”. Бу тўртлик ҳам адабга тегишли. Адаб кўзга ташланиб кўриниб турса, у олтиндан яхшироқдир. Навоий ана шу фикрга шоирона либос кийгазган.

*Олтин-кумуш этма касб давлат кунидин,  
Ким тортар адаб улусни меҳнат тунидин,  
Гар йўқтур адаб не суд олтин унидин,  
Элнинг адаби хушироқ эрур олтунидин.*

Давлат куни келганида олтин-кумуш эгалламоққа зўр берма. Чунки одамларни (улусни) оғирлик кечаларидан қутқарувчи уларнинг адабидир. Агар кишида адаб бўлмаса, олтиннинг жаранглаган овозидан нима фойда? Элнинг адаби унинг олтинидан кўра яхшироқдир.

Асл нусхадаги “кўзга кўринувчи адаб олтиндан яхши” деган фикрни Навоий кенгрок шарҳ этмоқда. Даставвал шоир кишиларни бой, давлатли бўлган кунида олтин-кумушга хирс қўймасликка чакиради. Чунки одамларни оғир машаққатлар тунидан қутқарувчи куч уларнинг адабидир. Шуни унутмаслик керак. Бу ерда кун ва тун ёнма-ён келмоқда. Давлат куни келганда олтин-кумушга хирс қўймаслик панди ўша кунга етишганларга қаратилган. Чунки давлат куни келмаган шахс, умуман, олтин-кумушга алоқаси бўлмайди. Меҳнат тунига дуч келганларни эса уларнинг адаби бу оғирликлардан халос эта олади. Ана шундай тушунтиришлардан кейингина шоир якунловчи хулосани эълон қилади. Адабнинг олтиндан устунлигини баралла айтади.

Эндиги тўртлик бошқача мавзуда. Унда “дайн” – қарз тўғрисида сўз боради. Ҳикматнинг асл нусхасида “дайн” – бурч

маъносида берилган. “Адо уд дайни мин ад дини” (“Бурчни ўташ диндандир”). Лекин Навоийнинг тўртлиги бу кенг тушунчани маълум равишда конкретлаштирган. Чунончи, Навоий бу ерда “дайн” сўзини “қарз” маъносида талқин қилади.

*Хўб эрмас дайн муддаоси элга  
Ким, қаттиг эрур бурч балоси элга.  
Қайтармоқ эрур анинг давоси элга  
Ким, диндин эрур бурч адоси элга.*

Маъноси: Элга қарз олиш мақсади яхши эмас. Чунки қарз балоси элга қаттиқ бўлади. Унинг давоси қайтариб бермоқдир. Бурчни бажармоқ диннинг талабидир. Бу тўртликнинг аввалги уч мисрасидаги “дайн”, бу – қарз. Уни олмоқни муддао этмоқ эл учун яхши эмас. Чунки бу қарзни узмоқ осон эмас. Қарз элга қаттиқ балодир. Бу балонинг бирдан-бир давоси уни қайтармоқ. Ана шу кундалик ҳаётдаги ҳар бир кишига алоқадор фикрлар изхоридан сўнг Навоий охириги, тўртинчи мисрада ҳикматнинг асл нусхасидаги фикрнинг соф таржимасини беради: “Ким диндин эрур бурч адоси элга”.

Демак, Навоий талқинидаги “дайн” – қарз киши учун оғир, уятли, қаттиқ балонинг давосини қилмоқ, уни қайтариб тўламоқ ва бу балодан қутулмоқ кераклиги тўғрисидаги сўзлар юқори мисраларда айтилди. Умуман, мумкин қадар қарз олмаслик кераклиги уқтирилади. Шундан кейинги умумий хулоса бурчга оид бўлиб, унинг диндан эканлиги билан бу хулоса мустаҳкамланади.

Эндиги тўртлик ёмонликка яхшилик билан жавоб бермоққа ундайди. “Аҳсин илал муснъи тасуддуху”. Бу сўзма-сўз таржимада бундай бўлади: “Яхшилик қил ёмонликка, уни йўқотасан”.

Навоий бу ўғитни одатдагидек кенгроқ шарҳлаган ҳолда баён этади.

*Гар хасм жафосидин сарандоз ўлғунг,  
Доим таабу аламга анбоз ўлғунг,*

*Сен лутф этиб агар навосоз ўлгунг,  
Бу важҳ ила анга сарафроз ўлгунг.*

Маъноси:

Агар душманнинг жафосидан ғамгин бўлсангу,  
Доим кийинчилик, аламга тушсангу,  
(Жавобан) Лутф этиб агар яхшилик қилсанг,  
Шу сабаб бўлиб ундан устун чиқасан.

Маълум бўладики, ёмонликка яхшилик билан жавоб қилган одам енгиб чиқади. Ёмонликка ёмонлик эса ёвузликнинг кучайишига олиб келади. Ана шу оддий ҳақиқатни Навоий лутф, навосозликни амалга оширувчи даъват орқали ташвиқ ва тарғиб этади.

Ҳикматлар мавзуи турли-туман. Улар ҳаётнинг ҳар хил кўринишларини ўзида акс эттиради. Агар ҳозиргина кўрганмиз тўртликда ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш кераклиги тўғрисида сўз борган бўлса, ундан кейинги тўртлик кишилар ўртасидаги садоқатсизликни кўрсатади. Ундаги “Ихвану” – қардошлар, биродарлар, яъни яқин кишиларнинг сенинг айбингни пойлаб юрувчилардир, деган фикр арабчада бундай: “Ихвану ҳаза аз замани ба васис ул уйуби”.

*Даҳр элики, келди аҳли номус бари,  
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бари,  
Олингда неча қилса заминбўс бари,  
Лекин бордур айбинга жосус бари.*

Маъноси:

Олам эли гарчи ўзларини ору номусли деб билсалар-да,  
Қардошларнинг ҳаммалари макр тузоғига тушган, унга туткун бўлганлардир.

Улар сенинг олдингда ер ўпиб таъзим қилиб турсалар-да,  
Барчаси сенинг айбингни пойловчи жосуслардир.

Бундан хулоса шуки, ҳузурингда бош эгиб турган айрим яқинларингга кўп ишонаверма. Улар маккорлар, сенинг



айбингни қидириб топувчилардир. Бас, шундай экан, сирларингни улардан яширгин. Яхшиси эса умуман айбга йўл кўйма, беайб бўл, деган насиҳат келиб чиқади. Бу ўғит кишини ҳушёрликка ундайди, ҳар кимга ортиқча ишонч билдиравермасликка, атрофидагиларни билиб, уларнинг ана шундай садоқатсизлигидан ҳушёр бўлмоққа чорлайди. Яна асл нусхадаги “ҳаза аз замани” ифодаси “ҳозирги замон кишилари” демакдир. Демак, Навоий ана шундай маккорлар сифатида ўз замонидаги айрим шахсларни, ўз атрофини ўраган сохта “заминбўслар” – итоаткорлар ва таъзим қилувчи кимсаларни кўзда тутган.

Кишининг руҳий ҳолати турли кўринишларга эга. Гоҳ киши хурсанд, шўҳ, серкулги бўлади. Гоҳ эса ўйчан, хомуш кайфиятда. Эндиги ҳикмат кишининг руҳий ҳолати учун ёқимли ҳолат маъюслик экани тўғрисидадир: “Истироҳат ун нафси фил йаъси”.

Навоий бу фикрни бундай изҳор этган:

*Ҳақдин дурур элга аҳли таъйид ўлмоқ,  
Навмид ўлуб толиби тажрид ўлмоқ,  
Чун яъс дурур осудаи жовид ўлмоқ,  
Роҳат етурур нафсқа навмид ўлмоқ.*

Маъноси:

Элни бирор ишда қувватловчи фақат ҳақдир,  
Киши ноумид ҳам бўлади, тинчланмоқни ҳам тилайди.  
Доимий тинчлик, хотиржамлик маъюслик келтиради.  
Рухга роҳат етказувчи ана шу маъюсликдир.

Ҳақдан инсонга бериладиган турли-туман ҳолат ва кайфиятлар ичида энг ёқимлиси ва роҳатбахши маъюслик, ҳазинлик, хомушлик экани шу ҳикмат ва унинг асосида яратилган тўртликнинг туб мазмунидир.

Умуман, Шарқ таълим ва тарбия қоидалари орасида бу омил муҳим ўрин тутади. Маъюслик деганда хафалик, зикликни кўзда тутмаслик керак. Бу худди камтаринлик каби катта бир фазилатдир. Маъюслик жимжит, камтарона ўзни



четда тутмоқ, беҳуда олди-қочди ишлар ва гаплардан четланиш, ортиқча кўзга ташланмаслик, тинч ва ювош муомала қилмоқдир. Ана шундай ҳолат киши руҳига роҳат бағишлайди, деб хулоса қилади Навоий.

“Ихфой уш шада оидун мин ал муруввати”. Бу ҳикмат қийинчилик бошга тушганда уни яширмоқ кераклиги тўғрисида. Агар шундай қилсанг, мурувват (мардлик, одамгарчилик, сахийлик)дан бўлади, деб уқдиради бу ҳикмат.

Навоий шарҳи:

*Олам тарки кишига ҳимматдин эрур,  
Ким, кўп шиддат ул сари рағбатдин эрур,  
Нафсингга қаю аламки, шиддатдин эрур,  
Махфий тутмоқ ани мурувватдин эрур.*

Маъноси:

Агар киши олам ишидан бош тортиб чекинса,  
бу унинг ҳимматидандир.

Чунки кимки бу ишларга кўп рағбат кўрсатса,  
шунча кўп оғирчиликларга учрайди.

Агар сенга қанча оғирликлар туфайли алам-изтироб етса,  
Уни яширсанг шу мардлик, одамгарчиликдандир.

Навоий ўз шарҳида, аввало, одамни олам ишларини тарк этмоққа чақиради. Чунки олам ишларига рағбат кўрсатмоқ кишини кўп қийинчиликларга дуч келтиради. Лекин мабодо шу туфайли кўп қийинчиликларга учраб алам тортсанг, дейди насиҳатчи, уларни махфий тут, бошқаларга билдирма. Ана шу сенинг мардлигинг, одамгарчилигинг белгисидир. Демак, бу мусибатга учраган киши оҳ-воҳ тортиб, ҳар бир учраган одамга бу тўғрида шикоят қилабермоғи тўғри эмас. Балки чинакам инсон бўлган мард кишилар бундай аҳволни сир тутадилар, уни бировга изҳор этмайдилар, аксинча, мардлик ва чидам билан бошдан кечирадилар.

“Бирр ул волидайни салафун”. Бу ҳикмат Навоийнинг мукамал асарлар тўплами 15-жилдида “Ота-онага меҳрибонлик меросдир” деб таржима қилинган (Б. 230).

Навоий шарҳи эса бундай:



*Иста ота йўлида фидо жон қилмоқ,  
Куллуқ онага ҳам улча имкон қилмоқ,  
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,  
Бил они ота-онага эҳсон қилмоқ.*

Маъноси:

Ота йўлида жонингни фидо қилмоқни иста,  
Онага ҳам имкон борича куллуқ қилгин.  
Агар ёруғ кунларинг мўл бўлмоғини истасанг,  
Доимо ота-онага эҳсон қилғил.

Бу тўртликда ота-онани, ўтмиш аждодларни эъзозлаш, уларнинг иззат-хурматини баланд тутмоқ кераклиги тўғрисида сўз боради. Ота йўлида киши жонини фидо қилсин. Онага ҳам имкон борича кул сингари хизматда бўлсин, унинг таъзим ва эҳтиромини жойига қўйсин. Агар, дейди шоир, сен ёруғ кунларингнинг кўп ва мўллигини тиласанг, уни ота ва онага эҳсон қилмоқликда кўр. Ота ва онанинг хурматини жойига қўймоқ, уларга сидкидил билан хизматда бўлмоқ энг юксак, олижаноб инсоний бурч. Ҳар бир йигит ва қиз, ҳар бир фарзанд бу бурчни шараф билан ижро этмоғи шарт.

Бир жойда ажойиб ёзувни ўқиган эдим: “Мин сабри зафарун”. Яъни “Сабрдан зафар келади”. Ўн иккинчи ҳикматда шу мазмун ётади. “Башшир нафсика биз зафари баъд ас сабри”. “Билдиргин ўзинггаки, сабр туфайли зафарга эришсан”. Демак, барча ютуқ ва зафар сабрдан кейин келади. Сабр муваффақиятларга асосдир.

Навоий бу тўғрида ёзади:

*Нафс уйига сабр ила иморат англа,  
Бесабрлигин анинг шарорат англа,  
Иш сабр сори анга ишорат англа,  
Сабрни зафар сори башорат англа.*

Маъноси:

Ўз уйингга сабр билан иморат қилгин,  
Бесабрликни эса ёмонлик деб бил.  
Сабр билан бориши кераклигини кўрсат,  
Сабр зафарга элтувчи хушхабар эканини англа.

Шундан келиб чиқадики, киши ўз ҳаёти учун сабр иморатини тикламоғи лозим. Ҳар қандай ишнинг бориши сабр билан боғлиқ. Бесабрлик ёмонликка, сабр эса зафарга еткази.

Кейинги ҳикмат яхши ишнинг фойдаси тўғрисида: “Баракат ул умри фи ҳусн ил амали” (“Умрнинг баракаси чиройли ишлар билан амалга ошади”). Демак, инсоннинг бутун фаолияти эзгу ишлардан иборат бўлмоғи керак. Унинг иши гўзал бўлсин. Ушанда инсоннинг умри ҳам узун бўлади.

Навий бу пандни изоҳлаб ёзади:

*Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,  
Яхши амал асбоби саодат бўлғай,  
Гар яхши амал кишига одат бўлғай,  
Умри бу амал бирла зиёдат бўлғай.*

Маъноси:

Ҳақ йўлида ҳар ким ибодат қилгани сингари

Яхши иш, амал бахту саодатга сабаб бўлади.

Агар инсон яхши иш қилмоқни ўзига одат қилса,

Бу яхши иш орқали унинг умри ҳам узун бўлади.

Демак, одам яхши иш қилмоққа одатланмоғи лозим. Бу унга худди ҳақ йўлида ибодат қилмоғи қандай зарур бўлса, шундай заруриятга айланмоғи керак. Яхши иш бахту саодатга олиб келади. Яхши иш туфайли одам узоқ умр кўради.

Шундай қилиб, бу ҳикмат кишиларни яхши ишлар қилмоққа ундайди. Яхши иш деганда тўғрилиқ, ҳалоллик, муҳтожларга ёрдам, одамларнинг оғирини енгил қилиш, ўксиган кишининг кўнглини кўтариш, ҳеч қачон бировга ёмонлик қилмаслик кўзда тутилади.

Инсон боласи ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмасин. Қўлидан келса, яхшилик қилсин, қўлидан яхшилик қилмоқ келмаса, ёмонлик қилмасин. Ушбу ҳикматнинг том маъноси ана шундай. Бу Ҳаққа ибодат қилмоқ қанча зарур бўлса, шунчалар зарур бўлган бир ҳолатдир.

“Баракат ул маоли фи адоъ из закоти”. Молу дунё баракаси закотни адо этишда. Бу ўғитни Навий бундай баён этади:

*Гар молни асбоби нажот айлагасен,  
Дарвешга садқасини бот айлагасен,  
Молингдин агар сарфи закот айлагасен,  
Кўпрак бўлурига илтифот айлагасен.*

Маъноси:

Агар молу мулкингни (муҳтожликдан) қутулишга сабаб қилмоқчи бўлсанг, тезда дарвешларга бериладиган садақани бергин. Агар молингнинг бир бўлагини закот бермоққа ажратсанг, ўшанда молингнинг кўпаймоғига ҳаракат қилган бўласан.

Шундан кўринадики, муҳтожларга хайру садақа қилган киши ўзи ҳам муҳтожликка учрамайди. Агар ўз молидан закот бериб турса, охири бориб унинг молу давлати ортса ортадики, камаймайди. Хайру саховат, садақа, закот тўламоқ ана шундай яхши оқибатларга олиб келади. Шунинг учун киши улардан узоқлашмаслиги, аксинча, хайру саховатда, садақа қилмоқ ва закот бермоқда қойим бўлмоғи керак.

Навбатдаги ҳикмат дунё ишига муносабатга оид. Ҳикматда айтиладики, дунёнинг ишига берилиб кетиб ортиқча ясаниш, безатишга киришиб кетмоқ хато. Бу билан гўё дўзах ўтини пайдо қилгандек бўласан. Агарда дунёдан чекиниш, тарки дунё қилмоқ мумкин бўлмаса, охират билан савдода бўл. Яъни бу дунёда охират ишини ўйлаб савдолаш. “Баъд ад дунё бил охирати тарбиҳу”.

Наввий шарҳида бу хулоса бундай баён этилган:

*Дунё била неча зебу оро қилмоқ,  
Ул зеб ила дўзах ўти бирпо қилмоқ.  
Мумкин эмас эрса тарки дунё қилмоқ,  
Уқбо била хушдур ани савдо қилмоқ.*

Маъноси:

Дунёга зебу зийнат бермоқ,  
ўша зеб билан дўзах ўти яратмоқдир.

Агар тарки дунё қилмоқ мумкин бўлмаса,

Уни (бу дунёни) нариги дунёга сотиб қўяқолмоқ керак.

Албатта, Наввий кишиларни дунё ишидан бутунлай кечмоққа чакираётгани йўқ. У дунё ишида ортиқча зебу зийнатга

берилмасликка даъват этмоқда. Ҳаётда кераги йўқ, зарур бўлмаган, ҳатто зарарли ҳашамат, дабдаба, асъаса, ақл бовар қилмайдиган исрофгарчиликдан четланмоққа, тортинишга ундамоқда. Агарда, дейди шоир, тарки дунё қилмоқ оғир туюлса, уқбони – оқибатни ўйла, унинг тадоригини кўр, яъни кишиларга яхшилик қил, одамларни эзгуликка жалб эт, хайру саховатли бўл. Шу нарса сенинг охиратингни обод қилади.

*Ҳар кимки, хушуъ уйини маскан қилгай,  
Олам сиҷинин ҳақ анга маъман қилгай.  
Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилгай,  
Ул ашк анинг кўзини равшан қилгай.*

Маъноси:

Кимки, (худого) сиғиниш, қуллик қилиш уйини  
Ўзига маскан этса,

Худо унга олам ишидан омонлик беради.

Кимки ҳақ ваҳмидан ҳайқиқиб кўз ёши тўкса,

Ўша кўз ёши унинг кўзини равшан этади.

Кўриниб турибдики, бу тўртликда шоир кишиларни худого сиғинмоққа, унга қуллик қилмоққа чақирмоқда. Шунда Худо уларга олам ишларида баракот беради, уларни омонликда асрайди. Худо ваҳмидан кўрқиб йиғлаган кимсанинг кўз ёшларидан унинг кўзи нур топади, ривожланади. Аммо бу хикматнинг шакли бошқачароқ. “Буқоул маръий мин ҳашйат иллаҳи қурратул айни”. Бу хикмат “Кишининг Оллоҳдан кўрқиб йиғлаши кўзни равшан қилади” деб таржима қилинган (Навоий, МАТ, 15-жилд. Б. 230). Бу фикр тўртликнинг учинчи ва тўртинчи мисраларидаги мазмунга тўғри келади. Аммо биринчи ва иккинчи мисралардаги фикр таржимада тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, хикматда бошланғич фикр “Буқоул маръий” “Назарга олинган ҳаёт”дан иборат. Демак, “назарга олинган”, “эътиборга лойиқ” ҳаёт кўзларнинг (“қуррат ул айни”) “худодан” (“ҳашйат-иллоҳи”) кўрқишидадир.

Маълум бўладики, Навоий бу хикматни кенг талқин ва шарҳ этади.

Аввало, кишининг “хушуъ уйи”ни, яъни худодан кўрқув уйини ўзига маскан этиши тўғрисида сўз боради. Шунда худо олам юзасини унга тинч, осойишта бошпанага айлантиради. Ана шундан кейингина кўзларнинг худодан кўрқиши тўғрисидаги фикр келади. Буни Навоий тушунарли ва аник ифодаларда баён этган.

“Батнул маръий адувваху” – “Тўла қорин кишининг душмандир” маъносида. Бу ҳикмат соғлиқни сақлашга оид. Асл нусха ғоят қиска ва лўнда. Бу образли ифодани Навоий жуда ўринли, аник тушунчалар орқали ифодалаган:

*Ҳар кимгаки, кўп таом емоқ фандур,  
Билгилки, нажосатқа тани маскандур.  
Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,  
Невчунки, эр ўғлига қорин душмандур.*

Маъноси:

Кимки, кўп таом емоқни ўзига хунар қилиб олса,  
Билиб кўйки, унинг тани нажосат уяси бўлиб қолади.  
Қорнинг билан дўст бўлмаганинг яхшироқ,  
Чунки йигит кишига унинг қорни душмандир.

Шоир кишига қорни унинг душмани экани тўғрисидаги панд-ўғитни конкрет мисоллар орқали асослайди. Кўп таом ейдиган одам ўз танасини ахлатгоҳга айлантириб қўяди. Шунинг учун бундай машғулотга одатланмаслик керак. Яхшиси, қорин билан дўстлашмаслик керак. Ана шундан сўнг тўртликда юқоридаги ҳикматнинг таржимаси келтирилган. Демак, Навоий ўз ўқувчисини бу хулосага олдин тайёрлайди. Унга кўп овқат емоқнинг зарарини тушунтиради. Бу зарарнинг қандай ва нимада кўринишини очик-ойдин айтади. Фақат шундан кейингина умумий хулосани баён этади. Бу ҳикмат асарнинг умумий мундарижасига мос келади:

“Эр ўғлига қорни душмандир”.



## Умарали НОРМАТОВ

(1931 йилда туғилган)

### РОМАН КЎЗГУСИДА МИЛЛАТ ТАҚДИРИ

Кейинги икки аср давомида роман жаҳон адабиётида етакчи жанр бўлиб келди, XXI асрга ўтиб ҳам у ўша мавқеини асло бой бергани йўқ. Ҳар бир миллат адабиётининг бўй-басти, даражаси, аввало, шу жанр камолотига қараб белгиланади десам, буни ҳеч ким муболагага йўймайди. Бунинг боиси шундаки, башарият даҳоси яратган адабий жанрлар орасида энг универсали, канонларни, миллий чегараларни тан олмайдигани, бетиним янгилашиб, ўзгариб боришга мойили, ҳамма даврларга, оқимларга мослаша оладигани айни шу роман жанри бўлиб чиқди. Романтизм дейсизми, реализм, соцреализм, неореализм, сюрреализм, магик реализм, постреализм дейсизми, модернизм, постмодернизм дейсизми – барча адабий оқимларда унинг етук намуналарини топиш мумкин. Бугина эмас, ҳамма адабий тур – эпик, лирик, драматик шакллар, миф-асотир, ривоят, ҳикоятлардан тортиб, оғзаки ва ёзма ижоднинг деярли барча кўринишлари, жумладан, ёндош жанрлар – ҳикоя, новелла, қисса тажрибаларини, ҳатто намуналарини ўз бағрига бемалол сиғдираверди. Унда вақт қамрови, ҳажми, персонажлар сон-саногининг чек-чегараси йўқ. Бир кунлик, ҳатто бир

неча соат, дақиқалик воқеа асосига қурилган, айти пайтда, бир асрлик воқеаларни қамраб олган, бир-икки ёки ўнлаб, юзлаб персонажлари бор яхши романларни ўқигансиз, азизлар! Унинг бир, икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ китоблардан иборат хиллари борлигини ҳам яхши биламиз. Унинг ҳудудига публицистика, эссе, тарих, хроника, фалсафа бемалол бостириб кираверади. Роман сатҳи ҳозир урф бўлган плюрализм – фикрлар хилма-хиллигини бадиий ифодалаш, кўповозилик – полифония учун беқиёс майдондир.

У ёғини суриштирсангиз, бугунги кунда жаҳоннинг турли минтақаларида миллиардлаб томошабинларни кечаю кундуз телеэкран қаршисида ушлаб турган телесериаллар айти шу роман тажрибалари, романга хос тафаккур, тасаввур ҳосиласидир, телесериаллар томошаси энг оммавий визуал романхонликнинг ўзгинасидир. Қисқаси, бу жанрнинг имкониятлари чексиз, шунга яраша романнавис бўлиш масъулияти ҳам бениҳоя катта.

Романнинг ана шундай беқиёс имкониятларидан фойдалана олиш лаёқатига эга бўлган, унинг заҳматларига дош бера оладиган, роман юқини елкасида кўтаришга қодир шижоатли, чин истеъдод соҳибигина бу жанрда муваффақият қозона олади. Шунинг учун бўлса керак, мана икки асрдан ошдики, ҳеч қим, ҳатто манаман деган назариячи олимлар ҳам бу жанрнинг ҳамма бирдек тан оладиган таърифини бера олгани йўқ, беролмайди ҳам. Қарангки, кейинги икки юз йил давомида жаҳон адабиёти, адабий танқидчилигидаги энг қизғин баҳс-мунозаралар айти шу жанр, унинг намуналари, ижодкорлари теварагида кечган.

Муайян сабабларга кўра, бизда роман кейинроқ пайдо бўлди, бундан роппа-роса 90 йил бурун – 1920 йил декабрида ёзиб тугатилган “Ўткан кунлар” билан ўзбек миллий романчилиқ мактабига асос солинди. Хомчўт ҳисоб-китобларга қараганда, ўшандан бери бизда “роман” номи остида 500 га яқин асар яратилди. Табиийки, уларнинг савия-даражаси турлича. Миллий романчилигимизнинг туғилиш, шаклланиш ва

тараққиёт йўлининг 70 йили ғоят мураккаб, таҳликали вазиятларда, шўро истибдоди адабий сиёсати таъкибу таҳдидлари шароитида кечган бўлишига, машъум сиёсат ижодкорлар тақдирида муайян нохуш асоратлар қолдирганига қарамай, мўъжизани қарангки, ўша кезларда ҳам, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, бизда Европа адабиёти гази билан ўлчанганда ҳам тўлақонли, янги жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бўйлаша оладиган асарлар яратилди.

Энг муҳими, жадидчилик деб аталган улкан тарихий-маънавий жараённинг ҳосиласи сифатида пайдо бўлган ўзбек романи кўзгусида айна шу жараён – миллат тақдири – қисмати, унинг онги, руҳиятидаги долғали силсилалар, халқнинг орзу-армонлари, интилишлари, дарду дунёси, оху зорлари улкан кўзгудагидек бор бўйича ўз аксини топди, бу мўътабар анъана мустақиллик йилларида ҳам ўзгача кўринишда давом этиб келяпти.

“Ўткан кунлар”нинг асосий маъно-мундарижаси, пафоси ҳақида ҳозирга қадар ғоят хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилди, айтилмоқда. Улар орасида роман асосида ишқий-оилавий можаролар ифодаси-талқини туради, деган қараш кенг тарқалган. Ҳатто романнинг немис тилидаги таржима-си “Тошкентлик ошиқлар” деб аталиши бежиз эмас. Камина эса, бундай қарашни бутунлай инкор этмаган ҳолда, “Ўткан кунлар” романининг маъно-мундарижаси кўлами ғоят кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий, борингки, ишқий-оилавий муаммолар кўтарилган деган фикрдадир. Улар ичида, менимча, энг муҳими, юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир. “Ўткан кунлар” романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам XIX асрда миллат тақдири учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик тарихий ходисаларни, ўлканинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийчалик чуқур, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар яратилмаган. Адиб бу романи орқали тарихимизнинг энг кир, “қора кунлари” – юртни мустамлака балосига гирифтёр этган





кейинги “хон замонлари” ҳақида сўз очиб, тарихнинг бу аянчли ҳақиқатидан халққа сабоқ бермоқчи бўлган. Асар марказида турган Отабек, Юсуфбек хожи қисмати, руҳиятидаги энг кескин, драматик кечинма-ҳолатлар ифодаси айна шу муаммолар билан боғлиқдир. Ёзувчи қалбини ўртаган, уни қўлига қалам олишга ундаган бош омил, менимча, шудир (бундай даъвонинг тафсилотлари “Қодирий мўъжизаси” китобимда батафсил ёритилган).

“Ўткан кунлар”дан сўнг пайдо бўлган “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”, “Сароб”, “Обид кетмон”, “Кўшчинор”ларни эсланг. Бу романларнинг ҳар бири асар битилган кезлардаги муаллифлар кўнглида кечган оғрик тўла ўй-кечинмалар – асарлар қаҳрамонларининг драматик, фожиавий қисмати, дарду дунёси, оху зорини айна кўзгудагидек гавдалантириб берганлиги билан қимматлидир. Бу романлар орасида хронологик жиҳатдан ажиб мантиқий силсила, уйғунлик бор. Чунончи, “Кеча ва кундуз” “Ўткан кунлар”нинг давомидек туюлади. Чоризм мустамлакаси халқ ҳаётини асло енгиллаштиради, бу даврда жаҳолат ва зулм баттар авж олди. Оилавий ва ижтимоий муносабатлардаги тенгсизлик, қоқоқлик, қабоҳат ёнига фахш, янги кўринишдаги қаллобликлар келиб қўшилди. Бундай иллатлар ваҳшати романда шафқатсиз бир тарзда, бор ҳолича кўрсатилди. Айна шу шафқатсиз ҳодисаларнинг давоми ва ваҳшати “Қутлуғ қон” романида муайян даражада интихосини топган. Асар бош қаҳрамони Йўлчи кишлокдан нажот истаб шаҳарга келади-ю, қадам-бақадам ҳақсизлик, тенгсизлик, адолатсизлик қаърига кира боради, бора-бора кўзи очилиб, ўз шаъни, кадри йўлида, қолаверса, сабр косаси тўлиб-тошган жабрдийда оломон ҳимояси, аниқроғи, миллий озодлик ҳаракати йўлида қурбон бўлади.

Миллатларга эрк, озодлик ваъда қилган Октябрь тўнтаришидан кейинги давр акс этган “Сароб”да миллатнинг ҳар жиҳатдан етук, тўқис бахтга муносиб икки кўркем фарзанди – Саидий билан Мунисхон инқилобий алғов-далғовлар – икки тўлқин кураши гирдобида ҳалок бўладилар. Адиб аросатда

қолган икки ёшнинг маънавий-рухий изтиробларини ўқувчини ларзага соладиган тарзда ифода этади. Бу жиҳатдан ўз даври жаҳон адабиётининг “Тинч Дон”, “Жараён” сингари буюк дурдоналари руҳига ҳамоҳангдир.

Ўтган аср 20-йиллари охири, 30-йиллари бошларида колхозлаштириш деб аталган мамлакат тарихида, кўп сонли деҳқонлар қисматида оғир асорат қолдирган ҳодисалар ҳақида давр сиёсатига мос “синфий кураш” акидаси асосида ҳайбаракаллачилик руҳида битилган асарлардан тубдан фарқ қилароқ, “Обид кетмон” ва “Кўшчинор” (“Кўшчинор чироклари” эмас) миллий адабиётимизда янгилик бўлди. Мазкур мавзудаги расмий қарашларга мос тушадиган асарлардан фарқли ўлароқ, бу икки асар ўша мудҳиш ҳодисаларга ўзгача тарзда, кутилмаган томонлардан ёндашилганлиги, оддий одамлар қисмати холис, ҳаққоний ифода этилганлиги билан қимматлидир.

Афсус, бу икки асардан сўнг муайян муддат романчиликдаги миллат қисматидан баҳс этиш анъанаси тўхтаб қолди. Ниҳоят, 50-йиллар охирига келиб, “Синчалак” орқали ўша анъана қайта қад ростлади, “Синчалак” билан изма-из яратилган “Уч илдиш”, сўнг бирин-кетин пайдо бўлган “Қора кўзлар”, “Уфк”, “Чинор”, “Олтин зангламас”, “Диёнат” сингари миллат тақдиридаги мураккаб, чигал ҳодисалар қаламга олинган романлар эл орасида шуҳрат топди. Бора-бора миллат қисмати билан боғлиқ ҳодисалар тасвири-талқинидаги танқидий руҳ кескинлашиб, Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик”, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор”, Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романларида жамият ҳаётининг фожиали инқироzi ифодаси ўз интиҳосига етди. Жамият ва шахс қисмати талқинида танқидий пафос, инкор руҳининг кучайиши оқибатида миллий романчилигимизда модернистик адабиётга хос абсурд туйғуси ва ғояси, шахс руҳияти таҳлилида эса янгича тамойиллар, “полифония” ва “онг оқими” унсурлари пайдо бўла бошлади. Бу ҳол танқидчиликда қизғин баҳсларга асос бўлди. Дадил айтиш мум-

кинки, ўзбек романи истиклолдан анча бурун мавжуд тузумнинг антигуманистик моҳияти, инқирози, ҳалокатга маҳкум экани хусусида ўз бадий ҳукм-хулосасини чиқарди. Ва бу билан ўзбек миллий романчилиги миллат олдидаги тарихий миссиясини адо этиш шарафига муяссар бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат, мустабид тузум таъкибу тазйиклари шароитида, тарихий ўтмишимизни нуқул зулматдангина иборат деб аташ урф тусини олган, ҳар куни “Ким эдик тарихда бизлар, номи йўқ, кашшоқ, гадо” деган бўҳтон ва ҳақоратдан иборат кўшиқ сатрлари янграб турган кезлари жаҳон тан олган буюк сиймоларимиз ҳақидаги “Навоий”, “Улуғбек ҳазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” сингари етук романларнинг яратилиши мислсиз жасорат, чиндан-да ҳайратомуз ходисадир.

Романчилигимизнинг истиклол давридаги йигирма йиллик тараққиёти, минг афсус, ҳозирга қадар атрофлича ўрганилгани, муносиб баҳосини олгани йўқ. Назаримда, адабий танқид зиммасидаги бош вазифа – мавжуд роман хирмонини саралашда хийла сусткашлик қиляпти.

Истиклол туфайли ижод аҳли ҳам, адабий танқид ҳам мустабид тузум шароитида шаклланган барча чеклов, тушовлардан халос бўлди, ижодий изланишлар учун кенг йўл очилди. Бошқа барча адабий тур, жанрлар каби романнинг мавзу-мундарижа, шакл, ифода, поэтик кўлами кенгайди; турли-туман адабий-ғоявий оқим, хилма-хил мафкуравий йўналишга мансуб асарлар пайдо бўла бошлади; бир вақтлар менсимай қаралган оилавий-маиший ҳаёт муаммосига бағишланган сон-саноксиз асарлар битилди; нисбатан суст ривожланган ҳажвий, фантастик ва саргузашт-детектив романлар бугун китоб жавонларимизни тўлдириб турибди. Улар орасида Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов, Тоҳир Малик, Ҳожиакбар Шайхов каби эл тан олган адибларимизнинг етук асарлари ҳам бор. Тарихий романчилик аънаналарини Муҳаммад Али, Омон Мухтор, Эркин Самандар, Саъдулла Сиёев, Асад Дилмуроддек тажрибали адибларимиз изчил давом эттираётирлар.

Бевосита баҳс мавзумизга дахлдор – мамлакат, миллат тарихидаги энг буюк ҳодиса – истиқлол йилларида одамлар ҳаёти, тақдири, руҳиятида кечган жараёнларнинг роман кўз-гусидаги ифодаси масаласига келсак, бу борада ҳам муайян ютуқларимиз бор.

Бир тизимдан иккинчи бир тизимга – бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш осон кечадиган жараён эмаслигини ҳаммадан кўра ижод аҳли яхши билади, теран ҳис этади. Шахсан ўзим гувоҳ бўлган ходисаларга, қолаверса, ўз тажрибамга таяниб айта оламанки, бу жараён шавки ва оғриқларини, аввало, ижодкорларнинг ўзлари татиб кўрганлар. Чунончи, Шукур Холмирзаевнинг 90-йиллари ёзган эсселари, жумладан, “Адабиёт ўладими?” маколasi, устоз О.Шарафиддиновнинг “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” бадиаси, шунингдек, каминанинг устозга эргашиб ёзган “Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари” мутолааси чоғи бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўз бошидан кечган, ўзи юракдан ҳис этган ходисаларни, руҳий жараёнларни ўзгалар, аниқроғи, асар тимсолларига кўчириш – бадий ижоднинг ғаройиб, сирли-сехрли хилкати. Шукур Холмирзаевнинг истиқлолимизнинг дастлабки йилларида замондошлари ҳақида битилган “Аросат”, “Озодлик” “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди...”, “Булут тўсган ой” хикоялари, ниҳоят, “Динозавр” романи биринчи китобининг дунёга келиш тарихидан қисман хабардорман, уларнинг айримларини муаллиф розилигига кўра кўлёзма ҳолида ўқиганман, эҳтимолки, биринчилардан бўлиб улар ҳақида сўз айтганман, ёзганман. Баъзи фикрларим такрор бўлса ҳам айттай: “Динозавр” романи мавзу-материали, мазмун-мундарижаси жиҳатидан ўта замонавий асар, унда асар битилган даврнинг нафаси уфуриб туради, мамлакатдаги, жамиятдаги туб бурилиш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида одамлар ҳаёти, табиати, руҳияти, тақдирида, ўзаро муносабатларида юз берган ўзгариш, эврилишлар қаламга олинади, одамларнинг ўша кезлардаги ҳаёти-кайфияти бамисоли кўзгуга солиб кўрсатилади. Дадил айтиш мумкинки, ўша туб бури-

лиш асносида, аввало, адиб қалбидаги, қолаверса, одамлар руҳиятидаги эврилишлар, уларнинг ҳолат-кайфияти миллий адабиётимизда илк бор “Динозавр” оркали роман кўзгусида ўз аксини топди.

Йўқ, “Динозавр” муаллифи долзарб мавзуни қаламга олган экан, бу билан ўтмишда бўлганидек, ижтимоий жараёнларга шунчаки муносабат билдириш, ниманидир тасдиқлаш, улуғлаш ёки ниманидир рад этиш, қоралашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас, балки сўз санъатининг асл табиати, вазифасидан келиб чиққан ҳолда ана шу туб бурилиш палласида юзага чиқаётган инсон жумбоғи, аниқроғи, инсон табиати, руҳиятининг турфа жилвалари, янги қирралари, турли нағмалари, сир-синоати билан қизиқади. “Динозавр” романи айти шу жиҳати билан сизу бизнинг эътиборимизни тортади, бизни асар воқеаларининг, персонажлар давраси гурунларининг иштирокчиси, суҳбатдошига айлантиради. Роман қаҳрамонлари – кеча моҳир актёр саналган Шахлонинг хорижий мамлакатларга қатнайдиған тижоратчига, куни кеча таниқли “совет болалар шоири” бўлган Абзал аканинг бугун мутаассиб тақводорга айланиши, куни кеча тарих ўқитувчиси сифатида ёш авлод онгига коммунистик ғояларни сингдирган, раҳбар ходим сифатида даҳрий ишларга қўл урган Тойировнинг бугун катта фирма очиб “бозор иктисоди” одами, савдогар бўлиб олиши, Жамолиддиннинг оз фурсатда авваллари ҳатто тасаввур этиш ҳам мумкин бўлмаган кўламли мулкдор, бизнесмен бўлиб етишиши – бу тур одамлар табиати, руҳиятидаги бу қадар кескин ўзгаришлар ғалати жумбоқ... Бирок асардаги энг катта жумбоқ – бош қаҳрамон Маҳкам образидир. Маҳкам ҳам пок, соддадил, самимий инсон сифатида, ҳам истеъдодли адиб, моҳир тараққийпарвар кинорежиссёр сифатида туб бурилиш, ўзгаришлар жараёнида янги шароитга мослашолмай, янги “шароит мевалари”ни ҳазм қилолмай қийналади. Йўқ, у истиқлол, янгича ижтимоий муносабатлар рақиби эмас, айти пайтда унда эски тузумни қўмсаш кайфияти ҳам йўқ, аслида, моҳият-эътибори билан бу одам мустабид тузум жабрдийда-

лари тоифасига мансуб: отаси, тоғаси, яқин одамлари эл-юрт қайғуси билан яшаган зиёли одамлар бўлган; отаси қатағонга учраган, Сталин ўлиmidан олдин қамокда ўзини осиб қўйган; Маҳкамнинг ўзи эса ижодкор сифатида оғир шароитларда адолат, ҳақиқат учун курашганлар сафида турган. Истиклол туфайли аждодлари, ўз кўнглидаги орзу-ниятлари ушалади. Шундай бўла туриб, нега энди бу одам янги шароитга дарҳол мослаша олмайди, туб ўзгаришлар моҳиятини англашда қийналади? Бутун гап ҳаётнинг мураккаблиги, асарни асар, образни образ қиладиган бадий жумбок ана шунда! Ахир, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши осонликча кечмайди, “бозор иқтисодига ўтиш” даврида юзага чиқаётган мураккаб муносабатларни, давр зиддиятларини Маҳкам хилидаги одам дарҳол ҳазм қилиши қийин; айниқса, одамлараро муносабатларда ҳамма нарсани ҳисоб-китоб, пул, шахсий манфаат асосига қуриш тамойили қарор топа бориши, бу ҳодиса ҳатто Маҳкам оиласига кириб келиши уни қийноққа солади. Ҳаёт тарзининг ўзгариши билан ижодга муносабат, бадий ижод, санъат мезонлари ҳам тубдан ўзгарди. Бугун ижодкор кечаги мезонлар билан иш қўриши мумкин эмас. Маҳкам сиймосида биз мана шу мураккаб руҳий жараёни юракдан ўтказаётган, ўзи янгилашиш машаққатини бошидан кечираётган ижодкор шахси драмаси, балким, фожиасини кўрамиз. Шу тариқа қаҳрамоннинг изтиробли ўйлари, қалб драмаси Шукур услубига хос бўлган икир-чикирлари, тафсилотлари билан ифодаланади. Маҳкам ўтиш даври зиддиятларини ҳам содда, самимий инсон, ҳам виждонли, истеъдодли санъаткор сифатида намоён этганлиги билан жозибадор. Қизик, янги замон ўзгаришларини қийинчилик билан қабул қиладиган Маҳкам, романда қаламга олинган шароитга осонлик билан мослашиб дарҳол “бозор даври” одамига айланиб олган кимсаларга караганда қалбимизга яқин, мустақил Ватаннинг чин, самимий ўғлони сифатида таассурот қолдиради.

Адиб романнинг иккинчи китобидан айрим бобларни эълон этди, афсуски, у охирига етмай қолди. Аммо журналда эълон



этилган биринчи китобнинг ўзиёқ “Динозавр” миллий адабиётимизда истиклол даври одамлари тақдири, қалб драмаларини роман кўзгусида ёрқин акс эттирган илк етук асар сифатида қимматлидир, деб ҳукм чиқаришга тўла асос беради.

“Динозавр” олдидан Шукур Холмирзаев қалбида кечган руҳий жараёнга яқин ҳолатни кейинги авлод романнависи Улуғбек Ҳамдамда ҳам кузатиш мумкин. Буни муаллифнинг 1994 – 1997 йиллар оралиғида қоғозга туширган автобиографик характердаги “Ёлғизлик” қиссаси мисолида яққол кўрамиз. Анъанавий автобиографик қиссалардан фарқли ўларок “Ёлғизлик” одатдаги саргузашт асар эмас, балки айни қисса ёзилган кезлари муаллифнинг қалбида кечган ўй-мушоҳадалар, изтироблар, қолаверса, у муаллиф ижод психологияси биографиясидир. Дарҳақиқат, қисса синчиклаб мутолаа қилинса, кейинроқ дунёга келган “Мувозанат”нинг режа, муаммо, мотив, образлари айни ўша кезлари муаллиф кўнглида шаклланганини пайқаш мумкин. Қарангки, “Мувозанат” романи “Ёлғизлик” билан изма-из – айни 1997 йили ёзилган.

Моҳият-эътибори билан роман эпик жанрга мансуб эканини ҳис этган муаллиф “Мувозанат”да “Ёлғизлик”даги субъектив “дил изҳори” усулини қўйиб, ўзини ҳодисалардан четга олиб, объектив, холис ифода йўлидан, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жараённи роман кўзгусида гавдалантириш йўлидан боради. “Динозавр”да бўлгани каби бош қаҳрамон Юсуфнинг ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ одами экани “Мувозанат”нинг ифода доирасини кенгайтиради, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида, хилма-хил одамлар сийратида кечаётган силсилаларни ифодалаш имконини беради. Бугина эмас, Юсуфнинг ёш тарихчи олим, олий ўқув юрти муаллими, курсдош дўстларидан бири Саиднинг масъул раҳбар ходим, Миразимнинг эса савдо-тижорат, бизнес одами сифатида олиниши ҳаётнинг турли қатламлари қаърига кириб бориш учун йўл очади. Янги шароитда ҳам жамиятда, ҳам оиладаги табақаланиш, фақат талабалик кезлари бир майизни бўлиб



еган кадрдон дўстлар даврасидагина эмас, бир оила одамлари: эр-хотин, ота-бола, ака-ука орасида ўта чигал, мураккаб муносабатларни келтириб чиқаради. Шу тариқа жамиятдаги жараёнларнинг окибат-асоратлари персонажларнинг шахсий, оилавий-маиший турмушида ҳар қадамда баралла намоён бўла боради. Ўз навбатида, асардаги ҳар бир тирик жонни қийнаган дарду ташвишларнинг илдизи жамият ҳаётида улкан бурилиш палласида содир бўлган силсилаларга бориб тақалади. Айни шу ҳолат – шахсий-оилавий-ижтимоий муносабатлар драмасининг уйғунлигидан романга мос улкан яхлит драма, қолаверса, романга хос тафаккур – яхлит бадиий концепция вужудга келади. Яна бир муҳим жиҳат, асарда қаламга олинган барча персонажлар тақдири, хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳодисалар бош қаҳрамон қисмати билан қандайдир йўсинда туташади; булар Юсуфнинг ўз шахсий ҳаёт драмалари, орзу-интилишлари йўлида чеккан захматлари, топган ва йўқотганлари билан қўшилиб-туташиб даврнинг тирик тимсоли, романга хос қаҳрамон даражасига кўтаради. Баралла айтиш мумкинки, Юсуф романчилигимизда ўтиш даври деб аталган мураккаб тарихий жараённинг қаҳрамонидир. Муҳими, у қийин, чигал, аммо зарурий ҳаётининг силсилалар тўзони орасидан эсон-омон ўтади. Ҳаёт синовларида тобланиб, ўзлигига, асл этикодига содиқ қолади.

“Мувозанат” романи “Жаҳон адабиёти”да босилиш олдида ҳам, босилгандан кейин ҳам қизгин баҳс-мунозараларга асос бўлиб келди, у ҳақида ҳам танқидий, ҳам илиқ гаплар айтилди. Муҳими, роман, қолаверса, унинг муаллифи бу хил кескин баҳсларга дош бериб келяпти. Унга хорижда ҳам қизиқиш катта. Чунончи, АҚШдаги Мичиган университети муаллимаси Рейчл Харэл 2007 йил Марказий Евроосиё масалаларига бағишланган 8-халқаро анжуманнинг маданият шўъбасида ўқиган “Ўтиш даврида ўзбек адабий овозлари. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи воқеаси” мавзуидаги маърузасида романда “кўнгил эҳтиёжи сифатида етилган мавзунинг жасорат билан акс эттирилганлиги алоҳида таъкидланади. Бугина эмас, университетда унга бағишланган



кўламли семинарлар ташкил этилади. (Қаранг: “Талабалар дунёси”, 2009 йил, 10-сон).

“Динозавр” ва “Мувозанат” каби Хуршид Дўстмухаммаднинг “Бозор” романи ҳам айтилиши ўша миллат тарихидаги улкан бурилиш, бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш палласидаги миллат фарзандлари ҳаёти, қисмати, онг-шуури, қалбида кечган мураккаб зиддиятлар ҳақида баҳс этади. Аммо юқоридаги икки асардан фарқли ўларок, “Бозор” бутунлай ўзгача услубий йўналишда битилган. Асар тили бошдан-оёқ рамзлар, метафоралар, имо-ишоралар асосига қурилган. Бу тилни ўқимай, уқмай туриб романни тушуниш, унинг туб моҳиятини англаш маҳол. Асар номи – “бозор” сўзи таркибидан “бозор” тушунчасидан ташқари “ор”, “зор”, “озор” маъноларини қидиради муаллиф. Бутун бошли романда бунақа рамзий ишоралар тўлиб-тошиб ётибди. Оддий китобхон уларнинг ҳаммаси моҳиятини англашга қурби етмас, аммо асар бағрида ловуллаб турган ёлқинни баралла кўриб, хис этиб туради. Бу романдаги икки жозибадор шахс – Фозилбек билан Қадрия қалбидаги маёқдир. Асар воқеалари, асосан, бозор ва унга ёндош кироатхонада кечади. Романда бозор – метафора, рамз, тимсол, ҳаётнинг ўзига хос бадиий модели. Муаллиф ибораси билан айтганда, “бозорнинг ўзи дунё”, “одамларнинг ичини кўриш, томоша қилиш борасида бозордан қулайроқ жой йўқ дунёда, бозор одамларнинг ич-ичини ағдариб кўз-кўз қиладиган ажойибхона”, бунда ҳар бир банданинг феълидаги зўравонлик, соддалигу муғамбирлик, лақмалигу уятчанлик – ҳаммаси бозорда ё пинҳона, ё ошқора кўзга ташланади. Энг муҳими, бозор – романда муаллиф учун жамият маънавиятидаги бугунги оғриқли жараёнларни тафтиш этишнинг қулай воситаси.

Романда бозор билан ёндош ҳолда кироатхона тасвири ҳам бор. Бозор ҳамиша гавжум, жамики тумонат бозорда. Бозордагиларнинг барчаси нафс илинжида. Нафс балоси туфайли бозор ёнмоқда, чўкмоқда. Бозор ёнидаги кироатхона эса кимсасиз, хароб, хувиллаб ётибди... Ҳаёт ҳеч қачон ақли расолар-

дан, фидойилардан холи қолган эмас. Ҳамма ўзини бозорга ураётган, балки нафс кўйига мубтало бўлиб қолган замонда, карангки, қоқ бозорнинг ичидан, бозор одамлари орасидан бир маънавият, маърифат фидойиси Фозилбек отилиб чиқади, илоҳий тақдир уни кимсасиз хувиллаб ётган маскандаги яна бир маънавият фидойиси Қадрияга рўбарў қилади... Бу икки ёш нафс балоси туфайли бозор ёнаётган, чўкаётган, нафс бандаларини олов қаърига тортиб кетаётган бир замонда нажот йўлини қидирадилар. Улар бозорни ҳалокатдан қутқариш йўли маънавиятда деб билдилар. Фозилбек маслакдош севгилиси билан бирга бозор ўзгаришларини тушуниш, унинг тилини, ҳикматини ўрганиш, зулмат қаърига чўкаётган бозорни маънавият, маърифат ёғдуси билан нурлантириш устида астойдил ўй суради, амалий ҳаракатга ўтади. Ёзувчининг диққат-эътибори бозор манзаралари ва можароларининг бевосита ўзини эмас, персонаж онги, руҳиятидаги акс садосини ифодалаш, бадиий таҳлил этишга қаратилади, бунда “онг оқими” тажрибаларидан ижодий фойдаланади.

Қисқаси, “Бозор” ҳам “Динозавр” ва “Мувозанат” каби ўтиш даврининг роман кўзгусидаги ўзига хос, бетакрор акси, оқил одамлар орасида, онгида кечаётган баҳсу мунозараларнинг акс садосидир. Асар ўзининг асосий пафоси билан мамлакатимизда қарор топган иктисодиёт ва маънавиятни уйғунликда олиб боришдан иборат устувор ғоя-концепцияга ҳамоҳангдир.

Биз сўз юритган романлар истиқлолнинг дастлабки йиллари, ўтиш даври жараёнлари ҳақида баҳс этади. Ўтиш даври аллақачон ортда қолди. Кейинги йигирма йил давомида мамлакатимиз киёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги ўзбек бундан ҳатто ўн йил бурунги ўзбек эмас. Мамлакатимизда жаҳонни ларзага солаётган инқирозга дош бера оладиган жамият, барқарор ўсишни таъминлаётган, жаҳон миқёсида фикрлайдиган янги авлод шаклланди. Бундай ўзгаришлар ўз-ўзидан осонликча содир бўлаётгани йўқ. Буларнинг барчаси замондошларнинг бетиним ўй-мушоҳада, ақл-заковат, ижодий меҳ-

нат ва шижоати самарасидир. Мана шу мислсиз жараённинг ичида яшаётган, қолаверса, шу жараённи яратаётган одамлар ҳаёти, уларнинг бунёдкорлик йўлидаги заҳмати ва шавқи, кечинмалари, орзу-интилишлари, армон-ўкинчлари энди яратилажак романларимиз кўзгусида ўзининг муносиб аксини топишига ишонамиз.





## Наим КАРИМОВ

(1932 йилда туғилган)

### ОЛТИН КЎПРИКЛАР ЖОЗИБАСИ

*Адабий алоқалар ва бадиий таржима ҳақида ўйлар*

Инсоният цивилизациясининг ҳозирги боскичида ҳар бир миллий адабиётнинг бошқа халқлар адабиёти ютуқларидан бебаҳра яшаши маҳол. Ҳатто айтиш мумкинки, ҳар бир миллий адабиётнинг тараққиёти жаҳон адабиётида пайдо бўлаётган янги бадиий ғоялар ва янги бадиий-услубий изланишларни кузатиб бориши, ўрганиши ва улардан баҳраманд бўлишига боғлиқ. Жаҳон адабиёти бирор муайян халқнинг адабиёти эмас. Турфа дарёлар улкан уммонларни ташкил этганидек, Ер куррасида яшаётган барча юксак маданиятли халқлар адабиёти жаҳон адабиёти уммонига келиб қўшилади. Шу маънода ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиётининг таркибий қисмидир. Ўзбек халқи узок асрлар мобайнида нафақат буюк Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Раҳимбобо Машраб, Муҳаммад Ризо Огаҳий сингари мумтоз шоирлари, балки Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Гулом... сингари шоиру адиблари билан ҳам жаҳон адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшди ва ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбек адабиётининг кўп асрлик тарихида XX аср алоҳида ўринни эгаллайди. Агар шу асргача бўлган ўзбек адабиёти



Шарқ халқлари адабиёти анъаналари асосида камол топган ҳамда ўз олдига соф адабий-бадий мақсад ва вазифаларни кўйган бўлса, тарих XX аср бошларида пешқадам ўзбек ёзувчилари олдига бадий сўз воситасида миллатни уйғотиш вазифасини кўйди. Жадид адабиёти намояндалари мустамлакачилик зулми остида эзилган ва хонавайрон бўлган ватандошларининг юмук кўзларини маърифат нурлари билан очмоқчи бўлдилар. Шу мақсадда улар XVIII асрдаги француз маърифатпарварлари тажрибасига мурожаат этдилар. Агар 1917 йил тўнтариши содир бўлмаганда, балки миллий уйғониш адабиёти намояндалари ўзбек халқининг том маънода янги миллий адабиётини ва шу адабиётнинг ўлмас намуналарини яратган бўлармидилар. Афсуски, шу йили тарих сахнасига чиққан шўро давлати чор ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирибгина қолмай, Туркистон халқлари адабиётининг миллий адабий ўзанда ривожланишига ҳам имкон бермади. Ва бу халқлар адабиётини сиёсатлашган адабиётга, шўро давлати ва большевиклар партияси ғояларини тарғиб қилувчи, “шаклан миллий, мазмунан социалистик” адабиётга айлантирди.

Ўзбек ёзувчилари бахтига, халқ ва мамлакат манфаатларини унутмаслик лозимлигини бонг ўларок жаранглаб, эслатиб турувчи кўринмас бир мўъжиза эди. Бу – улар вужудида зарб бериб турган Юрак. Бу – улар юрагида бедор ва безовта бўлиб турган Виждон. Бу – мустамлакачиликнинг фожиали оқибатларини кўриб конталаш бўлиб кетган Чўлпоннинг Юраги. Бу – Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасига бориб, буюк соҳибкирондан мадад сўраган Фитратнинг Виждони! Бу – қаҳрамони Отабекни кечикиб бўлса-да, озодлик учун курашгин, деб Семипалатинскка йўллаган Қодирийнинг Қалами...

XX аср ўзбек адабиётининг буюк адабиёт бўлиб шаклланишида, булардан ташқари, яна бошқа муҳим омил бўлган. Бу рус, инглиз, француз, немис ва бошқа халқларнинг мумтоз ва замонавий адабиётларидаги эрк ва хуррият ғоялари. Бу ғоялар ўзбек адабиётига икки хил йўл билан кириб кел-



ди. Биринчи йўл – бошқа халқлар адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилиниши бўлса, иккинчи йўл – адабий алоқаларнинг ўрнатилиши ва барқарорланишидир. Шуни унутмаслик керакки, шўро даврида жаҳон халқлари адабиётининг энг яхши намуналари рус тилига таржима қилинди. Бу ҳол ўзбек ёзувчилари (ва китобхонлари) нинг бу асарлар бадиий гўзаллиги ва жозибасидан баҳраманд бўлишлари, уларда олға сурилган илғор ғоялардан озиқланишларига катта имкон берди. Хуллас, XX аср ўзбек адабиётининг юксак миллий адабиёт даражасига кўтарилишида адабий таржима ва адабий алоқаларнинг аҳамияти ғоят катта бўлди.

Сир эмас, “темир парда” шўро давлати билан хорижий оламни узоқ йиллар давомида икки бўлакка ажратиб турган бўлса-да, мустақкам адабий-маданий алоқалар собиқ республикаларда яшаган халқларни ўзаро боғлаб турган. Дастлаб фақат Москвада ўтказилган адабий ўнкунлик ва ҳафталиклар кейинчалик миллий республикаларда ҳам уюштириладиган бўлди. Ўзбек ёзувчилари нафақат москвалик ва ленинградлик қаламкаш биродарлари, балки бошқа республикаларда яшаб истиқомат қилаётган дўстлари билан ҳам яқин ижодий алоқада бўлдилар ва улар билан ҳамкорлик қилдилар. Ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, бошқа халқларнинг ҳам адабий-маданий ҳаётидан каттами-кичикми ўрин эгаллади... Бундай ижобий ҳолларнинг XX аср ўзбек адабиётида яхши самаралар бермаслиги иложсиз эди.

Ҳозир ўзбек диёри бўйлаб XXI аср шабадалари эсиб юрибди. Бу шабадалар қанотида йигирма йиллик хуррият ва саодат боғининг ифорлари бор. Шундай хушбўй ифорлар бундан йигирма йил аввал бошланган янги ўзбек адабиётининг иссиқ бағридан ҳам таралиб-ёйилиб туради.

Адабиётимиз тарихининг янги даври мураккаб тарихий шароитда бошланди. Шўро давлат тузумининг ўлими билан шу тузумнинг сиёсий-мафкуравий ва маънавий кадриятлари ҳам совун кўпигидек ғойиб бўлди. Қутилмаганда маънавий



кадриятлар мавқеи пасайиб, моддий кадриятларга бўлган эътибор кучайиб кетди. Натижада шу вақтга қадар хорижий адабиётлар қандай моддий шароитда яшаб келган бўлса, ўзбек адабиёти ҳам қарийб шундай моддий шароитга тушди. Ва бу шароит жамиятдан адабий таржима ва адабий алоқаларни энди янги изларга тушириш ва янги шаклларда ривожлантиришни тақозо этди.

Ўзбек ёзувчилари мураккаб иқтисодий-маданий шароитни бошдан кечира бошлаган кунларда Республика раҳбари адабиёт ва санъат ахлини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, улар ижодининг самарали бўлишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида янги давлат мукофотлари ва унвонларни таъсис этди. Ижодкор зиёлиларни ҳар йили, Мустақиллик байрами арафасида юксак ҳукумат унвонлари ва нишонлари билан тақдирлаш янги тарихий даврнинг кўркем анъаналаридан бирига айланди. 1997 йил 27 февралда ўзбек ёзувчиларининг орзу-армони – “Жаҳон адабиёти” журналини ташкил этиш тўғрисида республика Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. 2010 йили эса республика раҳбари ташаббуси билан “Ижод” фонди тузилиб, ёзувчиларнинг Дўрмон қишлоғидаги Ижод уйи ва Тошкент шаҳридаги поликлиникаси қайта таъмирланиб, янги мебель ва замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди: катта ва ёш авлод ёзувчиларининг ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун яхши ва қулай шароитлар яратилди.

Президент Ислон Каримов “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” асарида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишга қаратилган масалалар ҳақида сўзлаб, жумладан, бундай ёзган эди: “Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни у киши “Жаҳон адабиёти” журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият берма-



япмиз. Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшла-  
римизни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол  
топтиришга уринаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга  
ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қисқача айтганда, бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида  
ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакат-  
да бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, кадриятларимизга  
хурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрга-  
нишимиз мумкин ва ўз навбатида, уларга нималарни тақдим  
этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда  
ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини до-  
имо ёдда тутишимиз лозим”.

Шу сатрлар ёзилгандан аввал ҳам, кейин ҳам бир неча хо-  
рижий мамлакатларда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтка-  
зилди, Чўлпоннинг 100, Абдулла Қодирийнинг 110 йиллиги  
муносабати билан адабий кечалар бўлиб ўтди. Ўз навбатида  
хорижий мамлакатлар ҳам машҳур адибларининг юбилей-  
ларига ўзбек ёзувчилари ва адабиётшунос олимларини так-  
лиф этдилар. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукрулло,  
Пиримқул Қодиров, Рауф Парфи, Жамол Камол, Муҳаммад  
Али сингари ёзувчилар шундай маъракаларда иштирок этиб,  
хорижий ёзувчилар билан ижодий мулоқотда бўлдилар ва  
дўстлик ришталарини ўрнатдилар. 2010 йили буюк туркман  
шоири Муллонафас туғилган куннинг 200 йиллиги муноса-  
бати билан Ашхобод ва Тошкент шаҳарларида ўтган кечалар  
ўзбек ва туркман адабий алоқалари тарихида янги саҳифани  
очди. Аммо бундай тадбирларнинг келажакда авж оли-  
ши ва Ўзбекистон билан хорижий мамлакатлар ўртасидаги  
мустаҳкам маданий алоқаларнинг таркибий қисмига айлани-  
ши мақсадга мувофиқ. Зеро, адабиётдек, адабий алоқалардек  
турли тилларда сўзлашувчи ва турли жуғрофий ҳудудларда  
яшовчи халқларни ўзаро яқинлаштирадиган, уларда бир-  
бирига нисбатан хурмат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғо-  
тадиган бошқа омил йўқ, десак хато бўлмайди.

Президент Ислом Каримов юқоридаги пурмаъно сўзлари-



ни давом эттириб, яна бундай фикрни олға сурган эди: “Мен бу борада Ғарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Миср, Бирлашган Араб Амириклари, Кувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни кучайтиришни тавсия этган бўлардим. Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда, албатта, ўзаро тенглик, хурмат ва самимият ғоят зарур. Шуни унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи – худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон – Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди”.

Шу нарса қувонарлики, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея сингари мамлакатларда ўзбек адабиётига эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу мамлакатларнинг адабий ва илмий келажаги бўлган ёш олимлар ўзбек тилини қунт билан ўрганиб, мумтоз ва замонавий адабиётимиз намояндалари ижодига қизикмоқдалар. Айни пайтда, улар ўз олдиларига ўзбек адабиёти намуналарини она тилларига таржима қилиш мақсадини ҳам қўймоқдалар. Чунончи, Сиэтл университети (АҚШ)даги проф. Илза Сирткаускас раҳбарлик қилаётган кафедра талабалари Навоий ва Ойбек тилини ўрганиш билангина қифояланмай, ўзбек ёзувчиларининг асарларини инглиз тилига таржима ҳам қилмоқдалар. Бу эътиборга сазовор ҳаракатнинг юзага келишида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг ҳам хизмати оз эмас. Жанубий Кореядан корейс тилини ўзбек ёшларига ўргатиш учун келган Хайём Янг эса Абдулла Қодирий ижодига айрича меҳр қўйиб, “Ўткан кунлар” романини корейс тилига таржима қилишга бел боғлади. Афсуски, бундай фактлар ҳозирча кўп эмас. Ўйлаймизки, ўзбек адабиёти ҳамда Ғарб ва Шарқ халқлари адабиётлари ўртасидаги ижодий алоқа ва ҳамкорлик яқин йилларда давлат томонидан қўллаб-қувватлана бошлаши билан изчил изга тушиб, яхши самаралар беради ва ўзбек адабиётининг янги бадиий босқичга кўтарилишига ёрдам беради.

XX асрда ўзбек адабиётининг ривожланган миллий адабиётлардан бирига айланишида бадиий таржиманинг аҳа-

мияти ва роли ғоят катта. Ўтган даврда шўро мафкурасининг таъйиқига қарамай, рус ва жаҳон адабиётининг сара намуналари ҳам ўзбек тилига таржима қилинди. Шу ижодий жараёнда ўзбек ёзувчи ва таржимонлари рус ва жаҳон адабиётининг юксак намуналари билан танишибгина қолмай, бадий маҳорат сирларини, ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиш ва тилимизнинг турли даврлар соясида қолиб кетган гўзал қатламларини юзага чиқариш малакасини эгаллаб бордилар. Бадий таржима, бир томондан, ўзбек халқи маърифати ва маданиятининг янада юксалишига ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, миллий адабиётимизга янги бадий ғоялар ва ранг-баранг услубларнинг кириб келишига имкон туғдирди. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилиши ва бу журналда шўро давридан фарқли ўларок, биринчи навбатда, умуминсоний ғоя ва қадриятлар тараннум этилган асарларнинг ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилиши катта воқеа бўлди.

“Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, – деб ёзган эди “Жаҳон адабиёти” журнаliga раҳматли Озод Шарафиддиновдан кейин раҳбарлик қилаётган шоир Мирпўлат Мирзо, – мухтарам Юртбошимизнинг имзоси билан эълон қилинган мазкур қарор адабий жамоатчилик ва жамики адабиёт мухлислари қалбини чексиз тўлқинлантирган эди. Чунки биз шўролар тузуми даврида бундай нашрни ҳаёлимизга ҳам келтиролмас эдик. Ўша салтанат марказида чоп этиладиган “Иностранная литература” журнаli кўзимизга тўтиё бўлса-да, унда ҳам фақат коммунистик мафкурага хайрихоҳ муаллифларнинг асарлари эълон қилинарди. Ҳақиқий маънодаги юксак дунёвий адабиётдан бебахра эдик... Адабиётдаги эркин тафаккурни кўллаш, хурфиқрлилик тушунчаси, миллий қадриятларни тарғиб этиш ва миллий қаҳрамонларни яратишга интилиш туйғуси – буларнинг барчаси ўша даврларда маҳдудлик, миллатчилик ва беҳуда сафсата сифатида қараларди. Энди эса ҳаёт бунинг тамомила аксини тасдиқлаб турибди. Сохта, зўрма-зўраки ғоя

ва инсон тафаккурига қўйилган чекловлар бугунги кунда чаппор урган боғ четидаги чирик панжарага ўхшаб қолади”.

2005 йилда “Жаҳон адабиёти” журналининг 100-сони муштарийлар қўлига етиб борди. Агар янги журналнинг шу юзта сонида эълон қилинган бадиий, адабий-танқидий ва публицистик асарларга назар ташласак, улар зуваласида умминсоний ғоя ва қадриятлар ётгани, бу ғоя ва қадриятларнинг ўзбек халқига ҳам бегона эмаслиги яққол кўриниб туради. Шу юзта сондан 50 дан зиёд роман, 40 дан ортиқ кисса, 150 дан оз бўлмаган шеърий туркум, кўплаб публицистик ва адабий-танқидий мақолалар жой олган. Бу асарларнинг муаллифлари орасида Абулқосим Фирдавсий, Данте Алигъери, Уильям Шекспир, Аббат Прево, Жалолиддин Румий, Рабиндранат Тагор, Исмоил Гаспирли, Жўржи Зайдон, Хусайн Жовиддан тортиб, Марина Цветаева, Франц Кафка, Ясунари Кавабата, Паоло Коэльо, Чингиз Айтматов, Иосиф Бродский, Ўлжас Сулаймоновгача бўлган жаҳон мумтоз ва замонавий ёзувчиларининг номлари бор. Шу номлар мухтасар саноғининг ўзиёқ журналнинг том маънода жаҳон адабиёти кўзгуси бўлиб бо-раётганидан дарак берса ажаб эмас.

Журналда шу йилларда эълон қилинган асарлар орасида буюк немис файласуфи Фридрих Ницшенинг “Зардушт таваллоси” асари ҳам бор. Бу асарнинг шўро даврида ўзбек тилига таржима қилинишию чоп этилиши амри маҳол эди. Эндиликда ҳозирги ўзбек таржима мактабининг пирларидан бири Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига меҳр ва маҳорат билан ўгирилган бу асар таржимасисиз мустақиллик даври ўзбек бадиий маданиятини тасаввур этиш қийин. Зеро, жаҳон адабиёти хазинасида шундай буюк ва машҳур асарлар борки, уларни ўз тилига таржима қилмаган халқ ўзини юксак маданиятли халқ деб билмаслиги лозим. Шу маънода бадиий таржима ҳар бир халқ маданий ва маънавий олами даражасини белгилайдиган энг муҳим омиллар сирасига киради.

Ўзбек халқининг бахтига, XX асрда Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Мирзақалон

Исмоилий, Асқад Мухтор, Қодир Мирмухамедов, Мирзиёд Мирзоидов, Миад Ҳақимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғафуров сингари моҳир таржимон-адиблар дунёга келиб, жаҳон адабиёти машхур намояндаларининг энг яхши асарларини ўзбек маданиятининг бебаҳо мулкига айлантириб бердилар. Шу кутлуғ анъана мустақиллик даврида “Жаҳон адабиёти” журнали атрофида уюшган таржимонлар томонидан муваффақият билан давом эттирилмоқда. Шу нарса қувонарлики, атоқли адабиётшунос ва таржимон Озод Шарафиддинов бошлаб берган анъананинг ҳозирги кунда давом этишида шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзонинг хизматлари алоҳида эътиборга молик.

Бадий таржима сўз санъатининг шундай бир соҳасики, бу соҳада моҳирлик кўрсатиш учун истеъдодли шоир ёки ёзувчи бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Таржимон истеъдодли шоир ёки ёзувчи бўлишдан ташқари, таржима қилаётган шоир ёки ёзувчининг руҳий оламига қира билиши, унинг бадий услуби ва тасвир санъатини ўзлаштирган бўлиши, у яратган қахрамонлар дарди билан яшаши... лозим. Эшигига бундай талаблар ёзилган даргоҳга ҳар ким ҳам қиравермайди. Бундан ташқари, яна шундай сўз санъаткорлари бўладиларки, улар қайнаб ижод қилиб турган кезларида таржимонликнинг машаққатли нонига киё ҳам бокмайдилар. Айримлари эса таржимонлик – шоирлик ёки ёзувчиликни эплолмаган кишиларнинг иши, деган ҳаёлда яшайдилар. Шу боис бундай ижод аҳлига “суф сизга”, дегинг, таржимонлик меҳнатининг азобу машаққатларини зиммаларига олиб, игна билан қудуқ қазиб, халқ ва адабиётга халол хизмат қилаётган дўстлар шаънига эса энг илиқ ва самимий сўзларни айтгинг келади, киши.

“Жаҳон адабиёти” журналининг кейинги сонларини варақлар экансиз, асарлари таржима қилина бошлаган миллий адабиётлар билан бирга таржимонлар сафининг ҳам кенгайганлигига шохид бўласиз. Журнал таҳририяти айни пайтда “Фалсафа. Маданият. Санъат”, “Тарих тилга кирганда”, “Мозийдан садолар”, “Мангуликка дахлдор”, “Сўнмас сиймолар”,

“Нобель маърузалари”, “Жажжи портретлар”, “Ёзувчининг кўнгил дафтари”, “Ижод сирлари”, “Адабий танқид”, “Китоблар оламида. Такризлар” сингари рукнларни ташкил этиб, ўзбек китобхонларини жаҳон адабиёти билан таништиришнинг ранг-баранг йўлларида фойдаланмоқда. Аммо журналнинг бош ва асосий йўналиши замонавий ва мумтоз жаҳон адабий-эстетик тафаккури дурдоналарини ўзбек китобхонларига етказишдир. Журнал таҳририятининг шу йўналишда олиб бораётган ишлари ҳар томонлама ҳурмат ва таҳсинга сазовор.

Яна шу нарса қувонарлики, нафақат рустилидан, балки бевосита Ғарб ва Шарқ халқлари тилларида ўзбек тилига маҳорат билан таржима қила оладиган ижодкорлар авлоди етишиб чиқди. Жумладан, Амир Файзулла – ҳинд-урду, Б.Эрматов, А.Кўчибоев – француз, М.Сайдумаров – араб, Мирзиз Аъзам ва Бобохон Шарипов – турк, Усмон Қўчқор – озарбайжон, М.Акбаров ва Янглиш Эгамова – немис тилларида амалга оширган таржималари билан журналхонларни дунё маданият меросидан баҳраманд этмоқдалар. Журнал жонқуяри Мирпўлат Мирзонинг ўзи эса рус тилидан ташқари, қозок ва қирғиз тилларида ҳам таржима қилишга ихтисослашган. У ҳатто қардош халқ тилидан қилган таржималарини жамлаб, “Сайра, дўмбирам” (2005) деган қозок шеърляти антологиясини эълон қилди ва бу ижодий меҳнати билан ҳозирги ўзбек китобхонларининг кекса Абайдан то навқирон Абдулла Аймоққа қадар бўлган 50 нафар қозок шоири ижоди билан, умуман, қозок шеърляти бўстони билан яқиндан танишишларига имкон яратиб берди. Доимо янги ижодий орзу ва режалар муҳитида яшаётган шоир ўтган йили китобхонларга “XX аср рус шеърляти” (2010) антологиясини тухфа қилди. Таржимон бу антологияга Анна Ахматова, Константин Бальмонт, Борис Пастернак, Осип Мандельштам, Марина Цветаева, Николай Заболоцкий, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Белла Ахмадулина, Иосиф Бродский, Роберт Рождественский сингари 15 та забардаст рус шоирининг шеърларини кирит-

ди. Мирпўлат Мирзо бу гўзал нашрни тайёрлашдан аввал, 2004 йилда “Жаҳон адабиёти” кутубхонаси туркумида “Сомон йўли чечаклари” шеърий тўпламини эълон қилган ва бу тўпламда ўзбек китобхонларини Борис Пастернак, Константин Бальмонт, Осип Мандельштам, Иосиф Бродский, Евгений Евтушенко шеърлари мисолида – рус, Тудор Аргези шеърлари мисолида – румин, Томас Стернс Элиот шеърлари мисолида – англиз, Жозуэ Кардуччи шеърлари мисолида – итальян, Харри Мартисон шеърлари мисолида – швед, Сюлли Прюдом ва Ален Боске шеърлари мисолида – француз, Отон Жупанчич шеърлари мисолида – словен, Арви Сийг шеърлари мисолида – эстон, Любомир Левчев шеърлари мисолида – болгар, Паруйр Севак шеърлари мисолида – арман, Расул Ҳамзатов шеърлари мисолида – авар, Мустай Карим шеърлари мисолида – бошқирд, Ўлжас Сулаймонов шеърлари мисолида эса қозоқ шеърияти дурдоналари билан илк бор таништирган эди. Бу тўпламни жаҳон шеъриятининг Мирпўлат Мирзо таржимасидаги илк антологияси, десак муболаға бўлмас. Зеро, бу тўпламдан жой олган шеърлар Европа ва Евроосиё халқлари шеъриятининг кўркам намуналаридир. “Уларнинг аксарияти, – деб ёзган эди Иброҳим Ғафуров “Дунё шеърияти садолари” сарлавҳали дебеча мақоласида, – ўзбек шеърий тилига илк маротаба таржима қилинмоқда, илк маротаба ўзбек шеър вазнларида садо бермоқда. Аммо Ўзбекистонда шеърият ихлосмандлари уларнинг ҳаммаларини анча замонлардан бери танийдилар ва севиб ўқийдилар. Зеро, улар шеърият дунёсида улкан ва шарафли ўринга эга бўлган, ҳар бири сўз оламида қатта эътиборли мактаб яратган мохир шеърият устодлари каби танилганлар. Улар шеър дунёсининг чўккилари ва бир-бирларига ўхшамаган бу ажойиб-ғаройиб чўккиларни шеъриятнинг сеҳрли сози бирлаштириб туради. Улар шоир эканликлари билан бир-бирларига жуда яқин ва қон-қариндошдирлар. Шу билан бирга уларнинг тақдирлари, овозлари, оҳанглари, услублари, донишмандликлари тамомилла ўзгача бир олам ва улардан ўхшашлик топиш осон эмас...”

Шеърятни қалбининг кўз илғамас нозик томирлари билан ҳис этувчи мунаққиднинг бу сўзларини ўқиган киши нафақат “Сомон йўли чечаклари” тўпламининг, балки, умуман, бадиий таржиманинг кишилар руҳий ҳаётидаги ўрни ғоят катта эканлигини сезмай иложи йўқ. Модомики шундай экан, бадиий таржимага алоҳида эътибор бериш, нафақат ўзга тиллардан ўзбек тилига, балки ўзбек тилидан ўзга тилларга ҳам бадиий асарларни таржима қила биладиган ёшларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Негаки, “бизнес жаноблари” ҳукмронлик қилаётган ҳозирги тарихий-маданий шароитда ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини ўзимиз хорижий тилларга таржима қилиб, ўзга маданий дунё эътиборини қозонмасак, адабиётимиз поезди фақат маҳаллий темир йўллардагина юраверади. Маданий дунё ХХI асрнинг Абдулла Қодирийлари, Чўлпонлари, Фитратлари, Ғафур Ғулом ва Ойбекларини кашф этмай, танимай, ўқимай яшашда давом этади. Ҳолбуки, Президентимиз айтганидек, “ўзбек миллати, ўзбек халқи – худонинг назарига тушган миллат, Ўзбекистон – Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч кимдан кам эмас ва ҳеч қачон кам бўлмайди”.

Республика раҳбарининг бу сўзларида катта ҳикмат бор. Бу сўзларда ўзбек халқининг, ўзбек юртининг, ўзбек адабиётининг келажагига катта ишонч ва умид туйғулари балқиб туради. Аммо бу сўзларнинг ва бу умиднинг рўёбга чиқиши учун республика раҳбаридан тортиб Ёзувчилар уюшмасининг оддий аъзосигача – ҳамма жон куйдирса айни муддао бўлурди.

Бундан бир қанча йил илгари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шеърят, наср, драматургия, болалар адабиёти ва бадиий таржима сингари адабий тур ва соҳалар бўйича Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода ва Сергей Бородин номидаги йиллик мукофотлари бўларди. Ҳақиқий ижодкор гарчанд мукофот учун асар ёзмаса-да, шундай мукофотларнинг бўлиши ижод аҳлининг бошини силайдиган, руҳини

кўтарадиган, унда ижод қилишга рағбат уйғотадиган омиллар сирасига киради. Кўкрагига, айтайлик, Ойбек тасвири туширилган нишонни тақиб юрган кишининг шу улуғ инсон ва адибга ўхшашга интилмаслиги қийин. Бинобарин, шундай йиллик мукофотларнинг қайта тикланиши, бошқа адабий турлар ва соҳалар қатори, адабий алоқалар ва бадиий таржима соҳасида ҳам ибратли ишларнинг юзага келишига йўл очади. Қолаверса, Борис Пастернак номидаги мукофот Мирпўлат Мирзода ижодий талабчанлик ва масъулият туйғусининг бедор бўлишини такозо этганидек, Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги йиллик мукофотларнинг таъсис этилиши ёки Ойбек ва Ғафур Ғулом номидаги йиллик мукофотларнинг тикланиши мустақиллик даври адабиётининг камол топишига сезиларли таъсир кўрсатмай қолмайди. Зеро, бу ёзувчилар нафақат юксак адабиёт элчилари, ижодий жасорат ва фидойилик тимсоллари, балки айни пайтда ўзбек халқининг орномуси, виждони ва ифтихори ҳам эдилар. Улар бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоладилар.


Ушбу мақолани республика раҳбарининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги қуйидаги ажойиб сўзлар билан тугатишни истардим: “...олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтган сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан кучқудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади”.





# Абдуғафур РАСУЛОВ

(1937 йилда туғилган)



---

## КОНЦЕПЦИЯ ЗАРУРАТИ

Бадий ижодда ғоянинг пишик-пухталиги канчалик муҳим бўлса, илмий тадқиқотда методологиянинг асослилиги шунчалик аҳамиятлидир. Ижодкор ғояни канчалик пишитса, сарлавҳа, илк жумла, матн, тимсолу характерлар, бадий қурилма жозиба, тиниклик касб этади. Олим методологик асосни тўғри белгиласа, “изм”лар лабиринтидан қийналмай чиқиб кетади, нозарур далил, тафсилотга берилмайди. Бадий ғоя ижодкор жону жаҳонидан сизиб чиқадиган бетакрор топилма. Методологик асос – илмий ходим онгида кечадиган мураккаб жараёнлар ҳосиласи. Ўқиш, ўрганиш, қиёслаш, тажриба ортириш, рухий-ақлий изланиш самараси ўлароқ бадий ғоя асар бўлиб туғилади; илмий-назарий тадқиқотда тутиб турадиган методологик таянч мустаҳкам ғоядай диққатни тортади.

XXI аср санъат, адабиётдаги “...изм”ларни савр ойидаги жалалардан кейин потирлаб чиқиб кетган кўзикориндай кўпайтириб юборди. Бошқача айтганда, глобаллашув жараёни жаҳон адабиётшунослигидаги метод, оқим, уюшма, манифест, дастурларни намоён этди. Реализм, танқидий реализм, социалистик реализм, маърифатчилик реализми, дидактик

реализм, сюрреализм, неореализм, эркин реализм, соҳилсиз реализм, “сеҳрли” реализм... Буларнинг ҳар бири ўз тарихи, йўналиши, намояндаларига эга. Субъективликни атрофлича тадқиқ этган, индивидуализм услубининг стилистик имкониётларини амалга оширган модернизм оқимлари, йўсинлари, уларнинг авангардизм, экспрессионизм, символизм, экзистенциализм сингари назарий асослари, қанчадан-қанча намояндалари мавжуд. Авваллари ижодий методлар сифатида шаклланган, узоқ йиллик тарихга эга романтизм, натурализм, танкидий реализм, символизм сингарилар бир пайтда, узвий боғлиқликда ўрганиляпти. Профессор М.Холбеков: “Жойс қаламига мансуб “Улисс” романи ҳам символизм, ҳам авангардизм, ҳам “юксак модерн”, ҳам постмодерн қолипдаги асардай ўқилиши мумкинлигини” ёзади .

Озод Шарафиддинов ёзгандай, “Модернизм жўн ҳодиса... эмас”. Аммо бир аср давомида модернизм, постсимволизм, авангардизм, постмодернизм пайдо бўлди. Ҳозир модернизмнинг янгича услубларини кашф этишга уринилмоқда. XX аср охирларида “Охирги одам”, “Рух танглиги”, “Янги замон охири”, “Мафкура ҳалокати”, “Тарих хотимаси ва охирги одам” сингари гирянамо оханглар пайдо бўла бошлади.

Модернизм, унинг оқимлари илдизи чуқур эмаслиги сезилиб қолди.

Модернизм адабиёти матни ўз стилистикаси билан диққатга молик. Аввали-охир матн яратиш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланган. Моҳир санъаткорлар матн яратишга киришишдан олдин кўп изланганлар, ижод изтиробини чекканлар. Реализм ҳудуди бепоён, модернизм олами ҳудудсиз; санъаткор бепоёнликда, ҳудудсизликда ўз нукта – ижод марказини кашф этиши шарт. Шу нуктани кашф этган санъаткор ўз инон-ихтиёрини Яратганга топширади. “Оллоҳ қулоғимга шивирлайди, айтиб туради, мен ёзаман”, – дейди Андрей Вознесенский. Ижод нуктасини топиб олган истеъдод эгаси қалб ройига кўра ёзади: завқ-шавққа тўлади, яратиш ҳузурини ҳис этади.

“Символистларнинг реалликдан безгани, оламини интуитив тарздагина идрок қилиш мумкин деб билганлари уларни



романтизмнинг бевосита ворислари дейишга асос беради. Улар учун дунё қоронғи бир зиндон, ундан чиқадиган биргина туйнук борки, у ҳам бўлса ижод онларининг экстаз ҳолатидир, айти шу онларда санъаткор оламнинг моҳиятига кира билади. Санъатнинг вазифаси эса шу онларни мангуга муҳрлашдан иборатдир. Яъни санъат бошқа соҳаларда ваҳий деб аталувчи нарсанинг ўзгинасидир. Шунга кўра ижодкор ўз қалбининг қоронғи пучмоқларини ўзи учун ойдинлаштиришга киришган паллада санъат бошланади. (В.Брюсов). Символизм вакиллари учун символ – “мангуликка очилган дарча”. Асар ёзиб бўлган санъаткор яратилгани миридан-сиригача билади, ақл тарозусида ўлчаб кўради, дейсизми?! Мен ўз асари муҳокамасида қатнашган неча-неча ёзувчиларни кузатганман: кўпчилиги оғзидан: “Топибди...”, “Ўзим бу томонини ўйлаб кўрмаганман”, “Наҳотки?..” деган лукма, тан олишлар гувоҳи бўлганман. Ўзбек китобхонлари Кумушни ўзи ўлдириб, ўзи йиғлаб ўтирган Абдулла Қодирий ҳолатидан, Татьяна Ларинани (“Евгений Онегин”) қари генералга турмушга бериб юбориб, ўзи ажабланиб юрган Пушкиннинг ҳаяжонли сўзларидан хабардорлар. Лекин улар уста Алим ва Отабек аро тасаввурона боғлиқликдан беҳабар эдилар. Профессор Дилмурод Қуронов Отабек билан уста Алимнинг руҳоний яқинлик риштасини ёритиб берди. Етук санъат асарлари ҳамиша янги-янги талқинларга асос бўлаверади.

Бадий адабиёт, адабий танқидчиликда метод, оким, манифестлар кўп. Аксарият окиму дастурлар юлдуз кўрмай жон беряпти. Санъат назариясига ёндашганда майдақадамлилик, жўнликдан қочмоқ, илдизли таянчларга суянмоқ лозим. Бундан 2350 йиллар чамаси муқаддам икки йирик файласуф баҳси бошланганди. Уларни “Арастуизм”, “Афлотун” ҳам дейишади. Бири реалликни, иккинчиси эйдос – мангу ғояни асос қилиб олганди. Биринчисидан моддиюнчилар, иккинчисидан илоҳийчилар унумли фойдаландилар. Улар назарияси оддий халқ орасида ёлғондакам ва чин дунё деб аталади. Эйдос назарияси бўйича реаллик – соя, ўткинчи, омонат. Вақти-



вакти билан икки дунёқараш аро яқинлик, тотувлик пайдо бўлиб қолади. XX асрнинг ўрталарида илм-фанда жиддий кашфиётлар пайдо бўлди. Темир, тош, тупрок, тоғу саҳролар, дала-даштар тирик эканлигини, улар ахборотга тўйинганини автоматик тизим бошқаруви исботлади. Нанотехнология нар-салар, жисмлар, ўлик-тирик ҳужайралар моюсига теран кириб бормоқда. Жамодот, наботот, ҳайвонот аро мангу боғлиқлик мавжудлигини диний илм тасдиқларди. Уни эндиликда илм-фан исботламоқда. Мана шу мураккаб алоқадорлик қону-нияти ижтимоиятга синергетика номи билан кириб келди. Синергетика деймиз, хаос, космос тўғрисида гапирамиз. Кў-пинча мураккаб боғлиқлик риштасини йўқотиб кўямиз, кала-ванинг учини чувалаштириб юборамиз.

Синергетикада инсон мақсади, эзуликларига омухта то-монлар бор. Гоҳо инсон жазавага берилиб, инқилобий тавак-калчиликка қўл уриб кўяди. Тарих вақти-соати келганда бу камчилик, хатоликни юзага чиқаради. Синергетика матн тал-кинида, асарнинг руҳига сингиб килинган таҳлилда кўзга ташланади. Синчков танқидчи матн изидан бориб, синергети-ка моҳиятини аниқлайди.

Синергетика мавжудот ва махлуқот, биринчи навбатда, инсонни экологик ёвузлик, ўпирилишларга қарши курашда ҳамкор қилди. Эътибор беринг, синергетика методи қўлланила бошлангач, ҳайвонот, парранда-дарранда, яшил олам, тоғ-тошларга муносабат ўзгарди. Аслида-ку, синергетик таъли-мот тамаддуни қадим халқлар адабиётида аввал ҳам бор эди. “Чумолига ҳам озор берма”, “Чўпни хўрласанг, кўзга туша-ди”, “Яхши гапга илон инидан чиқади”, “Қалдирғоч – инсон дўсти”, “Худхуд – донишмандлик рамзи” сингари тушунча-лар қадим-қадимдан давом этиб келмоқда. “Боқий дарбадар” (И.Султон) символик-фалсафий романида табиатнинг ўз ти-ли ҳамиша бўлган, уни инсонгина тушуниб етмаган, деган фикр бор. “Сехрли” реализм методида ижод қилаётган Гарсиа Маркес асарларида инсон, ҳайвон, паррандалар теппа-тенг ҳаракат қиладилар. Унинг номдор қаҳрамонларида ҳайвоний

хатти-харакатлар рўй-рост кўришиб туради. Бу санъаткор асарлари биз кўниккан сип-силлик, омонат реалистик асарлардан кескин фарқ қилади. Унинг асарлари, мураккаб “хат”и жозибадор-сеҳрли. Маркес фантазиядан ниҳоятда чўчийди, ундан нари бўлишга интилади. “Мен шу пайтгача нима ёзган бўлсам, уларнинг барчаси реал воқелик асосида яратилган. Агар бундай бўлмаганида асарларим фантазия бўлиб қоларди. Фантазия эса Уолт Диснейда бўлади. Мабодо китобларимда зиғирдек бўлса-да, фантазия борлигини сезсам, уялиб кетаман...”

Гарсиа Маркес – улкан санъаткор. У улуғ ёзувчилар ижодини, услубини мукамал билади. “Шу ўринда ижод маданияти, илҳомга ва стихияликка ишонишни ҳам айтиш мумкин. Шу маънода айтганда, адабиёт ҳам ўрганилиши керак бўлган илмдир. Зеро, ўн минг йил илгари яратилиб, ҳамон яшаб келаётган асарлардан бугунги ҳикояларгача танишиб чиқиш ҳар бир қалам аҳлига оддий ва самарали ижод қилиш имкониятини беради”.

Маркеснинг тенгдоши, буюк асарлар муаллифи Чингиз Айтматов асарларида борлик барча мураккабликлари, ички боғлиқликлари билан акс этади. Бу санъаткор асарларида борлик мукамал, ҳаракатда, табиий тасвирланади. Уларни уқиб, ўқиб бундай хулосага келасиз: “Оллоҳ таоло Чингиз Айтматов қулоғига асарларини шивирлаб айтиб турган, муаллиф уларни қоғозга туширган”. Бу ёзувчи Эдигей, Қозонгап, Танабой, Бўстонни қандай суйиб тасвирласа, Қоранорни, Гулсари отни, Тошчайнар бўрини, қадимги тоғда яшаб ўтган қари Йўлбарсни севиб тасвирлайди. Найман она, Тўлғаной момо, Раймали окин, Танабой боболар синергетика призмасидан қараганда улуғворлик, гўзал сеҳрлилик касб этади.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-эстетик, рухий-маънавий моҳиятини акс эттирган асарлар методологик асос сифатида ўрганилади. Коммунистлар фиркаси етмиш йилдан мўлроқ муддатда К.Маркс, Ф.Энгельс, Г.Плеханов, В.Ленин асарларини коммунистик тузум мафку-

расининг байроғи сифатида кўтар-кўтар килдилар. Муҳими, Н.Чернишевский, В.Белинский, Дм.Писарев, М.Горький асарлари “тафтиш”дан ўтказилди: тузумга мос келадиганларини танлаб олдилар. Ҳозир К.Маркс, В.Белинский сингарилар асарлари яхлит ҳолда чоп этилмоқда, ўрганилмоқда. Афсуски, аксарият ёш тадқиқотчилар К.Маркс, Н.Чернишевский, Н.Бердяев, В.Белинский асарларини эскирган (коммунистча) талқинда қабул килмоқдалар, улардан мўл-кўл иқтибослар келтирмоқдалар.

Йигирма йилдирки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлидан боряпти. Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаёти Президент Ислом Каримов асарларида изчиллик билан ёритилмоқда. Ўзбекистон глобаллашув жараёнида, иқтисодий-молиявий инқироз пайтида нафақат ўзини ҳимоя қилди, балки жаҳон мамлакатлари раҳбарларига иқтисодий-молиявий бўҳронлар гирдобидан чиқишнинг методологиясини кўрсатиб берди. Ижтимоий соҳа кишилари Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008), “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” (2009) сингари асарларини методологик таянч сифатида танламоқдалар. Президент асарларини кунт билан ўқиган илмий ходим кўп масалалардан бохабар бўлмоқда. Муҳими, унда ўз юрти, халқи билан ғурурланиш туйғуси пайдо бўлди. Афсуски, айрим илмий ходимлар ўз тадқиқотлари “Библиография”сига Ислом Каримов асарларини киритадилар-у, иш руҳида ўша ижтимоий-сиёсий, маънавий-эстетик қўлланмалар таъсири сезилмайди. Сиёсий-ижтимоий, фалсафий-эстетик асарларнинг шунчаки, ўйлаб кўрилмаган ҳолда тадқиқотларга кириб қолишига зинҳор изн бермаслик лозим.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари амалиёт синовидан ўтган дастурдир. Соҳибқироннинг давлатни бошқариш тартиботи, ички ва ташқи сиёсатининг муҳим томонлари мазкур асарда ўз аксини топган. Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд санаси арафасида “Ўзбекистон” нашриёти “Те-

мур тузуклари”ни қайта нашр этди. Китоб Президент Ислом Каримовнинг “Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси” сўзбошиси билан очилади. Муаллиф “Темур тузуклари”нинг маъно-моҳиятини лўнда, ишонарли ёритиб берган: “...Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда “Темур тузуклари” бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бу китобни қайта-қайта мутолаа қилиш, унинг мағзини чақиш биринчи галда раҳбар, етакчи бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамлар учун, қолаверса, ҳар қайси зиёли инсон учун бағоят фойдали экани ҳақида ортикча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман”.

Фанлар кўп, мутахассисликлар сероб. Ҳар бир олим ўз фани, мутахассислигига монанд асарларни зукколик билан танлаш укувига эга бўлиши лозим. Адабиётшунослар Афлотун, Арасту, Форобий, Ғаззолий, Замахшарий, Улуғбек, Навоий, Бобур, кўплаб мумтоз адабиётшунослик асарларидан унумли фойдаланмоқдалар. Жаҳон эстетикасининг Гегель, Юнг, Хайдеггер, Фрейд, Ницше, Р.Барт сингари вакиллари асарларини кунт билан ўрганмоқдалар.

М.Бахтин, Ю.Лотман сингари олимлар янги адабиётшуносликнинг илмий-назарий муаммоларини ёритдилар. Ҳозирги адабиётшунослар аксиология, герменевтика, структура, онтология, семиотика масалаларидан; биографик, тарихий-функционал ёндашувдан; структурали микроанализ, тизимли, услубий талқин йўсинларидан хабардорлар. Глобаллашув жараёни жаҳон адабиётшунослигининг янги, истиқболли муаммоларини ўртага ташлади. Назарий-методологик янгиликларни кашф этиш кийин бўлиб қолди.

XX – XXI аср ўзбек адабиётшунослигида Фитрат, Ойбек, И.Султон, М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов методологик муаммоларни дадиллик билан кўтардилар. Фитратнинг “Адабиёт қоидалари”да ҳануз кенг ўрганилиши лозим бўлган томон-

лар бор. Масалан, услуб, оҳанг (интонацион), урғу талқини масалалари ҳали кенг ёритилгани йўқ. Бирок Фитрат ўтган асрнинг 20-йилларида структурализмнинг ўта нозик муаммоларини кўтарган. Иззат Султон В.Лениннинг ҳар бир маданиятда икки йўналишдаги маданият мавжудлиги ҳақидаги "назария"сига қарши мумтоз адабиётни яхлит (бўлак, парчаларга ажратмай) ўрганиш лозимлиги масаласини кўйдди. А.Қодирийнинг адабиётдаги етакчилик функциясини тиклашда фидойилик қилди. "Навойнинг қалб дафтари" (1969), "Баҳовуддин Накшбанд абадияти" асарини чоп этди. Ўз тарихий даврида И.Султонов маълум даражада социалистик реализм методининг Ўрта Осиё халқлари адабиётидаги назариячисига айланди.

Академик Матёкуб Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигида характер муаммосини теран, атрофлича ёритди. Ўнлаб тадқиқотларда М.Қўшжоновнинг адабиётда эстетик категориялар, сюжет, композиция, шакл ва мазмун ҳақидаги назарий қарашлари методологик асос вазифасини ўтади.

Озод Шарафиддинов синчков олим эди. У ақлини таниганидан то 90-йилнинг ўрталаригача соцреализм ҳақида ёзилган ўнлаб тадқиқот, юзлаб мақолаларни ўқиди. Қанча ўқимасин, социалистик реализм унга "қалбини очмас", аксинча, узоклашиб, бегоналашиб борарди. Рус ёзувчиси Андрей Платонов "Чевенгур", "Ҳандак", "Гўзал Москваой" асарларида шўро воқелигини, социалистик қурилишларни, эзилган, қашшоқ кишиларни тасвирлади. Лекин унинг асарлари соцреализм намунаси бўлмади. Етимча қиз Москваой пойтахтга келди, метрополитен қурилишида туну кун ишлади: унинг бири икки бўлмади, маънавияти юксалмади. Аксинча, у бузукчилик қила бошлади. Ҳалокатга учраб, оёқларидан ажралди. Ҳаёт ҳақиқатини бўямай, бежамай акс эттириш А.Платоновга обрў эмас, таъна-дашномлар олиб келди. М.Булгаков, М.Пришвин, Б.Пастернакдай истеъдодлар шўро замониде яшадилар, асарлар ёздилар, ёзувчилар орасида бўлдилар. Лекин улардан ҳам социалистик реализмнинг муносиб намояндаси чиқмади.



Хўш, соцреализм нима эди? Қандай қилиб жадид Ҳамза 1939 йилдан бошлаб ўзбек адабиётидаги соцреализмнинг асосчиси бўлиб қолди? Озод Шарафиддинов “Истибод курбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” мақоласида 12 йил шўро замонида яшаган, ижтимоий-адабий ҳаётда фаол иштирок этган Ҳамза Ҳакимзода зинҳор социалистик реализм методи намояндаси бўлмаганлигини тасдиқлайди. Гарчи Ҳамза “Бой ила хизматчи”, “Паранжи сирларидан бир лавҳа”, “Ишчилар, уйғон”, “Жаҳон сармоясининг сўнгги кунлари” асарларини ёзган бўлса-да, мохиятан маърифатпарвар, жадид адабиёти вакили эди. Унинг асарларини зўрлаб прокруст ўриндигига жойладилар, атайин социалистик реализм методи байроқдорини ясадилар. Бу – мафкуравий тазйик, вульгарликнинг кўпол кўриниши натижасидир. О.Шарафиддиновнинг: “Ҳамза ҳеч қачон социалистик реализм методидаги адабиёт намояндаси бўлмаган” – деган катъий даъвоси XX асрда яшаган ўзбек ёзувчилари ижодини қайтадан ўрганиш, ижодий методини илмий асослашга ундайди.

О.Шарафиддинов табиатан истиқбол ошиғи эди. У ёшлар даврасида бўлишни ёқтирар, навнихол ижодкорлар асарларини синчиклаб ўрганар; футурология генезиси, ҳозирги ҳолати, келажаги билан жиддий қизиқди, мақолалар ёзди, футурологлар асарларини таржима қилди, чоп эттирди. Лекин устоз футурология назарияси – методологияси ҳақида узил-кесил концепция яратмади. Ваҳоланки, XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан футурология эстетика – адабиёт-шуносликнинг долзарб масаласига айланганди. 1994 йилда футуристларнинг кенг қамровли конференцияси бўлди, “Этнофутурология” атамаси расман қабул қилинди. Дунёда, Озод Шарафиддинов сингари, футуризм ишқибозлари кўп эди. Футуризм глобаллашув жараёни арафасида кенг ёйилди, жаҳонда ўз мухлисларини орттирди. Бошқача айтганда, замонавий структурализм глобаллашувнинг қалдирғочи бўлди. Уни этнофутуризм дея бошладилар. Футуристлар жамияти ҳар бир эл, этнос, халқ ўз замини, илдизидан туриб келажакка

интилиши жоизлигини уктирди. Этномифология билан пост-модернизм орасида яқинлик ҳам, зиддият ҳам бор. Қадимий анъана, урф-одатларнинг келажак билан бақамти келиши ҳаммани кизиқтиради. Демак, этнофутуризм – фольклорнинг жаҳон постмодернизми билан диалоги, баҳси. Этнофутуризм адабиётга ўз-ўзидан кириб келмаган. Ҳар бир янгилик зарурат туфайли пайдо бўлади. “Адабиётга бирон-бир йўналишни кўлидан етаклаб олиб кириб ёки тўғри келмаса, қувиб чиқариб бўлмайди, – дейди коми элининг шоираси Алёна Ельцова ўзбек модерн шоираси Гўзал Бегим билан суҳбатда, – Артур Рембо символизмга асос солган. Айни кунларда бизда кенг тараққий этган оқим – этнофутуризмдир” (“Ёшлик” журнали, 2010. 5-сон, Б.34).

Мантиқан, этнофутуризм мумтоз фольклоршунослик асосида ривожланиши табиий эди. ХХI аср бошларида халқ дostonларига қизиқиш ортди. “Алпомиш” ҳақида педагог, тарихчи, санъатшунос ҳам ёза бошлади. Баъзи мақолаларда “Алпомиш” қаҳрамонлари билан Ч.Айтматов асарларидаги тимсоллар киёслана бошланди. Фольклоршунослар миллий удумларнинг замонавий талқини ҳақида қизиқарли мақолалар ёздилар. Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонкулов фольклор асар-dostonларига модернизм нуқтаи назаридан ёндашди: авлодлар силсиласи, фольклор тимсоллари, туш, ранглар мутаносиблиги ҳақида илмий хулосалар билдирилди, ғаройиб чизмалар яратилди. Тоғай Мурод, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азимов, Эркин Аъзамов, Хуршид Дўстмухаммад, Назар Эшонкул, Эшқобил Шукур каби ижодкорларнинг асарлари руҳ-руҳига фольклоризмнинг сингиб бораётганлиги талқин қилинмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб биографик метод тараққий этди. А.Қаюмов, Л.Қаюмов, А.Акбаров, Н.Каримов, Отаёр, О.Шарафиддинов, Н.Раҳимжоновнинг танқидчилик романлари – биографик тадқиқот асарлари яратилди. Биографик методда ижод қилаётганларнинг етакчиси Наим Каримовдир. Бу муаллифнинг “Ҳамид Олимжон”, “Ойбек” асарларининг яратилишига маз-

кур санъаткорлар “Мукаммал асарлар”ининг чоп этилишида иштирок этиши сабаб бўлган. Афсус билан қайд этиш жоизки, бизда ёзувчилар асарларининг академик нашри йўлга қўйилмаган. Алишер Навоий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон асарларининг асосий қисми чоп этилди. Лекин академик нашрнинг мукаммал қонун-қоидалари бор. 44 йилгина умр кўрган, 27 йил ижод қилган Антон Павлович Чеховнинг 30 жилдлик асар ва мактублари, 18 жилд бадиий асарлари чоп этилган. Ҳар бир асарнинг қораламалари, биографияси мукаммал берилган. “Ваня тоға” асари билан “Ўрмон тоға” асарларининг қиёси, ҳикояларнинг тезиси ва қораламаси қиёси шундай мукаммал берилганки, ҳар бир адабиётшуноснинг ҳаваси келади. Ўзбек ёзувчилари ижоди, асарларига эътибор қаратсак, уларда ўрганилмаган масалалар, биографиясининг қоронғи томонлари ниҳоятда кўп. Урфон Отажон “Мушоара ёхуд шеър баҳси” (Тошкент, 2009. Б.78) китобининг XXXII бобини “Ғафур Ғуломнинг Ўсар ва Ўзар исмли ўғиллари вафоти муносабати билан марсия-мушоара” деб номлаган. Академик Улуғ Ғуломовни ёшлигида Ўсар дейишган. Ўсар – Улуғ ҳақида Ғафур Ғуломнинг кўп шеърлари бор. Академик Ғуломов Улуғ Ғафурович 1933 йилда туғилиб, 1990 йилда вафот этган. Мушоарада қатнашган Анисий ёзади:

*Фалак зотим сенинг фархунда аҳволингни рашикида  
Айирмишдир Яшар бирла Ўзардек қаҳрамонингдан.*

Ўсар қандай бўлиб Яшар бўлиб қолди? Яшарнинг онаси ким, Ўсарнинг-чи? Улар қачон туғилган? Бундай жумбоқли масалалар ҳар ёзувчи ижодида бор. Биографик асарларни ўқи-гач, яна қанчадан-қанча масала, муаммолар туғилади. Академик нашр биографияда, асарлар тарихига оид изоҳларни тўлиқ, ишонарли бериши билан қадрлидир.

Ўзбек адабиётшунослиги манбашунослик, матншунослик соҳасида бой тажрибага эга. Бу – ёзувчилар асарлари академик нашрини тайёрлашда қўл келади. Иккинчидан, матншунослик, манбашунослик бадиий матн структураси билан узвий боғлиқ.

Ҳозир бадий асар структураси, семиотикаси бўйича баъзи ишлар амалга оширилмоқда. Улар матннинг тағмаъносини тадқиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин структурал талкин билан шуғулланувчилар бадий асар услуби, оҳанги, сўз-товушларининг функцияси масаласига жиддий эътибор бермаяптилар.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида модернизм, постмодернизм асарларининг архитектуроникаси, воқеаларни гоҳ олдга, гоҳ ортга, гоҳ онг оқимининг табиатига кўра талкин қилишга унча эътибор қаратилмаяпти. Дилмурод Қуроноф, Шухрат Ризаев, Улуғбек Ҳамдам сингарилар ишида янги талкину методологик қарашлар диққатни жалб қилади.

Афсуски, тадқиқот яратаётганлар илмий концепцияни аниқ белгилаш, уни изчил давом эттиришга қийналяптилар. Бунинг бош боиси шуки, талабалар (бакалавр, магистр, ҳатто аспирантлар) илмий асарларни ўқиш, ўқишга кам эътибор бердилар. Аслида, илмий концепция – ёш тадқиқотчининг маъғи, компаси. Ҳуллас, илмий-назарий таянчни беҳато белгилаб олиш – пишиқ илмий иш яратиш гаровидир.





## Суйима ГАНИЕВА

(1932 йилда туғилган)



---

### АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИДА НАЗМНИНГ ЎРНИ

Алишер Навоий насрий асарларининг белгиловчи хусусиятларидан бири – уларнинг ўта ҳассос шеърӣ даҳо қалами остидан чиққанлигидир. Навоий прозасида наср билан назм биргалиқда ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан узвий алоқада қўлланилади. Назмий парчалар насрий баёнда маълум мақсадларда истифода этилади, бинобарин, улар асар таркибида муайян ролларни ўтайди. Навоийнинг қатор асарларида назмий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, яқунлашда, шунингдек, муаллифнинг асарларидаги ғоявий ниятини янада бўрттириб, эмоционал таъсирчанликни, бадиий таъсирни янада ошириб бериш учун ҳам хизмат қилади. Баъзан Навоийда назм насрда билдирилаётган фикрнинг давоми сифатида берилса боради. Баъзан эса назм фактик материал сифатида келтирилади.

“Мажолис ун-нафоис” таркибидаги назм унинг моҳияти ва мақсади тақозоси билан асосий фактик материал хизмати-ни ўтайди. Яъни ҳар бир ижодкор ҳақида маълумот ва “ҳар қайсининг натоийжи таъбидан бирор иима (бир, икки матлаъ ёхуд байт) нишона йўсунлуқ” қилиб бериб борилади. Лекин

асар муқаддимасида 4 та, еттинчи мажлисининг хотимасида биттадан 7 та, саккизинчи мажлис аввалида 1 та, охирида эса 2 та рубоий борки, улар ҳам хулоса, якун, ҳам мадҳий бағишлов маъносида келади.

Маълумки, “Маҳбуб ул-қулуб” Навоий ижодининг энг сўнги йирик маҳсулидир (шоир ғазал ёки кичик лирик жанрларда асар ёзган бўлиши мумкин, албатта). Шу жиҳатдан қараганда, “Маҳбуб ул-қулуб” улуғ шоирнинг ғоят сермазмун ва ниҳоятда сермашаққат умри давомида тўплаган жуда бой ҳаёт тажрибаси ва хулосаларини ўз ичига олади. “Маҳбуб ул-қулуб” муқаддимасида Навоий маснавийда шундай келтиради:

*Ғаҳе топтим фалакдин нотавонлиг,  
Ғаҳе кўрдум замондин комронлиг.  
Басе иссиғ-совуғ кўрдум замонда,  
Басе аччиғ-чучук топтим жаҳонда.*

Бу шеър Навоийнинг муқаддимада баён этган машаққатли ҳаёт йўли ва аҳволи руҳиясининг назмдаги сикиқ ва ёрқин ифодасидир.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг I қисмидаги деярли ҳар фасл байт, қитъа ёки рубоий билан якунланади. Уларга, кўпинча, бу фасл мазмунининг ўзагини англаувчи афористик маъно сингдирилади. Масалан, “Дабиристон аҳли зикрида” деб аталган фаслда муаллимлар, уларнинг оғир, масъулиятли, айни чоғда, шарафли меҳнати хусусида сўз боради ва куйидаги байт келтирилади:

*Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Бу байт фаслнинг таълимий дидактик моҳиятини янада чуқурлаштиради.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг III қисми “Мутафаррика фавойид на амсол сурати” деб аталади ва турли фойдали панд, ўғит ҳамда ҳикматларни ўз ичига олади. Ғоявий мундарижаси ниҳоятда хилма-хил ва жуда ҳам кенг бўлган бу қисм материаллари насрий “танбеҳ”лар ва турли жанрлардаги назмий пар-



чалардан иборат. Навоий бир танбехда дўстлик ҳақида, унинг муқаддас риоялари тўғрисида сўзлар экан, шундай қитъа келтиради:

*Ёр улдурки, ҳар неким ўзига  
Истамас, ёрига ҳам истамагай.  
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,  
Ани мундоқ шерик айламагай.*

Ҳар бир ишни ошиқмасдан, сабр-магонат билан ёрига етказиш ҳақидаги “танбех” қуйидаги байт билан яқунланади:

*Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоқни хаёл,  
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.*

Байтда Навоий “танбех”да илгари сурган фикрларини далиллаш учун табиат оламидаги икки тинимсиз уриниш туфайли эришиладиган меҳнат мўъжизасига ишора қилади. Бу каби байтлар Навоийнинг насрдаги фикрларини тўлдиради, нисбат, сифат, ўхшатишлар воситасида уларнинг мантигини мустаҳкамлайди.

Навоий насрида, айниқса, асар аввали ва сўнгида берилган рубоийлар, юқорида қайд этилганидек, мадҳия ва бағишлов маъносидан ташқари ўқувчига мурожаат қилиш, унга эзгулик тилаш ҳамда у ёки бу асар таъриhini бериш маъносидан, мазмунида ҳам истифода қилинади. Масалан, “Муншаот” муқаддимасидаги ва “Муҳокамат ул-луғатайн” сўнгидаги рубоий ва таърихни келтирамиз.

*Ҳар кимки ани ўқурни бунёд этгай,  
Роқимни агар дуо била ёд этгай,  
Тенгри они ҳар банддин озод этгай,  
Ҳар ғамдин анинг хотирини шод этгай!  
Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил,  
Таърихин анинг жумодул-аввал бил,  
Қуннинг рақамин чоршанба қилгил,  
Тўққуз юз йилдин ўтуб эрди беш йил.*

(Таърих: 1499 йил декабрь ойи, бу ойда чоршанба куни 4, 11, 18, 25 ларда келган эди).

“Муншаот”да яна бир мактуб бор. Мазмунида ва шеърий парчалардаги бир мисрадан маълум бўлишича, у Хусайн Бойқарога йўлланган. Мактуб қуйидаги рубоий билан бошланади:

*Ёшунган эмиш қаро булутга моҳим,  
Гардунни совурмоглиғ эрур дилхоҳим,  
Кирмуш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим.  
Невчун қаро қилмасун фалакни оҳим.*

Хатдаги асосий мақсад мана шу рубоийга сингдирилган инсон ҳаётидаги энг табиий туйғу – яқин ва яхши кимсасидан жудо бўлиш бениҳоя ҳазин лирик лавҳада берилади. Демак, кимдир вафот этган ва бу мудҳиш воқеа Навоий қалбини ўртаб юборган. Мактубнинг насрий қисмида Навоий таъкидлашича, жигарни эзадиган, жонни азобга соладиган, кўзлардан баҳор ёмғиридек ашк селини оқизадиган, юракда баҳор момақалди роғи овозидек ўкурмак бунёд этадиган ҳодиса юз бергани ҳақида хабар етишгани ёзилади. (Бу орада бир ғазал матлаи ҳам келтирилади). Мактуб охирида битилган рубоийдан ким ҳақида сўз кетаётгани англашилади:

*Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,  
Шамъ ўчти эса, қуёш мунаввар бўлсун,  
Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди,  
Султонга жаҳон мулки мусаххар бўлсун.*

Биринчи рубоийдаги “моҳим”, “дилхоҳим”, “оҳим”га кофия қилиб ишлатилган “шоҳим” ва иккинчи рубоийдаги “шаҳзодага” сўзларига эътибор берилса, шаҳзода Ғариб Мирзо вафоти ҳақида сўз кетаётгани англашилади.

Биз “Мажолис...” ва бошқа манбалардан, жумладан, “Бобурнома”дан биламизки, шаҳзода Шох Ғариб Мирзо ниҳоятда қобилиятли, форсий ва туркийда гўзал шеърлар ижод қилган, соҳиби девон шоир, “хуш хулқ ва нозук тахайюллуқ”, “ўқуш кўнглига маҳбуб” йигит бўлган. Лекин у кўринишда хунук ва







бунинг устига букри бўлган. Навоий “Мажолис ун-нафоис” да Ғарибий тахаллуси билан ёзган бу шоир ижодидан одатдаги 1 ёки 2 эмас, балки 5 та байт мисол келтирадики, бу ҳол бежиз эмас.

Навоийнинг Шох Ғариб Мирзога алоҳида самимият, катта ҳусни рағбат билан қарагани, унинг маънавий жихатдан ўсишида, шеърӣ иктидорининг камол топишида яқиндан иштирок этгани ҳар қандай шубҳадан холи. Бинобарин, бу шаҳзоданинг ўлимини Навоий юрагига жуда яқин олган. Яна шуни ҳам айтиш лозимки, Навоий Шох Ғариб Мирзо ўлимига ҳар банди 6 байтдан иборат 5 бандли таркиббанд марсия ёзган.

Навоий ўзининг “Вақфия” асарида Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққан кезларидаги (бу вақтда Навоий Самарқандда таҳсил олаётган эди) ўз кайфиятлари, моддий қийинчилик азиятлари туфайли узлатга чекиниш истаги пайдо бўлганлиги, шу аснода Ҳусайн Бойқародан саройга таклиф этилиши ҳақида расмий давлат маншурини олгани, тараддуллари ва Ҳиротга отлангани тўғрисида, асосан, насрий парчаларда сўз юритади. Шунингдек, “Вақфия”да Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида давлат ишларига киришар экан, бундан кўзда тутган мақсадларига тўхталиб ўтади. Бу мақсадлар, асос эътибори билан, 6 йўналишда бўлиб, ҳар бирини муайянлаштира экан, Навоий насрий баён сўнгида биттадан рубоий бериб боради. Уларнинг “Вақфия”даги ўрни, аҳамияти ғоят характерли. Уларсиз ёлғиз насрий баён асосида Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги кўп қиррали фаолияти ҳақида тўла тасаввур пайдо қилиш маҳол. Рубоийлар у ёки бу масалалар, режалар, тадбирлар ёхуд интилишларга ойдинлик киритиш, муаллиф мақомини янада яққол белгилашга ёрдам бериши билан бирга, умуман, Навоийнинг давлат ишларини нечоғлиқ қийин вазиятларда олиб боргани ва бунда у ўз фаолияти ҳамда ижодининг марказида турган инсон, халқ манфаати йўлидаги фидойилиги, бир сўз билан айтганда, юксак гуманистик идеалига содиқлиги масаласини ҳал этишга ҳам хизмат қилади. Иккитагина мисол келтирамиз.



1. Қандай шароит ва қай йўсинда давлат ишларини олиб боргани ҳақида Навоий ёзади: “...Анинг кишвари гулистонининг харими атрофида ва мулки бўстонининг акнофид кўрмас нимадин кўзимни нарғиз кўзидек кўр ва эшитмас нимадин қулоғимни бинафша қулоғидек қар ва тутмас нимадин илгимни чинор илгидек шал ва бормас ердин аёғимни сарв аёғидек ланг ва айтмас сўздин, батахсис махфий асрорежим, гул хурдаси масаллик ғунчадек кўнглумда амонат топшурди ифшосидин тилимни савсан тилидек гунг қилдим. Рубоия:

*Шаҳ хизматиға бировки бўлғай мойил,  
Кўру қару лангу шал қерактур ҳосил.  
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,  
Бу мушкул эрур, барчасидин бу мушкул”.*

Рубоийда юқоридаги шахсан ўзи ҳақидаги қайдларни Навоий умумлаштиради. Бу ерда шоир шоҳ хизматида бўлганларнинг ҳаёти катта хавф остида эканлигидан огоҳлан-тирмоқчидек туюлади.

2. Рубоийларда лўнда қилиб айтилган фикрнинг насрий баёнда жуда мураккаб образларда, жимжимадор услубда, бош ғоявий ниятда аксаран сатрлар зимнида яширин ифода этилгани, бинобарин, уларни тушуниш анча қийин эканлигини куйидаги мисолда яққол кўриш мумкин: “...Ул ҳазратнинг қуллиғил иртиқоб қилурда ҳеч навъ, ўз ғараз ва маслаҳатим мутассаввар эрмас эрди, балки ҳос тенгрилик учун, дағи ўзининг муборак хотири учул, дағи мусулмонлар маслаҳати учун эрди. Бу жиҳатдан Хирад ҳокими одил ҳукм била ростлик сиёсатгоҳида ғараз ўғрисини фано дориға осиб, инсоф дор ул-қасосида ҳирс қароқчиси бўйнин қаноат қиличи била уруб, вужуд шаҳрида муддао қасрини риёзат ёмғури била йиқиб, нафсоният боғида орзу ниҳолин интиқоъ илиги била кўнгариб, амал (*умид маъносиди – С.Ф.*) мазраида таваккуъ хирманин фақр ўти била куйдуруб, ул хирман қулларин фано елига совурдум”.

Шеъринг парчалар Навоийнинг бошқа асарларида ҳам кўп учрайди. Уларнинг бир қисми шоирнинг лирик мероси “Ха-

зойин ул-маоний” таркибида мавжуд. Лекин унга киритилмаганлари ҳам анчагина. Бу шуни кўрсатадики, Навоий баъзи ҳолларда ўз назмидан иқтибос келтирар экан, насрий баёнга бадий сайқал бериш, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бадий таъсир, эмоционал таъсирчанликка эришишни назарда тутган, баъзан эса асар характерини очиш, унинг моҳиятини юзага чиқариш воситаларидан бири сифатида назмга мурожат қилган. Бундай назмий парчалардан кўпчилигини насрий контекстдан айри ҳолда тушуниб бўлмайди.

Навоий насридаги назм ҳар бир асарнинг мазмуни, ижодкорнинг дунёкараши билан мутлақо боғлиқдир, айти чоғда шоир лирик меросининг ўзига хос бир қисмидир.



## Нажмиддин КОМИЛОВ

(1932 – 2011)

---

### ТАСАВВУФ ВА БАДИЙ ИЖОД

Тасаввуфнинг Шарқда кенг тарқалишига боис унинг араб, форс ва туркий тилларда буюк бир шеърятни вужудга келтиришидир. VIII – IX асрларда Робия Адавия, Мансур Ҳаллож сингари улуғ сўфийлар ижоди билан бошланган сўфий ашъор XII асрларга келиб улкан бир адабиётга айланди, ўзига хос образлар, тимсоллар олами, алоҳида рамзлар, услуб ва усуллар шаклланди. Олимлар тасаввуфнинг адабиёт билан яқинлашиш сабабларини кўпроқ сўфийларнинг раксу самоъ мажлислари билан боғлайдилар. Бирок, айтиш керакки, сабаб фақат шундан иборат эмас. Тўғри, тасаввуф шайхлари муридларига таъсир этиш учун рубойи, ғазал каби кичик шеърый жанрлардан фойдаланганлар. Баъзан ўзлари сўфиёна ғояларга мос асарлар ижод қилиб, аксар ҳолда эса халқ орасида юрган оғзаки ижод намуналари ва машҳур шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб, суҳбатларини қизитганлар, сўзларга янги маъно бериб, сўфиёна ғоялар руҳида талқин ва тафсир қилиб, эшитувчиларни ҳаяжонга солганлар. Бу – масаланинг бир томони, яъни тасаввуфнинг адабиётга интилиши. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Гап шундаки, адабиёт ҳам тасаввуф томон-

га қараб интилган. Тасаввуф ғоялари кенг тарқалгандан кейин у гуманист шоирларнинг қалбини ром этди. Тасаввуфнинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги, ҳақ ва ҳақиқат, нажиб инсоний хислатлар, камолот касб этиш ҳақидаги ғоялари шеърят ғояларига айланди – шоирлар қизғин бир рух, кўнгил амри билан ирфоний ғояларни қуйладилар, ҳисобсиз лирик шеърлар, жаҳонга машҳур дostonлар, киссалар яратилди. Тасаввуфнинг беҳудлик ва ишқ концепцияси, софлик адолат ва ҳақиқат тимсоли – Мутлақ Илоҳга муҳаббат завқи ижод аҳлига қаттиқ таъсир этди. Инсоният ғам билан қалби дардга тўлган исёнкор руҳдаги шоирларни бир оҳанрабодай ўзига тортиб ўртанишли, хис-ҳаяжонга сероб ажойиб шеърятни вужудга келтирди. Бу шеърятнинг марказий қахрамони – ринди бебок, Мансур Ҳаллож эътиқодига имон келтирган, ўзини баркамоллик чўққисида кўрган, руҳан озод киши эди. Унинг завқи, изтироб-кечинмалари, хаёлий романтик оламга интилиши махсус ифодалар ва кўп маъноли рамзий иборалар билан тасвирланадиган бўлди.

Сўфиёна адабиётнинг тасвир мавзуи (объекти) тариқат йўли билан покланаётган ва тинмай комиллик сари тараққий этаётган Инсон бўлгани учун ана шу солиқ – йўловчи Инсоннинг дунёқараши, эстетикаси, кечинмалар олами муҳим аҳамият касб этиб келган. Тасаввуфий адабиётнинг барча кўринишлари, жанрларида ана шу солиқ Инсоннинг туйғулари, тушунчаси тасвирга олинади, уни тарбиялаш, унга Ҳақни ва ўзлигини тушунтириш, турли ривоят ва ҳикоятлар келтириш, ўғит-насихатлар қилиш билан унинг онги ва қалбига йўл топиш бош масала қилиб олинади.

Тасаввуф ўзи буюк бир романтик оламдир. Оламини мутлақ Парвардигорнинг ижоди деб қараш, дунёни Илоҳнинг кўзгуси, деб тушунтириш ва барча гўзалликлар, қудратни Илоҳдан, деб ҳисоблаш, Борликни романтик рангларда, шоирона хаёлий сурат – тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш – ўзи бир Буюк Поэзиядир. Жами гўзалликлар, яхшилик ва эзулик манбаи – мутлақ Илоҳ. Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият

хам Ундан. Дунёдаги жами ҳусну жамол – Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу Жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Ва яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинади. Хуллас, гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар – Руҳий азалига нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқдир...

Гўзаллик идеали, қудрат идеали, поклик идеали, абадийлик идеали – жами идеаллар идеали Унинг Ўзи. Ғайрат ҳам Ўшандан, қудрат ва шижоат ҳам, ҳаёт нафосати ҳам Ундан. Жонли ва жонсиз ҳар бир нарсада, ҳаётнинг ўзида Илоҳ қудратини мушоҳада этиш, Унинг гўзаллигидан ҳайратланиб, жўшиб, олам-олам завқ олиш, Илоҳни ёри азиз, дўст деб билиш, Унга суяниш, рози дил айтиш – мана сўфий шоирнинг эстетик дунёси, ҳаёт мазмуни!

Кўринадики, сўфийларда реал моддий дунё гўзаллиги инкор этилмайди (гарчи дунё ва унинг бойлигига бўлган салбий муносабат сезилиб турса-да), балки реал моддий дунё ўз-ўзича қимматли эмас, деб қаралади. Қадрият ва арзирли нарса, сўфий назарида, бу – рух билан, Илоҳ билан боғлиқ нарсadır. Ҳаёт ҳам руҳнинг фаолиятдан иборат. Руҳсизлик – хунуқлик, ўткинчилик, фонийлик. Ҳар қандай ўткинчи нарса қимматга молик эмас, жумладан, дунё ҳам. Абадий нарса руҳдир ва шу сабаб у қимматлидир, гўзалдир.

Тасаввуф ва бадий ижод деганда фақат сўз санъатини назарда тутмаймиз. Тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеърят, ҳам рақс, ҳам кўшиқ, мусиқа иштирок этади. Кўпгина самоъ мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат сўфийларнинг ўзи эмас, атроф-жавонибаги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар. Масалан, “Нафаҳоту-л-унс” асарида Шайх Абусаид Абулхайр мажлисларига ҳатто хотинлар келиб, томларга чиқиб томоша қилгани ёзилади.





Тасаввуф билан бадий ижод орасидаги яқинликни сўфийлар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам изласа бўлади. Чунончи, тасаввуфдаги “жазба” тушунчасини олиб карайлик. Жазба, бу ишқ, илоҳий жунун. Киши қалбида Аллоҳни билиш муҳаббати, Унга етишиш завқи шу қадар кучли бўладики, у ўзини тўхтатиб туролмайди. Ҳамма нарсани унутиб, Маҳбуб жамолига талпинади. Бу – улуғ ва мукаррам бир Дарддир. Ана шу дард – жазба тушунчаси дарвишлик билан шоирликни, кенг маънода эса, тасаввуф билан ижод хусусиятларини бир-бирига яқинлаштиради. Яъниким, дарвишлик истеъдоди, ғайритабiiий хислатга молик бўлиш шоирларга ҳам хосдир, демоқчимиз.

Туғма истеъдодли ҳар бир шоир қалбида ориф инсоннинг эътиқоди, пок ниятининг шамъи ёқиғ ва ҳар бир илоҳсевар, риёсиз ҳақиқий дарвишнинг юраги шоирона ҳаяжон, илҳому ваҳийлик эҳтироси билан ҳаракатда. Ориф дарвиш пайғамбарона руҳи билан Хайр ва Эзгуликни элга тухфа этса, шоир буни тоза туйғулар, оташин сўз кучи билан амалга оширади. “Ҳақиқий диндор шоир сўфий бўлиши керак”, деб ёзган эди тариқат аҳли ҳаётини ўрганган араб олими Ал-Жоҳиз (вафоти 869 й.). Бунинг баробарида машҳур шайхларнинг аксари ажойиб рубоий ва ғазаллар ёзгани, шеърини девонлар мерос қолдиргани ҳам тарихдан маълум. Алишер Навоийнинг фикрича, шоирда дарвишлик хислати бўлмаса, унинг истеъдоди улуғ мақсадга хизмат қилолмайди, шу учундир, шоирлик ва дарвишлик истеъдодини мужассам этган кишиларнинг кўпини у “Мажолисун-нафоис” асарида келтириб, махсус таъкидлаб ўтган. Унинг ёзишича, ҳар бир зиёли зоҳирини илмлар (дунёвий фанлар) билан бирга, ботиний илм (тасаввуф)ни эгаллаши лозим, бу унинг фазлу камолини оширади, хушахлоқ, ҳалим ва одамшаванда бўлишга кўмаклашади. Буни у Паҳлавон Муҳаммад, Саййид Ҳасан, Мавлоно Муқимий, Мавлоно Буржуний, Хожа Юсуф Бурҳон, Хожа Ҳазар Хизршоҳ ва бошқа бир қанча дарвишваш фақир одамлар мисолида кўрсатиб ўтган. Бу одамлар сўфийлик билан ном чиқарган бўлсалар-да,



аммо яхшигина таъблари ҳам бўлган. Чунончи, Хожа Юсуф Бурхон “факир ва фано тарикида сулук килур эрди... жамики аҳли турукнинг (*тариқатнинг – Н.К.*) соҳибтарики эрди ва мусиқий илмни ҳам яхши билур эрди”. Қосим Анвор бўлса, “рутбаси шоирлик ғоясидан юқорирок”, яъни валийлар зумрасига мансуб, айна шу хусусият унинг “равишини пок ва ашъорини оташнок” этган. “Ер фариштаси” деб эъзозланган Абулвафо Хоразмий “кибор авлиёданур”, шу билан бирга у тасаввуфга оид китоб таълиф этган, ажойиб куйлар чалган, рубойилар ёзган. “Турк ва форс орасида” факру фанода тенгсиз Саййид Ҳасан ҳақида: “Тасаввуфда таъби хуб эрди”, деб ёзади Навоий. У Хожа Ҳофиз, Хисрав Дехлавий, Лутфий ва Навоийнинг ўзининг ашъоридан юзлаб байтларни ёд билган, нозик ва латиф табиатли киши бўлган, кўнгли юмшоқлигидан “дардмандона сўздин ва назмдин ва нағмадин мутаассир” бўлиб, атрофдагиларни хаяжонга келтирган. Алишер Навоий сўфий қалби билан шоир қалбининг бир-бирига йўлдош ва ҳамроз эканини кўп кузатган, сўфийларнинг табиати, ботиний дунёси шеър у нағма, куй-мусиқага ташналигини кўрган. “Басо аҳдуллоҳким, арғунун унидин дайрға кирди ва дину ислом нақдин муғбачаларға бой берди”, дея хулосалайди у кузатишларини “Махбубу-л-кулуб” асарида. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, шекилли, чунки тариқат ўз ақидалари билан рух илми эканлиги жиҳатидан ижод психологиясига яқиндир. Сўфийнинг қолга кириш лаҳзасини ижодкорлардаги “илҳом ташриф буюриши” ҳодисаси билан тенглаштира бўлади. Сўфиёна завку сурур, важду самоъ ижод аҳлининг илҳомли дамлари, яратиш завқи тўлиб-тошган даврига ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, ижод завқи ва сўфиёна завқ инсон руҳий ҳолати нуқтаи назаридан бир хил нарса. Бежиз эмаски, тариқатда ижодга мойил, қалбида илоҳий ишқ жўш урганлар кўпроқ муваффақият қозонганлар. Шоирлик истеъдоди бор бўлган солиқларда бу дард шеър бўлиб куюлиб келган – ҳақиқий каромат юз берган. Жалолиддин Румийнинг ҳаётини эсланг: у тариқат сулукини бекаму кўст бажарган бўлса-да, лекин то





Шамс Табризий била учрашиб, суҳбат курмагунга қадар шеър ёзмаган, ҳолбуки, унинг ёши қирққа яқинлашган эди. Шамс Табризий таъсирида унинг қалб кўзи очилиб, буюк шоир ва буюк сўфийга айланди. Яссавий, Аттор, Машраб ҳам аслида жазба теккан, яъни илоҳий “девоналик”дан бонасиб одамлар эдилар. Уларнинг ғайриодатий, мажнунона хулқ-атвори атрофдагиларни ҳайратга соларди (Машрабнинг “Девона” лақабини олгани шундан), бунинг устига улар пирга қўл бериб, руҳий чиниқиш азиятларидан ҳам хабардор эдилар.

Яна бир ҳодисани таъкидлаб ўтмоқчимиз: тасаввуфни соф назарийетчи олим ва шайхлардан кўра шоирлар чуқурроқ идрок этганлар, улар маърифат асрори, “илму-л-ғайб”нинг мушоҳада ва мукошифасида мўъжизалар кўрсатганлар. Эътибор қилинг, ваҳдату-л-вужуд таълимотининг асосчиси шайх Ибн Арабий яхши шоир ҳам эди, у “Фусусу-л-ҳикам” (“*Ҳикматлар гавҳари*”) ва “Футуҳоту-л-Маккия” (“*Макканинг очилиши*”) номли машхур асарларининг кўп қисмини шеър билан битган, яъни ўз назарий фикрларини фалсафий истилоҳлар орқали тушунтиришга қийналиб қолганда асосий муддаони шеърий сатрлар ёрдамида изҳор этган. Робия Адавия, Мансур Ҳаллож, Абдулла Ансорий, Абусаид Абулхайр, Пахлавон Маҳмуд ҳам шу усулдан фойдаланганлар. Хайём, Румий, Жомий, Бедил, Иқбол тасаввуфнинг жуда кўп нозик назарий масалаларини жаҳоншумул шеърий асарлар воситасида шарҳу баён этганини яхши биламиз. Чунки тасаввуф ғояларини ақлий-назарий мушоҳададан кўра ҳиссий-образли тафаккур билан тушунтириш осон. Воқеан, тасаввуф ақл билан дунёни билиш мумкинлиги, мантиқий тафаккурни тан олмайди, унинг асосий куроли – савқи табиий, яъни интуиция. Маърифат кўнгилга нур бўлиб қуйилади, дейди аҳли дил. Шунга ўхшаш шоирлик ҳам ғайбдан келадиган неъмат, покиза қалб илҳомидан туғиладиган кўнгил каломи. Токи дил илоҳий дарддан ғулғулага келмаса, ноқисликдан ларзага тушиб исён қилмаса, илоҳий лисон – шеър туғилмайди. Хожа Ҳофиз бир ғазалида: “Мен шеър тўқимаيمان, мен Илоҳнинг тили бўлиб қуйлайман”, деганда шу ҳолатни кўзда тутмадимикан? Ва шунга биноан, тасаввуф-

даги “бедорлик, “хилват”, “узлат” тушунчалари ҳам барчадан кўра ижод аҳлига яқин ва тушунарлидир.

Сўфий дарвишлар, шу тарика, ижод аҳлига яқинлашиб бордилар ва иккинчи тарафдан, ижод аҳли ҳам тасаввуфга томон интилдилар. Сўфий жамоалар орасида “риндлар зоҳиран ўзларини беҳуд, бепарво қилиб кўрсатувчи, ботинан эса мутафаккир ва закий бўлган, дунёнинг нобаробарлигидан, адолатсизликларидан зада кишилар сифатида алоҳида ажралиб турарди, улар бир-бирига рози дил айтиш, ҳасратлашиш учун йиғинлар уюштирардилар. Бундай йиғинларда илму адаб аҳли ҳам иштирок этарди, риндлар одатига мувофиқ меъёрида шароб ичиб, сархушлик қилиш, эркин-озод ҳолда туйғулар тизгинини қўйиб юбориб, куй-қўшиқ, шеърхонлик “базми жамшиди”ни тузиш расм бўлган. Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарида “ринди бодапараст”ларнинг ахлоқини баён этиб, уларни Худо ошиқлари, Ҳақнинг севган бандалари деб таърифлайди. Риндлар даврасининг ўз шоирлари, ҳикоячилатифагўйлари, созандаю мутриблари бўлган. Шеър ва мусикийнинг инсон руҳига таъсир этиш кучини сезган тасаввуф шайхлари хонақолардаги йиғинларда бундан фойдаланишга интилганлар. Айниқса, самоъ йиғинларини қизитишда шеър ва мусиқа жуда қўл келарди. Маълумки, жамоа-тоифа бўлиб яшаш, пир-муридлик одобини сақлаб, тонготар суҳбатлар қуриш, илоҳиёна асрори ҳақидаги баҳсу мунозара мусулмон шарқининг бутун қадимий маданий марказларида қурилган кўп сонли хонақо ва зовияларда тўпланган фақру фано аҳли ҳаётининг мазмунини белгиларди. Хонақоларда “самоъ” (арабча эшитиш) мажлислари уюштириш, шеър ва рақс базмини ташкил этиш одат тусига киради. Хусусан, суқра – беҳудлик концепциясини ёқлаган сўфийлар бунга ўч эдилар. Улар: суфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, қол мақомини эгаллашдир, самоъ шу руҳий ижтиҳод киёмини қучайтиради, деб ҳисоблардилар. Суса шаҳри сўфийлари мажлисида иштирок этган тарихчи Ал-Мақдасий ёзади: “Баъзан сўфийларга қўшилиб қичқирардим, баъзан уларга қасидалар





ўқиб берардим” (Адам Мецнинг “Ислом уйғониши” китобидан, 234 бет). Хонақолардаги куй-қўшиқ садолари атрофга таралиб, одамларни ўзига жалб этган. Мақдасийнинг айтишича, хотин-халаж уйларнинг томига чиқиб, сўфийлар базмини томоша этганлар.

Тасаввуфнинг бу ружуъи, шубҳасиз, ижобий ходиса эди, унинг таъсирида шариат унча хуш кўрмаган санъат ривожланди. Сўфиёна базмлар бағрида кўплаб истеъдодли мутриб ва муғаннийлар тарбияланди, янги-янги куй-оҳанглар яратилиб, эл орасига ёйилди. Жумладан, тожик ва ўзбек халқларининг классик шошмақоми ҳам шу заминда шаклланиб, тасаввуф мақомотининг ҳолатларини ифодалайди. Аммо шеърхонлик фақат самоъ мажлисларига хос эмас эди; оят, ҳадис ва шеърый ҳикматлар билан нутқни безаб, мазмунли ва таъсирчан қилиш самоъни ёқтирмайдиган ёки уларга бепарво қарайдиган хилватнишин шайхлар сифатида ҳам расм бўлган. Шайхлар ўз атрофларида тўпланган муридларига тарикат мақоми ва ҳол мазмунлари, нузулият сиру асрорини кашф этишнинг фазилати ва мушкулоти хусусида ваъз-насихатлар килаётиб, маърифатни тушунтирар экан, ора-орада шеърый парчалар ўқиб ёки ихчам ҳикоятларни мисолга келтириб ўтар, тингловчилар эса бундан рухланиб, шайхнинг фикрини чуқурроқ англаб эдилар. Тазкира ва маноқиблардан ҳикоя қилинишича, Робия Адавия (713-801), Мансур Ҳаллож (857-922), Боязид Бистомий (ваф.874), Абу Саид Абулхайр (957-1049), Абдуллоҳ Ансорий (1306-1388), Абулҳасан Ҳараконий (ваф.1034), Нажмиддин Кубро (1145-1226), Баҳовуддин Нақшбанд (1327 – 1389) ва бошқа бир қанча атоқли шайхлар ўз суҳбатларида кўплаб шеърый парчаларни истифода этганлар. Баҳовуддин Нақшбанддан сизнинг самоъга муносабатингиз қандай деб сўрашганда, улар: “Мо ин кор накунем, вале инкор накунем” (“*Биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз*”), деб жавоб қайтарган эканлар. Шунинг ҳам айтиш керакки, тасаввуф шайхлари дастлабки даврларда дунёвий мазмундаги шеърларга сўфиёна маъно бериб, ўз ғояларига хизмат қилдирган

бўлсалар, бора-бора улар учун тасаввуфнинг махсус истилох тушунчалари, рамз-тимсолларини ифодалайдиган асарлар ёзила бошланди. Натижада шеърятда яширин маънолар, тасаввуф тушунчаларига мўлжалланган махсус тил пайдо бўлди, “лисону-л-ғайб” усулида ёзилган ғазал ва рубоийлар кўпайди. Энди адабиёт тасаввуфга хизмат қиладиган иллюстратив материал бўлиб қолмай, балки ўзи тасаввуф ғояларини баралла тарғиб қила бошлади, аниқроғи, тасаввуф ғоялари шеърят ғояларига айланди. Рамзийлик, сўфиёна тил билан ёзиш адабиётни бир қадар мураккаблаштирди, натижада хос кишилар англайдиган шеър у ғазаллар яратилди. Аммо қизиғи шундаки, иккинчи томондан, тасаввуфий шеърят орасида бағоят содда тилда ёзилганлари ҳам кўп. Бу жиҳатдан, масалан, Аҳмад Ясавий ижоди, Сўфи Оллоҳёр асарлари яхши мисол бўлади. Бу шоирлар диний-сўфиёна ғояларни халқчил бир усулда баён этадилар, уларнинг ўғит-насихатлари, ташбеҳ-истиоралари ҳам содда ва тушунарлидир. Чунки мақсад тасаввуфни ва ислом ҳақиқатларини кенг саводсиз омма қалбига етказиш эди. Дарвишлик сулуқини эл орасига ёйиш, дарвишларни муқаррам ва маҳбуб қилиб кўрсатиш эди. Айниқса, туркий тилдаги сўфиёна адабиёт ўзининг оғзаки ижодга яқинлиги, бевосита-лиги билан ажралиб туради. Бежиз эмаски, Мовароуннахрнинг ўзбеклар билан бирга яшайдиган тожиклари ҳам “Қиссаи Машраб”, “Бобо Машраб”, “Қиссаи Ҳасан-Ҳусан” сингари ўзбекча асарларни кўпроқ мутолаа қилганлар.

Энди сўфиёна адабиётнинг мураккаблиги ҳақида гап кетганда, шуни айтиш керакки, шоирлар бунга мажбур эдилар. Зеро, тасаввуфни шеър билан баён этиш – фалсафани, илоҳ-шуносликни шеърга солиб чиқиш демак. Шу боис биз тасаввуфий адабиётни том маънодаги фалсафий адабиёт деймиз. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн Арабий, Жомий, Бедиллар Шаркнинг буюк файласуфлари, лекин уларнинг аксар ирфоний асарларини ҳам икки қисмга ажратиш мумкин: бир қисм тасаввуф таълимотини баён этган, сўфиёна истилохлар билан фикр юритадиган асарлар. Чунончи, Абулмажид Санойининг “Ҳақиқату-л-хақойик”, Маҳмуд Шабуста-

рийнинг “Гулшани роз”, Жомийнинг “Шархи рубоиёт”, Бедилнинг “Мухити аъзам”, Саййид Қосимийнинг “Ҳақиқатнома”, Сўфи Оллоҳёрнинг “Саботу-л-ожизин”, Бобожон Санойининг “Қанзу-л-маориф” асарлари бунга мисолдир. Бу асарларни тасаввуф дарсликлари сифатида қабул қилса бўлади, чунки муаллифлар ушбу таълимотни назм орқали тушунтиришни мақсад қилиб олганлар.

Иккинчи қисм адабиётда тасаввуф ғоялари кечинма ва ҳаяжонлар, тимсол ва тамсиллар орқали тасвирланиб, талқин қилинади. Бу асарларни тасвирий талқин ёки бадий тафсир (*интерпретация*) дейиш мумкин. Абулмажид Санойининг “Сайру-л-ибод”, Фаридиддин Атторнинг “Илоҳийнома”, “Бул-булнома”, “Уштурнома”, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий”, Хусрав Дехлавийнинг “Матлаъу-л-анвор”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” ва “Лисону-т-тайр” асарлари шу хилдаги асарлардир. Бу асарларда сўфиёна-фалсафий маънолар шеърий сатрлар, бадий-ифодалар тил билан талқин этилишдан ташқари яна жуда кўп масал ва ҳикоятлар, рамзий ташбиҳлар келтирилиб, китобхонга шарҳлаб берилган. “Мантиқу-т-тайр” ва “Лисону-т-тайр” каби дostonларда иштирок этувчи персонажлар ҳам рамзий: Худхуд – пир тимсоли бўлса, ўттиз қуш солиқ муридлар тимсолидир. Аттор ва Навоий тасвирлаган етти водий эса солиқ руҳининг етти хил товланувчи манзараси – Оллоҳга восил бўлиш босқичлари, маърифат зиналарини билдириб келади.

“Лисону-т-тайр”да олтмишдан ортиқ ҳар хил ҳикоятлар бор. Улардаги тарикат ва шариат, ирфоний билиш масалалари билан боғлиқ бўлган, шунингдек, инсон ахлоқига оид масалалар устида фикр юритилади. Ҳикоятлар халқ ижодиёти хазинасидан олинган. Аммо улардан келиб чиқадиган ибратли хулосалар (“*қиссадан ҳисса*”) сўфиёна маънолар талқинига мослаштирилган. Масал ва ҳикоятлар ахлоқий мавзулар, чунончи, нафснинг ёмонлиги, дунёга меҳр қўйишнинг арзимаслиги, хасислик фалокати, сахийлик шарофати, садоқат, вафо ва ҳоказолар ҳақида баҳс этади. Умуман, сўфиёна адабиётда

ўғит оҳанги, панду насихат етакчилик қилади. Бу табиий. Чунки шайхлар ўз муридларини суҳбат орқали насихат қилиш билан тарбиялаганлар. Айнан ана шу суҳбатларда ҳикоятлар, шеърӣй парчалардан фойдаланилган. Насихат адабиётининг ўзига хос жозибаси, таъсир кучи ва услуги бор.

Тасаввуф адабиёти ўзигача бўлган шакл ва жанрлардан фойдаланди, чунончи, лирик жанрлардан рубоӣй, ғазал, китъа, қасида; эпик жанрлардан маснавий тасаввуф адабиётининг ҳам асосий жанрларига айланди. Сўфӣй шоирлар бу жанрларни ривожлантириб, уларга янги руҳ бағишладилар. Кўп шоирларда дунёвийлик билан илоҳӣйлик, яъни ирфон кўшилиб зухур этади. Ҳофиз Шерозӣй, Саъдий Шерозӣй, Камол Хўжандӣй, Жомӣй ва Навоӣй ижодида дунё гўзаллиги илоҳӣй ҳусну жамолнинг давоми ва моддий ифодаси сифатида олиб қаралади. Шунинг учун улардан соф диний ғояларни ёхуд соф дунёвий ғояларни қидириш, асарларини бир-бирига зид кўйиш нотўғри. Бу шоирлар учун олам ва одам ягонадир. Руҳ ва жисм, вужуд ва маъно биргадир. Улар куйлаган реаллик илоҳӣй сифатларнинг маҳзари ва жилоси. Илоҳӣй маҳзардан илоҳӣй манбага қараб борадиган руҳ улар учун энг гўзал руҳдир. Шу боис ҳам мазкур шоирларнинг асарларини сўфӣйлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомида англаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават парда ичига яширинган. Масалан, маҳбуб деганда худони, пайғамбарни, пирни ва севган кишини англаш, соқӣй деганда ҳам айнан шу тўрт тушунчани эътиборга олиш, лаб деганда пирнинг сўзини, илоҳӣй файзни, қош деганда илоҳӣй олам билан моддий олам чегарасини, бел деганда комил инсон хаёли нозиклигини, кўз деганда комил инсоннинг ўзини назарда тутиш мавжуд. Бу тимсолларни батафсил англамай, сўфиёна шеърни англаш мумкин эмас. Ана шу тимсоллар орқали Навоӣй ва Машраб лирикасида солиқ образи гавдалантирилади. Тарикат йўлидаги мусофир, яъни солиқнинг кечинма ва ҳаяжонлари, Маҳбуб ёдидаги талпиниш ва сархушлиги ва хумори, васл дамларидаги





шодлиги тасвирланади. Умуман, Навоийда инсоннинг Оллох томон кўтарилиши (*уруж*) асосий ғоядир. Шоир шу йўл изтироби ва мартабаларини турли воситалар билан тасвирлайди. “Хамса” дostonлари, “Лисону-т-тайр” ҳам уруж-меърожни тасвирловчи асарлардир. Оддийликдан мураккабликка, дағалликдан юмшоқликка, нодонликдан доноликка, оддий иймонлиликдан юксак ирфоний иймонга ўсиб чиқиш. Буларнинг ҳаммасининг тагида эса ваҳдат моҳиятини англаш, Ваҳдоният оламига қўшилиш шавқи бор. Бошқача айтганда, камолот касб этиш. Шуни ҳам айтиш керакки, Навоий ижодида мутлакийлик ҳукмрон: мутлақ яхшилик (*эзгулик*) ва мутлақ ёмонлик (*ёвузлик*)ни кўради у. Унинг учун ёмон – бу мутлақ қора рангда кўринадиган ёмонлик. Яхши – мутлақ яхшилик, у нурли ранглар билан жилоланади. Шоирнинг ҳаётга муносабати ҳам шундай. Унинг учун ёмон шоҳ барча ёмон хислатларни жамлаган одам, яхши шоҳ эса барча ижобий хислатларни жамлаган шахс. Яхши одам – ҳушахлоқ, одил ва оқилдир. Яхшиларнинг яхшиси – еру кўкни бир назар билан камраб олган. Баҳоуддин Накшбанд ёки орифлар орифи Абдурахмон Жомий. Булар илохий уруж даражаларидан илдамлашиб кетган валий инсонлар. Комиллик тимсоли. Улар, Навоий назарида, реаллик билан нореаллик ёхуд дунё билан ғайб олами орасидаги кишилардир. Икки оламни боғловчи комил инсоннинг бир неча типини Навоий “Хамса” асарида кўрсатиб беради.

Воқеан, адабиётнинг ўзи комиллик белгиси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур ифодаси. Буларни эгаллаган инсон комил хилкат бўла олади. Демак, улуғ Алишер Навоийнинг ўзи комил инсоннинг ёркин тимсолидир. Комил хилкат бўлган инсон барча нарсада такомилни, етук мунтазамлик ва музайянликни кўрмоқчи бўлади. Унинг олий орзуси – оламни ҳам, ўзини ҳам нуксонлардан халос этиш. Инсон руҳи комилликка ташна экан, санъат ва адабиёт эса шу чанқокни бостириш учун хизмат қилиб келган. Инсон руҳининг мўъжиза мавжларини, фараҳ ва хуррамлигини ифодалаган. Инсон руҳи санъатдан озикланиб яйрайди ва барча кудратини санъатда кўрсата олади.



Улуғ мутафаккир шоирлар ижоди буни асрлар давомида исботлаб келмоқда. Дин, мифология, бадий ижод бирга бақамти ривожланди, бир-бирини тўлдириб, бир-бирига мадад берди. Барчасининг муддаоси Инсон эди, Инсонни ўрганиш ва поклаш эди. Гарчи илохий ғоялар куйланса ҳам, лекин адабиёт инсон қалбининг ифодаси бўлиб келди. Зеро, Оллоҳ ҳам инсон қалбидадир.







**Иброҳим  
ҒАФУРОВ**  
(1937 йилда туғилган)



---

**ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁДА ШЕЪР СЎЗИ**

Кейинги 20 йил ичида шеъриятнинг мундарижасида Ва-тан, Истиклол, Маънавият бош ўринни эгаллайди. Турлича истеъдод, турлича адабий тажриба, турлича ёшдаги ижодкор-лар янги ижтимоий воқелик ва Озодликнинг реал амалга оша-ётган ғоялари таъсирида туғилган юртнинг инсон ҳаётидаги маъно ва мазмунини ўзлари учун қайтадан кашф қилиш йўлига кирдилар. Мустақиллик ва унинг ўлмас қадриятларини кашф этиш озод инсон сифатида ўз-ўзини кашф этиш, ўз ўрнини бел-гилаш билан ажралмаган ҳолда чамбарчас борди ва бу замон кишиси учун жуда катта масала ўсиш қарама-қаршиликлари, зиддиятлари, қийинчиликларидан холи бўлмади. Шеърият анъанавий тарзда образли фикрлаш, ранг-баранг ҳаяжонли ке-чинмаларни баён этиш, дил ёриш ва ифодалашда давом этди. Аммо воқеликнинг мазмуни энди глобал равишда ўзгарган эдики, бу шоирларни шу тарихий-ижтимоий воқелик характе-рига мос бадиий ифода усуллари, янги шакллар, таъсирчан во-ситаларни топишга ундади. Эркин фикрлаш, эркин ёзиш шоир олдига Эркин масъулият эгаси бўлиш зарурлигини кўндаланг



қўйди. Эркин одамнинг дунё ва жамият олдидаги эркин масъулияти – Чўлпон ва Қодирий орзу қилган ҳақиқий маънодаги масъулиятлар масъулияти эканлиги онг ва юрак англови жараёнига кирди. Бу эркин реализмга олиб кирувчи синергетик интилишларни талаб қилди ва юзага чиқарди. Шеърят ҳеч қачон давр талабларидан ташқарида яшаган эмас.

20 йиллик тарихий улуш мобайнида шеърятда ифода усулларини янгилаш йўлида ижодий изланишлар диапозони кенгайди, янги булбуллар бўстонда тилга кирди. Бунга шу даврда чиққан ўнлаб шеърӣ китоблар мисол бўла олади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида адабиётга елкадош бўлиб кириб келган қаламкашлар ниҳол чоғида ям-яшил сершукуҳ дарахтларга айланишларини орзу қилиб, ўз китобларимизда алқаган эдик. XXI асрда ўрмонларга ўт кетди. Ҳаёт-мамот суви туғёнга келди. Муҳаммад Юсуф, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмоннинг толаларини шеърят даражасида шунга муқояса қилса бўлади.

Одам энди ўзини асрай олармикан?

Бу шеърятнинг эндиги ва эртанги тирик саволи.

Куни кеча давримизнинг улкан намояндалари қаторида Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларнинг 70 йилликлари шеърят байрамлари каби нишонланди. Адабиётимиз яна бир қарра шеърят бутун давр ва сирқираган қалб суронларини мужассамлаштира олишига ишонч ҳосил қилди. Тирик сўз ўлмас қадрият эканлигини исботлади.

Нисбатан ғоятда сокин, осуда кўрингани, аксаран драматизмга эмас, васфу тавсифга зўр бераётганига қарамай, ҳозирги шеърят қатта зиддиятлар ичида яшайпти. Бу алдамчи осудалик ва ўз-ўзидан қоникмаслик шеърни мангу ҳаракатга чакиради.

Ҳамма вақт шеър эркин ва парвозий фикрлайди. Бир шарт: замондош билан! Акс ҳолда шеърдан мурод – мулоқот қолмайди.

Дунё колониализм давридан глобализм даврига ўтди. Ҳамон дунёнинг энг қатта муаммоси инсон бўлиб турибди. Инсон ер юзи микёсида табиатни ҳалокатга олиб борганидек, ўзи



хам табиат билан бирга ҳалоқат ёқасига етиб келди. Шу ҳолда хам инсон ўз жароҳатларига давони ўзидан эмас, интернетдан изламоқда. Ўз миясидан тополмаган нажотни интернетдан топиб бўлармикан? Шўх ўйинлару жаҳон футбол майдонларидаги ваҳшиёна ҳайқириқлардан топиб бўлармикин?

Телевидение, радио, масс-медиа, интернет жуда катта оммавий таъсир куч-қудратига эга. Лекин булар миллионлаб кўзлар, миллионлаб кулоқларни ҳар куни ишғол қилади, ҳар куни, ҳар соат уни эрмаклар билан ёш боладай аллалайди-ю, фақат бир нарсага кодир эмас. Улар одам қалбига яқинлашолмайди, инсон юрагига киролмайди.

Инсон қалбига фақат мусиқа янглиғ шеърият киради. Одам юрагини фақат мусиқа ва шеърият ларзага солади. Булар одамни руҳлантиради. Одамни уйғотади. Инсонни умидлантиради. Инсонни ҳалоқат ёқасидан орқага қайтаради. Нажот – шеъриятда. Бу идеалистик гапга ўхшайди, аммо адабиётнинг ҳақиқати бу. Абдулла Ориповнинг шеъриятдан янгидан илҳомланади, руҳланади. Замон қувонч-қайғулари муқарнас мужассами бу шеърлар янгидан жаранглаб инсонпарварлик ва инсонга муҳаббатнинг хушбахт садолари каби эшитилади. Туғма сўз ўлмаслигига биз ҳаммамиз яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Шеърият Абдулла Орипов сиймосида:

*Барча мағлубият менинг дўстимдир,  
Барча йўқотишлар менга қариндош –*

деб айтаркан, бу унинг инсонни севиши ўз самимиятида энг юксакка кўтарилганидан дарак эмасми? Шеъриятнинг инсоният дардларини ўз бўйнига олиши, дардқашлиги, балокашлиги, маҳрамлиги, унинг ўтмиш шеъриятлардан фарқи ва табиий туғма хусусияти. У барча жафоларни ўзига олиб одамзодга балогардон бўлади ва ҳаётни давом эттиришга далда беради. Маҳмуд Тоирнинг ҳикматларга бой, мардона ва халқона содда шеърларида шундай улкан далдани кўрамиз. Сирожиддин Саййиднинг нозик заковат ва маҳрамлик туйғуси билан йўғрилган шеърларида ва магонатли публицистик



чиқишларида инсонни шундай суяш, унга эш ва ҳамдам ликни кузатамиз. Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиеваларнинг янги сайланмаларида фикр безовта денгиз тўлқинларидек гувиллаб, замоннинг оғрик нафасларини атрофга таратаётганлигини ҳис қилиб турамиз. Буларнинг шеърларида халқчиллик, ижтимоийлик, инсон дардлари билан яшаш энг баланд пардаларга кўтарилаётганига гувоҳ бўламиз. Улар шеърда, унинг оҳангдорликларида Бетховен симфонияларига яқинлашиб бораётганликлари, шеър тамомила мусиқага айланаётганлигига амин бўламиз. Бу шеърлар руҳлантиради, чорлайди, олға етаклайди, инсонни кунжакда ётоқчилаб қолишга қўймайди.

Шеърятимизда ижодий мусобақалар бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Гўзал мушоира шеърятимизда ўзини соғиниб янги анъанага қадам ташлаётганлиги сезилиб туради. Эркин Воҳидов “Орзули дунё” китобида Инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келган катта муаммоларни дадил қаламга олди. Унинг шеърӣ сўзининг бутун кудратли кучи дунёни ўз ҳукмига киритишга уринаётган фахш, фалш ва ёлғонга – у хоҳ миллий менталитетда бўлсин, хоҳ халқаро микёсда – кучли айбнома каби жарангламоқда. Унинг шеърӣти марказида эркинлик ғояси жўш урмоқда. Бу ғояни бутун шеърӣятимизнинг бош ғояси, унинг томирларида оқётган тоза қон, уни янгидан тирилтираётган энг улуғ, энг кучли ғоя десак, йигирма йил ичида яратилган шеърӣятимизнинг энг характерли хусусиятини айтган, белгилаган бўламиз. Эркинлик ғояси янги шеърӣй шаклларни, янги бой мундарижаларни, янги йўналишларни вужудга келтирди. Бу шеърӣятни ҳеч уялмай дунёга тақдим этиш мумкин. У франузга ҳам, немисга ҳам, японга ҳам баравар аҳамиятли туюлишига ишончимиз комил. Эркин Воҳидов “Орзули дунё” китобида улкан ижтимоий мавзуларни ёритиб ўтиб, маҳалла, аёллар, ҳазрати Хизр, ёлғон, ёлғоннинг турлича миллий кўринишлари, ўғрилиқ ва унинг неча турли товланишлари ҳақида қизиқ-қизиқ гапларни топиб ёзади. Ўзбек менталитетининг бўш ва кучли томон-



ларига эркинона кулги ва юмор шуълаларини сочади. Унинг зарифлик билан тўла юмори кулдиради, куйдиради, кулдириб, куйдириб ўйга ботиради. Бу китобни ёлғонга қаратилган ўтли пафос, десак адашмасак керак ва яна кўп китобларнинг тахлилларидан сўнг “Орзули дунё”ни 2010 йилнинг энг яхши китоби деб атасак, китобнинг бугунги ва эртанги шеъриятдаги ўрни ҳам аҳамиятини белгилаган бўламиз.

Кейинги давр шеърияти манзараларига диққат билан назар солганда шеърият даргоҳида бу китоб билан Иқбол Мирзонинг “Агар жаннат...” деган яхлит шеър китоби тўла хақиқий мушоирага киришади. Ва бу янгидан гўзал бошини уйқудан кўтарган мушоиранинг энг ёрқин намунаси. Чўлпон билан Ғафур Ғулом, Усмон Носир билан Ҳамид Олимжон, Зулфия билан дунё шоирлари мушоирасидан сўнг неча замонлар ўтиб, илҳом сарзаминига кириб келган бу янги мушоира. Эркин Воҳидов ва Иқбол Мирзо – устоз ва чин муносиб шогирднинг мусобақа, мушоираси. Бу икки шоирнинг шеърлари гўзал оҳангдорлик ва ҳаётий инсоний ёлқиндорликда бир-бирларига тутшиб боради. Иқбол Мирзонинг китобини кейинги йилларнинг сара китоби десак муболаға қилмаган бўламиз. Унда озодликнинг шукуҳлари тўла намоён бўлган ва оркарокқа назар ташлаб айтсак, Чўлпон орзу қилган шеър китоби. Худди шундай ғойибона мусобақа ва мушоирани Абдулла Шернинг “Севги олмоши”, “Сарбаст кўшиқлар”, “Севмаган менинг севгилим” деб номланган учта шеърий китобида ҳам кузатиш мумкин. Абдулла Шернинг қатъий шеър қонуниятларига заргарона риоя қилиб ёзилган, нафосати ярқираб турган фасих сонетлари, дунё ҳодисаларига сергак ва тийран ёндашган сарбаст шеърлари, ўтли севги достони бугунги шеъриятда мумтоз коидаларнинг ўрни бўлакчалигини кўрсатди. Абдулла Шер бу учала китобига кирган дoston ва шеърларида Миртемирнинг “Сураат” достони оҳанглари, шакллари, оловли селларига, Асқад Мухторнинг ўз даврида машҳур ва Хайриддин Султон, Усмон Азимовлар авлодининг жуда кўп ёш шоирларини етилтирган “99 миниатюра”сига



пайровона ёзилган, онгли суратда танланган йўл, устозларга издошлик гўзал ва шоирона ифодаланганига кўра буни 2010 йил шеъриятидаги ва мустақилликнинг 20 йиллик давридаги энг сара мушоира деб номлагим келди. Издошлик шеъриятда миллий ҳаётбахш анъаналарни мустаҳкамлайди, бундай анъаналарнинг мавжудлиги шеъриятда унинг ўлмаслиги ва мангу қадрият эканлигидан дарак беради. Абдулла Шернинг Миртемир ва Асқад Мухтор ҳақидаги хотира мақолалари ҳам худди шеърдай ўкилади ва улар унутилмас устозлар шарафига боғланган поэзия гулчамбарларидир. Хусниддин Шарипов, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Турсунбой Адашбоев, Омон Матжон, Абдулла Шер, Жамол Камол, Қутлибека Раҳимбоева, Миразиз Аъзам, Тоҳир Қаҳҳор сингари шоирларнинг сайланма ва янги туркумларида эркинлик ва шеъриятни чин маънода муқаддас билиш, қадрлаш, унинг азал сарҳадларини поқу фарзона сақлашга интилиш ва эркинлик, инсонийлик учун ҳар дамда курашиш зарурлиги ғояси эшитилиб туради. Буларнинг шеъри бокира десангиз бокира, курашчан десангиз курашчан ва юксак маънодаги ахлоқийлик билан характерланади.

*Кишилар кўпинча ўйлаган маҳал  
Чинакам чиройли бўлиб кетади –*

дейди Хусниддин Шарипов бир янги туркумида ва нима учун шундайлигини аниқлайди: Мен шу гўзалликни севаман мангу...

Курашларнинг перипетияларини синчков кузатаркан, у ёзади:

*Шунча йил галвирлаб дунёни наҳот  
Ажрата олмайсиз асли ва аксин?  
Ким жавоб беради:  
Ўйинми – ҳаёт?  
Ўйин ҳаётми ё  
Билганлар айтсин!*

(“Оғрик”)

Шеър фидокорми ё шоир? Буни баъзан ажратиш қийин.



Аммо доим фидокорга ва фидокорликка ёр. Ҳалимаҳон ёзади:

*Елкам халқим елкасига тегиб турмоғи учун,  
Бошим халқим кўлкасига эгиб турмоғим учун,  
Унга қарши нима келса енгиб турмоғим учун  
Мендан қай иш лозим бўлса,  
Барчасига тайёрман!*

(“Унутманг”)

Шавкат Раҳмоннинг меросидан лавҳа:

*“Нега жимлик босган воҳада  
беғам ухлар ботирлар узоқ?”*

Жалолоддин Румийдан янги таржима:

*Сиз кўрган, ўйлаган ҳаёт бошқадир,  
Мен севган, куйлаган ҳаёт бошқадир.*

(Миразиз Аъзам таржимаси)

Ҳаёт ҳар бир чинакам шоирда ҳақиқатан бошқача. Аъмоллар бошқача. Ёндашувлар бошқача. Ва шеърят ҳаммавақт ўзига бошқачаликни сайлайди. Шеърятнинг кўнгли ҳам ҳар дамда бошқача. Шеърятда анъанавийлик ва новаторлик доим ёнма-ён. Бир-бирларидан доим улги оладилар. Шеърятнинг шакли ва мундарижаси шундай жонли жараёнларга бойиб ўзгариб боради. XX асрнинг бошида Чўлпон янги миллий адабиётга қандай шакллар танлаш устида узоқ ўйланиб турган бўлса, ҳозир ҳам XXI асрнинг ўнинчи йилларида шеърят ўз янги асрининг шакллари устида ўйга толган ҳолда туради. Анъанавийлик. Анвар Обиджондан сатрлар:

*Ёт одамга дўнмадим  
Шохдан шохга қўнмадим  
Пойлоқчиман шу юртга...”* (“Бурч”)

Ёки:

*Элбурутдан оҳ урма,  
Ўқни суғур кўксингдан.  
Ҳис этолсанг эл дардин,*

*Яранг чиқар эсингдан,  
Талвасангни йигиштир,  
Жароҳатинг оғирмас.  
Эм деб билсанг юрт эркин  
Қирқ яранг ҳам оғримас...*

(“Кекса жангчининг далдаси”)

Фахриёр ва унинг дўстлари, сафдошлари – Баҳром, Гўзал-бегим, Рауф Субҳон, Улуғбек Ҳамдам, Жаббор Эшонқул, Азиз Саид, Ойдиннисо, Нилуфар Асад эса бутунлай бошқача шеърят йўлида ёзадилар ва изланадилар. Фахриёр ёзади:

*Бирор кимни суймай туриб ҳам  
Бирор кимга куймай туриб ҳам  
яшаши мумкин экан бемалол  
яшамаслик мумкин экан ундан ҳам...*

(“Худбинлик”)

Ёки фикр кийноқлари ҳақида:

*Мана булар сизникими дер хотиним ҳовлиқиб  
ва етти яшар қизчам ҳовучидаги боя ўзим отиб ўйнаган  
фикрларга қилар ишора  
қизчамнинг ҳовучида  
сувдан чиқиб қолган тангабалиқдай  
оғзин капта-капта очиб питирлар эди  
ўзим деразадан кўчага отган  
постмодернизм  
метаҳикоя  
ва деструкция.*

(“Дам олиш куни”).

Дискурс, Концепт, Лабиринт, Логос, Нарратив, Номадология, Постмодерн, Ризома, Семиотика, Символ, Симулякр, Текст, Трансгрессия, Фантазм сингари постмодернизм фалсафасига дахлдор, ҳали биз учун тамом янгилик бўлган, лекин яқин келажакда адабиётимиз фалсафасига кириб келадиган тушунчалар. Бизнинг геометрик модернистимиз уларни деразадан ташқарига улоктириб қутулмоқчи. Лекин улар унинг онгига чуқур ўрнашиб бўлган, руҳиятини ўз таъсирига олган, уларнинг тушида воқеликка айланаётганини кўради. Қизча



ва унинг ҳовучи эса бу тушунчалар ва улар орқали адабиётимизга келадиган йўналишларнинг келажаги. Замон Анвар Обиджонни танлайдими ё Фахриёрни? Мана сизга Чўлпонни ўтган асрнинг бошида ўйлатган, излатган ва дунёга чиқишга ундаган савол. Фақат ёшлар тушунчаларни шақилдоқчалар ва кўнғирокчалар каби шеърларнинг бўйнига осишлари шарт эмас. Улар фақат контекстлардагина ўз маъно доираларига эга бўлади. Постмодернистлар бу каби юзлаб тушунча-терминларга биз ҳаёл қилган ва луғатларда келтирилган муқобиллардан тамомила бошқача маъно вазифаларини юклайдилар ва назарда тутадилар. Ойдиннисонинг шеърлари кузги майса устига ёғилган шудрингга ўхшайди. Ҳаммаси бир хил ва ҳаммаси Мен билан бошланади ва ҳаммаси кутиш, айрилиқнинг товланишлари. Осмон шудрингга қандай алоқадор бўлса, булар ҳам шеърга шундай алоқадор ва улар, тўғриси айтганда, структурал талқин ва таҳлилларни кутади. Ёки Икром Отамуроднинг шеърлари ва янги “Хувиёт” достони теран талқин маданиятини талаб қилади.

Ҳамон анъаналар ва новаторлик тўғрисида сўзлаяпмиз. Икки оғиз шеъриятимизда катта оқимни ташкил этадиган некбинлик оқими ҳақида ҳам тўхтаб ўтайлик. Чунки шеърият маҳсулотининг катта қисми шу ўзбек некбин-оптимистик оқимига тегишли.

Некбинлик, некбахтлик ва булардан фахру ифтихорларга чулғониб, кечинмалар баёнларини шу асосга қуриш, яшаш санъатининг жуда тўғри ва содда формулаларини қидириш, топиш, ифодалаш ва шулар билан шеъриятда ўз миссиясини ўташ. Азим Суённинг маърифатли фикрларга бой “Муҳаббат хайратлари” китоби, Саъдулла Ҳаким, Мирпўлат Мирзонинг янги шеърий туркумлари, Ўткир Раҳматнинг “Ҳаёл ифори” ва “Хоксор майса” китоблари, Фарида Афрўз, Энаҳон Сиддиқова, Турсун Али, Хуршида, Тошпўлат Аҳмад, Охунжон Ҳаким, Тўлан Низом, Зиёвуддин Мансур, Йўлдош Эшбек, Чоршаъм, Гулчеҳра Жўраеванинг сайланмалари, қатор-қатор шеърлар тўпламлари ҳаётга яхши кўз билан қараш, некбинлик билан ўз ўқувчиларини топган ва ҳурмат қозонган. Эл-юртга тилак-

дошлик, тарихни тановар деб тушуниш, обидалардан ифти-  
хор, халк тақдирига эш бўлиб куйлаш улар шеърларининг  
доимий анъанавий мавзулари доирасига киради.

Бир неча тўпламлари чиққан ва уларга тақризлар ҳам ёзил-  
ган Турсун Али кейинги йилларда абсурднамо шеър усул-  
ларида кучини синаб кўрмоқда. Унинг лирикасидаги шахс  
ўта содда. Бир шеърида лирик шахс ёмғирдан уни ҳеч қачон  
кўрмагандек ажабланади, худди осмондан энди тушгандек ва  
ерни биринчи марта кўраётгандек:

*Яна Далв.  
Бугун чилланинг сўнгги куни.  
Ажабо,  
Ёмғир ёгаётир.  
Менинг бағрим  
Дунём шалаббо.  
Во ажаб,  
Эрта ёмғир  
айланар қорга...*

Бошқа бир шеърида шахс иккиқат хотинга ошиқ бўлади  
ва ўз кутубхонасидаги авторларни, уларнинг номларини бир-  
бир санаб чиқади. Бундай ҳоллар абсурд шеърият усулла-  
рида учрайди. Бунда ҳамма гап жўнлик билан ҳаётий одми-  
ликни фарқлашда. Зеро, ҳаётнинг ўзи аксаран ҳайратомуз  
ходисалардан кўпроқ одми нарсалар оқимларидан ташкил  
топади. Лекин одмиликни шеърга ёки наср, драмага олиб  
кирганда (худди Эжен Йонеско каби) одмиликнинг тагмаъно-  
сини ҳаёлдан қочириб қўймасликда, тагмаъно бўлмаса одми-  
лик ё натурализмга ва ё ўта дидсиз жўнликка айланади. Рауф  
Парфи ҳам ўз шеърларида Тагор, Асқад Мухтор, Иенш ном-  
лари ва уларнинг сатрларига мурожаат этади. Ва бу билан ўз  
шеърининг фикри, руҳиятини кучайтиради. Шу билан бирга  
у ўзига яқин, ҳамфикр шоирлар, сўзларга жўровоз бўлади.  
Аммо абсурднамо, ҳали абсурдга айланмаган шеърлар бошқа  
шоирларда ва айникса, тўпламлари хусусий нашриётларда  
чоп этилаётган қаламкашларда кўплаб учрайди.

Бир неча рубобий шеърӣ китоблари чиқиб адабиётимизда танилиб бораётган Бехзод Фазлиддин, Шодмонқул Саломов, Салим Ашуров, Ибодат Ражабова, Ҳалима Аҳмедова, Рустам Мусурмоннинг ёлқинли туркумлари, Нодира Афокованинг “Қора наво”, Марҳабонинг “Онамни кўргани бораман”, “Шукур, шукур, минг шукур”, Максуда Эргашеванинг “Кўнгил киишилари”, Бегойим Холбекованинг “Муҳаббат муҳри” китоблари, хассос шоира Хосият Рустамованинг бир неча лирик китоблари ва туркумлари шеърятнинг нурафшон мулкларидангинагина топилмалар бўлди. Булар бугунда эл-юртнинг навобахш куйчилари бўлиб, ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонмоқдалар.

Президент Ислом Каримовнинг ёшларга раҳнамолик қилаётган сўзларининг амалий ифодаси сифатида “Баркамол авлод” дастури доирасида “Зулфияхоним издошлари” туркумида Зебо Нурмонова, Юлдуз Файзий, Дилфуза Маҳкамова, Гулбахор Қобулова, Гулжамол Асқарова, Гули Нигор, Дилафруз Усмонова сингари иқтидорли ёшларнинг шабнам томчисидек шаффоф шеърӣ тўпламлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Азизбек Анварнинг “Яхши кунлар”, Мафтуна Норматованинг “Шукрона” биринчи шеърӣ китоблари Ёзувчилар уюшмаси даврасидаги суҳбатларда хайрихоҳлик билан баҳоланди.

Адабиёт газетамиз ўзининг ҳар сонидан иккита-учта шоирнинг янги туркумларини тақдим этиб бормоқда. Шунинг ўзи ҳам санокдан эринмасак, бир йилда 150 га шоир ва юзлаб шеър дегани. “Шарк юлдузи”, “Ёшлик”, “Жаҳон адабиёти”, “Саодат” сингари обрўли журналлар шеърятга саховат билан жуда катта ўрин ажратади. “Ўзбекистон”, “Шарк”, “Ғафур Гулом”, “Янги аср авлоди”, “Адиб”, “Алишер Навоий кутубхонаси”, “Мумтоз сўз”, “Академнашр”, “Мовароуннаҳр” “Тафаккур”, “Тамаддун”, “Экстремум Пресс”, “Истиқлол”, “Ношир” сингари нашриётлар китоб расталарига қўплаб маҳсулотларини чиқармоқдалар. Айниқса, хусусий нашриётларда чоп этиладиган аксар тўпламларнинг паст савияси ўқувчиларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Турли

ҳажмларда нашр этилаётган бу китобларнинг ҳаммасини санаб ўтиришнинг сира имкони йўқ. Шеърлар жуда силлик, мавзулар эса ғоятда сийқа. Қулоч-кулоч ёзилган шеърлар ёки минглаб тўртликларда лоақал битта эсда қоладиган шеърий сўз, образ ёки кутилмаган оригинал ибора-ифодани учратмайсиз. Кўп муаллифлар ҳатто оддий адабий-бадий саводхонликдан беҳабар, мавзу танлаш, уни ечимга олиб бориш, хос сўзлар қўллаш ва шеъриятнинг ранг-баранг санъатлари ҳамда шакллари – бойликлари тўғрисида тасаввурга эга эмаслар. Ёш шоирамизнинг “Дарсда” деган бир шеърда кизча тиббиёт дарсида дафтарига юракнинг расмини чизиб ўтиради. Шунда қулоғига домласининг “одамзод юраги билан эмас, аслида мияси билан севади”, деган гапи кириб қолади. Қизалоқ энди дафтарига миянинг расмини чизиб, юракнинг суратини ўчириб ташлайди. Афсуски, жуда кўп шеър шаклида чиқаётган маҳсулотларнинг савияси шундан ортиқ эмас. Ғўрлик, думбуллик, принципсизлик, гапнинг очигини айтганда, шеърни таҳқирлаш билан баробар. Китоб чиқариш ишкибозлари жуда қўймаганда, уларни жуда оз миқдор (50-100 нусхада) ва жуда оз ҳажмда (ярим-бир табоқ ҳажмида) чиқариш ва халтурачилик, хом-хаталачиликка, қоғоз исрофига барҳам бериш керакдир. Ахир, бу бефойда ишларга қанчалаб маблағ, қанчалаб қоғоз ва қанчалаб ишчи меҳнатлари сарф бўлади. Ҳисоб-китоб ва прагматизм замон аллақачон эшикларимиздан кириб келмадими?

Бу тахлитдаги китоблар ва китобчаларга оқ йўл тилаб, нимтатир, ниммаъно сўзбошилар ҳам ёзиш урф бўлиб бормоқда. Бир сўзбошида ёш ниҳолдан мисол келтириб, аммо бу шеърнинг яхши-ёмонлигини билмайман-у, бироқ ёш шоиранинг келажагига умид қилса бўлади, дейди. Ҳой, барака топкур, дейишга ҳақли буни ўқиган ўқувчи, шеърнинг яхшилиги ва ёмонлигини билмасангиз, унга баҳо беролмасангиз, нима қилиб сўз ёзиб, оқ йўл тилаб ўтирибсиз?

Бошқа бир сўзбошида ёш ниҳолнинг тўпламига кирган шеърлари барча ёшларимизниг қалбларидан чуқур жой оли-

шига комил ишонч билдирилади. Чуқур жой олиши мўл-жалланган шеърлардан айрим парчалар куйидагича:

*Бўйингдаги холинг устимдан кулар,  
Дегандай бўлади: “Ўл, бу ҳолингдан”.  
Дунёни ағдаргум бирпасда албат  
Агар сен бўлмасанг менинг ёнимда...*

*Осмондан Аллоҳнинг фаришталари  
Руҳимни танамдан олган онимда  
Самони қулатгум айни маҳалда  
Агар сен бўлмасанг мани ёнимда...*

Ёки:

*Дунё охир бўлса ҳам майли,  
Ботин зоҳир бўлса ҳам майли,  
Ўзгариб кетса ҳам замона зайли,  
Сен йиғлама юрагим, ўксинма, дилим...*

Ёки:

*Мен ишқларни тўзон билиб  
Ундан хазон ахтардим.  
Хомхаёлда тоат билиб  
Ишқдан азон ахтардим...*

Бу каби шеърлар ваҳимали, нафосатдан йироқ гаплар билан тўлдириб ташланган. Бундай ҳолларда, одатда, шеър ҳақида эмас, адабий савод ва қалбнинг маърифати тўғрисида гапириш ўринлироқ бўларди. Лекин шеърнинг танқиди ҳозирги кунда доим бундан ўзини олиб қочади. Шоирларнинг ўзлари ҳам саводхонлик ва шоир қалбининг юксак маърифати тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларга зардали муносабатда бўлишади, хайрихоҳлик билдирилмаган танқидли ишдан кўнгли совийди ва натижада саводсизлик саводсизлигича ва маърифатсизлик маърифатсизлигича, адабий дидсизлик дидсизлигича ўз турғун ҳолида ўзгармай тураверади. Шеър бўлмаган уюм-уюм уйдирмаларни шу шеър, деб тикиштириш соддалигидан қачон кутуламиз? Танқид ўлди ёки шеър ўлди, деган барча гаплар

самарасиз нигилистик гаплар. Нигилизм Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романи чиққандан бери ўзи яшайди-ю, лекин жамият адабиёт, маданият ҳаётига фойдали бир нарсалар олиб киролмайди. Ундан кўра адабий танқидга хайрихоҳлик билан караб, унинг хатто қийин чиқишларини ҳам рағбатлантириш адабий, эстетик саводхонлик, сўз ва бадиий нутқ маданиятини теран ҳис қилиш ва кучайтиришга олиб келади. Адабий танқиднинг вазифаси дидларни ўстириш ва бадиий-эстетик саводхонликни тарбиялашдир. Адабиётимизда ҳозирда шу ишларга қодир ва лаёқатли катта кучлар мавжуд. Уларни уюштириш, йўллаш ва қўллаш жуда ҳам зарур. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Хоҳиш ва манфаатдорлик изчил бўлса кифоя. Бу йўлда олиб борилаётган барча ташкилий, ижодий ишларни тўла қўллаб-қувватлаймиз ва улар келажакда яхши ижодий самаралар беришига ишонамиз.



Бегали  
ҚОСИМОВ

(1942 – 2004)



**МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШНИНГ  
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

Бу мавзу доирасида бир қатор масалаларда мутахассислар билан фикр алмашиб олиш зарурияти бор. Мазкур даврнинг етакчи тенденциялари ва унга қандай ёндашиш масаласи. Мазкур давр адабиётимиз тарихининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги 50 – 60 йиллик даврни қамраб олади. Адабиётимиз тарихининг бу даврини алоҳида қилиб ажратиш янги гап эмас. Бунинг ҳам 50 – 60 йиллик тарихи бор. Фақат биз бундаги миллий уйғониш мазмунига алоҳида урғу беряпмиз. Аслида бу ҳам янги эмас. 20-йилларда бу атама “мода”да бўлган. Моҳиятан бу давр мумтоз адабиёт билан ҳозирги адабиёт ўртасида кўприк бўлган давр. Янги адабиётнинг шаклланиш даври. Ўз даврида у аниқ-тиниқ аталган, “жадид адабиёти” дейилган. Жадид адабиётининг маъноси “янги адабиёт” дегани. Лекин тақдир тақозоси билан у “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” аталиб кетди. Бундай талкин ва йўналишда адабиётнинг эстетик жиҳатларидан кўра ғоявий масалаларига эътибор кўпроқ бўляпти. (Масалан,

дастуримизда давр воқеалари ва унинг адабиётдаги ифодаси, киёсий таҳлил кенг ўрин эгаллайди. Давр эса алғов-далғов).

Биз бундай ёндашишда мустақиллик эҳтиёжларидан келиб чикдик. Чунончи: Истиклол тарихга ҳам, адабиётга ҳам тамомила бошқача ёндашишни шарт қилиб қўйди. Бир сўз билан айтганда, у синфий ёндашишни рад этиб, миллий ёндашишни кун тартибига қўйди.

Бошимиздаги тегирмон тоши тушгач, атрофга назар солсак, кўрдикки, инсоният дегани конкрет одамлардан иборат экан, одамлар эса, фақат миллий киёфадагина намоён бўлар эканлар. Инсоният фақат миллат тарзидагина барқарор экан. Шундан бошлаб дунёнинг меҳвари биз учун ҳам ўзгарди. Ҳар қандай ижтимоий фикр миллат манфаати нуқтаи назаридан баҳоланадиган, унинг атрофида айланадиган бўлди. Бу мавсумий масала эмас, методологик масаладир. Ва буни сал кам ўн йиллик тажрибамиз, миллий фикрни, миллий мафкура, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига синдириш борасида олиб борилаётган бугунги ишлар яққол кўрсатиб турибди. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Биз миллат, миллият ҳақида кўп гапирмоқдамиз. Бу тушунчалар бугун аниқ таърифига эгами? Биз марксча-ленинча қарашлардан қутула олдикми?

Жадидларимиз бу масалага жиддий қараган эдилар. Гаспрлида “Миллий ғоя”, “Миллият” номлари билан махсус мақолалар бор. Ўзимизда ҳам Бехбудийдан Чўлпонгача бирортаси уни четлаб ўтмаган. Совет даврида 20-йилларнинг 2-ярмидан “миллатчи” деган ном устига тавқи лаънат босилди. Олдин у “миллат дегувчи” маъносида эди.

Бугун миллат, миллият ҳақида гапирмоқда эканмиз, бу тушунчаларнинг моҳияти, тарихи ва талкинларидан ҳар биримиз ўз ихтисослигимиз доирасида хабардор бўлишимиз зарур, деб ўйлайман.

Миллат ҳақидаги гап жуда эски, албатта. Ёзувчи Жалил Мамадқулизода бир муносабат билан бу тушунчанинг қадим юнонларга бориб боғланишини ёзган эди. Кекса Демокрит уни тақрибан (?) шундай тушунтирган экан: “Ҳар бир мам-





лакатнинг ягона бир сохиби бор, унинг оти миллатдир”. – “Шундан сўнг бу тушунча тарих катларида қолиб кетди, – давом этади Жалил Мамадқулизода. – Ва мелодий тарихнинг 1793 йилида ер юзининг энг нажиб миллатларидан бўлмиш француз жамоати томонидан яна акс садо берди”, – деб яқунлайди сўзини (“Турк дунёси адабиёти”. 2-жилд, Анкара, 1996, 96-бет).

Умуман, тўғри, албатта. Миллат ўзлигини XVIII асрда кўрсатди. Ва миллият шаклида кўрсатди. XX аср сиёсатчиларидан бири мазкур жараённи кузатар экан, ёзган эди: “Миллият фикрига, бу азим қувватга ҳеч бир куч бас кела олмади, юз мингларча ҳайбатли қўшин бу фикр қаршисида енгилди. Миллият аталмиш буюк қудратга бугун тўп ва милтиқ бас кела олмади”. (Юсуф Оқчур, “Уч тарзи сиёсат” мақоласидан. Қаранг: кўрсатилган китоб, 1-жилд, Анкара, 1996, 330-бет). Дарвоқе, инглиз олими Чарльз Хостлер 1904 йилда Қоҳирада “Турк” газетасида эълон қилинган мазкур мақоланинг турк дунёси учун ўйнаган ролини Комманифестнинг марксизмдаги ўрни билан қиёслаган эди.

Миллатдан миллиятгача бўлган йўл узун ва мураккаб йўл, албатта. Лекин шуниси аниқки, Демокритдаги нацио – миллатдан XVIII аср Франциясидаги “насионал” – миллиятгача бўлган давр ём-бўш бўлган эмас. Миллат-миллият масалалари Шарқда ҳам ишланган. Ва агар бунга тўхташ лозим бўлса, гапни Қуръондан бошламоқ керак бўлади. Масалан Қуръони Каримда бу сўз 11 сурада 14 оятда учрайди. Жумладан, 2 (Бақара)-, 12 (Юсуф)-, 7 (Аъроф)-сураларининг ҳар бирида 2 мартадан тилга олинади ва уларнинг еттигасида “миллати Иброҳима” (“Ва ман ярғабау ан миллати Иброҳима...”, 2-сура, 130-оят) шаклида келади ва маълум бўлганидек, дин, шариат, мазҳаб маъноларини англатади. Қолган етти ўринда ҳазрати Иброҳим тилга олинмаса-да, аҳли тавҳид билан аҳли мушрикни ажратиш учун ишлатиладики, бу ҳам унинг дин-мазҳаб доирасида қолганини кўрсатади.



Алишер Навоий ҳам “миллат” атамасини деярли шу доирада қўллайди. Чунончи: “Исо алайҳиссалом осмондин ингай, дағи Дажжолни ҳалок қилиб, сойир милал аҳлин хотимаи нубувва миллатига далолат қилгай”. (“Тарихи анбиё ва ҳукамо”дан, 15-жилд, 236-б.).

Ёки: “Гуштасп зардушт динин ихтиёр қилиб, элни ҳам ул миллатга киюрди”. (“Тарихи мулуки Ажам”дан. 14-жилд, 196-197-бб.).

Шоирнинг шеърларида эса бу сўз, кўпинча, тасаввуфий мазмунга хизмат қилдирилди, тавҳидни англатиш учун ишлатилди. Масалан,

*Зиҳи тожинг, гавҳари кибриё,  
Бу гавҳардин офоқ топиб зиё” –*

матлаи билан бошланадиган ва борликқа кўчган Оллоҳнинг тазоҳири тасвирига бағишланган ғазалда

*Сенинг миллатингдан чу топиб шараф,  
Саодат либоси кийиб ашқиё –*

деган байт борки, унинг мазмуни ҳам юқоридаги фикрга бўйсундирилган. Лекин “миллат” сўзининг “халқ”, “миллат” маъноларида ишлатилган ўринлари ҳам йўқ эмас. Масалан: “Эмди билким, бухуреким баъзининг таркиби-ла ҳосил бўлур, ўн тўккуздур, баъзи арабқа махсус ва баъзи ажамқа махсус ва баъзи муштарақ ва баъзи турк шуаросига миллати истеъмолидан ҳеч қайси бу вақтқа дегинча махсус эмас эрмиш...” (“Мезонул авзон”дан, 14-жилд, 142-бет).

Бу ердаги “миллат” этник мазмунга эга, бунга шубҳа йўқ. Навоий гоҳо “миллат” ва “дин” тушунчаларини бақамти, ёнма-ён ишлатади. Масалан, Жомийга берилган “нурул-миллат ва-д-дин”, таърифида ёки “шамсул-миллати ва-д-дин” (*Паҳлавон Муҳаммад*) “сайид-ул-миллати ва-д-дин” (*Саъдуддин Кошгарий*), “зайнул-миллати ва-д-дин” (*Ал-Ҳавоқий*) каби сифатларда буни кузатиш мумкин.



Демак: 1) “миллат” атамаси Навоий ижодий меросининг барча жанрларида учрайди; 2) шоир бу атамага аксарият анъанавий маъно юклайди. Ундан дин-мазҳаб тушунчаларини англатиш учун фойдаланади. Лекин, айни пайтда, бир қатор ўринларда, хусусан, унинг илмий ишларида, замондошлари ҳақидаги хотираларида ушбу истилоҳ этник тушунча сифатида ишлатилган; 3) “миллат” атамасига бундай маъно бериш, яъни унинг мазмунини бугунги тушунча томонга бошлаш Навоийгача бўлган адабиётимиз намуналарида учрамайди.

Гап “миллат” атамаси устидагина кетяпти. Миллият, яъни миллийлик борасида Навоийнинг тушунча-тасаввурларигина эмас, ўз дастури ҳам бўлганки, бу алоҳида бир мавзу. Лекин, умуман олганда, “миллат” ва “дин”ни муқобил тушуниш, айтиш мумкинки, XX аср бошларигача давом этди. “Тавҳиди ислом” (“*панисломизм*”) шунга суянар эди. Шуниси қизиқки, исломчиларнинг ўзлари ҳам дин бошқа, миллат бошқа эканлигини яхши билардилар. Масалан, Гаспрали “Таржимон”нинг 1908 йил 58-сонида эълон қилган “Миллият” мақоласида “дин ва миллият бирдир” деган гап “эски бир назарияйи сиёсия” эканлигини ёзади ва унинг ҳаётга сингмаганлигини, форс, турк мусулмонликни қабул қилса-да, араб бўлиб қолмаганлигини ёзади.

Ғарбдаги миллат билан боғлиқ назарияларни таҳлил қилар экан, уларнинг иккитасини мўътабар тутуди ва уларга тўхталади: 1) “Миллат мабнии лисон ила мутакаллим кимсалар мажмуидир”. Демак, бу ерда миллатнинг биринчи ва асосий белгиси – тил; 2) “У миллатдан ўлмоқ истаян кимсаларнинг мажмуидир”. Яъни бу ерда мезон хоҳиш (“*орзуйи интисоб*”). Тилнинг ҳам, диннинг ҳам, ҳатто иркнинг ҳам аҳамияти йўқ. Ва мисол сифатида Швейцарияни келтиради. У ерда 2 мазҳабга мансуб 3 тилда сўзлашувчи халқ яшайди.

Муаллиф фикрича, бу уч назариядан (1. *Шарқий*. 2. *Ғарбий*) қайси бирининг илмий асосли эканини айтиш қийин. Чунки ҳар учаласи ҳам сиёсатга бўйсундирилган. Ҳар учаласи ҳам амалий масалага айланган. Тарих ва тажриба шуни

кўрсатмоқдаки, давлат ҳудуди билан миллат ҳудудининг бирлашиш жараёни кечмоқда. Ва бу катта салтанатлар ичида катта ғавғоларга олиб келади. Масалан, миллатга тил асос қилиб олинса, Русия ўз тобеъларини руслаштиришга, Усмонли эса турклаштиришга уринади. Ёхуд дин асос қилиб олинса, бири христианлаштиришга, иккинчиси мусулмонлаштиришга киришади. Лекин XX асрда буларни ошкор амалга ошириш қийин. Шунда “мажбурий ихтиёрий” принцип ишга тушади ва “орзуи интисоб” (“*хоҳиш*”) асосга олинади. Лекин бу жараён албатта амалга ошади, деб ҳисоблайди Исмоилбек. У ҳақ бўлиб чиқди. Бизнинг ўз ихтиёримиз билан миллиятини йўқота бошлаган “совет кишиси”га айланганимиз бунинг ёркин мисоли эди.

Иккинчи маслаҳатлашиб оладиган масаламиз давр адабиётининг ўрганилиши билан боғлиқ масала. Аввало, кўлам ҳақида. Биз 1983 йилда чоп этган “Излай-излай топганим...” рисоламизда 1905 –17 йиллар адабиётига бевосита дахлдор бўлган 84 номни келтирган эдик. Бу 18 йил олдинги маълумот. Бу рақам ҳозир, шубҳасиз, кўпайган. Иккинчидан, миллий уйғониш даврини биз уч босқичга бўламиз: 1865-1905 йиллар; 1905 – 1917 йиллар; 1917 – 1929 йиллар. 84 рақами шу уч босқичнинг биргина даврига тегишли. Агар ҳар уч босқичда яшаб ижод этган адиблар адади жамланса, 300 дан ошишига шубҳа йўқ. Адабиётнинг кўлам даражасини ижодкорлар адади белгилаган эмас, албатта. Лекин, айти пайтда, ўшандай шароитда шунча қаламкашнинг фаолият кўрсатиши, бу сокинлик нишонаси эмас, аксинча, кизгин адабий жараён, миллий уйғониш белгиларидан ҳамдир. Лекин биз улардан бугун қанчасини таниб олдик? Нечта ижодкорнинг асари ўқувчиларга етди? Нечта ижодкорнинг асари илмий муомалага киритилди? Бу борадаги ишлар тоғдай бўлиб олдинда турибди. Тўғри, Бехбудий, Фитрат, Авлоний, Чўлпон, Ибрат, Сидкий Хондайликий, Сиддикий-Ажзий, Элбек, Боту, Абдулхамид Мажидий, Зиё Саид, Хислат, Хуршид, Фақирий каби XX аср боши адабиётининг бир қатор вакиллари асарлари



оз-кўп нашр қилинди, илмий истеъмолга киритилди, тарғиб-ташвиқи йўлга қўйилди. Лекин булар ишнинг бошланиши, холос. Яқинда мутахассислардан бири расмий фондларда 103 минг китоб сақланаётганлигини ёзди. 103 минги хусусий кишилар қўлида эмиш. Уларни бирма-бир кўздан кечириш, саралаш ва юзага чиқариш 5-10 йиллик иш эмас. Ва булар учун кадр керак. Мутахассис керак. Фидойилик керак.

Бугун Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза, Айний ижоди ва фаолияти қайта баҳоланмоғи керак. Биз бу улкан санъаткорларимиз ҳақида қилинган ишларнинг ўз вақтидаги буюк аҳамиятини ҳеч бир камситмаган ҳолда уларга бугунги кўз билан қарамоғимиз, уларни бугунги ақл билан баҳоламоғимиз лозим. Бу мезоннинг номи миллийликдир. Миллат ва Ватан манфаатидир.

Ҳазиний, Муҳйи, Сарёмий, Муҳсиний, Фазлий, Табибий каби ўз даври адабий муҳиtida катта мавқеъга эга бўлган ижодкорларнинг ўрни илмий асосларда кўрсатиб берилмоғи лозим.

Бугунги фанимиз XIX асрнинг охири – XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий воқеаларини ўрганишда анчагина ишлар қилди. 1873 – 76 йиллар Пўлатхон воқеаси, 1892 йилги Тошкент вабо кўзғолони, 1898 йил Андижон кўзғолони, 1916 йил, 1917 йил Февраль, 1917 йил Октябрь, Туркистон мухторияти, босмачилик ва ҳоказолар ҳақида янги замонавий нуқтаи назарлар ўртага тушмоқда ва илмий ишларимиз учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада жадидчилик номи остида қилинган ва қилинаётган ишларни алоҳида таъкидлаш керак. Бироқ миллатнинг, хусусан, зиёлиларимизнинг олдин чор, сўнг шўро мустамлакачилигига қарши олиб борган гоҳ ошкор, гоҳ пинҳона курашлари ва энг муҳими, буларнинг адабиётдаги бадиий ифодаси ўрганилган эмас. Бу жараён ҳаракатчилик нуқтаи назаридан Авлоний бир муносабат билан тилга олган 1904 йилдаги “жадидлар тўдаси”дан 30-йиллардаги “Ботир гапчилар”гача, 1905 йил 15 августда Ока дарёсидаги Струвье пароходидида 300 вакил иштирокида тузилган ва Исмоилбек “Тарихи жадидимизнинг бош саҳифаси” деб баҳолаган “Шўройи

уммат” – “Иттифоқи муслимин”дан “Турон”, “Чиғатой гурунги”, “Турк Адам марказияти”, “Иттиҳод ва таракқий”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” жамиятларигача Ватан ва Миллат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилмоғи керак.

Адабий-танкидий нуқтаи назардан эса, Фуркатнинг Худоёрхон тилидан айтилган “Демиш хон”идан Чўлпон ва Фитратнинг 20-йиллардаги юракка ўт солувчи исёнкор сатрларигача миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан яхлит ва изчил тадқиқ этилмоғи керак. Умуман, давр ва ижод, инқилобий давр поэтикаси, анъанавийлик ва новаторлик, кўйинги, кўп асрлик мумтоз адабиётимизнинг янги адабиётга айланиш жараёнини ўрганишнинг назарий ва амалий масалалари дахлсиз турибди.

Ниҳоят, бу даврни ўрганишда турли соҳа мутахассисларининг (филолог, файласуф, педагог, тарихчи, иқтисодчи, диншунос, санъатшунос, қонуншунослар) ҳамкорлиги керак.

- Чунки жадидчилик яхлит ҳодиса эди. Унинг учун ўрта асрлар Ренессансидаги сингари универсализм хос эди.

Учинчи масала Миллий уйғониш даври адабиётини ўрганишда вақтли матбуот материалларидан фойдаланиш масаласи. Мутахассисларга маълумки, мазкур даврда матбуот йўлга қўйилган ва ўлкамизнинг ўзида ўнлаб газета-журналлар чиққан. Масалан, Зиё Саид 1870 – 1927 йилларда чоп этилган газета-журналлар ҳақида фикр юритганда 45 газета, 36 журналнинг номини тилга олади. Бунинг устига Кавказ ва Волгабўйида, Марказий Русия шаҳарларида, Истанбул, Кобул, Ҳиндистонда, Мисрда чиқиб турган матбуотнинг ҳам Туркистонга келиб турганини ва Туркистон ҳаётини ёритиб турганини кўзда тутсак, кутубхоналаримизда жуда катта ҳазина борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Айниқса, Исмоил Гаспиралининг “Таржимон”и, Ризо Фахриддиннинг “Шўро”си, Фотих Каримийнинг “Вақт” газетаси, Жалил Мамадқулизоданинг “Мулла Насриддин”и қабилар жаҳоний микёсга эга бўлган ва бутун дунёга тарқаладиган газета-журналлар эди. Ва уларнинг ҳаммасида Туркистон мавзуси мумтоз бир ўринни эгаллаб келар эди. Муҳими, хайрихоҳлик билан ёзилган эди.



Иккинчидан, бу мақолалар – чикишлар миллатни уйғотишни, Туркистонни империалистик боскин ва таназзулларга қарши умумтурк истиклолчилик ҳаракатига кўшиб олишни ҳам кўзда тутар эдики, улар нажотни фақат бирликда кўра эдилар. Ниҳоят, бу чикишларда замин воқеалари таҳлили кўпинча тарихни англаш, ўзликни англаш билан кўшиб олиб бориларди. Иккита мисол келтирамиз: 1) “Таржимон”нинг 1906 йил декабрь, 1907 йил январь сонларида Исмоилбекнинг “Муколамаи салотин” (“Султонлар сўхбати”) ҳикояси босилган. У Амир Темур ҳақида. Воқеа хаёлий бўлиб, Гўри Амирда кечади. Муаллиф мақбарани томоша қилар экан, мўъжиза юз беради: Мир Саййид Бараканинг қабри устидаги сандиктош кўтарилиб, соҳибқироннинг пири ўрнидан туради. Амир Темур қабрига қўлини қўйиб, “Ўғлим” дейиши билан тош кўтарилиб, соҳибқирон ҳам чиқиб келади. Ҳар бири ўз қабри устига ўтиради. Бирпасда Шаркнинг маълум ва машҳур зотлари Амир Темур атрофида ҳозир бўладилар. Булар – турк султони Абдулазизхон, Эрон шоҳи Насриддиншоҳ, Бухоро амири Насруллохон, Қўқон хони Худоёрхон ва бошқалар. Мир Саййид Барака уларни бирма-бир таништиради.

Жадидчиликнинг машҳур раҳнамоларидан Жамолиддин Афғоний “хутбаи сипоҳий” ўқиб, сўнгги юз йилдаги дунё ўзгаришларини сўзлаб беради. Амир Темур авлодларига мерос қолдиргани Ватан ва Миллатнинг тақдири борасида халафларини сўроққа тутди. Жавоблардан қаноатланмайди. Айниқса, Амир Насрулло ва Худоёрхон соҳибқироннинг бу залворли саволларидан қочишга жой тополмай қоладилар. Амир Темур ўзи ҳақидаги ғавғо-фасодларни рад этиб, бутун куч-қудратини бир-бирини унутиш даражасига борган “туркларни бирлаштирмаққа, Буюк Туркистонни ташкил этмоққа бағишлагани”ни, “бир даража ноил ҳам бўлгани”ни айтади.

Ҳикоя бошида Мир Саййид Барака Амир Темурни қабрдан турғизар экан, “яна замон келгани”га (унинг замони келганлигига) ишора қилган эди. 1906 йилда эълон қилинган бу

хикоя билан Фитратнинг 1918 йили ёзилган “Темур сағанаси” асаридаги ҳамоҳангликни пайқаш қийин эмас.

2. Алибек Ҳусайнзода 1909 йилда “Тараққий” (Боку) газетасида босилган “Турклик – аскарлик” мақоласида тил таҳлили асосида муҳим бир фикрни илгари сурган. Бизнинг буйруқ майлини англатувчи айрим феълларимизда тўрт-беш қаватли амр маънолари бор экан. Масалан; ур, урдир, урдирт, урдирт(д)ир; чик, чиқар, чиқарт, чиқарт(д)ир, чиқарт(д)ирт каби. Бу хусусият бошқа тилларда учрамас экан. Бу ҳол туркдаги ҳукм ва ҳокимиятнинг ғоят қадимийлигини англатар, буйруқнинг кўпбосқичлиги эса давлат идора тизимида энг кўҳна замонлардан буён мансаб-мартабалар силсиласининг қатъий субординациясига амал қилиб келинаётганига далил экан. Масалан, кўшин бошлиғи аскарларга тўғридан-тўғри “Қалъага хужум этинг!” демас, балки саркардаларга “Этдиринг!” деб экан ва бу буйруқ пояма-поя мингбоши, юзбоши оша узатилиб борар экан. “Ҳар бир миллатнинг тили – унинг ҳаёти, фикри, руҳининг ойнасидир” деб тугалланади мақола.

Аҳамиятига кўра мана шундай ғоят муҳим масалалар кўтарилган вақтли матбуот намуналаридан жуда кам фойдаланамиз. Уларни тўплаш, нашр қилиш, илмий муомалага олиб кириш керак.

Тўртинчи масала. Мазкур даврни ўрганишда хорижий адабиётлардан фойдаланиш масаласи. Бу – давр эҳтиёжи. Бизнинг ижтимоий фанларимиз синфий асосга қурилгани учун, социалистик бўёкка бўялган великорус шовинизми нуқтаи назарини ифодалагани учун бугун яроқсизгина эмас, зарар етказадиган вазиятни эгаллади. Уларнинг янги асосга кўчирилаётгани шундан. Биз бугун бу фанларнинг талқинларини эмас, келтирилган фактларини ҳам қайта кўриб чиқиш мажбурияти остида миз. Айниқса, тарих фани ва қадриятларимизни. Шу сабабли Президентимизнинг бу масалаларни кун тартибига қўйишида жуда катта асос ва маъно бор.

Чунончи, рус, сўнг рус совет илм-фани дастлаб чор Русия салтанатининг, кейин Советлар империясининг қонуний экан-



лигини табиий равишда исботлашга ҳаракат қилиб келди. Ва бу ерда уни холис ўрганиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Унинг наздида биз иккинчи сорт миллатмиз, тамом. Бутун тарих, маънавият шунга бўйсундирилган. Четдаги китоблар бундай тазйикдан четда ёзилган. Ва бу ҳақда гап кетганда, биринчи навбатда, мен Заки Валидийнинг китобларини кўзда тутаман.

Дарвоқе, унинг машҳур мақолаларидан бири “Чингизхон – туркдир” деб номланади. Ўйлаб қолади киши. Бизнинг деяри барча тарих китобларимизда шундай талкин қилинади. У туркнинг мўғул отлик уруғидан эмасмикан? Агар у чиндан ҳам бугунги мўғуллардан бўлса, нега сўнгги 800 йил давомида мўғул саҳросида йилт этган чироқ кўринмади.

Айниқса, Заки Валидийнинг 2 тарих китобини аҳамиятига кўра баҳосиз деб ҳисоблайман. Биринчиси – “Умумтурк тарихига кириш”, 1944 – 45 йилларда қамоқхонада ёзилган. 1946 йилда босилиб чиққан. Бу 3-нашри, тарихга “мадҳал” – кириш номи билан машҳур, 540 бетлик. Бу китобдаги изоҳлар муаллиф фойдаланган манбалар, манбалар қиёси, улар устидаги мулоҳазалардан иборат. Бу манбалар араб, форс, турк, инглиз, француз, немис, рус тилларида. Умуман, манбалар доираси туркий халқлар бақамти яшаган хитой, ҳинд-санскрит, иброний, сурёний, армани, юнон тилларидаги манбаларни камраб олади.

Муҳими, Европа шарқшуносларининг туркий халқларнинг келиб чиқиш ўринлари – она юртлари ҳақидаги фикрларини тасниф этади. Миллатларни ўзаро гиж-гижлаш, “майдалаят” шиорини ушлаган империалистик сиёсат билан боғлаб таҳлил қилади.

Маълум бўлишича, туркларнинг она-Ватани ҳақида бир эмас, 5-6 назария бор экан. 1. Олтой (Вейдеман-1838, Частрен-1848, Шот - 1849). 2. Байкал (Паркер- 1924). 3. Узоқ Шарқ (Рамштет). 4. Урал минтақаси (Немич). 5. Тиёншон (Олмоси). 6. Орол минтақаси (Де Квик).

Туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни ҳақида жаҳонда хилма-хил гипотезалар бор экан.

1) Веналик профессор Шмидт ва Менген фикрларига кўра, Олд Осиё ва Нил бўйи буюк давлатларини Ўрта Осиёдан борган кўчманчи қабилалар бунёд этганлар. Бу фикрни Миср тарихчи мутахассиси Шебеста исботлашга ҳаракат қилар экан, проф. Сермак Нубия (Судан) ва туркча орасида яқинлик топади.

2) Ака-ука Гриммлар Герман ва туркий қавмларни кўп жиҳатлардан қардош кўрадилар.

3) Археолог Ф.Хоммел фикрича, Ўрта Осиё туркийларининг аجدодлари милоддан 5 минг йил олдин Олд Осиёга борганлар ва шумерлар номи билан дунёга доврқ солганлар. Унингча, қадим шумер тилидаги 350 сўзнинг келиб чиқиши туркийлигини исботлаш мумкин (Расин драмалари 700 сўз билан ёзилган).

4) Ариёнлар келишидан бир қанча вақт олдин дунёга келган Мохинжодоро, Хараппа маданиятларининг бунёдкорлари туркий халқлардир. Бу фикр проф. Немечга тегишли.

5) Узоқ Шарқда бир қисм туркийлар Жонг Тик номлари билан мил. ав. 1328 йилда жиддий бир сиёсий қувватга эга бўлгани Хитой манбаларида учрар экан. Тик номини Туркнинг бузилгани дейдилар.

6) Туркий халқларни Ўрта Америка маданиятининг асосчиларидан, деб қарайдиганлар бор. Кейинги пайтларда Америка ҳиндуларининг тилидаги туркий элементлар ҳақида фикрлар ўртага тушмоқда. Рассом Рерих Олтой билан Америка ҳиндулари тилини бениҳоя ўхшаш топади.

Демак, биз бу халқ агар ўзбек, Темур айтганидек, унинг бош бўғини бўлса, совет даври кўшиқларида куйланганидек “номи қул кашшоқ гадо” эмас, жаҳон цивилизациясининг чоррахасида келган, бўлар-бўлмас юртга эмас, дунёга дунёдорлик қилиб келган бир миллатга авлод эканмиз. Ва бу, шубҳасиз, ҳар бир миллатдошимизда ғурур, ифтихор уйғотади. Бизда эса узоқ замонлар шу туйғуни топтадилар. Бу туйғу ўлган кундан бошлаб миллат манкуртга айланар эди. Ҳоким миллатга шу керак эди. Ва бу нарса кейинги пайтларга

қадар давом этиб келди. Узоққа бормайлик. 1992 йил 27 январда “Известия” газетасида Сидоров деганнинг бир мақоласи чиқди. Номи: “Что было до ислама, что стало после”. Муаллиф фикрича, ҳозирги Ўрта Осиёнинг гуллаб ётган шаҳарларини араблар келиб вайрон қилдилар, халқини қирдилар. Ва олис саҳролардаги ярим ёввойи кўчманчи туркий қавмлар келиб бу ерларни эгаллаб олдилар. Туркий халқлар тарихи шундан бошланади. Бу ерда энг ками 3 та секин портлайдиган бомба қўйилган.

1) Туркий халқлар Ўрта Осиёга келгинди. Унинг асл эгалари арияндир, Эрон лаҳжаларида сўзлашувчилардир.

2) Туркий халқлар маданиятдан узоқ ярим ёввойи эдилар. Уларнинг асл маданиятини арияндир – эронийлар яратиб берганлар.

3) Ислом унинг гуллаган маданиятини йўқ қилди. Ўрта Осиёда, унинг қок маркази Ўзбекистонда эса, ўзбеклар ва тожиклар ёнма-ён яшайдилар. Уларни қатта акага муҳтож қилиш учун мана шундай бир-бирини қайраб туриш керак.

Бундан 77 йил муқаддам ёзилган “Ҳинд ихтилолчилари” да инглиз Марлинг мусулмон Мавлоно Нуъмонга шундай дейди: “Биз Ҳиндустонни адолат билан олдик, адолат билан сақладик. Яна адолат билан ўзингизга қайтармоқчи бўламиз... Эски Ҳиндустон маданиятининг туб эгаси мусулмонлар эдилар... Шу паллада ҳам Ҳиндустонда энг яхши тайёрланган улус мусулмон улусидир. Биз истар эдикким, бутун ҳинд ҳукуматини мусулмонларга топширайлик... Бироқ, биласизким, Ҳиндустонда кўпчилик мусулмонлар-да эмас. Ҳиндулар, секҳийлар, маъжуслар бирлашиб ҳукуматни ўз қўлларига олмоқчи бўлсалар, нима қиламиз?!”

Иккинчиси – “Бугунги турк эли Туркистон ва унинг яқин тарихи”. 1981 йилга 2-нашри. 1-нашри 1929 йилда Мисрда амалга оширилган. Бу китоб XVI асрдан 1924 йилгача – Туркистоннинг парчаланишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу бўҳрон ва мустамлака давридир. Янги уйғониш давридир. Бу асарни хорижда жадидчилик бўйича қўлланма ўрнида кўрадилар. 700 бетлик китобнинг 500 бети мустам-

лакачилик даври хақида. Уларнинг бир қисмини муаллиф ўзи кўрган, гувоҳи бўлган, ҳатто қаҳрамонларидан бўлган. Шунинг учун бу тарих айрим жихатлари билан Бобурнинг “Бобурнома”сини эсга туширади. Рус истилосининг моҳияти хақида, Туркистоннинг келажаги хақида, туркистонлининг – ўзбекнинг миллий хусусияти хақида бундан аниқроқ топиб айтган иккинчи одамни топиш қийин бўлса керак. (Мисолларни истаганча келтириш мумкин). Бу китобларни таржима қилиш керак. Бу асарлар ўқувчилар онгига сингиши керак.

Нихоят, бешинчи масала замоннинг зайли билан айрим анъанавий тушунчаларнинг янгича талқин касб этишидир. Бу билан ҳам ҳисоблашмоқ керак. Мана илм-фан тушунчасини олайлик. Унинг керакли, фойдали эканлиги беш қўлдай аён. Уни ўрганиш фарз. “Қуръони карим”да илм 751 ўринда тилга олинган. Лекин у ёвузликка хизмат қилдирилса-чи? Унда қандай ёндашиш керак?

Маданият ўз-ўзича яхши, керакли нарса. Бирок инсон зарарига қаратилса-чи? Биз бу давр адабиётида шу ҳолатни илғашни, лекин адабиётшунослигимиз тазйиқ сабабидан уни ойдинлаштира олмаганлигини кўраимиз.

1908 йилда Давлат думаси мажлисида мусулмон фракциясидан сўзга чиққан депутат Еникеев подшо идорасининг ғайрирусларга олиб бораётган руслаштириш сиёсатини танқид қилиб, Ильминскийнинг “Бизнинг учун русча яхши билмайдиган ва кўп хатолар билан ёзадиган ва биргина губернатор эмас, энг оддий чиновникларнинг олдида ҳам титраб ўтирадиган муфтилар бўлса, янада яхши бўларди” деган фикри бу сиёсатнинг моҳиятини ташкил этганини кўрсатган эди. (Дарвоқе, бу нуқтаи назар “Ғайри руслар низомномаси”га асос бўлиб хизмат қилган эди) (“Таржимон” г. 1908 й. 24 июнь).

Бу муносабатлар йўқолдими? Наливкиннинг “История Кокандского ханства”сини олинг. У такаббурлик билан шундай деган эди: “Бизнинг казак аскарларимиз ўзимизнинг маржалардан кўра сарт аёлларига кўпроқ борадилар. Чунки улар жуда арзон турадилар...” Машҳур рус турколог

В.В.Радловнинг “Из Сибири” деган китобини яқинда бир муносабат билан варақлаган эдим. У 1868 йилда рус аскарлари билан деярли бир вақтда Самарқандда, Нуротада, Қаршида бўлган. Ўзбеклар ҳақида, уларнинг турмуши ҳақида бир қатор фикрлар билдирган, Верешчагиндан фарқ қилмайди. Мана, қорақалпоқ, туркман, қирғизларни ўзбеклар билан қиёслаб айтган гапи: “В нравственном отношении они выгодно отличаются от узбеков, у которых царит ужасающая безнравственность...”, “Кроме корыстолюбия и жадности основными чертами их характера являются трусость, жестокость, коварство и лицемерие” (М. 1980, 568-б.). Буни асрлар оша тарих ва цивилизациянинг марказида келган, ўз шижоати ва ахлоқи билан жаҳоний эътироф топган миллатнинг шаънига муносиб деб бўлмас.

XIX асрнинг охири – XX аср бошлари адабиётигина эмас, умуман, ижтимоий тафаккури билан шуғулланадиган ҳар бир мутахассис бу фактлар билан ҳисоблашмоғи керак. Муҳими, ушбу фактлар миллий ғоя ва миллий мафкура нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак.



## Бахтиёр НАЗАРОВ

(1945 йилда туғилган)

---

### ЮКСАК ТАРИХИЙ ЭЪТИҚОДГА МУНОСИБ БАДИЙ САМАРА

Мозийда улкан салтанатларга асос солган қудратли шахслар кўп ўтган. Лекин Соҳибқирон Амир Темурдек улуғ сиймо оз, балки йўқ ҳисоби.

Буюк шахслар ҳақида тарих фани атрофлича маълумот беради, бироқ бадий адабиётгина янги замонларда уларга қайтадан жон бахш этади, қиёфаларини ҳаётдагидек, ҳатто ундан ҳам теранроқ равишда тиклайди ҳамда янги ва келгуси авлодларга йўлдош, қўлдош, улгилар олмоқ маъносида замондош қилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб ва шоир Муҳаммад Али ярим асрдан буён адабиётимизни юксалтириш йўлида астойдил тер тўкиб келмоқда. Шеърлари, дostonлари қириб бормаган ўзбек хонадони йўқ. Айниқса, адибнинг насрий асарлари ўқувчилар орасида тобора кенг шуҳрат топиб бормоқда.

Сиз “Улуғ салтанат” роман-эпопеясининг биринчи, иккинчи ва учинчи жилдларини ўқигансиз, албатта. Роман-эпопеянинг тўртинчи – якуний китоби “Шоҳрух Мирзо”ни

мутолаа қилиш жараёнида аввалги асарлардаги воқеалар, қахрамонлар кўз олдингиздан кино тасмаларидек бирма-бир ўтган бўлса, ажаб эмас. Синчков китобхон мазкур жилддаги айрим манзаралар етагида, ҳатто аввалги китобларнинг айрим саҳифаларини қайта-қайта назардан ҳам ўтказгандир. Аввалги жилдлар билан ўз вақтида таниша олмаганларнинг эса, афсуски, бу масалада имкониятлари бирмунча чекланиб қолади. Шу маънода “Улуғ салтанат”нинг аввалги китобларини ҳам топиб ўқиш ҳаваси жиддий бир маънавий эҳтиёжингизга айлансин, дегим келади. Зеро, ушбу жилд билан танишган миллатсевар, инсонпарвар адабиёт ихлосманди аввалгиларини ҳам излашга тушмаслиги мумкин эмас. Чунки бу роман-эпопеяни ўқиган ватандошимиз тарихан ким бўлгани ва ҳозир ким эканини янада чуқурроқ туйишдан туғилажак қониқиш ҳиссини чала қолдириши мумкин эмас, деб ўйлайман. Бу эпопеяни яхлит ўқиган киши Юртбошимизнинг “Биз тарихан ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз” деган улуғ шиори моҳиятини янада чуқурроқ тушунади. Бу роман жаҳоннинг истаган нуқтасида кимнинг авлоди-аждоди экани нуқтаи назаридан ҳар бир юртдошимиз қаддини ғоз кўтариб юришига дастуриламал бўла олади ва авлод-аждодга муносиб даражадаги инсон бўлиши лозимлигини уқтириб туради. Бу асар ўзбекнинг ғурурига ғурур, сурурига сурур қўшибгина қолмай, ирки ва миллати, қайси мамлакатга мансублигидан қатъи назар, ўзини ҳурмат қилган ҳар бир киши қалбида адолатга, ҳақиқатга, инсонпарварлик ва бунёдкорликка меҳр уйғотади, тарихда шундай салтанат ҳамда унинг Соҳибқирони бўлгани халққа ҳамда уларнинг ҳозирги ворисларига ҳавас уйғотади, наинки олис, ҳатто ватан ичида турган кишида Ватан соғинчини мустаҳкамлайди.

\* \* \*

“Шоҳрух Мирзо” романидаги асосий бадий концепция аввалги жилдлар билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, уларнинг узвий давоми сифатида зухур топади. Соҳибқирон Амир Те-

мур бунёдкорлиги, раиятпарварлиги ва адолатпешалигини тасвирлашга бўйсундирилиб, салтанат ва унинг ҳукмдори тарихий кудратини кўрсатишга қаратилган бу концепция, аynи вақтда романнинг теран замонавий руҳини ҳам тайин этади. Амир Темурнинг фақат тарихда қоладиган хислатлари эмас, фазилатларидаги айниқса бугунимиз учун қадрли ва қимматли бўлган хусусиятларни бадиий талкин марказига тортиш муҳим ўрин топади. “Мамлакатда бир қатра сув ҳам беҳуда кетмаслиги, бир қарич ер ҳам беҳуда ётмаслиги керак”, дейди у асарнинг дастлабки саҳифаларидаёк.

Адибнинг тилдаги гўзаллиги алоҳида таъкидлашга муносиб. Бу гўзаллик, хусусан, икки тарзда намоён бўлади. Бири, тилдаги тарихий хосликни ва бу масаладаги меъёрни дид билан сақлаш, ҳар бир қаҳрамонни феъл-атвори, табиати, шароити ва тутган мавқеига муносиб сўзлатиш. Иккинчиси, ёзувчининг ўз нутқида намоён бўлувчи тарих билан бугун востасини тил уйғунлигида намоён этувчи жозиба ва гўзаллик.

“Мушкин хатлик оху кўз гўзаллар”, “ларзон ўсмалардан офатижон чехраларнинг ҳусни малоҳати ортгандан-ортган”, “чаман-чотир гуллаган бодом”, “оқ билак ойимлар”, “хони-мойим ҳазрати олийлари”, “гиламга куйиб қолмасин деб оёқ кўйишга кўрқадим киши”, “чиройли кўзлари лим-лим нурга тўлиб туради”, “ризвон боғларидай дилторлар Қорабоғ мавзеи” каби тилдаги товланишлар ўрни билан асарни бошидан-охиригача бебаб туради. Ҳалинчакда учаётган ўн уч ёшлар атрофидаги Гавхаршодбегим тасвирига эътибор беринг: ҳалинчакдаги қизнинг узун сочлари ерга тегай-тегай деб тўлғонганида ер ҳар гал такрор-такрор доғда қолишини ўқиб ва кўриб, сиз ҳам ўзингизни доғда қолаётгандек ҳис этасиз.

Асарнинг лирик саҳифалари бамисоли шеърдек ҳиссий, тўлқинли. Бобо билан валиаҳд Муҳаммад Султоннинг муайян айрилиқдан кейинги учрашуви чизилган манзарани ҳаяжонланмай ўқиш мумкин эмас. Уларнинг ҳар биридаги ҳам оддий инсоний, ҳам аристократик чексиз меҳр-муҳаббатга ҳавас қиласиз. Адиб бундай манзараларга муносиб ремарка-



лар ҳам топади: “Душман лашкарларини титратган саркарда кувонч гуйғулари кўшини олдида ожиз эди”.

Асар композицияси, айникса, пишик ишланганини таъкидлаш ўринли: ўқувчини тизимли равишда ўзига чорлаб, эргаштириб туради. Биргина мисол, ёзувчи Муҳаммад Султонни бобоси билан учраштириб қўйиб, сўнг Мироншоҳ томонидан Амир Темур сари жўнатилган Ахий Жаббордаги хат билан алоқадор эпизод тасвирига ўтади. У якун топгач, ўқувчи яна Муҳаммад Султоннинг пойтахтга келгандаги ҳолати ва руҳияти билан учрашади. Шу тариқа зерикиш ва совушга ўрин қолдирилмай, асардаги бир неча йиллик ва турли жуғрофий кенглик, ранг-баранг руҳий ҳолат ва дунёларнинг ўзаро узилмас, занжирли боғланувларидан ҳосил бўлган яхлит полотно юзага келади. Эпик тасвир билан лирик тасвир бамисоли жонли тўлқинлардек – ҳам ўзаро боғлиқ, ҳам ўрин алмашиб туради, ҳам бир-бирини давом эттиради. Адиб бадииятдаги осон бўлмаган бу мураккаб талабнинг уддасидан чиқишдан ташқари атлас тўқувчисидек усталик билан ранг-баранг ва жонли манзараларни чизади.

Муҳаммад Султон билан Соғинч хонимнинг Вомику Узродай аҳду паймонлари битилган саҳифалар ана шундай рангин ва жозибали. Халқимизда: ниҳоятда бахтиёр онлар оғушида қолганда Оллоҳ кўп кўрмасин, дейилгучи бир одат бор.

Бу икки ёш муҳаббатига бағишланган манзараларни ўқиётган китобхон ўйида юқоридаги фикр айланганини сезмай қолади. Уларни ҳатто кимлардандир қизғанаётгандек ҳис этади ўзини.

Булар ёзувчининг муҳаббат тасвиридаги мувафқятлари бўлибгина қолмай, аслида, бу ёшларнинг, кўп ўтмай, юқорида халқ таомилида айтилганидек, қисматга ишора эканини ва улар кўп ўтмай бир-биридан жудо бўлишини, ёзувчи тахайюлида бу нарса шуурий ёки ғайри-шуурий равишда етилиб келганини асарнинг кейинги бобларидан англаб оламыз. Ёзувчи ана шундай қатор саҳифаларда китобхонларини ўзига ва қаҳрамонларига қўшиб йиғлата билиш маҳоратини кўрсатади.

Муҳаммад Султон вафоти ёритилган саҳифаларда наинки Амир Темур, наинки Соғинч хоним, балки улар билан бирга китобхон кўзларида ҳам ёш шашқатор бўлади.

Муҳаммад Султоннинг Самарқанд – Кеш сафарига бағишланган саҳифаларда она (Хонзода) – фарзанд (шахзода) учрашуви тасвирлари гўзал битилган. Адиб бутун асар давомида табиат манзаралари тасвирига мўл эътибор беради; ҳаётий табиат манзаралари бир-бирини айнан такрорламаганидек, ёзувчи қалами остида улар ҳам такрорланмайди. Лекин манзара ва сайил тасвири хусусида шуни ҳам айтиш жоизки, улар баъзи ҳолларда шу мавқедагина қолиб, асарнинг етакчи ғоя ва мақсадларига мустаҳкам боғланмаганидек таассурот қолдиради. Юқоридаги Муҳаммад Султоннинг Кеш – Самарқанд сайли, ниҳоятда гўзал ва миллий бўёқлари равшан ўсма, сумалак сайли манзаралари тасвири ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Тарихий мавзудаги асарларимизда, кўпинча, бир анъана кўзга ташланади. Шох, хон, султон фарзандлари ўз жуфти ҳалолларини аксар ҳолларда ота-оналари тавсиялари билан танлайдилар, ҳамда, уларнинг том маънодаги оташин муҳаббатлари оила қурилгандан кейинги шароитларда тасвир топади. Нега? Чунки аслида ҳаётда ҳам шундай бўлган. Бундай ёндошувга “Улуғ салтанат”да ҳам дуч келамиз. Лекин Муҳаммад Али муҳаббат таманноларини ёритишда фақат шу йўналиш доираси билангина чекланмайди. Бу анъанани у янгилайди ва бойитади. Ҳали балоғатга етиб-етмаган ўн икки ўн уч ёш атрофидаги Шохрух ва Гавҳаршодбегимнинг бир-бирига тиниқ ва покиза муҳаббатлари улар оила курмасдан аввалоқ ёлқинлашгани ниҳоятда бетакрор ҳис-ҳаяжонлар тўлқини ва оғушида тасвир этиладики, бу манзаралар наинки асарнинг, балки уни ўқиган ҳар бир китобхоннинг ҳам қалбини безай олади, умрининг шу дақиқаларини гўзал таважжуҳларга тўлдиради.

Худди шундай муҳаббат тасвирларини биз Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода хоним (“Жаҳонгир Мирзо”), Муҳаммад



Султон ва Соғинч хоним (“Мироншоҳ Мирзо”) романларида ҳам кўрамиз.

Ҳиротнинг теурийлар давридаги кўриниши тасвирланган тарихий асарлар оз эмас. Хусусан, у Ойбекнинг Навоий ҳақидаги романи орқали бизга яқиндан таниш. Такрор йўқмикан, деган маънода мен “Навоий” ва “Улуғ салтанат” романларидаги Ҳирот манзараларига киёсан назар ташладим. Тарихий рух жихатидан бир-бирига ниҳоятда яқин. Бамисоли ёнма-ён турган устоз ва шогирд нафасларидек. Лекин тасвир, манзарада такрор йўқ, бири иккинчисини тўлдириб шаҳар манзарасини янада ёрқинроқ кўрсатади. Тўғри, ҳар иккала асар тасвиридаги манзил оралиғини, тахминан бир аср ажратиб, бу вақт ўртасида шаҳар кўринишида муайян ўзгаришлар рўй берган эса-да, ҳар икки асардаги шаҳарга муносабатда бўлган қаҳрамонлар аро руҳий иқлим яқинлиги ва муштараклигини сезмаслик мумкин эмас. Ҳар иккала адабимиз тарихий Ҳиротни гўё ўз кўзлари билан кўриб, уни сайр қилиб, қоғозга туширгандек таассурот қолади. Бу устоз ва шогирднинг тарихий манбалар устидаги муштарак меҳнатидан далолат беради. Бутун асар давомида бадийий мантиқ талаби асосида юзага келувчи ёзувчининг етакчи ғоя, бадийий концепция ва бош қаҳрамонга мутаносиб равишдаги чуқур ва теран фалсафий мушоҳадалари романнинг умумий руҳига рух, кучига куч, маҳобатига маҳобат кўшадию китобхонга таъсир яхлитлигини янада оширади.

Ғарб адабиёти, хусусан, рус адабиётининг қатор намуналари ва тарихий китоблари Амир Темур лашкарларининг олис юртларга мутелик билан эмас, саркардага тарбияли ва интизомли равишда бўйсуниб, мардларча бориш сабабини, асосан ўлжага ишқибозлик билан изоҳламоқчи бўладилар. Уруш ва юришда ўлжанинг роли барча замонларда доим бўлганига тарих гувоҳ. Лекин Амир Темур лашкарларининг мақсади фақат бундан иборат бўлмаганини ёзувчи “Улуғ салтанат”да жуда аниқ ва тиниқ бадийий далиллаб беради. Ёзувчи бутун асар руҳи, матни ва моҳиятига сингдира олган бу мақсаднинг

аник, лўнда, ёркин ифодасини ҳам топади. “Оллох, Ватан, Подшоҳга жон бахшида” сўзлари Амир Темур лашкарларининг шиори эди, дейди адиб. Шуниси эътиборлики, лашкарнинг бу шиори Соҳибқирон сиймосига, унинг мақсад ва ғояларига ниҳоятда мос ва мутаносибдир. Шу тариқа асардаги айрим бир мисра бошқа китоблардаги кўплаб саҳифа бера олмайдиган таъсирни юзага чиқаради.

Тарихий ва бадий ҳақиқатни уйғунлаштириш Муҳаммад Алининг бош ижодий принциpidир. Худди шунга амал қилдик деб, не-не мафкурабоз, ғанимкўз ёзувчилар Амир Темур сиймоси ва темурийлар салтанатини коралаб, таҳқирлаб катта-кичик асарлар битиб келдилар. Муҳаммад Али, мен ҳам ҳаққонийликка амал қиляпман деб, унинг тескарисини, яъни Амир Темур ва темурийзодаларни, уларнинг салтанатини улуғлаш, фақат кўкка кўтариш йўлини тутгани йўк. Юзлаб тарихий, бадий асарларни ўқидигина эмас, ўрганди, бир-бири билан қиёслади, таққослаб, топганларини тафаккурининг чархпалагидан ўтказди, виждони шайин бўлган юрак тарозусига, адолат мезонига солди.

Адибнинг ҳақгўйлигига кичик бир мисол. У темурийзодаларнинг айрим камчилик ва хатоларини айтиш, улардаги ота ва бобога номуносиб баъзи жиҳатларни кўрсатиш қандай бўларкан, деган андишага бормайди. Буни китобхондан яширмайди ҳам. Чунки у билади, буни айтмаслик ёки ҳатто хаспўшлаш, тарихий ҳақиқатни ҳам, асар бош концепцияси моҳиятидаги бадий ҳақиқатни ҳам бузиш бўлар эди. Шу боис Муҳаммад Али айрим шахзодаларни улуғлаш у ёқда турсин, жиддий ва кескин равишда фош этади. Чунончи, Мироншоҳнинг журъат ва шижоатдан ташқари юрт ҳукмдори бўлишга арзимаслигини кўрсатишга асарда кенг ўрин ажратилади, шахзодалардан бири – Султон Хусайннинг енгилтак, “жирттаки” феъл-атвори очиб ташланади. Ўзига бирор-бир вилоят ҳадя этилмагани боис, у бобоси – Соҳибқиронни, ҳатто ичида “мияси айниган” дейишгача бориб етади, “бундок



тегирмоннинг тошини синдирмоқ лозим” дейишдан ҳам тоймайди.

Шахзода Пирмуҳаммад мирзо жанглardan бирида майдонга тушишдан кўркиб, қочган, ўзини касалга солган. Бунинг учун Амир Темур томонидан жазоланади. Амирзода Искандар мирзо айби учун бир йил ҳибсда ётишга мажбур бўлади.

Юқорироқда Мироншоҳ, Султон Ҳусайн Мирзо каби ва яна қатор шахзодаларнинг Амир Темурдек зотга номуносиб хусусиятларини ёзувчи кескин фош этади, дедик. Бу албатта, муаллиф ғоявий мақсадининг муҳим атрибутларидан бири, муаллиф ўз ниятини шу тарзда намоён этиб, ўтиб кетавериши ҳам мумкин эди. Лекин адиб бу билан кифояланмади. Реалистик асар ва бунинг устига, эпопея масалани янада чуқурроқ ёритишни талаб этади. Шундай экан, юқоридаги мудҳиш ҳолатлар Мироншоҳнинг ножойиз хатти-ҳаракатлари ҳамда Султон Ҳусайннинг хиёнати Амир Темурда қандай акс этди, унга қандай таъсир кўрсатди, – буни тасвирлаш лозим.

Муҳаммад Алидек адиб буни ёддан чиқариши мумкин эмас ва шундай бўлди ҳам. Зеро, асарнинг реалистик тўқимаси буни тақозо этади. Амир Темурнинг гуноҳга йўл қўйган Мироншоҳни қабул қилиш арафасидаги руҳий изтироблари тасвири китобхонни ларзага солади. Шу ўринда ёзувчи услубидаги муҳим бир хислатни таъкидлаш ўринли. Бу психологик таҳлил ва психологик тасвир муштараклигидир. Тетралогиянинг бошқа жилдлари, хусусан, ушбу якуний китобда ҳам Амир Темур характерини яратишда адиб психологик тасвир усулини мўл қўллайди.

Булар – ёзувчи учун нимага керак? Шунинг учун керакки, Амир Темурдек даҳо, етти иқлимни ўзига бўйсундирган Соҳибқирон умри бир тарафдан Тўхтамишу Боязиддек саркардалар билан сўқишувда, иккинчи томондан, дину диёнатга, адолатга бўйсунмаганларни бўйсундириш учун туну кун азият чекишда ва учинчидан, қатор жигарбандларини муросага келтириш, уларга чора топишга изланишда ўтганини таъкидлаш, булардан ташқари, у ҳам барчамиздек оддий бир

инсон сифатида ўз дардлари билан яшаганини кўрсатиш учун керак эди.

Ёзувчи асарда улкан тарихий ҳодисалару эпик манзараларгина эмас, мана бундай оддий инсоний ҳолатлар тасвирига ҳам алоҳида эътибор беради.

Ушбу сахнага диққат қилинг: Тўкал хоним маофага қандай қилиб чиқсам экан, деб тараддудланиб турибди. Соҳибқирон тиззасини букиб, маликага оёқ қўйишни таклиф этмоқда.

Тарихий манбаларда бу маълумот бор-йўқлигини билмайман, лекин бу тасвир Темурдек зотга ниҳоятда ярашади. Агар манбаларда учраган бўлса, у ёзувчининг ҳатто ниҳоятда кичик бир детални ҳам эътибордан қолдирмай, уни асарга кириштириш маҳоратидан далолат, агар у ёзувчининг ўз таҳаюули меваси бўлса, Соҳибқирон табиати ва характерини ёритишдаги кичик бир кашфиёт дейишга аризулик.

...Тўкал хоним аввал тортинади, қистовдан сўнг таклифни бажо этишдан бошқа иложи қолмайди. Энди шу ҳолат “боскич”лари тасвирини кузатайлик. Тўкал хоним “заррин кавушини ечиб қўлида тутганча, нозиккина оёқларини Амир Темур тиззасига оҳистагина қўйиб, маофага жойлашиб олди”. Ҳолат, манзара, руҳият, ибо, журъатсизлик ва журъатни жонли ифодалаётган сўз ва ибораларга шошмайроқ назар ташлайлик. Аёлларга хос оёқ кийимини ечишдаги ибо. Заррин кавуш, уни ечиш, қўлга олиш. Нозик оёқлар, уларни кимсан – дунёнинг салкам ярми оёғи остига ястанган Амир Темур тиззасига қўйиш, қўйганда ҳам, “оҳистагина” қўйиш ва ҳ.к. Бу сўздаги “гина” қўшимчасига эътибор беринг-а. Сўзни аввал қўшимчасиз, кейин қўшимчаси билан ўқиб кўринг. Кейингисиде қаҳрамон руҳиятини сезгандек, ички дунёсида бир нурни пайкагандек бўлмадингизми? Бу руҳий гўзаллик сизга ҳам ўтгандек, юққандек туюлмадими? Ёзувчи биргина сўздаги қўшимча орқали қанчалар маъно ва ҳиссиёт бера олиши мумкин, агар бунинг идрокига кодир бўлсак. Бу Муҳаммад Алининг руҳиятдаги сезиларсиз назокатларни жуда чуқур ҳис этиши ва уларни муносиб ифодалай билиш маҳоратидан да-

лолатдир. Бир-икки сатрга жо бўлган бу манзара тасмага олиниб, секинлатиб айлантирганча намойиш этилса борми, ўйлайманки, бир умр ёддан чиқмайдиган манзара ҳосил бўлади.

Асарда Темурнинг салтанат ҳукмдори ва адолатпарвар инсон сифатидаги қиёфасини очадиган муҳим бир нуқта бор. Мироншоҳнинг ноҳўя, нобакор иш тутишидан хабар топган ота шундай фармон беради: девондаги ҳужжатлар текширилиб, салтанатнинг қанча бойлиги бенаф сарфлангани, талон-торож қилингани аниқлансин. Тегишли мол “ундирилиб, бир чақасигача хазинага топширулсин... Салтанатнинг ақчасини ўғирлаш сағир пулини егандан ҳам ёмондир”. Эътибор беринг: бу Соҳибқироннинг қайси бир амалдор, мансабдорларга эмас, ўз фарзанди, ўз жигаргўшасига муносабатидан келиб чиқаётган қарори.

Амир Темурни айрим ғарб ва рус тарихчилари шафқатсиз дейишни ёқтирадилар. Ҳолбуки, шафқатсизлик ўрнига қараб ғанимга ҳам, фарзандга ҳам бирдек – Амир Темур аъмолидачи адолатнинг синглиси бўлган. Адиб қахрамонидаги бу фазилатни бадиий жиҳатдан жуда аниқ тасвирлайди.

Ёзувчининг бу масалага эътибори тарихни, соҳибқирон сиймосини ҳаққоний кўрсатишдан ташқари, асарнинг замонавий қиммати ва аҳамияти учун ҳам муҳимдир. Буюк салтанат ҳукмдори ва устознинг таълим-тарбияси, сабоқларига амал қилиб келаётган Юртбошимизнинг бу қаби масалаларда тутаётган йўл-йўриғи “Шоҳрух Мирзо” романининг замонавий қимматини ошириш каторида, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳозирги бошқарув тутумининг юксак анъаналарга содиқ ҳолда, унинг илдизи нечоғлик чуқур ва бақувват эканини яна бир қарра тасдиқлайди.

Роман-эпопеянинг аввалги барча жилдларида бўлганидек, ушбу китобда ҳам, тўғрироғи, аввалгиларининг узвий давоми сифатида Амир Темур образини жамики ички ва ташқи дунёсидаги мураккабликлари, зиддиятлари, маҳобати, даҳосини лиризм билан уйғун яхлитликда кўрсатиш муаллифнинг доимий диққат марказида туради.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик, адолат, бунёдкорлик, марказлашган давлатни барпо этиш билан бирга Исломни мустаҳкамлаш, унга гард юктирмаслик Амир Темур ҳаёти ва дунёқарашининг ўзак масалаларидан бири бўлгани маълум. Муслмончиликни, ким ва қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзгалар томонидан хор қилинишига йўл қўймасликни Соҳибқирон ҳаётининг етакчи максадларидан бири деб билган.

Амир Темур сиймосига мурожаат этган айрим адибларни ҳисобга олмаганда, аксар ёзувчилар ундаги бу хусусиятни ички зиддиятларига кўп эътибор бермай, тўғри чизикли жараён ҳолида тасвирлаш билан кифояланадилар. Муҳаммад Али бу масалага муносабатда ҳам реалистик принципларга содиқ қолади. Ёзувчи ислом ва муслмончиликни мустаҳкамлаш, улуғлаш Амир Темур ичкию ташқи сиёсатининг асосини ташкил этса-да, у ҳатто бу масалага ҳам кўр-кўрона ёндошмаганини, ясама баландпарвозликка йўл қўймаганини, кези келганда, бу масалада ҳам бошқа барча муаммолардагидек қатъият билан иш тутгани ва баъзан ҳатто шафқатсизлик кўрсатишгача борганини аниқ тасвирлайди. “Муслмоннинг муслмон билан урушмоғи нораводир, – дейди Амир Темур. – аммо муслмоннинг ичида кофирдан баттар, тил уқмас муслмонлар бор, ҳам фитначи, ҳам фасодчи”.

Бундай тасвир Соҳибқирон сиймосини ҳаққонийлик ва ҳаётийлик борасида яна бир баҳя кўтаради, айти вақтда, бу образ ва асарнинг бугунги замонавий аҳамиятини оширади. Ёзувчи томонидан Темур сиймосида акс эттирилган: динга таяниб ва унинг номидан иш тутмоқчи бўлган айрим кишилардаки адолат бўлмас экан, унинг олдини олмаслик ботиний равишда адолатсизликка йўл очиб беришнинг ўзгинасидир, деган ғоя халқаро миқёсдаги айти шу бугунимиз учун ҳам қимматли аҳамият касб этади.

Умуман, ёзувчи қисқа-қисқа, аниқ ва тиниқ жумлалар орқали қаҳрамони характери, ички дунёсини очишга уста. “Фурсатни илиқдан бермак кечирилмас гуноҳ”. “Ҳимматни





баланд тутмоқ керак ва кўнгилни Оллоҳга бағишламоқ жоиз”. “Туронга бўрон қофиядир”. Булар айти Темури сиймосига ярашадиган иборалардир. Айтмиқса, сўнггиси Соҳибқироннинг Ватани билан бир қаторда унинг ўзига ҳам ниҳоятда муносиб. Бундай топилмалар асарни беэаб туради.

Амири Темури сиймосига муносабатда тирнок остидан қир қидиришга ўрганган муҳолифларимиз кўпинча: тарихий манбаларда у ҳақда қелтирилувчи юксак маълумотлар муаррихларга ўзи ёхуд яқинлари томонидан мажбуриаб, улкан совғасаломлар эвазига ёздириб қолдирилган олқишлардан бошка нарса эмас, демоқчи бўладилар.

Муҳаммад Али бундай “дунёқараш” эгаларига асарнинг ўзидаги тарихий ҳақиқат билан жавоб беради. Бунинг учун Амири Темури сиймосининг ўзини ёрдамга қорлайди.

Турон салтанатининг қарийб ўттиз йиллик тарихига бағишлаб ёзилган Ғиёсиддин Алининг “Қитоби рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон” асари Соҳибқироннинг ўзи томонидан рад этилиши эпизоди ана шундай.

Бунга сабаб қитобда Амири Темури сиймоси ҳаддан зиёд қўққа қўтариб юборилиши эди. Бу услубни қаттиқ танқид этган сарқарда ҳар қандай тарихий қитобда адолат ва ҳақиқат бош мезон бўлмоғи, содда ёзилмоғи лозимлигини уқтиради, салтанати ҳақидаги ёзилмиш қитобларда шу талабга амал қилиниши шарт эканини таъқидлайди ҳамда ана шундай қитоб устида ишлашни Низомиддин Шомийга топшириб, ўзи билан юришларда иштирок этишга таклиф қилади.

Тарихий ҳақиқатнинг бундай ақс эттирилиши тарих билан шуғулланувчи ва баъзан бу масалада ҳақиқатдан тойишни ор деб билмайдиган, тарихни ўз манфаатлари йўлида бузиб қўрсатмоқчи бўлаётган ҳозирги айрим муаррихлар учун сабоқ бўла олади. Қўринадики, “Шохрух Мирзо”да ақс этган қўпдан-қўп муаммолар муҳим замонавий аҳамиятга эга бўлиб, бу масала адиб бадий концепциясида марқазий ўринда туришини яна бир бор тасдиқлайди.

“Бизнинг ишимиз черик, азимат ё ҳашаматдан эмас, балки

ҳазрат Ҳақ таборак ва таоло ҳимматидандир”, – дейди Амир Темур суҳбатларидан бирида. Ёзувчи ифодасидаги бу лўнда, аниқ, қисқа фикр кўпдан-кўп жиҳатлардан Соҳибқирон сиймосини англаш ва тушунишга очкичдир.

Шу ўринда, қаҳрамон руҳиятини тасвирлашда адибнинг контраст усулдан унумли фойдаланиши, бир масалага муносабат замирида турли қаҳрамондаги турлича ички дунёни ва шулардан келиб чиқиб, турли-туман феъл-атвор ва характерни кўрсатишдаги иктидорини таъкидлаш керак. Муҳаммад Али бу борада Л.Толстой ва Ф.Достоевский каби устозлар маҳоратидан баҳраманд экани бот-бот сезилиб турадики, у алоҳида тадқиқот учун келгусидаги вазифалар қаторида туришга муносибдир.

Асар finali яқинлашган сари Амир Темур тақаллумидаги ҳар бир ибора, ҳар бир фикр асарнинг ғоявий йўналишига, бош қаҳрамон образи моҳиятига умумлашма тус бера боради. Эпопеянинг дастлабки китоблари, шунингдек, мазкур роман аввалида, асар ғояси салтанатни қарор топтириш ва бунёд этиш муаммоларидан келиб чиқса, мазкур жилд – “Шоҳрух Мирзо” ва умуман, эпопея якунига келиб, салтанатнинг емирилишига йўл қўймастик, уни ички муҳолифату ташқи ғанимлардан эҳтиёт қилиш, асраш асносида мустаҳкамлаш муаммоларига бориб боғланади. Бу масала тасвири асар ниҳояларига келиб, муаллиф тафаккурида баъзан анъанавий, баъзан “онг оқими” тарзида рўй беради.

“Салтанат емирилиши очкўз кишиларга мансаб беришдан бошланур”, дейди Амир Темур асар ниҳоялари арафасида. Оддийгина мулоҳазага ўхшаб кетувчи бу фикр финалга яқин ўлароқ Соҳибқиронга ва уни сўзлатаётган бугунги ёзувчига нима учун керак бўлиб қолди, деб ўзимизга савол бериб кўрсак, бу фикр кўп ҳам, оддий эмаслиги – бир жиҳатдан, Амир Темурни умр шомиди тўлқинлантирган, ўйлантирган муҳим қарашлардан бири экани, иккинчи бир жиҳатдан эса, у ҳозирги замонамиз, бугунги турмушимиз учун ҳам муҳим ва қимматли экани аён бўлади. Бу олис тарих билан бугун-

ни боғлашдаги ёзувчи маҳоратидир, тарихдан сабоқлар чиқаришга чорлашдир. Тарихий асарга замонавий қиммат, мақсад, руҳ ва аҳамият бера олишдир.

Роман ниҳояси Амир Темурнинг чуқур фалсафий мушоҳадаларини ёритиш, уларни бадиий таҳлил этиш асосига қурилади. Нури дийдаси Муҳаммад Султон кўчирган “Қуръон” нусхаси солиб қўйилган сандиқча. Муҳаммад Султон олтмиш тўққизинчи сурага келиб тўхтаган. Соҳибқирон ёши ҳам 69 да. Ушбу роман ва умуман, тетралогия якунидаги бу манзара жуда чуқур ўйланган бадиий хулоса натижаларидир. Нега Муҳаммад Султон олиб кириляпти асарга, бошқа бирор фарзанд эмас. Чунки Муҳаммад Султон Амир Темур ишонган, салтанат топширилиши кўзланган валиаҳд эди. Қуръон ҳам шунчаки Темур диндорлигини яна бир эслатиб қўйиш ёки ўрнини бошқаси билан алмаштириш мумкин бўлган оддий деталь эмас? Қуръони карим Соҳибқирон ҳаёти ва аъмолининг асоси эди. Сандиқча Соҳибқиронга бамисоли тўрт томонли олам бўлиб кўринди, дейди адиб. У Амирга дунёнинг барча подшолари излаб тополмаган сирли “Тулшани хазойин”га ўхшаб кетади. Хаёли узоқларга қочган ҳукмдорнинг “кўзлари ярқ этиб очилди”. Барча подшолар, шунингдек ўзи ҳам умр бўйи излаган сандиқ “чиндан ҳам шу дунёнинг ўзи эмасму?” деган фикрга боради етти иқлим султони.

Адиб маҳоратига эътибор беринг: лирик сюжет ҳаракати, силжиши, ўсиши, ундаги композиция тузилишига назар ташланг; набира хотираси у кўчирган “Қуръон”ни ёдга солади. “Қуръон” ўз навбатида ўзи сакланиб турган сандиқчани ўртага олиб чиқади. Сандиқча эса ўз навбатида, ривоятлардаги “Тулшани хазойин” сандиғини эсга туширади. У эса ўз навбатида Соҳибқирон тафакқурида юқоридаги чуқур фалсафий фикрни уйғотади. Амир Темурнинг бу руҳияти тасвирида Муҳаммад Алига Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” асаридаги тасаввуфий буюк фалсафа таъсир кўрсатганини ҳам таъкидлаш лозим.

Роман ва бинобарин, эпопея мана шу манзара тасвири

билан тугаши мумкин эди. Буюк ёзувчининг бадиий нияти ҳамон ниҳоя топганича йўқ. Кўряписизми, финал ниҳоятда шиддатли, сиқик, чуқур кўчма маъноли, бадиий теран.

Шуниси қизиқки, тасвирдаги Соҳибқирон қарашларида бирдан карама-қарши томонга ўзгариш юз беради. Қадимги юнон драматурглари асос солган бу санъат жаҳон адабиётида перипетия санъати дейилади. Бу ҳаракатнинг бораётган томонидан кескин ва қатъий бурилиб, карама-қарши томонга кетишидир. Ўрнига қараб, муайян таъсир остида яна қайтиб ўзанига тушишидир. Излаб юрганим ва излаб топганим гулшани хазойин эмас, гулшани хазон экан, деган фикрга келади Амир Темур.

Бу ёзувчи томонидан Амир Темур сиймосини умрининг сўнгги кунларигача ниҳоятда зиддиятли, мураккаб ҳаракат ва ўйлар қуршовида ўтганини кўрсатиш ҳамда унга бундай оғир ҳолатларда доимо малҳам бўлган кишилар, кучлар бор эканига урғу бериш учундир. “Олам обод бўлмоқдадир, сиз хазонга юз буриши мумкин бўлган дунёни хазойинга айлантиряписиз”, деб тасалли беради унга Сароймулкхоним. “Дунёни бундан ҳам обод қилгаймен”, дейди бунга жавобан Амир Темур. “Зеро, одам дунёга бежиз келмайдир, у дунёни обод этиб кетмоғи лозим! Оллоҳ таоло умрни бандасига шунинг учун ато этадур... Бирор банда ҳам бу дунёда боқий эрмас экан, бас, ундан яхши амаллар, эзгуликлар ёдгор бўлуб қолсин”. Амир Темурнинг бу сўзларига ёзувчи унинг бутун умри мобайнидаги асосий маъно-мақсадларини жо эта олган, дейиш мумкин.

Асар шу ўринда тугаши мумкин эди. Лекин Амир Темур ҳам, уни тасвирлаш “эго”сида ёзувчининг ўзи ҳам янада юқорирокка кўтарилиб боради. Адиб бизни асар ниҳоясида бир-биридан янада теран, бири иккинчисидан моҳиятан кучли бадиий-фалсафий мушоҳадалар ва манзаралар ичига олиб қиради. Роман финалидаги Соҳибқирон тушига юкланган кўчма бадиий маъно ва қатлам, айниқса, чуқур ва теран. Агар эсласак, Абдулла Орипов ҳам “Соҳибқирон” драмасида туш мотивига мурожаат этган эди. Деталь бир, лекин улар

бир-бирини такрорламайди. Ҳар иккала асардаги туш мотивининг ўз йўналиши, ўз моҳияти бор. “Улуғ салтанат”даги Амир Темур тушида гўё осмони фалакка кўтарилиб бораёттир. Муҳаммад Али тасвиридаги “нарвон” ва унинг олтмиш тўққизинчи пиллапоёсида босқич тугашига яна ишора санъатини кўрамиз. “69”даги ҳар икки рақам, аслида бошқа-бошқа сонни ифодалагани ҳолда шаклан бир-бирига ниҳоятда ўхшаши, терс ҳолида эса, бир рақамни ифодалашидаги тушунтириб бўлмайдиган сирни айтмайсизми?

Тасаввуф фалсафасида Алишер Навоийдек буюкларимиз ижодида, дунёқарашида ифодасини топган ва мазкур асарда муваффақият билан фойдаланилган қаҳрамоннинг етти водийдан (Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру фано) ўтишига юкланган мақсадларда Соҳибқирон сиймосида тажассум топган илоҳий сабабият ва дунёвий натижалар қудратининг узвий бирлигига адиб жуда чуқур ҳулосивий маъноларни жо этади.

Ёзувчининг ушбу ўринда модерн ижод типидagi бадииятга мурожаат этиши ҳам эътиборимизни тортади. Соҳибқирондан ташқари унинг атрофида гапираётганлар – гунг, эшитаётганлар – кар, лекин барчанинг гапираётгани ҳам, эшитаётгани ҳам, тушунаётгани ҳам рост. Улар кулади ва қаҳқаҳа отади ҳам. Лекин овозлари чикмайди. Тасвирда Соҳибқироннинг бобокалони, бағридан бир қатор юлдузлар отилиб чиқиб, сўнганини айтиб беради. Сакқизинчи юлдуз порлаб осмони фалакни ёритди, оламни нурафшон қилди, деб сўзини тугатади бобокалон... Бирдан мўъжиза юз беради! Юксакларда чексиз нур-зиёга фарқ Арши аъло кўринади! Ҳамманинг эътибори унда... “Ўз-ўзидан барча тилга кирди, қулоқлар очилди, кўзлар тиниклашди”. Барча бир-бирига ҳайратини маълум қилмоқчи. “Лекин эшитишга фурсат топилмади. Тонг отган эди”.

Ёзувчи бош қаҳрамонининг вафоти ҳақида бизга хабар бермайди ва фикримизча, жуда тўғри қилади. Чунки хушёр китобхон буни бир жиҳатдан англаб турибди. Иккинчидан, қаҳрамоннинг ҳаётдан кўз юмиши ҳақидаги маълумотни асар-

га очик-ойдин киритмаслик, унинг абадий барҳаётлигига, тарихда ҳеч қачон ўлмаслигига ишорадир. Учунчидан, қахрамон туши орқали асар ниҳоясида модерн усулида кўрсатилиши, ҳар бир китобхонга у ҳақда фалсафий ранг-баранг хулосалар чиқариш имкониятини қолдиради. Бу “Шохрух Мирзо” жилди учунгина эмас, умуман, тетралогия учун ҳам муҳимдир.

Асар шу ерда тугаши мумкин эди. Бирок унда эпопея анъаналари ҳамда тетралогияга хос хотима ва эпилог зарурияти кўринадики, ёзувчи бу масалага ҳам алоҳида эътибор беради. Эпилогда китобхон асар ёзилиш тарихи билан қисқача ошно бўлади ва асосийси, бу ерда кўз олдимизда асарга эпопеянинг етакчи қахрамонларидан бири сифатида ёзувчининг ўзи кириб келади. Ўқувчи, айни вақтда, ушбу эпопеянинг тўрт китобдан иборат бўлиш сабаблари, тўрт рақами замиридаги ўзининг ҳаётӣ-фалсафӣ-ижодӣ қарашлари, принциплари билан танишади.

Эпилогдаги адибнинг яшамоқ маъноси, дунё, Оллоҳ ва инсон кўнгли, адолат, бадий ижод сир-синаотлари, тарихий асар хусусидаги чуқур ўйлари ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмайдигина эмас, шулар ҳақида ҳар биримизда янги-янги мушоҳадалар уйғотади.

Эпилог, назаримда, тетралогиянинг энг муваффақиятли қисмларидан бири. У Амир Темурга монанд асарнинг якуний дуосигина эмас, муаллифнинг ўз маҳобатли эпопеясига бами-соли очкич вазифасини ҳам ўтай олади.

\* \* \*

Муҳаммад Али “Улуғ салтанат” деб номланган тетралогиядан иборат роман-эпопеяни ёзиш учун деярли йигирма йиллик умрини бағишлади. Гап балки йиллар саноғида ҳам эмасдир. Лекин улар фақат ўлчов ва санок эмас, мақсад замири ва моҳиятида ётадиган тинимсиз ижодӣ меҳнат, тинимсиз изланиш, бизга яқин мозийнинг деярли ярим асрлик босқичи, не-не буюк сиймолар ҳаёти ва кечинмаларини ўз юрагидан ўтказиб, ботинан уларнинг умри билан яшаш, улар муноса-

бати замиридаги каттадан-кичик муаммолару шахслар билан тортишиш, азобларини ҳис этиш, кези келганда олишиш ва яна олишиш; мозийнинг саҳродек ястанган кенг бағридан нуқрадеккина маълумотлар топиб, саралаб, асарга олиб кириш; тахайюл нафосати ва кудрати ила тарих ҳақиқатини тўлдириш, тиклашдан иборат эканини; ва тетралогиядек катта полотнода бадииятнинг минг-минглаб нур ва ришталарини ўзаро матлубликда уйғунлаштириш нақадар осон эмаслигини назарда тутсак, “Улуғ салтанат”дек маҳобатли асарнинг яратилиши нафақат адиб муваффақияти, балки у мансуб миллат адабиётидаги ҳодиса экани бир қадар аён бўлади.

Тўрт романдан иборат “Улуғ салтанат” эпопеяси – марказида Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух Мирзолар турган йигирмадан ортиқ етакчи қаҳрамонларни, юздан ортиқ персонажларни, уч юз атрофидаги турли даражадаги эпизодик образларни қамраб олади. Уларни Соҳибқирон шахси ва сантанатининг ўттиз беш йиллик босқичидаги муаммолар, дардлар, қувонч ва андуҳлардан иборат тарих бирлаштириб туради. Уларнинг барчасини кўзга кўринмас яна бир қаҳрамон – адиб Муҳаммад Али дунёси ҳаракатга келтиради.

Таъкидлаш жоизки, тўрт китоб ёки тўрт жилддан ташкил топган катта ҳажмли яхлит асар, шаклидан келиб чиқиб, тетралогия дейилса-да, ҳар қандай тетралогия шакл туфайлигинан роман-эпопея бўлолмайди.

Роман-эпопеянинг амал қилиниши зарур бўлган ўз қонунқоидалари бор. Хусусан, тарихий роман-эпопея бўлиш учун унда улкан тарихий муаммолар, улкан тарихий шахслар, давр қиёфаси, миллат(лар) тақдирига таъсир этган масалалар ҳамда шуларга муносиб равишдаги эпик бадий қўлам, талқин ва тасвир талаб этилади. Шу маънода, Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси тарихий роман-эпопеянинг барча асосий талабларига жавоб беради ва у ўзбек адабиёти тарихидаги том маънодаги биринчи тетралогиядир.

“Улуғ салтанат” роман-эпопеяси кўп асрлик ўзбек ада-

биёти тарихида янги ҳодисадир. Тўғри, у ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Унинг асосида Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров анъаналари ҳамда жаҳон адабиётидаги роман-эпопеялар ва Соҳибқирон ҳақида ёзган адибларнинг, шунингдек, кейинги деярли чорак аср мобайнида Амир Темур сиймосига мурожаат этган ўзбек ёзувчи, шоир, драматургларининг тажрибалари ётади. Муҳаммад Али ана шу мактаб сабоқларини ўрганиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг арбоб сифатида оёққа туришидан тортиб, сўнгги кунларигача кечган буюк тарихий қиёфасини ва унинг ҳукмидаги улуғ салтанатнинг инсоният тамаддунида ўйнаган ролини бадий гавдалантиришга бағишланган роман-эпопея яратиб, ўзбек адабиётида эпик жанрнинг том маънодаги тетралогия типига асос солди, бу масалада ўзбек адабиётининг янги босқичини бошлаб берди. Тўғри, бир неча ўн асарни ўзида мужассам этган “Тўрўғли” типигаги дostonларга, Алишер Навоийнинг “Хамса”си каби маҳобатли асарларга эга эдик. Уларнинг юксак ўз кадр-қиммати, ўз йўриғи бор.

“Улуғ салтанат” эса миллат ва Ўрта Осиё халқлари тарихидаги улкан давр ва буюк тарихий шахс ҳамда сиймолар қиёфасини жаҳон адабиёти талаблари асосида реалистик акс эттирган роман-эпопея сифатида қимматлидир. У “Абай йўли” роман-эпопеясидаги (замон нисбатига кўра ундаги айрим нуктаи назарлар ўзгарган бўлишига қарамай) илғор тажрибаларни ўзбек адабиёти мисолида Ўрта Осиё ва умуман, Осиё адабиётида янги манзилга олиб чиқди.

“Улуғ салтанат”нинг ҳар тўрт китобида турли йўсин ва даражада, алоҳида шахс тақдиридан тортиб, халқ тақдиригача, алоҳида бир оила турмушидан мамлакат қисматиғача, Ватан маҳалласидан жуғрофий кенгликлару салтанатнинг ички ва ташқи сиёсатиғача, портрет чизгиларидан чуқур руҳий дунё манзараларигача ажиб бир уйғунликда акс этиши лирик ва эпик тасвир муаммоларини адиб чуқур ўзлаштира олганини кўрсатиб турибди. Эпопеянинг якуний қисмларида олис мозийда туриб, узоқ келажакни илғай билиш, рамзий равишда,







ҳатто китобхон тафаккури ва тасаввурини миллатнинг бугунги истиклол замонларига йўналтира олиш адибнинг теран изланишларидан далолат беради. Бу тарих – бугун – келажакни яхлит бир бутунликда идрок этиш ва яратишга уриниш, ҳамда қўйилган мақсад доирасида унга эришув демакдир.

Эпопеяда алоҳида бир буюк шахс ва халқ тақдири муаммосини, умуман, замон тарих билан чамбарчас алоқада ёритиш муҳимдир. Муҳаммад Али “тақдирни қўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона” деган буюк фалсафани кадрлайди, лекин уни кўр-кўрона тарғиб этмайди. Ҳаётда тақдир деган қудратли маъво бор эканини, уни на қўл ва на ақл билан ва ҳатто Соҳибкирондек етти иқлим ҳукмдорининг хоҳиш-истаги билан ўзгартириш мумкин эмаслигини теран тасвирлайди. Буни Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохруҳ Мирзолар қисмати тасвирида аниқ ва ёркин кўрсатади. Тақдир талқинида Муҳаммад Али ижодий принципларида тарихий ҳақиқатга амал қилишдан ташқари қадимги юнон адабиёти дарғалари асос солган лузумларга таяниш ётади.

Ҳаётгина эмас, руҳиятдаги жанг-жадаллар, бир инсон ўзлиги ичида икки “ўз” курашлари, шахсий ҳаёт билан мамлакат ҳаёти, лирик чекинишлардаги замон ва макон товланишлари, болалик, ўсмирлик шуълаларидан балоғат ҳамда кексалик ёғдуларининг униб чиқишида намоён бўлувчи ажиб бир табиийлик, ўз навбатида, китобхоннинг ёзувчига меҳрини зимдан етилтириб боради.

Шу вақтгача кўпинча, тарихни халқ ҳаракатга келтиради, деб келинди. Муҳаммад Али ҳам буни инкор этмаган ҳолда, тарихни буюк шахслар, уларнинг буюк қараш ва эътиқодлари ҳаракатга келтиришини Улуғ амир шахси, ҳаёти ва салтанати тимсолида бадий жихатдан яна бир бор далиллаб берди.

Шу тариқа асосига умумхалқ ва давлат аҳамиятига эга муаммолар қўйилиши, унда миллат ҳаётининг катта ва муҳим даври акс этиши, умумжаҳон аҳамиятига молик тарихий жараёнлар қамраб олинishi; миллатнинг буюк қаҳрамонлари мар-



казий ўринда туриши, камров ва тасвирдаги монументаллик, сюжет ва композициядаги сертармоқлик; юксак идеал, пафос, кўтаринкилик; бадииятдаги пластика, миллий ва бошқа хусусиятлар “Улуғ салтанат”ни том маънодаги тетралогия дейиш билан бир қаторда, уни кенг микёслардаги роман-эпопеянинг ўзбек адабиётида ҳозиргача яратилган юксак намунасидир, дейишга асос беради.

Асар бадиий сатҳида ўзбек миллати ва давлатининг қарор топиш ҳамда эрк, мустақиллик, ватанпарварлик учун кураш жараёнларининг халқ онги ва дунёқарашидаги ўсиш билан алоқадорликда ёритилиши; дин ва давлат муносабатларидаги толерантлик; Амир Темури атрофида халқнинг уюшуви; давлат тузумидаги ислохотларга алоқадор кўпдан-кўп омиллар тасвири роман-эпопеянинг замонавий аҳамиятини янада кучайтиради.

“Улуғ салтанат”нинг биринчи китоби “Жаҳонгир Мирзо”, иккинчиси “Умаршайх Мирзо”, учинчиси “Мироншоҳ Мирзо”, тўртинчиси, “Шоҳрух Мирзо” деб номланиши сабаблари хусусида пича мулоҳаза юритиш ортиқчалик қилмас деб ўйлайман. Чунки айрим китобхонларда: Амир Темурнинг тўрт фарзанди бош қаҳрамон даражасига кўтарилмаган бўлишига қарамай, нега уларнинг исми романларнинг номи даражасига олиб чиқилди, деган савол туғилиши мумкин. Бу фикрда жон йўқ эмас, лекин ҳар қандай асар номланиши замирида муаллифнинг ўзига хос нияти бўлишини ҳам назарда тутмоқ лозим. Бундан ташқари, номида исм ифодаланган бўлса, у албатта асар бош қаҳрамони эканини билдириши шарт эмас.

Романларнинг бундай номланиши сабаби ва ундаги фалсафани ёзувчи эпопея эпипогида тиниқ очиб берган. Унда адиб тўрт исм остида Амир Темур ҳаёти, тақдири, салтанати ва келажагини ташкил этувчи тўрт устун, тўрт фарзанд туришини маълум қилади. Тахайюлимизга эрк берсак, бу тўрт исм – асар номлари маъносида улуғ салтанатнинг бунёдкори Соҳибқирон ҳаётининг тўрт фасли. Жаҳонгир ишорасидаги – жаҳонни забт этиш тараддулари; Умаршайх ишорасида –

дини ислом ва амиру шайхларни ўзига устозу раҳнамо деб билиш; Мироншоҳда – амирлик мартабаларининг мустаҳкам қарор топиши; ва ниҳоят, Шохрух Мирзода эса, етти иқлим султонининг руҳият иқлимларига ишора ўз ифодасини топадидек ҳам бўлади.

Шунингдек, эпопеяда бу тўрт қаҳрамон образи очилишига, муаллиф ният ва мақсадларидан келиб чиқиб, анчагина кенг ва атрофлича ўрин ажратилганини ҳам унутмайлик. “Улуғ салтанат” эпопеясидаги романларнинг барчасини бирлаштириб турган бош қаҳрамон Соҳибқирондир, улуғ салтанатга асос солган Амир Темурдир. Лекин ҳеч қандай қудратли давлат, салтанатни нечоғли буюк ва улуғ бўлмасин, бир киши бунёд этолмайди. Амир Темур атрофида уни меҳр ва садоқат билан қуршаган, дунёнинг тўрт томонига, умрининг тўрт фаслига менгзаган Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух Мирзолар ва улар тимсолида тажассум толувчи кўплаб фидойи яқинлари, сафдошлари, амирзодалар, лашкарбошилар, дўстлар, пирлар бор эди, демокчи бўлади адиб.

“Улуғ салтанат” чоп этила бошлаганда атоқли мунаққид Матёқуб Қўшжонов унинг биринчи китоби “Жаҳонгир Мирзо”га сўнгсўз ёзиб, асарга юқори баҳо берган, “бу роман ўзбек адабиётида пайдо бўлган янги реалистик тарихий романдир”\* деган, иккинчи китоб қўлёмаси муҳокамасида ҳам фаол қатнашган эди. Афсуски, устозга эпопеянинг қолган қисмларини ўқиш насиб этмади. Дастлабки китобларда эришилган муваффақиятлар кейингиларида чуқурлашганини кўриб, янада қувониши, тўрт китобдан иборат роман-эпопеянинг яхлит ютуқлари ҳақида ўзининг салмоқли фикрларини айтиши мумкин эди. Бу юмушни адо этиш унинг шоғирдларига қолди.

Муҳаммад Алида насрнинг салобатли жанрларида ижод этишга рағбат уйғотган, айримлар бу хусусда дадил фикр айтишга бирмунча ҳадиксираб турган пайтда унинг “Сарбадорлар” ҳамда “Жаҳонгир Мирзо” романлари мисолидаги дебютларига катта ишонч билдирган киши академик Матёқуб

Кўшжонов эди. Адиб бу ишончни нечоғлик ёруғ юз билан оқлаганига “Улуғ салтанат” роман-эпопеяси далилдир.

Улкан ижодий ишни бошлаш ва тугатиш қийин кечади. Ёзувчи Муҳаммад Али, юқорида зикр этилганидек, Соҳибқирон Амир Темурга бағишлаб бундан йигирма йил аввал бошланган азамат меҳнатига яқун ясаб, сизга тортик этмоқда. Аксар роман-эпопея ниҳоясида, кўпинча бош қаҳрамон билан муаллифнинг етакчи ғоялари, қарашлари бир нуктада туташгандек бўлади. Ҳаётининг ажралмас бир қисми, эҳтимолки, умрининг энг баракали, нурли, сермашаққат, тотли, жонли ва ҳаётбахш бир бўлаги бўлиб қолган асарни ёзувчи ўзига мақбул ва матлуб бўлган: “Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишига мулк ато этади. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон Оллоҳнинг ана шундай “хоҳлаган киши”си эди!..” деган сўзлар билан тугатади.

“Улуғ салтанат”ни ўқиб, қониқиш ҳосил қилган ва назарида, инсон сифатида бир баҳя кўтарилган китобхон, шу жумладан, ушбу сатрлар эгаси ҳам, севимли адибга нисбатан: у ҳам шундайдир, дейиш ва келгусидаги ижодига янги-янги самаралар тилаб қолишга ҳақлидир.

---

\* М.Кўшжонов. Ёзувчи камолотидан далолат. Китобда: Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Биринчи китоб. Жаҳонгир Мирзо. – Т.: “Шарк” НМАК бош таҳририяти. 2003, 333-бет.



## Нуъмон РАҲИМЖОНОВ

(1945 йилда туғилган)



---

### ИСТИҚЛОЛ ВА ЁШЛАР ИЖОДИ

Олов билан олов кўшилса...

Халқимизда, бўладиган бола бошидан маълум, деган хикмат бор. Яна, қадимги туркийларда, фарзандларинг кимлигини айтсанг, ўзингнинг кимлигингни, келажагингни айтиб бераман, деган нақл бўлган экан. Ҳар кимсанинг кўнглини англаш, дарди-дунёсини тушуниш учун униб-ўсган ерини, камол топган тупроғини билиш керак, деган ровийларнинг ибратли гапи ҳам бор.

Дарҳақиқат, сув қаёққа окса, тош ҳам шу томонга юмалар экан. Куни кеча нашрдан чиққан “Ёшлар китоби 2008” (Тошкент: Шарқ НМАК, 2008. 456 бет) мажмуаси ўзининг камров кўлами, мазмун-мундарижаси, янги навқирон авлод ижодий изланишларининг, тафаккур тарзининг етакчи йўналишларини белгилашига кўра эмин-эркин мулоҳаза юритишга асос беради. Мухими, XX асрда шаклланган юксак бадий-эстетик тафаккур маданиятининг муносиб ворислари етишиб келаётганидан кўзинг ҳам, кўнглинг ҳам қувонади.

Мажмуанинг назм, наср, таржима ҳамда адабий тадқиқотлар деб номланган тўрт бўлимига 76 ёш истеъдоднинг изла-

нишларидан сара намуналар жамланган. Эътиборлиси шундаки, навқирон авлоднинг наср, назм, бадий таржима ҳамда адабий тадқиқотчиликдаги изланишларида инсон шахсига, жамиятга, ижтимоий воқеликка, маънавий-интеллектуал, ахлоқий кадриятларга нисбатан янгича нуқтаи назарларни кўрамыз. Олам ва одам сир-синоатларини янгича тушунишга, англантишга чоғланган майллардан, сафарбар этилган истаклардан баҳринг очилади. Ана шу янгича қарашлар дунёни янгича кўришга ҳамда тушунтиришга қаратилган моҳияти билан яхлитлик касб этаётир. Тўғри, мўъжаз мақола доирасида мажмуадаги барча ижод намуналарига бирма-бир тўхталиш, ҳар биридаги фазилатлару кемтиклар хусусида батафсил фикр юритиш кийин. Шу боис ҳар бир фаслдаги ижодий изланишлар табиатини умумлаштирган ҳолда асосий бадий йўналишларни белгилашга ҳаракат қиламыз.

Аввало, шеърят хусусида. Ушбу фаслда, асосан, модерн йўналишга мансуб изланишлар етакчи. Гўзал Бегим, Икром Искандар, Бектемир Пирнафас, Муҳаммад Сиддик, Мусалламбону, Салтанат Шодиева, Ҳасан ва Ҳусан Карвонли, Фароғат Худойкулова, Олима Набизода, Озода Тўракулова, Акмал Икром, Муҳиддин Абдусамад, Дилрабо Мингбоева, Бехзод Фазлиддин, Дилафрўз Чориева ва ҳ.к. Тахи бузилмаган, оҳорли образлар асосида фикрлашга интилиш ёш истеъдодларнинг ўз бадий тизимини яратиш борасида жиддий ва самарали изланаётганидан далолат беради. Фароғат Худойкулова таъкидлаганидек, ҳар бир дилда туганмас дард, ҳар заррада осмон яширин.

Дарҳақиқат, шоирни шоир қилган нарса, аввало, бетакрор поэтик образларидир, образли фикрлаш лаёқатидир. Бу нарса истеъдодларнинг даражасини белгиловчи бош омил сифатида бўй кўрсатган. Яна, ёш авлоднинг кизиқишлари ва интилишларини яхлит бир ўзанга солиб, бирлаштириб турган бош омил, бу – ҳар бир шоир ўз кўнглида кечаётган жараёнларнинг кечинмалар тариқасидаги рангларини, фикр-мушоҳадалар уйғотган тўлқинларини янги-янги образлар тилига кўчира

олганлиги билан белгиланади. Зеро, поэтик шакллар хилма-хиллиги ва ижодий индивидуалликлар ранг-баранглигида бадиятнинг бойлиги намоён бўлади. Бу поэтик идрок ва ифода маданиятида зохир бўлувчи ранглар билан бўёқларнинг маънодорлиги ва миллийлиги, бадий умулшмаларнинг фалсафий-эстетик, ижтимоий-ахлоқий мазмундорлиги демакдир. Бу борада Гўзал Бегим, Иқром Искандар, Бектемир Пирнафас, Ҳусан Карвонли шеърларини алоҳида таъкидлагим келади. Ҳусусан, Гўзал Бегим шеърлари ингичка дидли истеъдоднинг нафосатли шоира сифатида шаклланганидан далолат беради. Поэтик образлари тиниқ, қабарик, ёрқин. Улар, аввало, ҳиссий салоҳияти билан диққатингизни миҳлаб олади. Кейин, ўта самимий ва табиий. Субҳи сабо янглиғ жозибали, ёқимли, юракларга титроқ солади. Шоира поэтик образларининг оригинал, оҳорли бўлиши учун муттасил изланади. Айниқса, туйғулар рангини чизишга майли кучли. Табассум шивиридан унган сўзларни юрак қирраларини кўрсатишга сафарбар этади. Шу маънода шоира кечинмаларини ипакка айлантираётгандек, туйғулар манзарасидан палак тўқиётгандек бўлади. Ёруғликни алқаётган соғинчни эслатади.

*Гул баргини юрагимдан олиб ўтган  
Туйғуларимнинг биллур шаклини  
Овоз хиёбонида эркалагувчи  
Саксовул ифорида рақсга тушган*

*Сабо сандигидан озод бўлганча  
Қушлар қироатин кўкка йўллаган  
Нигоҳ кенглигига йўл олган эй сўз  
Тиз чўккан товушлар сенинг қаршингда.*

Бу сатрлар “Эй суйдургувчи” шеърининг ибтидоси. У ўн саккиз минг олам ижодкори Қодир Эгамга наът. Тирикликни туйишга, ҳаётни севишга, яшашдек оний нафасга илинган илинжнинг шукроналик таваллоси. Назаримда, у инсон деб аталган энг мубҳам хилқатнинг ботини ила зоҳирини англашга қаратилган билгичнинг ройиши. Поэтик образлари туй-

гулар маъносини ранглар воситасида ифодаларкан, ўйга толдиради. Теран ўйлар гирдобига тортиб кетади.

Навқирон авлод шеърлари мисолида айтадиган бўлсак, бадий шартлиликка, рамзларга асосланган поэтик идрок ва ифода майли тобора чуқурлашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Кўнгил кўзи орқали хаётни кўриш, кўрсатиш, руҳоний дунё иқлимларини тушуниш, кабарик образлар воситасида англантиш янгича бир тус олди. Бу нарса, шеърятимизнинг тимсолли идрокка таянган реалистик асослари кенгайиб бораётганидан далолат беради:

*Қари итлар ҳуради,  
Ўлар қари сукунат.  
Қари толлар тагида  
Миниб сойнинг ёлини  
Қиқирлайди оймомо.  
Атиргулни ҳидлайди  
Сув сепилган кўчалар.*

Ушбу сатрлар Бектемир Пирнафаснинг “Қишлоқ кечаси” шеъридан. Лирик қаҳрамоннинг маҳзун, дилгир кайфияти туйғуларга, кечинма эса ўз навбатида фикрга, ўйчан мушоҳадалар яна ҳолатга айланаётир. Қари ит, қари ўлик сукунат, кикирлаган ой, шамолнинг нафаси кўз ўнгимизда ҳис-туйғулар манзарасини ҳосил қилаётир. Ҳар бир образ зиммасига юкланган маънолари билан онг-шуурларда суратланади. Хаёлга толган, ҳиссиётга чўмган дилгир ҳолатлар ранги тиниқлиги билан ҳайратлантиради. Бу – тирикликнинг англанган ва кўрилган аснолари; тушунтирилаётган туйғуларнинг бўёқлари, фикрлаётган ҳолатларнинг маъноларидир (“Шамолнинг нафасини қитиқлайди майсалар; келиннинг шарпасидан тун унутар ўзини” ёки “кўзларимга олиб чиқаман ҳеч қачон ҳеч кимга айтмаган хаёлларимни” ёки “шамоллар алқайди хотираларимни, армонлар ҳилтирар авлиё отанинг қабри бошида” сингари суратлантирилган кечинмалар). Улар бус-бутун ҳолда кўнгилнинг туб-тубига чўккан,



хаёлга толган, фикрчан сукунатнинг ғалаёни сифатида англашилади. Шоир айтмоқчи, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, умрнинг ҳар дами ғанимат, дея сукунат ҳайқираётгандек бўлади. Тирикликни кадрлашга, ўзликни билиш баробарида эъзозлашга, ёруғликнинг ғаниматлигини унутмасликка ундаётгандек туюлади. Шу тарзда ҳиссиётга чўмган ҳолатлар фикрлаётгандек, рангли туйғулар маъносини уқишга қаратилгандек англашилади. Умр-тириклик оний, ҳусн-малоҳат киприк қок-гунчалик ўткинчи. Фақат уларнинг фикрга айланган маънолари гўзалликнинг боқий лаҳзалари бўлиб хотираларда яшаб қолади.

Кўринадики, Гўзал Бегим, Б.Пирнафас, И.Искандар, С.Шодиева, Ҳасан ва Ҳусан Карвонли, Мусалламбону, М.Сиддик ва ҳ.к. ёш шоирлар изланишларида кузатилганидек туйғуларнинг кенг тасвирини бериш, кечинмалар уйғотган фикр-ўйлар суратини чизиш ва ушбу жараёнда мушоҳада юритиш учун ўқувчига кенг имкониятлар бериш етакчи хусусиятлар сирасидандир. Бундай дилгир ҳолатлар лирик қаҳрамонларнинг ўйга толган ғамгин аснолари суратлантирилган кўнгил парчаларидир. Булар ёшлар шеърининг ботиний-ички табиати. Ана шу маҳзун кайфиятлар, ўйга чўмган туйғулар, суратланган фикрлар бетакрор образлар орқали ёритилгани боисидан таъсири ҳам кучли. Негаки, ана шу фикрчан туйғулар манзараси хотираларимизга кўчиб ўтади, узок яшаб қолади. Мазкур хусусиятлар навқирон авлод шеърятининг эстетик таъсир салоҳиятини, бадииятини ҳам белгилаб бераётир.

XX аср бадиий-эстетик тафаккур маданиятида Чўлпон, Ойбек, Миртемир, М.Шайхзода, А.Мухтор, Р.Парфи ижодий тажрибалари асосида алоҳида йўналиш сифатида шаклланган, юксак гўзаллик ҳодисасига айланган модерн шеърят ишончли ворислар қўлида эканлигидан кўнглинг тоғдек кўтарилади. Ва ҳар бир миллатнинг ўз модерн (янги) шеърят борлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Хусусан, эркин шеър, сочмалар модерн деб номланган алоҳида йўналиш Европа ёки Лотин Америкаси шеърятидан ўрганилган,

ўзлаштирилган эмас; аксинча, унинг илдизлари қадимги туркий шеъриятнинг илк мумтоз намуналари бўлмиш тош битикларга бориб боғланади. Тош битикларнинг ритм тузилиши, қофияга, маълум ўлчовларга бўйсунмагандек кўринган шаклий-зоҳирий белгилари, туйғу-кечинмаларни, ҳаётни объектив воқелик билан омухталикда акс эттиришдек мазмуни, адолатни ёқлашга, эзгуликни алқашга, зулмни қоралашга қаратилган моҳияти бугунги эркин шеърдаги изланишларга далда-қувват бераётганлигидан мамнуният туямиз. Дарҳақиқат, бу очунда ҳеч бир нарса осмондан оёғини узатиб тушмас, томдан тараша тушгандек қўққисдан пайдо бўлмас экан. Ҳар бир нарса (моддион)нинг интиҳоси бўлганидек ибтидоси ҳам бор. Аслида, Осмон ҳам Ердан бошланади. Осмонни шунчалар боши узра юксакларга кўтариб турган, етти қават кўк токида улуғлаган ҳам Ер бўлади. Шу маънода, XX аср ўзбек модерн шеъриятини янги босқичга кўтарган, умумбашарий мазмун билан тўйинтирган соҳир сўз санъаткори Рауф Парфи поэтик тажрибаларидан аёнлашадик, шеърий санъатнинг, поэтик маданиятнинг бош вазифаси ҳам аслида ана шу. Сатрлардаги мусиқийликдан туғилган оҳанг туйғуларимизни тарбиялайди, бадий умумлашмалардаги фикрлар ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий маънолари билан тафаккуримизга қувват бағишлайди. Ана шу эстетик таъсир, юксак бадиият – гўзаллик туйғулари инсон деб аталган бебаҳо мубҳам хилқатни ҳимоя қилишга, умр – тириклик деб номланган беназир қадриятни, ҳаётни эъзозлашга ундайди. Бу – гўзалликнинг ҳаёт ҳақиқатларига, адолатга, эзгуликка йўғрилган умумбашарий мазмун касб этганлиги далолатидир; поэтик сўз маданиятининг умуминсоний қадриятлар мақомига кўтарилган мазмун-миқёслари намунасидир.

Ўзлигини таниш, билиш соғинчи ва ўзлигини англашиш, танитиш иштиёқи, умиди лирик қаҳрамонлар маънавиятини белгиловчи етакчи омиллардан бири сифатида бўй кўрсатади. Ва улар яхлит мужассамлашган ҳолда навқирон авлод изланишларининг яна бир муҳим хусусиятини намоён этади.

Зеро, бадий ижодда муваффақият қозониш учун ёлғиз истеъдоднинг ўзи қифоя қилмас экан. Ижодкор биргина тотли хаёллар, эзгин ҳою-ҳаваслар оламида яшаб қолиши мумкин эмас. У ўз даврининг дилбанди, миллатнинг фарзанди, ижтимоий-сиёсий воқеликнинг қатнашчисидир. Объектив воқеа-ҳодисаларнинг фикрлар, туйғулар тарикасида уйғотган бўҳронлари, тўфон-қасирғалари кўнглида яшаб қолади. Шу маънода ҳар бир жамият ўз ижодкорларидан кўнгишларга юпанч бағишлайдиган овунчоқ ҳодисалар ҳикоясини эмас, аксинча, ана шу воқеликнинг дардли саволларига мутафаккирона жавоб изловчи, авлоди идеалини образлар қатимига сингдириб юборган сўз заргарларини кўришга орзуманд.

Навқирон авлоднинг поэтик образлар зиммасига юклаган бадий умумлашмалари янги, оригинал ва мазмундор (“Туннинг кипригида ўлтирибман жим”, “Бошда рўмолимга жо бўлди дунё”, “Юлдузлардан сизга тўн тикиб кўйдим”, “Анов ойни белингизга боғлаб кўяй” – Дилафрўз Чориева, “Туллаганда жийда боғлари жаннат гули бошин эгади” – Гўзалой Солиҳ қизи, “Хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайди осмон”, “Меҳримни кўзимга очиб турсам-ей” – Барно Усмон қизи, “Юрагимни бешикка бир белашни иштайман”, “Мен райҳонлар баргида шабнам бўлиб қолганман. Онам айтар мен сени, Гулдан сўраб олганман”, “Мен булбулни севман. Унга текким келади” – Гулчехра Умарова, “Ой, юлдуз гўёки кўзингга экилган” – Ойдиннисо, “Оппок ҳовур пуркаб келди бир тулпор, келди-ю, депсиниб ерни уйғотди”, “Менга дардингни ёр титраган майса, Қайси бир мазорга борган кўп бўлди”, “Ишдан кеч ва ҳориб қайтаётган шарпа”, “Минг йилдирки, ҳаёт кетмас бузилиб, Дуч келган бурчакка чўзилар шарпа, Парда – деразага осар ўзини” – Носиржон Жўраев, “Туткун киш сингари бандиликда дил”, “Сочимда оқариб кетар соғинчлар”, “Ҳаволарда йилларим ёнди, мен ўзимни топибман энди”, “Юлдузларим олов отмасмиш”, “Яшамадим озод кушлардек”, “Ичимдаги отилган овоз. Чиқар қачон бағримдан унинг?”, “Ўйнамагин бу ҳаёт – морбоз, илонлари

кўксимда менинг” – Адиба Умарова, “Аё, тупрок изим охлар этдим”, “Узайинми оёғимни заминдан ва ё, изсиз кўзим билан юрайми”, “Осилиб қоламан туйғуларимга, Нафас олаётган ёнимда тунми”, “Япроқлари хайдалаётган Дарахтга Осиб кўйилгандек бу дунё”, “Кўзларимга йўллар тўшалди. Кетиб бораяпти бир сўз ана орқалаб мени” – Дилрабо Мингбоева, “Дарахтлар эришиб бош тебратганча Шамолнинг сўзини маъкуллайдилар”, “Мен йўлдаман, табиат сен ҳақингда сўзлайди. Ишонувчан соғинчим Сусанбилни кўзлайди” – Гулбахор Ортиқхўжаева, “Сени юкоридан бир бор кўргали Бўй чўзиб қарайди тераклар”, “Шунда шодлигидан шаънингга Қарсақлар чалади дарахтлар”, “Сафаримнинг соқоли чикди” – Муҳиддин Абдусамад, “Онамнинг кафтига ин қурган қушлар”, “Ёмғир савалаган, ер бўккан кеча” – Шерали Нишоннов, “Тангрим бахтга ғарқ бўлган тонглар юбор. Шомлар бор соғинчимнинг ортида” – Озода Бекмуродова, “Тун. Кеча, уй худди кафасга ўхшар. Эркинлик соғинар юрагим – бир қуш”, “Қордаги из ҳеч ишлатилмайдиган қолип”, “Кўз кирғоғида чўмилаётган киприқлар”, “Оппоқ қоғозга бош кўйиб ухлади қалам. Тушида менинг юрагимга сиғмаган оқ шеърни кўрганмиш... Оқ шеър... Чопонини судраб ўтар вақт” – Акмал Икром, “Момагулдуракдан овоз яасанг. Бир тоза ёмғирдай ёғиб яшасанг” – Насиба Юсупова, “Кўзларим тубида бир боғ гуллади”, “Совуқ урган қокбош райҳонлар сассикўтларга салом беришар”, “Ҳомиладор эди булут”, “Қон қусиғи сачраган ерга”, “Юзи чўтир юзсиз бир қас қалтақесак тилида сўзламасайди. Кошки” – Олима Набизода, “Чироқлар – зулматга санчилган қамон”, “Чинор япроғида куз титрар ҳамон” – Воҳид Луқмон, “Дарахтзордан чиқиб келди ой”, “Дил титроқларим Сув юзида қалқиган япроқ”, “Ой нурида туман яширин”, “Тупроқсан деб қамситма мени, Ҳар заррамда осмон яширин” – Фароғат Худойкулова, “Мана, яна гуллади осмон”, “Гулдан кафан бич, гулим”, “Дунё киччирайди, юрак қаттарди”, “Соат санайверар соғинчларимни” – Ҳасан Карвонли) ва ҳ.к.

Назарий адабиётлардан маълумки, сўз санъатининг эстетик таъсир кучи қатарсис – покланиш, деб изоҳланади. Бу нарса

фақат фожиа жанрига мансуб асарлар учунгина хос эмас. Поэтик образлар замиридан сизиб чиққан туйғулар ҳақиқатида, фикр-тафаккур гўзаллигида ҳам ана шундай сеҳрли салоҳият мужассамлашган. Умидларда улғайиш, ишончларда алданиш, ёлғонларда булғаниш ва ҳ.к.лар туйғу-кечинмалар камалагини ташкил этади. Улар кўнгил ҳақиқатларини акс эттиришига, маънавий-ахлоқий ҳаётнинг кечинмалар шаклига кирган гўзаллигини ёритишига кўра қалбларни поклайди. Зеро, улар маънавий ҳаёт ҳақиқатларининг нечоғлик гўзаллигини кашф этишга сафарбардир. Гўзаллик эса ҳамиша ҳақиқатнинг ҳимоясига камарбаста.

Мазкур туйғу-кечинмалар эврилиши ўзлигимизни билишга, танишга ҳамда танитишга йўналтирилган моҳияти билан нажиб. Ушбу жараёнда шеърхонни ҳам фикрлашга жалб қилиши, муайян хулосалар чиқариш учун кенг имконият яратилиши покланишнинг – қалбларни гўзаллик туйғулари билан йўғиришнинг янги ҳолатларидан биридир. Бу нарса, навқирон авлод поэтик тафаккур тарзининг янги ҳаётларини излаётганлиги, оригинал, оҳорли бадиий образлар яратиш борасида муттасил изланаётганлиги далолатидир. Бу нарса адабий жараёнда мустақил нуқтаи назари билан ўз ўрнини топиб бораётган авлод ижодига катта ишонч уйғотади. Бу борада фақат кечинмалар ҳаётини, ҳис-туйғулар камалагини, кўнгил замзамаларини суратлантириш билан кифояланмасдан ижтимоий воқелик муаммоларига жавоб излашга интилиш, маънавий-ахлоқий ҳаёт мураккабликларини акс эттириш майли навқирон авлоднинг давр, ижтимоий ҳаёт замирида улғайиб келаётганлиги нишонасидир.

Ёш авлод бадииятида кўпроқ ёруғлик белгиларини кўрганлигим мутлақо камчиликдан холи экан-да, деган фикрни уйғотмаслиги лозим. Кемтик шарпалардан кўра ибратли шуълалар нуфузли, албатта. Бугунги навқирон авлод Чўлпондан Рауф Парфи ва Улуғбек Ҳамдамгача, Абдулла Қодирийдан Хуршид Дўстмуҳаммадгача, Фитратдан Шароф Бошбековгача бир неча авлод ижодкорларининг бешигини тебратган, пе-

шонасидан ўпиб ардоклаган, вояга етказган бош омил, бу – Ўзбекистоннинг тупроғи, суви, олови ва ҳавосидир. Шу заминнинг дарди-дунёси, шу юрт одамларининг севинчларию ғамлари уларнинг буткул борлигини ташкил этади. Асарлари мағзини ташкил этган кўнғил асморлари навқирон авлоднинг нуктаи назарларини, ҳаёт-жамият-одамни қанчалик тушунишини, ижтимоий-ахлоқий қарашларини, ижодининг бадиий-эстетик аҳамиятини намоён этади.

Адабиётдаги авлодлар силсиласи ҳақида гап кетганда М.Алининг “Тенгдошларимга мактуб” шеърини эслагим келади. Лирик қаҳрамон тенгдошларига қарата шундай мурожаат қилади:

*...Ҳолбуки, фазонинг тинглаб дардини,  
Кўкка бош урмоқда авлодлар бу пайт.  
Нечун биз билмаймиз ҳаёт шартини,  
Нечун биз тошдайин бепарво, лоқайд?  
Нечун биз замона фаросатидан  
Ўзимизга мослаб ололмаймиз ранг?*

Шеър ўтган асрнинг 60-йил бошларида яратилган. Лирик қаҳрамон ўз тенгдошларини беҳуда хомхаёлларга берилмасликка, “тошни ёргудек аклини” майда сафсаталарга сарфламасликка, миллат ва Ватан ташвишлари билан яшашга, юмушларига ярашга даъват этади. Ўша, 60-йиллар тонгида кириб келган Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, У.Назаров, Ф.Мусаёнов сингари носирлар, А.Орипов, О.Магжон, М. Али, Р.Парфи каби шоирлар бугунги кунда бетакрор бадиият намуналари соҳиби – адабиётимиз оқсоқоллари бўлиб қолишди. Илло, ҳар бир авлод ҳаёт ва воқеликка ёндашишдаги, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалаларни бадиий тадқиқ этишдаги ғоявий-эстетик принциплари билан ажралиб тураркан.

Хусусан, XX аср охири – XXI аср бошларида илк китоби (Хосият Рустамова), илк қиссаси (Ғафур Шермуҳаммад), илк хикоялари билан (Жаҳонгир Холмирзаев, Даврон Ражаб, Баҳодир Қобул, Нодира Иброҳим, Дилмурод Содик, Ином-



жон Абдиев, Фахриддин Содик, Тохир Тўлкин ва ҳ.к.) адабий жамоатчилик диққат-эътиборини жалб қилган ёш адиблар бир қатор фазилатлари билан ажралиб туради. Хусусан, аввало, ўз авлодининг маънавий-ахлоқий дунёсини, тафаккур маданиятини, психологиясини акс эттиришга интилаётганлиги кўзга ташланади. Кенжа авлод прозасида мушоҳадакор, атроф-теварагида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга сезгирлик билан жавоб қидирувчи, эзгу кадриятлар нуқтаи назаридан баҳолашга интилувчи, ўйчан-изланувчан қаҳрамонлар характерини яратиш етакчилик қилаётир. Ёш адибларимиз адабий қаҳрамонлари орқали ўз қалбларини, ҳаётга, жамиятга, ижтимоий воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатларини ифодалашга интиломқдалар. Шу боисдан аксар ҳикояларда (*“Нафақа”, “Кунга маҳтал кампирлар”, “Болақай”, “Гўзал аёл сурати”, “Ғумбаклар”, “Йўл”, “Тенгсизлик”, “Оққуш”, “Тақдири азал”, “Таскин”, “Изтироб” ва ҳ.к.*), қисса (*“Саман той”*) ва бадиаларда (*“Йигирма йилдан кейин”, “Сўнги романтик”*) автобиографиклик, субъектив-эмоционал бўёқдорлик билан омухталашган мушоҳадакорлик кучайди. Ўтган асрнинг 60-йиллари ёшлар насрида (*Ў.Ҳошимов, У.Назаров, Ш.Холмирзаев ва ҳ.к.*) дунё шевалари ва воқеликка муносабатда, эстетик баҳолашда кўпроқ эмоционал ибтидо устуворлик қилган, ушбу йўналиш ёшлар насрида лиризмнинг кучайишига, пешволигига олиб келган эди.

Айтиш мумкинки, бугунги навқирон авлод насри интеллектуал, мушоҳадакор қаҳрамонларнинг тўқислиги билан ажралиб туради. Шахснинг маънавий-ахлоқий ҳаётини ижтимоий воқелик психологияси билан вобаста ўрганиш, замондошларимиз феъл-атворидаги, табиатидаги одамийлик хислатлари билан баробар ғайриинсонийлик қусурларини ҳам кашф этиш, кўрсатиш тамойили етакчи йўналишлардан биридир. Ана шу жиҳатларига кўра ёшлар насрида маънавий-ахлоқий масалалар тадқиқи етакчилик қилаётир. Фикрчан мушоҳадакорлик асосида ўзини таниган ва билган, ўзлигини кадрлаган, ҳаётда ўз ўрнини белгилашга интилган курашчан,

фаол қахрамонларнинг маънавий дунёсини, ахлокий маданиятини таҳлил қилиш, уларнинг қувончлари, изтироблари, изланишларини ёритиш характерлидир. Ф.Содикнинг “Йўл”, “Тонг”, “Яшил одам”, Н.Азимнинг “Тенгсизлик”, Т.Тўлқиннинг “Гўзал аёл сурати”, Н.Иброҳимнинг “Ғумбақлар”, Д.Ражабнинг “Уйқудаги туш”, Б.Қобулнинг “Нафақа”, И.Абдиевнинг “Оққуш”, “Тақдири азал” ва ҳ.к. асарларини таъкидлагим келади. Кўнгил деб аталган бепоён олам кўчаларини, турфа характерлару турли тақдирларни, одамнинг буюклигию тубанлиги орасидаги фарқ бир қарич эканлигини бадийий кашф этишга, тасдиқлашга сафарбар қутлуғ изланишлар.

Хосият Рустамованинг “Сурат”, “Қарз”, “Ёзасан, деб айт”, “Бу менинг ҳаётим”, “Мен қаерга жойлашганман” номли миниатюралари, кундалик қайдлари ҳаётий кузатишлар, турмуш реалликлари асосига қурилган. Одамнинг маънавий-ахлокий тўқислиги, интеллектуал комиллик хусусиятлари тирикликни гулга ўрайди, ҳаётни янада гўзаллаштиради, деган покдомон идеали билан кўнгилларга сингишади, хурматимизни қозонади. Умуман, ёш адиблар асарларида ёзувчилик иқтидорлари шахсий ҳаётий кузатишлари, тажрибалари билан тасдиқланади. Н.Азимнинг “Тенгсизлик” ҳикояси қахрамонлари ёшлар. Улар ўз бахти, севгиси, тақдири учун курашади. Ва ушбу жараёнда ўз келажаги, ҳаёти олдида чуқур масъулият сезади. Муҳими, ёш носирлар изланишлари ҳаёт материаллигига ёндашиш ва бадийий тадқиқ этишдаги оригиналлиги, ҳаётийлиги билан эътиборга сазовор.

Айтиш мумкинки, навқирон авлод асарларининг қахрамонлари ҳаёт, тириклик деб аталган беназир ёруғлик қошида ўзларининг масъулиятини чуқур ҳис этадилар; инсон шаъни ва қадрини, одамийлик маснадини юксак тутиб яшаш учун курашадилар. Ва ўз маънавий-ахлокий маданиятларини ошқор қилишларига кўра жамиятнинг соғлом ақл-идрокини кўз-кўз этаётгандек бўладилар. Мазкур қахрамонларнинг кийиниши, сўзлашиши, қулгисию хатти-ҳаракатлари вақт ўтиши





билан ўзгариши мумкин; бахт, севги, яхшилик ва ёмонлик, хиёнат ва вафо, гўзаллик ва хунуклик, тақдири азал ва пешонадаги ёзуқлар ҳақидаги тушунчалари, қарашлари, фикрлаши янада жиддийлик, теранлик касб этиши муқаррар. Муҳими, ёш адибларимиз қаҳрамонлари психологиясида, тафаккурида шахсият эгалари бўлиш учун етакчи белгилар қуртак очиб турибди. Бу нарсаларни бадиий асарларга, адабиётга олиб кириш учун уларнинг иқтидорларига ишонган ҳолда машаққатли изланишларида собит тоқат ва катта иштиёқ тилагим келади.

Яқин-яқингача жаҳон адабиётининг бадиий баркамол мумтоз намуналари фақат рус тили орқалигина ўзбек тилига ўгириб келинар эди. Қисман араб, хинд, урду тилларидан қилинган бадиий таржималар орқали дунё бадииятини ўқиш, ўрганиш, тушунишга бўлган ташналикни қондиришга ҳаракат қилинарди. Европа ва Лотин Америкаси адабиётларини бевосита ўз тилларидан таржима қилишдек мулоқот маданияти оқсаб келаётган эди. Япон, инглиз, турк, француз тилларидан қилинган ўғирмалар ўзбек таржимонлари зумрасининг янги авлоди етишиб чиққанлигини кўрсатади. Абдувоҳид Умироёвнинг Ясунари Кавабата қаламига мансуб “Анор”, “Бахт” ҳикояларини япон тилидан, Бегойим Холбекованинг Роберт Бёрнс шеърлари ва балладаларини инглиз тилидан, Алишер Отабоевнинг Сомерсет Моэмнинг “Тиланчи”, “Хонадон” ҳикояларини инглиз тилидан, Индира Сайфиевнинг Жорж Сименон “Мегра ва кекса хоним” детектив асарини француз тилидан, Зуҳра Асқарованинг Ассам шеърятдан намуналарни инглиз тилидан, Шермурод Субҳоннинг Ўрхун Памукнинг “Менинг исмим Қирмизи” романидан парчани турк тилидан, Абдулатиф Абдуллаевнинг Сезан Каракаоч асарларини турк тилидан ўғирмалари ўзбек таржимачилик мактаби янги босқичга кўтарилгани шаходатидир.

“Адабий тадқиқотлар” фаслидаги Ф.Ҳамроевнинг “Ҳаёт фалсафаси ва шоир муҳаббати” мақоласи Абдулла Орипов билан Николай Рубцов ижодининг муштарак ва ўзига хос хусуси-

ятларига бағишланган. Турли миллий адабиётлар ва адабий мактабларга мансуб икки машҳур сиймо – ўзбек шоири А.Орипов ва рус шоири Н.Рубцов шахсияти ва ижоди, шубҳасиз, “миллий ранг-баранглик уйғунлашуви”нинг ноёб намунаси. Ушбу гўзаллик ҳодисасининг типологик таҳлили қиёсий адабиётшунослигимиз истиқболидан дарак беради. Истеъдодли адабиётшунос Умида Тўлаганова “Тоғай Мурод насрида ритм” мавзуидаги мукамал тадқиқоти билан илмий-адабий жамоатчилик назарига тушган, оригинал мустақил таҳлил объекти ва ўз йўналишига эга бўлган олима сифатида ҳурмат-эътибор топган эди. Маълумки, ритм бадий асарнинг барча ички компонентлари билан уйғунликда зоҳир бўлади; ушбу жараёнда адибнинг бадий тафаккур тарзини, фикрлаш маданиятини, ижодий индивидуаллигини ҳам намоён этади. Хусусан, Тоғай Мурод асарларидаги миллийлик, бадий яхлитлик, мусикийлик, тасвирийлик каби жиҳатларга асосий диққат-эътиборини қаратади. “Насрий шеър” тадқиқотида “Адиб услубида дostonнавислик ёхуд насрий шеър табиати кўзга ташланади”, деб ёзаркан, шеърини санъатлар асосида ёзувчининг қахрамонлари психологик портретини яратишдаги тасвир тиниқлиги, ифода аниқлиги ва лўндалиги, фикрлар теранлиги масаласи диққат марказида бўлади. Сўз ва оҳанг уйғунлигини, оҳангдорликни юзага келтириш ҳолатлари билан бирликда кузатилади. Шу тариқа бутунги ўзбек насри поэтикасини бойитишда Тоғай Мурод насрининг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритишга эришган.

Муҳайё Исмоилова ҳам адабиётшунослик илмида ўз тадқиқот йўналишига эга истеъдодли олима. Унинг “Замонавий ўзбек шеърлятида миллий руҳни ифодалаш йўллари” мавзуидаги магистрлик, “Ҳозирги ўзбек модерн шеърлятининг асосий хусусиятлари” номли номзодлик ишлари Муҳайё Исмоилованинг хассос, нозиктаъб салоҳиятини тасдиқлаган эди. “Кўзларимга тошиб келди хайқирик” мақоласида адабиёт мухлисларига яхши таниш ижодкор Турсун Али шеърлятининг самимиятини, дил изҳорига ишонтириш лаёқатини акс эттиришга қаратилган.

Иқбол Кўшшаеванинг “Заковат шуъласи”, Масрур Раҳимжоновнинг “Ғазал-марсия”, “Алишер Навоийнинг таркиб-банд марсиялари”, “Тошбитикларнинг жанрий хусусияти ва йиғи-йўқловларга алоқадорлиги масаласи”, Ф.Олимнинг “Навоий ва Ҳасан Ардашер”, Н.Сидикбоевнинг “Тарихий хотира карвонлари”, У. Ёқубовнинг “Матрица излаётган рух”, И.Жўра Азиз ўғлининг “Луи Арагон ва Сеитнинг севгиси” номли тадқиқотлари кўнгил кўри, фикр нури ила йўғрилган. Улар ёш олимларимизнинг юрагидаги чўғ яқин келгусида ловуллаган алангаларга айланишига ишонч, умид уйғотади.

Бир сўз билан айтганда, “Ёшлар китоби – 2008” мажмуаси қиёфасини белгилаган навқирон авлод ижоди устозларига муносиб ворислар оёққа қалққанлиги шаҳодатидир. XX аср классикаси елкаси оша узоқ-узоқларга тикилган тийран нигоҳлар шуъласидан огоҳ этади. Уларда миллат ва Ватан тақдирига, истиқлолнинг истиқболига масъуллик хисси, шахс эрки ва кўнгил хурриятини қадрлаш туйғуси кучли.

Мажмуага жамланган асарлар навқирон авлоднинг ижодий салоҳиятини, маънавий-интеллектуал ҳамда ахлоқий маданиятини кўрсатувчи мўъжаз кўзгучалар эканлиги билан ҳам эътиборлидир. Шу маънода, адабий-маданий ҳаётимизда ўз юзи ва сўзига эга ижодкорлар зумраси майдонга келганлиги билан ҳам қадрлидир.

## Тугёнли қалб тўлқинлари

Ҳозирги замонга келиб инсон кўксидagi муштдек юрак нафақат ижод аҳлининг, балки башариятнинг ҳам меҳварига айланди. Шеърятнинг асосий таҳлил объекти, ўрганадигани инсон, деймиз. Бу эса ҳар қандай эътироздан холи соҳир ҳақиқат.

Бугунги шеърятнинг инсонга диққат-эътибори янада те-ранлашди. Эндиликда юракларда кечаётган ҳис-туйғуларнинг ранглари, қувонч-сафоларнинг оҳанглари, нимтатир табассум тўлқинлари, ғам-аламу ўй-хаёллар шеваси, бир сўз билан айт-

ганда, кўнгил мамлакати шеърятимизнинг қон томири бўлиб қолди.

Энг қувонарли ҳодиса – ёшлар шеъряти ҳам ана шу катта тўлқинга эш, бақамти одимламоқда. Онг ва туйғу омухталигидан туғилган тафаккур манзараларини тадқиқ этиш, кечинмаларнинг фикрчан суратларини чизиш етакчи тамойиллардан бирига айланди. Маънавий-интеллектуал, ижтимоий-ахлоқий кадриятлар бадииятнинг етакчи мезонлари сифатида бўй кўрсатмоқда.

Ёшлар шеъряти кенг тушунча. Бу – илк китоби биланоқ ўз сўзига, кўнгил кўзига, ўзлигига эга бўлган янги номлар, ёрқин истеъдодлар, туғма шоирлар ўзини танигани, намоён этгани демакдир. Зеро, ёшлар дегани, бу ҳамшиша янги номлар, янги истеъдодлар дегани. Ўндан ортик китоби чиқиб, соч-соқолига оқ тушса ҳам, ёшлар қаторидан ажралиб чиқа олмаётган қаламкашлар бор. Уларнинг изланишлари эса алоҳида суҳбат мавзуи. Бугунги суҳбатимиз шеърни, бадиий сўзни қисмат деб билган, тақдирини шеърнинг азалий ва абадий қон томирига боғлаган, туташтирган истеъдодлар ҳақида, изланишларининг табиати хусусида. Зеро, ёшлик – бу янгича нигоҳ, янги нуқтаи назар, дунёни, олам ва одам шеваларини янгича кўра олиш малакаси, кўрсата билиш маданияти, демакдир. Бу эса, шубҳасиз, бадиий-эстетик тафаккурдаги янги тамойилларга камарбасталик, ўз ҳиссасини қўшиш салоҳияти ҳамдир.

“Ёшлик китоби – 2008”да қирк уч нафар ёш шоир изланишларидан намуналар берилган эди. Яна шеърлари ушбу китобга кирмаган, биринчи китоби чиққан Саид Мурод, Улуғбек Асрор, Жалолиддин Хумий, Баҳодир Ёқуб, Неъматулло, Расул Суруш, Шухрат Неъмат, Бобур Муҳаммад Мўмин сингари ёруғ истеъдодларнинг гўзал шеърлари ҳам борки, улар истиқлол даври шеърятининг мағзи тўлиқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати. Саид Муроднинг “Қирмизи гуллар”, Улуғбек Асрорнинг “Қадам товушлари”, Гулбахор Саид Ғанининг “Барибир бахтлиман”, Шодмон Сулаймоннинг “Хосиятли кун”, Марҳабонинг “Настарин чечаги” мажмуа-



ларини, Гўзал Бегим, Бектемир Пирнафас, Икром Искандар, Гулом Мирзо, Ҳасан ва Ҳусан Карвонли, Воҳид Луқмон сингари истеъдод эгаларининг шеърларини алоҳида таъкидлагим келади.

“Биз ҳамиша ижодкорлардан янгиликни талаб қиламиз, – деб ёзади мутафаккир Гелвеций “Инсон ҳақида” номли асарида. – Зеро, янгилик ҳайрат туйғуларини жўштириб юборади; кучли, эҳтиросли кечинмаларни, туйғуларни тўлқинлантиради”. Бу – ижодкорнинг мустақил фикрлай олишининг бош белгисидир. Воқеликни, жамият ходисаларини, инсоннинг феъл-атворию фаолиятини янгича нуқтаи назардан кўра олиши, идрок эта билиши ва эстетик баҳолаши самарасидир. Ана шундай фазилатлари учун ҳам биз навқирон авлод шеърятини севамиз, кўнглимиз ардоғида тутамиз. Шу боисдан ўқувчи шеър ўқиркан, “Гўзал, росаям топиб айтибди-да”, “Янги фикр”, “Қойил”, дея эътирофли фикр-мулоҳазаларини баралла айтади; ёхуд “Бор гапни қайтарибди”, “Шўрвасининг шўрваси-ку”, “Чала-думбул шеър”, дея эътироз билдиради. Бу жихатдан у, албатта, ҳақ. Зеро, “яхши” ёки “ёмон” дейиш шеърнинг ёққанлиги ёки ёқмаганлигини англатади. Қолаверса, зукко шеърхоннинг муносабати шеърнинг тарбиявий аҳамиятидан, бадий-эстетик савиясидан далолатдир. Негаки, яхши шеър, аввало, ўқувчида хиссиёт, таассурот, фикр уйғотади. Шеърда кечинмалар, мушоҳадалар қанчалик ёркин ва таъсирчан ифодасини топган бўлса, унинг ижтимоий-эстетик аҳамияти ҳам шунчалик нуфузlidir. Ёшлар шеърятини ана шундай мазмун касб этиб бораётган бадий салоҳияти билан эътиборли.

“Қирмизи гуллар” мажмуаси Саид Муроднинг иқтидор эгаси эканлигини намоиш этган. Тўпламдаги “Қирмизи гуллар”, “Баҳор”, “Ғалаба”, “Қор ёғмоқда”, “Кўксингиздаги баҳор”, “Ҳақиқат” сингари шеърлар ватанпарварлик туйғуларини талқин этишдаги янги ифода усуллари, маъно талқинлари, бадий-фалсафий умумлашма-хулосалари билан эътиборни тортади.

Кўнгил эрки башарий кадриятдир; Ватан – кўнгиллардан бошланиб кўнгилларга уланиб кетгувчи ёруғлик маснади, олий маъводир, деган бадий-фалсафий концепция ёшлар шеъриятининг ўзига хос қиёфасини белгилаётган, истиклол маънавиятининг янги саҳифаларига бетакрор мазмун олиб кираётган етакчи тамойилдир.

*Самовий рангларда сархуш чўмилдим,  
Юлдузлар мадҳидан нурга кўмилдим,  
Муаттар кечаси ўйсиз чўзилдим,  
Майсалар бағрига нурдай тўкилдим,  
Юрагим жимирлаб, шивирлаб турди.  
Рухимда ойдинлик бир кун уйғонди,  
Ойдинда сайраган булбуллар тонди,  
Вужуду борлигим куйлаган онда  
Ёнган-да, ёнмаган, ёндирган – ёнди,  
Юрагим ҳақ томон юзини бурди –*

дейди шоирнинг лирик қаҳрамони “Ҳақиқат” шеърида.

Умуман, ёшлар шеъриятига хос етакчи хусусиятлар бу – ёнган юрак ёлқинлари, туғёнли қалб тўлқинлари, ўйга чўмган кўнгил ҳолатларининг поэтик тасдиғи. Ушбу хусусиятлар бир ўринда фикрга чўмган, тўлғонаётган кечинмаларга айланади, бошқа жойда эса, Ватан мустақиллиги учун курашган аждодлар хотиралари шаклини олади; яна бир ўринда она-юрт манзараларига уйғун кечинмалар, ўй-мушоҳадалар талқинига айланади; энтикаётган, бўғриқаётган далалар, кир-адирлар, вазмин тортган тоғларнинг ҳис-туйғулари тусини олади.

“Шоирлар кўнгил ҳақиқатининг битикчилари, – деб ёзади Саид Мурод “Қарздорлик” дил изхорида, – қалб олами зиддиятларининг файласуфларидир”. Дарҳақиқат, навқирон авлод шеъриятида “йўл”, “нур”, “кўнгил”, “дарахт” сингари поэтик образлар истиклол, Ватан озодлиги билан боғлиқ серқатлам маъноларни ифодалашига кўра тимсолли моҳият касб этаёттир. Тўғри, бадий умумлашмаларда фалсафий теранликка, халқона ҳикматларга мойиллик азал-азалдан шеъриятимиз-



нинг устувор хусусияти бўлиб келган. Тимсолли образлилик бадий-эстетик тафаккурнинг ўзига хос мустақил кўриниши. У кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Тимсолларга, рамзларга асосланган бадий идрок ва ифода маданиятидаги фалсафий умумлашмалар теран маънодорлигига кўра шеърятимиз тарихини безаб келади. Ушбу фазилат Чўлпон, Фитрат, Ойбек, М.Шайхзода, Миртемир, Зулфия, А.Мухтор, Шукрулло, Шухрат, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матжон, М.Али, А.Шер сингари шоирларимиз шеърятининг мағзини ташкил этади.

Ёшлар шеърятининг ўзининг фалсафий тимсолли образлиги билан устозлар анъанасига камарбаста. Ватанпарварлик ғояларининг бадий талқинидаги мазмун-моҳият ижтимоий аҳамиятига кўра истиклол мафкурасининг маънавий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

*Ҳали кўрилмаган,  
Равону баланд-наст,  
Ўтмаган йўллардан  
Ўтабераман –*

дейди “Қирмизи гуллар” шеърининг лирик қаҳрамони. Кўнгил эрки, маънавий хуррият Ватан иқболи ва саодатига элтувчи йўлдир, деган бадий ғоя Саид Мурад шеърлари салафларидан ажратиб, ўзига хослигини белгилаб беради. (“*Рух эркинлик истайди вужуднинг қийноғида... Обод ўлмас рух, вужудда шодумон. Йўл йироқ, умр ўтар вақтнинг тўлғоғида*” – “*Ой балқиган кеча*” шеъри).

Инсон туғилиб-ўсган, вояга етган муҳитининг фарзанди. Шу боис, у ўзини бахтли қиладиган, жамиятни эса гулга буркайдиган тириклик имконларини излайди. Инсоннинг кўнглию фикрлари ўзи камол топган жамиятнинг инъикоси. Шу нуқтаи назардан, одамларни бахтли, жамиятни фаровон қилиш ғоялари ёшлар шеърятининг ҳам фалсафий мундарижасини белгиламоқда. Рухоний ва ижтимоий мутеликка қарши кураш Одамнинг маънавий эркинлигини таъминлайди. Шахс ва жамиятни бахтли қилиш ғоялари ёшлар шеърятининг ҳам фал-

сафий мундарижасини белгиламоқда. Хусусан, ҳар қандай мутелик кўринишларига қарши курашувчи инсонни вояга етказиш, улуғлаш ғоялари ёшлар изланишларининг яна бир характерли хусусиятидир. Бу дунёнинг, тирикликнинг барча жаҳаннам азобларини, кўргуликларини, сир-синоатларини бошидан кечирган ва лекин руҳан синмаган Одамнинг ақл-заковати, маънавий камолоти мутеликка қарши бош кўтаради. У ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билган, таниган ёлғиз шахснинг нидосигина, азобларда ёниб-куйган қалбнинг исёнигина эмас. Навқирон авлод шеърятининг лирик қаҳрамони кўнгил эркинлигига етишиш асносида ўз бахтини яратишга сафарбар инсон. Айни шу фазилатлари туфайли Улуғбек Асрорнинг “Мен эга чикмадим тақдирларимга”, “Куз ёмғири”, “Ҳаёт – етти кунлик кўнгил кийноғи”, “Кўллари – ям-яшил байроқ”, Шодмон Сулаймоннинг “Ватан”, “Отамга”, “XIII аср. Бухоро”, “Минора ухламас”, “Дунё”, “Гиря”, Гулбахорнинг “Булут босди ёруғ осмонни”, “Соғинчнинг ранги”, “Куз – маъюс аёл”, “Шоир”, “Кузги боғ”, “Йўл солсам қалбингга...” сингари шеърларини тилга олгим келади.

*Бу кун – қайғу,  
Бахт эртаники.  
...Кетаётган кўнгил меники.  
Остонамга бошингни уриб,  
Оқсоқланиб келаётган Вақт,  
Отмаётган бу тонг – меники.  
Кўзларимга чўкиб кетган умр,  
Пешонамга тушаётган ажин  
Сеники –*

дейди Улуғбек Асрор “Бугун – қайғу” шеърида.

Шеър – кўнгил кўзи бўлса, шеърят ҳаёт кўзгусидир. Шу маънода таъкидлаш жоизки, Истиклол ёш ижодкорларнинг кулфи-дилини очиб юборди. Аслида ҳам шеър сеҳри, шеър фасли кўнгилда гуллаган туйғулар баҳоридан бошланади. Юрт тупроғи гуллаб-яшнаб – дутор чертиб куйласа, ҳатто су-



прадаги ўқловлар ҳам рақсга тушиб кетади, дейишади. Ёшлар қалбидан жўшиб тошаётган манзумалар, қасидалар, достонлар миллий мустақиллигимизнинг бадиий солномасини яратишга қаратилган. Бу – навқирон авлод шеърятининг ижтимоий-эстетик салоҳиятидан, моҳиятидан далолатдир. Шеър ана шу тахлит ижтимоий ҳодисага айланиши, бадиий уйғунликнинг кўркам саҳифаларини яратувчи сажияси билан гўзалдир.

Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, ўзбек замини, Ўзбекистон табиати азал-азалдан шоирларга макон, ёш истеъдодларга беланчак бўлиб келган. Бу нарса, биринчидан, халқимиз азалдан юксак шеърый маданиятга эғалигидан далолат берса, иккинчидан, шеърый тафаккур болалиқдан гуллар атри, тупрок хиди, бир сўз билан айтганда, она ўлка табиати орқали вужудимизга сингиб кетганлиги шаҳодатидир. Яна чакалокларнинг танглайини шеър билан кўтаришади. Шу боис, шеърый идрок, шеърый оҳанг бешиқданок оналаримиз алласи орқали қалбларга жо бўлади.

Бугунги ёшлар шеърятни қадим бир ҳикматни тасдиқлаётгандек: чунончи, чинакам шеърят жасоратдан, жасоратли фикрлардан туғилади. Ҳадикли ўйлар, хуркак фикрлар шеърнинг парвозини пасайтиради, қанотини синдиради. Бугунги ёшлар шеърятни журъатли ўй-хаёлларга, ўткир поэтик мушоҳадаларга йўғрилганидан, ёниқ туйғулари билан туғилганлигидан кўнглинг ёришиб кетади. Улар ўқувчини қувонтиради, ўйга толдиради, қалбига чўғ солади. Энг муҳими, бугунги навқирон авлод шеърятни поэтик маданиятимизда бетакрор, ўзига хос дадил ва теран фикрлаш салоҳиятига эга шоирлар шаклланганидан далолат беради. Бу истеъдодлар мустақиллик шарофатини, она-юрт хароратини, Ватан меҳр-муҳаббатини сингдирган манзумаларни ҳали кўплаб яратишидан қувончинг ортади.



## Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

(1954 йилда туғилган)

### “МАСНАВИЙИ ШАРИФ” МАЪНАВИЯТИ ВА ДАВОМЧИЛАРИ

Икки олам Яратувчиси бутун яралмишлар ичида “гуҳари шариф” сифатида Инсонни яратди. Унга дунёни билиш, ўз-лигини англаш салоҳиятини инъом этди. Ҳақни таниш сифати билан зийнатлади. Моддий олам гўзалликларини кўриш учун кўз берди, очик кўз билан кўриб бўлмас жихатларни тушуниш учун қалб ато қилди. Яна шунда ҳам бандайи ожиз Ҳақ йўлидан тоймаслиги учун ўз элчиси (Муҳаммад (с.а.в.) орқали Сўз (Қуръони карим) нозил қилди ва бу Сўз мутолаасида ҳам Инсон ноқис қолмаслиги учун бир гуруҳ саҳобайи икром ва валийлар юбордики, улар Ҳақни таниш баробарида Инсонга иноят этсин, кўмак берсинлар. Зеро, “Сўзга кулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтувчи Ҳақ сўзга) эргашадиган зотларга хабар беринг! Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир! Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидирлар!” (39:18)

Қуръони каримда айтилгани каби Ҳидоят йўлига бошловчилардан бири Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад бинни Баҳоуддин Валад Балхий Румий (1207 – 1273) ҳазратларидир. У киши тавсифида сўз кетаркан, Абдурахмон Жомийнинг аниқ ва қисқа таърифи ёдга келади:

Ман чи гўйам васфи он олийжаноб,  
Нист пайгамбар вале дорад китоб

(Мен улуғ жаноб васфида не дей,  
Пайгамбар эмас, лекин китоби бор).

Бу сўзларни Румийга муносиб кўриб, “китоб”ни муқаддас каломуллоҳ ўрнида қабул қилганлар уни “форсий Қуръон” деб атаганлар<sup>1</sup>. Эҳтимол, бу билан буюк Яратувчи томонидан нозил қилинган илоҳий китобни яралмишларидан бири бўлган Мавлоно Жалолиддиннинг “Маснавий”сига менг-заш тўғри эмасдир. Лекин ислом оламида шарифлик рутбаси пайгамбаримизнинг Ҳадисларидан сўнг ушбу китобга нисбатан қўлланилганини эсга олсак, Махдуми Жомийнинг ушбу таърифи кўп ҳам ширк эмасдир деган хулосага келамиз. Боз устига “Маснавийи шариф”нинг машҳур шорихларидан бири Обиддин Пошшо ўзининг “Таржима ва шарҳи “Маснавийи шариф”ининг бош варағига Жомийнинг юқоридаги сўзларини ёзиб қўйганини назарда тутсак<sup>2</sup>, буни муболаға дейишдан ўзимизни тийиб, унга ишонишга ҳаракат қиламиз.

Мавлоно Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши Шайх Фаридиддин Атторнинг башорати билан бўлганини унинг илк тафсирчиларидан Ҳусомиддин Чалабийдан тортиб, Давлатшоҳ Самарқандийгача бир овоздан тасдиқлайдилар: Каъба зиёратига йўл олган Баҳоуддин Валад ва унинг ўғли Нишопурга етганидан хабар топган Шайх Аттор зиёратчиларнинг қаршисига чиқади. Ўспириннинг суҳбатидан мамнун бўлиб, унга ўзининг “Асрорнома” китобини тақдим этади ва отасига қарата “Ўғлингиз тез орада оламдаги барча куйганлар қалбига оташ солади” деб башорат қилади<sup>3</sup>.

Ҳазрат Алишер Навоий эса, Жомийнинг далолатига таяниб, “Насойиму-л-муҳаббат”да Мавлонода жуда эрта валиъ-

<sup>1</sup> Нуриддин Абдурахмон Жомий. Нафаҳоту-л-унс мин ҳазароту-л-қудс. – Техрон: 1373. – Саҳ. 173

<sup>2</sup> Маснавийи шариф. Таржима ва шарҳи Обиддин Пошо. Олти жилдли. Биринчи жилд. – Истанбул: 1324.

<sup>3</sup> Бадиъуззамон Фурўзонфар. Рисола дар таҳқиқи аҳвол ва зиндаги Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад. – Техрон: 1315.

лик зухур бўлганини куйидагича таърифлаган: “Жалолоддин Муҳаммад Балхий олти ёшида одина куни неча атфол ила бизинг уйларнинг томларида сайр килур эрмишлар. Алардин бири яна бирига дебтурки, келинг бу томдин яна бир томга секрели. Ул дебтурки, бу ҳаракат ит ва мушук ишидир. Ҳайф бўлғайки, одами анга муртакиб бўлғай. Агар сизинг жонингизда кувате бўлса, осмон томига секрели ва бу ҳолатда томдин ҳаво тутубтур. Ончаки, алар кўзидин ғойиб бўлубтур. Атфол изтиробдин кичқиришибтурлар ва йиғлабтурлар. Бир лахзадан сўнгра кўзи мутағаййир ва ранги ўзгача қайтиб, ҳамул томга тушубтур. Атфолга дебтурки, ул соатки сизга ул сўзни айтадур эрдим, кўрдумки, яшил кисватлиғлар мени сизинг орангиздин сирмадилар ва кўтариб осмонга элттилар ва малакут ажойибин манга кўргуздилар. Чун сизларнинг фиғон ва фарёдингиз чикти, яна бу ерга тушурдилар”<sup>4</sup>. Ушбу ривоятнинг реал асосларини излашдан кўра, беш ёшли гўдакнинг “агар куввате бўлса, осмонга секрели” деган жаҳдини тан олсак, кейинроқ ўзининг “Маснавий”сида “Учмоққа қанот йўк, вале учгаймён” деган азиматининг сабабларини ҳам англашга туртки топамиз<sup>5</sup>.

Эрон олими Муҳаммад Истеъломийнинг қайд этишича, Жалолоддин отаси билан Хуросон, Бағдод, Ҳижоз ва Шомга қилган сафарларидан сўнг ниҳоят Кўниёда кўним топган. 1232 йилда отасининг вафотидан сўнг 24 ёшида муфтий ва фақиҳ бўлган<sup>6</sup>. Аҳмад Афлокийнинг “Маноқибу-л-орифин” асарида зикр қилинишича, Дамашқда шаклланган Муҳйиддин ибн Арабий мактабининг давомчиси бўлди ва Кўниёга исломий билимлар алломаси сифатида қайтди. Мавлононинг Кўниёдалиқ ҳаёти ҳақида унинг ўғли (отасининг номидан Мавлавийлик тариқатини эълон қилган) Султон Валад “Валаднома” асарида ва Афлокийдан аввал Мавлононинг хизматида бўлган Фаридиддин Сипоҳсолор рисоаларида баён қилинган. Бу тафсилотлардан биз Радий Фишнинг “Жалолод

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат / Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд: – Т.: 2001. – Б.

<sup>5</sup> Жалолоддин Румий. Учмоққа қанот йўк вале учгаймён. Ривоят ва рубойлар (Форсийдан Жамол Камол таржимаси). – Т.: 1994. – Б.29.

<sup>6</sup> Муҳаммад Истеъломий. Мавлавий дунёсидан // Сино. – 2001. – 1-сон. – Б.15.

дин Румий” асари ва унинг<sup>7</sup> ўзбекча таржимаси орқали хабар топганмиз<sup>8</sup>.

Жалололиддин Румийнинг тасаввуф адабиётидаги ўрнини белгилашда унинг тарикати ва фаолиятини Ҳаким Санойи ва Фаридиддин Атторнинг давомчиси сифатида тушуниш бор. Акад. Е.Э.Бертельс Мавлононинг

*“Аттор руҳ буд ва Санойи ду чашии у,  
Мо аз бе Санойи ва Аттор омадим”*

(Аттор руҳ, Санойи унинг икки кўзи эди,  
Биз Санойи ва Аттордан кейин келдик)

сўзларидан келиб чиқиб иш кўради<sup>9</sup>. Эрон олими Такий Пурномдориён эса, “Мавлавий шеърятини шакл, ҳажм, мавзу ва ирфоний маъно-мазмунлар кўлами жиҳатидан Санойи ва Аттор шеърятидан устунроқдир”, дея таъкидлайди<sup>10</sup>.

“Маснавий”нинг ёзилиш тарихига доир далолатномаларда ҳам мана шу икки аллома таъсири ҳақида сўз боради. Турк олими Абдулбоқи Гулпинарли шарҳича, Мавлоно билан Ҳусомиддин Чалабий ўртасида Ҳаким Санойи ва Аттор фалсафаси ҳақида сўз кетаркан, шогирд устозига Санойининг “Ҳадикату-л-ҳақойиқ” асарига ўхшаш асар ёзсангиз, дея маслаҳат беришга журъат қилади<sup>11</sup>. Бошқа бир манбада эса, Аттор асарига ўхшаш асар ёзсангиз, деган фикр келтирилади. Бизнингча, бу масалада ҳам Аҳмад Афлокийнинг далолатига таяниш мумкин: “Ғазал девонлари кўпайди. Уларнинг сирли нурлари денгиз ва уммонларнинг ҳар тарафини эгаллади. Тангрига ҳамду санолар бўлсинки, барча фикр соҳиблари ушбу сўзлар қаршисида бош эгдилар. Агар Ҳаким Санойининг “Илоҳийнома”си тарзида ва “Мантиқу-т-тайр” вазнида бир китоб ёзилса, бутун инсонларга улуғ бир хотира бўлур, ошиқ ва дардмандларнинг жон дўстига айланур ва бу инсонларга буюк бир марҳамат ва иноят бўлажакдир”<sup>12</sup>.

<sup>7</sup> Радий Фиш. Джалалиддин Руми. – М: Молодая гвардия, 1972.

<sup>8</sup> Радий Фиш. Жалололиддин Румий (Жамол Камол таржимаси). – Т: 1987.

<sup>9</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С.79-80.

<sup>10</sup> Такий Пурномдориён. Мавлавий шеърятини “Мен”даги “мен”лик ва матндаги ноанъанавийлик // Сино. – 2001. – 1-сон. – Б.3.

<sup>11</sup> Mevlana, Mesnevi. 1-cild. – Istanbul: 1995. – S.323.

<sup>12</sup> Аҳмад Афлокий. Манокибу-л-орифин. 2-жилд. – Истанбул: 1986. – Б. 155-156.

Бунга жавобан Мавлоно салласининг бурчидан бир варақ олиб, Хусомиддинга тутқазади. Бу “Маснавий”га ибтидо бўлган 18 байтдан иборат дебоча эди. Ана шу 18 байтга мавлавийлар алоҳида аҳамият бериб, уни “Найнома” деб атайдилар. Чунки ҳужжатларнинг далолатига кўра, “Маснавийи шариф” аксарият шогирдлари иштирокида (Салоҳиддин Зарқўб, Хусомиддин Чалабий ва ўғли Султон Валад) тартиб берилган, ёлғиз мана шу 18 байтгина Мавлоно томонидан ёзилгандир.

Бу буюқ тафсир китоби ўн йиллар чамаси муддат оралиғида яратилиб, Мавлоно вафотидан тўрт йил аввал 1269 йилда ёзиб тамомланди. Бунга қадар ўтган ўн йил мобайнида узилишлар (*ҳижрий 660 – 662 йиллар*), уйқусиз тунлар (бу ҳақда 1-жилднинг 1807-1808 байтларида хабар бор), очинтўқин ҳолига қарамай, маънавий лўқма билан кифояланиш (1-жилднинг 3990-3994 байтлари) каби ҳолатлар кузатилди ва машаққатли меҳнатнинг натижаси ўлароқ буюқ асар дунёга келди. Араб-форс эпик дostonчилиги усули бўлган маснавий шаклида ёзилган бу асарни олимлар дидактик дoston (*Е.Э.Бертельс*), хамосий (*эпик*) шеърлар мажмуаси (*Т.Пурномдориён*), ирфоний китоб (*Р.Никольсон*), тасаввуф комуси (*А.Шиммел*) каби сифатлар билан атаб, унинг жанрий ўзига хослигини белгиламоқчи бўлдилар.

“Маснавийи шариф” шарҳида юзлаб китоблар яратилди. Султон Валад, Аҳмад Афлокий ва Фаридун Сипаҳсолор шарҳларидан сўнг Шамъий (*ҳижрий 1000 йил*), Сарварий (*ҳижрий 1001 йил*), Исмоил Анқаравий (XI аср) кабиларнинг турк тилидаги, Мавлоно Шиблий Нуъманий (1326), “Баҳру-лулум” лақабли Абдуали (XIII аср)нинг урду тилидаги ва Ҳанифа Абдулҳакимнинг урду ва инглиз тилларидаги шарҳлари эълон қилинди. Ғарб дунёсида “Маснавийи шариф” тафсири ва тадқиқи билан машғул бўлганлар орасида Р.Никольсон, Х.Риттер, Ж.К.Фербервагел, А.Шиммел, Е.А.Браун, Ҳ.Этне, Ҳ.Мессе, Б.Спулер каби олимларнинг ишлари маълумдир.

“Маснавийи шариф”ни форсийдан туркчага Сулаймон Наҳифий ўз вазнида (1150), Обиддин Пошо, Валад Узбудак,



Митхат Баҳори Байтур насрда изохли таржима қилди. Уни Ашрафу-л-улум хинд тилига (1392), Мунши Али (1241) урду тилига ўғирди, Юсуф Алишоҳ Чиштий эса урдуда ўз вазни билан таржима қилди. Европада эса дастлаб Жозеф Ҳаммер Пургстал, Фридрих Рукерт (айни шу таржима орқали Гегель “олий Румий”ни таниган), Герман Эте олмон тилига, Ж. Ретхаус, Р.Никольсон, А.Арберри инглиз тилига, Клемен Ҳуар эса фаранг тилига ўғирган.

Мавлоно Жалолиддин мероси ҳаммадан кўра кўпроқ Эрон ва Туркияда тадқиқ этилгандир. Бадиъуззамон Фурузонфар, Абулҳасан Зарринқўб, Али Даштий, Жамол Ҳумоий, Шафӣ Кодканий, Муртазо Беҳиштий, Муҳаммад Истеълomий, Тақий Пурномдориён, Носириддин Соҳибзамоний ва Абдулкарим Сирўшнинг форс тилидаги тадқиқотлари, Фуод Кўпрулу, Меҳмет Али Айний, Абдулбоқи Гулпинарли ва бошқаларнинг турк тилидаги ишлари диққатга моликдир.

Рус тилида Ф.Корш, И.Сельвинский, М.Н.Османов таржималаридан ташқари В.В.Бартольд, А.Кримский, В.А.Гордлевский, Н.Мартинович, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, А.Мец каби олимларнинг турли муносабат билан ёзилган тадқиқотлари ва ниҳоят, Радий Фишнинг китоби орқали Румий дунёсини тушунишга интилганлар.

Ўзбек тилида Ҳайдар Хоразмийнинг “Жавоҳиру-л-асрор”идан тортиб Машрабнинг “Мабдаи нур” асаригача “Маснавий” шарҳлари тарзида битилган бир неча китобларни келтириш мумкин. Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий тазкираларининг ўзбекча таржималари ва 90-йилларга келиб, Ж.Жабборов таржима қилган бир неча ғазаллар, Жамол Камол таржимасидаги ривоят ва рубоийлар, Улуғбек Ҳамдам туркча орқали ўзбекчалаштирган “Фиҳи мо фиҳи”нинг “Ичиндаги ичиндадир” номи остидаги таржимаси эълон этилиши ўзбек китобхонларини Румий маънавиятидан баҳраманд бўлишга олиб келди. Ниҳоят, мавзуимизнинг боиси “Маънавий маснавий” дунё юзини кўрди<sup>13</sup>.

<sup>13</sup> Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. Таржима шарҳи билан. Таржимон Аскар Маҳкам. – Т.: “Шарк” нашриёт-магбаа концерни, 1999.

“Маснавийи шариф”нинг шеърий таржимаси шарҳлари билан ўзбек китобхонига етиб келиши чиндан ҳам маънавий ҳаётимизда алоҳида воқеа. Бундан қувонган устоз Н.Комилов уни “ижодий ва тадқиқий иш” деб баҳолайди. Бундан таржимага нисбатан “ижодий” ва шарҳга нисбатан “тадқиқий” деб баҳоланибди-да деган хулоса чиқмаслиги керак. Асқар Маҳкам таржима жараёнида ҳам тадқиқий-қиёсий иш олиб борган, шарҳлаш жараёнида ҳам турк ва бошқа тиллардаги изоҳлардан самарали фойдаланган. “Маснавий”дан олинган форс тилидаги байт, унинг ўзбекча шеърий таржимаси, сўнгра “лисоний таржима” номи билан насрий баёни ҳамда шарҳнинг келтирилиши чиндан ҳам бу давомли иждоий-тадқиқий жараёндан хабар беради. Олти дафтар, 26840 байтдан иборат буюк асарнинг байтма-байт тадқиқи бир неча ўнлаб китобларга жой бўлишини олдиндан сезган ҳолда муаллиф жуда катта ишга қўл урган. Айниқса, ўзига қадар ўзбек тилидаги шеърий (Жамол Камол таржимасининг ҳам бир неча нашрлари бор) таржимани такрорламасликка ҳаракат қилган. Ҳамон йирик жиддий тадқиқий ишга қўл урган экан, табиийки, мутаржим Жамол Камол таржимасидан коникмаган.

“Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” китоби-га ёзган сўзи” асли арабча бўлиб, Обиддин Пошо шарҳида у “соҳиби “Маснавий” Жалолиддин Румий қаддаса сирраҳу исломи ҳазратларининг арабий ибора билан ёздиклари деб-боча” тарзида келтирилган. Ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинаётган бу ўзига хос Муқаддима улуг “Маснавий” ҳикматларини ҳам, таржимон машаққатларини ҳам тушунишга ёрдам беради: “Бу китоб дин усуллари усулининг усули (туркчада эса, дин асосларининг асоси), Ҳақ таъолога ва Ҳақиқатга етишиш сирларининг кашшофи. Бу буюк фикҳ, Оллоҳ таъоло динининг очиқ-ошкор далили, бурҳони ва тақво китобидир”. Гарчи бу сўзларнинг бевосита Румий томонидан айнан ёзилганига аниқ далолат бўлмаса-да, айни очкич орқали китобдаги кўпгина ривоят ва ҳикматларнинг руҳини англаш мумкин бўлади.



“Маснавий”

*Бишнав аз най чун ҳикоят микӯнад,  
Аз жудойиҳо шикоят микӯнад*

сўзлари билан бошланади. Буни Асқар Маҳкам

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардан шикоят айлагай*

деб таржима қилади. Бундан ўн йиллар чамаси айнаи шу байт-ни Жамол Камол

*Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,  
Айрилиқлардан шикоятлар қилур*

деб таржима қилган эди<sup>14</sup>.

Кейинроқ илк таржимадан кўнгли тўлмаи шоир байтни куйидагича ўзгартирган:

*Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардин шикоят айлагай.*

Айнаи шу байтлар “Мабдаи нур”да

*Англагил, най не ҳикоятлар қилур –  
Ким жудолигдин шикоятлар қилур*

деб берилган.

Асқар Маҳкам “би шнав”ни “тингла” деб бериш билан, китобхонни шарҳнинг мутолаасига даъват қилади: “Доимо ақл нури ва қуввати билан ҳар бир нарсдан кўплаб нарсаларни тинглайди, маълумотлар жамъ этади ва инсон кадрини зиёда айлайди”<sup>15</sup>. “Мабдаи нур”даги таржимада эса, бу сўзларнинг қулоқ билан тингланиши билан кифояланмай, найнинг ҳолини англашга ишорат бор. Чиндан қамишлиқдан айрилган най изтироби шарҳида кўплаб китоблар битилган. Ҳатто мавлавийлар илк сўз “бишнав”даги “бе”ни Куръони

<sup>14</sup> Жалолиддин Румий. Учмоқка қанот йўқ, вале учгайман. – Т.: 1994. – Б.3. Кейинроқ Жамол Камол таржимасида ушбу асар “Сино” журнали (2001. 1–4-сон)да, сўнгра алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди. Мақола эълон этилган пайтдаги нашрларга ишорат берилди.

<sup>15</sup> Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. – Б. 22-29.

карим “басмала” сига ёки “Бақара” сурасига ишорат маъносида ҳам талкин қиладилар.

Илоҳдан ажралган ва ўз аслига қараб интилаётган ориф тимсоли Найда мужассам топади. Илк байтдаёқ мана шу ҳолатни англатиш иштиёқи мутаржимларни байт устида қайта-қайта ўйлашга мажбур қилган. Бу ўринда Асқар Маҳкамнинг имконияти бошқалардан кўра мўлроқ. Даствлабки шеърӣ таржимада етказа олмаган маънини лисоний, яъни насрий таржима орқали англатади. Шарҳда эса, ўзигача ўтган машҳур шорихларнинг асарларидан фойдаланган ҳолда байтнинг талқинини чуқурлаштиради.

Иккинчи байтда кесилган қамиш – найнинг изтироблари, дарди англатилган. Учинчи байтда

*Сийна хоҳам шарҳа-шарҳа аз фироқ,  
То бигўям шарҳи дарди иштиёқ*

мисралари аслидан анча йироқ ҳолида, яъни

*Сийна истармен фироқдин поралар,  
Шавқ дардидан десам афсоналар*

деб таржима этилган. Асл маънони излаб Жамол Камол таржимасига мурожаат қиламиз:

*Чок-чок этсин шу кўксимни фироқ,  
Сўйлагаймен шарҳи дарди иштиёқ.*

Икки таржимада бир моҳиятнинг икки жиҳати кўринади, яъни кўнгли чок-чок бўлган қамишнинг ўзига ҳамдарад ахтариши. Асқар Маҳкам таржимасида “ўзга сийна ахтариш” биринчи ўринга чиқса, Жамол Камолни кўпроқ “кўкси фироқда чок-чок бўлган қамиш” ҳолатини беришга интилиш кучли. Иккинчи мисрадаги “афсона” сўзи билан Асқар Маҳкам бизни аслиятдан йироқлаштиради, Жамол Камолда эса, мисранинг ўзбекча маъноси айнига мос равишда кофияланади.

Кейинги байтларда Асқар Маҳкам таржимасида асл матнга нисбатан яқинлашиш сезилади, бунинг учун лисоний тар-

жима ва шарҳ имкониятидан ҳам фойдаланади. Бироқ умумий ўзбекча матнга хос бир камчилик – ўзбекча сўзлардан нисбатан камроқ фойдаланиш, форсийни форсий билан шарҳлаш муаллиф ишида анча кенг учрайди. Масалан, бешинчи байтдаги “Жуфти хушҳолону бадҳолон шудам”нинг таржимаси “Ҳоли хуш ҳам ҳоли баднинг ёриман” тарзида келишида, аввало, форсча матндан мантикий узоқлик, қолаверса, мисрада биргина ўзбекча сўз “ёриман” ишлатиляптики, у ҳам асосан, “зориман”га қофиядошлик талаби билан келган.

Ўн еттинчи байтда “Ҳар ки берўзист, рўзаш дер шуд”нинг таржимаси “Кимки берўз рўз анга бегонадир” тарзида берилишини тушуниш учун, яъни таржимани ўқиш учун ҳам форс тилини билиш талаб этилади.

Маълумки, ўн саккизинчи байт билан машхур “Найнома” хотима топади, мазмунда ҳам “вассалом” сўзи бунга ишоратдир. Кейинги байтлар ўғилга мурожаат тарзида айтилади, бизнингча, худди шу ўринда муаллиф шарҳини тинглашга эҳтиёж бордай эди. Лекин негадир таржимон Яқуб Чархийнинг “Рисолайи ноийя”даги сўзларини таржима қилиб келтириш билан чекланади<sup>16</sup>.

Таржимон – шорих танлаган йўл анча мураккаб бўлиб, аслида мақсадга секинлик билан бўлса-да, эришиш йўли эди. Лекин негадир “Подшоҳнинг канизакка ошиқ бўлиши ва уни сотиб олиши ҳақида ҳикоят”дан бошлаб (57-бет) лисоний таржима йўқолади ва бирдан қутилмаганда “Исмоил алайҳис-салом қиссаси”нинг қоқ ўртасида (142-бет) пайдо бўлади. Бу матбаа хатосими ёки таржимон услубининг ноқислигимини – англаш қийин. Юқоридаги ҳикоятдаги

*Ла тукалликфний фаинний фил фана,  
Куллат афҳамий фа ла уҳсий сана*

тарзида келган арабча байт шеърини таржима этилмасдан “Таржима” сарлавҳаси остида насрий баён холида берилади.

<sup>16</sup> Жалолiddин Румий. Маънавий маснавий. –Б. 44.

Шу ва

*Қола атъимний фаинний файиъун,  
Ваътажил фалуқоту сайфун қотиъун*

байтларининг шеърий таржимаси етишмагани каби уларнинг насрий таржимаси ҳам шарҳ услубида бериладики, бу муаллиф ўзи танлаган машаққатли йўлдан чекинганини кўрсатади.

Китоб охирида Алишер Навоийнинг “Аноният уйин бузмоқ бобидаким, фано зовиясин тузмакдур ва ўзин кам қилмоққа ўзин кўргизмак” сўзлари гўёки Румий асарининг бир қисми сифатида келтирилади. Эҳтимол, муаллиф шориҳ сифатида Румийнинг

*Нур нури чашми худ нури дил аст,  
Нури чашм аз нури дилҳо ҳосил аст*

байтини Навоий ёрдамида шарҳламоқчи бўлиб, бу жараёнда “Ғаройибу-с-сиғар” дебочасидаги бир қитъадан фойдаланаётгандир, бироқ Навоий сўзлари “Маснавий” матнига аралшиб кетганки, бу ҳол мутолаадаги навбатдаги муаммони туғдиради.

Китоб аввалида шарҳ муаллифлари сифатида Обиддин Пошо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам келтирилади. Шарҳ илмий-тадқиқий иш бўлгани учун ҳам айни қайси шарҳлар кимга тааллуқли экани аниқ кўрсатилиши керак эди. Жуда кўп ўринларда Обиддин Пошо шарҳлари ўзгартирилган, унинг давомида Карим Замонийдан фойдаланилган, ҳар икки шориҳ матнлари ҳам таржимон томонидан ўзгартириб юборилган. Айрим ҳолларда, шарҳ матни аниқлаштиришга, маънонинг тушунарли бўлишига эмас, балки китобхонни матндан узоқлаштиришга ҳам “хизмат” қилади.

“Маснавийи шариф” турли номлар билан талқин қилинганига қарамасдан, деярли барча манбаларда унинг яхлитлиги қайд этилган. Бизга ўзбек тилида тавсия этилган китобга эса, “Маънавий маснавий” сарлавҳасидан кейин “Куллиёт” деб аталган қўшимча сарлавҳа ҳам берилган. Мавлоно Ру-



мийнинг “Маснавий”дан ташқари “Девони кабир” ёки “Девони Шамс Табризий”, “Фихи мо фихи” (“Нимаики Ундандир, Ундадир”) асарларигина етиб келган. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, “Куллиёт” сўзи билан тавсия қилиш мумкин. Лекин “Маснавий” 1-жилдидан сўнг “Куллиёт” сўзи ортиқча бўлгани каби Биринчи дафтарнинг дастлабки қисмини “1-китоб” дея аташнинг ўзи ҳам аслиятдан йироқлашишдир. Боз устига, бу мўъжазгина парчанинг “Куллиёт” номи остида берилиши китобхонни яна бир жумбоққа гирифтор қилади.

Маълумки, “Маснавийи шариф”нинг китобга кирган қисми:

*Лек, чун мавжи сухан дидй латийф,  
Баҳри он дони, ки бошад ҳам шариф,*

(Чун калом мавжини кўргайсан латиф,  
Англагайсан ким унинг баҳри шариф)

байтлари билан яқунланиб, “Сўз мавжини гўзал ва жозибали кўрсанг, унинг денгизи ҳам буюк эканини ҳис қилгайсен” тарзида сўзма-сўз таржимаси келтирилади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи шариф”идан маънан озуқа олган инсон борки, бу буюк асар сари талпинади, уни қайта-қайта ўқийди, укмаган ўринларни шорихларнинг шарҳ ва талқинларидан кўмак олиб тушунишга ҳаракат қилади. Бирок мавлавийлик тариқати номи билан тасаввуф тарихига кирган улуғ мерос биргина “Маънавий маснавий”дан иборат эмас. Ҳазрати Мавлоно асос солган бу буюк тариқат Ҳусомиддин Чалабий, Султон Валад, Ориф Чалабий, Обид Чалабий, Вожид Чалабий ...лар томонидан давом эттирилиб, ҳозирга қадар давом этмоқда. Бу буюк силсила устоз – шогирд, мурид – муршид, ота – ўғил нисбати билангина эмас, балки асардан-асарга уланиб, ўзига хос бир китобий силсилани ҳам вужудга келтирган. Ана шу маънода Султон Валаднинг “Маориф” асари улуғ “Маснавийи шариф”нинг маънавий давоми ҳамдир.

Баҳоуддин Султон Валад Мавлоно Жалолиддин Румий ва самарқандлик шайх Шарафиддиннинг кизи Гавҳар Хотуннинг ўғлидир. У 1226 йили Онадўли юртининг Қаҳрамон қасабасида туғилган. Маърифатли оилада тарбия кўриш билан чекланмай, Саййид Бурҳониддин Муҳакқик Термизий, Шамсиддин Табрзий, Салоҳиддин Зарўзбий ва Ҳусомиддин Чалабий каби устозлардан таълим олган. Мавлавийлик тарихининг мусаннифларидан Афлокийнинг “Маноқибу-л-орифин” асарига ёзилишича, Мавлоно Румий ўғлини дастлаб ўзининг буюк маслакдоши Шамсиддин Табрзийга муридликка берган, шайх вафотидан сўнг Ҳусомиддин Чалабийга шогирд тутинган, илму маърифатда фазлу карам эгаси бўлиб шаклланган. Отасининг таважжухини қозонган Шайх Салоҳиддин Зарқўбнинг кизи Фотима Хотунга уйланган, Улуғ Ориф Чалабий, Обид Чалабий, Вожд Чалабий каби силсиланинг давомчиларига ота бўлган. Мавлавийлар Султон Валад шахсига кўп ҳурмат кўрсатиб, унинг ота муҳаббатини қозонганини, отасининг фарзандигина эмас, балки унинг давомчиси бўлганини таъкидлайдилар...

Адабиёт тарихчилари ва файласуфлар Султон Валаднинг йирик шоир ва мутафаккир эканини бир овоздан қайд этадилар. Султон Валад шоир сифатида 1267– 1291 йиллар орасида форсий ва туркийда ёзилган шеърларини жамлаб, “Девон” тартиб берган. Жами 12750 байтдан иборат бу тўпламдан 925 ғазал ва 455 рубоий, Қилич Арслон, Тождин Ҳусайн, Амир Аломиддин Қайсар, Муиниддин Парвона, Соҳиб Фаҳриддин Али каби алломаларга бағишланган мадҳия ва марсиялар ўрин олган. “Девони Султон Валад” унвони билан 1925 йилда Валад Чалабий, 1941 йилда Фаридун Нофиз томонидан чоп этилган бу тўпламдаги туркий шеърларидан келиб чиқиб, мутахассислар уни Онадўлида илк туркий тилда асарлар битган адиб сифатида қадрлайдилар. В.Радлов, К.Залеман, М.Хартман каби Ғарб мусташриқлари адибнинг туркий тилдаги ижодига катта аҳамият қаратиб, турк адабиётининг илк муаллифларидан деб биладилар. Бундай хулосага



келишда биргина “Девон” эмас, балки “Маснавиёти Валадий-йа” номи билан қайд этилган 25450 байтдан иборат уч жилдлик маърифий асар ҳам ўз таъсирини ўтказган. Чунки унинг таркибига кирган “Ибтидонома”да 73, “Рубобнома”да 162 ва “Интиҳонома”да 26 туркий байтнинг борлиги ҳам ушбу фикрни қувватлайди. Машҳур “Кашфу-з-зуннун” муаллифи Котиб Чалабий ушбу асарлар қаторига “Нафъифу-л-фуруъ” номли таълимий асарни ҳам қўшади. Кўринадики, Султон Валаднинг шоир ва адиб сифатидаги адабий мероси форс ва турк адабиётида салмоқли вазни эгаллайди.

“Маориф” насрий тасаввуфий асари форс тилида ёзилган бўлиб, уни Туркия туркчасига Мелиха Тариқоҳйа таржима этган. Мутаржимнинг ёзишича, у асарнинг Кўниё Осори атикалар музейида 2152 рақами остида сақланаётган қўлёзма сизига ва Фаридун Нофиз нашрига таянган. Шунингдек, Кўниё шаҳри музейидаги 149 рақамли, Туркия Миллий таълим вазирлиги кутубхонасидаги 3 рақамли нусхалардан ҳам истифода этган.

“Маориф” асаридан беш фасл илк бор ўзбек тилида проф. Нажмиддин Комилов таржимасида чоп этилган (Баҳоуддин Султон Валад. Маориф Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Тошкент, “Маънавият”, 1998) эди. Албатта, бундай мураккаб тасаввуфий руҳдаги асарнинг таржимасига киришиш осон эмас: ундаги маънолар теранлигини англатиш учун лозим истилоҳ ва тамсиллар топиш, Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шариф намуналарини асар руҳиятини ёритадиган тарзда келтириш, энг асосийси, муаллиф услубини сақлаш мутаржимдан жиддий тайёргарликни талаб қилади.



## Маҳкам МАҲМУДОВ

(1940 йилда туғилган)

### САРГУЗАШТ АДАБИЁТИНИНГ БАДИИЯТИ

Барча халқларнинг ақл-заковати, даҳосини ифодаловчи фольклори, эртақларида улуғланган Ватанга меҳр, адолат, вафо, жасурлик, машаққатларга учраганда сабр-матонатли бўлиш фазилатлари ҳикоя, қисса, роман каби бадий асарларга ҳам кўчиб, уларнинг бадий-эстетик таъсир кучини оширади. Эртақларга хос, яъни халқ орзуси бўлган қаҳрамонларнинг мардоналиги, жасурлиги, ҳаётида учраган фалокатларни, золимларни, ёвуз махлукларни ақл-заковати билан енгиши ёзма бадий адабиётга ҳам бегона эмас. Жаҳондаги барча халқларни ҳайратлантирган “Минг бир кеча” эртақлари қаҳрамонларидан бири – Синдбод Баҳрийнинг бошидан кечирганлари ярим хаёлий-фантастик бўлса ҳам, унинг жасурлиги, мардлиги, ўткир фаҳм-фаросати ҳаётий қаҳрамонларга хосдир. Дарвоқе, “Минг бир кеча”да эртақлар билан бирга тарихий, реал шахслар – Халифа Мансур, Восик, Хорун ар-Рашид, Жаъфар, Яҳё ва Холид Бармакий, малика Зубайда билан оддий хунармандлар, дехқонлар, боғбонларнинг саргузаштлари ҳам кўп учрайди. Фавқулудда, экстремал, фало-



катли ва ҳалокатли ҳолатларда инсонларнинг характерлари равшан очилади.

Даниэл Дефо романи қаҳрамони Робинзон Крузонинг кимсасиз оролда ёлғиз ўзи 28 йил яшаши, ақл-фаросати, меҳнатсеварлиги, метин иродаси, табиат гўзалликларидан завқланиши каби фазилатлари билан жаҳон адабиётида саргузашт жанрининг дурдонасига айланди. Саргузашт адабиёти сирли, илохий, мистик ходисалар билан алоқадор бўлиб, романтизм адабиётининг намуналари сифатида қадрлидир. Бу турга Андерсеннинг “Сув париси”, Эдгар Поининг “Вақт ўроғи”, Мэри Шеллининг “Франкенштейн ёхуд янги Прометей”, Эжен Сюнинг “Агасфер” (“*Ogai safar*”), У.Бекфорднинг “Восик”, А.Дюманинг “Ажал минораси”, У.Коллинзнинг “Ойтош”, Э.А.Гофманнинг “Жажжи Цахес”, Н.В.Гоголнинг “Мавлуд арафаси”, О.Уайльднинг “Дариан Грейнинг суврати” асарларини киритиш мумкин. Сатирик саргузашт адабиётига Ж.Свифтнинг “Тулливернинг саёҳатлари”, Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар”, Н.Е.Сальтиков-Шчедриннинг “Бир шаҳар тарихи”, Г.Уэллснинг “Кўринмас одам”, Ч.Диккенснинг “Оливер Твист саргузаштлари” асарлари билан бир қаторда ўзбек адабиётида Неъмат Аминовнинг “Ёлғончи фаришталар”, Худойберди Тўхтабоевнинг “Ширин қовунлар мамлақати”, Шойим Бўтаевнинг “Эски арава”, Эркин Аъзамнинг “Чапаклар ва чалпаклар мамлақати”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Сўрок”, Анвар Обиджоннинг “Аламазон ва унинг пиёдалари”, “Мешполвон” асарларини киритиш мумкин.

Реалистик саргузашт адабиётига Фенимор Купернинг “Изкувар”, Жюль Верннинг “Ўн беш ёшли капитан”, “Капитан Грант болалари”, Майн Риднинг “Бошсиз чавандоз”, Р.Стивенсоннинг “Хазиначар ороли”, Агата Кристи ва Жорж Сименоннинг кўпчилик асарларини киритиш мумкин. Бу асарларда тасвирланган қаҳрамонларнинг ажойиб-ғаройиб саргузаштлари, нодир табиат манзаралари, узоқлардаги воқеаларнинг сирли равишда бир-бири билан алоқадор

бўлиб чиқиши, мушкулотлар, перипетиялар – кутилмаган ўзгаришлар билан бирга, бу жанр усталарида (В.Гюго, Ф.Купер, Жюль Верн) рухий таҳлил, психологизмлар ҳам тегнаслигини кўрамит.

Жаҳон адабиётида саргузашт адабиётининг яна бир мумтоз тури – тарихий романлар ва киссалар борки, инглиз романтик адаби Вальтер Скотт (“Тумор”), араб адаби Жўржи Зайдон (“Армануса”, “Қурайт қизи”, “17-рамазон”, “Фаргона келини”); француз адаблари А.Дюма, П.Мериме (“Уч мушкетёр”, “20 йилдан сўнг”, “Ўн йилдан сўнг”, “Қирол Генрих”...), олмон адаблари – Томас Манн, Лион Фейхтвангер, ўзбек адаблари – Абдулла Қодирий, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров ва бошқалар бу соҳанинг етук ижодкорларидир. Тарихий асар қахрамонлари табиий равишда тарих долғалари ўртасида фаоллик кўрсатади, жуда кўп қийинчиликларни, қайғули, жожеали ҳолатларни бошдан кечиради. Бу соҳада ўзбек насрида Абдулла Қодирий ижодий мактаби изсиз кетмади. Миркарим Осимнинг “Ўтрор”, “Элчилар”, “Зулмат ичра нур”, Одил Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, “Кўхна дунё”, Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” (“Хумоюн ва Акбар”), “Она лочин видоси”, Мирмуҳсиннинг “Меъмор”, Асад Дилмуроднинг “Маҳмуд Торобий”, “Мезон буржи”, “Паҳлавон Муҳаммад”, Самар Нуоровнинг “Қора тонг”, Мақсуд Қориевнинг “Ибн Сино”, “Спитамен” романлари, Исфандиёрнинг “Қасам”, Мирзапўлат Тошпўлатнинг “Санам тоғидаги гулханлар”, Раҳим Отаули, Фулом Карим, Пирмат Шермухамедов, Жўра Файзнинг Туркистон, Хоразм алломалари ҳақидаги тарихий киссалари ўзбек насрининг яхши намуналари сифатида шуҳрат топди.

Шарк даҳоси, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий тўғрилиқ, яъни ҳаётда инсонларнинг бир-бирини ёлғон сўзлар билан алдамаслиги – ҳақгўйлик, ростгўйлик фазилатини мактаб айтадики, сўз безаклари ичида ростликнинг ўзи энг яхши безакдир (“Маҳбуб ул-қулуб”). Ҳаётни, инсонларнинг



рухий оламини, уларнинг кечинмалари, қилмишларини, ҳаёт ҳақиқатини бўяб-бежамай тасвирлаш, яъни реалистик тасвир бадий адабиётнинг барча жанрларида, хусусан, бадий прозада – бадийликнинг асосий тамойилларидан биридир. Модерн адабиётининг айрим кўринишларида ҳаётий воқеаларнинг ахлоқий ва ижтимоий аҳамияти ребус, топишмоқ каби турли “ўйинлар” орасида кўринмай кетади.

Француз адиби Эжен Сю, инглиз адиблари Чарлз Диккенс, Бульвер Литтон, Уильки Коллинз, Герберт Уэллс романларида мард, олижаноб инсонларнинг худбин ва золимларга қарши кураши, турли ва ғалати характерларнинг кескин тўқнашувларида, бир-бирига алоқаси йўқ бўлиб кўринган одамлар аслида бир воқеанинг турли жойлардаги ва турли вақтлардаги қатнашчилари бўлиб чиқадилар. Айни вақтда бу асарларнинг ижобий қахрамонлари юксак инсоний фазилатлари, жозибадорлиги билан мафтун қилади. У.Коллинзнинг “Оқ кийимли аёл” романида ўзини аслзода кўрсатган икки жиноятчи қаллобнинг саргузаштлари, опа-сингил эканлигини асар охиригача билмаган икки гўзал нозик, нафис аёлнинг жиноятчи куёв алдовларига ишониб, ҳалокат ёқасига келганлари тасвирланади.

Г.Уэллс асарларида фан-техника тараққиёти одамийликка зарар келтираётганини тасвирлайди. У “Ойдаги биринчи одамлар” романида ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат бирлашмасдан, бир-биридан айрилиб колганида миллион йиллар ўтиб, меҳнат қилувчиларнинг қўл, оёқлари улканлашиб, боши кичиклашувини, фақат ақлий меҳнат қилувчиларнинг қўл, оёғи майдалашиб, бошлари катта бўлиб кетганини тасвирлайди. Бир қарашда адиб реалистик тасвирдан чекиниб, эртақчига ўхшаб колгандай. Аслида эса, Г.Уэллс ҳозирги ва келажак авлодларни номутаносиб тараққиётдан огоҳлантиради.

Ўзбек адибларининг кўпчилиги Бальзак, Диккенс, Жек Лондон, Э.Хемингуэй, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорларнинг ҳаётни ҳаққоний акс эттирувчи реалистик йўлидан бормоқда. Зотан реалистик адабиётда ҳам услуб-

лар ранг-баранглиги кўзга ташланади. Шойим Бўтаевнинг “Эски арава киссаси”, Тилаволди Жўраевнинг “Йиқилган ой”, Хуршид Дўстмухаммаднинг “Сўрок”, “Жажман”, “Муғанний” асарларида услубий ранг-баранглик, аввало, бу асарларнинг баён оҳангида, муаллиф воқеа-ҳодисаларни ўз тилидан эмас, қаҳрамонлар тилидан, уларнинг кўнглидан, ичдан нурлантириб тасвирлашида кўринади.

Шойим Бўтаев “Кунботардаги боғ” киссасида Улғай эна, Руқия келинбиби, Аҳмад бригадир каби ижобий қаҳрамонларнинг ғуборсиз, меҳр-оқибатли руҳий олами муаллиф тилидан кўра қаҳрамонларнинг ўз сўзлари – диалогларда кўрсатади. Бу диалогларда баъзан исмли, баъзан исмсиз – халқ овози сифатида адолатли, баъзан бепарво овозлар шаклида бўлиб турган воқеа-ҳодисага турлича муносабат билдирган томонлар кўринади. Халқ овозида бундай фикрлар билдирилади:

- Нуъмон акага Улғай эна боғини берибди.
- Нуъмон акангиз тортиб олибди...
- Улғай энанинг боғини хомталаш қилмаслик керак. Отакул бобонинг меҳнати кўп сингган.
- Раис қўшилганми орага...
- Уларга қўйиб берсанг, уй-жойингни ҳам бировларга қўш қўллаб топширади.
- Ноинсофлик қилишибди, кампирнинг кўнгли ярим.

Халқ овози Улғай кампирнинг боғини тайёрга айёр Нуъмонга олиб берган раиснинг қилган ишини адолатсиз деб баҳолайди.

Ёзувчи умумхалқ фикрининг аниқ ифодаловчиси бўлган қаҳрамон – Аҳмад бригадирнинг характериға хос, адолатсиз иш қилган раисга қарши гапирибгина қолмай, бу ноҳақ ишга амалда қаршилиқ қилади.

У Нуъмон қоровулни уялтиради:

- Бу боғ кампир учун жуда азизлигини наҳотки тушунмасангиз?! Одам номини қандай кўтариб юрибсиз, Нуъмон ака!

Ёзувчи Аҳмад ва Нуъмон руҳиятини ҳар иккисининг бирига зид ички кечинмалари орқали ҳам кўрсатади. Нуъмон



коровулга Аҳмад бригадирнинг кабристони кўрсатгани ҳам таъсир қилмайди. “Мани алдаб бўлсан, – дейди у ичида, – Аҳмад бригадир мени бошлаб лақиллатди. Аҳмоқ экан. Эси-пастлигига ишонса бўлади. Нима дейди, нима қилади, ўзиям билмайди...”

Қизик, бир киши жон қойитиб, экиб, ундириб, боғ бар-по қилади. Ундан кўп одамлар баҳраманд бўлади-ю, умрида ниҳол нималигини билмаганлар эга чиқиб олади. Асл боғ-бонни масхаралашадиям. Ниҳол ўтқазмаган коровул Нуъмон ёлғиз кампирни масхаралаш ҳам асоссиз эмас. Кампирнинг ёлғиз ўғли ўз орзу-хавасини, шон-шухратини ўйлаб, рассом бўлиб, шаҳарга бутунлай кетиб қолган, бокка ҳам қарамайди, кекса онасидан ҳам хабар олмайди. Нуъмон салбий қахрамон бўлса-да, у кампирнинг ўғли Тўхтасинни ҳам, унинг рассомлигини ҳам қоралайди.

В.Шекспир, Сервантес, Гюго, Андерсен, Ч.Диккенс, Бальзак, Достоевский ёвузларга қарши тенгсиз курашга қирган қахрамонларни ёки бўлмаса, хор-зорликда яшовчи софдил одамларни тасвирлайдилар. Виктор Гюгонинг “Хўрланганлар” романи қахрамони каторга азобларини кўрган маҳбус Жон Вальжан, Пушкиннинг “Дубровский”, Н.В.Гоголнинг “Шинель”, Лев Толстойнинг “Тирилиш”, “Ҳожимурод”, Ф.Достоевскийнинг “Телба”, “Ойдин кечалар” каби қиссаларининг жабрдийда қахрамонлари шундай софдил, содда, жафокаш инсонлардир.

Жаҳон мумтоз адабиётидаги баъзи қиссалар ва романларда софдил, жафокаш, олижаноб одамларнинг душманлари бўлган салбий характерлар биринчи ўринга чиқарилади. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” пентологияси 5-китобида мафия сардорлари, Ҳожиакбар Шайховнинг “Жодугарнинг эри” қиссаида коррупциячилар, Эркин Аъзамнинг “Шоирнинг тўйи”, “Чапак ва чалпақлар мамлақати” қиссаларида сотқин зиёлилар ва мансабдорлар, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” қиссаида текинхўр-юлғичлар, Қахрамон Аҳмаднинг “Хавфли соҳил” романида нарқобизнесчилар ва уларга қарши

курашчиларнинг характерлари тасвирланган. Демак, ижодий ғоя сюжет поэтикасига бадий услуб воситасида таъсир кўрсатади.

Ҳозирги ўзбек насрида реализм ва романтизм руҳидаги маънавий-услубий изланишларда ҳам ҳаёт воқеаси ва характерларни мантикий далиллаш санъати ҳаёт ҳақиқатини ёритишга хизмат қилади. Бу жиҳатдан юқоридаги қисса ва ҳикояларда тасвирланган воқеалар ва кечинмаларни, онг оқимини, ҳаёт ҳақиқатининг характерлар ички дунёсида акс этишини кузатиш қизиқарлидир.

Шойим Бўтаев “Эски арава қиссаси”да адабий макон билан турли адабий замонларни бир-бирига тўкнаштиради. Шойим Бўтаев пародияга ўхшаш бу қиссасида муаллиф баёнида – ровийлигида ва диалогларда ҳам ўша оҳангни танлайди. Ёши улуг ўқувчилар эсласа керак, “Ўлик жонлар” қахрамони Павел Иванович Чичиков ўзи ёқимтой ва сўзга уста, “катталар” – ҳокимлар, министрлар даврасида айланса-да, уйланмайди. Чунки унинг аслида камбағаллигини билиб қолган “катталар”дан бирортаси унга кизини бермайди. Шойим Бўтаев “Эски арава қиссаси”ни шу хабардан бошлайди: “Павел Иванович чуқур ўй-хаёллар оғушида эди. У гоҳ губернаторнинг дилтортар кизини, гоҳ божхонадаги сердаромад хизматини эслаб, энтикиб, хўрсинар, дам уф тортиб, ковоғини уяр эди. Ўзидан зурриёт қолмагани алам қиларди... Коробочканинг қизлари бошини айлантирмаган йигит қолмаган. Плюшкиннинг уруғаймоғи жуда томир отиб кетгани кейинчалик аён бўлди. (Бу кейинги вақтда хасис одамлар кўпайиб кетганига ишора). Ноздревнинг забардаст ўғилларини-ку қўяверасиз. Маниловнинг эваралари пошшолик хизматида эмиш. Собакевич, Петух-Сетухлар...”

Қиссада Чичиковнинг иккита хизматкори – Селифан ва Петрушкалар қаердадир ичиб, маст бўлиб хўжайини олдига келадилар. Чичиков қойийди:

- Қаллаи саҳарлаб қаёқдан уриб олдинг, чўчкатумшук?
- Меҳмонлар келишган экан...



– Қанақа меҳмонлар?

– Кўчада қолишган экан, отхонадан жой қилиб бердим.

– Шундоқ кенг мамлакатда ким кўчада қоларкан, хароми? –

Павел Ивановичнинг ватанпарварлик хис-туйғулари бениҳоя озор еб, ғазабланди.

– Ўшалар билан қиттак-қиттак отдик. Ўзлари олиб келишган экан, – Селифан гапни чалғитди.

– Отмай ҳар нарса бўл, газанда. Улар қаёқдан экан?

– Билмадим-а...

– Ароғини ичасану, кимлигини сўрамайсанми?

– Билиб келайми?

– Йўқол! Отларни тақалат.

– Бу лаънати шаҳарда бирортаям темирчи йўқ экан. Устахонани сўрасам, устимдан қулишди...

Мана шу ҳолат замонлар алмашганини кўрсатади. Орадан юз эллик йил ўтган, шаҳарда машиналар, автобуслар бор, ҳеч ким икки от кўшилган ўз аравасида юрмайди. Шу сабабли шаҳарда отларни тақаловчи темирчилар йўқ.

Аммо ҳажвнинг қаймоғи энди чиқади. Селифан бир оздан сўнг аввалгидан ҳам мастроқ аҳволда келади. У билиб келибди: меҳмонлар Ўзбекистондан экан...

Н.В.Гоголь 1852 йилда вафот этган. 1865 йилда чор Россияси Туркистонни, Қўқон ва Хива хонлиқларини босиб олганлигини, 1917 йилда шўролар диктатураси собиқ Туркистонни мустамлака қилиб, бешта республикага бўлиб, барчасида ҳукмронлик қилаётганини, бу республикаларга бирорта рус меҳмон бўлиб борса, подшодай кутиб олишларини, булар Москвага борганида эса, меҳмонхонадан жой берилмай, отхонага жой қилиб беришларини Гоголь ҳам, унинг қаҳрамони Чичиков ҳам билмас эдилар-да. Асарда адабий макон Ўзбекистонга кўчади. Адабий замон шўролар замони. Тахминан 1984 йил.

Кейинги тасвирларда ҳажв-сатира янада кескинлашади. Қутилмаганда Селифан хўжайинга тик қарайди. “Павел Иванович, мен сиздан кетаман!” дейди. Хўжайин “Тушунмадим?” дейди.

Шойим Бўтаев бундан 150 йил аввал Н.В.Гоголь бошлаб тасвирлаган воқеликнинг бир парчасини ўз киссасига кўчирар экан, адабий қаҳрамон Павел Иванович Чичиковни ҳаётга, воқеликка кўчириб, ўзи ҳақидаги, ўзи излаб юрган ўлик жонлар ҳақидаги романини ўқимаган қилиб кўрсатади. Чичиков ўз ижодкори Гоголни “қандайдир жинлар ҳақида ёзадиган” қаламкаш деб элас-элас эшитганди”. Аммо у (Чичиков) мабодо ўз араваси ҳақида романдаги икки мужикнинг баҳсини ўқиса, ҳайрон қолган бўларди.

“Эски арава киссаси” муаллифи Гоголь романидан яна шу парчани келтиради:

“Вой-бўй, – деди мужиклардан бири иккинчисига, – ғилдирагига бир кара-я! Сенингча, қалай, шу арава Москвагача борса, ғилдираги чидайди?” Иккинчи мужик “Чидайди”, деди. Сўнг: “Менимча, Қозонгача боришга чидамас-а?” Биринчи мужик: “Ҳа, Қозонгача боришга чидамас”, деди. Шойим Бўтаев Н.В.Гоголь романидан келтирилган шу кичик парчани айтиш услубда давом эттириб, айтадики: “Мужик деганлари содда халқ-да! Овсар десаям бўлаверади! Сал-пал узокни кўра олганларида, бу араванинг мустаҳкамлигини, анча-мунча замону маконларни назар-писанд қилмаслигини билиб олишарди. Бу аравани энг зўр ўрис усталари неча йиллар жонларини жабборга бериб ишлашган (*ясашган дейилса аниқроқ бўлар эди – М.М.*). Мужиклар бу арава билан ҳамма ёққа борсаям бўлаверишини билишган; аммо унинг социализм томонга бебилиски ғилдираб кетишини ҳаёлларига келтирмаган бўлишса керак. Москову Қозонгина эмас, кўп жойларга етди бу арава! Мана, ахийри Ўзбекистонга йўл олди”.

Адабий асарда маконларни ва замонларни алмаштириш, учраштириш, бир неча асрлар илгари яшаган инсонларни кейинги замонларга ҳам олиб келиб, янги воқеаларда қатнаштириш, умуман, замон ва маконларни истаганча бирини бирига кўчириш, бу замон ва маконларда ҳаракат қилувчи инсонларнинг руҳий ҳолатлари бошқа замон ва маконга ўтганида ўзгаришларини, эврилишларини кўрсатиш модерн адабиётида ҳам, романтизм адабиётида ҳам учрайди.






Андижонлик шоир Қобил Мирзо яхши ғазаллар ёзиш билан бирга, яқинда “Туғилмаган одам қиссаси” детектив-саргузашт романини эълон қилди. Романда ҳар қандай замонда, ҳар қандай мамлакатда учрайдиган, фақат ўзининг ғаразли манфаатини ўйлаб, бошқаларга адолатсизлик, жабр-зулм ўз хайвоний истаклари йўлида яхши одамларни оёқости қилиш, ҳатто вақтидан аввал нариги дунёга жўнатиб юбориши, ҳали туғилмаган боланинг руҳи кўрган манзаралар ички дард ва илҳом билан тасвирланган. Асар минг-минглаб китобхонлар қалбида яхши инсонларга ҳамдардлик, хайрихоҳлик уйғотади (катарсис – санъатнинг асосий вазифаси эканлигини эслайлик), виждонсиз, золим, охиратини ўйламайдиган зўравонларга кучли нафрат уйғотади, бундай разолатларга қўшилмасликка, мардона, ҳалол яшашга, бунёдкорликка чақиради.

Алишер Ибодиновнинг “Деразангни чертганида ёмғиру шамол” асарида шўролар давридаги ижтимоий муҳит таъсирида, айнаи вақтда халқимизнинг баъзи вакиллари инсон қадрини баланд қўювчи минг йиллик маънавий анъаналаримизни унутгани оқибатида ҳатто бир оила аъзоларининг – эр, хотин, ука ўртасида ахиллик ўрнини адоват, душманлик олгани ҳаққоний тасвиқланади. Ёзувчи асарини ўткир сюжетли детектив жанрининг лартларига кўра, воқеанинг охиридан – бош қаҳрамонлардан бири Абдумўминнинг ўлиги Сарсонкўч адирлари ўртасидаги, ёмғир, сел йўлидаги чуқур ўзандан топилгани билан бошлайди. Қизиғи ва фожиалиги шундаки, аввал ўликнинг фақат боши топилади. Бу бош шу адирда деҳқончилик қилаётган яхши одам, илғор фермер Эсон аканинг йўқолиб қолган укасининг боши бўлиб чиқади. Эсон ака даҳшатга тушади.

Ёзувчи воқеалар содир бўлаётган вақт ва маконни жуда равшан, тиниқ тасвирлайди: “Хиёл ўтмай, сийрак ёмғир кучли жалага айланди. Осмондан пакирлаб (челақлаб) қуяётгандек жала Сарсонкўч қирлари елкаларини роса савалайди. Қирлар сатҳини эндигина кўқартирган ҳали заиф, майин, ёш шувок,



янтоқ, бурган, исирик тўпларини ерга ёпиштириб ташлаб, қир тошларини астойдил ювиб ялтиратган жала кучайгандан-кучайди... Кўп ўтмай қирларнинг ораликлари, жарсимон чуқурликлар тепадан шовуллаб тушган ёмғир сувларига тўлди. Ҳосил бўлган кичик-кичик ирмоқлар бир-бирига қўшилиб, икки баланд қир орасидаги эски сел ўзанига интилди...”

Тасвир беҳуда келтирилмаган. Бу табиат фаолияти. Ёзувчи шу билан параллел равишда инсонларнинг минг йиллик чўлларда, тошлоқ қирларда боғлар бунёд этиши билан боғлиқ ижобий фаолиятини тасвирлайди. Аммо худди шу бунёдкор инсонлар ўзларининг тирикчилиги учун, фарзандларининг ризқ-насибаси учун фидокорона меҳнат қиладилар-у, ўзларининг инсонлигини, покиза иймонини сақлаб қолиш учун уринмайдилар. Агар шу жазирама, тошлоқ чўл, қирлар тасвири, қирларнинг устки қатламини ювиб, кўчириб кетган жала тасвири бўлмаса, фожиавий қаҳрамон Абдумўминнинг ўлиги топилмас эди. Топилганидан кейин прокуратура ходимлари томонидан тергов бошланиши табиий. Туман прокурори – ёш бўлса ҳам мураккаб жинойтларнинг айбдорларини тез топа олувчи моҳир бошлиқ Олимжон Ҳайдаров етакчилигидаги гуруҳ аъзолари фермер Эсон аканинг ўлдирилган укаси Абдумўмин бошининг танасини ҳам, яна ёш бир аёлнинг танасини ҳам топдилар.

Ёзувчи сир сақлаш услубидан фойдаланиб, арқонни узун ташлаб қўяди. Жинойт сабабларини ва айбдорларини очишга шўшилмайди. Айни вақтда бу жинойтда илғор фермер, яхши одам Эсон ака ҳам, унинг хотини ҳам, Абдумўминнинг Тошкентдаги собиқ хотини, обрўли, атоқли ишбилармон аёл, “Мунира” фирмасининг бошлиғи Мунира Камолова ҳам, тергов гуруҳи аъзоси, ўз хузурида аввал юз берган учта жинойтни очолмаган капитан Болтабоев ҳам шубҳа остига олинади. Асарнинг фазилатларидан бири, энг муҳими шундаки, ёзувчи бошқа б'ъзи детектив-саргузашт асарлардаги каби одам ўлдириш каби жинойт тарихини тасвирлашни асосий мақсад қилиб қўймайди. У машаққатлироқ, олижаноброқ

йўлни танлайди. Алишер Ибодинов мазкур жиноят билан тақдирлари боғланган, мутлақо бошка шаҳарларда яшайдиган, юзаки қарашда бир-бирига мутлақо алоқасиз кўринган одамлар – собиқ прокурор Камол ака Тошкентнинг энг бадавлат, обрўли одамларидан; у Андижонда бир вақтлар туман прокурори бўлиб ишлаб турганида эр-хотинлар жанжалини кўриб чиқаётганида савдогар Мўйдин (*Мухиддин*) Холматовни каматиб юбориб, унинг чиройли, ёш хотинига ўзи уйланиб олган. Савдогар Мўйдин Холматов ҳам тоза одам эмас. У хотинбоз. Биринчи хотинини иккита ёш боласи билан ташлаб кетиб, янги хотин олган. Биринчи хотини икки боласи билан тақдирга кўниб яшайверганида, эхтимол, ўзи ва фарзандлари униб-ўсиб, яхши яшаши мумкин эди. Аммо у эридан кўп нарсалар ундириш учун ҳадеб аризабозлик қилаверган. Шу сабабли Мўйдин ундан қутулиш учун пулнинг кучи билан собиқ хотинини икки фарзанди билан уйида ёнғин чиқариб ўлдириб юборди, деган айблов билан 15 йилга қамалиб кетгани айтилган. Мана шу ўринда муаллиф қора бўёқларни анча ошириб юборган кўринади. Мўйдиннинг бу қадар ёвузлик қилишига ишониш қийин. У қамокларда бир неча марта ўтириб келган бўлса ҳам, айникса, иккита ёш болани аяши керак эди. Нахотки, инсон ўз фарзандларини онаси учун ёкиб юборса? Бунга ишониш қийин. Тўғри, пулга бутун дунёни сотиб олса бўлади, деб виждони, иймонини пулга алмаштирган кимсалар ҳозир ҳам учраб туради. Лекин ҳар қанча ёмон бўлса ҳам, одам ўз фарзандларини ўлдиришига ишониш қийин.

Рашк шундай балоки, у жуда ёмон фожиаларга олиб келади. Тўғри, Алишер Ибодинов аёлни ва унинг фарзандларини Мўйдин ўлдирди, демайди, эхтимол у тухмат билан қамалгандир? Эхтимол, аёл рашк устида собиқ эрим азобда яшасин, деб ўзини ва фарзандларини ўзи ёкиб юборгандир? Агар шундай бўлса, ёзувчи бу аёлнинг характери, табиатидаги мана шу жаҳолатни руҳий таҳлил билан далиллаши зарур эди. Аммо ёзувчи фермер Эсон ака билан унинг кенжа укаси Абдумўмин ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ руҳий

ҳолатларни анча теран, қиёмига етказиб тасвирлайди. Ота-онадан ёш етим қолган бу ака-укалар аввал бир-бирига меҳрибон эди. Эсон ака оиланинг кенжаси бўлган бу укасига етимлиги билинмасин, деб ота ўрнида ҳам меҳр-мурувват кўрсатар эди. Лекин Эсон ака уйланиб, ўзининг болалари кўпайди. Аксига олиб, келин феъли тор чиқди. У эрининг укаси, юввошгина Абдумўминга душманлик қила бошлади. Каттарса бўлса ҳовлига даъвогар бўлади, деб уни уйдан йўқотиш пайига тушди. Юввошгина, беозоргина етим бола Абдумўмин аста-секин ярамас аёл – келинойисининг ҳақоратларига тенгма-тенг жавоб берадиган ўжар йигитга айланди. Унинг беозор кўнглида ёвузлик куртаклари уйғонди. Аммо ҳаёт, тақдир бу етимчага кулиб боқди ҳам. У армия хизматида темир йўл соҳасида ишлагани кўл келиб, йўлланма билан Тошкент темир йўл инженерлари институтига ўқишга қабул қилинди. Бу ерда у талаба қизларнинг сараси, прокурор (*Камол аканинг*) қизи Мунирага уйланди. Келажаги порлоқ муҳандис, яхши раҳбар бўлиб етишаётганида хотини Муниранинг уни камситишлари жонига тегиб, ичишга берилиб кетди. Мунира икки ўғлини отасини менсимайдиган олифта йигитлар қилиб “тарбиялади”. Ичкилик туфайли тубанлашган Абдумўмин ҳалиги фоҳишанинг гапига кириб, Муниранинг отасидан қолган жуда катта меросга даъвогарлик қилиб, судлашмоқчи эди. Асар сюжетининг барча перипетиялари, кескин бурилишлари, қаҳрамонларнинг руҳиятидаги жуда кўп мушкул ҳолатлар ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Энг муҳими шундаки, ёзувчи аввал софдил, яхши бўлган одамларнинг моддий бойликларини, мол-дунёни, пулни деб одамийликдан бегоналашуви жараёнини Ғарб экзистенциалистларидан қолишмайдиган даражада, руҳий таҳлиллар орқали кўрсатиб беради.

Хуршид Дўстмуҳаммад “Жимжитхонага йўл” ҳикоясида италян ва ўзбек йигитлари софдил инсон сифатида ўхшаш эканлигини, лекин ўлимга муносабатда менталитетида, руҳиятида фарқлар борлигини кўрсатади. Ҳар иккала ҳикояда нозиктаъб ўқувчининг кўнглида элас-элас, бу кулай оромгоҳлар

– шифохона эмас, балки қандайдир “гамма-нурлар” ёки бошқа препаратлар одамларда синаб кўриладиган тажрибахона бўлса керак, деган ғира-шира таассурот уйғонади.

Муаллифнинг ўзи ҳам бу ҳолатларни ақл билан эмас, кўнғил, интуиция билан ҳис этади. Бу фантастик воқеликка ўхшаса-да, ҳар икки ҳикояда бемор билан ҳамширалар ўртасидаги меҳрли муносабатлар ҳаётий, ҳаққоний тасвирланган. Ҳар икки беморнинг уyiдагилари, аёли, фарзандлари чекаётган изтироблар, уларнинг беморни кўришга ҳақсизлиги, соппасоғ шифохонага келган одамни улар қайта тирик кўрмаслиги ҳикоя ортида сезилиб туради. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл” асари чиндан ҳам ажойиб ижодий тажриба. Бу икки ҳикоя – чет эл ҳикояси билан адибнинг ўз ҳикояси бирлашиб, ғаройиб қиссани ҳосил қилган.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Оқимга қарши... оккан гул” ҳикояси ҳам унинг ноанъанавий, янгича, сирли услубдаги асарлари сирасидан. Бу ҳикояда япон мумтоз адиби Акутагаванинг ижодий таъсири сезилади.

Аввалроқ бир неча романлари билан танилган адиб Баҳодир Худойберганов янги асари – “Ой нурлари сўнмайди” романида воқеалар экспозицияси – дастлабки ҳолати ва сюжет тугунларини Хоразм қишлоқларидан биридаги софдил, ҳалол, фозил инсонларнинг феъл-атворини, ўзаро муносабатларини тасвирлашдан бошлайди. Баҳодирнинг ҳар бир романида бир оила, хонадон, сулола бошлиғининг етук, фозил инсон сифатидаги ҳаёт йўли тасвирланади. “Ой нурлари сўнмайди” романида Сафарниёз отанинг Иккинчи жаҳон уруши жанглирида баданида ўқ парчаси қолгани туфайли чеккан азоблари, шунга қарамай, фарзандларини яхши инсонлар қилиб вояга етказгани очилади. Сафарниёз отанинг фарзанди Комилжон меҳнатсевар, софдил, фақат яхшилиқни ўйлайдиган ва ота-бобаларининг хайрли удумлари, анъаналарига амал қиладиган йигит. Қишлоқда, далада ва тўй-томошаларда ўз ишига моҳир, барчанинг оғирини енгил қиладиган тракторчини халқ албатта ҳурматлайди, яхши кўради. Унинг болалиқдан бирга ўсган

дўсти, энди эса бригадир Ҳайдархон ҳам инсоний фазилатлари билан барчанинг хурматига сазовар. Куч-ғайратга тўлган бу йигитлар меҳнат қилишни ҳам, меҳмондорчиликларни ҳам ўрнига қўядилар. Буларнинг аёллари ҳам аҳил дўст, ўртоқ. Эрларининг кўнглига қараб, уй-рўзгор ишларини қойил қиладилар.

Сафарниёз ота ўлим олдидан ўз ўғли Комилжонга ва дўстининг ўғли Ҳайдаржонга фарзанд кўрсаларинг қариндош ту-тининглар, деб васият қилади, оқ фотиҳа беради. Комилжон ўғил, Ҳайдаржон киз кўради. Булар ота васиятига садоқат билан фарзандларини болалигидаёқ бир-бирига атаб, вояга етганида никохлашга аҳд қиладилар. Йигит – Каримжон паҳлавон бўлиб, киз – Гулнора париваш бўлиб ўсади. Буларнинг тўйини ўтказиш яқинлашади. Ёзувчи қизнинг йигитга муҳаббатини, қишлоқ қизларига хос одоби, назокатини равшан тасвирлайди. Каримжон қизни хурмат қилади-ю, лекин уйланишга кўнмайди, ёш уйланиш ўқишни олий даргоҳда давом эттиришга тўсқинлик қилади, деб ўйлайди. Фожианинг тугуни шу ерда бошланади. Ота, она, кадрдон дўстлар ўртасида фарзандлари туфайли совуқчилик тушади. Доно қариялар буларни келиштириб, йигитни ҳам, қизни ҳам ўқишга юбордилар. Пойтахтда эса уларни бахтсизлик кутади. Каримнинг айби, бепарволиги билан Гулнора бахтсизликка учрайди – жаҳолатдаги шаҳар аҳолисига ўхшаш ҳаёт кечирувчи одамлар чангалига тушади. Адибнинг бадиий маҳорати шундаки, у Париж каби катта шаҳар – пойтахт ҳаётини бор ҳақиқати, мураккабликлари билан тасвирлайди. Қаҳрамон – Карим мафия таъқибидан қочиб, Афғон урушига бориб қолади.

Адиб шундан сўнг асосий қаҳрамонларининг тақдирини мафиялар фаолияти билан боғлайди. Афғонистонда бизнинг ватанимизга яширин олиб келинаётган наркотик моддалар савдоси билан мол-дунё орттирувчи, залолатдаги одамларни, уларга қарши курашувчи давлат хавфсизлиги ходимларининг фидокорона фаолиятини ҳаётдагидай, табиий ҳолда тасвирлайди. Бозордаги мафиячилар ҳам яхши очилган. Романда бор хусну, малоҳатини, ақл-заковатини жиний йўл билан мол,

дунё, мансаб, обрў, ҳокимиятни эгаллашга сарфловчи гўзал аёлларнинг феъл-атвори, табиати, рухияти ҳам яхши очиб берилган. Асарда жинойтчиларга раҳбарликни яхши кўрувчи чиройли жувон – Хадича, Бегойим, унинг ракиблари Аббос, Султонбек, буларнинг югурдаклари – Тулки, Қоратой, Тўнка, кишлокдан юксак орзулар билан пойтахтга келиб, мафия чангалига тушиб, фоҳишалик йўлига кириб кетган Саломатхон тақдирлари равшан тасвирланган.

Адибнинг маҳорати яна шундаки, у жинойтчилар оламини фақат карикатура шаклида, нуқул қора бўёқларда чизмасдан, уларнинг ўзларига хос мардлиги, тангилиги, одамгарчиликларини ҳам яширмайди.

“Ой нурлари сўнмайди” романида адиб жамиятдаги ана шу адашган тоифаларнинг яшаш тарзини, айш-ишратларини, ўзаро рақобатларини муфассал ва равшан, ҳаққоний тасвирлайди. Хадичанинг пойтахтдаги катта ресторанга аввал директор ёрдамчиси бўлиши сўнг раҳбарни ағдариб, ўзи раҳбарликни қўлга олиши, мафиячи бойлар, олифталар, эркатойлар учун махсус хоналарда алоҳида дастурхон ёзилиши, бош қаҳрамонимиз Каримжон раҳбар аёлга тансоқчи бўлиб ишга ёлланиши (у афғон урушида десантчилар бошлиғи эдида), қаҳрамонимиз айни вақтда давлат назорат ташкилотида хизмат қилиши, мафиячиларнинг жинойт устида қандай қўлга олиниши асарда жуда муфассал ифодасини топган.

Ёш адиб ҳозирги ўзбек насрида детектив, саргузашт жанрида ижод қилиб, бу соҳанинг етук вакиллари Омон Мухтор, Тохир Малик, Асад Дилмурод, Алишер Ибодинов, Тилаволди Жўраев, Саид Равшан, Қаҳрамон Аҳмад ва бошқаларнинг изидан бормокда.

Табиийки, Омон Мухтор ижодида сюжетдаги кескин бурилишлар билан айни вақтда инсон руҳиятининг ботиний, сирли оламлари теран очилади. Унинг “Кўзгу олдидаги одам”, “Минг бир қиёфа”, “Фу-у!”, “Майдон”, “Афлотун” романлари бадиий ва руҳий теранлиги билан жаҳон адабиётининг яхши асарлари билан бўйлаша олади. Омон Мухтор романлари тез ёзилса ҳам, уларда руҳий олам сирлари яхши очилган.

Баходир Худойберганов ҳам эндигина адабиёт оламига кириб келмоқда. Ҳали у юксак ижод сирларини ўрганиши, ўзи учун кашф этиши керак. Аммо у бадий маҳоратда етишмаган ўринларини халқнинг миллий ҳаёти, миллий руҳияти, миллий анъаналарини синчковлик билан ўрганиш ва энг муҳими инсонпарвар, софдил, айнамаган, боладай беғубор, табиийки, ватанни, эл-юртни самимий ҳурмат қилувчи одамларнинг руҳий оламига катта эътибор бериши билан тўлдиришга интилади.

“Ой нурлари сўнмайди” романида салбий образлар ҳам жонли инсонлар сифатида тасвирланганини юқорида айтдик. Фикримизнинг далили сифатида куйидаги манзарага эътиборингизни тортамиз. Сохта доллар чиқариб, мамлакат иктисодиётини бузаётган “Дода” лақабли бойвачча, яна бир мафия бошлиғи арзанда қизи Орастани яхшироқ хонадонга турмушга узатолмай боши қотади. У янги “шогирд”и Каримга меҳр қўйиб қолади, уни куёвликка танлайди. Шу ният билан йигитни ўз ҳовлисига меҳмонга чақиради. Меҳмон “бой ота”нинг боғини кўриб ҳайратга тушади. Ҳовли эгаси айтишича, боғдаги мевали дарахтлар ва анвойи гулларни ўз қўли билан эккан. Боғбончиликни яхши кўради. Айтишича, отаси катта боғбон бўлган, бу асли Наманганнинг Олмос қишлоғидан экан. Наманган боғлари ва боғбонлари дунёга машҳур.

Мафия бошлиғи туғилган қишлоғи ҳақида ҳавас ва соғинч билан гапиради:

- Тоғли, баҳаво жой. Менинг суягим меҳнатда қотган, укам.
- Санъатингизга қойил! – Каримжон ҳаяжонини яшира олмасди. – Қўлингиз дард кўрмасин, Дода.

Бу – жиноятчи (мафия бошлиғи) ва қонунчилик идорасининг махфий ходими ўртасидаги суҳбат. Булар бир-бирига душман. Лекин йигит Доданинг ҳалол меҳнатини, қўли гуллигини ҳурмат қилади. Китобхон кўнглида савол туғилади: “Дода шу боғбонлик санъати билан бой-бадавлат яшаса бўлади-ку?” Тўғри савол. Лекин мол-дунёга муккасидан кетганлар ҳалол яшашдан воз кечиб, қаллоблик билан бойлигини кўпайтиришга уринар экан. Лекин ўғли йўқ. Ёлғиз





кизининг “айниб”, ёмонларга қўшилиб кетишидан кўрқади. Ўзи эса “ёмонлар”га қўшилиб бўлган, сохта доллар сотиб, бойлик орттиради. Романда тасвирланган виждони, иймони ни мол-дунёга, дабдабали, хузур-ҳаловатли ҳаётга, пул, мансабга алмаштирган одамлар ҳам ўзларини жуда ақлли, нодир инсонлар деб ҳисоблайдилар, аслида эса, имом Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий айтганидек, ҳайвоний руҳининг истаклари билан яшайдилар. Аммо роман муаллифи кўрсатганидай, шу ёмон одамлар ҳам барча ота, она каби ўз фарзандларининг шармандали ишлар қилишини истамайдилар. Мафия бошлиғининг хотини Шаҳризода бону ҳам ёмон одам эмас, оилага садоқатли, гўзал аёл. Буларнинг арзанда қизи Ораста эса “сепкил юзли, ўйноки кўзли, хушчақчақ киз” экан. Зиёфат тугагунча бир гапириб, ўн кулиб ўтиради... Унинг енгилтаклиги ҳам табиий тасвирланган. Салбий қаҳрамонларни мураккаб ҳолда, бор ёмонлиги ва яхшилиги билан тасвирлаш қобиляти Баҳодирнинг келгусида яхши адиб бўлиб етишувига умид уйғотади.

Аввал таникли болалар шоири бўлиб, кейин катта бадий проза майдонига ўтган Одил Абдурахмоннинг “Ўлиб тирилганлар” романида ҳам жаҳон реалистик прозасининг яхши аънаналари кўзга ташланади. Аввало, асарда жамиятда таъсири кучлилардан бўлган жиноят кидирув бўлими комиссари (шаҳар номи айтилмаган, лекин Ўрта Осиё шаҳарларидан бири, адабий макон, лекин ўзбек шаҳарларига ўхшайди) Камол характери жонли ва равшан тасвирланган. У билимдон, тажрибали, ўз касбининг фидойиси, лекин идеал, етук инсон эмас. Ажойиб фазилаглари жасурлиги, мардлиги, уддабуронлиги, сўзга чечанлиги билан айни вақтда кўпчилик замондошлари қатори тубан майл, истаклари ҳам бор. У сирли бир олим, мўъжизакор шифокор Иброҳим Аҳмаднинг жиноятини фош этишга уринади. Доктор Иброҳим авария, фалокат вақтида ўлган одамларни ўзининг ўта замонавий лабораториясида турли омон қолган аъзоларини, бировнинг танасига бошқа бировнинг бошини улаб, мохирона муолажаси билан ҳаётга қайтиради. Ўлганлар

ҳаётга қайтса ҳам, ҳал қилиш қийин муаммолар туғилади. Тирилган одам (аёл ҳам, эркак ҳам) боши бошқа одамники, юраги бошқа одамники бўлгани учун характери, феъл-атворида мураккаб зиддиятлар туғилади.

Асар сюжети учун танланган ҳаёт воқеаси типик эмас (яъни бундай воқеалар ярим ҳаётӣй, ярим ҳаёлий), аммо жуда кизиқарли ва ҳаяжонли. Унда қисман Герберт Уэллснинг “Доктор Моро ороли” ва Александр Беляевнинг “Амфибия-одам” романлари мавзуига ўхшашлик сезилади, аммо Одил Абдурахмон романида шарқона миллий руҳ бор. Асар қаҳрамонлари – моҳир изкувар, ҳам муҳим топшириқни аъло ўтовчи, ҳам ҳузурини кўзловчи капитан Камол Эргашев, ҳаётини илм-фанга, яхшиликка бағишлаб, кашфиётлар очувчи истеъдодли шифокор – жарроҳ Иброҳим Аҳмад, унинг устози Хурсанд Кимёгаров, меъмор Ҳасанали, хотирасини йўқотиб, сўнг топган олим Нозим Юсуфӣй, келажак авлод вакили Ғойиб Ўрмонов жонли, ёркин характерли инсонлар.

Ўзбек саргузашт адабиёти Истиклол даврига келиб янги босқичга кўтарилди, бу адабиёт шўролар даврида ман қилинган мавзуларнинг акс этиши, янгича талқинлари билан бойиши ҳисобига нафақат мазмун жиҳатдан, балки шакл жиҳатидан ранг-баранглашди. Жаҳон адабиётидаги илгари бизга етиб келмаган асарларнинг ўзбек тилига таржима этилиши билан ўзбек саргузашт адабиётига янги йўналиш тенденциялар, образ ва талқинлар кириб келди ва адабиётимизда жаҳоннинг машҳур детектив ва саргузашт асарлари билан беллашиши мумкин бўлган асарлар туғилишига умид уйғотади.





# Хуршид ДУСТМУҲАММАД

(1951 йилда туғилган)



---

## МИЛЛИЙ ҲИКОЯ: ИЗЛАНИШЛАР, ЮТУҚЛАР, ИСТАКЛАР

Ҳар қандай бадиий ижод турида “жанр” тушунчаси бор. Ҳар бир жанрнинг ўзига хос киёфаси ҳам бор. Ҳар киёфанинг ташқи ва ички аломатларини санаб адоғига етиш қийин. Мисол учун, бир-бирига жондош ва қондошдек ҳикоя, қисса, роман киёфасидаги ўхшашликлар ва тафовутлар ҳақида истаганча мулоҳаза юритиш мумкин. Бу жанрларга хос типологияни фарқламай туриб, муайян жанрга мансуб асар яратиш ҳам, унинг назарий масалалари хусусида мулоҳаза юритиш ҳам тўғри эмас. Фақат, парадоксни қарангки, ҳар қандай жанрнинг пайдо бўлиши, тарихи, шаклланишидан тортиб, унинг зоҳирий ва ботиний эволюциясидаги ўзига хосликлар ҳамиша баҳс-мунозараларга тўлиб-тошиб ётади. Бундай “бебошлик”ка барҳам бериш қасдида қаламни тигга айлантириш ҳолатлари кўп бўлган тарихда, бироқ масала ҳамиша очик қолаверган, чунки ҳар қандай залворли ва қудратли қарашлар, ҳукм-хулосалар тўлқини бадиий ижод табиати, бадиий тафаккур қонуниятлари қояларига келиб урилиб, денгиз тўлқинлари янглиғ айқириб-кўпириб ортга чекинаверган. Бундай кечмишлар ҳикоя жанрининг бошига ҳам не қунларни солма-

ган дейсиз, бироқ улардан қатъи назар ҳикоя бадиий ижоднинг, сўз санъатининг ўзига хос мўъжаз мўъжизаси бўлиб қолаверди. Таъбир жоиз бўлса, театрнинг бир парча сахнаси ёхуд газета-журналнинг шапалоқдек саҳифаси бутун дунёни ўзида жо этиш имкониятига эга бўлганидек, ҳикояда ҳам исталган мавзунини исталган қамровда, исталган мураккабликда тасвирлаш мумкин. Зеро, бу мўъжаз мўъжизанинг қамров доираси, имкониятлари дунё янглиғ бепоён, ҳадсиз-сарҳадсиздир.

Замонавий миллий ҳикоячилигимиз ҳақида сўз юритаётиб уч муҳим жиҳатни тилга олмағимиз лозим. Биринчидан, замонавий реалистик ўзбек ҳикоячилигининг ўқ томири халқ оғзаки ижоди намуналарига, шунингдек, қадимий мумтоз адабий меросларимизга, жумладан, Рабғузий, Амирий, Навоий, Бобур, Хожа, Гулханий, Анбар Отин ижодида алоҳида ўрин тутган насрий асарларга бориб тақалади, бу ҳолат мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилган. Иккинчидан, миллий ҳикоячилигимизнинг яна бир ўқ томири Бокқаччо, Сервантес ва Эдгар По сингари адиблар асос солган ҳамда турли миллат ҳикоячилиги намояндалари томонидан неча юз йиллар мобайнида давом эттирилган ҳолда бунёд этилган жаҳон ҳикоячилиги мактабидан бевосита баҳраманд эканлигини ҳам таъкидламоғимиз лозим. Учинчидан, бир асрлик тарихга эга ўзбек миллий ҳикоячилиги шу давр мобайнида жуда катта шаклланиш, юксалиш йўлини босиб ўтди, ўз киёфаси, ўз маҳорат мактабини яратди, янада муҳими, ўзбек ҳикоячилиги жаҳон ҳикоячилигининг ажралмас ва салмоқли саҳифасини ташкил этадиган даражага кўтарилди.

Буюк ва бетакрор Фитрат, Абдулла Қодирий ва Чўлпон томонидан XX асрнинг 20-йилларида яратилган кўплаб асарлар нафақат миллий адабиётимизда реалистик наср (жумладан, ҳикоячилик)нинг тамал тошини қўйган тарихий воқеа сифатида, балки бадиий юксаклиги билан ҳам ҳамон ўз кадр-кимматини йўқотмаган.



Мавзу, сюжет, конфликт, қахрамон, тил, оҳанг, услуб, детал, кульминация, ечим... буларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш орқали ҳикоя ҳақида мулоҳаза билдириш, хулоса чиқариш мумкин. Лекин бу соф адабий-бадий унсурлар адиб бадий тафаккурида мужассам топади. Зеро, булар – ижодкор бадий тафаккурининг хомашёлари ҳисобланади. Шу боисдан ҳам қайси “хомашё” таҳлилга тортилмасин, мулоҳазалар бадий тафаккурга бориб такалаверади. Бадий тафаккур ҳар қандай муаллиф учун бор истеъдод ва маҳорат жилосию жилвасини намоён этадиган кўрғони, кошонаси ҳисобланади. Худди шу нуқтаи назардан ёндашилса, гарчи ҳикоя нисбатан кичик ва ихчам жанр ҳисобланса-да, муаллиф бадий тафаккурига доир кузатишлар бутун бир миллий адабиёт ҳақида, унда кечаётган жараёнлар, тенденциялар ҳақида, ҳатто муайян миллий бадий тафаккур кўлами, микёслари хусусида умумлашма хулосалар чиқариш имконини беради. “Бирон давр, – деб ёзади Абдулла Қаҳҳор, – бирон халқ адабиётининг тараққиёт даражасини, унинг маҳорат кучини ёзувчиларнинг миқдори, нашр этилган китобларнинг сони эмас, унда яратилган образлар, китоб саҳифаларида яшамокда бўлган “адабий аҳоли”нинг сони ва салмоғи белгилайди”. Тўғри ва ўхшатиб топилган ибора, “адабий аҳоли” ҳам бадий тафаккур биносининг муҳим хомашёларидан бири, холос, қолаверса, бу “аҳоли”нинг сон ва салмоғи ҳам моҳиятан ижодкорнинг бадий тафаккури меваси, ҳосиласидир.

Ўзбек ҳикояси вужудга келган пайтларидан мустабид адабий муҳит шароитларида яшади. Шунга карамай, ҳикоя “аҳолиси”нинг сони ва салмоғини яратишда тинимсиз изланиш, шаклланиш ва улғайиш жараёнлари тўхтаб қолмади. Бу, биринчи навбатда, бадий тафаккур мўъжизаси эди! Бадий тафаккур ҳодисасининг яшовчанлиги, боқийлиги, енгилмаслиги эди!

Бадий сўз ҳукмрон мафкура хизматчисига айлантирилган шўро давридан бир-бири билан боғлиқ икки муҳим хулоса қолди. Биринчиси, боқий кадриятлар долзарб (ўткинчи десак ҳам адашмаймиз) кадриятлар қурбонига айлантирил-

ган муҳитда бадиий тафаккурнинг эркин парвоз имконияти чекланади ёки буткул ундан маҳрум бўлади. Иккинчиси, ҳар қандай нораво муҳит ва шароитда ҳам боқий кадриятлар ўткинчи кадриятлар қурбонига айланмаслик учун курашади, реалистик ўзбек ҳикоячилиги мисолида айтиладиган бўлса, чинакам бадиий ҳақиқат ва кадриятлар ҳар қандай истибод шароитида ҳам ўз мавқеини сақлаш йўллариини излайди ва топади. Муҳтарам Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деб номланган мурожаатномасидаги куйидаги сўзлар шу борада жуда чуқур маънога эга: “Шуни айтиш жоизки, – деб ёзади Президент, – аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узок йиллар ҳукмрон мафкура руҳида ижод қилган. Лекин яна бир ҳақиқат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум ғояларини сўзда маъқулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни қабул қилмаган”. Мазкур фикр барча санъат асарларига, жумладан, ҳикоянавис адибларимиз ижодига ҳам бевосита тааллуқлидир. Қолаверса, эътиборли жойи шундаки, қайси даврда яшаганидан қатъи назар атоқли адибларимизнинг бирортаси ҳам ўз ижодида ҳикоя жанрини четлаб ўтмади. Абдулла Қахҳор, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад, Миркарим Осим, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Неъмат Аминов, Фарҳод Мусажонов, Эркин Самандар, Ўткир Ҳошимов, Темур Пўлатов, Маҳкам Маҳмудов, Омон Мухтор, Тилаб Маҳмудов, Саъдулла Сиёев, Ҳожиакбар Шайхов, Тоҳир Малик ва улардан кейинги авлод вакиллари миллий ҳикоячилигимиз равнақи учун астойдил ижод қилдилар.

Шўро даври мафкураси ҳар қандай санъат зиммасига биринчи навбатда тарғиботчилик вазифасини юклади, шу мақсадга эришиш йўлида кўз кўриб қулоқ эшитмаган чоратadbирлар ўйлаб топди. Санъатнинг халқчиллигига эришиш ана шундай тушунчалар жумласидан эди. Яъни, санъат асари, албатта, кенг халқ оmmasига мўлжалланган бўлиши талаб

этилар, юзаки карашда ижобий ҳодисадек туюлган бу талаб талқини амалда шу қадар жўнлаштириб юборилган эдики, бунинг оқибатида юксак бадийлик, услубий изланишлар, ҳаёт ва инсон моҳиятига чуқурроқ кириб боришга бўлган интилишлар, агар у мафкурага хизмат қилмаса, на кадрлар, на-да қўллаб-қувватланарди. Шундай талабларга жавобан яратилган ҳикоялар хирмони катта ва баланд эди. Айни чоғда юксак санъат асарлари даражасига кўтарилган сара ҳикоялар ҳам оз эмасди.

Ҳикоя насрдаги “оға”лари – қисса ва романга нисбатан кундалик ҳаёт, ўтаётган ижтимоий воқелик билан ҳамнафас яшайди. Шу хусусиятидан келиб чиқиб ҳикоя ҳозиржавоб жанр ҳисобланади, унга бугунбоп жанр сифатида қараш шаклланганининг сабаби ҳам шунда. Бундай қарашларни рад этиб бўлмайди, аслида ҳам айни кунларда кечаётган воқелик ҳикоя муаллифи туйғулари-шуури кўзгусида акс этиб туради, ҳикоя долзарб воқелик ҳақида долзарб бадий умумлашма ясовчи ҳаёт барометри вазифасини ўтаётгандек туюлади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳикоя нечоғли бугунга боғланган бўлмасин, у бир оёғи билан мангу ва ўзгармас қадриятларга таянади, бунга у бадий тасвир воситалари орқали эришади, ҳикоя бугуннинг манфаати учун хизмат қилса-да, бадий асар сифатида эртага ўз аҳамиятини йўқотмаслигини таъминлайди.

Миллий ҳикоячилигимизни махсус ўрганган адабиётшунос олима Н.Владимированинг хулосаларига кўра, ўтган асрнинг 30 – 40-йилларида “ҳикояларнинг кўпроқ агитацион характерда бўлиши” кузатилган, 50-йиллар аввалида “инсоннинг ички дунёсига чуқурроқ кириш, воқеалардан кўра характерларга кўпроқ эътибор бериш” асосий йўналишга айланган, кейинроқ эса “ҳикоянинг “жони” бўлган конфликтларни биринчи қарашда пайқаб олиш қийин бўла бошлаган” (Владимирова Н. Ўзбек ҳикояларида ғоя ва образ. Т.: Фан, 1969).

Булар шунчаки хулосалар эмас, балки ҳикоячилигимиздаги тенденцияларнинг тадрижий йўли, йўналиши. “Адабиётдаги янгилик ҳаётдаги янгиликни пайқаб олишдан бошлана-

ди”, деб ёзган эди мамлакатимиз истиқлоли арафасида Иззат Султон. Янгиликни пайқаш, уни идрок этиш, янгича идрок ҳосилаларини ҳаётни янгилашга сафарбар этиш эса тафаккурдан, дунёқарашдан, танқидий-таҳлилий назар-нигоҳдан бошланади. “Жуда оз истиснолардан ташқари А.Қаҳҳорнинг ўтмиш хақидаги яратилган барча машхур асарларининг қаҳрамонлари – мазлумлар. Уларнинг барчалари забонсиз мазлум... Ҳаддан ошган зулмнинг тилсиз гувоҳлари. Шўро адаблари... ҳодисаларни таҳлил қилиб ўтирмайдилар. Таҳлил хатарли эди”, деб ёзганди Иброҳим Ғафуров мустақилликнинг дастлабки йилларида. Бу концептуал хулоса мустақиллигимиз арафаси ва 90-йилларнинг биринчи ярми ўзбек ҳикоячилигининг бутун қиёфасини, қарийб ўн йиллик ҳикоячилигимиз манзараларини кўз олдимизда яхлит гавдалантиради. Зеро, худди шу давр ҳикоячилиги бадиий тафаккур парвози учун сув ва ҳаводек зарур бўлмиш ҳуқуқни – таҳлил этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Инсоният тарихида қайд этилган барча Уйғониш даврларига хос бош хусусиятлардан бири одамлар дунёқарашада шахслашув жараёнининг авж пардасига кўтарилишида ўз ифодасини топган. Ҳозирги ўзбек бадиий тафаккури ўтган асрнинг 90-йиллари арафасида мана шундай паллага кириб келди. Бунинг далили ўларок, ўша давр ҳикояларида қаҳрамон “мен”и тасвир объектга айланди. Конфликт майдони, объекти “мен”га кўчди. Учқун Назаровнинг “Журъат”, Маматкул Ҳазратқуловнинг “Момоқалдирик”, Эркин Усмоновнинг “Муносабат” ҳикоялари қаҳрамонлари руҳиятидаги ўзликни англаш, оддий инсоний нафсониятни ҳимоялаш ҳодисаси портлаш тарзида кечади. Жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида ўзликни англашнинг илк босқичлари такомиллашгани сайин “портловчи” исён ўрнини нисбатан “сокин” англашга мойиллик эгаллай бошлади. Шукур Холмирозавнинг “Ёввойи гул” ҳикояси қаҳрамони Восит, айниқса, Ўқтам Усмоновнинг “Бировга қолган кунинг” ҳикояси қаҳрамони Фаттоҳ Ўлмасбоев образи шу маънода янги ҳодиса эди. Ҳар иккала образ ўзи яшаб



ўтган умрини тафтиш этар экан, қалбида сокин исён ғалаён кўтаради ва бу ўзликни англаш, фахмлаш инсоннинг ҳаётдан мустаҳкам ўрин эгаллашига интилиш истагига айланади. Демак, таҳлил имконияти жисмоний эмас, аклий-шуурий фаолликни кучайтирди, қаҳрамонлар фаоллиги зохирдан ботинга кўчди.

Юкорида “ҳикоянинг “жони” бўлган конфликтларни биринчи қарашда пайкаб олиш қийин” бўла бошлагани ёдга олинди. Бунга ёркин мисол бўла оладиган Асқад Мухторнинг “Чодирхаёл”, Шукур Холмирзаевнинг “Чўлок турна”, Маҳкам Маҳмудовнинг “Мен – мен эмасман”, Мурод Муҳаммад Дўстининг “Дашту далаларда” ҳикояларидаги конфликт чегараларини дабдурустдан аниқлаш қийин, эҳтимол, аниқлаб ҳам бўлмас. Мазкур тўрт асар миллий ҳикоячилигимизда воқеа-ҳикоядан мулоҳаза-ҳикоялар яратиш, Матёқуб Қўшжонов айтмоқчи “ўйчан проза” томон жиддий бурилиш ясади, деб айтиш мумкин. Устоз Умарали Норматов 70-йилларда ёзган “субъектив тасвирнинг кучайиши” тенденцияси 80-йиллар, айниқса, шу ўн йилликнинг иккинчи ярмига келиб ялпи ҳосилга кирди. Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Нодир Норматов, Қамчибек Кенжа, Аблусаид Кўчимов, Шодмон Отабек, Отаули, Нортўхта Қилич Асад Дилмуродов, Ғаффор Ҳотамов, Неъмат Арслон, бир оз кейинроқ Хайриддин Султон, Эркин Усмонов, Алишер Ибодинов, Аббос Саид, Омон Жоркинбоев, Ҳамид Маллаев ҳикояларининг янгиллиги уларнинг шу йўналишда эканлигида эди. Табиий, бир рўйхатга киритилган муаллифларни бадиий маҳорат, тил, услуб, таҳлил ва мушоҳада теранлиги борасида бир рўйхатга мансуб дея олмаймиз. Мисол учун Аҳмад Аъзам таъсир кўлами жиҳатидан ҳикояни шеърга, айниқса, ғазалга қариндош деб билади. Бунда мунаққид ҳикоянинг мантикий-руҳий изчил, жами бўлаклари қовушиб, яхлит мувозанатга мутаносиб бадиий борлик яратмоғи кераклигини назарда тутди. Бордию мазкур баланд мезон талаблари даражасидан келиб чиқиб таҳлил этиладиган бўлса (бу вазифа, яъни турфа бадиий тафаккур микёсларини аниқлаш

махсус қиёсий тадқиқотларни такозо этади), бир рўйхатдаги адиблар ижоди, бадий тафаккури хусусида турфа хулосалар келиб чиқиши жуда-жуда табиий.

Шуни таъкидламоқ зарурки, бадий тафаккурнинг янги-ланиши (соғломлашуви) жараёнлари кўзга ташлана бошлаган кезларданоқ инсонни жўн ва юзаки тушуниш, бирёклама талқин этиш ҳоллари сезиларли даражада камайди. Ҳар қалай, “оқпадарлик – ёмон, ичкиликбозлик, порахўрлик – иллат” сингари “ғоя”лар, насиҳатлар байроқ қилиб кўтарилган ҳикоялар матбуот саҳифаларида камайди. Ишлаб чиқариш мавзуидаги жасоратлар мадҳи ўрнини қаҳрамоннинг шахс сифатидаги камолини излаш-тасвирлашга мойиллик кучайди. Қаҳрамонларнинг ижобий ё салбийлиги мезонлари ўзгарди. Буларнинг бари ҳикоянинг сюжет курилишини, тасвир маромини, конфликтлар табиатини янгилади.

“Мулоҳаза-ҳикоя”, “ўйчан проза”, “интеллектуал наср” намуналари ўзбек ҳикоячилигидаги янги воқелик сифатида эътироф этилиб турган бир пайтда ҳеч муболагасиз фавкулудда воқеа юз берди. Бу – Олим Отахон ва Назар Эшонкул номлари билан боғлиқ воқеа эди!

Назарнинг матбуотда чоп этилган дастлабки “Озод қушлар” ва “Маймун етаклаган одам” ҳикоялари ҳам шаклан, мазмунан, ифода тарзига кўра “мулоҳаза-ҳикоя” сирасига мансуб. Лекин уларнинг мутлақо ўзига хослиги сокин таҳлилнинг шафқатсиз тафтишга ўтишида “ярқ” этиб кўзга ташланди. Бу – ёш адибнинг бадий кашфиёти эди. Ҳикоячилигимиздаги бир тенденциядан иккинчи бир тенденциянинг ўсиб чиқишини кўрсатувчи ажойиб мисоллардан бири эди. Кўпчилик адибларимиз яқин ўтмишни, қаҳрамоннинг ҳаётда босиб ўтган йўлининг таҳлили билан андармон бўлиб турган бир паллада Н.Эшонкул дадилликни қўлга олиб, масъаланинг моҳиятига чуқурроқ разм солишга уринди ва “яхшидир аччиқ ҳақиқат” кабилида иш тутиб, аёвсиз тафтиш йўли янада жозибалироқ, таъсирчанроқ эканини исботлади.



Насрий асарларнинг, жумладан, ҳикоянинг ҳиссий жозибаси, яъни ўқишлилиги масаласига тўхташ фурсати келди. Абдулла Қаххорнинг “Китоб шавқ билан ўкилиши керак” деган сўзлари ҳар қандай давр ижод соҳиблари учун кадрли шиор бўлиб қолаверади. Лекин, чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ким қандай китоб мутолаасидан завқ-шавқ туяди? Ҳар қандай бадий асар тўқимасида ўзига яраша шавқ-завқ миқдори (дозаси) бўлмай иложи йўқ. Кимдир асарнинг (дейлик, ҳикоянинг) ғоясидан завқ туйса, бошқа бир китобхон унинг сюжетидан, маъно-мазмунидан баҳра олади. Ҳикоя учун танланган тасвир оҳангидан завқланадиган, ундаги ҳикматли гаплар ёки кулги уйғотувчи ҳолатлар тасвирига мухлислик қилувчилар, ҳатто теша тегмаган деталлар иштиёкидаги ўқувчилар бўлади. Мурод М.Дўст насридаги беозор киноя, Э.Аъзам ижодига хос тасвирдаги тиниқлик, Х.Султондаги лирик кайфият, А.Аъзам, А.Дилмурод ва Ғ.Ҳотамдаги батафсиллик, ҳатто А.Мамарасуловдаги меъёрдаги бепардалик... буларнинг ҳар бири ўзгача жозиба ҳосил қилади. Бироқ уларнинг ҳеч бирини камситмаган ҳолда тан олиш керакки, деярли барча “мулоҳаза-ҳикоя”лардаги тасвир услубига у ёки бу даражадаги оғирқарвонлик, вазминлик хос. Бу ўзига хосликнинг маъкул-номаъкуллиги, ўринли-ўринсизлиги алоҳида масаламавзу, лекин Олим Отахон бу “муаммо”нинг кутилмаганда ўзгача ечимини топди.

Ўз вақтида “Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза”, “Гулзор чеккасидаги кўёш”, “Оқшом ҳаёллари”, “Тундаги гуллар” ҳикояларининг ҳар бири адабиётимизга тонг насими янглиғ беғубор эпкин олиб келди. Қаҳрамонларнинг фикрлаш, сўзлаш тарзи ўзгача, сюжет ўзгача, реал, яъни ҳаётий мантиққа зид, ҳатто беўхшов тасвирлар... бундай янгиликка нафақат кенг адабиёт мухлислари, ҳатто атоқли адибларимиз, мунаққидларимиз ҳам тайёр эмасдилар. Жамоатчилигимиз орасида янгиланаётган бадий тафаккур мевалари бўлмиш янги асарларни тўғри талқин қилиш, анъанавийлик ва новаторликдаги уйғунликни илғаш борасидаги қусурларимиз

айни О.Отахон ҳикоялари муносабати билан бир қадар кўзга ташланиб қолди. Ваҳоланки, синчков ёндашган назар-нигоҳ учун яққол кўзга ташланган янгилик, адиб асарларининг бош қаҳрамони – эҳтирос эканлигида эди. Олим эҳтиросу хайратни инсон борлигининг биринчи қатламига олиб чиқди, ўз қаҳрамонлари хоҳиш-истаги, майли ва ўй-хаёлларини буткул ўз ҳолига қўйди ҳамда уларни эҳтирос ва хайрат пўртаналари оғушидаги зариф туйғуларини тасвирлашга ҳаракат қилди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар ким ҳам эҳтиром кўрсатавермайдиган эҳтиросдек туйғуни ижтимоий воқелик даражасига кўтарди, ўз ҳикояларида инсон табиатидаги энг нозик, энг беғубор, энг рубобий туйғулар калейдоскопини яратди.

Савол туғилади: наҳотки, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ёзувчининг бирпас ҳам китобхонни унутишга ҳақки йўк” деб берган ўгити унутилган бўлса? Унутилгани йўк, албатта, лекин давр ўзгарди, одамлар ўзгарди, бадий тафаккурлар ўзгариб кетди. Бадий тафаккур бисотидаги тасвир аслаҳалари орасида янги-янги пайдо бўлди, улар ёрдамида инсонни турлича тадқиқ этиш имкониятлари орта борди. Ўрни келганда, муаллиф китобхон экан-у, унга қўшиб дунёни, бу кўхна дунё ҳою-ҳавасларидан тортиб унинг битмас-туганмас машмашаларидан-да инсон қалбида кечадиган инжа туйғуларни кадрлироқ, мазмунлироқ ва аҳамиятлироқ деб билди. М.М.Дўст, Ғ.Ҳотамов, О.Отахон ижодини махсус тадқиқ қилган олим Тилаволди Жўраев ёзганидек, “Улар инсоннинг ички майл-истакларини, яширин сирли томонларини кашф этишда одатий йўлдан, маълум усуллардан фойдаланмайдилар, балки ҳақ-ҳуқуқни қаҳрамоннинг ўз қўлига, ўз идрокига, ўз савияси ва диёнатига топшириб, ўзлари холис позицияда турадилар”.

Адабий жамоатчилик орасида жиддий мунозараларга сабаб бўлган ҳикоялардан яна бири “Оқ бино окшомлари” (Нуриллоҳ Отахон) қаҳрамони Ҳафиза ҳам ўта қалтис ва ғоятда нозик лаҳзаларда муаллиф ихтиёридан “чиқиб кетади”. Муаллиф уни ўз измига сололмайди, бундай қилишга унинг



бадий тафаккури йўл қўймайди, ҳикоянинг бадий ҳақиқати азалий миллий ақидаларимиздан устун келади...

Миллий ахлоқий кадриятлар ва замонавий тушунчалар ўртасидаги уйғунлик, мувозанат ва зиддият ҳақида ўйлаганда ҳикоячилигимизда аёл образини яратишдаги мураккабликлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Сарҳисоб қилинса, аёл образи яратилган ҳикояларимиз талайгина. Бирок даврлар ўзгаргани, бадий асар қаҳрамонига муносабат янгилангани, айникса, унинг қалб тубидаги кўз илғамас кечинмаларни тасвирлаш имкони орта боргани сайин том маънодаги янги образлар, янгича талқинлар вужудга кела бошлади. Шу нуқтаи назардан Қамчибек Кенжанинг “Аёл”, “Соҳилда” ҳикоялари ўз даврида оғизга тушди. Олим Отахоннинг “Тундаги гуллар”, Баҳодир Муродалининг “Жумадан жумагача”, Неъмат Арслоннинг “Аёл сувратига чизгилар”, Саломат Вафо, Маъсума Аҳмедова, Дилбар Саидова, Дилфуза Қўзиёваннинг қатор ҳикоялари... рўйхатни тугал тартибга келтириш қийин.

Саломат Вафонинг “Қуёшли кун” ҳикоясида шундай лавҳа бор: ...Тожигул кампир кексайиб қолди. Фарзандлар, неваралар, уй-жой – бари бадастир. Лекин саркаш хаёллар унинг тинчини ўғирлаган. Кампир хаёллари измига тушмайди, аксинча, уларни кўнглига кўмиб ташлайди, кўнгил майлларини тилига кўчирмайди, ўзини қўлга олади, рўзғор юмушларидан ортмай, чолининг қош-қовоғига қарайди. Нимадир бўладию, чол уйдаги кўчқорни сўйиш нияти борлигини айтади. Кампир “Боши танасидан узилган кўчқор ва қон тўла чуқурни аниқ кўргандай бўлиб, бадани жимирлаб кетди. Кампир умрида биринчи марта эридан нафратланди... Бирдан, шунча йил бу одам билан қандай яшаган эканман, деган ўй келди миясига”.

Тожигул кампир бу сўзларни тилига кўчирса даҳшат, офат юз бериши муқаррар. Буни у яхши билади, шунинг учун ҳам зинҳор-базинҳор бу сингари исён ва исёнчаларининг “ис”ни чиқармайди. Айтмаса, яхши аёл, яхши кампир бўлиб қоладими? Бошқаларнинг наздида яхши кампир бўлиб юраверадими?.. У

ҳолда ўзининг олдида ким деган одам бўлади?! Ахир, ўша гап, ўша хаёл кўнгилда, кўнгилнинг тубида БОР-ку?!

Саломат деярли барча асарларида, жумладан, хикояларида кўнгилдаги ана ўша БОР туйғуни тасвирлаш йўлини танлади. С.Вафонинг аксарият хикоялари (йирик асарлари, жумладан, “Оворанинг кўрган-кечирганлари” романи) ўзига хос аёл иқрорномаси панорамаси даражасига кўтарилди.

Сўнгги йиллар хикоячилигимизда ҳам аёллар образлари галереяси сафининг кенгайиши давом этмоқда. Айниқса, Эркин Аъзамнинг “Ступка” (аёл ва тақдир ўйинлари), Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл” (аёлларга хос мунислик ва матонат), Наби Жалололдиннинг “Аёл” (аёл ва садоқат, нафсоният), Ҳамид Элхоннинг “Аёл ва илон” (аёл ва қасос) сингари хикояларида аёл кишининг гулдан-да нозик ва мураккабдан-мураккаб қалб изтироблари, кечинмалари бадий тадқиқ этилган.

Бундан ўттиз йил муқаддам Салоҳиддин Мамажонов “XX аср жаҳон адабиётида активлашган рамзий усул” кенг оммалашганини ёзганди. Янги ўзбек хикоячилигида ҳам йиллар мобайнида янгича тасвир воситаларини кашф этиш жараёни кечди. Рамз, тимсол, мажоз сўнгги йиллар хикоячилигимизнинг кўрки, беазаги, жилосига айланди. Омон Мухтор, Эркин Аъзам, Шомирза Турдимов, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Собир Ўнар, Тўхтамурод Рустам, Лукмон Бўрихон, Абдуқаюм Йўлдош ижоди ҳар жиҳатдан янги хикоя мақомида яратилгани билан эътиборга сазовордир.

Замонавий миллий насримиз, жумладан, хикоячилигимиз майдонида кузатилаётган янгиланиш, тобланиш жараёнлари ҳақида сўз борар экан, айтиш мумкин, шарофати ўлароқ жаҳон адабиётида кечаётган жараёнлардан бохабарлик имкониятлари ҳар қачонгидан кенгайганини алоҳида таъкидламоғимиз жоиз. Умуман, жаҳон адабиёти тарихида у ёки бу ҳудудда юз берган “портлаш”ларнинг ҳар бири ўрганишга лойиқ. Бир неча юз йиллик инглиз, француз ва немис адабиёти на-



муналари, XIX аср рус, XX аср япон, XX асрнинг иккинчи ярмидаги Лотин Америкаси, Болтиқбўйи халқлари адабиётларида кузатилган кўтарилиш-уйғониш даври адиблари асарлари тажрибаларидан баҳрамандлик самараларини исталган адибимиз ижодида кузатиш мумкин. Ва бундан ҳақли равишда фахрланмоғимиз зарурдир. Мана шундай ижодий таъсир самараси сўнгги давр ҳикоянависларимиз бадий тафаккурининг кенгая бораётганида, инсонга муносабат борасидаги бағрикенгликда, гуманизм тушунчасининг чуқурлашувида, айниқса, бадий тасвир воситаларининг ранг-баранглашувида, қолаверса, шаклий изланишларнинг хилма-хиллашувида кўринмоқда. Модернизм, сюрреализм, экзистенциализм ва ҳоказо “...изм”ларга хос изланишларнинг бари мазкур тўлқин оғушида кечмоқда. Аниқ мисолларга мурожаат этиладиган бўлса, Омон Мухторнинг “Суратдаги йўлбар”, Исажон Султоннинг “Қисмат”, “Сувдаги коса”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Муслмон”, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдаги кулба”, Ҳабибилло Ҳайдарнинг “Қор элаган кун” ҳикояларидаги шаклий мухтасарлик, мана шу мухтасаргина “майдон”да яратилган ғайритабiiй (сирли) реаллик, психологик таранглик ва тағмаъонинг серкатламлиги ҳам адибларимизда фалсафiiй мушоҳаданинг, психологик таҳлилга мойилликнинг кучайгани, янаям муҳими – ижодий дадиллик ва эмин-эркинлик руҳи сезилиб турибди. Худди шу каби мулоҳазаларни рус тилида ижод қилувчи Алишер Файз ҳикояларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Бир аср мобайнида миллий насримизда “ҳикоя ҳажман катта бўлмайди” деган ақида ҳукм сурди. Энг атоқли адибларимиз ҳам бу ақидага содиқ қолдилар. Ниҳоят, бу садокат энг ҳикоянавис адибимиз Шукур Холмирзаев томонидан бузилди. “Энг кўп ва энг гўзал, бадий жиҳатдан пишиқ асарлар ёзган бу адибнинг баён усулида ҳикоя жанрининг ҳажм чегаралари парчаланди. Ёзувчи аср охирида қаламини анча эркин қўйди ва “Озодлик”, “Булут тўсган ой”, “Ўзбек бобо” каби ҳажман йирик ҳикояларини ёзди” (Баҳодир Каримов).

Аслида ҳикоя бошқа насрий асарларга нисбатан олганда ҳажман мухтасар жанр. Бирок бу тушунча ҳам баҳсли. Энг холис мезон эса – мувозанат ва уйғунликда! Ҳикоянинг мавзу, ният, ғоя, конфликт ва ҳоказо бадийи унсурлар кўтара олган ҳажмда тугалланиши ҳам ижодий маҳорат белгиларидан ҳисобланади. Яъни, муаллиф ҳикоя ҳажмини ҳис этганми ёки йўқми, дарҳол сезилади. Қисқа, лекин тўмток ва чала таассурот қолдирадиган ҳикоялар бўлганидек, сунъий равишда чўзилиб кетган, ўз “жуссаси”ни кўтара олмаганлари ҳам учрайди. Аммо батафсил тасвирга асосланган, мумтоз муסיқа оҳанглари янглиғ вазмин тасвир мароми сақланган ҳикояларнинг таъсири баайни ўқувчини сеҳрловчи кудратга эга бўлади. Аҳмад Аъзамнинг “Тугмачагул”, Асад Дилмуроднинг “Хаёл чўғланиши”, Дурбек Қўлдошевнинг “Шикор”, Баҳодир Қобулнинг “Ок камар”, Ғулом Каримийнинг “Кўрагон” ҳикоялари мана шундай асарлар сифатида ҳикоячилигимизда алоҳида саҳифа дейиш мумкин.

Кези келганда тарихий ҳикоялар яратиш борасидаги анъаналаримиз ва бу борадаги янги изланишлар хусусида тўхталиш фойдадан холи бўлмас. Умуман, жаҳон адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида тарихий воқеликнинг бадийи талқинини яратишда катта тажриба ва анъаналар мавжуд. Ойбек, Одил Ёқубов, Миркарим Осим, Жавдат Илёсов, Эркин Самандар, Маҳкам Маҳмудов, Темур Пўлатов ижодида вужудга келган ва шаклланган ўзбек тарихий ҳикоянавислик анъанасини давом эттирувчи авлод вакиллари асарлари чоп этилмоқда.

Аслида тарихдан ҳикоя қилишга жазм этган адиб олдида бир қатор шарт амаллар кўндаланг бўлади. Тарихий ҳақиқатни бузмаслик, ўша тарихий воқеликни бадийи ҳақиқат даражасига олиб чиқиш! Ғулом Каримийнинг “Кўрагон” ҳикоясида Амир Темурнинг Сароймулкхоним билан танишуви ва унга уйланиш воқеалари қаламга олинган бўлса, шу адиб қаламига мансуб “Баҳор соғинчи” ҳикоясида атоқли адиб Пиримқул Қодиров ҳаётининг драматик саҳналари тасвирланган. Дурбек Қўлдошев “Шикор” ҳикоясида Бобур мирзонинг 11-12



ёшлик чоғидаги ов саргузаштлари тасвирланади. Рисолат Ҳайдарованинг “Учинчи башорат” ҳикоясининг фабуласи Мирзо Улуғбекнинг чигал ва фожиали қисмати башорат этилиши асосига қурилган. Таъкидлаш жоизки, адиба топган фавкулудда ҳаяжонли сюжет ишонарли бадий тўқима иплари билан чапишиб кетган.

Айрим ҳикояларда учрайдиган ўхшатиб топилган бир оғиз жумла, теша тегмаган деталь ёки тасвир ўқувчининг диққатини тортади, унинг хотирасига муҳрланиб қолади, кайфият бағишлайди. Уйғун Рўзиевнинг “Робия” ҳикоясининг қаҳрамони ўн беш йил бир ёстикқа бош кўйган турмуш ўртоғи билан шу қадар садоқатли ҳаёт кечиришдики, тақдир уларга фарзанд кўришни раво кўрмаган эса-да, бирон марта эри “Кет” демади, Робия “Кетаман” демади”. Жумланинг ўзида бу оила аъзоларининг аччиқ қисматларига тенгма-тенг қудратга эга бўлган садоқат, меҳр-оқибат, муҳаббат мужассам. Шунга ўхшаш ҳолат Ўктам Мирзаёрнинг “Ор” сарлавҳали ҳикоясида учрайди. Унда шаҳардан кишлоғига келган мартабали меҳмон қаровсиз қолган қабристонга кириб, ишга киришиб кетади – ҳаммаёқни тартибга сола бошлайди, тозалайди. Одамлар хайрон бўлаётганини кўрган меҳмоннинг “Ҳамма қабрлар тозаланиши керак, бу ерда бегона қабр йўқ” деган сўзлари халқимиз табиатидаги соф миллий гуманизм “сурати”ни чизгандек таассурот қолдиради.

Баҳодир Қобулнинг “Оқ камар” ҳикояси шамолнинг дилбар тасвири билан бошланади. Бамисоли шамол моддийлашади, шабада кўз олдингиздан сузиб ўтади. Тасвирга монанд оҳанг ўқувчининг кайфияти, зеҳни ва эстетик диди торларини чертади, эъзозлайди.

Эркин Аъзамнинг “Ступка”, Нуруллох Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдаги кулба”, Исажон Султоннинг “Сувдаги коса”, Лукмон Бўрихоннинг “Тун қаъридаги шуъла”, Зулфия Қуролбой кизининг “Кўланка” ва “Аёл” ҳикоялари сўнгги йиллар кашфиётлари сифатида эътирофга лойик.

...Ҳикоя ўзига хос мўъжизаси, жозибаси, ҳикмати бўлган эрка жанр. Қарийб бир аср муқаддам тамал тоши қўйилган замонавий ўзбек ҳикоячилиги майдонида фаол ижодий жараён бирон муддат тиниб қолгани йўқ. Бу борадаги изланишлар, ютуқлар, орзу-истаклар ҳақида кўп ва хўб мулоҳазалар юри-тиш, тадқиқотлар яратиш, киёсий таҳлиллар ўтказиш ўз му-тахассисларини кутиб турибди. Қувонарли жойи, адабиётшу-нос олим Абдулла Улуғов ёзганидек, ўзбек ҳикоячилиги ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш ва инсон образини гавдалантириш-да баён усулидан бадий тасвирлаш сари дадил одимламоқда. Бадий тасвир имкониятлари эса чек-чегара билмайди...



# Йўлдошали СОЛИЖОНОВ

(1940 йилда туғилган)



## ЯНГИ АСР НАСРИ МАНЗАРАЛАРИ

*Мавзу, муаммо ва ечим*

XXI асрнинг дастлабки ўн йилида яратилган насрий асарларнинг ўзига хос фазилати шундан иборатки, уларда ана шу жараёнда эзгулик ва ёвузлик кутбларига ажралаётган одамлар образи дунёга келди. Бундай қахрамонлар орасида, айниқса, аёллар характерининг ўзига хос талқини муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки аёл шахси ўз табиатига кўра рўзғори доим бадастир, бекам-кўст бўлишини истайди. Бу мақсадга эришиш йўлида баъзан шаллакилик қилади, эрини тинч қўймайди, жанжал кўтаради. Мақсадини амалга ошириш учун ўзини қурбон қилишгача боради. Шу жиҳатдан Тохир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Тиловолди Жўраев, Абдуқаюм Йўлдош, Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой кизи сингари истеъдодли адиблар томонидан яратилган бозор ва инсон тақдирига бағишланган бадиий жиҳатдан юксак, гоаявий томондан етук қисса ва романлардаги персонажлар характерлидир. Бундай қахрамонлар тимсолида бозор муносабатлари шароитида тўғри йўл тополмай адашган, миллий ўзлигидан жудо бўлган, баъзан ўз ихтиёри билан ёки мажбу-

ран ахлоқий бузуклик йўлига кирган шахсларнинг фожиали кисмати ўқувчига ибрат килиб кўрсатилади.

## Муаммо ва ечим

Роман ёзувчидан узукнинг кичкина кўзига бутун бир оламни сиғдира олиш ва уни турли рангларда акс эттира билишдек ғоят мураккаб меҳнатни талаб қилади. Роман ёзишга киришган ижодкор бир пайтнинг ўзида ҳам заргар, ҳам дурадгор, ҳам сангтарош, ҳам архитектор, ҳам синчи бўлиши керак. Адиб бу касб эгаларига хос барча хусусиятларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Токи у яратган асарда заргарнинг зийраклиги, дурадгорнинг донолиги, сангтарошнинг сайқали, архитекторнинг ақл-фаросати, синчининг саралаш туйғуси акс этиб турсин. Асарларни шу нуқтаи назардан кўздан кечирсак, ҳозирги ўзбек насрининг баъзи ютук ва камчиликлари аён бўлади.

Романда, энг аввало, муаммо кўя билиш муҳим аҳамиятга эга. Роман эпик турнинг энг йирик жанри бўлганлигидан унда кўтариладиган муаммо ҳар қандай замонда ҳам, шароитда ҳам долзарблиги ва замонавийлигини йўқотмаслиги керак. Ҳаёт инсоният олдига ҳар куни, ҳар соатда янги-янги муаммоларни кўндаланг қиляпти. Бу муаммолар вазнига кўра энгил ёки залворли, кўламига қараганда катта ёки кичик, аҳамиятига кўра арзирли ёхуд арзимас, моҳиятига нисбатан ўтқинчи ёки доимий, йўналиши жиҳатдан умуминсоний ёки шахсий бўлиши мумкин. Гап унинг адиб томонидан танлай ва қай даражада ифодалай ҳамда жамият манфаатлари билан боғлай олишдадир. Чунки инсон жамиятнинг бир винти экан, унга дахлдор муаммо, шубҳасиз, бошқа механизмларнинг ҳам нормал ҳаракатланишига таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан биз таҳлил доирасига тортган асарларнинг аксарияти кўйилган муаммонинг романтик аҳамиятга эгаллиги, замонавийлиги ва ғоятда долзарблиги билан ажралиб туради. Бирок, очиғини айтганда, уларнинг ечими бир хил савияда эмас.



Нормурод Норқобиловнинг “Дашту далаларда”, Туроб Максуднинг “Илинж”, Зулфия Қуролбой кизининг “Армон асираси” ва “Машаққатлар гирдоби”, Жаббор Халилнинг “Довул” ҳамда “Такдир бекатлари”, Саломат Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари”, Ҳабиб Темировнинг “Қасос ва мухаббат” сингари асарларида кенг маънода олганда инсон ва табиат, инсон ва жамият, яхшилик ва ёмонлик, ахлокий поклик ва бузуклик каби адабиётнинг кўхна ва азалий муаммоларига мурожаат қилинган. Албатта, бу муаммолар умумий характерга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири санъаткордан заргарона зийраклик билан зарур қирраларини ажратиб олишни, синчилик салоҳияти билан ўқувчига маъқул томонларни аниқлашни, архитекторлик ақлини ишлатиб, нимани каерга ўрнатишни талаб қилади. Бўлмаса, асар шиширилган шардек ҳавойи, танланган қахрамонлари эса муаллақ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Масалан, Нормурод Норқобилов инсон ва табиат муаммосини кўтарар экан, уларнинг бир-бирисиз яшолмаслигини, бир-бирини тўлдирадиган ягона вужуд эканлигини ифодалаш мақсадида роман бошланишидаёқ ўқувчининг кўз ўнгида инсон – табиат ва ҳайвонот олаmidан иборат уч қатламни намоён қилади. Бу қатламларнинг ҳар бири аниқ тимсоллар орқали гавдалантирилади. Инсон киёфасида табиатни тушунган, уни асраб қолиш учун ўзини масъул деб билган Эшкул полвон; табиат тимсолида кўм-кўм майсалар билан қопланган қиру адирлар, бепоён дашту далалар; ҳайвонот олаmidан бўри, тулки, итлардан тортиб юмронқозиғу куртқумурскаларгача... уларнинг ҳар бири муаммонинг маълум бир қиррасини ечишга беминнат кўмаклашади. Ёзувчи бу уч қатлам ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблиги ва зиддиятларга бойлигини ҳам теран тасвирлашга эришган. Ёзувчи асарида тасвирланган инсон ўз “мен”ини йўқотмаган ҳолда табиат билан очиқ мусохабага киришади. Албатта, бундай мусохабада ёзувчи табиатнинг инсондан кучли эканини эсдан чиқармайди. Аммо бу ғояни асарга зўрлаб ҳам киритмайди, балки воқеалар силсиласидан табиий равишда сизиб чиқишига эришади.

Туроб Максуд эса ўз романида эзгулик ҳар доим ёвузлик устидан ғолиб чиқиши муқаррар эканлигига инсон кўнглида туғилган озгина илинж туйғуси ҳам асос бўлишини ифода-лашни мақсад қилиб олган. Бу мақсадини бадиий жиҳатдан ифодалаш учун антиқа исм ва қиёфага эга бўлган қаҳрамони Ҳайбатнинг ҳаёт йўлини танлайди. Ота-онасининг кимлиги-ни билмай, болалар уйда вояга етаётган Ҳайбатнинг мурғак кўнглида куйидаги илинжлар куртак ота бошлайди: биринчи-си меҳр илинжи. У дунёга келган куниданоқ инсон меҳрига муҳтож бўлиб яшади, она кўксини эммади, илиқ бағрида эр-каланиб ётмади, алла эшитмади. Болалар уйда гап эшитиб, калтакланиб, четга сурилиб ўсди. Шу меҳрдан униб чиқадиган иккинчи илинж – аёл зотига муҳаббат, уни асраш ва умрини узайтириш. Чунки у онам мени туғибоқ оламдан ўтган деб, ўйларди. Шу сабаб ўқувчилик пайтидаёқ унинг тарафини олган тенгдоши Доноҳонга бир умр қаттиқ меҳр қўйди, уни унутмади ва унга интилиб яшади. Учинчиси – илмга интилиш илинжи. У инсоннинг умрини узайтириш йўллариини ўрганди. Устози ака-демик Улуғ Барака (кейин отаси бўлиб чиқди) илгари сурган ген масаласини ривожлантириб, фанда кашфиёт яратди, яъни ўлган одамни ҳаётига қайтаради. Бу унинг тўртинчи илинжи эди.

Ёзувчи ўзининг илмий мантикка асосланган ғоявий-бадиий ниятини турли тасвирий санъат элементлари ва геометрик чизгилар ёрдамида баён қилади. Улар орқали инсон органи-зида зурриётга тегишли эзгулик ва ёвузлик унсурлари эъти-борини тортади. Бунинг ёрқин мисоли Ҳайбатнинг ўзидир. Маълум бўлишича, Ҳайбат бутун умри ва илмий қобилиятини инсон генини аниқлашга сарфлаган йирик олим Улуғ Барака билан яна бир истиснодда олима Малика Ражабнинг никоҳсиз туғилган ўғиллари бўлиб чиқади. Бироқ улар ўртасидаги муно-сабатлар ўқувчини ишонтира оладиган даражада аниқлик касб этмайди. Шу билан бирга инсон зурриётига оид муаммолар моҳиятини янада чуқурроқ ва ишонарлироқ очиш учун ёзувчи биологик, зоологик ҳамда физиологик фанлар нуқтаи назаридан

ёндашуви, бундай кашфиётнинг илмий-фалсафий асосларини янада мукамалроқ ўрганиши зарурга ўхшайди.

“Армон асираси” ва “Машаққатлар гирдоби” романларида адиба Зулфия Куролбой қизи бозор иқтисодиёти шаклланаётган мураккаб бир жараёнда инсоннинг ўрни, кийинчиликларни енгизиш йўлидаги эврилишларини қаламга олади. Бозор бошқаруви қоидалари шу қадар шафқатсиз ва ўжарки, у ўзига мослаша олмаган ҳар қандай касб эгасининг тақдирини ўзгартириб юборади. Бу ғоявий ниятни ёзувчи конкрет образлар орқали илгари суради. Булар оддий уй бекаси Насиба, эри олий маълумотли инженер Дониш, ёзувчи Ҳулкар Армон, мусаввир Ҳаким, ҳайкалтарош Бехзод, безори Талгат, шунчаки пул топиш ва онасини даволатиш ниятида бозорга чиқиб, кейинчалик бузуқ йўлга кириб кетган Зухра (“Армон асираси”), рўзғоридаги иқтисодий етишмовчиликларга барҳам бериш ниятида бойлик ва омадини ўзга юртлардан қидиришга мажбур бўлган, аммо мақсадига эришолмай майиб-мажруҳ бўлиб ва янада қашшоқлашиб қайтган ёки ўлиб кетганлар – “ғоят истеъдодли бўлатуриб ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрган” илмий ходим Даврон, тадбиркор Сафарали, турли тоифага мансуб Юнус ота, Алишер, Камолiddин, Ҳусанбой, Наргиза, Санобар Гулрух (“Машаққатлар гирдоби”) кабилардир. Уларнинг ҳар бири асар марказига кўйилган муаммонинг маълум бир қиррасини ўз зиммасига олиб, финишгача етказиб боради ва муаллифнинг ғоявий ниятини амалга оширади. Натижада ҳар иккала романда ҳам кўйилган барча муаммолар у ёки бу тарзда ўз ечимини топади.

Ёзувчи Жаббор Халилов ҳам ўз романлари марказига жамият ва инсон, зулм ва адолат, тазйиқ ва умид каби масалаларни кўяди. Жумладан, “Довул” романида XX аср бошларидан то янги асргача бўлган давр мобайнида шаклланган уч хил тузум – чор Россияси, шўролар ҳокимияти ва мустақиллик даврида яшаб, бахтсизликдан бахтга, қулликдан озодликка томон борган уч авлод тақдири ёритилади. Ана шу авлодлардан ҳар би-

рининг ҳаёти, яшаш тарзи, кураши ва интилишлари мақсадга мувофиқ равишда махсус бўлимларда баён қилинади. “Оқар дарёлар” деб номланган бўлимда биринчи авлод вакили Боёрнинг Шаҳрисабз беги томонидан ўн икки қишлоқни ўз ичига олган Саҳвант музофотига аминлик лавозимига тайинланишидан то ўлимигача бўлган давр қамраб олинган. Ўтган асрнинг энг мураккаб 30 – 70-йиллари воқеаларини ўз ичига олган “Дардли чўққилар” қисмида иккинчи авлод вакиллари Ҳамиджон, Ғанижон, Саминжонларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш учун уринишлари, ўқиш ва ишдаги баъзи қийинчиликлари ифодаланади. Бу қисмида кўпроқ отаси Боёр аминнинг орзу-умидларини амалга ошириш ниятида қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиб етишган Ғанижон фаолияти асосий ўринни эгаллайди. “Интилиш” деб номланган учинчи бўлимда ана шу Ғанижоннинг уч ўғли ўқитувчи Раҳмонали, колхоз раиси Шарифжон, дастлаб ўқитувчи, кейинроқ КГБ ходими бўлиб етишган Шавкатжоннинг 70 – 90-йиллардаги ҳаёти, “пахта иши” оқибатида тортган азоблари, мустақиллик эълон қилиниши муносабати билан ҳамма нарсанинг ўз жойига тушиши, уларнинг дарҳол тадбиркорга айланиб кўплаб заводлар қуриши, бой-бадавлат бўлиб кетишлари, ота-боболари етишмаган орзуларга болаларнинг етишганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Бироқ романда зиддиятли воқеалар, характерли тўқнашувлар жуда силлиқ кечади. Масалан, эндигина 20-22 ёшга кирган Боёр аминлик лавозимига тайинлангандан кейин барча хайрли ишларини осонгина амалга ошираверади. Виложтни қаттиққўллик билан бошқариб турган рус ноибни унамаса ҳам, маблағ ажратмаса ҳам халқ ҳашарини ташкил этиб, канал қазийди, узумзор, мевазор боғлар ташкил этади, одамларга саховат кўрсатади, камбағалларни қўллаб-қувватлайди. Тўғри, ана шундай адолатли, меҳр-оқибатли мансабдор ота-боболаримиз тарихда бўлган, бироқ уларга осон бўлмаган, ахир. Амин эса ҳеч қандай тўсикқа учрамайди. Ҳатто уни аминликка тайинлаган Шаҳрисабз беги ҳам кейинроқ воқеалар силсиласидан бутунлай чиқиб кетади.



Афсуски, кейинги авлод вакиллари ҳам ўз ниятларига етиш йўлида жиддий тўсиқларга учрамайдилар. Ваҳоланки, русларга қарши кураш олиб борган зотларнинг болаларига шўролар даврида осон бўлмаганлигига тарих гувоҳлик беради. Ушбу асарда қарийб чорак кам бир асрлик мураккаб даврнинг чирсиллаб турган муаммоларини танлаб олиш ва аник образлар орқали тасвирлаб бериш маҳорати етишмайди. Худди шундай майда-чуйда масалалар атрофида ўралашиб қолиш қусури “Тақдир бекатлари” романи структурасига ҳам дахлдордир. Ёзувчининг бу романи ҳам воқеаларнинг силлиқ ривожланиши, қаҳрамони Жавлон Алиевнинг йўлида учраган тўсиқларни осонгина енгиб ўтиши, қадам-бақадам муваффақиятга эришиши билан ўқувчини ҳайратга солади. Ҳар иккала романда ҳам муаллиф баёни қуруқ ахборот, ечим эса ғоят баландпарвоз публицистик оҳанг, ҳамду санолар билан тугайди. Тасвирда бадийликдан кўра мақоланавислик усули устун туради. Ёзувчида ғоявий ниятини ифодалашга хизмат қиладиган воқеаларни саралаш маҳорати етишмаётганлиги сезилади.

Бадий асарда воқеанавислик энг жиддий қусурлардан бири саналади. Ёзувчи воқеаларни бирин-кетин қалаштириб ташлаш ва хиссиз саён қилишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки қаҳрамон кўп воқеалар юки остида қолиб, муаллифнинг асосий ғоявий ниятини ечимга қадар кўтариб кетолмай қолади. С.Вафо, Ж.Халил, Ҳ.Темиров, Н.Исмоилов, Н.Ҳошимов, М.Исмоилов каби ёзувчиларнинг асарларида ана шу қусур кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг устига улар яратган персонажлар кўпинча муаллифнинг карнайи бўлиб хизмат қилади. Асар муаллифи нимани хоҳласа, шуни айтадилар қандай ишни буюрса, ўшани бажаради ва охиروқибатда ўзига хосликдан маҳрум бўлади. Тўғри, асар учун танланган персонажлар одатда, ёзувчининг ғоявий ниятини ўқувчига етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бирок чинакам ёзувчи ўз қаҳрамонларини нима ишни қилишга, қандай гапни гапиришга мажбур қилиши кераклигини би-

лиши нечоғлик муҳим бўлса, нималарни қилиш ёки қандай сўзларни гапиришга мажбур қила олмаслигини билиш ундан ҳам муҳимроқдир. Бадийлик меъёри шуни талаб қилади. Меъёрни ҳис қилмай туриб, ҳақиқий санъаткор бўлиш мумкин эмас.

Унутмайликки, адабиёт ҳар доим поклик, гўзаллик, адолат, ҳақиқат, имон ва эътиқод кўзгуси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоғи лозим. Ёзувчи ҳар қандай разолат ва қабохат, ифлослик ва имонсизлик, разиллик ва ахлоксизлик заминида ўзининг покиза эстетик идеалини илгари суришни унутмаслиги шарт. Бусиз ўқувчини эзгулик руҳида тарбиялаб бўлмайди.

### Конфликтсизлик касри

Бадий асарда инсон ҳаётининг мураккаблигини, жамият билан унинг манфаатлари ўртасидаги келишмовчиликлар, норасолик ва номутаносибликни реал тасвирлаш учун ёзувчида туғма истеъдод бўлишидан ташқари, менинг назаримда, буюк жасорат ҳам бўлиши шарт. Ҳозирги ёзувчиларнинг айримларида ана шу жасорат етишмаётгандек туюляпти. Воқеалар силсиласида зиддиятлар ўпқонига чуқурроқ кириб бориш имкониятлари туғилган жараёнда муаллиф қаҳрамонини бундай гирдобга отишдан ҳайкаётгандек, ўзини эҳтиёт қилаётгандек таассурот туғилмоқда. Қарама-қаршиликлар таҳлилини чуқурлаштириш ўрнига енгил-елпи эпизодлар баёнига ўтиб, ундан четлашиш, вазиятни юмшатиш ҳоллари юз беряпти. Бунинг оқибатида асар воқеалари тизимида заифлик, айтиш жоиз бўлса, жарлик, характерлар динамикасида сустлик сезиляпти. Айрим асарларни мутолаа қилиб, воқеаларнинг бир текис ва силлик кечаётганини кўргач, ҳаёлимга ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган конфликтсизлик касаллиги қайталанмаяптими деган хавотир келади.

Конфликт бадий асар сюжети учун мотор вазифасини бажаради, усиз сюжет механизми ҳаракатга келмайди. Мабодо, узок сафарга чиқилса-ю, ярим йўлда мотор ишламай қолса

ёки фаолияти сустлашса, киши кўзлаган манзилига етиб бо-ролмагандек, асар конфликтни воқеалар давомида бўшашса, ёзувчи ҳам ғоявий ниятига етолмайди. Ҳар бир бадиий асар ҳам яхши маънода ўқувчи қалбига уюштирилган сафардир. Бу сафарда турли-туман ҳодисалар, яхши-ёмон одамлар, ўйдим-чуқурлару кескин бурилишлар учраши табиий. Агар асар сю-жети ғоялар, қарашлар, характерлар, гуруҳлар ўртасида рўй бераётган қарама-қаршиликлар асосига қурилмаса, бундай асар таъсирчан бўлмайди. Бинобарин, ҳаётини ҳақиқатнинг аниқ ва изчил ифодаланиши зиддиятларнинг моҳияти ва ишонарлилиги билан ўлчанади. Айни чоғда, инсон қалбида юз бераётган тўқнашувлар ҳам ифодаланаётган муаммо ва характернинг янада ишонарлироқ чиқишига кўмаклашади. Кейинги йиллар насрида инсоннинг ички кечинмаларини жиддий қарама-қаршиликлар асосида тасвирлашга эътибор берилмаётгани бежиз эмас.

XXI аср бошида яратилган асарларга шу нуқтаи назардан қаралса, кўплаб маҳоратли адибларимиз асарларни конфликт-нинг ранг-баранг турларидан унумли фойдаланиб, таъсир-чан ва қизиқарли сюжетлар асосига қураётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айни чоғда сунъий ҳамда ишониб бўл-майдиган уйдирма воқеалар тўқиб чиқарилаётган асарлар гуруҳига ҳам дуч келамиз. Баъзи адибларда зиддиятларни чуқурлаштириш имконияти туғилганда ҳам, уни ривожлан-тира олмаслик, тўқнашувларни енгил-елпи йўллар билан ҳал этиш, қаҳрамонларни оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтказишга уриниш қусури сезилади.

Мустақиллик йилларида адабиётимизда ижтимоий кон-фликт тури, яъни қаҳрамон билан у яшаётган муҳит, кенгрок маънода жамият ва инсон ўртасидаги зиддиятларни тас-вирлашга эътибор хийла сусайиб қолганлиги сезилмоқда. Адибларимиз бундай қарама-қаршиликларни тасвирлашдан ўзларини бир оз эҳтиёт қилаётгандек, гўё мустақилликка эришганимиздан кейин инсон билан жамият ўртасида зид-дият қолмади, деган тушунча қарор топгандек туюляпти. Ва-

ҳоланки, ханузгача мустақилликнинг кадрига етмай, унинг афзалликларини тушунмай ношукурлик қилиб юрганлар ёки истиқлол яратган имкониятлардан фойдаланмай, “берсанг – ейман, урсанг – ўламан” кабилида яшаётганлар, турмушини ўнглай олмагани учун бошқарув тизимини айблаётганлар учрайди. Уларнинг фожиаси ёки курашини турли ракурслар орқали кўрсатиш мумкин-ку!

Шуларни ўйлаганда Нормурод Норқобилов, Туроб Мақсуд, Жаббор Халил, Зулфия Куролбой кизи, Саломат Вафо, Ҳабиб Темиров каби адибларнинг сюжет қуриш ва конфликт яратиш борасидаги ўзига хос ютуқ ва камчиликлари кўз ўнгимизга келади. Бадиий асарда дастлаб воқеаларни ривожлантиришга ёрдамлашадиган тугунни ўртага ташлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар шу тугун асарнинг барча персонажларини, улар билан боғлиқ эпизодларни бирлаштириб, конфликтни ривожлантирса, воқелик сўнгига қадар тизгинни маҳкам ушлаб тура олса, асар композициясининг яхлитлиги таъминланган бўлади. Шу жиҳатдан ўқувчи илк саҳифаданок “ўзи тунд ва ҳафсаласиз бир қиёфада” юрган чехраси ғамнок Тўланбой (“Дашту далаларда”), “ҳаяжонли, иккиланган бир ҳолда оқ қоғозга аллақандай шакллар чизаётган” Ҳайбат (“Илинж”), “Эшикдан кирган захоти чор қоғозга аллақандай майда-чуйдалар сочилган, жавон ғаладонлари очилиб кийимлар ивирсиб” ётганини кўриб “юраги шувиллаб” кетган Салтанат (“Оворанинг кўрган-кечирганлари”), бир неча кундан бери “қалбига чирок ёкса ёришмай, ишлари ҳам юришмай” изтироб чекаётган Жавлон Алиев (“Тақдир бекатлари”) билан учрашганида ҳаёлига дарҳол “нега?” деган савол урилади. Табиийки, бу савол уни асарни тезроқ мутолаа қилишга ундайди. Жавобни топгач, баъзиларидан қоникади, баъзиларидан эса қоникмайди.

Гарчи бошқа асарларда сюжет тугуни бу қадар кескин тарзда қўйилмаса-да, воқеалар марказида асосий ўрин эгаллаган персонажлар ҳаётдан муҳим ўзгариш, бунинг натижасида инсон кайфиятида пайдо бўлган қувонч ёки ташвиш-

лардан хабар берувчи диалоглардан бошланади. Масалан, З.Куролбой қизининг “Армон асираси” романи эр-хотиннинг янги уйга кўчиб келишганидан ниҳоятда хурсандлиги, оилада кўпдан бери бунақа шодлик ва тўкин дастурхонни кўрмаган болаларнинг шовкин-сурони, эртага бундан-да яхши яшаш ҳақидаги орзулари, “Машаққатлар гирдоби” асари эса, аксинча, бош қаҳрамон Давроннинг “Бир қолипга тушиб қолган ҳаётини бирданига бир юз саксон градусга ўзгартириб юборган” эр-хотин ўртасидаги можаро ва бунинг натижасида эрнинг уйдан бош олиб чиқиб кетишию ўзини машаққатлар гирдобига отиши билан бошланади. Ҳ.Темировнинг “Қасос ва муҳаббат” романининг биринчи китобида никоҳ кечаси келиннинг қочиб кетиши ҳақидаги хабардан воқиф бўламиз. Булар, шубҳасиз, ўқувчида қизиқиш уйғотади ва уни воқеаларнинг давомини тезроқ билиб олишга ундайди. Албатта, бадий асарда ташланган сюжет тугуни конфликтнинг кескинлашуви ҳамда муаммонинг ечимига мустаҳкам пайванд қилингандагина асар макроструктураси яхлит ҳолга келади. Шу жиҳатдан қараганда, Н.Норқобил, Т.Мақсуд кабиларнинг воқеликка ижодий ёндашуви ибратлидир. Масалан, Тўланбой дилгирлиги, қиёфасининг тундлиги, Ҳайбатнинг хаяжонли ҳолати, айни чоғда, иккиланиб, қоғозга аллақандай мавҳум шаклларни чизаётганлиги сюжет охиригача сир тугилади. Ёзувчилар баъзан ўқувчини бошқа воқеалар билан алаҳситиб, четга чиқаётгандек туюлади. Аммо бу чекинишлар бежиз бўлмай, улар қаҳрамонларнинг сирли ҳолатини тўлдиришга, янги тугунчалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Тўланбойнинг кўзи тасодифан қопқонга илинган тулқига тушгач, унинг терисини шилиб, азоблаб ўлдиришни ўйлайди (худди аламини тулқидан олмоқчидек). Ҳайбат эса “чуқур ҳаёлга чўмган” ича “хона ўртасидаги диванда ётган” оқ чойшабдаги гавдани очади. Унда гўзал бир қиз ётарди. Муаллифлар томонидан киритилган бу қўшимча деталлар асосий тугун қўламини янада кенгайтиради, персонажлар қиёфасига янги чизиқлар тортади, ўқувчида қўшимча саволлар пайдо қилади.



Бу саволларига фақат асар охиридагина жавоб олади. Унгача китобхон қалбида ҳаяжон ва қизиқиш ошгандан ошиб бораверади.

С.Вафо билан Ж.Халил асарларида келтирилган тугунлар ҳам қаҳрамонлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Масалан, Салтанатнинг оворайи сарсонлиги уйдаги ана шу тартибсизликдан бошланади. Бироқ эрининг ташлаб кетиши уни мутлако ташвишга солмайди. Аксинча, ҳаёлида “Яхши бўпти. Барибир ажралишамиз. Мажбурий иттифоқдан оила бўлмайди” деган ўй билан ишига келаверади. Аслида эрининг жонига теккан бундай яшашнинг моҳияти очилишини сюжет тизими талаб қилиб турибди. Негаки, агар бундай ажрашишга ёлғиз эрнинг ўзи айбдор бўлганида кейинроқ Салтанатни мажбуран қишлоқдаги уйига олиб кетмаган, даволаш ҳамда ўзи ва болаларига нисбатан меҳрини ошириш ниятида зиёратгоҳларга олиб бормаган, Салтанат бу ердан ҳам индамай ёлғиз кетиб, Тошкентдаги касалхонада ётганида атайлаб кўргани келмаган бўларди. Демак, бу ажрашишда кўпроқ Салтанатнинг айби бор. Воқеалар давомида англаб етамизки, Салтанат бир оз қаноатсиз аёл, у қийинчиликларга бардош беролмайди.

Жаббор Халилнинг “Тақдир бекатлари” романи қаҳрамони Жавлон Алиев чекаётган изтиробнинг сабаби эса “беш йилдан буён тиним нималигини билмай, кечаю кундуз демай, иссиғу совуқни ҳам сезмай, бетиним кунт билан ёзиб тугатган янги асарини қандай қилиб бўлса-да, чиқариб олишу мухлислари ҳукмига топшириш” экан. Хўш, бундай қутлуғ мақсаднинг амалга ошишига нима, ким ҳалақит беряпти? Эр-хотиннинг узоқ давом этган суҳбатидан шуни англаймизки, китобни нашр эттириш учун оиланинг тўлайдиган пули йўқ экан. Биринчи тўпламни чиқаришга рўзғордаги “қўй-эчкидан тортиб, ўғли миниб юрган мотоциклгача сотиб” беришган. Кейин “қиссалари чиққунча бор бисотидан” айрилишган. Маълум бўлишича, уйларида ҳам ҳеч вако қолмабди, пенсия ҳалигача келмабди. Хотиннинг ғоят адабий тилда сўзлашига қараганда, рўзғорда ҳам етишмовчиликлар кўпайиб кетибди. Демак, эр

ҳам, хотин ҳам ишсиз, деган хулосага келамиз. Назаримда, нашриётларнинг муаллиф ҳисобидан китоб чиқариш можароси мустақилликнинг дастлабки йилларига тўғри келади. Хўп, бозор иқтисодиёти ҳукмронлик қилаётган шароитда бундай вазият бўлиши мумкин ва табиий. Лекин асар қаҳрамонлари бу кийин ҳолатдан қандай чиқиб кетадилар? Ўқувчини шу савол қизиқтиради.

Чиндан ҳам эр-хотин диалогда ўртага ташланган фикрлар ёзувчига инсон ва муҳит, иқтисодий эврилиш даврида тафаккурнинг ўзгариши, адабиёт ва мафкура ўртасидаги зиддиятларни ёритиш имконини берарди. Йўқ, ёзувчи бу йўлдан бормайди, уни ривожлантириш, қаҳрамон изтиробининг сабабларини очиш ўрнига Жавлоннинг ёшлик хотираларини баён қилишга киришиб кетади. Бу ҳам аслида муаллифга Иккинчи жаҳон уруши давридан то 90-йилларгача бўлган қарийб ярим асрлик шўро бошқаруви пайтида ниҳоятда кескинлашган жамият ва инсон манфаатлари ўртасидаги конфликтни бор бўйи билан ифода-лашга йўл очарди. Аммо бу жараён ҳам изчил тасвирланмайди. Боз устига ёзувчи қаҳрамон ҳаётида рўй берган энг муҳим воқеа-ҳодисаларни саралаб олиш ўрнига, кўпинча кераксиз, майда-чуйда эпизодларга кенг ўрин беради.

Зулфия Куролбой қизининг “Армон асираси”, “Машаккатлар гирдоби” романлари эр-хотиннинг бозор иқтисодиёти шароитида турмушнинг кун сайин қийинлашаётгани, йўқчилик туфайли қарзга ботиш, ишсизлик оқибатида вужудга келган сарсон-саргардонлик ва асабийлик, олий маълумотли бўла туриб мондали иш тополмаётган Дониш билан номзодлик диссертациясини химоя қилиш арафасида ишдан бўшаб кетган Давроннинг хотинлари жанжалидан кутулиш учун уйдан чиқиб кетишлари билан бошланади. Сюжет чизиқлари ана шу биринчи қадамдан бошланади ва охиригача қаҳрамонлар ҳаракатда тасвирланадилар. Улар каерга борган, нимаики қилган, ким билан учрашган бўлса, барчаси бошқа асарлардагидан фарқли ўлароқ, мана шу диалогда ўртага ташланган муаммони ҳал этишга бўйсундирилади.

Ҳабиб Темировнинг роман-дилогиясида ҳам Россияга қатнаб осонгина бойиб кетган “янги ўзбек” Миртожининг ажабтовур саргузаштлари ҳикоя қилинади. Роман чиндан ҳам саргузашт-детектив асарларга хос эпизод билан бошланади. Миртожибой кизи Лайлони ўзи сингари “янги ўзбек” бойларидан Қолдибекнинг ўғлига унаштириб, шаҳарнинг энг машҳур ҳашаматли маданият саройида ўтказилаётган тўйда куёв-келиндарни кутишмоқда. Бир пайт худди ҳинд кинофильмларида акс этгандек, тўйхона олдига “бир қоп-қора “Нексия” елдек учиб келиб, эшик олдида ғийқиллаб тўхтади”, “ундан бўғриқиб, нафаси бўғилиб кетган куёв тушиб, отаси томонга чопди”. Маълум бўлишича, келин қочиб кетибди! Худди ўша фильмлардагидек бой қудалар бир-бирини юпатади, таскин беради ва... бир оздан сўнг тўй бинойидек давом этади. Орадан озгина ўтгач, “оппоқ ҳарир либосли, юзига бежирим кашмири чачвон тутган келин” ва куёв қўлтиқлашиб, тўйхонага кириб келадилар. Демак, ҳамма нарса жойида, келин топилибди-да! Аксинча, жойларига ўтиргач, куёв “қайлиғига ўпкаланган тарзда ўгирилади ва унинг чачвонини оҳиста кўтарар экан... котиб қолди. – “Ие, – деди у сал бўлмаса йиқилиб тушай деган аҳволда. – Сиз... бошқа-ку!” Келин эса уялиш, хижолат тортиш ўрнига ҳали бирон марта кўрмаган куёвга “Жим! – деди таҳдидли овозда. – Жим ўтиринг! Мен ўшаман! Мен... кейин тушуниб оласиз”, дея пўписа қилади. Кейин аниқланишича, бу янги келин Миртожининг кичик қизи Шахло экан.

Кейинги воқеалар бундан-да ғаройиб! Лайло топилгач, уни опқочиб кетган Нозим билан келишиб, тўй кунини белгиладилар. Бунни қарангки, энди бу гал куёв тўра қочиб кетади! “Янги ўзбек” бойи Миртожи бу галги шармандалиқдан ҳам осонгина кутилиш йўлини топади – ёрдамчиси Кўшокбойнинг югуриб-елиши туфайли бирпасда “ижарачи” куёвни олиб келади-да, келиннинг ёнига ўтқазиб қўяди. Асар воқеаларини бу каби янги эпизодлар билан бойитиш аслида конфликтнинг янада кескинлашувига, қўшимча тугунлар ва тўқнашувларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Шубҳасиз,



Ўқувчи энди хаёлида бу “янги келин-куёвлар”нинг хаёти қандай кечади? Ахир, улар Отабек билан Кумуш эмаски, бири “Мен ўшаман...” деса, бошқасининг кўнгли жойига тушиб, енгил тин олса?! Айниқса, ўзининг эндигина етишган чинакам эри ўрнида бутунлай бошқа эракни кўрган Лайло қай аҳволга тушди экан? Мабодо, “ижара”га олиб келинган бу “куёв” тўйдан кейин кетмасдан “шу менинг хотиним. Мана, ҳамма гувоҳ, ундан ажрашмайман” деб туриб олса, нима бўларди? Ахир, у қўли калта етимча, бировларнинг эшигида ишлаб кунини ўтказиб юрган йигит экан-ку, деган саволлар туғилади. Бироқ воқеалар на биз, на қаҳрамонлар истаган йўналишда эмас, балки ёзувчининг хоҳиш-истагига кўра ривожланади. Персонажлар унинг амрига сўзсиз бўйсуниб ҳаракат қиладилар. Ҳамма нарса осонгина ҳал бўлади: Қолдибекнинг ўғли “кейин тушуниб олади”, “ўша” келин билан тинчгина яшай бошлайди ва умуман, воқеалар силсиласидан чиқиб кетади. Яхшики, “ижарагир” куёв Мардибой исми жисмига мос “мард” йигит экан, ролини муваффақият билан бажаргач, хизмат ҳақини ҳам олмай кетаверади.

Бу мулоҳазаларда роман муаллифи бадиий адабиётнинг миллийлиги, характерлар мантиғи, воқеалар хаётийлиги ва изчиллиги каби муҳим мезонларига етарли риюя қилмаганлигини кўрсатади. Назаримда, Ҳ.Темиров ўйлаб топилган бундай уйдирма воқеалар билан ўқувчиси кўнглини олишни, персонажларнинг худди режиссёр топшириғини бажаришга мажбур бўлган актёрлар сингари қабул қилинишини хоҳлайди, шекилли. Аммо режиссёр актёрлардан асардаги қаҳрамон характери мантиғидан келиб чиққан ҳолда роль ижро этишини талаб қилса, роман муаллифи персонажлардан ўзининг ғоявий ниятига қараб роль ўйнашларини талаб қилмоқда. Дарвоқе, нутқда бадиийликдан кўра газета ахбороти, курук баёнчилик ҳам асарнинг бутун мазмунини сусайтириб қўйгандек туюлади.

Хуллас, ХХI аср мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида янги саҳифалар очганлиги аниқ-

равшан кўриниб турибди. Бундай ривожланган юртда маънавий-маърифий жабҳанинг кўзгуси бўлмиш бадиий адабиётнинг умумий юксалишдан ортда қолиши ярашмайди. Бу оғир вазифани ҳал этишда ижод аҳлининг масъулияти жуда катта. Бунинг учун адабиёт намояндалари халқ ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этмоқлари зарур. Масъулиятни ҳис этиш эса кишининг онги, дунёқараши билан боғлиқ. Яратилажак “бадиий асар, энг аввало, ёзувчи тафаккурининг мевасидир” (Ч.Айтматов). Буни чин дилдан ҳис қилган ҳар бир адиб кўлига қалам ва қоғоз олишдан олдин ўз олдига “Мен маънавий жиҳатдан юксалиб бораётган халқимга, жаҳонга бўй чўзаётган ёш авлодга, ўзлигини англаб етган ўқувчимга нимани, қандай шаклда айтишим керак? Менинг сўзларим унинг келажагида қандай роль ўйнайди? Кўзланган мақсадидан қайтармайдими? Танлаган тўғри йўлидан чалғитмайдими?” деган саволларни қўйиб, уларга масъулият билан жавоб изласа, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун ёзувчи ҳаётга некбин кўз ва ёниқ муҳаббат билан қарамоғи керак. Токи, унинг тафаккури ҳосили ҳисобланган бадиий асар хом-хатала ва тахир мева сингари харидорнинг иштаҳасини бўғмасин. Бундай вазиятга тушмаслиги учун ижодкор яратилажак асари устида тинимсиз меҳнат қилиши, ҳаддан зиёд кўп тер тўкиши талаб этилади. Ёзувчи “Ижод, бу – ўзини қийнаш, машаққат чекиш, хузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик” (И.Каримов) дан иборат эканлигини унутмаслиги лозим. Зеро, шошма-шошарлик адабиётга ҳеч қачон наф келтирмаслигини, ҳақиқий санъаткор учун кўп ёзишдан кўра ҳўб ёзиш афзал эканлигини билиши шарт. Бунинг учун ҳақиқий санъаткор халқининг дарду ғами билан яшаши, уни чуқур ҳис қилиши, ҳаёт қозонида кўпроқ қайнаши, қувончу ўзгаришларни одамлар билан баҳам кўриши, реал ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлардан илҳомланиши керак.

---

# Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

(1943 йилда туғилган)



---

## ИЖОДНИНГ АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ЙЎЛИ

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, турғун фикрлар, сохта гоё ва идеаллар исканжасидан қутулганига йигирма йил бўлди. Республика иқтисоди, саноати, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва санъат, жумладан, бадиий адабиётида эришган муайян юксалиш, ривожланиш нишонларини бутун жаҳон аҳли кўриб турибди. Ҳамма соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг аниқ самаралари яққол сезилмоқда. Халқаро алоқалар кучайиб, дўстлик ришталари тикланаётгани, айниқса, ҳали куртак ҳолида бўлса-да, маданий-адабий ҳамкорликнинг йўлга қўйилаётгани азалдан дунё аҳлига дўст, қардош, дарддош бўлиб келган бағрикенг халқимиз ҳамда кўнгли ҳамиша тоза ижод аҳлининг бағрига баҳорий илиқлик олиб келмоқда, уни умидбахш туйғулар билан илҳомлантириб, эзгулик, олижаноблик, адолат устувор бўладиган янги порлоқ манзилларга чорламоқда. Айни замонда, йигирма йил маълум даражада босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилишга, эришган ютуқларимизни умумлаштириб, бажарилмай қолган ишлар сабабини таҳлил қилишга, улардан сабоқлар чиқаришга ҳам имкон беради.

Ҳозирги адабий жараёнда яккол кўзга ташланадиган ва ҳаммамизни қувонтирадиган ҳодиса ижодкорларнинг хилма-хил услубий изланишлари учун кенг имкониятлар очиб берилгандир. Ҳеч кимга сир эмаски, социалистик реализмнинг темир кишанлари улоқтириб ташлангандан кейинги дастлабки йилларда “бозор адабиёти” деб аталаётган саёз асарлар анча болалаб, кўпайиб кетди. Эпчиллик қилиб ҳомий топа олган ёки озгина маблағи бор қаламкашларнинг ўртамиёна ижод намуналари китоб дўконлари пештахталарини безаб турганига кўникаб ҳам қолдик. Аммо маълум вақт ўтгач, бундай “усти ялтироқ, ичи қалтироқ” асарларнинг ўткинчи эканлиги ҳақидаги гаплар, мулоҳазалар яна устувор бўла бошлади. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида сўнгги йилларда юзага келган бозор адабиёти маҳсулотларини таҳлил этиб, баҳосини берувчи давра баҳслари, суҳбатлар уюштирилгани бежиз эмас.

Вақт ўтиб, бўтана сувлар тиниклашгани сари адабиёт ўзининг асл ўзанларига, азалий қадриятларига қайтаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Зеро, адабиётда – сўз санъатида ҳаётни бўяб-бежамасдан ҳаққоний тасвирлаш, инсон қалбини теран тадқиқ қилиш, унинг қувонч-ташвишлари, дардларини, ички дунёсини, мураккаб туйғулар оламини бутун зиддиятлари билан акс эттирувчи ёрқин образлар, бадиий кашфиётлар яратиш воситасида ўқувчига эстетик завқ бериш ва унинг маънавий дунёсига таъсир кўрсатиш талаби ҳеч қачон эскирмай қолаверади. Ана шу муқаддас қонуниятни асосий мезон қилиб олган чинакам ёзувчилар қайси давр ва тузумда яшашидан қатъи назар, инсон юрагининг энг чуқур нуқталаригача етиб борадиган, ўлмайдиган ҳаётбахш асарлар яратиб қолдиргани маълум. Бальзак ёки Гоголь, Диккенс, Толстой, Достоевский, Тургенев, Чехов, Марк Твен ёки Тагор сингари ўнлаб башарият даҳолари ижоди бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда бу адибларнинг қайси методда ижод қилгани ёки адабий тажрибалар ўтказгани эмас, балки ҳаёт манзараларини шафқатсиз ҳаққонийлик билан тасвирлаб,

ўқувчи юрагини ларзага солгани ва адабиётни кудратли маънавий куч даражасига кўтара олгани муҳим. Шу фикрларни ўтган асрда социалистик реализм қолипларини ёриб чиқа олган Шолохов, Булгаков, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаххор, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Хайридин Султонов, В.Астафьев, В.Распутин сингари ёзувчилар ижоди ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шеърятда эса Есенин, Твардовский, Николай Рубцов, Чўлпон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва бошқа ўнлаб шоирларнинг асарларини тилга олиш лозим. Бугун биз уларнинг ижодини қайсидир адабий ўлчовлар, айтайлик, социалистик реализм, сюрреализм, модернизм, постмодернизм ва бошқа "...изм"лар талабига мос келганига қараб эмас, балки тасвирнинг ҳаётийлиги, санъаткор сифатида ўзига хос, бетакрор туйғулар оламини қай даражада суратлантириб берганига қараб кадрлаймиз ва улуғлаймиз. Бу азалий ҳақиқатни қайта такрорлаб, унга урғу бераётганимизга сабаб шуки, фикр эркинлиги тамойиллари янги имкониятларни вужудга келтирган дастлабки кезларда энди адабиёт қайси йўлдан боради, деганга ўхшаш мулоҳазалар пайдо бўлиб, баъзи ижодкор орасида ғарбда новаторлик сифатида баҳоланган айрим оқимларга маҳлиёлик ёки тўғридан-тўғри тақлид қилиш қайфияти бир қадар кучайган, модернизм, абсурд асарларни ёқлаш ёки уларни бутунлай инкор этиш майллари ҳам кўрингани маълум. Илло, ҳозир бу бахсларга (улар кейин ҳам давом этади) муносабат билдириб ўтирмасдан, атоқли ёзувчимиз Пиримкул Қодировнинг ғарбдаги айрим адабий тажрибалар қатта кашфиётларга олиб бориш ўрнига адабиётни ҳаётдан узоқлаштириб қўйгани ҳақида билдирган мулоҳазалари асосли эканини таъкидламоқ жоиздир.

Аммо бу мулоҳазалар адабий тажрибаларни, бадиий тасвир имкониятларини кенгайтириш йўлидаги изланишларни инкор этиш тарзида қабул қилинмаслиги керак.

Адабиёт ҳамиша юксак изланишлар, бадиий кашфиётлар билан тирик. Фақат юқорида айтганимиздек, янги адабий из-

ланишлар ижод уфқларини кенгайтиришга хизмат қилиши ва айни замонда бошқотирғич-жумбоқларга айланиб кетмаслиги лозим. Ғарбдаги “эксперимент” шайдолари ҳам ўз машқларидан толиқиб, яна анъанавий наср усулида асарлар ёза бошлагани бунини тасдиқлайди. “Жаҳон адабиёти” журналининг 2007 йилги 8-9-10-сонларида эълон қилинган Америка ёзувчиси Кристофер Баклиннинг “Арабистонлик Флоренс” романини ўқиган китобхон фикримизга қўшилади, деб ўйлайман.

Мазкур мулоҳазаларни қувватлайдиган яна бир мисол келтираман. “Иностранная литература” журналида турк ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Ўрхон Памукнинг “Деразадан кўринган манзаралар” ҳикояси эълон қилинди. Асосан, модернизм йўналишида ёзадиган бу ёзувчи мазкур янги ҳикоясида соф реалистик тасвир йўлидан боради. Қаҳрамонларининг портретини, хатти-ҳаракатларини, маънавий-руҳий кечинмаларини содда ва аниқ деталлар, ҳаётий манзаралар асосида гавдалантиради. Ҳикоядаги ҳар бир чизги ўз ўрнида, худди куйиб қўйилгандек. Биронта ортиқча тафсилот, кераксиз гап-сўз, мулоҳаза йўқ. Муаллиф кичик бир оиладаги фожиани, драматик вазиятни бола тили ва нигоҳи орқали таъсирли, ҳаётий лавҳаларда катта маҳорат билан гавдалантиради. Эр оиласини, бола-чақасини ташлаб кетган; ночор аҳволда қолган хотин, кекса она, болаларнинг изтироблари – ҳаммаси ниҳоятда самимий бўёқларда чизилган.

Бундан бир неча йил аввал худди шундай услуб, янгича тамойилларда ижод қилишга мойил ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида ҳам ёрқин кўринган эди. Ёзувчи муваффақиятли изланишларни давом эттириб, “Еттинчи кават”, “Қичқирик” каби чуқур руҳий таҳлилга, қалб драмаларини тиниқ кўрсатишга асосланган бир қатор ҳикояларни эълон қилди. Кўп йиллардан бери ўзбек насрига муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Ступка” ҳикоясида ҳам янгича тамойиллар етакчилик қилади. Ҳар икки ёзувчининг кейинги йилларда

эълон қилган ҳикоя ва қиссалари адабиётимиз хазинасини бойитади деб мамнуният билан айта оламиз.

Замонавий ва тарихий мавзуда муваффақиятли ижод қилиб, устозлар анъаналарини давом эттираётган ва услубий изланишлари ижобий баҳоланаётган Омон Мухторов билан Асад Дилмуродовнинг ўзига хос ифода ва бадиий воситаларга эга бўлган ранго-ранг романлари ҳам янги ўзбек насрида алоҳида ўрин тутади.

Адабиётнинг янги бўғинига мансуб бўлган Шойим Бўтаев, Собир Ўнар, Лукмон Бўрихон, Абдуқаюм Йўлдошев, Наби Жалолоддин, Тилаволди Жўраев, Адхам Даминов, Саломат Вафо ва бошқа истеъдодли ижодкорлар жаҳон адабиётидаги энг яхши тажрибаларга ижодий ёндашиб, дуруст натижаларга эришаётгани ўқувчини қувонтиради.

Умуман олганда, қайси услубда ижод қилиш, қайси ёзувчидан ўрганиш ёки унга эргашиш – ижодкорнинг шахсий иши. Ҳамма гап эришилган натижада. Адабий таъсир, адабий алоқаларсиз, бутун жаҳон адабий жараёнидан ажралган ҳолда юксак адабиёт, санъат намуналарини яратиш қийин, албатта. Айниқса, ўзбек ҳалқининг табиатида бағрикенглик, жаҳон маданиятидаги энг илғор тамойилларнинг қадрига етиш ва эъзозлаш фазилати кучли. Бунга буюк Навоий ижоди ёрқин кўрсатиб турибди. Ҳазрат мумтоз шарқ адабиёти ютуқларини, қадимги юнон, ҳинд, хитой адабий-фалсафий тафаккурини пухта ўзлаштиргани ўлмас ғазалларида яққол сезилади. Аммо бу ҳолат буюк Навоий асарларининг юксак парвоз қилишига заррача халал берган эмас. Ёки улуғвор “Ҳамса”ни яратар экан, Навоий ўзидан олдин яшаган ва форс тилида ижод этган шоирлар – Низомий, Хусрав Дехлавий ҳамда устози Абдурахмон Жомийнинг анъаналарини, санъаткорлик сирларини пухта ўзлаштирмаганида хамсачиликда юксак муваффақият қозона олармиди?

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романини яратиш жараёнида машҳур тарихий романлар муаллифи Жўржи Зайдоннинг ижодий тажрибаларидан ўрганганини қайд этган эди.

Айни замонда адиб бу араб романчиси орқали яна бир машхур тарихчи ёзувчи Вальтер Скотт ижоди билан ҳам танишади. Шунингдек, у тарихий асарларини ёзар экан, рус ёзувчилари, хусусан, А.С.Пушкиннинг насрий маҳоратидан сабоқ олади. Буни “Ўткан кунлар” ва “Капитан кизи”ни қиёслаганда яққол кўриш қийин эмас.

Чўлпон ҳам жаҳон адабиётини пухта ўрганганини Робиндранат Тагор ҳақидаги мақолалари, Шекспир, Пушкин трагедияларининг ажойиб таржималари исботлаб турибди. Айни замонда у Лев Толстой сабоқларидан ҳам баҳраманд бўлган, жумладан, “Кеча ва кундуз”ни ёзишда ҳам “Тирилиш” романида қўлланган усуллардан моҳирона фойдаланган. Аммо бундай таъсирланиш, ўқиб-ўрганиш ҳолатлари ҳар икки машхур ўзбек ёзувчисига миллий рух балқиб турган ёрқин образлар ва миллий ҳаёт манзараларини гавдалантиришга, миллат қисмати ва фожиасини ҳаққоний бўёқларда кўрсатишга асло монелик қилмади. Бундай табиий ҳолат адабиётнинг азалий қоидадир.

Хуллас, адабий алоқалар, адабий таъсир самаралари бундан кейин ҳам янги-янги асарлар яратилишига туртки берувчи ҳаётбахш омил бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам бугунги адабий жараён ҳақида гапирганда ҳар хил “...изм”лар ўрнига адабий таъсир ва адабий алоқаларнинг самарасига кўпроқ эътибор берган маъқул. Шу маънода бугунги насрдаги янги ва энг яхши изланишлар ўзига тўғри ўздан йўл топиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Буни Одил Ёкубов билан Пиримқул Қодировнинг “Осий банда” ва “Она лочин видоси”, Мирмуҳсиннинг “Илон ўчи” романлари тажрибаси яққол кўрсатади. Бу машхур адиблар соф реалистик анъаналарга таяниб, ҳаққоний, таъсирчан асарлар яратиш йўли асло эскирмаганлигини, ҳамма гап маҳоратда, мазмуннинг чуқурлиги, кўламнинг кенглигида эканини амалда исботлаб берганлар.

Бугунги кунларда – мустақиллик даврида фаол ижод этаётган барча ёзувчиларнинг асарлари бўлажак мунозаралар учун катта мавзу бўлади деб умид қиламиз.





## Насимхон РАҲМОНОВ

(1952 йилда туғилган)



---

### КОМИЛЛИК МАНЗИЛИГА ЙЎЛ

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар туркий адабиётнинг илк манбаи сифатида бир неча асрлардан буён жаҳон илм аҳлига яхши таниш. Хусусан, XVIII аср бошларида Енисей ҳавзасидан Г.Месершмидт, К.Шулман каби археолог ва этнографлар томонидан топилган ёдгорликлардан бошлаб шу кунгача бу соҳада қилинган ишларга эътибор берилса, натижалар салмоқли эҳарлиги кўринади. Айниқса, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қадимги туркий ёзма ёдгорликларни ўрганиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, айрим йирик Ўрхун ёдгорликлари қайтадан ўқиб чиқилди, адабиётшуносликда бу ёдгорликлар юзасидан монографиялар, дарсликлар юзага келди. Шўро даврида диний асар деб тамға босилган қадимги туркий ёдгорликларни нашр этиш ишлари жадал тус олди. Хусусан, эски уйғур-турк ёзувида, моний ёзувида битилган қатор ёзма ёдгорликлар нашр этилиб, ўзбек адабиётининг, ўзбек маданиятининг мулкига айлантирилди. “Олтун ёруғ”, “Хуастуанифт” ва бошқа қатор буддавийлик, монийлик шеърлари ҳозирги ўзбек тилига таъдил қилинди. Умуман олганда, ўзбек олимларининг бу борада

олиб бораётган ишларини жахон илмий жамоатчилигига етказиш учун мустақиллик кенг имкониятлар очиб берди.

Мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган миллий мафкурани озиқлантириш, баркамол авлодни тарбиялашнинг битта омили исломиятдан олдинги қадим аждодларимиз яратган ўғитлардир.

Инсониятни комилликка, солиҳликка етаклашда дунёнинг турли жойларида муштарак йўллар мавжуд бўлиб, бу йўллар бир манзилга олиб боради. Манзил – инсон, инсон кўнгли. Ҳиндистонда – буддавийлик, Эронда – монийлик, Яқин Шарқ мамлакатларида – ислом. Ақидалару эътиқодлар турлича бўлса-да, мақсад бир. Ана шу муштарак йўллар бир манзилда – комиллик манзилида туташади. Бугун биз кўп гапираётган маънавиятнинг пировард натижаси, моддият ва маънавиятнинг уйғунлиги ҳам жамиятга комил инсонни тарбиялаб етиштиришдан иборат бўлган эди.

Комилликка эришган жонзотлар орасида энг олийси инсондир. Комиллик панду насихатларга кулоқ тутишнигина эмас, амалдаги хатти-ҳаракатни, мушоҳадани талаб этади. Комилликнинг даъваткор қудрати адабиётдадир. Қадимдан шундай бўлиб келган ва бугунгача давом этиб келмоқда. Тарихга назар ташласак, Марказий Осиёда истиқомат қилган туркийзабон халқларнинг исломиятгача бўлган адабиёти бу жиҳатдан намунадир. Гап V – IX асрларда заминимизда яратилган монийлик ва буддавийлик оқимидаги адабиёт тўғрисида кетяпти. Бу давр туркий тилли адабиётида аниқ мақсадга – комил инсонларни тарбиялашга йўналтирилган алоҳида даъвату ақидаларни кўрамыз. Гап жамиятнинг бунга муҳтожлигида эмас, балки соғлом жамият барпо қилиш, руҳан собит ва уйғок насл яратишга интилишда, бу даврнинг алоҳида ўзига хослигидадир. Ана шундай наслни комилликка етаклашда “Олту Ҷеруғ”нинг алоҳида ўрни ва вазифаси бор. Бу асар туркий қавмлар ҳаётида катта ўрин тутгани учун ҳам X – XVIII аср ораллиғида ўн марта кўчирилган ва бутун Турон-заминда севиб ўқуладиган китобга айланган.



“Олтун ёруғ”нинг асл матни тахминан милодий I асрда яратилган. Бу асар бошдан-охир махаяна мазҳабини тарғиб қилишга қаратилди. Савол туғилади: нима учун айнан махаяна мазҳаби асосида яратилди ва Канишка ҳам айнан шу таълимотни ёйиш учун хизмат қилди? Зотан, махаяна таълимотида ички покланиш, рухий, маънавий соғломлик бош ўрин тутати. Қолаверса, Марказий Осиёдаги азалий маънавий муҳит ҳам махаяна мазҳаби билан уйғунлашади. “Олтун ёруғ”нинг асл нусхаси яратилиш даври, биринчидан, айнан Кушон империясининг кучайиб, Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллаб олган даврга тўғри келади. Иккинчидан, Кушон империяси Марказий Осиёдаги туркий қавмлар давлати бўлгани боис бу империя ҳукмронлигига қадар буддавийлик Ўрта Осиёда, хусусан, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида энди ёйилиб бораётган эди.

Албатта, маълум бир диний-фалсафий оқимнинг ёйилиб, илдиз отиши учун ички шарт-шароит бўлиши зарур эди. Шубҳасиз, буддавийлик маҳаллий дин қобиғини ёриб чиқиб, бу даврда дунёвий дин даражасига кўтарилган, “ҳар бир одамнинг мизожи билан ҳамроҳ бўлиб бораётган эди. У инсонда мавжуд анъанавий маҳаллий муносабат билан муносабатсиз бўлиб, маҳаллий дин унга ўхшамайди. Дунёвий дин бир халқнинг эътиқоди бўлиб қолмай, шу халқнинг маънавий ва ижтимоий қурилмаси билан шунчалик зич бирикиб кетган бўлади”. Бу зичлик, бир томондан, бошқа халққа ёйилишига ҳалақит бермади, балки халқнинг маънавий ва ижтимоий қурилмасини бошқа халқларга етказди. Иккинчидан, ўзга муҳитдан кириб келган дунёвий динлар – буддавийлик, монийлик маълум маҳаллий шароитга мослашиб, шу халқнинг маънавий мулкига айланди.

“Олтун ёруғ”нинг яратилишида туркий қавмлар ҳам иштирок этганлигини далилловчи фикрлар бор. Жумладан, Ўрта Осиёнинг қадимий мифологияси ва афсоналаридаги қахрамонлар исмининг мазкур ёзма ёдгорликда учраши бир далилдир. “Олтун ёруғ”нинг биринчи китобида Эрлик хон (Эрклиг деб ҳам айтилади) тимсоли бор. Эрлик хон турк-мўғул мифологиясида кенг тарқалган. “Олтун ёруғ”да бу тимсол Ку тауни ёвуз



килмишлари учун ҳукм килмокчи бўлади, чунки Эрлик хон мархумлар шоҳлиги ҳукмдоридир (Эрклигнинг луғавий маъноси ҳам қадимги туркий тилда “қудратли ҳукмдор” дир). Афсоналарга кўра, Эрлик қадимда руҳоний бўлиб, авлиёликнинг энг юқори даражасига эришган ва ғайритабиий қудратга эга бўлган эди. Унинг ўлими ҳақида икки ривоят бор: биринчиси – у ўғирликда айбланиб, тухматнинг қурбони бўлган, иккинчиси – талончиларнинг жиноятларига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолган. Оқибатда талончилар томонидан ўлдирилган. Шуниси ажабланарлики, Эрликнинг боши олингандан кейин ҳам унинг танаси тирик қолган. Эрлик калласи ўрнига ҳўкизнинг бошини ўрнатиб олиб, кўрқинчли қиёфага эга бўлиб қолган. Хуллас, Эрлик инсонлар тасаввурида ҳалоқат келтирувчи иблис сифатида қолган. “Ўлим ғолиби” Ямандаг Эрликни мағлуб қилиб, ер ости дунёсига жўнатиб юборган. Шундай қилиб, Эрлик нариги дунёнинг ҳукмдори ва ҳақами бўлиб қолган. Гарчи Эрлик билан Ямандаг ўзаро душман бўлса-да, икковининг ҳам қиёфаси бир-бирига ўхшатилиб бутлар ясалаверган (масалан, Мўғулистонда).

“Олтун ёруғ” мифологияси Ўрта Осиё халқлари мифологияси билан уйғунлигини исботловчи далиллар кўп. Жумладан, Зерван ва Хўрмузд мифологик образларининг маъно ҳамда вазибалари зардуштийлик билан буддавийликда, хусусан, “Олтун ёруғ”да уйғундир.

Зерван (ёки Азруа) илк бор “Олтун ёруғ”нинг биринчи китобида (17-саҳифасида) учрайди. Асарда “барҳаёт” Зерван ва Хўрмузд Тангрилар тангриси бурхондан кейин мавке тутган тангрилардир. Биринчи китоб таржимони Нўмчи Танвасин муаллим Зерван билан Хўрмуздга таъзим қилишини баён этади. Асарнинг кейинги саҳифаларида Зервандан кўра, Хўрмузд фаол мифологик образ сифатида кўринади. Унинг сифатлари кўп: Тангриларнинг қудратлиси, тангрилар хони, бўдисатв ва ҳ.

“Олтун ёруғ”даги барча тангрилар, махаранчлар, ёрдамчи руҳларнинг ўз вазибалари бор. Аммо барча тангрилар орасида

Хўрмуздгина Тангрилар тангриси бурхонга мазмундор, чинакам нўмни – қонунни етказишга қодир (II, 27 б). Хўрмузд қудрати туфайли Тангрилар тангриси бурхоннинг эътирофига сазовор бўлган, унда бурхоннинг қудратига тенг қудрат бор (III, 2 а). Бурхон Хўрмуздни Кавсикия деб атади. Кавсикия – душманлар ва иблислар устидан ғолиб бўлган, момақалдирик ва уруш тангриси Индранинг номидир. Шу ўринда “Олтун ёрук”қа “Авесто”даги мифологик образлар қай тарзда кириб келгани мавҳум бўлиб қолмаслиги учун баъзи кузатишлар ҳақида тўхталамиз.

Авалло, Хўрмузднинг ҳинд мифологиясидаги ўхшаши тангри Индра ҳақида. Индра туғилиши билан қадимги ҳинд адабиётида космогоник мифологиянинг иккинчи босқичи бошланган (биринчи босқичи азалда оламнинг яратилишига оид мифлардан иборат). Дуалистик фазо айнан Индра туғилгандан кейин бошланган (Хўрмузд билан Ахриман туғилгандан кейин дуалистик қараш бошланганига эътибор берайлик). Индранинг асосий вазифаси мавжуд оламдан реал оламни пайдо қилишдан иборатдир. Индра оламга зулмат ва нурни, кун ва тунни, ҳаёт ва ўлимни олиб келади. Иккинчи космогоник босқич айнан “Ригведа”да аниқ акс этган. Ана шу далилларга таянган ҳолда “Авесто”га асос бўлган мифология билан “Ригведа” (II минг йилликнинг иккинчи ярмидан кейин яратилган деб тахмин қилинади), ёки айтиш мумкинки, қадимги ҳинд мифологияси ўртасидаги алоқалар ведалар пайдо бўлган даврдан бошланган (Веда – муқаддас билим, Ригведа – муқаддас билимлар мадҳияси демақдир). Тарихий муносабатлар “Авесто”даги мифология билан ведалардаги мифологиянинг қариндошлик алоқаларини ўрганишга имкон беради.

Кўп тарқалган нуқтаи назарга кўра, II минг йилликдан олдин Ўрта Осиёдан, хусусан, Амударё ва Сирдарё оқими бўйлаб жойлашган ўлкадан тортиб Орол ва Каспий денгизларигача чўзилган юртдан Ҳиндистонга арийлар қабиласи бостириб кирган (М.Майрхофер, И.М.Дьяконов, Т.Боррау ва бошқа кўп шарқшунослар шу фикрда). Ана шу даврдан бош-

лаб арийларнинг алоҳида қабилалари турли томонга кўча бошлаганлар. Бу кўчиш II минг йилликнинг ўрталарига тўғри келади. Улар Ўрта Осиёдан Афғонистонга, у ердан Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистонга – ҳозирги Панжоб вилоятига ўтганлар. Арий деган номни Ҳиндистондаги қабилалар кўйган эмас, балки Ўрта Осиёдан борган қабилалар олиб борган. Арийлар “нафақат ҳарбий истеъдоди билан, балки бадий сўз соҳасидаги иқтидори билан ҳам ажралиб турганлар... Бу қабилаларнинг энг асосий хазинаси мадҳиялар бўлиб, келгусида жамланган Ригведаларнинг асосида ана шу мадҳиялар ётган эди”. Арийларнинг бошқа ўлкалардан Ҳиндистонга киргани тўғрисида бошқа фикрлар ҳам бор, аммо кўпчилик рус ва Европа шарқшунослари арийлар дунёнинг кўп томонларига Ўрта Осиёдан тарқалганини айтадилар.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг қариндошлиги масаласини далиллашда олимлар, тарихий алоқалардан ташқари, лингвистик омилларга ҳам таянадилар. Мутахассисларнинг фикрича, “Ригведа” билан “Авесто” тилининг бир-бирига яқинлиги (айниқса, “Ригведа”даги мандал ва “Авесто”даги готлар) шу даражадаки, баъзан иккала ёзма манбадаги матн бир архаик матннинг икки вариантыга ўхшаб кўринади, фақат товушлар мослиги қоидаларида фарқ бор, холос. Ана шу яқинлик туфайли ҳам айрим олимлар ўтган асрнинг биринчи чорагида “Авесто”даги баъзи шеърлар “Ригведа” тилига таржима қилинган, деган фикрга келдилар. “Авесто”дан қилинган бу таржималарни ведаларнинг аслиятидан фарқлаб бўлмаган.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг тили, жумладан, поэтик нутқнинг яқинлиги тадқиқотчиларнинг диққатини тортган. Ҳар икки ёзма ёдгорликдаги мифологик мерос ҳам бирдир – иккаласи ҳам арийлар мифологиясидан озикланган. Аммо диний тизим “Авесто” ва “Ригведа”да фарқли бўлгани учун ҳар иккаласида ҳам бу тизим ўз тараққиёт йўлидан кетди. Тил ва мифологик мероснинг ҳар иккала манбада бирлиги айрим сўзларнинг маъно ва вазифалари солиштирилганда маълум бўлади. “Ригведа”да deva – “Авесто”да daeva сифатида талаф-



фуз қилиниб, биринчисида “худолар” маъносини, “Авесто”да эса бу сўз “иблислар” маъносини билдиради. “Авесто”да аhуга сўзи “Ригведа”да asuga деб айтилади ва биринчисида факат худоларни (масалан, Ахурамазда ёки Хўрмузд) билдирса, “Ригведа”да худолар (масалан, Митра, Варуна каби) нинг эпитети вазифасида қўлланади.

“Ригведа” билан “Авесто”нинг мифологик қахрамонлари ўртасидаги умумийлик шуни кўрсатадики, исмларнинг лингвистик жиҳатдан бирлиги, қолаверса, ҳар иккаласида вазифа ва сюжет жиҳатидан ўхшашлиги улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларидан далолат беради. “Ригведа”да – Yama, “Авесто”да – Yima, “Ригведа”да – Vata, “Авесто”да – Vita, “Ригведа”да – Vayu, “Авесто”да – Vayu ва х. исмларда айнан шуни кўриш мумкин.

“Ригведа” ва “Авесто” икки диний тизимга мансуб бўлса ҳам, иккаласи учун умумий бўлган культлар бор. Жумладан, олов култи ҳар иккаласида заминда қурбонлик куйдиришни, осмондаги куёш ва бошқа самовий илоҳларга оид ҳамма хусусиятларни қамраб олади; ёки муқаддас ўсимликлар култи тўғрисида маълумот берилганда, ҳар иккала манбада ҳам бу ўсимликлардан боқий умр ато қиладиган ичимлик тайёрланиши тўғрисида сўз кетади. Шунингдек, ҳар иккала манбада мадхия-ибодатлар ҳам умумий мазмунга эга.

Умуман олганда, ҳар иккала халқнинг ёзма ёдгорликларини жалб қилган ҳолда, умумий мифологияни ўрганиш келгусида амалга ошириладиган вазифалардан биридир. “Олтун ёруғ”даги Зерван ва Хўрмузднинг мифологик асосини ведалардан, хусусан, “Ригведа”дан бошлаш масалага кўп ойдинлик киритади. “Олтун ёруғ”да бурхоннинг эътироф этишича, Хўрмузд жамики инсонларни қилмишлари, гуноҳлари учун пушаймон қилдириб, тавбага олиб келади. У инсонларни ёвуз қилмишларидан поклагин, деб бурхондан илтимос қилади (III, 2 б). Хўрмузднинг бу ишини Тангрилар тангриси маъқуллайди ва жамики инсоният гуноҳларидан покланиши учун қандай амалларни бажариш лозимлиги тўғрисида

Хўрмуздга йўл-йўрик беради. Бу амаллар – ҳамма бурхонларга таъзим қилиш, яъни иззат-ҳурмат қилиш, зехни очилганларга таъзим қилиш, махаяна таълимотини тарғиб қилувчиларга таъзим қилиш ва ҳоказолардан иборат. Аммо амаллар фақат шулардан иборат эмас, балки инсонлар қилган гуноҳларини эътироф этиб тавба қилишлари ҳам лозим. Зотан, инсонлар ёвуз, ёмон қонунларга эргашиб, ҳатто дўзахга ҳам тазйик ўтказган, ғазабнок бўлиб, нафрат ва нодонлиги туфайли жонзотларга зулм қилган, яхши-ёмон ишларни ажрата олмай, тана хоҳиши билан иш қилиб жонзотларга жабр етказган, тилига эрк бериб, кўнглида ёмон ишларни келтириб гуноҳ қилган, ёмон ният билан бурхоннинг танасидан қон чиқарган, тўғри, ҳақиқий нўмдан нафратланган, нўмдан нафратланиб, ундан юз ўгирган, соф ниятли руҳонийлар орасида иғво кўзгаб, жанжал чиқарган, ҳатто ота-онасини йўқ қилдирган, гуноҳу айбларни фақат ўзи қилиб қолмай, бошқаларни ҳам шундай ярамас ишларга ундаган ва ўзи бу қилмишларидан хурсанд бўлган, пок одамларга иллату гуноҳларни тўнкаган, ёмонни яхши деб мақтаб, яхшини ёмон деб қўллаб-қувватлаб, у нуқсонлидир, у шайтондир, деб ҳукм чиқарган.

Хуллас, дунёда нимаики иллатлар бўлса, инсоният ҳаммасининг ижрочиси. Шунчалик қабоҳатга ботган инсониятнинг гуноҳлари учун афв сўраб, Хўрмузд бурхон олдида воситачи бўлади, гўё Мусо пайғамбар барча Исроил халқининг гуноҳлари учун афв сўраб Яратганга илтижо қилгандай. Шундай қилиб, Хўрмузд қатта ижтимоий вазифа бажаради – бурхондан инсоният учун бахт сўрайди, инсониятни тўғри йўлга солишдан, яхшилик илдизини мустаҳкам қадашдан иборат вазифани амалга оширишни бурхондан илтимос қилади ва жамиятни соғлом қилиш учун курашади.

Бурхоннинг берган ўғитлари, йўл-йўриклари ҳамма бўдисатвларнинг ҳаёти учун мезон, улар бу йўлни кундалик вазифа сингари қабул қилишлари керак: “Беш оламдаги жонзотлар учун ўз танасининг шу тарика шодлигини, хурсандчилигини, озик-овқатини, қурол-яроғини (кўзда) тутмайдилар, жонла-



рини, бошларини фидо қилиб, ҳаётини бериб, сабр қилиб, чидайдилар. Шу тариқа бўдисатвлар бу сингари (вокеалар) бўлишини биладилар, ўзлари тинч, шод бўладиган сабаблар орқали ҳам энг (қаттиқ) азобларни тушуниб етадилар, жонзот безовталанса, азобланса, у тинчликни, хурсандчиликни истамайди. (Улар) ўзларининг таналарини фидо қилиб, бошқалар (эса бундан) эзгулик, хурсандчилик топадиган бўлса, таналарини, ҳаётларини шунчалик аямайдилар. Шундай қилиб, бу тахлитда бўдисатвлар ўзларининг тинчлигини, шодлигини тиламайдилар, (балки) таналарини, ҳаётларини аямайдилар, шу билан ўзидан юқори турадиганларнинг кўркув-азобларини, ўзидан қуйидагиларнинг хўрликларини, ёмон ниятли душманларнинг азоб-укубатга солишини (ва шунга ўхшаш) кўп (азобларнинг) турларига сабр қиладилар, бардош берадилар. Шудир ўзларининг тинчлигини, хурсандчилигини истамасдан, таналарини, жонларини аямасликка ишониб, сабр қилмоқ фазилатига эришмоқ (дегани)” (IV 14 а).

“Олтун ёруғ”нинг тузилиши ҳам “Авесто”ни эслатади. “Авесто”да Зардушт Хўрмузддан қонун сўрагани ва Хўрмузд Зардуштга жавоб берган каби, “Олтун ёруғ”да Хўрмузд бурхондан турли нўмлар – қонун-қоидалар, йўл-йўриқлар сўрайди.

Зерван, Хўрмузд, уларнинг атрофига йиғилган барча тангрилар инсониятнинг ҳалосқори, муҳофаза этувчиси бўлиш билан бирга, “олтун нур” – буддавийлик ақидаларини ёювчилардир. Бу нурга итоат этиб, унинг йўл-йўриғидан юрадиган юртнинг подшоҳи “биринчидан, соғ-саломат, хавф-хатарсиз бўлади, иккинчидан, умри узун бўлади, учинчидан, лашкарининг куч-қудрати ошиб кўпаяди, душманлари бўлмайди, тўртинчидан, эл-улус шод-хуррам, тўғри, қонун-қоида бўйича яшайди” (III, 33 а, б). Бу ваъда эмас, балки амалга ошиши мумкин бўлган ҳақиқатдир. Қолаверса, ҳақиқат фақат шундан иборат эмас. Бурхоннинг ўғитлари, Зерванга, Хўрмуздга ва тангрилар орқали берган ўғити юртни, инсонларни маънавий томондан соғлом қилади, молпарастлик иллатидан ҳалос этади, иллатлардан тозаришнинг маҳсули сифатида

инсонлар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлади. Хукмдорга ўзининг халки, атрофдаги душманлар ҳам совға-салом келтириб, дўст тутинадиган бўладилар, бунинг натижаси ўлароқ шон-шуҳратга эришадилар, ўзлигини намоён қиладилар, ҳам-манинг иззат-хурматиغا сазовор бўладилар. Подшоҳдан тортиб халкигача узоқ умр кўрадилар, тинч-омон яшайдилар (III, 35 а, б – 36 а, б).

Зерван, Хўрмузд ва тўрт махаранч тангриси, худди эртак, эпос қаҳрамонлари сингари, инсониятни бахт-саодатга элтувчи кудратли куч бўлиш билан бирга, уларнинг душманларини, эзгуликка қарши кучларни тумтарақай қочирадилар. Зотан, азалдан – яратилиш давридан бери Зерван билан Хўрмузднинг вазифаси шундай бўлган эди. “Хуастуанифт”нинг бошланишидаги Хўрмузд билан Зерванга оид воқеалар ҳам бунинг далилидир. Айни пайтда улар инсоният қалбидан жой олиб, “баҳодирлик, мерганлик, фазилат, маҳорат, билимни уларнинг кўнгилларига жо қилиш” учун бурхонга ваъда берадилар. Бу фазилатлар фақат руҳий маънода эмас, балки жисман инсон қалбида жо бўлиши лозим. Элларнинг хукмдорларидан тортиб халқигача жисмонан соғ-саломат яшашининг асосий шarti – бурхон берган тўғри қонун-қоидалар, қонунлар таркибидаги ёрлиқлардир. Инсоният йўлидаги азоб-уқубатларни бартараф қилиш, шунингдек, ахлоқни жамиятнинг соғломлиги учун асосий шарт қилиб қўйиш, донолик мушоҳада орқали руҳий етукликка олиб боришнинг пировард мақсади – нокомил бу оламни комилликка етаклашдир. Инсон ҳеч қачон азоб-уқубатдан, кексайишдан, хасталик ва ўлимдан холи бўла олмаган. Бунинг имкони ҳам йўқ, зотан, ҳаёт шундай қурилган. “Олтун ёруғ”нинг мақсади – инсоният азобни тушунсин, уни бартараф этиш йўлини англасин.

Асарда уч қимматбаҳо хазина тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган. Буддавийликда уч хазина ниҳоятда қадрланган, шунинг учун ҳам ҳар доим буддавийликка эътиқод қилувчилар бу уч хазинани кўз-кўз қилиб эмас, балки ўзларига мажбурият сифатида олиб, эътиқоднинг асосий таянчи сифа-

ти, деб билганлар. Хўш, бу уч хазина нималардан иборат? Ёвузлик килмаслик. Яхшилик қилиш. Ақлни поклаш. Бу уч мажбурият “уч заҳар” ёки уч турли ёмон қилмиш деб аталадиган зарарли одат ва кўникмаларга – очкўзлик ёки шахвоний истак, нафрат, йўлдан озиш ёки нодонликка қарши кўйилади. Будданинг ўнта ваъдаси ана шу уч турли ёмон қилмишларга барҳам беришга қарши руҳий куч сифатида яратилган .

Инсоният “уч хазина”га боғланиб, “уч заҳар”дан қочишга интилишни мақсад қилиб олиши лозим (IV 9б –10 а). Дарвоқе, одамзоднинг табиати доимо дунёвий лаззатга мойил бўлиб келган. Дунёвий лаззат – инсон учун бошпана, маскан. Фақат ташқи олам инсоннинг тана истакларини қондира олади. Кимдир пул ва бойликдан лаззат топиб, уни ўзига маскан деб билади, кимдир гиёҳванд моддалардан, кимдир лаззатли овқатдан, кимдир денгиз бўйида дам олишдан ҳузурланиб, ташқи оламнинг ҳузур-ҳаловатини ҳаётнинг асосий мазмуни деб билади, ўзини бахтиёр, ҳамма нарсага эришган деб ҳисоблайди. Аммо инсон умр бўйи ботиний озодликни – ботиний масканни излайди.

“Олтун ёруғ”да буддавийлик фалсафаси, кўриб ўтганимиздай, ахлоқий-таълимий қарашлар асосига қурилган. Умуман олганда, бу фалсафа инсониятни камтарликка, хокисорликка ундайди, инсонлар мол-дунёнинг ўткинчи, арзимас эканини ҳис қилишларига чақиради, жонзотларга, инсонларга бўлган севгиси ниҳоятда юксак бўлиши лозим, ана шу севгига кўра, инсон жонини мол-дунёсини, ҳатто керак бўлганда иссиқ жонини азобга дучор қилишга тайёр бўлиши лозим, деган ақида асарда бот-бот эслатиб турилади. Айниқса, устозларга, улуғларга, ота-онага ҳурмат асарда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ахлоқий муаммоларга “Олтун ёруғ”да айрича эътибор берилиши бежиз эмас. Чунки инсоният ҳар доим гуноҳ қилишга мойил, “нопок инсонлар олами”да инсонларнинг қилмишлари кўп. “Олтун ёруғ” ана шу сингари “нопок инсонлар”га минг йиллар давомида эзгулик йўлини кўрсатиб келгани билан аҳамиятлидир.



**Адҳамбек  
АЛИМБЕКОВ**  
(1954 йилда туғилган)

## ТАРИХИЙ РОМАНЧИЛИГИМИЗГА БИР НАЗАР

Ўзбек тарихий романчилиги сал кам бир асрлик тарихга эга. Абдулла Қодирий бошлаб берган романчилик мактабининг издошлари бу борада ҳоли қудрат асарлар яратиб келдилар ва бу жараён узлуксиз давом этиши табиий. Ватанимиз мустақилликка эришгач, тарихий мавзуда асарлар кўпроқ ёзила бошланди. Бу ўз тарихини чуқур билишни истаган халқ маънавиятининг табиий ҳосиласи. Аммо сўнгги йилларда яратилган тарихий романлар, қиссаларга нисбатан муносиб назарий мақолалар, йирик монографиялар яратилаяптими? Бошқача қилиб айтганда, бу борада амалиёт билан назария бирдек кадам ташляяптими? “Ўткан кунлар” ёзилган 20-йиллардан Истиклол давригача – собиқ шўролар замонида яратилган “Навой”, “Қутлуғ қон”, “Улуғбек хазинаси”, “Бобур”, “Меъмор” ва бошқа кўплаб тарихий мавзудаги асарлар ҳақида кичик тақризлардан тортиб, илмий ишларгача ёзилган. Буларнинг барчасида ҳукмрон мафкура таъсирида бир ёқлама ёндашиш бўлганлиги сир эмас. Айниқса, тасниф борасида тарихий романчилигимиз теран тадқиқотларга муҳтождек, назаримда. Истиклол

даври тарихий романчилиги ўзбек ва жаҳон романчилик мактаби тажрибаларига суяниб иш кўргани шубҳасиз. Аммо тарихийлик муаммоси, миллий тарихий ўзига хосликнинг ёритилиши, Истиклол даври тарихий романларининг бош – асосий хусусиятлари нималарда кўринишини назарий жиҳатдан умумлаштириб, илмий хулосалар чиқариш вақти етди. Назарий муаммолар қанчалик жадал ва тўғри ҳал қилинса, бу ижодкорлар учун ҳам, илмий изланишлар олиб борувчилар учун ҳам фойдадан холи эмас.

Сўнгги икки ўн йилликда ўзбек адабиётида юзга яқин роман ёзилган бўлса, уларнинг салмоқли қисми тарихий мавзу бўлгани бежиз эмас. Аввало, тарихий ҳақиқатни билишга бўлган руҳий эҳтиёж кучайди. Иккинчидан, Ватан, миллат тарихига оид илмий асарлар чоп этилиб, тарихимиздаги кўпгина “оқ доғлар”га холисона баҳо берилди. Учинчидан, асл манбаларга таяниб, асосланиб халқимиз маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга асарлар нашр қилинди. Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Насафийнинг “Сийрат ас-Султон Жалолиддин Менгбурн” (“Султон Жалолиддин Менгбурннинг таржимаи ҳоли”), Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) китобларини мисол келтиришнинг ўзи кифоя.

Ҳозирги даврда яратилаётган тарихий мавзудаги асарларимизнинг ўзига хослиги нималарда кўринади? Шўролар даврида яратилган ушбу мавзудаги асарлардан асосий фарқи-чи? Бу борадаги ишларимиздан коникамизми? Назарий жиҳатдан уларни қандай умумлаштириш мумкин? Бунга ўхшаш кўплаб саволлар борки, адабиётшунос олимларимиз жиддий ўйлаб фикр билдиришлари лозим.

Аввало, тасниф масаласида. Менимча, тарихий мавзуда яратилаётган асарларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) аниқ тарихий шахс ҳаёти мисолида узок ўтмиш – тарихий мавзунинг ёритилиши; 2) ёзувчи бадиий тўқимаси бирин-

чи планда бўлган, умуман, тарихий мавзудаги асарлар; 3) XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи ярми, яқин ўтмиш воқеаларига асосланиб ёзилган тарихий асарлар.

Истиклол даврида ёзилган биринчи гуруҳга мансуб тарихий романлар ичида Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган асарлар тош босишини алоҳида таъкидлаш зарур. Академик Бўрибой Аҳмедов, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Али, Хайриддин Султон, Асад Дилмурод, Тўлқин Ҳайит асарлари фикримиз далили. Бу хайрли ишни бошлаб берганлардан Б.Аҳмедовнинг “Амир Темур” тарихий романи далилларга бойлиги билан ажралиб турса-да, асарда бадиийликдан кўра ҳужжатлилик устувор бўлиб колгандек таассурот уйғотади. Пиримқул Қодиров “Она лочин видоси”, “Шохрух ва Гавҳаршодбегим” романларида темурий малика Гавҳаршодбегим образини биз шу вақтга қадар тасаввур қилганимиздан бошқача – тарихий ҳаққонийлик принциpidан келиб чиқиб ёритади. Иккинчи роман адабиётимизда темурийлар салтанатининг улуғ ҳукмдорларидан Шохрух Мирзо образини йирик планда очиб бергани билан ўрналиқдир. Баъзи ўринларда воқеанависликка берилгандай туюлса-да, бу ёзувчининг ижодий мақсадидан келиб чиққан ҳолда бош қаҳрамон характерини очишга хизмат қилган. Адибнинг тарихий асарлар ёзиш тажрибаси, тарихни пухта билиши романнинг ўқишли бўлишини таъминлаган. Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” асари тетралогия тарзида режалаштирилиб, “Жаҳонгир Мирзо”, “Умаршайх Мирзо”, “Бойсунқур Мирзо” дея номланган уч китоби эълон қилинди. “Улуғ салтанат”нинг биринчи, иккинчи китоблари Давлат мукофотига сазовор бўлди. Тўртинчи китоб “Шохрух Мирзо” нашр этилса, “Улуғ салтанат” – Амир Темур ҳақидаги илк тетралогия яратилади. Бу тарихий романчилигимизда шаклий ва эпик изланишда эришилган ютуқлардан бири.

Тўлқин Ҳайит темурий маликалар мисолида давр, тарихий шахслар образини чизиб беради. Эркин Самандарнинг

“Султон Жалолоддин” романи, Саъдулла Сиёевнинг “Ясавийнинг сафари”, Асад Дилмуроднинг “Махмуд Таробий”, Х. Бегматнинг “Машраб” романларида ҳам воқеалар тарихий сиймо шахси билан боғланган ҳолда ёки ўша давр турмуш тарзини кўрсатиш мазмунида берилади. Тарихий романчиликнинг тарихий-биографик типигаги бу асарлар тарихга тўғри ёндашиш, мафкура тазйиғидан ҳолислик тамойили устуворлиги билан ажралиб туради.

Иккинчи гуруҳга мансуб романларда тарихий шахслар бош планда бўлиши шарт эмас. Шунингдек, романларда тарихий шахслар эпизодик тарзда тасвирланиши мумкин. Ёзувчининг асосий мақсади ҳам тарихий шахснинг бадиий образини яратиш эмас, тарихий воқеликни тасвирлаш орқали ижтимоий муҳитни кўрсатиш ва ўйлаган ғоясини асар маъзига сингдириб юборишдадир. Тарихий романчилигимизнинг (умуман, романчилигимизнинг) тамал тошини қўйган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари тарихий асарларнинг энг яхши намунаси. Омон Мухторнинг “Ишқ аҳли” романида ижтимоий-тарихийлик кўриниши устун. Омон Мухтор ижоди тарихни замон билан узвийлаштиришнинг янгича шаклларда, яъни бир асарда тарихий шахснинг ҳам, замондошнинг ҳам образи ифодаланаётгани билан диққатга молик.

Учинчи гуруҳга оид асарларда кўпроқ якин ўтмиш, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг биринчи ярми атрофида кечган воқеалар қаламга олинган. Бунинг яхши намунасини устоз Ойбек “Қутлуғ қон” романи билан бошлаб берганди. Бу мавзудаги асарларда ҳам собиқ шўролар даврида тақиқланган воқеалар рўйи-рост қаламга олинган. Мадаминбек, Шермуҳаммад кўрбоши, умуман, миллий озодлик (собиқ шўролар “босмачилик“ дея нотўғри атаган) ҳаракатини тарихий нуқтаи назардан ҳолисона баҳолаш асосий мезонлардандир. Бу асарларда синфийлик қарашларидан холи, ватаннинг бугуни ва келажагини ўйлаб қайғурган қаҳрамонлар тимсолида ўша даврда озодлик

учун курашганлар сиймоси яратилган. Учинчи гуруҳга мансуб асарларда аввалги икки гуруҳдаги хусусиятлар ҳам камраб олинганлигини кўриш мумкин. Бу давр воқеалари аниқ тарихий шахс ҳаётини асосий сюжет чизиғи қилиб олган ҳолатларни ҳам, бадиий тўқимага урғу берилган ҳолатларни ҳам кўрамиз. Муҳаммад Алининг “Адабий соғинчлар” роман-хроникасида қисмат тақозосида чет элга чиқиб кетган ватандошлар тақдири ҳикоя қилинади. Эркин Самандарнинг “Қора куюн ёхуд Огахий” романида мумтоз шоиримиз ҳаёти қаламга олиниши баробарида, Чор Россияси томонидан Хоразмнинг забт этилиши ҳам чуқур ёритилади. Йўлдош Сулаймоннинг “Армон” романида эса октябрь тўнтаришидан сўнг хорижга кетишга мажбур бўлган инсонлар қисмати, шу баҳона йигирманчи йиллардаги воқеалар қаламга олинади. Учинчи гуруҳга мансуб асарларда даврнинг талотуми, халқ ичидаги тарафқашликлар кенгрок ифодаланса, янада яхши бўларди.

Ҳар уч гуруҳга оид асарларда яхши маънода бир муштараклик бор: Схематизмдан қутулган ҳолда йирик тарихий сиймоларнинг ички дунёсини очишга интилиш; уларнинг инсоний сифатларини, ботиний туйғуларини теранрок ифодалаш. Метиндек мустаҳкам иродали Амир Темур ҳам, Жаллолиддин Мангуберди ҳам вақти келса, оддий инсондек йиғлайди ёки арзимасдек туюлган воқеадан болалардек суюнади. Болаларини эркалаганда ўзи-да боладек сўзлаши, пир ёки падарнинг олдида боладек ювош бўлиши мумкин. Теран инсоний хислатлар-ла (гоҳда хато қилиш, ғазабланиш ёки ўта ишонувчанлик ва ҳ.к.) ифодалаш улуғ тарихий сиймолар образининг ишонарли, таъсирчан чиқишида асосий омил бўлган. Муҳими, бош қахрамон бир томонлама тасвирланмаган. Хронологик принцип бузилмаган ҳолда, қахрамонлар тақдири билан боғлаб ишқий мотивларни кўшиш, детектив-саргузаштлик унсурларидан усталик билан фойдаланиш; тарихни янгича англаш ва ёритиш, тематик диапазоннинг кенгайганлиги, сюжет тизи-



ми, воқеаларни ҳикоя қилишда шаклий янгиликка интилиш тарихий романчилигимизнинг ўзига хосликлари бўлаётти, десак адашмаймиз. Омон Мухторнинг “Ишқ аҳли” – асари тарих ва замонавийликни уйғун тарзда ифодалашнинг намуналаридан бири. Замонавийлик ва тарихийлик тамойилларини мувозанатда тутиб туриш, ҳикоя қилиш тарзи тарихий асар ёзишдаги энг мураккаб масалалардан саналади. Бу борада ҳам ҳозирда ёзилаётган тарихий асарларда олға силжиш бор. Ўтмиш давр руҳини ҳис қилган ҳолда замондош китобхонга сингишадиган тарзда тарихни бадиий қайта яратиш ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади. Асар мавзусидан қатъи назар замон руҳини ифодалаши зарур. Пиримкул Қодиров, Муҳаммад Али, Тўлқин Ҳайит, Асад Дилмуроднинг романларида, Пирмат Шермухамедов, Отаули киссаларида бу анча муваффақиятли чиққан.

“Ҳақиқий истеъдод ато қилинган киши буюк ўтмишдошлар билан муомала қилишга ички эҳтиёж сезади ва ушбу эҳтиёж унинг юксак истеъдодидан далолат беради”, – деганида И.В.Гёте тарих олдидаги юксак масъулиятни назарда тутган бўлса эҳтимол. Ёзувчида ички эҳтиёж қанчалик кучли бўлмасин, тарихий масъулиятни унутмаслиги даркор. Бадиий сав яси паст ёзилган тарихий асар, биринчидан, китобхон дидини ўтмаслаштира, иккинчидан, ўқувчида тарихимиз ҳақида нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин.

Сўнги йилларда яратилган ўзбек тарихий романлари бу борада мавзу кенгайишида, полифоник оҳанг теранлашувида, шаклий изланишларда ютуқларга эришаётир, деб хулоса қилишимиз мумкин. Тарихий мавзуда дилогия, трилогия ва тетралогиялар ёзила бошланганлиги тарихий романчилигимиз янги поғонага кўтарилганидан далолат. Тарихий мавзуда йирик эпопеялар яратиш даври келди. Шу ўринда филология фанлари номзоди Шоира Дониёрованынг қуйидаги фикрларини эслаш ўринлидир: “Жаҳон насри, жумладан, романчилигининг асосий адабий-эстетик тамо-



йилларидан бири сифатида тарихийликка катта эътибор берилмоқда. Бадиий насрда тарихийлик мезони тарихий қахрамон, тарихий муҳитни кенг тасвирлашдаги асосий омиллардан бирига айланиб бормоқда. Бу жиҳатдан ўзбек миллий романчилигини кузатсак, машҳур тарихий шахслар ҳаёти асосида яратилган асарлар сюжетларида ҳам, прототиби реал ҳаётда мавжуд бўлмаган тўқима образ ёки воқеалар силсиласида ҳам, қахрамонлар нутқида ҳам тарихийлик бош ижодий тамойил сифатида бўй кўрсатганидан вокиф бўламиз” (“Жаҳон адабиёти” // 2009. 1-сон, 132-бет). Кўринадики, бугунги ўзбек тарихий романчилиги ҳам дунёвий адабий жараёндан орқада қолаётгани йўқ. Бизнинг адабиётимизда яратилган ва яратилаётган юксак бадиий савияли асарларни, адабиётимиздаги ривожланишни жаҳон миқёсида кўрсата олишимиз заруриятини сездирмоқда. Айни пайтда, тарихий мавзудаги асарлар ичида ҳам бадиийликдан йироқ, айниқса, тил масаласида ўта ночор ва жўнлари борлигини-да эслатиб қўйишимиз керак. Мақоладан мурод бир асар таҳлили бўлмагани учун бу борада умумий фикрлар билан чекландик.

Тарихни яхши билиш ёш авлодга ўзлигини англашни ўргатади. Умуман, миллат руҳиятини кўтаради. Тарихий мавзуга қўл урадиган ижодкор тарихий-биографик, ижтимоий-фалсафий ёки ижтимоий-тарихий методга асосланганими, шунинг ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Профессорлар Шариф Юсупов, Абдуғафур Расулов, Қозокбой Йўлдошев, Нўъмонжон Раҳимжонов, адабиётшунос Ислон Ёқубов ва бошқа олимларимизнинг тарихий мавзудаги асарлар ҳақида мақолалари эълон қилинди, айрим диссертациялар ёқланди. Аммо булар яратилган бадиий асарларга нисбатан кам. Бизнинг кўзимиз тушмаган ёки хотирамиздан фаромуш бўлган бадиий, илмий асарлар бўлиши табиий. Шу ўринда вилоятларда ижод қилаётган муаллифлар томонидан тарихий мавзуда асарлар яратилаётганини хушнудлик билан айтиб ўтиш керак. Ж.Қурбоновнинг

уч китобдан иборат “Сардоба”, Ш.Ашурованинг “Кусам шайх” романлари шулар жумласидандир. Бирок бу китобларнинг айримлари Тошкентда нашр қилинса, кўпи вилоятларда чоп этилиб, марказга етиб келмайди ва уларнинг қандай савияда ёзилганлигини билиш қийин. Муҳими, ким қаерда тарихий мавзуда ёзиши эмас, тарихий мавзуга қўл урган муаллиф фақат воқеаларни ҳикоя қилиб қолмаслиги, талқин ва фалсафий мушоҳадаларга кенг ўрин бериб, миллий руҳни теран ёритишида. Бизнинг асосий мақсадимиз юқорида айтган мулоҳазаларимизга олимларимизни яна бир бор эътиборини жалб қилиш.



**Яшар  
ҚОСИМОВ**  
(1955 йилда туғилган)

## **МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА БАДИИЙЛИК САРЧАШМАЛАРИ**

Ҳар қайси давр адабиёти ёки муайян санъаткор ижодига турли нуқтаи назар ва мавкедан ёндашса бўлади. Адабиётшунослар, кўпинча, бадий ижоднинг етакчи пафосини, ғоявий-эстетик маъно қирраларини, янада аниқроғи, ижодкорнинг нимани айтаётганлиги ёки нима демокчи бўлганлигини текширишга устунлик беришади. Лекин ҳар қандай даврдаги адабий жараённинг туб мохиятини ёки муайян бир ёзувчини тўла-тўқис англаш учун шунинг ўзигина етарли эмас. Бадий ижод ҳодисаларига, адабий сиймоларга ҳаққоний баҳо бериш учун уларнинг генезисини, яъни келиб чиқиш ва вужудга келиш тарихини, адабий-маънавий сарчашмаларини, умуман, бадий таъсирланиш ва маънавий-руҳий озикланиш манбаларини аниқлаш жудаям зарурдир. Шунингсиз истаган шоир ва санъаткор тўғрисида тугал тасаввур ҳосил этиш ниҳоятда мушкул. Мумтоз адабиёт намояндаларига ҳам, замонавий ёзувчилар ижодига ҳам шу йўсинда ёндашилса, асл бадий ҳақиқатни англаб этиш ва тўғри илмий гавдалантириш бир-мунча осон кечади.

Миллий сўз санъатимиз ва улкан санъаткорларимизнинг генетик моҳиятини чуқур билиш ва ҳаққоний ёритиш, умуман, адабиётнинг тараккиёт хусусиятларини, бадиий ижод сирлари ва қонуниятларини белгилашда қўл келишини махсус таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. XX аср рус шеърятининг буюк намоёндаларидан Осип Мандельштам машхур мақолаларидан бирида айтиш масалага тўхталиб, куйидагиларни айтиб ўтганди: "Шоирнинг адабий генезисини, адабий сарчашмаларини, унинг маънавий яқинларини ва келиб чиқишини аниқлаш бизни тўғри ўқ илдизга олиб боради. Мунаққид шоир нима демоқчи бўлган, деган саволга жавоб бермаслиги ҳам мумкиндир, бироқ унинг келиб чиқиш манбаларини айтишга бурчлидир".

Шуни алоҳида таъкидлашга тўғри келадики, шеърятимизга олтмишинчи йилларда кириб кела бошлаган иқтидорли шоирлар, хусусан, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Маъруф Жалил каби забардаст ижодкорлар бадиий оламига худди шу нуқтаи назардан ёндашилмаган. Бадиий тафаккуримизнинг кейинги даврлардаги ривожланиш йўллари ва йўналишларини аниқ тасаввур этиш учун мазкур авлоднинг адабий-маънавий таржимаи ҳолини билиш муҳимдир. Дастлабки қадамлари билан адабий жамоатчилик ва устозлар назарига тушган ёш каламкашларнинг ўз ижодий йўлларидан умиди, ўз истеъдодлари тақдирига ишончи зўр эди. Абдулла Ориповнинг "Созим" (1967) деган машхур фахриясида ўша умидворлик, ўша орзу ва ўша навқирон ишонч дадил ифодаланганди: *"Мен шоирман, истасангиз шу, Ўзимники эрур шу созим. Бировлардан олмадим туйғу, Ўзгага ҳам бермам овозим. Мен куйлайман – гоҳ дилда кадар, Гоҳ севиниб шеър тўқийман мен. Тингламаса ўзгалар агар, ўз-ўзимга шеър ўқийман мен"*. Ёш лирик қахрамоннинг шундай соф ва беғубор шоирона ақида билан яшаши, эзгу мақсад билан қалам тебратиши қалбингизга беихтиёр шуқуқ бағишлайди. Навқирон истеъдод соҳибининг ўзига ишончи, ўзининг ҳақлигига, ўз туйғу ва қарашларининг

тўғрилигига ишончи Сизнинг ҳам кўнглингизни кўтаради, руҳингизга сабот ва юксаклик бахш этади: *“Керак бўлса, амр этса юрак, Келтирурман умримга имон. Менинг учун на таъзим керак, На ҳолвайтар каби шуҳрат-шон. Шайдо бўлиб юрганда бирдан ҳаёлимга ташламанг каманд. Мижзов ва паст, гийбат гаплардан Жажжжи шеърим кўюрман баланд”*. “Шеър кечаси” деган таъсирчан манзумасида Эркин Воҳидов ўз поэтик истиқболи хусусида кўтаринки руҳда, ёшликка хос соф бир самимият билан сўзлайди: *“Шеърлар чамани кенг, Умрим ҳам узоқ, Гуллар теражакман кучоқ ва кучоқ. Аммо бир гул менинг юрагимдадар. Бир шеър ёзмоқ менинг тилагимдадир. Бу шеърни излайман ақлимни таниб, Бу шеърни куйлайман оташда ёниб. Бу шеър ишқи билан яшайман мудом, Бу шеър ишқи билан кўнглимда илҳом, Бу шеърга банд бутун эзгу ҳисларим... Мени маъзур тутинг бу гал, дўстларим, Қувноқ даврангизда ўқиб бергали Энг яхши шеъримни ёзмабман ҳали”*. Ана шу “энг яхши шеър” идеали ва аъмоли лирик “мен”ни бир зум тинч қўймайди. Уни фаол маънавий фаолиятга, курашларга ундайди, юксак ижодий чўққилар сари етаклайди: *“Ва лекин мен уни битмагунимча, Битиб сизга тақдим этмагунимча, Бир нафас ҳаловат билмасман асло, Тинмасман, тинмасман, тинмасман асло”*.

Ёш лирик қаҳрамон эстетик дунёқараши ва адабий орзулари Рауф Парфининг “Шеърят” номли шеър-хитобида таъсарчан акс этган: *“Юксак орзулари бордир шоирнинг. Шоирларда бўлар фақат эзгу ният. Қалам, қалам эмас – Бонгга зарб ила урилгувчи чўқмор, Ундан таралгувчи садо ва акс садо сен – шеърят!”* Муаллиф шеърятимизда туғилаётган янги садонинг қудратига ва тақдирига, унинг давомли акс садоларга айланишига чин дилдан ишонади ва бизни ҳам ишонтиради. Янги лирик “мен” сўз санъати ва ижодкор тўғрисида жудаям баланд фикрда: *“Шоирларда бўлар фақат эзгу ният”* деб каттиқ ишонади у. Ва оддий қалам ҳам шунчаки ёзадиган бар нарса эмас унинг наздида, балки *“Бонгга зарб ила урилгувчи чўқмор”*. Шеърят эса *“Ундан таралгувчи садо ва акс садо сен*

– шеърият!” дея қатъий таъкидлайди муаллиф. Ёш шоир шеърият, сўз дунёси ҳақида шунчалар олижаноб, шу қадар юксак фикрда. Бу дунё унга қандайдир фавқуллодда, беҳад маҳобатли туюлади. У шеъриятни дунёдаги энг эзгу ва энг қудратли овоз, деб билади. Замоннинг бошқа бир навкирон ижодкори – ёш ва ҳиссиётчан лирик қаҳрамоннинг шеъриятга муносабати ҳам эътиборга лойиқ. Омон Матжон Шеърият қошонаси қошида уятчан ва ўйчан кайфиятда турган ёш қаламкаш аҳволи-руҳиясини, унинг қалбидаги ийманиш ва илинж, муқаддас даргоҳ остонасидаги журъатсизлик ва ҳаяжон ҳисларини ҳамда кўнгилдаги узундан-узоқ дардманлик, орзумандлик туйғуларини ҳаққоний, самимият билан тасвирлаган: *“Кимнидир ахтардим, ахтардим узоқ, Кўзимни паналаб баъзан қўёшдан. Ғилдирак изидек узун тунларда Номин ҳай-хуладим унинг тоғ-тошдан. Ва ниҳоят бугун, истиқбол қуни Кўриб қолдим уни оламдек равшан; Менинг қалбим эди у, дунё таниб – Шеърият эшигин қоқарди ўйчан”*.

Юқорида келтириб ўтилган қисқагина мисоллардан кўри-ниб турибдики, янги лирик қаҳрамоннинг шеърият майдонида кириб келиши, яъни адабий туғилиши маънавий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлган. Бу ҳодиса янги лирик қаҳрамоннинг, табиийки, ўзи учун ҳамда умуман, адабиётимиз учун сезиларли ва эсда қоларли бир эстетик жараён каби кечган. Дарҳақиқат, адабиёт дунёсига *“Мен шоирман, истасангиз шу, Ўзимники эрур шу созим. Бировлардан олмадим туйғу, Ўзгага ҳам бермам овозим”* дея ҳайкириб ташриф буюрган янги, мусаффо поэтик оламнинг нафақат туғилиш, ёруғ дунёга кўз очиш лаҳзаларининг бетакрорлиги, балки кейинги тақдири ва толеи ҳам унинг адабий-маънавий таржимаи холини, асосий сарчашмаларини теран билишни, аниқ тасаввур этишни тақозо этиб турибди.

Бизнингча, мазкур муаммоларга ишончли ва ҳаққоний муносабатни бевосита Авлоднинг ўз асарларидан, яъни унинг ўз эътирофлари ва дил сўзларидан излаганимиз маъқулроқ. Ёш шоирларнинг турли-туман фахриялари ва қадрдон устоз-

ларга бағишловларида биз янги лирик қаҳрамоннинг маънавий озикланиш ва таъсирланиш манбаларини, руҳий таянч ва суянчикларини, қайсидир маъноларда эса савқи табиий интилиш мўлжалларини кузатамиз. Синчиклаб қаралса, Авлоднинг адабий-маънавий куч олиш манбалари кенг қўламлилиги ва ранг-баранглиги билан диққатни тортади. Энг муҳими эса, Абдулла Орипов ва авлоддошларининг адабий-маънавий интилишлари силсиласида, айтиш мумкинки, биронтаям ўткинчи ёки тасодифий ном йўқ. Ёш қаламкашлар муҳаббат ва эҳтиромига сазовор бўлган сўз санъаткорларининг барчаси миллий ва жаҳон сўз санъатининг пурвиқор чўққилари, ҳайрат ва муҳаббатга арзирли чинорларидир.

Абдулла Ориповнинг “Сен Пушкиннинг севган малаги” деб бошланадиган ажойиб шеъри янги лирик қаҳрамон поэтик таржимаи ҳолини билишга бирмунча кўмаклашади: *“Сен Пушкиннинг севган малаги, Сен Гёте орзу этган қиз. Сен Байроннинг ўтли юраги, Сен Гейнени ёндирган юлдуз. Алишернинг Гулисисан сен, Сен Лутфийнинг сўлим ғазали. Булбулисан Ҳофиз гулшанин Ва Хайёмнинг ширин асали толеимда нозланиб турган, Эй сен менинг эрка гўзалим”*. Бу жудаям гўзал ва самимий шеърда – ёш шоирнинг ўзи ҳақидаги нозик фахриясида иккита муҳим фикр ифодаланганини кўрамиз. Биринчидан, муаллиф ўз ижодининг Шарқу Фарб манбаларини махсус таъкидлаб, ўзига маънан ва руҳан яқин сўз даҳоларига алоҳида эътиборни қаратади. Иккинчидан эса, ёш лирик қаҳрамон санъат дунёсида ўткинчи ёки шунчаки меҳмон эмаслигини навқирон бир эҳтирос билан таъкидлар экан, унинг “Толеимда нозланиб турган, Эй сен менинг эрка гўзалим” дея ўз шеър илоҳасини чексиз бир севги билан куйлаши ва бу илоҳий Гўзални Пушкиннинг севган малаги, Гёте орзулаган қиз, Байроннинг ўтли юраги, Гейнени ёндирган юлдуз, Алишернинг Гулиси, Лутфийнинг сўлим ғазали, Ҳофиз гулшанининг булбули, Хайёмнинг ширин асали, деб таърифлаши ва улар билан қиёслаши қалбингизга фараҳ, шуқуқ бағишлайди. Айни чоғда, мазкур мисралар истеъдоднинг



қудрати ва бадий мўлжаллари ҳақида ҳам муайян тасаввур беради. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш даркорки, юкорида тилга олинган юксак ва улуғвор номлар, умуман, олтмишинчи йиллар шоирлар авлоди учун азиз ва мўътабар номлар эди. Улардан, айниқса, ҳазрат Навоийнинг Авлод адабий-маънавий таржимаи ҳоли шаклланишидаги ва келгуси тақдиридаги ўрни, ҳаётбахш таъсири теран ва эътиборга лойиқдир.

Ҳазрат Навоий Абдулла Орипов наздида, биринчи навбатда, миллий идеал ва маънавий етуклик тимсолидир. Бу муқаддас ва муборак ном ёш шоир учун ҳамма нарса дегани. Абдулла Ориповнинг шоирона дунёси учун эса Алишер Навоийнинг бадий мероси бекиёс ва беназирдир. “Созим” деган программ мазмунли шеърида у буюк бобокалонамизга чексиз фарзандлик меҳри билан бекорга ёзмаганди:

*Хаёл каби кенг эрур олам,  
Майда гапни кўтармагай шеър.  
Керак бўлса менинг учун ҳам  
Жавоб берар бобом Алишер.*

“Алишер” номли шеърида Абдулла Орипов Навоий ҳазратларига муносабатини янада теранроқ ифодалашга эришган. Муаллиф талқинича, Алишер Навоий ижоди фақат она тилидаги шеъриятнинг энг юксак чўққиси ёки бетакрор тимсолигина эмас. Балки миллий борлиқнинг энг ёркин бошланғичи, миллий ўзликнинг энг мукамал рамзидир: “*Жаҳонки муқаддас нени кўрибди – Барига онасан, эй қодир ҳаёт. Беш юз йил наридан боқиб турибди, Нурли бу юзларга нуроний бир зот. Шу буюк ўглингни ардоқлаб дилдан, Халқим, таъзим этсам арзийди тамом. Унинг номи билан бирга битилган Дунё дафтарига Ўзбек деган ном*”. Шеърда улуғ бобокалонамизнинг миллий маънавият ва маданиятимиздаги муаззам ўрни билан бирга, айна чоғда, улуғ тарихий шахс сифатида бекиёслиги ҳам очиб берилган.

Олтмишинчи йиллар шоирларининг Навоий ҳазратлари билан маънавий мулоқот ва унсиятидан сўзларканмиз, Эркин Воҳидов шеъриятида устозга бўлган ниҳоясиз муҳаббатни

махсус тилга олиб ўтиш жоиздир. Эркин Воҳидовнинг шеър олами ҳам ҳазрат Навоий санъатининг ўнлаб улкан ва ўзига хос, олис ва якин акс садоларидан бири сифатида ўша илоҳий ижодга адоқсиз меҳрдан туғилган, ўша муқаддас меросдан ранглар ва оҳанглар ўзлаштирган. Улуғ устозга чексиз севгисини Эркин Воҳидов қатор шеърларида чин дилдан, ёниб-қуйиб қуйлаган. Навоий дунёсини ўз шоирона руҳининг азал-абад замини, куч-қувват ва маънавий озуқа олиш маскани, асосай таянч нуктаси, деб таърифлаган: *“Фузулий девонин қўлимга олдим, У солди кўнглимга газал меҳрини... Кўп заҳмат сўнгида англаб етолдим Устоз Алишернинг буюк сеҳрини. Уни танидим у элимни билдим. Маҳкамроқ тургандай бўлдим заминда. Диёрим, Сен билан ифтихор қилдим, Барча шавқу оташ шу боис менда”*. Ушбу мисраларда Навоий меросининг бугунги авлодлар учун адабий-бадиий, айна пайтда, миллий-маънавий Ватан эканлиги поэтик таъкидланган. Ёш шоир биргина Сўзга меҳр эмас, балки элу юртга муҳаббат ҳам шу кутлуғ шеърят туфайли калбига кириб борганлигини сидқидилдан эътироф этади. *“Уни танидим у элимни билдим”* мисрасининг маъно кўлами Навоий даҳосининг ёш каламкаш учун кимлигини тенгсиз миллий ифтихор рамзи, ҳаёт-мамот янглиғ бир кудрат, яшаш ва яратишга чорловчи маънавий-руҳий манба эканлигини билдиради. Навоий Эркин Воҳидов наздида, миллий шеър санъатининг энг юксак тимсоли бўлибгина қолмай, шу билан бирга, Она юрт, Ватан рамзи ҳамдир. *“Ватан ва Навоий”* ёки *“Навоий ва миллат”* – улуғ устоз сўзининг *“буюк сеҳрини”* чин дилдан севган ва англаб етолган инсон-ижодкор учун ҳақиқатан ҳам ёндош ва жондош атамалар, синоним тушунчалардир. Зеро, миллат рамзига айланган улуғвор санъаткорлар ижодида шахснинг маънавий олами сарҳадлари муқаддас Ватан ҳудудлари билан туташади, янада аниқроғи, тенглашади: *“Шунинг-чун сўрсалар: – Илк устозинг ким? Сенга шеър асрорин ким этди ошкор? Дейман: – Қалам берди муқаддас юртим, Ватан меҳри этди мени шеърга ёр”*.

Авлоднинг Навоий даҳосига сўнгсиз севгиси хусусида фикр юритганда, яна қатор шеърларни, айниқса, бир қанча

унутилмас мисраларни четлаб ўтиш қийин. Рауф Парфининг қуйидаги дилга яқин ва ёниқ сатрлари шулар жумласидандир:

*Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат,  
Улуғ Алишернинг қутлуғ тилида.*

Бунда она тилимиз ҳамда улуғ Навоий теппа-тенг улуғланган. Аниқроғи, муаллиф уларни онгли равишда тенглаштирган. Яъни Навоийнинг “қутлуғ тили” бу – она тилимизнинг ўзгинаси демакдир. Бу ғоят ҳаётий ва ўринли муқоясада заррача муболаға йўқ. Ҳақиқатан, она тилимизнинг бойиши, ривожи ва гуллаб-яшнаши, жаҳоннинг энг обрўли ва улуғвор адабий тилларидан бирига айланишида ҳазрат Навоий қадар меҳнат ва машаққат чеккан иккинчи бир сиймони топиш мушкул. Худди шу сабабли муаллиф юкоридаги сатрларда мазкур ҳақиқатни астойдил уқтиради. Айни чоғда, ушбу таъкидда ёш шоирнинг ҳазрат Навоий бадий мўъжизасига чексиз севгиси ҳам акс этган. Ҳа, Рауф Парфи таърифида улуғ Алишер тилимиз Тангриси, “қутлуғ тил” ижодкори ва бунёдкори, руҳимизни илоҳий бир тарзда янграган мўъжизалар соҳиби сифатида эъзозланади. Ва у барча қалам аҳлидан ушбу ўлмас ҳақиқатни ва мангу умр сабоқларини унутмасликни, бир умр ёдда тутишни ўтиниб сўрайди. Айниқса, мана шу журъатли ўтинч битилган олтмишинчи йилларни ҳамда ўша пайтда мустамлакачи тўраларнинг ҳазрат Навоийга ва она тилимизга қандай ёндашаётганлигини эсласак, Рауф Парфининг илинж ва илтижолари, нигорон бедорлиги бежиз эмаслигини ҳис қила бошлаймиз. Шундай қилиб, янги шеърят вакиллари ўзларининг ўқилдиларига ва маънавий мадад манбаларига дастлабки кадамларданок ҳассос ва хушёр ёндашаётганлигини кўрамаз. Навқирон қаламкашлар шунингсиз нафақат буюк поэтик толелар йўқлигини, балки, умуман, бутун бошли миллат эртаси мубҳам ва мужмал эканини, Ватан истиқболи, эл-юрт тақдири хавф остидалигини бор вужудлари, юрак-юраклари билан сезардилар.

Умуман, бадий ижоднинг ёки айрим адабий авлодларнинг генезисини, яъни туғилиш ва келиб чиқиш жараёнини тадқиқ

этиш ҳар доим жиддий илмий аҳамиятга молик масалалардан ҳисобланиб келганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Айни шу жиҳатдан олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг адабий-маънавий манбалари ҳақида фикр юритарканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўша даврда адабиёт оламига кириб келган ёш қаламкашларнинг адабий сарчашмалари сирасида Ғафур Ғулом ва унинг катта авлодининг (И.Ғафуров) мавқеи ва салмоғи бутунлай бўлақчадир. Ҳақиқатан ҳам Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Максуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ёш шоирлар учун чин маънода намуна, тимсол эдилар. Улар ижодидаги устоз санъаткорларга аталган қатор шеърӣ асар ва дostonлар, турли бағишловлар, ёлкинли мадҳиялару ёник марсиялар шундан далолат беради. Авлоднинг пешқадам вакилларидан Эркин Воҳидовнинг XX аср ўзбек шеърӣятининг яловбардорларидан бири Ҳамид Олимжонга бағишланган қуйидаги самимий сатрлари юқоридаги мулоҳазаларни тасдиқлайди:

*Мени шеър боғига етаклаган ким?*

*Бу чаман асrorин ким этди аён?*

*Оламдан мен фақат шодлик изладим,*

*Менга устоз бунда Ҳамид Олимжон.*

Айтиш керакки, ёш шоирларнинг устозларга кизиқиши ва меҳри шунчаки оддий, одатий авлодлараро муносабат билангина чегараланмайди. Бу тарихнинг фавқулодда ва менгзарсиз гардиши, замоннинг беомон эврилишлари боис туғилган бетакror бир хис, хайратомуз бир муҳаббат эди. Олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг маънавий оламини ушбу севгисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, ёш шоирларнинг Ватанга, миллатга, элу юртга оташин меҳри ана шу муҳаббат алангасида йўғрилган, десак адашмаймиз. Уларнинг инсон ва адабий шахс, ватандош ва санъаткор сингари ўсиб-улғайиши, шаклланиб вояга етиши бевосита устоз деб аталган муқаддас



маънавий оталарнинг меҳри, далдаси ёрдамида, ижодий сабоқлари таъсирида кечган, рўёбга чикқанди.

Улуғ санъаткоримиз Зулфияга бағишланган “Теранлик” шеърида Эркин Воҳидов устод ва шогирдлар, катта ва ёш авлод ўртасидаги маънавий алоқаларни чиройли очиб берган: *“Теранликни қидирмадим уммонлардан, Инсонлардан топдим уни, инсонлардан. Теранлик бу – нур ёгилган юзлардадир, Теранлик бу – ўйчан боққан кўзлардадар, Теранлик бу – айтилмаган сўзлардадир”*. Муаллиф ихчамгина шеърда Теранликни – не-не синовларга ва кўргуликларга, “машъум йиллар дилга солган озор”ларига, “оналарнинг ҳасратию оҳ-зорлари”га замоннинг зилзилаю тўфонларига дош беролган буюк ва пок қалбларгина эришиши мумкин бўлган ахлоқий фазилат, руҳий баркамоллик сифатида таърифлайди: *“Теранликнинг таърифига сўз бормикан? Машъум йиллар дилга солган озоридан, Оналарнинг ҳасратидан, оҳ-зоридан Одамларнинг юрагида уммони бор, уммонларнинг сокинлигу тўфони бор”*, Табиийки, бунда таъриф ва таҳлил этилаётган улуғвор ва бой умр йўли, серкирра ва сермаъно ҳаёт мазмуни билан бирга ундан ёш шоир чиқарган хулосалар ҳам ибратомуздир: *“Умидларда ҳаёт қадар теранлик бор. Кўнгилдаги сабот қадар теранлик бор. Теранликни қидирмадим уммонлардан. Инсонлардан топдим уни, инсонлардан”*. Дарҳақиқат, мана шундай нодир умр ва ижод сабоқлари эндигина мустақил ҳаёт ва адабиёт остонасида турган навкирон қаламкашлар учун жудаям зарур ва бебаҳо эди. Олис манзилларни кўзлаган, олдинда не-не мураккаб ва зиддиятли ҳаёт, ижод довонлари кутиб турган ёш авлодга маънавай суянчиқ ва таянчдай керакли ҳамда қимматли эди. Олтмишинчи йиллар шоирлари ўз мухитларида худди шундай таянч нуқталари топа олганлари, айти пайтда, уларга суяниб, маънавий-эстетик изланишларида улардан куч, мадад ола билганлари учун ҳам ўз олдиларига замон нуқтан назаридан муҳим ғоявий-бадий мақсадларни, зарурий вазифаларни қўйишга журъат қилдилар.

Устозлар босиб ўтган йўлдан ва улар қолдирган мерос-

дан анланган ва чиқарилган маънолар, келинган хулосалар бу – уларнинг насллар маънавиятида яшаши демакдир. Бошқачароқ айтсак, ворисларга эга бўлиш, кейинги авлодлар ички эҳтиёжига айланиш бу – замонлараро робитанинг узилмаслиги белгисидир. Миллий бадий тафаккур тараққиётида шу нарса катта аҳамиятга моликдир. “Шоирни эслаб” деб аталган ва Ҳамид Олимжонга бағишланган шеърида Эркин Воҳидов эътиборни ана шундай нозик жиҳатларга қаратади. Шахсияти ҳам, шеърияти ҳам аллақачонлар элимиз учун баҳор рамзига айланган шоирни муаллиф баҳордай соғиниб куйлайди: *“Яна баҳор келди гул водийларга, Яна сарин еллар тўзгитди сочим. Сен қарши олгандек баҳорни ҳар гал, Кўклам қуёшига бағримни очдим. Гул баргин очганда бастакор булбул, Гул шохин чертганда айлаб олтин соз. Булбул завқи билан ошуфта кўнгул Тонг китобинг варақлар, устоз!”* Худди Ҳамид Олимжоннинг абадий навкирон ва баҳорий услубида битилгандай жудаям кадрдон туюлган шу сатрларда ёш шоирнинг мангу ёш устозига чўнг меҳри, соғинчли севгиси бўртиб сезилади: *“Богда гул-лолалар шеъринг нафасин Димоққа урганда сени эсладим. Тогда шалолалар илҳомнинг сасин Қулоққа урганда сени эсладим. Чучмома излаган қизлар сочига Баргак улаганда эсладим сени. Кумуш маржон тақиб, зар оғочига Ўрик гуллаганда эсладим сени... Яна баҳор келди гул водийларга, Яна сарин еллар тўзгитди сочим. Баҳор билан сен ҳам келасан ҳар гал, Мен пешвоз чиқаман ёзиб қулочим”.* Эркин Воҳидов ўзининг беҳад самимий поэтик кечинмалари билан бизни ҳам “устоз Олимжон”нинг мангу ҳаётлигига ишонтиради. Чиндан ҳам баҳор куйчиси-баҳордай абадийдир: “Баҳор билан сен ҳам келасан ҳар гал...” Демак, биз ҳар йили баҳор нафасли шоирни орзикиб, ичикиб кутар эканмиз – у тирик! Қалбимизга кўчган унинг ҳаёти. Ўю орзуларимизда, истак ва кечинмаларимизда яшайди армонли шоир. Устоз шеърияти маънавиятимизнинг ажралмас бўлагига айланган, руҳимизга сингиган!..

Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Рауф Парфи мансуб тенгкур қаламкашлар билан Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом авлодининг маънавий алоқалари катта тадқиқотларга мавзу бўлишга арзиди. Бу жиҳатдан ҳар иккала давр – авлод шеърятининг билимдони, атокли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг кузатишларини эслаш жоиз кўринади: “Эркин Вохидовнинг илк шеърларини ўқиган ва тинглаган одамлар қанчалар бирдан завқланиб кетганликларини ўзим кўп маротабалаб кўрган, кузатганман. У пайтлар Ўзбекистон ҳавосида Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода сингари жўшқин эҳтиросли, маърифатли шоир ва адибларнинг сўзлари, оҳанглари, қофиялари, латифалари, доноликлари чарх уриб канот қоқарди.

Ўша даврнинг урушдан базўр омон чиққан биз мурғак болаларини Ғафур Ғуломнинг сўзлари тамомила ўзига ром қилиб олган эди. Унинг “Яша, дейман, ўғлим!”, “Билиб қўй-ки, сени Ватан кутади”, “Аввал ўқи”, “Тонготар кўшиғи”, “Қуёшчалар шеъри”, “Бир ғунча очилгунча”, “Чароғларим-қароғларим” сингари энг олд шеърларини худди оятдай такрорлаб юрар эдик. Эркин Вохидов эса Ғафур Ғулом шеърларини илоҳий бир даражада севар эди”. Устоз авлод ижоди ва дунёқарашининг ўша давр ёш қаламкашларига кучли ва табиий таъсирини юқоридаги мулоҳазалар равшанроқ тушунтиради, деб ўйлайман. Ва ушбу таъсир ва маънавий мулоқот шунчаки бир ўткинчи ҳолат, қисқа фурсатли бир қизиқиш эмасди. Катта авлоднинг ғоявий-эстетик олами ёшларнинг адабий изланишларида узоқ вақт акс садо беради. Хусусан, уларнинг дастлабки асарларида ўрганиш майли, таъсирланиш ва таклид кўлами анча кенг эди. Ёш шоирлар устозлар бадиий оламига беғубор бир муҳаббат билан талпинар эдилар. Тўғри, бир қанча фурсат ўтгач, ёш қаламкашлар уларнинг идеал ва ғоялари, замонага мос қарашларига шубҳа билан ёндашиша бошладилар. Бундай фикр ва ғоялардан кутулиш заруратини ёш авлод зийраклик билан англаб етади. Бироқ устоз авлоднинг соф инсоний ва шоирона дунёси, замонлар қолипига сиғмаган



мангу эстетик кадриятлари, бадий кашф ва топилмалари ёш шоирлар учун бир умр кадрдон бўлиб қолади. “Тадқиқотчилар Эркин Воҳидовнинг ўша пайтдаги шеърларида, – деб ёзади Иброҳим Ғафуров ҳали тилга олинган мақоласида, – Ғафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжоннинг оҳанглирига эргашиш майли кучли, деб қайд этганлар. Бунда, албатта, маълум бир ҳақиқат йўқ эмас. Лекин билмадим, тўғри тахмин қиялпманми ё нотўғрими, ҳар ҳолда шоиримизнинг илк даврида ҳаётдан бўса олиб ёзиш, унинг найини чалиб ёзиш ва бир сўз билан айтганда, “куёшча” бўлиб ёзиш устунлик қилади. Улар ўзини куёшча деб ҳис қилган ёш йигитча, бағри оламга кенг очилган, кулоғи Ғафур Гуломнинг ҳузурбахш оҳанрабо аллаларига ўрганган шоирнинг шеърларидир. У Ғафур Гулом илгари сурган идеаллардаги инсондек яшашга чоғланган. Ҳаётдан, оламдан фақат тиниқлик, сурур, мағрур юксалишни кўзлайди. Эркин Воҳидов Ғафур Гулом билан Ойбек қандай айтган бўлса, шундай илмлар тоғлари ва чўкқиларини забт этмоқ иштиёқи билан ҳаётга отланади...” Мазкур мулоҳазалар олтмишинчи йиллар шоирлари авлодининг барча вакиллариغا у ёки бу даражада тааллуқли, деб бемалол айтиш мумкин.

XX аср ўзбек шеърлятидаги иккита катта адабий авлодининг ўзаро муносабатини ва маънавий қариндошлик даражасини билиш нуктаи назаридан Абдулла Ориповнинг устоз санъаткорларга аталган шеърларини кўриб чиқиш айти муддаодир. Хусусан, унинг Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Гулом, Максуд Шайхзода, Миртемир каби халқимиз қалбидан чуқур жой олган аллома шоирларга бағишланган манзумалари мушоҳада ва фикр юритиш учун кенг имкон беради. Ушбу йўналишдаги поэтик намуналар таҳлилига киришишдан олдин масалананг яна бир муҳим ва нозик жиҳатини айтиб ўтиш даркор. Гап шундаки, умуман, авлодлараро алоқани фақат бағишловлардангина излаш илмий жиҳатдан унчалик мақбул ва тўғри йўл эмас. Айтайлик, олтмишинчи йиллар ёшлар шеърлятида хилма-хил сабаблар ва маънавий эҳтиёж юзасидан устозлар меросига, анъаналарига мурожаатни эъти-



бордан соқит қилиб бўлмайди. Ўша мурожаатнинг муҳим кўринишларидан, масалан, турли эпиграф ва иқтибосларни, катта авлод ижодидаги етакчи мавзу ва мотивларга издошларча ёндашувни айтиш мумкин. Ёки ранг-баранг шеър ва манзумаларида ёш шоирлар устозлар шахсига ва ҳаёт йўлига, улар ижодининг ёрқин ва бетакрор қирраларига алоҳида урғу беришади. Энг муҳими, ҳамиша устоз шоирлар адабий сабоқларига эҳтиёжманд ва орзуманд кўнгил кўзи билан қарадилар.

Айниқса, Абдулла Ориповнинг бир қанча асарларида ана шундай ёндашувнинг гувоҳи бўламиз. Ўзининг машхур “Ўзбекистон” қасидасида Абдулла Орипов, табиий равишда, Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжонни эслайди. Ойбекни махсус тилга олиб ўтади. Сиз ўша мисраларни ўқиётиб, бу ёдга олишлар шунчаки юз хотир юзасидан ёки номига эмаслигини дил-дилингиздан сезасиз. Ёш шоирнинг устозларни қандайдир соғинч ва меҳр билан эслашида чуқур сабаблар мавжудлигини ҳис қилиб турасиз. Ахир, она-Ватанни ким ҳам улардай жўшқин илҳом, эҳтиросли ва баланд пардаларда қуйлаганди?! Ўзбекистон ҳақидаги энг дилбар достонларни, энг дилрабо кўшиқларни улар ёзмаганмиди?! *“Сен кетарсан балки йироққа, Фарғонада балки балқарсан. Балки чиқиб оқарган тоққа. Чўпон бўлиб гулхан ёқарсан. Балки устоз Ойбекдек тўлиб Ёзажаксан янги бир достон, Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб, Саҳроларда очажаксан кон. Тупроғи зар, маъданим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним”*. Ишончимиз комилки, мазкур мисраларда устоз Ойбек эсланмаганида эди – муаллифнинг ҳам, бизнинг ҳам кўнглимиз унчалик тўлмаган бўларди. Зеро, бунда “бетимсол Ойбек” (Абдулла Орипов) фақатгина бадиий образ тарикасида гавдаланмайди. Шу билан бирга “устоз Ойбек” Ватан образининг ва тасаввурининг муҳим бир қирраси ҳамдир.

Қолаверса, Ватан образини яратишга, уни қуйлашга бел боғлаган ёш ва ватанпарвар шогирднинг устозларни бир қур ёд этиши, шак-шубҳасиз, чуқур маънавий эҳтиёж, миннатдор-

лик, айна пайтда, адабий бурч ва қарздорлик туйғулари билан боғлиқ бўлса керак. Табиийки, бунда навқирон бир миллий ўзлик фарзандларча ғурур ва ифтихор туйғулари ҳам балкиб турибди: “Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб, Тополмасам чекмасман алам. Ўтирмасман эртақлар сўзлаб, Мусалло деб йўнмасман калам. Кўкламингдан олиб сурурни, доврुक солди устоз Олимжон. Ғафур Ғулом туйган ғурурни Қилмоқ мумкин дунёга дoston. Олис тарих қадамим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним”. Абдулла Ориповнинг нозик ва лутфкор бадиий таҳлилида устоз “шоирлар дунё” сининг бетакрор жиҳатлари, улар истеъдод ва ижодининг етакчи қирралари бўртиб акс этган, дейиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, “Кўкламингдан олиб сурурни, Довруғ солди устоз Олимжон” мисраларида Ҳамид Олимжон шеърятининг, “Ғафур Ғулом туйган ғурурни қилмоқ мумкин дунёга дoston” сатрларида эса Ғафур Ғулом лирикасининг руҳи ва жони аниқ ифодаланган. Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон “кўклам” ва “сурур”, “шодлик” ва “бахт”, Ғафур Ғулом эса миллий ғурур ва ифтихор туйғуси сифатида ёдимизда қолмайдими?! Жонажон Ватанимиз, миннатдор авлодлар уларни мудом шоир ва шахс сифатида шундай ёдга олмайдими?! Кўряпмизки, Абдулла Ориповнинг поэтик таъриф ва талқинлари ўзининг беҳад ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан диққатни жалб этади.

Устозларнинг муқаддас хотирасига ва сўз санъатимиз тарихидаги бебаҳо хизматларига ҳурмат, улар адабий анъаналарига эҳтиром туйғулари Абдулла Ориповнинг бошқа шеърларида ҳам “ялт” этиб назарга ташланадн. Айтайлик, машҳур “Баҳор” манзумасида муаллиф бу дунёдан ўтган азизу кадрдонлар қаторида устозларни ҳам аллақандай таърифлаб бўлмас соғинч, адоқсиз севгилар, аламли бир муҳаббат билан хотирлайди: “Азалий ҳукмини ўқиди ҳаёт, Неча бор само ҳам кўмди куёшин. Иқболи саждагоҳ бўлганлар, хайхот, Ўзлари тупроққа кўйдилар бошин. Ўн ойким, сўнмишдир у таниш наъра, Ҳамон фироғида фиғон чекар Шош. Баҳор келаётир, бош кўтар, кара, О, сурур куйчиси, донгдор за-



мондош. Ҳамсухбат бўлмадим (ким эдим зотан), Тавоб ҳам қилмадим гулшан маконинг. Лекин шеър баҳоси мухлисгадир тан, Қандай чексиз эди руҳий поённинг! Бугун-чи, не кезар ўтли қонингда! Эвоҳ, унда на шеър, на май, на сафо. Бу қандай мулоқот, Не ҳол? Ёнингда жой олмиш ўзга бир суюкли даҳо”. Абдулла Орипов лирикаси, умуман, XX аср ўзбек шеърятининг энг юксак чўкқиларидан маънавий озик олиб, рўёбга чиққани ҳеч кимга сир эмас. Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Миртемирнинг шеърӣ тажрибасини, поэтик маҳорат мактабини ёш шоир ўша вақтдаёқ табаррук деб биларди. Лекин унинг Ғафур Ғулом шеър мактабига муносабати бутунлай бўлакча эди. Агар таъбир жоиз бўлса, устоз шоирлардан Абдулла Ориповга руҳан жуда яқини алломайи замон Ғафур Ғуломдир. Бу нарса ўқиш-ўрганишлар ва ҳар турли таъсирланишлар билан бирга, айни чоғда, истейдодлар табиати, бадий тафаккур ва идрокдаги табиӣ туғма уйғунлик, азалий ўхшашликлар ҳосиласида тушунилса ва талқин этилса, айни муддаодир. Кези келганда, қуйидагача қиёслаш фикримизни равшанлаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз: Эркин Воҳидов шеърӣяти ўз услубий йўналишига кўра ва руҳан Ҳамид Олимжонга, Рауф Парфи лирикаси ўз табиатига биноан Ойбек ва Усмон Носирга, Омон Матжон ва Маъруф Жалилнинг ҳаётӣ мазмун билан йўғрилган, воқеабанд шеърлари Миртемир домланинг содда, самимий, дилкаш ва донишманд шеърӣтига, Чўлпон Эргашнинг ғоят вазмин ва ўйчан тажрибалари Мақсуд Шайхзоданинг фикрчан ва фалсафӣ лирикасига ҳамоҳанг туюлади. Ана шундай маънавий маҳрамлак, руҳӣ қондошлик, бадий тахайюлнинг бепоёнлиги, “руҳӣ поённинг чексизлиги” жихатидан Абдулла Орипов замонамизнинг улуғ санъаткорларидан Ғафур Ғуломга яқинроқ туради. Ва биз шу ўринда устозу шогирдлар ўртасидаги ўзаро муносабатни фақатгина сийқаси чиққан адабий таъсир омили билан чегаралаб қўйишни истамаймиз. Дарвоқе, шуни ҳам унутмаслик керакки, ёшлик чоғларида ижодӣ-руҳӣ изланиш жараёнида ёппасига ҳамма-ҳаммадан

эмас, балки туғма ўхшаш, руҳан, табиатан яқин истеъдодларгина ўзаро маънавий мулоқотга киришади. Хусусан, “Қандай чексиз эди руҳий поёнинг” мисрасидан шуни англаш мумкинки, устоз Ғафур Ғулом “руҳий поён”нинг бепоёнлигини ҳеч ким Абдулла Ориповдай аниқ ва равшан тасаввур қилолмаса керак. Ва ҳеч ким ҳам Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби улуғларимиз истеъдодининг кудратини, чин кадр-қимматини ва миллат маънавиятида тутган беқиёс ўрнини Абдулла Ориповдай чуқур ҳис қилолмайди?

Абдулла Ориповнинг “Баҳор” шеърида юкорида тилга олинган парчадан кейин, яъни “Бу қандай мулоқот? Не ҳол? Ёнингда жой олмиш ўзга бир суюкли даҳо” дея устоз Шайхзода ҳаёлини васф этувчи маҳзун мисралар келади: *“Беқиёс эди у шеър лочини! Хаёли бамисли Кўрагонийдек. Гар тарих эврилса, шуҳрат тожсини Унга кийгизарди Султон Улуғбек. Балхдан ҳориб қайтган Алишер мисол Энди тўлғизганди чўккан довотин. Кетди пок бир сиймо. Теран бир хаёл Қолдириб дунёда ҳеч ўчмас отин. Бақою бебақо аён буюклик Ўтди сўнги дамда бош эгиб қуйи. Фақат билганидан қолмас Тириклик, Мана, гулга чўммиш Чигатой бўйи”*. Максуд Шайхзоданинг ўз замонига сиғмаган улкан иқтидорини ва бетакрор ижодий қисматини ақс эттирувчи мазкур сатрлар таъсирчан поэтик мундарижаси туфайли хотирамизга ўрнашади. Табиийки, ушбу мисраларда ҳам самимий меҳр, ёлқинли муҳаббат ўз ифодасини топган. Лекин ёш шоир устозга эхтиром туйғуларини ифодалаш билангина чекланмаган. Шайхзода домланинг тенгсиз ижодий жасоратини ҳамда аччиқ қисматини бир неча ёрқин мисра ва эсда қоларли деталлар орқали маҳорат билан умумлаштиришга эришган. Жудаям оғир ва машаққатли бир даврда унинг Мирзо Улуғбек образини ва фожиасини доҳиёна севги ва қуйинчаклик билан яратишини ёш Абдулла Орипов тўлиб-тошиб, тўлқинланиб қуйлайди. Замоннинг шафқатсиз чиғириғидан бир амаллаб ўтган ва беомон синовларга бардош берган санъаткор умрининг ва асарларининг асосий сабоқларини англашга ва англатишга интилади.

Устоз Абдулла Қаҳҳорга бағишланган атиги саккиз сатрлик, бироқ жудаям теран фалсафий маънолар билан йўғрилган шеърида ҳам Абдулла Орипов поэтик умумлашмалар яратиш йўлидан боради: *“Йўллар ортимизда қолар эдилар, Саҳролар қоларди чексиз, бетакрор. Нега улар чексиз, десам дедилар: Бу ердан ўтганди Абдулла Қаҳҳор”*.

Шеърда улуғ санъаткорнинг мураккаб ҳаёт йўли ва ҳавас қилгудек ижодий толеи – умумхалқ муҳаббатига сазовор бўлган бахтиёр ижодкор тақдири рост ва ишонарли тасвирланган.

Абдулла Орипов буюк ёзувчи образининг халқ қалбидан қанчалар чуқур жой олганига урғу берган. Янада аниқроғи, халқ ва Абдулла Қаҳҳор муносабатларини чиройли ва таъсирчан акс эттирган. Яъни, Ватан кенгликлари, она юрт саҳролари Абдулла Қаҳҳор сўзи туфайли чексиз, бепоён. Ватанимиз чўккилари ҳам Абдулла Қаҳҳор сўзининг кудратидан салобатли, сарбаланд, юксак!.. Гўзал ва ҳаққоний муболаға, шундай эмасми?!

Аён бўлдики, Абдулла Орипов қатта авлодга мансуб ёзувчи ва шоирлар образига мурожаат қилар экан, уларнинг номини шунчаки улуғлашни мақсад қилиб қўймайди. Аксинча, устод адибларнинг ўзига хос ва бетакрор қиёфаларини бадиий гавдалантиришга ҳаракат қилади. Мазкур жиддий поэтик ниятни эса Абдулла Орипов устоз санъаткорлар ҳаёт ва ижод йўлининг бадиий-фалсафий таҳлили, уларнинг инсон сифатида ўзига хос хусусиятларини ва асарларининг етакчи пафосини, муҳим кирраларини ҳаққоний ёритди, маҳорат билан умумлаштириш орқали амалга оширади. Айни шу боис муаллифнинг Ойбек, Усмон Носир, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Максуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор ҳақидаги теран мазмунли манзумалари оддий ва анъанавий бағишловлардай таассурот қолдирмайди. Шоир мураккаб ва улуғвор умр йўлларининг нозик ва ҳассос поэтик таҳлилидан келажак учун зарурий хулосалар чиқаради. Абдулла Ориповнинг ва умуман, олтмишинчи йиллар шоирлар авлодининг келгуси тақдирига, адабий-маънавий улғайиши ва камолотга етишида эса мана шундай ижодий сабоқлар ҳамда ҳаётий хулосаларнинг умидбахш таъсири бекиёс эди.



## Шуҳрат РИЗАЕВ

(1958 йилда туғилган)

### ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ТАРИХИЙ ДРАМАТУРГИЯСИ

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошланган ижтимоий уйғониш миллий тарихимизнинг шўро мафкураси тазйиғида пинҳон тутилган ёки сохталаштирилган юзлаб саҳифаларини аниқлаш ва тамомила янгитдан ўрганиб чиқишга ҳамда кенг жамоатчиликка ошкор этишга умуммиллий эҳтиёж пайдо қилди. Зеро, ўзликни англаш инсоннинг ҳамиша ўз ўтмишини билиши, аждодларини танишидан бошланиши исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Жамиятимиздаги ана шу ҳолат дастлаб ижтимоий-сиёсий, бадий публицистикада тўлақонли намоён бўлган эса, у билан ёнма-ён бадий адабиётда ҳам жанрий тадрижда кўриниб, кўлам касб этиб борди. Табиий равишда миллий тарихни бадий ифода этиш майллари санъатнинг бошқа барча турлари, жумладан, театр ва кинода ҳам яққол кўринди. Ўнлаб, юзлаб тарихий мавзудаги назм, наср, драматургия, кинодраматургия, театр ва киноасарлари яратилди. Жамиятнинг миллий тарихимизни билишга бўлган дастлабки маърифий эҳтиёжи бир сидра кондирилди. Бу жараён аввал бошлаб ҳатто ўзига хос кизиқиш доирасига айланиб,

тарихимизнинг қайси даври бўлмасин, бор далилларни юзага чиқариш, уни кўпинча тизгинсиз эхтирослар билан ҳар ким ўз маърифати ва дунёқараши даражасида талкин этиши тарзида кечган бўлса, бора-бора эхтирослар билим ва тафаккур элакларига эланиб, ҳовур бир қадар босилди. Ва ҳозирга келиб энди тарихни бадиий тадқиқ этиш тамойиллари ниш уриб, уни обдон идрок этиш ва замонамиз қарашлари, интилишларига муштарак этиш истаги ҳамда имкониятлари кучайиб боряпти. Ана шу ўзига хос тадрижни илмий экскурс тарзида ўрганиш ва таҳлил этиш учун фавқулодда катта миқдордаги тарихий мавзудаги драмаларни ўз ичида яна икки тарихий-даврий чегарада кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу даврийлик ижтимоий-сиёсий, тарихий мезонлар ҳамда белгиларнинг бир-биридан мохият эътиборига кўра жиддий фарқланишига асосланади. Демак, тарихий драмалар даврий чегаралари ва ўтмиш аجدодлар яшаб ўтган воқеликнинг узок мозий ёки яқин ўтмиш тарихга дахлдорлигига кўра иккига ажралади, яъни:

*биринчиси*, кадимги даврлардан то XX асргача бўлган мозий ва шу даврларда яшаган аجدодларимиз – буюк тарихий сиймолар ҳақидаги пьесалар;

*иккинчиси*, яқин ўтмиш, XX асрдаги ижтимоий силсилалар, шўро қатағонлари ва шу даврдаги халқимиз ҳаёти, миллий зиёлиларимиз тақдири бадиий ифодасини топган драма асарлари.

Биринчи даврий чегара ҳақида сўз юритганда, милоддан аввалги маданий тамаддунлардан бошлаб XIX аср иккинчи ярмидаги Россия босқинларигача ўлкамиз худудларида кечган воқеалар ва тарихий сиймолар жонланган пьесалар оқими борасида илмий экскурс қилиш лозим бўлади. Айни чоғда яна тарих илмида қабул қилинган даврлаштириш меъёрларига суяниб иш кўрилса, кадимдан то XX асргача бўлган воқеликнинг ўзини ҳам ва шу даврлардаги улуғ шахслар ҳаёти, кечмишларининг драматургиямизда акс этган намуналарини ҳам яна муайян кичик даврий чегараларда алоҳида олиб кўриш мумкин. Буни қуйидагича таснифласа бўлади:

– энг қадимги даврлардан Ислом дини Ўрта Осиё ҳудудларида қарор топгунгача бўлган давр воқеалари ва шахслари ҳақидаги пьесалар;

– Ўрта Осиё Ренессанси номини олган ўрта асрлардаги улуғ аллома, мутафаккир зотлар ҳақидаги сахна асарлари;

– Амир Темур ва темурийлар ҳаётига бағишланган пьесалар;

– XVII – XIX асрларда яшаб ўтган атоқли шахслар – шоир, адиб, муаррих ва давлат арбоблари кечмишларидан накл қилувчи тарихий драмалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўзда тутилаётган ҳар бир давр воқелиги ва тарихий шахслар номлари билан боғлиқ ўнлаб пьесалар яратилди. Масалан, Амир Темур ва темурийзодалар ҳақида йигирмадан ортик, Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийга бағишлаб қарийб ўнтадан ва шунга мувофиқ бошқа алломаю адиб, шоҳу шоирлар ҳақида битта-иккитадан то беш-олтитагача алоҳида сахна асарлари ёзилди, эълон қилинди ва аксарият турли шаҳар ва вилоятлар театр сахналарида қўйилди. Мамлакатимизда Истиклол йиллари изчил олиб борилган маънавий ислохотлар туфайли миллий маданий тарихимиздаги улкан ҳодисалар ва шахслар билан боғлиқ йирик саналарнинг кенг миқёсда нишонланиши адабиёт ва санъатнинг барча йўналишларида бўлгани каби драматургияда ҳам кўплаб бағишлов тарихий драмаларининг яратилиши ва юзага чиқишига омил бўлди. Юқорида келтирилган рақамлар, асосан, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги ёки Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги ва ҳоказо саналар муносабати билан юзага келган. Шу ўринда тарихий драматургия йўналишида яратилган асарларни эслатиб ўтиш мазкур ҳодисанинг умуммиллий драматургиямиз ривожиди қанчалар салмоқли ўрин тутганини тасаввур этишга имкон беради.

Энг қадимги маданий даврдан то юртимизда Ислом диний эътиқоди қарор топгунга қадар кечган воқеалар Йўлдош Муқимовнинг “Авесто” ҳақидаги “Мангу машъал”, Комил Авазнинг “Авесто” – меҳр фарзанди”, Й.Муқимов ва Ҳайитмат



Расулнинг Спитамен жасоратларидан ҳикоя қилувчи романтик руҳдаги “Муқаддас Тахтизар”, Насрулло Қобулнинг Иброҳим алайҳиссалом таваллудига бағишланган “Намруд”, Усмон Азимнинг “Алпомишнинг қайтиши”, С.Сироҷиддиновнинг “Тўмарис” пьесаларида ифода этилди.

Ўрта Осиё, янада аниқроғи, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ўрта асрларда бўлган маданий-маърифий юксалиш даврлари ва унинг буюк аллома, мутафаккир, донишманд, саркарда зотлари ҳақидаги сахна асарлари сифатида Усмон Кўчқорнинг “Расулulloҳ котиби”, Муҳаммадали Эргашевнинг “Саодат йўли”, Рустам Маъдиевнинг “Бир кечалик туш”, Собир Эҳсоннинг “Муҳаддис”, Муҳиба Ҳамидованинг “Бухорий муҳаббати” каби Имом Бухорий ҳақидаги, Иброҳим Раҳимнинг “Аҳмад ал-Фарғонийнинг ёшлиги”, Йўлдош Сулаймоннинг “Осмонга сиғмаган муҳаббат”, Нуриллоҳон Абдуллаевнинг “Башар алломаси”, Ҳайитмат Расулнинг “Пири коинот”, Жуманиёз Жабборовнинг “Ал-Фарғоний” номли улуғ алломага бағишланган ҳамда Эркин Самандарнинг “Жалолиддин Мангуберди”, Бурҳон Исломовнинг “Сарбадорлар” тарихий драмаларини санаш мумкин.

Амир Темур ва темурий шахзодалар ҳақида яратилган пьесалар миқдори йигирмадан ортиқ эканини айтдик. Шулардан эътиборга моликлари Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон”, Одил Ёқубовнинг “Фотиҳи Музаффар ёхуд бир париваш асири”, Маъруф Жалилнинг “Соҳибқирон” (“Амир Темур кассаси”), Қилич Абдунабиевнинг “Амир Темур ва Йилдириш Боязид”, Тўра Мирзонинг “Амир Темур”, Урфон Отажоннинг “Ҳумоюн қабул”, Шавкат Пардаевнинг “Жаҳонгир”, Туроб Акбархўжаевнинг “Замон ўғлони”, Салоҳиддин Сироҷиддиновнинг “Соҳибқирон Темур”, Насрулло Қобуловнинг “Амир Музаффар фожиаси”, Хуршид Давроннинг “Бобуршоҳ” (“Согинч”) тарихий асарлари. Шу ўринда мазкур даврий чегара доирасида олинадиган яна бир неча драма борки, булар улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ҳақида ёки асарлари асосида

яратилган тарихий, тарихий-фалсафий пьесалардир. Хусусан, Чори Авазнинг “Фуқаронинг тахтсиз подшоҳи”, Абдулла Аъзамнинг “Дугоҳи Хусайний”, Ш.Ризаевнинг “Искандар” асарлари ўша жумладан. Яна бир маълумотни мазкур мавзу доирасида қайд этмоқ керак. Бир неча авлод ўзбек китобхони ва томошабинларига суюмли ҳамда ёд бўлиб кетган Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” пьесаси гарчи ўтган аср 40-йиллари маҳсули бўлса-да, истиқлол даврида Иззат Султон томонидан қайта кўриб чиқилиб, замонавий ғоявий талқинда янгитдан саҳналаштирилди. Асар мафкуравий сохталиклардан тозаланиб, тарихий ҳақиқатга мувофиқлаштирилди.

Ўлкамиз тарихида темурийлардан сўнг бўлиқ из қолдирган атоқли шахслар ҳақида ҳам кўплаб тарихий-биографик саҳна асарлари яратилди ва турли театрларда турлича талқинларда томошабин ҳукмига ҳавола этилди. Булар Эркин Самандарнинг “Араб Баҳодирхон”, Комил Авазнинг “Огаҳий”, “Феруз” (“Сақили наво”), Насрулло Қобулнинг “На фалакман, на фаришта” (“Машраб”), А.Шаломаевнинг “Аҳмад Дониш”, Салоҳиддин Сирожиддиновнинг “Фигон” (Нодирабегим), Зулхумор Солиеванинг “Увайсий” каби асарларидир. Юкорида муаллифлари ва номлари қайд этилган саҳна асарлари айримларининг адабий матнлари эълон қилинган, аксарияти, асосан, саҳналаштирилган. Узоқ мозий тарихи ва сиймолари образлари акс этган бу асарлар жанр жиҳатидан янада ранг-баранг ва табиийки, ғоявий, бадий хусусиятларига кўра ҳам турфа хилдир. Фожа, драма, мусикали драма, шеърӣ драма, драматик дoston ва ҳоказо.

Ғоявий-бадий жиҳатларига кўра, албатта, алоҳида олинган ҳар бир тарихий давр воқеалари, атоқли шахслар қиёфалари жонлантирилган ўнлаб асарлардан айримларини том маънодаги эстетик мезонлар билан таҳлилга тортиш мумкин. Масалан, дастлабки даврий чегарада олинган пьесаларни бадийлик талабларига жиддий урғу қилмаган ҳолда, мавзуни, яъни юртимиз қадимиятини бадий идрок этишнинг бошланғич босқичи дея қараб, мазкур асарларнинг ўқувчи ё



томошабинга кўпроқ маърифий аҳамиятини фазилат сифатида тақдим этиш мумкин.

Ўрта асрлар Уйғониш даври алломалари ҳақидаги тарихий асарлардан Жуманиёз Жабборовнинг “Ал-Фарғоний”, Усмон Кўчкорнинг “Расуллуллоҳ котиби” шеърий драмалари, назаримизда, рўйхатнинг бошида санашга арзигулик. Гарчи бири-бирига катта-кичик замондош бўлган икки сиймо – дин ва дунёвий илм алломалари, шуҳрати дунёни тутган муҳаддис Имом Бухорий ва мунажжим, муҳандис Аҳмад Фарғоний ҳаёти ва фаолиятини шунчаки шеърий йўсинда қайд этиш эмас, балки фалсафий-лирик услубда идрок этишни ғоявий-бадиий мақсад қилиб қўйган бўлсалар-да, муаллифлар устувор мотивларига кўра бири иккинчисидан фарқланувчи, ўз ижодий манераларига хос йўлдан борадилар. Жуманиёз Жабборов комусий олим Аҳмад Фарғонийнинг талабалик йилларидан то Мисрга бориб Нил дарёсига тўғон қуриш давригача бўлган кечмишларини кўпроқ лирик тонда, ўрни билан ижтимоий конфликтлар марказида тасвирлаб, қахрамонона-романтик образини чизса, Усмон Кўчкор Имом Бухорийнинг айни етуклик палласини қаламга олиб, унинг Нишопурдан Бухорога қайтиши воқеаларини, она юртидаги ҳаёти лавҳаларини фалсафий-психологик ёндашув асосида акс эттиради.

1996 йили ЮНЕСКО халқаро ташкилоти буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан бу санани дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Ўзбекистонда эса Амир Темур йили эълон қилинди. Табиийки, улуғ бобомиз шарафига мамлакатимизда ва хорижда кенг миқёсли тадбирлар ўтказиш режалаштирилди. Булар орасида Ўзбек Миллий академик драма театрида Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” шеърий драмаси (муаллиф баъзан “достон” деб ҳам қўллайди)ни саҳналаштириш масаласи ҳам бор эди. Режиссёр Олимжон Салимовнинг саъй-ҳаракати билан кўпроқ мутолаа учун мувофиқ келган асар отахон театр саҳнасида спектакль тусини олди. Юксак қахрамонлик, тантанавор рух, муҳаббат устувор бўлган



спектаклда Амир Темур сиймоси халқ ва мамлакат бирлиги учун курашган, адолатни бош шиор билиб, ўз юртида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширган буюк давлат арбоби, ватанпарвар шахс сифатида кўрсатилади. Бундай талқин шеърӣ драма табиатига тўла мувофиқ эди. Абдулла Орипов соҳибқирон сиймосини яратишда Мақсуд Шайхзода, Уйғун ва Иззат Султон анъаналаридан ижодий фойдаланиб, Жаллолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоӣ ва бошқа миллий қаҳрамонлар образларини гавдалантиришнинг сахна адабиётига хос қаҳрамонона-фалсафӣ талқин тажрибаларини истифода этади. Зеро, бу Истиклолнинг дастлабки йилларидаги маънавий-мафкуравий ислохотлар, кишиларимиз дунёқарашини ўзгартириш мақсадларига ҳамоҳанг эди. Гарчи ўтган аср биринчи ярмидаги ота-боболаримиз фикр-қарашлари, психологияси билан аср охирларидаги авлоднинг караш-тушунчалари, туриш-турмуши, интилишларида кескин фарқ бўлса-да, ижтимоӣ-сиёсий воқеликнинг муайян даврларида юз берадиган глобал ҳодисалар таъсирида кишиларнинг ҳиссий-ҳаяжон майлларини кўзғаш ва оловлантириш, уни маълум мақсадларга йўналтириш усуллари ва бунда, жумладан, адабиёт ва санъатнинг бекиёс ролидан максимал фойдаланиш имконияти ўз аҳамияти ҳам долзарблигини сақлаб қолади. Агар зикр этганимиз улуғ шахслар сиймолари муайян бурилиш нуқталарида халқни бирлаштириш ва унинг руҳини кўтариш маъносида йирик асарлар мавзусига айланган бўлса, Амир Темур образи ҳам энди тамомила янги мустақил давлатчилик асослари барпо этилаётганда худди ўшандай ва балки улардан-да ортиқроқ вазифани бажариши керак эди. Драматург бунини жуда теран ҳис этиб мавзуга ёндашади ва асарни шундай эпилог билан бошлайди:

*Оллоҳим бахш этмиш шунчалар шукуҳ,  
 Комилу етукдир шажара, зоти.  
 Бир ёнда Улуғбек – синмас қаноти.  
 Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод,*

*Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.  
Қулоқ тутгайми, деб ноаҳил авлод,  
Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.*

Пьесанинг адабий асоси ҳақида ҳам, унинг спектакль варианты борасида ҳам ўз вақтида кўп фикрлар айтилган, мақолалар ёзилган. Драма Миллий театрдан сўнг Қорақалпоғистонда Бердақ номидаги Давлат театрида ва Қашқадарё вилоят мусикали драма ва комедия театрида сахналаштирилди, турлича талқинлар топди. Аммо шунга карамай драмада кўзда тутилган марказлашган йирик давлат асосини бунёд этиш, адолатпарварлик, эл-юрт, миллат қайғуси, Ватан туйғуси қабилар барча театрларда ҳам Амир Темур образи учун асосий калит бўлиб, маҳобатли, монументал патетик тимсол тасаввурини барқарор қилди. Гарчи Абдулла Ориповдан бир-икки сана аввал ёки кейин, ҳатто шу яқинларгача номлари зикр этилган ўнлаб қаламкашлар соҳибкирон аждодимиз ҳақида сахна асарлари яратишга уриниб кўрган, кўраётган бўлсаларда, ҳозирча Амир Темур сиймосининг бошқача ракурсдаги талқинини таклиф этувчи бадиий бақувват сахна адабиёти пайдо бўлмади. Ваҳоланки, шекспирона микёс ва теранликда бадиий талқинини топиши зарур бўлган тарихий материал ва сиймо образи орзулигича қолиб келмоқда.

XVII – XIX асрларда Ўрта Осиё худудларида содир бўлган воқеалар ва тарих сахнасига чиққан шахслар ҳаёти, кечмишлари, фаолият микёслари инсоний эҳтирослар жамулжам бўлган адабий тур – драма учун чексиз манбадир. Афсуски, бу манбадан фойдаланиш ҳам қутилганидек эмас. Агар шу давр воқелиги ва шахслари ҳақидаги сахна асарлари сарҳисоб қилинса, шубҳасиз, бу рўйхатнинг аввалида ўтган аср 20-йилларида яратилиб, сўнг муаллифи билан бирга тақикқа учраган, фақат юртимиз Истиклоли туфайли адабиётга, сахналаримизга қайтган Абдурауф Фитратнинг “Абулфайзхон” тарихий фожиаси хаёлга келади. Бу асарнинг тарих эмас, фаол ҳаракатдаги ғоявий-бадиий юксак драма намуна-

си экани мутахассислар томонидан эътироф этилган. Аммо бу ва умуман, бизда тарихий драманинг юксак эталонлари бўлгани ҳолда назарда тутаётганимиз тарихий давр билан боғлиқ шуларга монанд ёки яқин келадиган янги асарларнинг пайдо бўлмагани таассуфли. Бироқ бу йўлда изланишлар, ўзига хос муваффақиятли ҳаракатлар бўлганини ҳам эътироф этмаслик адолатдан эмас. Шу маънода драматург Насрулло Қобулнинг “На малакман, на фаришта” номли оташин шоиримиз Бобораҳим Машраб ҳақидаги тарихий фалсафий-психологик шеърӣ драмаси эътиборга лойик.

Мушоҳада, бадиий идрок устувор санъатда воқеа-ҳодисанинг фикр окимига туртки берувчи мантиғи муҳим. Ҳодиса тафсилотлари учун мезон тарихий реаллик эмас, балки мантиқ ривожӣ аҳамиятлидир. Томошабин ё китобхон воқеадан эмас, фикрдан ва мантиқ ривожидан таъсирланиши, икки томонлама мушоҳада қилиши керак. Бу ўринда бадиий ижоднинг коммуникатив хусусияти, яъни муаллиф-қаҳрамон-ўқувчи ёки томошабин муносабати масаласига оид илмий-назарий қарашлар ёдга келади. Асар муаллифи ва реципиент (қабул қилувчи) алоқаси таҳлилга тортилган пьеса мисолида икки томонлама фаолликни тақозо этувчи интеллектуал фалсафий ва психологик ифода усулидан намоён бўладикӣ, жаҳон адабиёти ва санъатида аллақачонлар етук намуналарини берган бу тажриба ўзбек сахна санъатида, хусусан “На малакман, на фаришта” (“Машраб”) асарида дастлабки куртакларини кўрсатган. Ўқувчи-томошабин муаллиф таклиф этаётган тарихий ҳодисанинг қайта бадиий идрок этилган ва ўз мушоҳадалари доирасида тақдим этилган янги версиясини қабул қилишда фаоллик кўрсатиб, кузатувчи эмас, ҳамкорга айланиб боради. Тайёр нарсани ўзлаштириш эмас, жараёнда иштирок этиш йўлини тутати. Бу, ўз навбатида, драматургиямизда, хусусан, тарихий биографик асарлар яратиш тажрибасида ўзига хос янгилик, изланиш самарасидир.

Иккинчи даврий силсилани ташкил этадиган пьесалар ҳам миқдор жиҳатидан аввалгисидан кам эмас. Драматургларимиз

нисбатан яқин ўтмиш – XX асрдаги ижтимоий воқеалар, шўро катагонлари ва шу даврдаги халқимиз ҳаёти, миллий зиёлиларимиз тақдири, 80-йиллардаги “пахта иши” компанияси билан боғлиқ тазйиқ ва таъқиблар ҳақида ҳам талайгина тарихий-биографик ижтимоий-публицистик сахна асарлари яратдилар. Буларни ҳам акс эттирилган тарихий даврлар чегараларида таснифлаш мумкин. Аммо бу даврий силсилада тасниф кўпроқ тарихий мавзулардаги пьесаларнинг ички жанр хусусиятларига кўра белгиланса, бадиий изланишларнинг нечоғлиқ теран ва кўламли кечгани яққолроқ намоён бўлади. Бунда қуйидагича шартли жанровий йўналишларни қайд этиш мумкин:

1. Тарихий-биографик пьесалар.
2. Ижтимоий-публицистик тарихий пьесалар.
3. Тарихий асарлар асосидаги инсценировкалар.

Иккинчи даврий силсиладаги тарихий-биографик пьесалар орасида буюк жабрдийда адибимиз Абдулхамид Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар кўп. Жумладан, Усмон Азимнинг “Кундузсиз кечалар”, Тўлан Низомнинг “Чўлпон”, Зиё Нажмийнинг “Занжирбанд шер” пьесалари фикримиз далили. Ундан кейин оташин шоир Усмон Носир ҳақидаги Нодира Рашидованинг “Усмон Носир” ва Абдулла Аъзамнинг “Усмон Носир қаерда?” асарларини санаш мумкин. Булардан ташқари Усмон Азим яна Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ҳақида драмалар ёзди. Нафсиламрини айтганда, зикр этилган пьесалар орасида, албатта, катта шоир Усмон Азим қаламига мансублари эътиборни кўпроқ жалб этади.

Усмон Азим Миллий академик театр учун муайян маънода “адабий учлик” – “трилогия” деб атаса бўладиган уч пьеса ёзди – Чўлпон ҳақида “Кундузсиз кечалар”, Ойбекка бағишлаб “Адибнинг умри” ва “Абдулла Қаҳҳор” номли тарихий-биографик драмалар. Уларни асосий қахрамонлари ҳаётига оид воқеабандлик жихатидан изчил бир-бирини давом эттирувчи трилогия дейиш мумкин эмас. Аммо бошқа талай хусусиятларига кўра бу уч асар бир-бирини тўлдиради. Аввало, давр, пьесаларда акс этган ижтимоий

вокелик бир – Ўзбекистонда шўролар салтанати қурилиб, ҳукмронлик қилган йиллардан қарийб эллик йил оралигида кечган воқеалар акс этади уч асарда. Табиийки, давр бир экан, ижтимоий муҳит, муносабатлар, турмуш манзараларида ҳам муштараклик бўлиши аниқ. Иккинчидан, пьесаларнинг адабий-жанрий мансублиги ҳам бир тарихий-биографик драмалар. Учинчидан, ҳар учала пьесанинг қаҳрамонлари ҳам реал тарихий шахслар, қаламга олинган ходисалар ҳам айна тарихий воқелик. Тўртинчидан, пьесалар бош қаҳрамонларининг касби-коридан ташқари, муаллиф тасвирлаганидек, уларнинг кечмишлари, дунёқараши, тақдирлари ҳам бир. Чўлпон ҳам, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳам даврига сиғмаган, хурфиқрлилиги, миллатпарварлиги, ҳақпарварлиги, муросасизлиги учун жабр кўрган, таъқиб ва тазйиқларга учраган. Истеъдоди, обрў-эътибори туфайли ҳасадгўйларнинг тухматларига дучор бўлган. Шуларга қарамай, иродаси букилмаган, жисмоний азобларга дош бериб, руҳан синмаган. Бошқа катта-кичик ҳолатлар, деталлардаги умумийликни санамаганда ҳам қайд этилган муштаракликларга суяниб уч пьесани тарихий-биографик трилогия деб дадил айтишга асос етарли. Дарвоқе, гарчи жуда муҳим бўлмаса-да, муштаракликка оид оддийгина бир фактни ҳам эслатиб кетиш ўринли. Ҳар уч пьеса бош тарихий қаҳрамонлар – уч адибнинг Истиклол шарофатидан юртимизда нишонланган 100 йиллик таваллуд саналари муносабати билан ижтимоий буюртма сифатида ёзилган.

Истиклол йиллари драматургиясида тарихий-биографик метод қолипларидан қочиб, тарихий шахс сиймосини фалсафий-психологик аспектда бадиий идрок этишга ўзига хос уриниш намунаси сифатида Зиё Нажмийнинг “Занжирбанд шер” асарини мисол келтириш мумкин. Мазкур асарнинг саҳнавий талқини ҳақида санъатшунос Д.Раҳматуллаева атрофлича фикр юритиб, спектакль жанрини режиссёр фожиа-фантазмагория деб белгилаб тўла мажозий ечимга қурганини қайд этади. Ҳамонки, пьеса фантазмагория ва мажоз ечимда саҳналаштирилган



экан, шунинг ўзидаёқ унда анъанавий биографик тафсилотчиликдан қочилгани англонади. Бош қаҳрамон, яъни Чўлпон ўз бошидан кечган воқеаларни ҳаёлан жонлантирар экан, уларни шунчаки қайд этмайди, балки, аксинча, уларга фаол муносабат билдириб боради. Бунда унга Ҳамлет образи ёрдам беради. Чўлпон ҳаёти давомида ён-атрофида бўлган ва кечаётган воқеа-ҳодисаларга, турфа қиёфага қираётган “дўст”ларию душманларига, соткинлик, тубанликнинг жамиятда оддий ҳолат бўлиб бораётганига адолат ва ҳалоллик тобора ғорат этилиб, сиқиб чиқарилаётганига худди Ҳамлет каби муносабат билдиради. Шекспир қаҳрамонидан қувват олиб, ўз воқелигини тафтиш этаркан, юз бераётган адолатсизликлар қаршисида ожиз, нотовон бўлиб қолмаслик, ҳаёт мазмунини курашларда деб билиш, ўз ҳақиқати учун гарчи жисман мағлуб бўлса-да, маънан ғолибликка интилиш сабоқларини ўзлаштиради. Гурурли, ўқтам бир инсон – Шах қиёфасини ўқувчи-томошабинга сингдириб боради. Ҳақиқат учун, Ватан ва миллат учун фидойи бўлишнинг бир инсон тақдири мисолидаги сабоқларини саҳнадан намоён этади. Айнан “Занжирбанд шер” спектакли муаллифлари – драматург, режиссёр, расом Чўлпон образи ва унинг воқелиги талқинини Ҳамлетдан за Шекспир даҳосидан қувватланиб, унга эргашиб акс эттириш а уринишади. Улар учун Чўлпон ўз замонасининг Ҳамлети бўлиб кўринади ва спектакль шу кўрим ва ғоявий ниятга бўйсундирилгани учун оддий томошавий ҳасби ҳолдан ўтиб, ижтимоий-фалсафий асар таассуротини беради. Бундан ташқари муаллифлар Чўлпон ҳаётининг расмий, илмий ва бошқа адабий-саҳнавий талқинларига ёпишиб олмай, айрим воқеа ва образлар ифодасига ўзларича ва бунда, албатта, бадий мантиққа тўла риоя этган ҳолда мустақил ёндашадилар. Хусусан, Чўлпоннинг рафикаси Солиҳа билан ажрашиши, расман қабул қилинганидек, шоирнинг олижаноблиги туфайли эмас, балки душманларнинг аёл ор-номусини топтаганлари, бадном қилганлари учун эканини ва бунда асосий қаҳрамоннинг юз берган қабоҳатни ҳис этиб, ўз севгилисига мурувватли бўла олганини кўрсатиш орқали унинг руҳий



оламини, ички дунёсини янада гўзалроқ, юксакроқ қилиб ифода этадилар. Андижон вилоят Ёшлар театри драматург З.Нажмий билан ҳамкорликда яратган бу спектакль Чўлпон образининг оригинал, энг замонавий саҳнавий талқини бўлиб, драматургия ва театр санъатимизнинг тарихий биографик йўналишдаги изланишлари ҳам анъана, ҳам янгилик йўсинида ранг-баранг кечаётганидан яна бир далолатдир.

Ижтимоий-публицистик йўналишдаги тарихий пьесалар сирасида Истиклол йилларида Шукур Холмирзаевнинг “Қора камар”, “Зиёфат”, Ўткир Ҳошимовнинг “Қатағон” ва вақт нуқтаи назаридан кейинроқ Шукруллонинг “Ҳасрат боғи” асарлари яратилди. Улар асосида Аброр Ҳидоятлов номидаги театрда ва Миллий академик театрда спектакллар сахналаштирилди. Мавзу бу асарларда яқин ўтмишдан, ўтмишнинг энг кир ва мудҳиш даврларидан белгиланган.

1989 йили ўзбек театр санъатининг икки асари республика Давлат мукофотига лойиқ топилди. Буларнинг бири ўзбек Давлат академик драма театри (ҳозирги Миллий театр)да сахналаштирилган буюк адиб Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи асосидаги спектакл бўлса, иккинчиси, Аброр Ҳидоятлов номидаги Ёшлар драма театри (ҳозирги Ўзбек давлат драма театри)нинг Шукур Холмирзаев пьесаси асосидаги “Қора камар” спектакли эди.

Ғалати зидлик – “Қутлуғ қон” спектакли умрининг сўнгги палласига кирган шўролар иттифоқининг “шонли” ҳаёти якунига бағишланган ўзига хос “видо” бўлса, “Қора камар” Ўзбекистонда эндигина бўй тарата бошлаган озодлик, хуррият, Истиклолнинг илк бадийий муждаси эди. Аввалгисининг тақдирланиши янги пайдо бўлаётган қабрга ёдгорлик тоши ўрнатиш маросимини эслатса, кейингиси хурлик ғояларининг тантанасига, тасдиғига дебоча бўлди. Ўзбек Истиклол театр ва драматургияси айнан ана шу ғоятда оригинал зиддиятли манзара – видо ва тантана оҳанглари омухта жарангида ўз тарихининг илк саҳифасини очди.

Шукур Холмирзаевнинг “Қора камар” асари гўёки қонли инкилоб йиллари ёшлар ҳаракатининг етакчиларидан бўлган Абдулла Набиев ҳақида. Аслида эса пьеса ҳам, спектакль ҳам набиевларга қарши турган кучлар хусусида эди. Аниқроғи, уларнинг маслагу интилишлари ва таназзули ҳақида. Бу кучнинг тимсоли сифатида сахнада икки шахс – Хуррамбек ва Қорахўжа эшон образлари ҳаракат қилади. Илмий-тарихий соҳада Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда босмачилик ҳаракати борасида саноксиз асарлар ёзилган. Гўёки босмачилик фақатгина талон-торожга асосланиб, ўз мол-мулки, мавқеини сақлаб қолишга интилган бир гуруҳ онгсиз бой-ваччалар ва мутаассиб руҳонийлар бошчилигидаги босқинчиликлардангина иборат бўлган ёвуз ҳаракат. Бундай қарашлар бадий адабиётда ҳам ўзининг ўнлаб “бадий” ижросини топди. Ҳақиқатда эса бир неча йиллаб бутун вилоят ва ўлкаларни ҳаракатга солиб турган ва оддий қора халқнинг муайян қисмини ўзига жалб эта олган оммавий ҳаракат фақат ўшандай майда манфаатлар заминига қурилган бўлганида, бу қадар салмоқ ва жиддият касб этмаган бўлар эди. Шу ҳақиқатни “Қора камар” спектакли биринчилардан бўлиб бадий йўсинда яққол намойиш эта олди, яқин ўтмишимиз борасидаги тарих ҳақиқатини, рост гапни айтишга дастлабки жиддий уриниш бўлганлиги билан эътиборни тортди. Бу сирада яна Шукур Холмирзаевнинг “Зиёфат”, Ўткир Ҳошимовнинг “Қатағон” пьесалари мазмунан янги ва муҳимлиги ҳамда бадий бақувватлиги билан тарихий драматургиямиз манзарасини бойитди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида шундай бир аччиқ ҳақиқатни савол тариқасида ўртага ташлаганди: “...бир зумга бўлса-да, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989 – 1990 йилларга ҳаёлан қайтайлик... Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтурук бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-

укубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?.. Куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз, Кремлнинг ҳар бир имосига махтал бўлиб, ярим кулик ҳолатида кун кечирганимиз?.. У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур”.

Яқин тарихда халқимизнинг бошидан кечган бу оғир кечмишлар, айнан Юртбоши қайд этган воқеаларнинг бадиий-саҳнавий ифодаси юқорида зикр этилган асарларда ўз тажассумини топди. “Зиёфат”да рамзий маънодаги исм билан номланган Пахта образи мисолида кулдай меҳнат қилиб, қадр топмаган ва хўрликларга чидолмай ўз-ўзига ўт қўйган аёлнинг фожиали ҳолати бир ош пишарлик фурсат давоми – зиёфат асносида кўрсатиб берилса, “Қатағон”да “пахта иши”, “Ўзбеклар иши” каби машъум ёрликлар билан таҳқирланган, оғир рухий ва жисмоний қийноқларга дучор этилган ҳалол, заҳматқаш ўзбек деҳқони – собиқ совхоз директори Панжи Жумановнинг аянчли аҳволи акс этади.

Агар “Қора камар”да XX асрнинг йигирманчи йилларидаги юрт қайғусидан баҳс очилган, “Зиёфат” ва “Қатағон”да XX аср саксонинчи йиллари фожиалари қаламга олинган бўлса, шоир ва драматург Шукруллонинг “Ҳасрат боғи” шеърий драмасида мавзу катағон ва Миллий театримиз сахнасига олиб чиқилган турғунлик йилларининг турли инсонлар тақдирларидаги машъум излари, ҳамон битмаган қалб жароҳатлари ҳақида. Ўша даврларни бадиий мушоҳада этиш, сабоқ бўларли хулосалар чиқариш – муаллифларнинг асосий мақсади.

Истиклол даври ўзбек драматургиясининг тарихий йўналишдаги намуналари қаторида яна бир тур асарлар борки, улар ҳам тарихий драма, хусусан, иккинчи даврий силсила доирасида олиб ўрганишни тақозо этади. Булар адабиётимиз тарихига кирган ва албатта, нисбатан яқин тарихимиз кечмишларига бағишланган бадиий мумтоз насрий асарлар асосидаги инсценировкалардир. Бу сирада Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, (А.Ҳожиахмедов инсценировкаси), Абдулла Қодирийнинг

“Ўткан кунлар”и асосида (Ж.Жабборов инсценировкаси) “Отабек ва Кумуш”, “Меҳробдан чаён” (Э.Хушвақтов инсценировкаси) романлари асосидаги ҳамда Ғафур Ғулом хикоялари оҳангларидаги “Ўтган замон хангомалари” (У.Азим инсценировкаси) кабиларни санаш жоиз. Мазкур асарлар аксарият муайян театрнинг таклифи ёки бирор сана, муносабат билан амалга оширилган, албатта. Аммо, шу билан бирга, бу асарлардаги инсоний тақдирлар, бўлик характерлар, кучли драматизм, конфликт каби қатор ғоявий-бадиий жиҳатлар уларни сахна орқали ҳам кўрсатиш ва шу йўл билан томошабинни муайян ёзувчи дунёсига олиб кириш, уларни яқинлаштириш эҳтиёжига ҳам хизмат қилади.

Тарихий драмалар борасидаги экскурсдан келиб чиқиб хулосалар қилинадиган бўлса, албатта, Истиклол ғояларининг тантана қилиши, миллатнинг маънавиятини юксалтириш масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, фуқароларнинг ўз-ўзини таниш, маънавий-тарихий илдизларимизни билиш ва уни тиклаш, тарғиб этиш эҳтиёжи сўнгги йигирма йилда драматургия ва театр санъатимизда тарихий: биографик, ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-публицистик йўналишдаги сахна асарларининг, миллий мумтоз тарихий наср намуналари асосидаги инсценировкаларнинг кўплаб яратилиши ва у билан боғлиқ ижодий жараённинг шитоб билан ривожланишини содир этди. Шу болада санъатшунос олима Д.Раҳматуллаеванинг қуйидаги фикрлари тамомила асосли эканини эътироф этмоқ керак: “Мустақиллик тарихий драмани том маънода уйғотди. Тарихий драма драматургия ва театрда етакчи мавқени эгаллади. Бу давр собик тузум томонидан таъқиб қилинган шахслар ва мавзулар, қатағонга учраган адиблар ва уларнинг асарларига бўлган қизиқишни тўла қондириш имкониятини яратди. Буюк тарихий шахслар, ислом оламининг етакчи алломалари, олиму фузалолари, саркардалар сахна санъатида жонланди. Наинки узоқ тарих, шунингдек, аср бошидаги Туркистондаги ижтимоий ҳаётга бўлган эътибор кучайди ва бу давр ўзининг асл

сийрати ила сахналарда гавдаланди. Қисқа вақт давомида юздан ортик тарихий драмалар яратилди ва сахналаштирилди. Асарларнинг маънавий-маърифий жарангига катта эътибор қаратилди”.

Дарҳақиқат, шундай. Бироқ, олима таъкидлаганидек, маърифий йўсиндаги тарихий-биографик асарлар кўпчиликни ташкил этса-да, юқориқда кўриб ўтганимиз Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Машраб, Чўлпон ҳақидаги айрим драмалар анъанавий тафсилий-биографик усулдан ўтиб, фалсафий, психологик, ижтимоий-публицистик кўримдаги изланишлар асосида, ўзига хос ғоявий-бадий ечимда яратилганини эслатмоқ жоиз. Шу билан бирга “Қора камар”, “Зиёфат”, “Қатағон” каби тарихий драмалар ижтимоий-сиёсий ва публицистик пафоси билан давр адабиёти ва санъатида эътиборли ҳодисалар бўлди.

Демак, тарихий драматургия Истиклол йилларида мавзулар билан бир қаторда жанр хусусиятларига кўра ҳам хилма-хиллик кашф этиб, умумидабиётимиз ва театр санъатимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.



Нурбой  
**ЖАББОРОВ**

(1966 йилда туғилган)



**ГУЪЗАЛ ТАШБИХ, СИРЛИ РУХ**

*Абдулла Ориповдай шоир юз йилда бир марта тугилади.*

**Ислом Каримов**

“Шеър” ва “шуур” сўзлари ўзакдош. Аслида ҳам, шеър шуурга – инсон онгига, сезимларига ўзгача таъсир этувчи бекиёс кучдир. Шоир эса (худди шу ўзакдан ясалган сўз!) шеър воситасида шуурни уйғотгувчи, тарбият этгувчидир. Шу маънода, ўзбек шеърляти мудом ўз вазифасини аъло даражада уддалаб келаётир. Халқимиз бошига оғир кунлар тушган XIX аср охири – XX аср бошларида “адабиёт – миллат ойнаси” (Абдулла Авлоний) ўлароқ истибдодни қоралаб бонг ургани, “Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук” (Фуркат) дея изтиробнинг нечоғли чўнглигини таъсирчан ифодалагани ҳам бунинг далилидир. Ўша пайтдаги вазиятни “...янги бир бало бош кўтарди – большевик балоси!” (Фитрат) дея ҳаққоний баҳолаган ҳам, “ўзлари ошалаб, биз мусулмонларга ялатув билан кифояланган таваришларимиз”нинг Туркистонни “фано ва аянч ҳол”га солганини айтиб (Авлоний), элли огоҳликка чорлаган ҳам адабиёт бўлди, шеърлят бўлди.

Шўролар замонида ҳам, мафкуравий таъйикларга қарамай, шеърлят шуурларни маърифат шуъласи билан ёритмоқ, кўн-

гилларда миллий озодликка интилиш туйғусини тарбиялаш вазифасини бажаришда давом этди. 60-йиллари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, улар изидан кейинги авлод шоирлар миллат ва унинг тақдири билан боғлиқ масалаларни теран мазмун ва бетакрор бадиият асосида ёритишга интилгани ҳам бунинг исботидир. Айниқса, Абдулла Орипов шеърляти бу жихатдан тадқиқотлар учун бой материал беради.

## 1

Абдулла Орипов, шубҳасиз, сўз ахлининг юксак мақомига кўтарила олган ижодкор. Шоир ҳеч бир замонда эскирмайдиган мавзуларда шеърлар ёзди, ёзаяпти. Унинг асосий ютуғи мумтоз адабиётимизни ҳам, замонавий адабиётни ҳам теран билишида, ижодида миллий адабиётимизнинг юксак мақомини таъминлаган ютуқлардан самарали фойдалана олишида бўлса ажаб эмас. Шоирнинг маҳорати арузда ҳам, бармоқда ҳам бирдай намоён бўлаётгани-да бу фикрни тасдиқлайди.

“Катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у – ҳамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодачисидир. Бирок энг асосийси, у – ўз даврининг ҳақами ва куйчиси, у – жарчи ва файласуф, у – сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир дарвеш. Буларнинг бари унга қалб ихорини ҳаммага бирдай тушунарли, сеvimли ва шу билан бирга, кўтаринки, теран маънолар моҳиятини ифодалаш учун ато этилган. Шу боис шоирнинг сўзларидан замондошлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юрадилар.

Абдулла Орипов менга ХХI асрга кадам қўйган даврларимизнинг буюк маданий аҳамиятга молик ана шундай шоири бўлиб гавдаланади”. Дунёга машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг Абдулла Орипов ҳақидаги эътирофи шундай.

“Абдулла Орипов сўзнинг ифода кучини беҳато сезади, ҳаётни ўз билишича, ўзига хос янги назар билан кўради. Абдулла Орипов шеърляри билан ҳар бир учрашув шеърлят байрамига айланиб кетади”. Бу фикрлар Қайсин Қулиевга тегишли.





Евгений Евтушенко “Ўзбекларга хос донишмандлик, баг-рикенглик, хокисорлик ва андиша Абдулла Орипов поэзиясига сингиб кетган” ини эътироф этса, Ўлжас Сулаймонов фикрича, “Абдулла Орипов лирикасида кадимий ўзбек шеъриятига хос энг гўзал жиҳатлар мужассамлашган. У ўзбекнинг рамзи бўлган ижодкор”.

Бундай эътирофлар ўз-ўзидан дунёга келган эмас. Бир пайтлар овози икки дарё оралигида қолиб кетганидан ўкинган шоир Истиклолдан кейин дунё микёсида эътироф этилди. Асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ўзи ҳам кўплаб мамлакатларда бўлиб, адабий анжуманларда иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлод қалбида миллий истиклолга интилиш, ёруғ истикболга ишонч руҳини тарбиялашда Абдулла Орипов шеъриятининг аҳамияти алоҳида. 1986 йили эди, чамамда. Талабалар шаҳарчасида бир қувончли хабар тарқалди: “Тўқимачилар маданият саройида Абдулла Орипов билан учрашув бўлармиш!” Бу хабар яшин тезлигида ҳар бир талабанинг қулоғига, йўқ-йўқ, калбига етди. Бирпасда ҳозирги “Ўзбекенгилсаноат” ассоциацияси жойлашган бино талабалар шаҳарчасининг юрагига айланди. Бўлажак филолог, журналистларгина эмас, университетнинг барча факультетлари, Тошкент политехника институти талабалари, минглаб шеърият мухлислари – ҳамма “Тўқимачилар маданият саройи” да жам бўлди. Ўтирадиган жойга-ку орзу қилиб ҳам эришиш мушкул эди, шоирни тик туриб тинглаш учун жой топиш ҳам ҳар кимга насиб қилмаган. Ўшанда илк бор гувоҳ бўлганман Абдулла Орипов шеъриятининг қудратига, Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, “халқ қалбига акс садо беришига”. Руҳим еттинчи осмонга кўтарилиб чикканман ўша учрашувдан.

Муболағасиз айтишим керак, ўша пайтда қандай ҳолатни туйган бўлсам, шоирнинг янги шеърларини ўқиганда ҳам худди шундай туйғуни ҳис этаман.

Шоирнинг “Адолат кўзгуси” китобига ёзган сўзбошисида устоз Озод Шарафиддинов бундай таъкидлаган эди: “...мен

адабиётшунос сифатида Абдуллажоннинг ижодидан уч-тўртта мақола эълон қилганман-у, лекин унинг ижодини ҳар томонлама тадқиқ этувчи, XXI аср шеърлятида, қолаверса, жаҳон шеърлятида Абдулла Орипов феноменини тўла бўлмаса-да, бир қадар мукамалроқ очиб берадиган дурустроқ бир мақола ҳам ёзган эмасман. Ҳар гал бу ишга киришмоқчи бўлганимда, бу шеърлят қаршисида қаламимнинг бениҳоя ожизлигини ҳис қилардим”.

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов шеърляти ҳақида ёзилган тадқиқотларни заррача камситмаган ҳолда, эътироф этиш керак, адабиётшунослигимиз бу шеърлят олдида қарздор.

Устоз адабиётшунос Абдуғафур Расулов Абдулла Орипов тўртликларини ёмбига қиёслайди. Ёмби – бойлик рамзи. Гўзаллик ва жозоба ҳам мужассам унда. Буни инкор этмаган ҳолда мен Абдулла Орипов шеърларини, жумладан, тўртликларини маънолар хазинасига қиёслаган бўлардим. Бинобарин, ҳар қандай шеърда теран маъно ва гўзал бадиият мужассам бўлмоғи зарур. Бу ҳақиқатни ҳазрат Навоий: “Назмда ҳам асл анга маъни дурур, Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур”, дея таъкидлаган эди.

Абдулла Орипов тўртликлари ана шундай теран мазмуннинг бетакрор бадиий ифодасига далил бўла олади. Биргина мисол:

*Дунёнинг ишлари галатдир билсанг,  
Сени кўзга илмас – сен кўзга илсанг.  
Ёмонлик шу заҳот қайтади, аммо  
Кутма жавобини яхшилик қилсанг.*

“Икки нарсани унутма: биров сенга яхшилик қилса, сен кимгадир ёмонлик қилсанг. Икки нарсани ўша заҳоти унут: ўзинг қилган яхшиликни ва ўзганинг ёмонлигини”. Халқимизнинг бу ҳикмати нечоғли бебаҳо бўлмасин, афсуски, ҳаётда ҳар доим ҳам бунга эришиб бўлмайди. Дунёни ҳам, инсонлар қалбини ҳам ёвузликдан зада қўриқхонага қиёслаган Абдулла Орипов шеърларида бугун ҳам бу мавзунинг теран талқинини кузатиш мумкин:



*Вакиллар йиғилди турли томондан,  
Турли ирқ, турли дин, турли забондан.  
Яхшини ҳар бири меники деди,  
Ва лекин ҳаммаси тонди ёмондан.*

Ўз-ўзига махлиё бўлиш – иллат. Аждодларимиз беназир бўлгани рост. Тарихда ҳайратга арзирли ютуқларга эришганимиздан асло кўз юмиб бўлмайди. Лекин чинакам саодатга эришмоқ учун булардан фахрланишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун ўша аждодларга муносиб бўлмоқ, уларнинг ютуқларини янгилари билан бойитиб бормоқ зарур. Афсуски, биз ҳар доим ҳам бунга муваффақ бўлаверган эмасмиз. Токиода ёзилган куйидаги тўртлик ана шу армон ифодаси ўлароқ яралган:

*Дунёда тугамас экан армонлар,  
Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.  
Ўтира берибман буюкман дея,  
Манзилга етибди бошиқа қарвонлар.*

Сўзнинг нечоғли улуғ неъмат экани аён. Бу неъмат қадрини дунё матоҳи билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, Абдулла Ориповдай сўз санъаткорининг ҳар бир асари “сўз гуҳарининг шарафи” (ҳазрат Навоий таъбири) нечоғли юксак эканини муҳим тасдиқлаб туради.

Ўз вақтида Миртемир домла бундай ёзган эди: “Абдулла Орипов. Шоир! Шоир бўлганда ҳам анов-мановлардан эмас. Худо бутун қилиб берганлардан. Зўр!” Ҳақиқатан ҳам шундай. Абдулла Ориповнинг энг янги шеърлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Истиклол шоир ижодида янги босқични бошлаб берди десак, асло муболаға бўлмас. Абдулла Орипов шеърляти муҳим мазмунан теранлиги, шаклан мукамаллиги билан шеърлят муҳибларини ҳайратга солиб келаётир. Профессор Бегали Қосимов таъбири билан айтганда, “Ўзбек адабиётининг сўнгги 30-40 йили, муболағасиз айтиш мумкинки, Абдулла Орипов шеърляти таъсирида кечди. У, устозларимиз таъкидлаганларидек, шеърлятга ёниб кирди. Илк шеърла-

ри биланоқ адабиётимизнинг мазмун ва йўналишида бурилиш ясади. Шўро мафкурасининг карнайига айланиб қолган “яшасин”чилик шеърятига янги рух олиб кирди...

Тўғри, ўзбек шеърятти бугун бироз ўзгача йўналишларга ҳам рағбат кўрсатмоқда. Лекин аминман: назм дарёси асл ўзанига — шеърятда Абдулла Орипов яратган мактаб анъаналарига қайтажакдир”.

## 2

“Самимият, ҳаққонийлик, табиийлик ҳамда маҳорат ҳар қандай мавзудаги асарни нурлантириб, унга қанот бағишлайди”. Бу эътироф Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб ва, таъкидлаш керакки, ушбу сўзлар замирида шоир ижодининг хос хусусияти ифодаланган. Бинобарин, шоир асарлари нечоғли самимий бўлса, шу даражада ҳаққоний, қанчалик табиий бўлса, шунчалик юксак маҳорат маҳсулидир.

Абдулла Орипов шеърлари дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Чингиз Айтматов, Қайсин Кулиев, Давид Қўғултинов, Расул Ҳамзатов каби машҳур ижодкорлар эътирофини қозонган. Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Ўлжас Сулаймонов сингари шоирлар тарафидан юксак баҳоланган. Яқиндагина Москвада “Роман-журнал XXI век” журналида чоп этилган шоир асарлари таҳлилига бағишланган салмоқли мақола Абдулла Орипов ижодига бўлган эътибор мамлакатимиздан ташқарида ҳам тобора кучайиб бораётганига яна бир далилдир.

Мутахассислар тўғри таъкидлаганидек, Абдулла Орипов ижоди XX аср ўзбек шеъряттида алоҳида мавқега эга. Шоирнинг энг янги асарлари ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. “Талош палласи” шеъри мазмунан теранлиги, бир қанча маъно қатламига эғалиги, тасвирнинг оҳорли экани, поэтик мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради:

*Кўёш ботиб борар,  
Уфқ қирмиз ранг,  
Қуршаб олаётир ер юзини тун.*



*Сўнги дақиқада қилаётир жанг*

*Тун ва кун, тун ва кун, тун ва кун.*

Дарҳақиқат, табиат ва жамият конунларида бир мутано-сиблик бор: кун ва тун, ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвуз-лик, маърифат ва жаҳолат ўртасида тинимсиз кураш кетади. Гоҳ буниси ғолиб бўлади, гоҳ униси. Албатта, некбин инсон ёруғлик, эзгулик ва маърифат ҳоким бўлишини истайди. Шунинг учун курашади. Шоир ҳаётнинг ана шу ҳақиқатидан бетакрор поэтик тасвир ҳосил қилади:

*Талош пайти дерлар ушбу лаҳзани,*

*Олишар ошкора нур ила зулмат.*

*Борлиқ жим кузатар қонли саҳнани,*

*Ҳар ёнда ваҳмкор, сирли сукунат.*

Шоир фикрича, “талош палласи”нинг бир қанча хусусият-лари бор: бу онда шамол қайгадир беркинади. Ғужғон кушлар нафаси ҳам тинади. Боболаримиз она заминга зулмат чўка бошлаган бундай лаҳзаларда сафар қилишни беҳосият билишган. Ҳатто қолган тўрт вақт намоздан фарқли ўлароқ шомдан сўнг Қуръон тиловат қилинмайди. Шоирнинг маҳорати шундаки, борлиқнинг бу зиддиятидан ўқувчи кўз олдида яққол гавдаланадиган ва ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган поэтик манзарани ярата олган. Ижодкор сўз кучи ила ҳосил қилган бу манзара, гўзал бадий лавҳа ўқувчини ҳайратлантиради. Мана бу мисралар жозибаси сўзимиз тасдиғидир:

*Тонгда қайтурман деб, умидга тўлиб,*

*Фалак пучмоғига чекинар Қуёш.*

*Энди маржон-маржон юлдузлар бўлиб,*

*Само яноғида ялтирайди ёш.*

Адабиётшунослиқда тасвирнинг бу қадар оҳорли бўлиши, теран мазмун ва гўзал бадий шаклнинг бу мақомдаги уйғунлиги кўпроқ мумтоз шеъриятимизга хос деган қараш мавжуд. Ушбу шеър бундай поэтик кашфиёт замонавий назмимизда ҳам яратилиши мумкинлигига далилдир. Қуёш ботгач, осмонда юлдузлар пайдо бўлишини само яноғидаги ёшга менгзаш – бу ташбиҳни шу пайтгача бошқа бирорта ҳам шоир

қўллаган эмас. Бу – Абдулла Ориповнинг бадий кашфиёти. Қолаверса, бу шеърда наинки ташбих, балки ташхис, таносуб каби бадий санъатлар имкониятидан маҳорат билан фойдаланилган. Шу маънода, бу мўъжаз шеърни ҳақли равишда миллий поэзиямизнинг сўнгги йиллардаги чўнг ютуғи, деб баҳолаш мумкин.

Инсон умри ўткинчи, бу дунё ҳаёти фоний экани адабиётимизнинг минг йиллик тарихида саноксиз шеърларга мавзу бўлган. Уларнинг энг ёрқин, таъсирчан мисралари назм жавҳарлари ўлароқ такрор ва такрор эсланиб келади. Энг муҳими, бу каби шеърлар вақтни ғанимат билишга, огоҳликка даъват этади. Одам фарзандини қандай мақсад билан яратилгани, асосий вазифаси нима экани ҳақида мушоҳада юритишга ундайди. Асл моҳиятини англашга чакиради.

Абдулла Орипов ҳар қандай кўхна фикрга янгича рух, янгича мазмун бағишлайди, ҳаёт ҳақиқатини юксак бадий умумлашма даражасига кўтара олади. Мана бу тўртлик ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Соат миллариға боққанинг замон,  
Кечмасми кўнгилдан бир гап ногаҳон:  
Кимдир шу дақиқа дунёга келди,  
Кетди шу дақиқа қайси бир инсон.*

“Одам ва шайтон қиссаси” шеъри ёвузликнинг манбаи хусусида. Шеърнинг асосий қахрамонлари – Одам Ато, Момо Ҳаво, Шайтон ва унинг боласи. Машҳур ривоятга кўра, Одам Атонинг овга кетганини билган Иблис Момо Ҳавонинг кўнгли бўшлигидан фойдаланиб, “куюк-куюк салом беради, таъзим қилиб жилпанглайди”. Момомизнинг оламга чирой эканини таъкидлаб (аёлнинг азалдан мақтовни, хушомадни ёқтириши бор гап бўлса керак), аврайди ва боласини унга ташлаб кетади. Уйида шайтонваччани кўрган Одам Ато Момо Ҳавога бор захрини сочади ва Иблис боласини чўнг денгизга чўктириб юборади. Бу ҳол эртасига яна такрорланади. “Гўзалларнинг гўзали, асалларнинг асали” деган таърифдан қалби мумдай эриган Момо Ҳаво шайтонваччани яна олиб қолади. Бу сафар



Одам Ато Иблис боласини ўтда куйдиради. Таассуфки, учинчи марта ҳам шу ҳол юз беради. Шеърда таъкидлаганидек: “Бу сафар у на чўқтирди, на кулини совурди, Шайтончани тўғраб-тўғраб, қозонида коворди”.

Алкисса, Одам Ато ва Момо Ҳаво нонуштада Иблис боласининг гўштини тановул қилади. Шу пайт Шайтон зоҳир бўлади ва уларга қарата бундай дейди:

– Қовурдогинг ҳазм бўлғай,  
Мен ҳаммасин билгандим.  
Шайтончани еб битирдинг,  
Шуни орзу қилгандим.

Шоир қиссадан ҳисса тарикасида инсондаги шайтоний хислатлар ана шундан мерос эканини, ўша замондан буён конимиздан шайтонни ҳайдай олмай овора эканимизни образлар, тимсоллар воситасида ифодалайди. Кўхна ривоятга янгича руҳ бағишлайди. Ҳар бир ақл эгасини ўйлантирадиган поэтик хулоса чиқаради.

Инсоннинг номукаммаллиги, мўътабар туйғуларнинг ҳар доим ҳам қадрланавермаслиги улуғ ижодкорни ўйлантиради. Шоир бундай ҳолдан изтироб чекади. Чинакам санъат асари дарднинг, изтиробнинг меваси экани аён. Бу эса, ўз ўрнида, янгидан янги поэтик яратикларнинг юзага келишига замин бўлади. “Туйғулар” шеъри ҳам буни тасдиқлайди. Шеър куйидаги мисралар билан бошланади:

Дунё ишларига боқиб ҳайрон, лол,  
Шогирд устозига берди-ку савол:  
– Мудом ўтганларни ёд айлағаймиз,  
Ёд айлаб руҳларин шод айлағаймиз.  
Деворларга осиб чўғирмасини,  
Ўтказамиз етти, йигирмасини.  
Сўнгга қирқи бўлар, йили бўлади,  
Кетгандан қолганнинг кўнгли тўлади.  
Чорлаб мамлакатни эҳсон ошига,  
Байтлар ҳам битамиз қабр тошига.  
Буларнинг ҳаммаси савоб, албатта,  
Тирик бандаларга ибратдир катта.

Оддий ҳаётий ҳодисалардан муҳим умумлашма хулосалар чиқариш, фикр йўналишини ўқувчининг ҳаёлига ҳам келиши мушкул бўлган томонга буриб, оҳорли поэтик тасвирлар яратиш – Абдулла Орипов шеърятининг хос хусусияти. Ушбу шеърда ҳам худди шу хусусиятни кузатиш мумкин. Шогирднинг устозга берган куйидаги саволлари ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Бироқ ечолмадим мен бир саволни,  
Шарҳлай ололмадим сира бу ҳолни.  
Инсонда жам бўлмиш не-не туйғулар,  
Улар ҳам тугилар, яшар ва ўлар.  
Нечун туйғу ўлса очилмас аза,  
Нечун ўқилмайди унга жаноза?*

Шундан кейин шоир шогирд тилидан виждон марҳум бўлиб кетганида ҳеч ким кўз ёши тўкмаганини, кимдир пандан туриб кўрикхонадаги меҳрни ҳалок этганида одамлар ўзини эшитмаганга солганини таъсирчан ифодалайди. Шогирд устоздан одамзодни, эҳтимолки, минг йиллардан буён ўйлантириб келаётган бу ҳолнинг сабабини сўрайди. Бу саволлар инсоннинг нокомиллиги, замон илгариланган сари гўзал туйғуларнинг барҳам топаётгани, энг ёмони, одам боласи бундан заррача афсусланмаётгани учун надомат ўларок ўртага ташланади. Айниқса, мана бу савол бениҳоя аччиқ экани билан ажралиб туради:

*Бир ҳакам Инсофдан сўрабди пора,  
Кўксига тиг урмиш Инсоф бечора.  
Ҳаё ҳам осибди дорга ўзини,  
Биров айтгани йўқ таскин сўзини.*

Инсофки инсофсизликка дуч келганидан кейин бунга ким ҳам чора топа олар эди. Энг ёмони, бу каби инсоний туйғулар ҳалокати ҳеч кимни ўйлантирмаганидир. Шунинг учун ҳам шогирд устозга “Ҳеч ким парво қилмас бундай заволга, Устоз, жавоб беринг ушбу саволга”, дея мурожаат қилади.

Устознинг жавоби эса, янада таъсирли. Бундай жавоб қаршисида қолган инсон ўз холи, нафсу ҳаво гирдобига тушган одамзоднинг аҳволи ҳақида мушоҳада юритмай иложи йўқ.





– Аза очилмайди ҳеч кимга, агар  
 Тирикликдан бўлса заррача асар.  
 Сен бунча ваҳима қилма, болажон,  
 Уларнинг кўплари ҳали чалажон.  
 Агарда бутунлай топсалар барҳам,  
 Бўлмасди уларни сўровчилар ҳам.

Шу биргина шеър таҳлили ҳам “Эскирмас, тўзимас сўз сохибларидан бири Абдулла Ориповдир. Унинг илк шеърлари халқ қалбида қандай ақс садо берган бўлса, энг янги сатрлари ҳам шундай сеҳрли кудрат билан жаранглаб турибди” деганида, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов нечоғли ҳақ экани исботидир.

Ўзи чарчаган, оти ҳориб-толган чавандоз атрофини қашкирлар ўраб олиши, бу мудхиш манзарадан Қуёш кўз юмиб, Ой хайратдан тош қотиши (“Манзара” шеъри); қаноат туйғусидан бебаҳра бир бойнинг иккинчи бойдан ҳомийлик қилишини илтижо этиши (“Ҳомийлик” тўртлиги); йиллар шафқатсизлиги боис қартайган, умрнинг хазон фаслига қадам қўйган отага боланинг насиҳат қила бошлагани (“Умр ҳисоби” шеъри); бозор бу дунёни забтига олгани, инсоннинг ҳақ йўлдан озиши боис қадриятларнинг-да бозорга солиниши (“Қадрият” тўртлиги); жаҳолат сабабидан дунёдаги тўфонлару зилзилаларни маҳалла кудуғи нинг суви қочгани билан боғлаган чолнинг аянчли аҳволи (“Ваҳима” шеъри) – булар барчаси бир ҳудуд, бир миллат доирасида эмас, умуминсоният микёсида аксар ҳолларда худбинлик ва жаҳолатнинг бағрикенглик ва маърифатдан устун келаётганини кўриб, изтиробга тушаётган ижодкор кечинмаларининг поэтик умумлашма даражасида ифодаланишидир.

Ватан мавзуси Абдулла Орипов ижодида ўзига хос юксак мақомга эга. Ижодкорнинг бу мавзудаги шеърлари шеърятдаги мавжуд қолипларга асло мос келмайди. “Ватан” сўзини суиистеъмол қилиш, тарғибот-ташвиқот руҳи шоир ижодига мутлақо бегона. Абдулла Орипов Ватан мавзусига бетакрор ёндашади, қутилмаган ташбихларни қўллайди, мисралар

куйилиб келади. Натижада, уларни мутолаа қилганлар қалбида ўз-ўзидан она заминга муҳаббат туғилади. Кўнгилларга Ватан қадри нечоғли юксак экани ҳақидаги туйғу инади. Бинобарин, ҳақиқий шеърнинг, чинакам шоирнинг вазифаси ҳам шу: туйғуни тушунтириб, изоҳлаб ўтирмасдан юктиради, шуурларга нур бағишлайди, руҳни юксалтиради. “Бу юртда” тўртлиги ана шу фазилатни мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради:

*Токи тонг отқунчалик интиқ қилар қуёшни,  
 Қишининг бели ёй каби букилгайдир бу юртда.  
 Болга билан бир урсанг учраган ҳар бир тошни,  
 Олтин қуми шовиллаб тўкилгайдир бу юртда.*

Бугун шеърятимиз ҳам шаклан, ҳам мазмунан эврилишга юз тутди. Бу ҳол кўпинча адабиёт равнақиға хизмат қилаётгани ҳам рост. Абдулла Орипов устоз ижодкор, атоқли сўз санъаткори сифатида шеърятдаги ҳар бир ўзгаришни, ютуқ ва муаммоларни мунтазам кузатиб келади. Кузатадигина эмас, катта ижодий тажрибасидан келиб чиқиб, муносабат билдиради. Шоирнинг Ватанимиз эндиғина мустақилликка эришган кезлари айтган мана бу фикри, айникса, аҳамиятли ва қийматини ҳеч қачон йўқотмайди десак, муболаға бўлмас: “Ҳозирги шеърятимизда шаклдаги ранг-баранглик қарор топаётгани мени қувонтиради. Ранг-баранглик ҳеч қачон эскирмайди. Фақат унинг замирида бетакрор мазмун, гўзал ташбих, сирли руҳ бўлса, бас”.

Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, ана шу бетакрор мазмун, гўзал ташбих, сирли руҳ – устоз Абдулла Орипов шеърятининг умрбоқийлигини таъминлаб келаётган бош омилдир. Бинобарин, токи миллат ва унинг адабиёти бор экан, шоир ижоди “ўткир юрак қирларини ювадурғон тоза маърифат суви” (*Чўлпон тасъбири – Н.Ж.*) ўлароқ янғидан янги авлодларнинг кўнгил ташналигини қондиражакдир. Нур ўлароқ шуурларни ёритгувсидир.

Баҳодир  
**КАРИМОВ**

(1966 йилда туғилган)



**БАДИИЙ СЎЗНИ АНГЛАШ**

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги учун янги бир саҳифа бўлиб тарихга кирди. Зотан, ижод эркинлиги боис миллий ўзлик, ўзбекона қадриятлар, миллий поэтик тафаккур намуналари, жаҳид адабиёти, мумтоз адабий мерос хусусида жиддий китоблар, илмий тадқиқотлар ёзилди.

Ўзбек адабий танқидчилигининг янги даврида ҳам М. Қўш-жонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, И.Ғафуров, А.Расулов, Б.Назаров каби тажрибали мунаққидлар адабий жараёнга доир мақолалари билан фаол ижод қилди. “Ўзбекнинг ўзлиги”, “Кўнгилда қолиб кетган гаплар”, “Ижодни англаш бахти”, “Довондаги ўйлар”, “Чўлпон”, “XX аср адабиётига чизгилар”, “Ижод сеҳри”, “Қодирий мўъжизаси”, “Танқид, талқин, баҳолаш”, “Бадиийлик – безавол янгилик”, “Ҳаё – халоскор” каби китоблар янги замон маҳсули. Янгиликка, адабий ҳодисаларни ўзига хос услубда таҳлил қилишга уришиш уларнинг мазмун-моҳиятида, адабий-назарий концепциясида сезилади. Зеро, профессор У. Норматов “Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари” мақоласида шундай муҳим фикрларни ёзади:

“...бугунги кунда янги бадий жараёнларни эскича карашлар оркали англаш, эскирган мезонлар билан баҳолаш асло мумкин эмас. Сўз санъати – ўз номи билан санъат, нафосат олами! Нафосат олами эса дағалликни, кўполликни кўтармайди. Шоир айтмоқчи, ҳозир замоннинг, чархнинг авзои ўзгача, эндиликда дўк-пўписалар, дағдағалар билан илмий-ижодий изланишларнинг йўлини тўсиб бўлмайди”. Олимнинг ўзи нафосатга, бадий асарнинг гўзаллигига диққатни қаратди. Бир китобининг номини “Нафосат гурунглари” деб қўйди.

Истиқлол йилларидаги адабиётшунослар орасида Н.Каримов Усмон Носир, Чўлпон, М.Шайхзода, Фитрат хусусида ёзган тадқиқотлари билан илмий жамоатчилик эътиборини қозонди. Айниқса, XX аср адабий шахсиятлари ижодини қайта баҳолаш, қатағонга учраган ижодкорлар номини тиклаш ва архив манбаларини илмий истеъмолга олиб кириш – олимнинг бу каби эзгу хизматларини эъозлаш лозим.

Шунингдек, “Чўлпон насри поэтикаси” (Д.Курунов), “Асл асарлар сеҳри” (А.Улуғов), “Фитратшунослик” (И.Ғаниев), “Худудсиз жилва” (У.Жўрақулов), “Ёник сўз” (Қ.Йўлдошев), “Ижоднинг ўттиз лаҳзаси” (С.Содиқ), “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” (Й.Солижонов), “Янгиланиш эҳтиёжи” (У.Ҳамдам) каби бир қатор китобларда ҳам бевосита адабий жараёнга, бадий асар поэтикасига, метод ва методологияга оид жиддий кузатишларни кўриш мумкин.

Бугунги адабий жараёнда ўзининг оригинал таҳлил усулларига, хос дунёқараши ва услубига эга мунаққидлар авлодига зарурат бор. Босилиб чиққан ҳар қандай китобга тақриз ёзиш, ора-орада уюштириладиган юбилей анжуманларида умумқарсақбозликка жўр бўлиш билан адабиётшуносу мунаққид бу ижод соҳасида ўз қалби ва қиёфасини яққол кўрсата олмайди. Адабий танқид мураккаб ижоддир. Зеро, адабий танқидчининг ижодини ўқиган китобхон бадий асар моҳиятини, адабий ҳақиқатни англасин. Бу ҳақиқатлар ўқувчининг ҳаёт ёки адабиёт, бадий асар ёки инсон тўғрисидаги карашларига таъсир кўрсатсин. Олам ва одамни



тушунсин, эзгулик ва ёвузликнинг фарқига борсин, куллик ва озодликни ўйласин. Мустақиллик даврининг ҳар қандай ижодкоридан ана шундай олижаноб ҳис-туйғуларни юксак бир идеал сифатида асарлари мазмунига сингдириш талаб қилинади.

Аслида адабий танқидга, бадиий асарни таҳлил ва талқин этишга ҳамма замонларда зарурат бўлган. Ижод аҳли ўзи ёзган бадиий асар баҳоси билан қизиқади; муносабат кутади. Ёзгани тўғрисида мулоҳаза – кўпроқ мактов ёки баъзан беғараз танқидлар эшитиш – бу ожизона туйғу ҳар қандай соҳа ижодкори табиатига хосдир. Дарвоқе, XX аср адабий танқидчилигида холислик билан бирга шахсга тегиш, худбинлик, мурасасозлик иллатлари, бадиий асарга вульгар социологик ёндашув, ғоябозлик ва замонасозликка берилиш ҳоллари бўлди. Манфаатлар боис арзимаган асарларга оригиналлик сифати берилган ёки “бетакрор бадиият намунаси” дея баҳоланган пайтлар бўлди. Бу тарих ойнасида ибрат бор, яъни мунаққид ҳаққониятдан чекиниб, чин саралашга дидфаросати етмаса, нафс бандасига айланса, табиийки, фикрининг умри узун бўлмайди; китобини биров ўқимайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек жадид адабиёти тадқиқида махсус тармок йўналишлар – кодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик, беҳбудийшунослик айнан истиклол йилларида майдонга келди. Профессор Б.Қосимов “Миллий уйғониш” (2004 йил) китобида бу давр адабиётини, адабий-ижтимоий муҳитини, адабиётдаги янгилиниш жараёнларини бутун моҳияти билан ёритди. Олимнинг илмий-ижодий биографиясидаги бош китоби айнан истиклол йиллари ёзилди ва нашр этилди. Жадидлар матбуоти бадиий ижодни, адабий танқидни оммавийлаштирди. Адабий танқиднинг моҳиятини, мақсад ва вазифаларини тушунтириш йўлида хизмат этди. Шу маънода тарихда танқидчиликнинг бадиий ижод ва публицистика билан уйғунлашган манзаралари пайдо бўлди. Маҳмудхўжа Беҳбудий фикрича, “танқид сараламоқдир”, яъни “саррофлар ақчани, тужжорлар ма-

тони саралагандек” муҳаррирлар ҳам танқид-саралаш билан машғул бўлишлари лозим. Бироқ ёзилган асарларнинг “бузуклигини ва фикр хатолигини, ишнинг ноқислигини бирор киши кўрсатса”, ҳар кимнинг аччиғи келади. Инсон табиати шундай – мақтов ёқади, танқиддан аччиқланади. Тўғри, жадидлар тарихга кўчди, аммо инсон табиати ўзгармади. Жадид адиблари ижоди юзасидан олиб борган изланишларда Н.Каримов, Ш.Турдиев, Ҳ.Болтабоев, С.Аҳмад, Б.Дўстқораев, Ш.Ризаев, Ҳ.Саидов кабилар яхши натижаларга эришди.

Тарих билан адабиётнинг ўзаро уйғунлашган нуқталарини тадқиқ қилишда профессор Ш.Юсупов ўзининг “Худоёрхон ва Фурқат”, “Хуфия қатламлар”, “Тарих ва адаб бўстони”, “Тарих уммони сирлари” номдаги жиддий китобларини ёзди. Бу асарларда эл-юрт тақдири ва тарихига оид улкан ҳақиқатлар мужассамдир. Уларда профессор Шариф Юсуповнинг нақадар ватансевар ва миллатпарвар, нақадар инсонпарвар ва холис ҳамда зукко олимлиги яққол кўринади. Олимнинг қалбида кечган изтироблар силсиласи, инсонни тушуниши, далилларни шарҳлаш санъати, фикрни баён этишдаги маданияти, ҳамкасблар билан баҳслашиш одоби – барча-барчасида улкан бир ибрат ва сабоқ бор.

Истиқлол йилларида ўзбек мумтоз адабиётини, адабий меросни бор ҳолича тадқиқ қилиш жиддий тус олди. Мумтоз шарқ адабиётини тасаввуф фалсафасидан, Қуръони карим оятлари, Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан ажратиб талқин қилиш мумкин эмаслиги аён бўлди. Шу маънода бу даврда “Ислом тасаввуфи манбалари”, “Шарқ мумтоз поэтикаси” (Тузувчи: проф. Ҳ.Болтабоев) каби китоблар майдонга келди. Ҳар йили ўтказиладиган анъанавий навоийхонлик ва бобурхонлик анжуманлари истиқлол йилларида янги бир босқичга кўтарилди. Хориж олимларининг бу соҳага оид илмий тадқиқотлари, табдил манбалари илмий ҳаётга кириб келди (Бу ерда япон олими Э.Манонинг “Бобурнома”га оид ишларини эслаш ўринли). Хориждаги ўзбек адабиёти тадқиқотчиларининг илмий асарларига муносабат билдириш, ўрни келганда,

уларнинг хизматларини кадрлаш ва зарурат туғилганда бахс-мунозарага киришиш илмий этика талаблари даража-сида шаклланди.

Мумтоз ўзбек адабиётини янгича тадқиқ этишда адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов жуда фаол ижод қилганини таъкидлаш жоиз. “Тасаввуф шеърляти”, “Навоийга қайтиш”, “Такдир ва тафаккур” ва бошқа китобларида олимнинг мумтоз асарлар асл моҳиятига яқинлашгани, табаррук сўзни чуқур тушуниши ва тушунтириши кўпчиликка маъқул бўлди. Иброҳим Ҳаққулов ижоди кенг қамровли. Унинг жаҳон адабиётини адабий сиймолари (Тагор, Шекспир, А.Чехов), шунингдек, XX асар ўзбек адабиёти (масалан “Абдулла Қаҳҳор жасорати” китоби), замонавий ўзбек насри ва назми ҳақида ёзган асарлари ҳам мустақиллик ҳосилалари.

“Адиб замондошлар хотирасида” ёки “Замондошлар эътирофи” каби рукнларда босилган адабиётшунослик китобларидан бевосита муаллифларнинг биографиясига, ижод лабораториясига, ижод жараёнига оид мулоҳазалар, хотиралар баён қилингани ҳам адабиётшуносликнинг ютуғи. Бирор адибнинг асарларини атрофлича таҳлил қилишда бундай китоблардаги маълумотларга зурурат сезилади. Улар адабиётимиз ва адиблар таржиман холини яратиш, келажакка етказишда муҳим аҳамиятга эга.

XX асарда яшаб ижод қилган улкан адиблар таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тартиб берилган “Миллатни уйғотган адиб” (Ойбек ҳақида), “Адабиётимиз фахри” (Абдулла Қаҳҳор ҳақида) ва шу каби Асқад Мухтор, Шайхзода, Зулфия, Шукрулло, Шухрат, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулом ижодий биографиясига оид бошқа китобларда мустақиллик даврининг нафаси сезилиб туради.

“Мустақиллик даври адабиёти” (2006) илмий тўпламида адабиётшунос олимлар жамоаси бевосита янги давр адабиётининг ютуқ ва камчиликларини айтиб, ўзларининг муносиб баҳосини берди.

Бугун дунё адабиётшунослигининг турли йўналишларида қўлланаётган адабий-назарий мезонларга мурожаат қилиш

ҳолатлари А.Расулов, С.Мели, Ш.Турдимов, Ж.Эшонкул ва бошқа олимлар томонидан ёзилаётган илмий мақолаларда кўзга ташланди.

Адабий жараённинг эгаси, адабиёт жонкуярлари – зиёлилар, маънавият захматкашлари, адиблар, шоирлар, адабиётшунослар – барча-барчаси адабиётдек покиза майдоннинг тозалиги, маънавиятимизга заҳа етказадиган “асар”ларнинг урчиб кетишининг олдини олишга масъул. XX асрдаги улкан адиблардан бири айнан шу масъулиятни ҳис қилгани боис “Мен ўзбек адабиётининг эшиги олдига боғлаб қўйилган итман”, таъбирини ўзига қўллашдан ор қилмади.

Аслида ҳеч ким умрини елга совуришни истамайди. Ҳар бир ижодкор асарларининг умрбоқийлигини хоҳлайди. Жумладан, мунаққид ҳам. Бемаъни асарни ҳеч ким ўқимади, бу фожиа, бу ҳалокат. Айнан шу ўринда ҳалокатга учраган асарга оид мақоланинг ҳам умри тугайди, эҳтимол. Аслида санъат дурдоналари ҳақидаги ҳар қандай танқидий мақола ўша бадиий асарлар умрича яшайди. Танқидчилик савияси бадиий асарларга боғлиқ. Агар қалбга завқ, фикрга қувват берадиган умрбоқий асарлар ёзилмаса, адабий танқид ҳаракатдан тўхтайдди. Чунки руҳсиз, жонсиз асарни танқид билан тирилтириб бўлмайди.

Олимлар ижодида баъзан шундай бир ҳолат ҳам учраб туради: айтилган фикр эгасини кўрсатмай, матн стилистикасини бир оз ўзгартириб фикр ўзлаштириш иллати. Ҳолбуки, ҳар қандай янги фикр эгаси – ёши катта-кичик ёки илмий унвони бор-йўқлигидан қатъи назар – ҳурматга, илм одоби юзасидан исм-шарифлари қайд этилишга лойиқдир. Бундай ўринларда “тажоҳилу орифона” санъати иш бермайди. Ҳалоллик, холислик юз ёруғидир.

Бугуннинг чин мунаққид-адабиётшуноси маълум бир ижодкорга ёлланишдан ор қилади. Чунки бўш асарни кўқларга кўтариб, анъанавий тарзда айрим жузъий камчиликларини санаб қўйиш алалоқибат ижодкорни хурсанд қилмаганидек, мунаққидга ҳам обрў келтирмайди. Абадиятга оид умрбоқий санъат асарларининг ижодкорлари буюк мунаққидларга доя-



лик қилади. Шу боис адабий танқид соҳаси ҳар кимга чин маънодаги ижод нима эканини эътироф этиши, англаши ва англашиши лозим.

Чин мунаққид ёки адабиётшунос бўлиш учун илм ва изланиш керак, истеъдод, эстетик дид, тушуниш, саралаш қобилияти лозим. Бадиий асарни ўқиш учун вақт, баҳо бериш учун кенг камровли дунёқараш, назарий билим, ҳаётий тажриба лозим. Акс ҳолда, филология соҳасида, гарчанд докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлса ҳам, сомонхона худуди унга “америка”, кўтарилган тепалиги Помир чўққиси бўлиб туюлади. Холислик, одиллик, дид-фаросат – адабиётшунос-мунаққиднинг дастуриламали, илмининг асоси. Адабиётнинг юкини кўтарадиган ёш истеъдодларни, уларнинг адабий-эстетик дидини тарбиялаш муҳим. Мунаққид З.Исомиддиновнинг пичинг-киноялар услубидаги мақолалари замирида ҳам ана шундай эзгу ният мужассамдир.

Таъкидлаш лозимки, филология соҳасида, замонавий адабиёт хусусида номзодлик ёки докторлик ишини ҳимоя қилаётганлар билан асил танқидчиларни фарқлаш керак. Ҳимоя қилгувчилар илмий унвонга эга бўлади, лекин улардан мунаққид чикмаслиги мумкин. Аммо ўз умрини адабиётга бағишлаган сўз заҳматқашлари бирорта илмий унвонга даъво қилмасдан мунаққидлик фаолияти билан шуғулланади.

Бадиий адабиёт тадқиқига бағишланган мўрт диссертациялар бир амаллаб ҳимоя қилинганидан кейин “саҳна кўриниш”ларини “мифлаштириш” жараёни бошланади. Ҳимоя пайтидаги савол берган кимсадан улкан бир “душман” ясаб олиш, холис ва оддий бир фикрни айтган кишини ўз ҳомийси сифатида талқин қилиш – бундай сохтагарчиликлар бугунги илмий-адабий ҳаётга ярашмайди.

Танқид, бу – холис ижод. Тафаккур қилиш, ҳаётни, инсонни, адибни, адабиётни, назарий қарашларни уйғунлаштириб турадиган серқирра ижод майдони. Бу соҳанинг машаққати шундаки, мунаққид бир вақтнинг ўзида воқелик ва бадиий

адабиётни ҳам илмий, ҳам поэтик талкин қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Танқидчи бир вақтнинг ўзида ҳам олим, ҳам шоирдир...

Жаҳон адабий танқидчилиги методлари ва мактабларини, ярим асрдан бери амалда бўлган “янги танқид” тажрибаларини, уларда кечаётган янгиланиш жараёнини, хусусан, бадиий асарни турли нуқтаи назардан баҳолаш мумкинлигига доир қарашларни ўрганиш шарт. Аммо ёппасига “мафтунлик” ёмон иллат. Хориждаги тамойил ва терминларга, ажнабий номлар ва ғаройиб кўчирмаларга маҳдиё бўлмай, ўзбекона тафаккур табиатидан келиб чиқиб, миллий адабий-илмий тадқиқотнинг назарий тамойиллари ишланиши лозим. Дунё олимлари эътироф этадиган ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг мактаблари пайдо бўлиши керак. Истиклол даври адабий-илмий муҳиtida бундай орзунинг рўёбга чиқиши учун имконият бор, албатта.



---

## Абдулла УЛУФОВ

(1960 йилда туғилган)



---

### ҚАБИҲ МАКТУБЛАРНИ КИМ БИТГАН?

Асл асарлар қанча замонлар ўтса-да, хамиша кизикарли, айни чоғда жумбоқ бўлиб қолаверади. Ҳар бир авлод санъат ва адабиётнинг бу хил асарларини ўз дунёқараши доирасида идрокқилади. Бундай асарлар доимо турли баҳс-мунозараларга асос беради. Асрлар оша яшаб келаётган бу тур асарлардан ҳамма ҳар хил маъно топади. Улар туганмас маънолар хазинасига ўхшайди. Бу хилдаги асарлар йиллар, асрлар ўтиши билан ўзининг аввал маълум бўлмаган янги қирраларини намоён этаверади. Хусусан, уларнинг қаҳрамонларига турли даврда турлича муносабат билдирилади. “Ўткан кунлар” романи, шубҳасиз, ана шундай асарлар сирасига киради. Абдулла Қодирийнинг ушбу романи кўп йиллар “Ўтган кунлар” тарзида ёзиб келинганиёқ шундан далолат беради. Номланишида ҳам сир-жумбоқ яширинган ушбу асар биринчи ўзбек романи эканлиги, у нафақат ўзбек, балки туркий халқлар адабиётида ҳам чинакам юксалиш рўй берганини намоён этгани таъкидланади. Чоракам бир асрдан буён адабиётшунослар ушбу асарда қаҳрамонларнинг ишқ изтироблари таъсирчан тасвирлангани, ҳаёт ҳодисалари кизикарли ифодалангани-

ни қайд этишади. “Ўткан кунлар” неча ўн йиллардан бери ўқувчиларнинг энг сеvimли асарларидан бири бўлиб келади. Романи ҳар гал мутолаа қилганда китобхонни аввало адибнинг сўз санъаткори сифатидаги маҳорати, воқеаларни сир тутиши ҳайратлантиради. Айни чоғда асарни ўқиш жараёнида кўнгилда турли саволлар туғилади, муаллиф воқеаларнинг баъзи жиҳатларини очиқ қолдиргани ўйлантиради. “Ўткан кунлар”даги мана шундай нукталардан бири унда берилган мактублар билан боғлиқдир. Маълумки, ушбу роман сюжетида мактублар катализатор вазифасини бажариб, воқеалар ривожига шиддатли тус беради. Мактублар сабаб, қаҳрамонлар ҳаётида қутилмаган кескин бурилишлар ҳосил бўлади. Агар асардан мактублар олиб қўйилса, унинг сюжети жуда жўн ва пароканда бўлиб қолади. Қаҳрамонлар мактуби роман сюжети яхлит тутиб турадиган зарурий ҳалқа саналади. Ана шу ҳалқа – мактублардан бири тушириб қолдирилса, воқеалар орасида чоҳ пайдо бўлади. Абдулла Қодирий ушбу романда мактуб мотиви асосида бир-бири билан мантқан боғланган салмоқли яхлит сюжет яратишга эришади. Романда дастлаб Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабекка “қаромат қабилдан сўзлаб, бирмунча насиҳатлар қилиб” ёзган хати келтирилади. Ушбу хат сабаб “Худонинг ҳакни ноҳақ қилмаслиги соясида” Отабек ва Мирзакарим қутидор ўлимдан қолади. Кейин “хон бўлмаса ҳам хонликдан-да юқори бир кучга молик сиёсат курсисига ўтирган” Мусулмонкулнинг Ўш ҳокими тарафидан ёзилган ҳамду санодан иборат мактубни, сўнг Ўтаббой қушбеги ва Отабек устидан битилган иғвони ўқиши тасвирланади. Муаллиф Ўш ҳокими мактуби орқали хон саройида ҳашамат, дабдаба, сохта хушомад, лаганбардорлик авж олганини кўрсатади. Кейинги мактуб, яъни иғво шу даражада ўткир ва таъсирчан битилганки, у ким тарафидан ёзилгани ва бунинг оқибати ўқувчини беихтиёр қизиқтириб қўяди. Чунки адиб Ўтаббой қушбеги ва Отабек устидан ким чақув уюштирганини жумбоқлигича қолдиради. “Мактубда ўз отимни ёзишга ҳам тиламадим. Ёш хонимизга тинч ва шавкатли

давр, давлат хоинларига ўлим тилаб – бир ғариби бечора” деб тухмат битган ифвогарнинг кимлиги анча кейин – романнинг “Кулиб карамаган бахт” фаслида уста Фарфи тилидан: “Бу кизга бизнинг Ҳомид ҳам харидор экан. Ҳалиги Отабек кизга уйланиб қўйгач, бизнинг Ҳомид тиканга ағанаб, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушган ва бўлмаган чақимчиликлар билан уларни дор остига тортишга муваффақ бўлган! Аммо худонинг ҳакни ноҳақ қилмаслиги соясида, бир мактуб сабаби билан, кутмаган жойда дор остида нажотга чиққанлар. Булар оқлангач, Ҳомиднинг ўзи камаладиган бўлиб, аммо кўрбошининг ёрдами орқасида Қўқонга қочиб қутулган ва у ерда ҳам тинч ётмай, Ўтаббой кушбегини порахўрликда айблаб, Мукулмон чўлокка ариза берган” деб маълум қилинади. (Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 232 – 233-бетлар.) Асарнинг бошқа ўринларида ҳам воқеаларнинг сир тутиб келинган жиҳатлари шу тарзда очиб берилади. Жумладан, Отабекни азоблаган жумбоққа уста Фарфи томонидан: “Отабекнинг Тошкентдан ҳам уйланганини билиб, унинг тилидан бир талок хати ёздирадир-да (*изоҳ – А. У.*), Мирзакарим аканикига киргизадир” деб аниқликлаштирилади.

Романнинг аввалги “Иситма орасида” фаслида Ҳомид Жаннат опага: “Илгари гал ёздириб берганимдек ўз режамизга мувофиқлаб, Отабек тилидан яна бирини ўмартириб бераман”, дейди. Бу уста Фарфининг “Отабекнинг... тилидан бир талок хати ёздирадир...” деган гапига мувофиқ келади ва табиийки Ҳомид “ўз режасига мувофиқ” тухматномаларини кимга ёздирган, деган саволни туғдиради. “Иситма орасида” фаслида Ҳомиднинг кечинмалари: “Энди бу иккинчи сохта хатни ёздириш-да, гарчи ҳозир Отабекнинг қўлёмаси ўз қўлида бўлса ҳам яна кўркинчли эмас эди. Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан нусхага қараб ёздиришини кўнглидан ўтказди...” дея баён этилади. Демак, тухматномаларини Ҳомиднинг ўзи ёзмаган. Бу қабих ишда унга кимдир кўмаклашган. У тухматномаларини кимгадир ёздирган.

Уста Фарфининг “Отабекнинг тилидан бир талоқ хати ёздирадир-да...” дейиши, Ҳомиднинг “ёздириб бераман”, “ўмартириб бераман” деган таъкиди кишини ўйлантиради. Муаллиф Ҳомид ёздирган сохта мактубларни “хиёнатнома” деб атайди. Адиб асарнинг “Ҳиёнат” фаслини “Юкорида Отабек томонидан олинган мактубнинг ҳақиқати мана шу йўсин хиёнатнинг натижаси эдики, биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан таништирамиз” деб тугаллайди ва кейинги фаслларда Содик, Жаннат, Муталнинг кирдикорлари билан таништириб, уларнинг чиркин қиёфасини кўрсатади. Лекин Ҳомиднинг ғарз, тухматга тўла чиркин “хиёнатнома”ларини ким битгани хусусида ҳеч бир ўринда изоҳ бермайди.

Роман сюжетида Отабек, Ҳомид, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Кумуш сингарилар фаол қаҳрамон сифатида кўринади. Улар асардаги деярли барча воқеаларда бевосита ёки бавосита иштирок қилади. Муаллиф воқеалар марказида турган бу қаҳрамонларнинг қиёфаси, ўй-кечинмаси, хатти-ҳаракати ва ўзаро муносабатини жуда таъсирчан ёритади. Романда яна шундай қаҳрамонлар ҳам борки, улар “сахна”да кўринмайди, лекин номи тилга олинади. Шундай қаҳрамонлардан бири – Умарбекдир.

Маълумки, Абдулла Қодирий қаҳрамонларини уларнинг портретини чизиш орқали “майдон”га олиб киради. “Ўткан кунлар” муаллифи инсон образини яратишда адабиётда азалдан қолипга айланган бу анъанавий усулдан жуда самарали фойдаланади. Асарда персонажлардан деярли барчасининг портрети чизиб берилади. Умарбекнинг эса, воқеаларда бевосита қатнашмагани учунми, қандай одам эканлиги, кўриниши қанақалиги, нима иш билан шуғулланиши маълум қилинмайди. Умарбек билан Ҳомид ўртасида қандай алоқа борлиги ҳам аниқ айтилмайди. Асарда Умарбекнинг номи икки ўринда – биринчи марта уста Фарфи, иккинчи марта Ҳомид томонидан тилга олинади. Уста Фарфи уста Олимнинг уйида Отабек ҳам иштирок этган суҳбатда ҳамкасаба кадрдонига: “Сиз Умарбекни Ҳомидга яқин дўст эканлигини



биларсиз, албатта... Ўша Умарбек билан ораларида яқинда бир совуклик тушди-да, бундан ўн кунча илгари Ҳомиднинг бир мудҳиш ваҳшати тўғрисида Умарбекдан бир сир эшитдим. Ҳомид Комилбекни ўлдирганда устида бўлмаган бўлса ҳам, аммо ҳалиги эшитган сиримининг далолатига қараб, албатта, Комилбекнинг қотили Ҳомид деган фикрга тушдим”, дейди. (Ўша манба. 232-бет.). Ҳомид Содиққа: “Менинг бу сиримин сиздан бошқа ҳеч ким билмайди. Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолган эдим, ҳайтовур тагин орани очиб юбордик” деб айтади. (Ўша манба. 241-бет.) Умарбекнинг номи романда бошқа эслатилмайди. Аммо уста Фарфи ва Ҳомиднинг унинг тўғрисидаги сўзлари Умарбек “қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшлардаги” кимсанинг қабих ишларидан хабардорлигини билдиради.

Асарда Ҳомиднинг жиноий ишида бевосита иштирок этган Содиқ, Жаннат опа, Муталнинг хатти-ҳаракатлари аниқ тасвирлангани ҳолда, “Ҳомидга яқин дўст”, “ҳамма вақт юриш-туриши бир бўлган” (Ўша манба. 232-бет.) Умарбекнинг нима иш қилиши, у Ҳомид билан нима учун “нари-бери қолгани-ю ҳайтовур тагин орани очиб юборгани” хусусида ҳеч қандай изоҳ берилмайди. Бу образ романда сирли жумбоқ бўлиб қолади. Шундай бўлса-да, уста Фарфининг сўзлари, Ҳомиднинг эътирофи “хиёнатнома”ларни Умарбек битмагани, деган гумон, тахминга асос беради. Албатта, асардаги ҳар бир сўз, жумладан, ундаги мактуб, аризалар ҳам муаллифга тегишли. У қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ўқувчи тасаввур қиладиган тарзда ифодалайди, уларни худди ҳаётдаги одамлар сингари гапиртиради. Китобхон хаёлан романнинг сир-сехр мужассам саҳифаларига берилиб, воқеалар ҳаётда ҳам худди асарда нақл қилинганидек кечишига чиндан ишонади. Асардаги ажойиб манзаралар, қутилмаган учрашувлардан эртақлар эшитмай улғайганидан унча-мунча нарсага ҳайратланмайдиган бўлиб қолган ХХI аср китобхони ҳам беҳад таъсирланади. Жумладан, Қумушни ҳушсиз қилиб қўйган мактуб ҳам уни бефарқ қолдирмайди. Ҳомиднинг

Отабек, Ўтаббой қушбеги устидан уюштирган тухмат тўла мактубини ҳозир ҳам ўқувчилар ҳаяжонсиз ўқий олмайди.

Роман асосида аввал ишланган бадиий фильмда Ҳомид хиёнатномалар ёзаётгани, у Отабекнинг яқин кишиси сифатида тўйда иштирок этгани ва унинг елкасига тўн ёпишгани кўрсатилади. Асарда эса Ҳомид Отабек ва Қумушнинг тўйи хабарини етти кундан кейин Қўқондан қайтаётган чоғида эшитгани ва тиканга ағанагандай аҳволга тушиб, аламига чидолмасдан “икки хотинини арзимаган бир сабабни баҳона қилиб, яхшигина ургани”, сохта хатларни ҳам у ўзи ёзмагани, балки “ёздириши”, “ўмартириб бериши” маълум қилинади. Синчков ўқувчи ҳам қахрамонлар ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган таъсирчан мактубларни Ҳомид ўзи ёзмай, кимгадир ёздирганини ҳис этади. Чунки Зиё шоҳичи айтганидек “Ҳомид қўланса гаплар учун яратилган одам”. (Ўша манба, 21-бет), Уста Фарфи ҳам унинг тўғрисида худди шу гапни айтади. (Ўша манба. 229-бет.) Ҳомиднинг гап-сўзлари ҳам худди шунини тасдиқлайди. “Қўланса гаплар учун яратилган” Ҳомид сингари кимсалар эса Мусулмонқулдай қаҳри каттиқ амалдорни “ниҳоятда тутақтирадиган”, Мирзакарим кутидор каби кўпни кўрган кишини ғазаб отига миндирадиган “ўлчовлик сўзлардан иборат” мактубни ҳар қанча уринганида ҳам ёза олмайди. Тўғрироғи, Ҳомид тоифасидагилар ҳеч бир замонда қўлига қалам олиб, қоғоз қорайтирмайди. Бундай заҳматга уларнинг бўйни ёр бермайди. Ҳомидга ўхшаганлар ҳамиша ёзув-чизув ишларини бировларга бажартиради. Ҳар қанча ҳаракат қилганида ҳам Ҳомид “кўзларим зулм ёши билан жик, кўнглим давлат хоинлари кўрқинчидан титраган бир ҳолда қалам тебратаман” тарзида мактуб битолмайди. Ҳомидлар ўтган замонларда ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам хат битиш қўлидан келадиганларни алдаб-авраб устомонлик билан ўз йўриғига солади ва ўз талабига мувофиқ таъсирчан жумлаларни ёздиради.

Агар романда Ҳомиднинг тухматномаларини битган киши ҳам худди Содиқ, Жаннат опа, Мутал сингари ҳаракат-



лантирилганида эди, унинг сюжети янада тармокланиб, воқеалар тамоман бошқача тус оларди. Чунки ҳар бир қаҳрамоннинг воқеалар жараёнига кўшилиши сюжетда янги йўналишларни ҳосил қилади. “Ўткан кунлар” муаллифи воқеалар драматизмини кучайтириш ва ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш мақсадида асарнинг кўп ўринларида воқеаларнинг энг муҳим жиҳатларини сир сақлайди. Чунки барча персонажларни воқеалар жараёнига жалб этиш ортикча батафсилликни келтириб чиқаради.

“Ўткан кунлар” романи “саҳна”сида тўқсонга яқин, аниқроғи, саксон олти персонаж кўринади. Уларнинг айримлари асосий қаҳрамон сифатида майдон марказида ҳаракат қилса, баъзилари бир-икки кўришиб, четга чиқади. Шундай персонажлар ҳам борки, уларнинг шунчаки номи қайд этилади. Масалан, асарда Умарбекнинг номи икки ўринда тилга олинса, Кумушнинг амакиси Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғли ҳамда тоғаси Аҳмадбекнинг номи бор-йўғи бир ўринда эслатилади. Яъни романнинг “Қутилмаган бахт” фаслида: “Домланинг: “Сиз ким Кумушбиби Мирзакарим қизи, ўзингизни тошкентлик мусулмон Отабек Юсуфбек хожи ўғлига бағишламоқ ваколатини амакингиз Муҳаммадраҳим Йўлдош ўғлига топширдингизми?” деган сўроғи олти-етти қайтарилгандан кейин, шунда ҳам яна алар қистоғи остида аранг унинг розилиги олинди” деб ўтилади. (Ўша манба, 58-бет.) Аҳмадбек эса “Офтобойим қариндошларидан “жонкуяр” деб танилган” деб таърифланади. Шундай бўлса-да, Кумушнинг амакиси ҳам, тоғаси ҳам Мирзакарим қутидор хонадонидаги бирор-бир тадбир, йиғинда кўринмайди. Шунингдек, Ойша буви Офтобойимнинг онаси, Мирзакарим қутидорнинг – қайнонаси, Кумушнинг бувиси сифатида улар билан бир хонадонда яшагани ҳолда оиладаги бирор воқеага муносабат билдирмайди, ҳеч кимнинг гапига аралашмайди. Тўғрироғи, муаллиф уни воқеалар жараёнига унчалик жалб этмайди.

Албатта, муаллиф персонажларни ўз ижодий мақсадига мувофиқ ҳаракатлантиради. У айрим қаҳрамонларни воқеалар

марказига кўйгани ҳолда, айримларини “майдон”да бир-икки кўрсатиш билан чекланади. “Ўткан кунлар”да Отабек, Кумуш, Ҳомид, Ўзбек ойим, Ҳасанали, Мирзакарим кутидор, Зайнаб асосий қахрамон сифатида ҳаракат қилса, Мирзакарим кутидор хонадони чўриси Тўйбека, Ҳасаналининг хотини Ойбодок икки-уч ўринда “сахна”га чиқади. Воқеалар маромида уларнинг ўрни унчалик сезилмайди. Романда Умарбек Ойбодок, Тўйбекадан пастроқ даражадаги персонаж ҳисобланади. Яъни Ойбодок, Тўйбека муайян ҳаракатда кўрсатилгани ҳолда, Умарбек воқеаларда умуман иштирок этмайди. Аммо “Умарбек Ҳомиднинг яқин дўсти”лиги таъкидланиб, улар орасига совуқлик тушгани, Ҳомиднинг қабих ишлари Умарбекка маълум экани, у Умарбек билан бир оз нари-бери бўлиб қолиб, “хайтовур тагин орани очиб юборгани” эътиборга олинса, “Ўткан кунлар”да сюжетнинг энг муҳим йўналишларидан бири ривожлантирилмасдан қолгани ва у бевосита Умарбек образи билан боғлиқлиги аёнлашади. Агар асарда Умарбек образи Ҳасанали, лоақал Содик образи даражасида чизиб кўрсатилганида эди, муаллиф таърифича “Ҳомиднинг ёмонлик қорхонаси” (Ўша манба, 248-бет.)нинг жирканч манзараси очиқроқ кўринарди. Чунки ҳомидларнинг ҳамтовоқлари билан муносабати ҳамшиша зиддиятли кечади. Негаки “ёмонлик қорхонаси”даги кимсаларни ўзаро ҳурмат, инсоний меҳр-оқибат ришталари эмас, балки манфаат илинжи боғлаб туради. Бу тийиқсиз иллат домига тушганлар истаган пайтда бир-бирининг кўзига чўп суқади. Худбин, манфаатпараст кимсалар яқин кишилари, ўз ҳамтовоқларига нисбатан ҳам турли қабихликларни қила олади. Содик Ҳомидга: “Агар Отабек Тошкентга кетмаган бўлса, ул ҳолда ўзингиз айтгандек қилиб, тўппа-тўғри эртага Салим шарбатдорнинг олдига бораман-да, ўғлингни Мирзакарим аканинг илгари тошкентлик куёви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумснинг ҳолига маймунлар йиғласин!” дейди. (Ўша манба, 242-бет.) Абдулла Қодирий салбий образларга муносабатини пардалаб ўтирмайди. У бундай персонажлар порт-

ретини ҳам нафрат, ғазаб билан чизади. Жумладан, Содикни: “Йигирма икки ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, уккининг кўзидек чакчайиб, ўйнаб ва ёниб турган кизил кўзли, юзига парчинлангандек юза (*пучук*) бурунли, манглайи қанча ташқарига ўсиб чиққан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси вақтсизроқ яратилиб қолган бир махлук” деб таърифлайди. (Ўша манба, 177-бет.) Содик Ҳомидга: “Бу кунгача иккитасини жойлаштирдим, учинчисига ўтса, нима қилади?” дея одам ўлдирганини айтиб мақтанади. (Ўша манба, 184-бет) Содик пул учун Ҳомидга ўхшаганлар буюрган ҳар қандай ишга қўл уради. Бундай “вақтсизроқ яратилиб қолган бир махлук”ни жиний ишларига шерик қилиб олган Ҳомид ҳам, табиийки, агар манфаатига салгина зид келса, ўз ҳамтовоқларини аямайди. Ҳомид яқин дўсти Умарбекни ҳам алдамаганида, уларнинг ўртасига совуқчилик тушмасди. Умарбек ҳам Ҳомиднинг қабихликлари тўғрисида уста Фарфига гапирмасди.

“Ўткан кунлар”да Ҳомид, Содик, Мутал образлари нуқул қора бўёқларда кўрсатилиши кўпчиликда эътироз туғдиради. Чунки ёмон одамлар муайян фазилатлардан, яхши кишилар маълум бир қусурлардан холи эмаслигини ҳамма билади. Лекин Ҳомид сингари қабихлар, Содик, Мутал сингари зўравонликни касб этганлар ҳамма замонда истаганча топиладики, ҳаётнинг бу ҳақиқатини ҳам инкор этиб бўлмайди. Умуман, адабиётдаги “ижобий қаҳрамон”, “салбий қаҳрамон” муаммоси жуда-жуда мураккаб ҳодиса. Жаҳон адабиётида инсон образи азалдан “ижобий қаҳрамон”, “салбий қаҳрамон”га ажратиб кўрсатиб келиниши ҳам шундан далолат беради. Абдулла Қодирий барча персонажларга ўз муносабатини очик билдиради ва улар худди шундай эканлигини бевоҳита кўрсатади. Жумладан, Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожига эҳтиром билан қарагани ҳолда Ҳомид, Содик, Мутал, Жаннат, Мусулмонқул кабиларнинг суратини ҳам, сийратини ҳам қора бўёқда чизади. Мавлоно Жалололдин Румий:

*Яхшилардин кўп азиз суннат қолур,  
Фитнакордин зулм ила лаънат қолур.*

*Ким ёмонлар жинсидандир, ул киши  
То қиёмат, бас, ёмонликдир иши  
Бул ширин сув, ул эса аччиқ тамом,  
Сури Исрофилгача этгай давом*

дейди. (Мавлоно Жалолiddин Румий. Маснавий маънавий. – Т.: MERIYUS, 2010. – 832 б. – 30-бет) Ҳақиқатан, яхшилардан яхши ном қолади. Ёмонларнинг зулми, зўравонлиги узоқ вақт унутилмайди. Яхшилар ҳаётда яхшилик қилишга интилиб, доимо бошқаларга наф келтиради. Ёмонлар эса сўзи, хагги-ҳаракати билан кўпчиликни ранжитиб, ташвиш келтиради. Қизиғи шундаки, улар ўзларининг зараркунандалиги, жиноий ишлари тўғрисида ўйлаб, изтиробга тушмайди. Ҳомиднинг кабиҳликлари буни тасдиқлайди. У бегуноҳ кишиларга бемалол тухмат қилади ва бундан виждони заррача қийналмайди. Аксинча, Уста Фарфи айтганидек, у доимо “Фурсат келиши билан яна бир ёмонлик килмоққа, қутидорнинг қизини ўзиники этишга ўйлаб юрадир”. (Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. –233-бет.) Ҳомид Кумуш билан бирор марта гаплашмаган. Мирзакарим қутидор ҳам ўн етти ёшли ёлғиз қизини икки хотини бор, ўттиз беш ёшли бир кимсага беришни истамайди. Ҳомид эса, шундай монеликларга қарамай, истагидан қайтмайди ва худбинона ниятига зўравонлик билан эришишга ҳаракат қилади. Кишининг ички дунёси унинг хагги-ҳаракатида билинади. Хотинларига муносабати, давраларда айтадиган гап-сўзлари, бегуноҳ кишиларга тухматлар уюштириши, Комилбекни ўлдиртириши, Содикни Отабекни ўлдиришга йўллаши, уста Олимнинг қайнисини Сайфига зўравонлик қилиши, Кумушни ўғирлашга урингани Ҳомиднинг ички дунёси ҳам киёфаси сингари хунук, жирканчлигини намоён этади. Шунинг учун яқинлари Ҳомидни “қўланса гаплар учун яратилган” дейишади.

Ўқувчи Отабек, Кумушни қийноқларга солган, хонадонидоғиларга кўп ташвиш келтирган тухматномаларни ташкил этган Ҳомиддан нафратланади. Шу боис Ҳомид тухматнома-

ларини кимга айтиб ёздирганига кўпчилик эътибор бермайди. Мавлоно Жалолоддин Румий эса:

*Чун қаламким тушса ғаддор дастига,  
Шубҳасиз, Мансур борур дор остига*

дейди. (Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавий маънавий. – Т.: MERIYUS, 2010. – 832 б. – 171-бет) Энг қаҳри каттик, золим ҳукмдор ҳам асос бўлмаса, бировни жазолаёлмайди. Одамни, у ким бўлишидан қатъи назар, қамаш, қатл қилиш ҳеч бир замонда жўн, осон иш эмас. Бунинг учун кимдир шикоят қилиши, унинг даъволари текшириб аниқланиши керак. Жабрдийданинг арз-доди асосли топилсагина жиноятчи белгиланган қоидалар асосида жазога тортилади. Лекин ҳаётнинг ғаройиб сир-синоати шундаки, баъзан бегуноҳ кишилар ҳам тухмат туфайли кўп азият чекади. Халқнинг “Тухмат тошни ёради” мақолида ҳаётдаги шундай ҳодисалар назарда тутилади. Ғаддорлар шундай тухматларни тўқишадики, баъзан тажрибали, адолатли қози, судьялар ҳам ҳақиқатни аниқлаёлмасдан нотўғри ҳукм, хулоса чиқаради.

Ҳомиднинг тухматномаларини ҳам бир ғаддор ёзиб берган. У қабиҳ ишнинг фаол иштирокчисидир. Тухматномаларни битган ҳам худди Содик, Жаннат опа, Мутал сингари Ҳомиднинг ҳамтовоғи, шеригидир. У Ҳомиднинг жинойи ишига Содик, Жаннат опа, Муталдан кўра кўпроқ ҳисса қўшган. Лекин муаллиф негадир бу ғаддорни панада қолдирган. Зукко, лаёқатли кишилар ҳам баъзан нафси йўриғига тушиб, ўзи истамаган ҳолда, ҳомидларнинг “ёмонлик корхонаси” хизматини қилади. Лекин тухматчилар ҳаддидан ошиб, қотилликка қўл урганида, уларнинг виждони ғалаёнга келади. Негаки ўқишмишли, маърифатдан баҳраманд кишилар “Худо ҳақни ноҳақ қилмаслиги”ни ҳамиша ҳис этади. Умарбек ҳам бегуноҳ Комилбекнинг фожиали ўлимидан виждонан азобланган ва Ҳомид билан “нари-бери бўлиб” қолгач, унинг “ваҳшат”лари ҳақида Фарфига гапириб берган.

“Ғаддор” арабча сўз бўлиб, сотқин, хоин, золим, хиёнаткор, маккор, фирибгар маъноларини билдиради. Ҳаракат, аъмоли-

да шу иллат мавжуд кимсалар ҳар қандай тубанликка боради. Ҳомидлар доим ғаддорларга таяниб иш тутади. Отабек, Кумуш, Мирзакарим кутидор сингари кишилар ишонувчанлиги боис Ҳомид сингари худбинлар ва уларнинг тегирмонига сув қуядиганлардан панд ейди. Отабек, Мирзакарим кутидор бошларига шунча тухмат ёғилса-да, Ҳомиднинг номини тилга олмайди. Юсуфбек хожи, Ҳасанали ҳам яқинлари “қўланса гаплар учун яратилган одам” дея таърифлаган кимсадан шубҳаланмайди. Улар диёнатли, иймон-эътиқоди мустаҳкам кишиларга хос йўл тутишади. Диёнатли кишилар аниқ асос бўлмагунча ҳеч кимни айбдор этишмайди. Иймони суст кишилар эса сабрсизликлари туфайли бошқалар тўғрисида дарҳол турли шубҳа, гумонга берилишади.

Аксарият одамлар ёмонларнинг кирдикорларини кўрса-да, кўрмасликка олади. Ҳамма замонда кўпчилик шундай ақида билан яшайди. Диний нуқтаи назардан ҳам, дунёвий қонунқоидаларга кўра ҳам номакбул бу хил кайфият кенг ёйилгани Ҳомидларга ҳамиша қўл келади. Улар хиёнатномаларни битган ғаддор, Содик, Мутал сингари муштумзўрларни ишга солиб, бузғунчи кучга айланади. Ғаддор тухматномаларни жуда таъсирчан ёзгани учун Отабек, Мирзакарим кутидор дарҳол зиндонбанд қилинади, Кумуш ҳушсиз бўлиб йиқилади. Мирзакарим кутидор эсидан оғиб қолай дейди. Тухматномалар тушунарсиз, пала-партиш ёзилганида аҳвол бу даражада кечмасди. Шунинг учун Мавлоно Жалолиддин Румий:

*Хатни хат қилгувчи котибдир ўшал,  
 Ўз-ўзича хат ёзилгайму магар?  
 Жим – қулоғу айн – кўзу мим – оғиз  
 Ёзмаса котиб ёзилгайму нафис?  
 Шам ёнгайму билимдон ёқмаса,  
 Тун аро бир аҳли ирфон ёқмаса?*

дейди. (Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. – Т.: MERIYUS, 2010. – 650-бет.) Албатта, улуғ мутафаккир бу ўринда “котиб” деганда оламларнинг Яратгувчисини, унинг

изну иродасисиз ҳеч бир ҳаракат, ўзгариш юз бермаслигини назарда тутлади. Айни чоғда, ушбу сатрлардан хатнинг чиройли ва маъноли чиқиши уни ёзган кишига боғлиқ, деган маъно ҳам англашилади. Хати – ёзуви ҳар бир кишининг кайфияти, феъл-атворига хос муайян маълумотни ифодалайди. Ҳомиднинг тухматномалари уларни зукко киши битганидан далолат беради. Агар ўша ғаддор “хат қилиб” бермаганида Ҳомид ҳеч нарса қилолмасди. Айнан ўшанинг хизмати туфайли Ҳомид бегуноҳ кишиларни қўп изтиробга солади. Чунки ёзишмаларга ҳамиша аниқ асос, далил, ҳужжат деб қаралади. Ҳомид Мирзакарим қутидор уйига кетма-кет совчи жўнатишларидан натижа чиқмагач, “хатни хат қилгувчи котиб”ни ишга солади. Ўша котиб Ҳомиднинг мақсадига мувофиқлаб, мактуб, ариза битиб беради. Барча можаролар ўша мактуб, аризалар туфайли содир бўлади. Ҳомид худди яхши иш бажармоқчидек мамнунлик билан: “Илгариги гал ёздириб берганимдек ўз режамизга мувофиқлаб, Отабек тилидан яна бирини ўмартириб бераман” дейди. (Ўша манба, 183-бет.) Ҳомид андишасиз бўлгани учун Отабек, Ҳасаналининг олдида жияни Раҳматга: “Сенингдек йигитлар учун, албатта, битта хотин ҳам ортиқчалик қилади!” деб айтади. (Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. –12-бет.) Ҳаётдаги барча муаммо, зиддиятлар мол-давлати, мансаб-амалига мағрурланиб, бошқаларни назар-писанд қилмайдиган Ҳомид сингари андишасиз такаббурлар туфайли келиб чиқади.

Донишмандлар кадрдон кишиларнинг дўстона суҳбатини дунёдаги энг ширин нарса дейишади. Ҳомид қўланса гаплари билан шундай кишилар суҳбатини ҳам бузади. Табиийки, шундай кимсага ҳамтовоқ тутиниб, унинг тухматномаларини битган ҳам яхши одам саналмайди. Ўша ғаддор ёзган мактуб, аризаларни ўқиётганда киши баданига бехосдан совуқ бир нарса теккандай сесканиб кетади. Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожининг мактублари эса самимий дил изҳори бўлгани боис, қалбни тўлқинлантириб, ҳаммага ажиб ҳислар бағишлайди. Кумушнинг мактубидаги қалб изтироблари ҳеч кимни бефарқ

қолдирмайди. Умуман, Абдулла Қодирий қахрамонлар мактубларида уларнинг руҳий олами, характери хусусиятларини ёрқин очиб беради.

Отабекнинг мактубларида унинг вазмин, босиқлиги, обдон ўйлаб мулоҳаза юритиши билинади. У ҳар бир нарсани ўзи аниқлаб билиб олишга интиладиган одамлар сирасига киради. Отабек душанба кечасидаги қонли олишув чоғида Ҳомиддан: “Менга жавоб беринг-чи: бу ёмонликларингизда сиз ҳақлими эдингиз?” деб сўрайди. (Ўша манба, 253-бет) Ҳомид эса “Ҳақли эдим!” деб жавоб беради. У жароҳатланиб, ўлар ҳолатда ётган пайтида ҳам шу гапини айтади. Асарда бу: “Ҳомид ҳолсизланиб ётар экан, уни беш қадам наридан кузатиб тек турувчи Отабек заҳарханда ичида “Ҳақлими эдинг?” деб сўради. Кучаниб “Ҳақли эдим!” деди Ҳомид ва кўлидаги ханжарини Отабекка отди, ханжар Отабекнинг ёнига келиб тушди”, деб тасвирланади. Ҳомиднинг Кумуш билан кўришмаган, гаплашмаган, унинг ота-онаси билан ҳеч қандай алоқа-муносабати бўлмаган ҳолда бундай даъво қилиши ҳам турли саволларни туғдиради. Шуниси аниқки, Ҳомид кабилар ҳамиша манфаатини ўйлаб, узоқни мўлжаллаб иш тутади. Улар кўпинча ўз мақсадини бошқаларга сездирмайди. Ҳомидлар ҳамма замонларда кумушларни қўлга киритиб, давлатманд оталарнинг мол-мулкани ўзлаштириш пайида бўлишади. “Қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувок сокол”нинг турли найранглари замирида ҳам унинг ана шу худбинона нияти туради. Албатта, асарда бирор ўринда Ҳомиднинг шундай нияти борлигига ишора қилинмайди. Лекин Ҳомиднинг жон-жаҳди билан уринишлари унинг мақсади ғаразли эканлигини билдиради.

Умуман, турли табиатли одамлар орасидаги муносабатлар юксак маҳорат билан тасвирланган, салкам бир асрдан бери миллионлаб кишилар эътиборини қозониб келаётган “Ўткан кунлар”ни қайта мутолаа қилиш ҳар бир киши учун ҳамиша мароқли кечади ва ўзбек адабиётининг бу биринчи романи санъатнинг асл асари сифатида, шубҳасиз, турли қизиқарли мулоҳазалар уйғотади.



Қозоқбой  
ЙЎЛДОШЕВ

(1949 йилда туғилган)



---

**РОМАН ЖАНРИНИНГ ЕТАКЧИ БЕЛГИЛАРИ  
ВА БУГУНГИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИГА  
ХОС ХУСУСИЯТЛАР**

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати оғир саноатининг қанчалик ривожланганига қараб белгиланганидек, ҳар қандай миллий адабиётнинг инсоният эстетик тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳам, асосан, ундаги романчиликнинг салмоғи билан тайин этилади. Зеро, романда миллат бадиий тафаккурининг тараққиёт даражаси намоён бўлади. Жанр сифатида энг ёш экани, назарий жиҳатдан етарлича ишланмагани, унга хос белгиларнинг шу вақтга қадар ҳам тайин этилмагани ва тўхтовсиз шаклий-мундарижавий ўзгаришларга мойилликдан ўзга турғун белгиси йўқлиги XX аср ўрталарида роман йўқолиб кетишга маҳқум деган қарашларнинг юзага келишига сабаб бўлганди.

Романнинг бугунини тушуниш ва истиқболни башорат қилиш учун олдин бу жанрнинг нима сабабдан, қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқлаш ҳамда унга хос етакчи белгиларни ажратиб олиш лозим бўлади. Илк романлар миллоднинг XII – XIII асрларида роман тилларида сўзлашувчи

халқлар орасида юзага келган. “Роман тиллари” тушунчаси “Рим (Рома)га тегишли” деган маънони англатиб, лотин тили асосида шаклланган, лекин оддий сўзлашув услубига яқинлиги билан расмий лотинчадан тубдан фарқ қиладиган испан, итальян, молдова, португал, румин, фламан, француз ва бошқа тилларни ўз ичига олади. Илк романлар пайдо бўлган даврда Оврўподаги деярли барча давлатлар учун лотин расмий ва бадий тил саналарди. Аҳолининг асосий қисми эса лотин тилини билмас, бинобарин, адабиётдан бебаҳра эди. Ана шундай шароитда аҳолининг рухонийлар ва аслзодалардан кейинги учинчи ва сон жиҳатидан энг катта қатлами бўлмиш иш одамлари, косиб-хунармандлар (третье сословие – учинчи табақа)нинг дидига мувофиқ келадиган ва уларга тушунарли бўлган тилдаги асарларга эҳтиёж пайдо бўлди. Роман ана шу эҳтиёж натижаси ўларок юзага келди. Илк пайдо бўлган чоғида расмий лотинда эмас, роман тилларининг бирида яратилган асар “роман тилидаги қисса ёки хикоя” маъносида *conte roman* дейилган.

Романнинг айнан ўша вақт, ўша жой ва шу шаклда пайдо бўлишига сабаб нима? Маълумки, антик даврдан қолган анъанага кўра барча бадий асарлар “юксак поэзия” шаклида бўлиб, уларга маъбудлар, қоҳинлар, салтанат эгалари, кам деганда, аслзодалар қахрамон қилиб олинарди. Учинчи қатлам, яъни меҳнат кишилари учун бу асарларнинг тили тушунарлиликдан ташқари, қахрамонларининг хатти-ҳаракат, ўй-фикр ва рухий дунёси ҳам мутлақо бегона эди. Ҳолбуки, бу даврга келиб учинчи қатлам ҳам сон жиҳатидан, ҳам иқтисодий маъқеига кўра катта кучга эга эди. Агар инсоният тарихининг шу даврига қадар бадий асарлар неъматларга эгалик қилувчи ва тақсимловчиларнинг дидларига мувофиқ яратилган бўлса, XII асрдан эътиборан ишлаб чиқарувчиларнинг дидларига мос бадий асарлар ҳам яратиладиган бўлди. Меҳнат билан кун кўрадиган оддий одамларнинг эстетик эҳтиёжи натижаси ўларок пайдо бўлган романларда акс эттирилган воқеалар, уларда тасвирланган образлар ва бу асарларнинг ифода йўсини



хам ўқирманларининг интеллектуал даражасига мувофик бўлиши табиий эди. Шунинг учун ҳам Г. Гегель романни нимкиноя билан “буржуазиянинг эпопеяси” деб атайди.

Агар қадимдан шаклланган ва юксак поэзия намунаси бўлмиш асарларда оддий одамларнинг оддий тирикчилик ташвишлари эмас, маъбудлар ёки худди илоҳлар каби юксак фазилатлар ёхуд иблис сингари ёвуз кудратга эга шахслар тасвирланган бўлса, романларда илк бор оддий одамларнинг оддий тирикчилиги, ўйлари, қувончу изтироблари акс этирилди. Шу тарика, оддий одамлар учун махсус яратилган романда оддий бандаларга хос хусусиятлар тасвирлана бошланди. Демак, роман жанридаги асарларга оддий инсоннинг ўйлари ва унинг руҳиятига хос жиҳатларни акс эттириш хос бўлган.

Маълумки, кишилик тарихининг бошланғич даврларида одамлар индивидуалликдан кўра умумийликка кўпроқ интиланганлар. Чунки ўзгалардан кескин ажралиб турадиган одамнинг жамиятнинг бошқа аъзолари билан бирга яшаши қийин кечган. Тараққиётнинг даражаси эса, фақат биргаликда кун кечирнишни тақозо этарди. Шу боис жамоатчиликнинг талабу йўриқлари индивиднинг истагу хоҳишларидан юқори турган. Ахлоқий жиҳатдан ҳам ўзгалардан ажралиб туриш эмас, балки ҳамма қатори бўлиш чин одамлик белгиси саналган. XII – XIII асрларга келиб, Оврўпонинг бир қатор давлатларида пайдо бўлган янгича ишлаб чиқариш йўсини ҳар бир одамда ўзига хослик, бетакрор индивидуаллик туйғусини юзага келтирди. Инсон ахлоқи ва маънавияти учун янгилик бўлган бу сифат бадиий ижодда ҳам ўз ифодасини топиши зарур эди. Роман жанри ана шу зарурият натижаси ўлароқ ҳам юзага келди. Индивидуал шахс романнинг тасвир объектидир. Шу боис ҳам индивидуалликка интилиш кучайган жамият ёки миллат адабиётида романга эҳтиёж ортиб боради.

Жуда узоқ вақт давомида адабиёт назариячилари учинчи табақага мансуб кишилар дидига мувофик дунёга келгани ва олдин шаклланган “юксак поэзия” намуналаридан кескин фарқ қиладиган жанр бўлгани учун романни ўз эътиборла-



ридан четда қолдириб келдилар. Деярли етти юз йил мобайнида романга хос белгилар илмий жихатдан ўрганилмади. Бу борадаги илк назарий қарашлар романчиларнинг ўзлари томонидан билдирилди. Фақат XIX асрга келиб, немис файласуфи Г.Гегель роман назариясига қўл урди. Айнан назарий қолипнинг йўқлиги романнинг хилма-хили, синкретик ва шаклий қирғоқсиз жанр бўлишига имкон берди. Назарий қолипларнинг мавжуд эмаслиги романни етакчи адабий жанрга айлантирди.

Тарихга қилинган экскурсия ўзгаришларга мойиллиги билан ажралиб турадиган романнинг жанр сифатидаги энг асосий белгиларини аниқлаш имконини беради. Ўз ибтидосидаёқ инсоннинг индивидуал хусусиятлари, унинг руҳияти жилвалари тасвирига эътибор қаратилгани боис В.Белинский романи “индивиднинг эпоси” деб атади. Кўринадики, роман алоҳида шахсларнинг ички дунёсини бадиий идрок этиш ва изоҳлаш йўсини сифатида юзага келган.

Роман одамни ўзига хос такрорланмас шахс, беадад чигал рухий олам эгаси бўлган яратик сифатида чуқур, микёсли, турли нуқтаи назарлардан бадиий тадқиқ этишга боп жанрдир. Лирикада ҳажмнинг чеклангани, эпос ва драма учун меморат, яъни воқелик ҳамда тафсилот тасвири муҳимлиги сабаб уларда алоҳида одамнинг ички оламини атрофлича ва чуқур тадқиқ этиш мушкул. Моҳиятига кўра ташқи оламдан ҳам чўнг ва мураккаб бўлмиш инсон ички дунёсини тадқиқ этишга роман жуда қулай. Романдан ўзга деярли барча адабий жанрларда инсон тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ёхуд ҳолатларга илова эди. Бу жанрлардаги асарларда воқеа-ҳодиса – сабаб, инсон – оқибат, нари борса, иштирокчи бўларди. Бундай битиклар учун инсон шахси, унинг ўйларидан кўра хатти-ҳаракатлари, амаллари муҳимроқ эди. Алоҳида олинган одамнинг тақдири, руҳияти, кечинмалари, сезимларини фақат романдагина чуқур ва атрофлича текшириш мумкин эди. Романда одамнинг шахси ва туйғулари тасвирига эътибор кучайиб, тафсилотлар, воқеа-ҳодисаларга инсон руҳияти,

тафаккури ва амалининг натижалари тарзида қаралади. Шу тариқа шахснинг ўта мураккаб, чигал ва бетартиб руҳияти акс эттирилган роман жанридаги асарларда одам илк бор сабаб мақомида тасвирлана бошлади.

Айтилганлардан адабиёт илмида кўрсатилаётганидек, ҳажмнинг катталиги, акс этган воқеаларнинг кўламдорлиги, кўтариладиган муаммонинг ўзига хослиги, мавжуд имконияти билан тутган мавқеи ўртасида зиддият бор кишилар қаҳрамон қилиб олинishi, махсус тафаккур тарзига эғалик, оламни билишга қаратилгани каби жиҳатлар романга кейинчалик мутахассислар томонидан тақилгани, кўтариладиган муаммолар миқёси ҳам, қаҳрамон ва замон муносабати ҳам, мавзу чегараси ва ҳажмий кўлам каби параметрлар ҳам роман жанрининг асл белгилари эмаслиги аён бўлади. Роман ҳамма нарса ҳақида ва ҳар қандай ҳажмда бўлиши мумкин. Роман жанрини вазни ёхуд босма тобоғига қараб белгилаб бўлмайди. Ш. Холмирзаев айтганидай “романдан катта ҳикоялар” бўлгани сингари новелладан кичик романлар ҳам ёзилаверади. Исломдаги ният амалдан устун деган ақидага таяниб, романнинг жанрини белгилашда муаллиф нияти ҳал қилувчи кўрсаткич қилиб олинса, тўғри бўлади. Шундан келиб чиқиб, муаллифнинг персонажлар шахсиятига хос қирраларни роман жанри миқёсида очишни бадиий ният қилганлигининг ўзи роман жанрини белгилайдиган асосий омил дейиш мумкин. Шу боис кейинги вақтда айрим романларнинг ҳажми кичрайиб бораётгани, ифода йўсинда ўзгачаликлар пайдо бўлаётганидан ажабланмаслик керак. Ҳажмининг катта-кичиклиги бадиий асар моҳияти ва савиясини белгиламайди. Вақтнинг тақчиллиги асосий муаммо бўлиб турган ҳозирги даврда кичик ҳажмли романларнинг пайдо бўлиши ижтимоий ва эстетик жиҳатдан ўзини бир қадар оқлайди ҳам. Омон Мухтор ва Исажон Султонларнинг ҳажми анъанавий қиссалардан чоғроқ романлари ифода тарзи, сюжет ривожини ва қурилишини бирмунча мураккаб эканига қарамай, қизиқиб ўқилаётганлиги ҳам шуни кўрсатади.

Роман ўзининг тарихи мобайнида қаҳрамонларни тасвирлаш йўсини ҳамда инсон шахсига ёндашув маромига кўра асосан очик ёки экстенсив ва ёпик ёхуд интенсив сингари икки турга бўлинди. М.Сервантеснинг машҳур “Дон Кихот”идан бошланган очик романларда тасвирланаётган образларнинг тақдири, хатти-ҳаракатлари, фаолияти ижтимоий турмуш билан алоқадорликда, ҳаётий детерминизмга мувофиқ сабабокибат боғлиқлигида тасвир этилади. Очик романларда одамга асосан ижтимоий мавжудот деб қаралиб, унинг тақдири тасвирида жамият тартиблари, ижтимоий асослар ҳал қилувчи мавжеда эканини кўрсатиш устуворлик қилган.

Француз адиби М. М.де Лафайетнинг “Малика Клевская” асаридан бошлаб, алоҳида бир одамнинг ўй-кечинмалари чуқур кўрсатиладиган, тасвир фокуси қаҳрамон шахсиятининг ички жиҳатларини акс эттиришга қаратилган ёпик романлар яратила бошланди. Ёпик, яъни персонажларнинг табиати ва хатти-ҳаракатлари фақат ижтимоий тартибларнинг маҳсули сифатида тасвирланмаган романларда асосий эътибор инсон руҳияти товланишларини кўрсатишга қаратилган. Вақти келиб, инсон руҳиятининг ўзи олами кабир эканлиги, одам ва унинг руҳияти воқеликнинг натижаси эмас, балки воқеа-ҳодисаларни юзага келтирувчи сабаб экани англаб етилиб, бу ҳолни бадиий акс эттириш усуллари эгаллангач, бирваракайига очиклик ва ёпиклик хусусиятларига эга бўлган романлар яратила бошланди. Одам ички дунёси, руҳияти ва ўйларининг ҳам ижтимоий, ҳам психо-физиологик асосларини бадиий тасвирлаш муҳим бўлганидан бу икки хусусиятининг аралаш қўлланиши кенг ёйилди.

Фитратан жамоат бўлиб яшашга мойил, шахсият ва руҳиятидаги ўзига хосликларни сездирмасликка интиладиган ўзбекнинг адабиётида роман жанридаги асар кечроқ пайдо бўлиши табиий эди. Шу боис бизда илк роман XX аср бошларида дунёга келди ва тобора шахслашиб, индивидуаллашиб бораётган миллат табиатига монанд йўсинда тезкор тараккиёт йўлини босиб ўтди. Миллат шиддатли шахслашиш жараёни-

ни бошидан кечираётган ҳозирги даврда ўзбек адабиётида роман жанри етакчи бўлишини башорат қилиш мумкин.

Маълумки, роман жанрининг табиатини изохлашга бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилган. Лекин уларнинг барчасида романдан универсал ва ўзгармас турғун белгиларни топишга уринилгани учун ҳам қутилган натижага эришилмади. Чунки универсаллик, такрорланиш ва қайтарилиш кераклиги, яъни қолипнинг мавжудлиги романнинг табиатига ётдир. Аслида романнинг ёлғиз ўзгармас ва универсал белгиси тинимсиз ўзгариш ва янгиланишлардан иборатдир. Ҳажми учтўрт юз бетлик, тасвирга олинган воқеа-ҳодисалар қамровига кўра роман ҳақидаги анъанавий тасаввурларга мос келадиган, аммо бадиияти йўқлиги боис ҳеч кимга манзур бўлмаётган битиклар роман саналгани каби алоҳида инсон шахси тегран тадқиқ этилганидан ўз ўқувчиларини топган ўттиз-қирк бетлик мўъжаз романлар ҳам мавжудлиги бор гап. Шу маънода ўтган аср бошида ёзилган Мирмуҳсиннинг “Бефарзанд Очилдибой”, Ҳамзанинг “Янги саодат”, Чўлпоннинг “Доктор Муҳаммадиёр” сингари асарларининг ҳажман кичиклигига, олимлар айтаётганидай, муаллифларнинг роман жанри талабларини билмасликлари эмас, балки инсон ички оламини тадқиқ этишда тафсилотларга ортиқча берилмаслик истаги сабаб бўлганини таъкидлаш адолатдан бўларди. О.Мухтор ёки И.Султон романларининг ҳажми кичиклигига ҳам тасвирлашга арзийдиган ҳаётий тафсилотларнинг йўқлиги ёхуд адибларнинг тасвир калавасини йўқотиб қўйишдан кўркиши эмас, балки муаллифлар томонидан шахс ички олами қай миқёсда текширилиши мақсад қилиб олингани сабабдир.

Роман жанрига хос белгиларни тайин этиш борасида ўзбек адабиётшунослигида ҳам бир қатор ишлар қилинган. Агар дастлабки тадқиқотларда ҳажмнинг катталиги ва мавзу салмоғи жанрнинг асосий белгилари сифатида қаралган бўлса, кейинчалик романнинг моҳияти ўзга унсурлардан ҳам қидирила бошланди. Чунончи, адабиётшунос проф. Д. Қуронов: “...асарда қўйилган муаммолар кўлами жанр ху-

сусиятларини белгиловчи унсур сифатида олиними мумкин. Бу жиҳатдан ...роман дунё-ю даврни билиш мақсадига қаратилган бўлса, қисса марказида қаҳрамон характери, ҳикояда эса конкрет ҳаётий воқеа туради. ...Кўрамизки, роман, қисса, ҳикоя жанрларига мансуб асар қаҳрамонлари асарда тутган мавқеи, аҳамияти, вазифаси жиҳатидан фарқланади. Роман муаллифи учун қаҳрамон восита – дунёни англаш (буниси мақсад) воситаси, қиссанавис учун қаҳрамоннинг ўзи мақсад (воқеа-ходисалар восита), ҳикоянавис учун воқеанинг ўзи мақсад бўлиб қолади”. Юқорида романинг дунёни билиш эмас, балки айнан индивидни англаш мақсадида юзга келгани мисоллар билан кўрсатилди. Шу боис олимнинг роман дунё-ю даврни билиш мақсадида яратилади ва унинг қаҳрамони ана шу билиш жараёнининг воситаси бўлади деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Д.Куроновнинг қисса учун қаҳрамон, ҳикоя учун воқеа мақсад ҳисобланади тарзидаги қарашларини ҳам маъқуллаш кийин. Қисса “воқеа”, “саргузашт” маъноларини англаувчи номининг ўзи биланок бу жанр учун “воқеа-ходиса” бирламчи эканини кўрсатиб турибди. Аксинча, ҳеч қандай воқеа тасвирланмаган ҳикояларнинг борлиги эса ҳикоя учун ҳам воқеанинг ўзини тасвирлаш мақсад бўлолмаслигини билдиради.

Роман жуда чигал ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Буюк Ф.Достоевскийга қадар романи муаллиф ҳақиқати бошқарарди. Романчи ҳар бир қаҳрамонининг қачон нима қилишини билар ва уларнинг хатти-ҳаракатларига муаллиф ўзининг ижтимоий-ахлоқий баҳосини берган бўларди. Достоевский романларининг ғалати, яхши-ёмон, катта-кичик қаҳрамонлари эса бетакрор табиатга эга бўлиб, худди ҳаётдаги каби, умуман, бирор кимсанинг жумладан, адибнинг йўриғига ҳам юрмасдилар. Чигал, тушуниксиз, бетайин ва кутилмаган бўлса-да, ўз йўллари ва ҳақиқатларига эга бўлган бундай шахслар тасвири Достоевский романларига полифонизм хусусиятини бахш этди. Роман полифонизми унда тасвирга олинган одамларнинг кўплиги ва уларнинг бақир-



чакирлари хилма-хиллигида эмас, балки ҳар бир шахсдаги ўз-ўзига зидлик, ўз-ўзини инкор этиш ҳолатининг табиий акс эттирилганида намоён бўлади. Тўғрироғи, полифонизм бир одам табиатидаги зиддият ва кўпқирраликнинг, бир шахсга хос бир неча қиёфанинг бир макрокосмда мавжуд бўлиши мумкинлигининг ифодасидир.

Бугунги кунда ўзбек романчилиги ҳам ўз тараккиётининг полифоник босқичига етиб келди. Эндиликда мавзунинг долзарблиги, воқеаларнинг кизиқарли ёхуд тилнинг ширали экани сингари сифатлар романни ўқишли қилгани ҳолда унинг умрзоқлигини таъминлай олмаслиги англаб етилди. Замонавий ўзбек романи муаллифидан ҳар бир қахрамонини тушуниш ва акс эттиришнинг бировниқига мутлақо ўхшамайдиган концепциясига эга бўлиш талаб қилинади. Одамдаги бетакрорликни кўра ва кўрсата билмайдиган адиб роман ёза олмайди. Чунки бугунги чинакам роман воқеа ҳам, ғоя ҳам эмас, балки биринчи навбатда, бетакрор шахс руҳиятидаги адоқсиз товланишлар тасвиридир.

Гарчи миллий романчиликда воқеа бўладиган асарлар кўп яратилаётган бўлмаса ҳам бу борадаги изланишлар бугунги кунда шиддат билан бораётганини таъкидлаш керак. О.Ёкубовнинг “Осий дунё”, О.Мухторнинг қатор романлари, Х.Дўстмухаммаднинг ижодий экспериментларга бойлиги билан ўқирманларни ўйлантириб қўйган “Бозор”, Т.Рустамовнинг теран моҳияти ва ифода йўсинидаги мутлақ ўзгачаликлар билан жаҳон романчилигининг ютуқлари даражасидаги “Қапалақлар ўйини”, А.Нурмуроднинг “Қон хиди”, У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, Л.Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар”, И.Шомуроднинг “Мағлубият”, “Одамхўр”, И.Султоннинг “Боқий дунё” романлари фикримизнинг далилидир.

Ўзининг узок тараккиёт йўли мобайнида роман саноксиз турларга, йўналишларга эга бўлди. Зеро, одамнинг руҳияти қанчалик сержилва бўлса, бунинг бадиий ифодаси бўлмиш роман ҳам шунчалик хилма-хил бўлиши табиий. Романчи-

ликдаги изланиш ва янгиланишлар пайдо бўлганидан бери тинимсиз давом этиб келмоқда. Кейинги ярим асрда дунё адабиётида экспериментал роман, структурал роман, янги роман, футуристик роман, шоистик роман, артистик роман, сюрреалистик роман, абсурд роман, алогик роман каби сон-саноксиз турлардаги романлар яратилди. Шу хилдаги экспериментлар ҳозирги ўзбек романчилигида ҳам ўзгача бир қарқин (шиддат) билан бораётир. Анъанавий йўсинда битилган барча романлар муваффақиятли чиқмаганидай, экспериментлар ҳам доимо юксак самаралар бераётир деб бўлмайди. Аммо изламаган топмайди. Ишонч билан қидирганга эса, толе ёр бўлиши мумкин. Бинобарин, изланаётган, ўз йўли, тасвирлаш йўсини, ўз қахрамонларини топмоқчи бўлаётган ўзбек романчилигида катта кашфиётлар даври ҳали олдинда.

Ҳозирги миллий романчилик таракқиётидаги бирламчи тамойил ўзбек романларининг хилма-хиллиги дейиш мумкин. Агар олдинлари яратилган романларнинг даражаси мавжуд андазаларга қанчалик мос келиши билан белгиланган бўлса, эндиликда энг сара намуналарга ҳам ўхшамаслик, ҳеч кимни такрорламасликка интилиш устувор белгига айланиб бормоқда. Хато килишдан чўчимаслик, ҳадик йўқлиги ёзувчиларнинг ижодий имкониятларини кенгайтирмоқда. Бадиий тафаккурнинг эсселашуви ҳозирги ўзбек романларида анъанавий тасвир йўсини билан ижодий эксперимент ёнма-ён, баъзан, ҳатто, биргаликда келишига сабаб бўлмоқда.

XX аср очуннинг катта қисмида фалсафа, тарих, адабиётшунослик ва бадиий ижодда бошдан-адоқ эсселашуш даври бўлди. Аммо нимани, қачон ва қандай айтиш кераклиги регламентлаб қўйилган шўро жамиятида эсселашушга йўл қўйилмасди. Чунки эссе жанридаги асар учун жамиятнинг барча аъзолари ёхуд унинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган жамоавий қараш эмас, балки муаллифнинг индивидуал фикри қимматли саналганидек, эсселашган ижод учун ҳам ижтимоий манфаат ёинки қабул этилган ёндашувларга мувофиқлик эмас, муаллифнинг ўз кўзқараши муҳимдир.

Адабий эсселашиш бадий тасвирга муаллифнинг эркин аралашуви имкони ва шахсий қарашлар устуворлиги мақомини беради. Воқелик ва одамлар қабул этилганидай эмас, балки муаллиф кўрганидай акс эттирилади.

Эсселашган тафаккурнинг ўзига хослиги шундаки, индивиднинг фикри фикр эгасидан ташқаридаги объектив қарашлар воситасида эмас, балки шахсий фикрнинг ўзи билан асосланади. Соддароқ қилиб айтганда, фикрлаётган шахс қарашларининг тўғрилиги ўзга одамнинг фикри ёрдамида эмас, балки “мен”нинг ички мантиғи орқали аниқланади. Аниқловчи билан аниқланмиш, асословчи билан асосланувчи бир нуктада бирлашади. Эсселашган тафаккур охири бўлмаган йўл кабидир. Илло, бу йўлнинг охири боши билан бирлашиб кетади: фикр индивиднинг ўзидан чиқиб, ўзига қайтади. Шахс ўз фикрининг тўғрилигини биров орқали аниқлаш заруриятидан халос бўлади. Зеро, ҳар қандай тўғри фикр ҳам аслида нисбийдир. Эсселашиш шахснинг фикрлаш эркинлигини юзага келтиради.

Индивиднинг ҳаёти ва кўнгил ҳолатлари акс эттирилгани учун роман жанридаги асарнинг асосий хусусияти шахс билан жамият ўртасидаги зиддиятни кўрсатиш саналади. Зеро, ҳар бир шахс табиий равишда жамият билан муайян муносабатда бўлади, яъни ўз манфаат, истак ва имкониятларини жамиятнинг ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига ё мослаштиради, ёинки уларни бузади. Жамият дейилганда, ижтимоий тузум эмас, балки индивиднинг ўзидан бошқа одамлар билан муносабати кўзда тутилади. Демакки, романнинг конфликти ҳам индивидуаллашиб бормоқда. Буни замонавий ўзбек романлари тобора шахслашиб бораётган одамнинг ички оламидаги турли зиддиятларни кўрсатишга бағишланганида кўриш мумкин.

Одил Ёкубовнинг “Осий банда” романи ёзувчининг фикрлаш тарзи ва тасвирлаш йўсинидаги ўзига хосликнинг эркин намунаси дир. Тугалланмай қолган бўлса-да, шавқ билан ўқиладиган бу асарда одам ва унинг тақдирини бадий тасвирлаш бобида ёзувчи таянадиган тамойиллар яққол кўзга таш-

ланади. Романдаги бош тимсол бўлмиш осий банда – Саркор ўзига хос инсоний жозиба ва эзгу сифатларга эга шахс. Аини вақтда қилган ёмонликлари ҳам бир кишига етиб-ортадиган даражада.

Асарни синчиклаб ўқиган киши О.Ёқубовнинг ёмонлик бирорта одамнинг асл моҳияти эмас, балки ўткинчи бир руҳий ҳолат ёки воз кечиб бўлмас манфаати тақозоси эканини вужуд-вужудига сингдирган ва одамлараро муносабатларда шу жиҳатни энг нозик кўринишларига қадар ингичка тасвирай биладиган ёзувчи эканини ҳис қилади. Ўзбек адабиётида О.Ёқубов каби ёмон амаллар қиладиган персонажлар руҳиятини тушунишга уринадиган, уларнинг ҳар бир қилмиши замирида ўзига боғлиқ бўлмаган қандайдир бир асос ёхуд пушаймонлик борлигига урғу берадиган ижодкор йўқ дейиш мумкин. Бундай ёндашув адибнинг яшаш тарзи, одамларга муносабатида таянадиган маънавий асоси эди. У шундай яшади ва ёзди. Бу ёндашув болалигидан тортиб, умрининг охирига қадар ўзига ёмонликлар қилиб келган шахслар тасвирланган ўринларда ҳам сезилиб туради. Асарларида ёзувчининг ёмонларни ёмон кўриб эмас, балки уларга ачиниб яшагани ва ёзгани сезилиб туради.

О.Ёқубов романларида жамият ва шахс, ижтимоий муҳит ва инсон муносабатлари тасвирида ўзига хос бир концепция мавжуд. Ёзувчи бирор персонажга ёрлик ёпиштирмайди, уларни ўзгармас сифатларнинг ташувчиси тарзида тасвирламайди, балки ҳар бир тимсолга мутгасил ўзгаришлар оғушидаги одам деб қарайди. Ҳар бир тимсолни бир вақтнинг ўзида яқинлари, дўстлари, душманлари, бегоналар позициясидан туриб кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу боис унинг асарларидаги ҳар бир қаҳрамон бир неча ракурса кўринади, турлича овозларда сўзлайди, қутилмаган йўсинда ҳаракатлар қилади. Аини жиҳат унинг романларига полифоник хусусият бахш этади.

“Осий банда” романи қаҳрамони Саркор ишчан одам, тадбиркор раҳбар, садоқатли дўст, ҳалол улфат, аммо ўрни келса,



энг яқин одамини ҳам босиб-янчиб ўта оладиган осий банда сифатида тасвирланган. Бандалиқда бандилик бор. Сарқорни осийликнинг бандиси дейиш мумкин. Чунки у ёмонлик қилиб ёхуд қонунни оёқ ости этиб завқланадиган садист эмас, балки ўзи тушиб қолган, ҳатто ўзи яратган муҳитнинг чорасиз асири. Ёмонлик – унинг аъмоли эмас, баъзан фойдаланадиган қуроли. Одам қисматидаги мана шундай чигал жиҳатлар тасвири тимсолга ўзгача бир инсоний жозиба бахш этади. Асардаги Иван, Ота образлари ҳам шу каби қарама-қаршилиқлар оғушида кўрсатилган. Романда ўтган асрнинг 80-йилларида яшаган одамларга хос турлича хусусиятлар акс этган. Асар кечани тушунишга, ўтган кунни, ўшанда умр кечирган одамларни хис этишга хизмат қилиши билан қимматлидир.

Таникли ёзувчи Аҳмад Аъзамнинг бир даврда яшаб, деярли бир хил ижтимоий шароитда фаолият кўрсата туриб, табиатлари ва тутумларидаги турфалиқлар сабаб инсонийлик синовларидан турлича йўсинда ўтган ёшлар ҳаёти акс эттирилган “Ўзи уйланмаган совчи” романида худди бир одам каби бутун миллату жамият ҳам бир маънавий-ахлоқий ҳолатдан бошқасига оғриқсиз ўтолмаслиги акс эттирилган. Шундай даврда ижод қилиш чекига тушган ёзувчилар ўз атрофидаги одамлар ва уларни юзага келтирган ҳамда улар томонидан юзага келтирилган шароитга киноявий назар ташлайди ва нуқсонларни ошириброк тасвирлашга мойил бўлади. Ижодкор очун микёсида фикрлай бошлаганда, одамнинг тутумлари ва оламнинг ходисаларига киноявий ёндашув устуворлик қилади. Ўзини ўраб турган ижтимоий-миллий қобикни ёриб чиққан ижодкорда ҳажвий-киноявий тасвир асосий ифода воситасига айланади. Негаки, бундай вақтда эстетик тафаккур воз кечилаётган кадриятлардан зада бўлгани ҳолда ўзлаштирилиши керак бўлган янги кадриятларни аниқ тасаввур қилолмайди. Шунисиам борки, эркин одамгина ҳазил ва кулгига мойил бўлади.

Ўзбек таянадиган маънавий ойинларнинг қадимийлиги билан глобаллашув туфайли халқнинг бугунги турмуш йўсинига

кириб келаётган янги тутумлар ўртасидаги номувофиклик ва ўзгачаликлардан туғилаётган кулгили ҳолатларни акс эттириш “Ўзи уйланмаган совчи” романининг бош хусусиятидир. Ёзувчи кулги ҳосил қилишда зўракилик ва сунъийликка йўл қўймагани ҳолда тасвирга олинган ҳамма нарсада кулги кўра билган ва улардан кулги чиқара олган. Романда истеъмолчилик майли ахлоқ даражасига кўтарилиб, нимагадир эга бўлиш одамликнинг эталонига айланган, моддий истеъмолдан бўлак нарсалар иккинчи даражали деб қаралаётган шароитда ҳам илдизлари теран маънавий кадриятлар эскирмаслиги таъсирли акс эттирилган.

Миллатимиз битта шахснинг бахту бахтсизлиги аҳамияти жиҳатидан бутун жамиятнинг бахту бахтсизлигидан кам эмаслигини англаш босқичига кўтарилди. Энди ҳар бир шахснинг алоҳида бахтли бўлишига имкон бериш, бу йўлда ҳар ким ва ҳамманинг қандайдир эзгуликлар қилиши зарурлиги тан олинди. Романда ўз бахтини ўзи қурмоқчи бўлган ўзбек ёшларининг интилишу уринишлари акс этади. Асарда ота-онаси хоҳлаган қизга эмас, ўз суйганига уйланмоқчи бўлган Султоннинг саргузаштлари тасвири асносида миллат табиатида кейинги вақтда рўй берган сифат ўзгаришлари жонбахш бир кулгига йўғрилган ҳолда акс эттирилади. На пули, на таниши, на бошпанаси бўлган хоразмлик Султонни тошкентлик Дилоромга унаштириш мобайнида Нозим, Султон, Ориф, Давлат, Саодат сингари ёшлар кечирган туйғулар тасвири ҳам ҳар бир ўзбекнинг бошида борлигига кўра оддийлиги, ҳам талабалар кечиргани учун фавқулоддалиги билан эса қолади.

Совчиликдай жиддий юмушга тутинган йигитларнинг нојиддийлиги, ёш ва тажрибасизликлари сабаб жиддий бўлишлари мумкин ҳам эмаслиги кинороманда жуда ишонарли тасвирланган. Ўзлари ёш, кўнгиллари беғубор бўлгани, ҳазил ва кинояга ўчлиги боис йигитларнинг ҳар босган қадами кулгили саргузаштларга йўғрилган ҳолда кўрсатилган. Маҳорат билан қилинган тасвирдан табиий равишда келиб чиқадиган кулги кўнгилни ёриштиради.

Муаллиф кинороман имкониятидан келиб чиқиб, бирор персонажга ўзи тавсиф бермайди, балки уларнинг табиатидаги етакчи қирраларни ё хагги-ҳаракатлари тасвири ёхуд ўзгалар берган баҳо орқали кўрсатишга эришади. Бу борада Султоннинг: “Дадам ойимсиз ҳеч иш қилмайдилар. Оғизларидан ойимнинг тили чиқиб туради” тарзидаги қисқагина эътирофи ҳам қулги уйғотиши, ҳам талабанинг отаси билан онаси табиатига хос жиҳатларни бараварига намоён этишига кўра эътиборга лойик. Кўпроқ ўзини ўйлайдиган, озгина сур ва мактанчоқликка мойил Давлат табиатида ҳам асл йигитларга хос жозибали жиҳатлар борлиги унинг чойхонадаги мушглашув вақтида Султонни жанжалга аралаштиришни истамай, бутун масъулиятни бўйнига олиб: “Ишқал чикса, сен қуённи сур. Бу маҳаллага қуёв бўласан... Мени танимайсан”, деган гапларида ёрқин кўринади.

Нозимнинг таксичи Баҳром ака берган саволга: “Мана, бу жўрамиз бош совчи. Бу билан иккаламиз бош совчи ўринбосарлари. Орамизда оддий совчи йўқ. Ҳамма амалдор” тарзидаги жавобида ўзбек ёшлари руҳиятидаги ўзига хос юмор туйғуси акс этган. Романда Ориф ва Шарифа муносабатлари тасвири орқали одам муаммосиз яшай олмаслиги жуда гўзал акс эттирилган. Ота-оналари томонидан унаштирилган, кўнгиллари ҳам бир-бирига мойил бу йигит-қиз табиатан бошқа-бошқа икки олам! Ориф ёниб-ёниб севгиси, муҳаббати йўлида қийналгиси, саргузаштлар кечиргиси келади. Шарифадай қизга осонгина уйланиб олиш йигитга текинхўрликдай туюлади. У ҳам худди Султон каби изтироб чеккиси, севгиси учун курашгиси келади.

Нозим ҳамманинг ишончи, суянгани, кимнинг бошига ташвиш тушса, унга келади. Аслида унинг ўзи – кўмакка муҳтож одам. Негаки, ўта олижаноблиги сабаб курсдоши Жамол учун суйганидан воз кечган. Ўзига олижаноблик бўлиб кўринган бу тутум туфайли ҳам ўзи, ҳам Жамол ва ҳам суйгулиси Ойгул бахтсиз. Негаки, Ойгул у “бериб юборгани” билан Жамолга тегмайди, покиза туйғуларини кадрламагани учун Но-

зимни ҳам кўнглидан чиқаради. Ойгулнинг: “Яхши кўраман деб ишонтириб, кейин урра қочиш айб эмасми? Оққан ёшларимнинг қияси тутмайдими? У инсон мени шунака чуқур севган экан, мен инсон-чи? Мен сизни чуқур севмаганманми? Ҳатто сиз чеккан тутуннинг заҳаригача яхши кўрар эдим-ку. Мана, ҳозир ҳам чекиб, сизнинг олдингизда бирга ўтиргандек ўтирибман. Шундай севгимни дўстингизга ошириб юборишга ҳаққингиз бор эдими?” йўсинидаги гапларида улуғ инсоний фожиа бўй кўрсатади.

Қадимги авантюр романларга хос кутилмаган интригаларга тўла бу асар бошидан охирига қадар беғубор ва ҳаётбахш кулгига эш. Катта-кичик барча тимсолларнинг сўзлари вазиятга қараб оғир-енгил қочирим, киноя ва пичинг билан йўғрилган. Бу ҳол Давлатни излаб кечаси уникига келган Раъно билан Гулсанам ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда ҳам кўзга ташланади:

“Р а ъ н о: – Ишим... бир ишим бор эди.

Г у л с а н а м: – Ҳа, Давлат акангиз билан бирга иш қила-сизми? Яхши, мана бу бола ҳам Давлат акангиз билан менинг ишимдан. Сизнинг ишингиз ҳам шунақами? Шўх-да бу акангиз”. Суҳбатдош юрагини ўйиблар олгувчи бу сўзлар ҳам енгилтак Раъно тушган ҳолатни кўрсатиши, ҳам рашкдан ёниб бораётган Гулсанамнинг рухий дунёсини ифодалаши, ҳам ўта қалтис вазиятда кулги кўзғай олиши жиҳатидан тенгсиздир.

Бутун асар давомида ўйчан ва жиддий қиз сифатида тасвирланган Дилоромнинг Султонга айтган: “Саодатингиз курашса, мен қараб тураманми? Жа анойисини топибди, шерикчиликка эр қиладиган!” – тарзидаги қатъиятида ҳам кулги сачраб туради. Ҳатто онасининг Султонга бермайман, чет элда яшаётган Сарварга тегасан деган гапига Дилоромнинг: “Сиз бунга бермасангиз, мен ҳам унга тегмайман!” деган гапи замиридаги мантиксизликка Шарофат ая тилидан: “Вой, бунга берсам, унга ҳам тегар эдингми?” тарзида берилган жавобдан ҳам кулги томиб турибди.



Аҳмад Аъзам ҳар бир персонажни ўз феълига яраша тил билан таъминлай олган. Шу боис хилма-хил, бир-бирига ўхшамайдиган, айти вақтда бир-бирига жуда ўхшаш одамларнинг ички дунёси кўрсатилган бу роман, шубҳасиз, адабиётимизда ўзига хос эстетик ходиса бўлиб қолади.

Омон Мухторнинг “Муҳаббат ўлимдан кучли” романида эзгулик билан ёвузлик кучлари ўртасидаги адоқсиз ва мурасасиз кураш муайян шахслар тақдири мисолида мистика аралаш реал акс эттирилган. Адиб ёвузликнинг ҳеч қандай сабабсиз эзгуликка қаттол душман бўлишини Иброҳим билан Ғайрат Нусрат, ундан сўнг Нусрат Ғайрат, Ҳасан билан ўғли Ворис ва укаси Ҳусан ўртасидаги қутилмаган муносабатлар тасвири асносида акс эттирган.

О.Мухтор ижодида ўзбек романчилигига хос бўлиб бораётган қаҳрамонларни кўпроқ хатти-ҳаракатлар асносида эмас, изтиробли ўй-хаёллар оғушида кўрсатиш тамойили етакчилик қилади. Муаллиф гўё воқелик ёки одамларни тасвирламайди, балки улар ҳақида фикр юритади, ўйга ботади. Асардаги: “Бу инсон одамийлик қила олар экан, нега ҳайвонлик қилди? Ҳайвонлик қилар экан нега одамгарчилик қиляпти?” ёки “Бизга умр бўйи ҳақиқат битта дейишди. Барчани бир йўлга солмоқчи бўлишди. Инсонлар эса ҳар бири ўз ҳақиқати билан яшади...” каби тасвирлар бу асарнинг ана шу тамойил асосида яратилган битик эканини кўрсатади.

Омон Мухтор услубига хос бир жиҳат, яъни тасвир йўсинини тўлиғича синик мозаика асосига қуриш ушбу асарда ҳам устуворлик қилади. Романдаги сўзлар қаторининг аксарияти синик, бу синик қаторлар орқали тасвирланган тимсолларнинг тақдирлари ҳам синик, персонажлараро муносабатлар ҳам синик, фақат синикликнинг ўзигина бутундир. О.Мухтор романлари услубидаги яна бир жиҳат улардаги воқеалар ривож, тимсоллараро муносабатлар тасвирида драмага ўхшашлик борлигидир. Асарни мистикага ошно қилган жиҳат тасвирда хронотоп, яъни макон ва замон мутаносиблиги талабига амал қилинмаганида ҳам кўринади. Унинг асар-

ларида одам йўкликдан пайдо бўлиши, қаҳрамон неча асрлар олдин бўлиб ўтган воқеалар ичига тушиб қолиши, бугунда ўтмиш ва ўтмишда ҳозир намоён бўлиши мумкин.

Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” асари ўзбек романчилигида алоҳида воқеа бўлди. У инсон интеллекти, одамийлиги ва ёвузлиги имкониятлари ҳақидаги фалсафий-рамзий романдир. Асарда одамзод пайдо бўлгандан буён унинг маънавиятини кемириб, тириклигида азобларга гирифтор қилиб, ўлгач, дўзах оловида куйишига сабаб бўлаётган манфаатпарастлик, қаноатсизлик ва нафс аталмиш иллатлар етовидаги кимсаларнинг қисмати акс эттирилган. Бу асар ҳар бир одам ва бутун башариятга қилинган огоҳлантириш, одамизодни ёвузлик ва ўз кучига ортиқча баҳо беришдан қайтаришга бўлган бир бадиий даъват десак, муболага бўлмайди. Проф. Д.Куронов ва шоир Раҳимжон Раҳматнинг “Боқий дарбадар” асари ҳақидаги мақолаларида асарга муайян ижодий тажрибанинг маҳсули сифатида қараш сезилади. Бизнингча, ёзувчи романда тасвирланиши лозим бўлган шахслар, уларнинг тақдирлари ва ҳолатларини шунчалар яққол ҳис қилганки, асар ўз шакли билан дунёга келган.

Ожизгина ақлий қувватидан ҳаволаниб, Оллоҳнинг иродасига қарши бориб, азалий тартибларга даҳл қилишдан кўркмаётган инсониятнинг қисмати ёзувчида буюк хавотир уйғотган, кўнглига безовталиқ солиб, туйғуларини остин-устун қилган. Ўз тафаккури кучига ортиқча баҳо берган инсонлар тақдири Яратганнинг иродаси ила башарий ақл билан англаб ва изоҳлаб бўлмайдиган йўсинда ҳал этилиши керак эди. Таҳликали вазиятдаги инсонларнинг англамсиз қисмати эса қалтис ифода шаклини тақозо этарди. Романнинг тасвир йўсинидаги ўзига хослик бадиий эксперимент қилишдан кўра ана шу талаб туфайли юзага келган дейиш мумкин. Асарнинг айрим ўринларида тасвирнинг телеграф хабарлари ёки стенографик усулга ўхшаб кетиши вазиятнинг ўта қалтислигини таъкидлашдан ташқари, одам уринишлари ва у эришган натижалар исталган дақиқада узилиб, йўқ бўлиб кетар даражада омонат эканини ҳам билдирган.



Романдаги жуда узок ўтмиш бугун билан, турли-туман элат, макон ва шахсларнинг аралаш тасвири бандасидаги шайтоний майллар маконий ва замоний чегараларни тан олмайдиган бобомерос хусусият эканини, одам азалдан гуноҳ қилишга мойил яратиклигини таъкидлашга хизмат қилади. Манфаат йўлида эзгуликдан юз бурган ҳар қандай одам жазога мустаҳиқ экани асарда оламини дарбадар кезиб юришга мангу маҳкум этилган этикдўз тимсолида ўта таъсирли ифода қилинган. Асарда Яратганнинг иродасига билиб ё билмай дахл қилган кимсаларнинг аёвсиз жазога маҳкумлиги Инсон такомилли марказидаги олимлар, бутун оламини йўқ қилиб юборишга қодир сўнгги курулларга эга ҳарбийлар, ҳатто барҳаёт одамнинг яралишига беихтиёр ҳисса қўшган беозор профессор Зиё сингари тимсолларнинг машъум қисмати мисолида кўрсатилган.

Ўқирманга дастлаб асарнинг сюжет чизигидаги етакчи йўналишлар, тимсолларнинг истак-уринишлари тасвири Ч. Айтматовнинг Авдий ва Филофей каби қаҳрамонлари тутумларига ўхшаб кетади деган ўй келади. Лекин романдан келиб чиқадиган маъноларни чуқур идрок этиш натижасида киши И.Султон масаланинг моҳиятини исломий назар билан тўғрироқ англаганига имон келтиради. Буюк иродага бўйсунган инсоннинг инсоф, имон ва эзгулиги бош қаҳрамон бўлган ушбу асарда руҳий тадқиқлардан кўра воқеалар тасвири етакчилик қилгандай туюлса-да, воқеалар маконда эмас, ўқирманнинг қалби ва шуурида кечгани учун асар индивиднинг эпоси бўлмиш роман талабига тўла жавоб беради.

Назаримизда, асарда профессор Зиёнинг ўғли образи табиати бир қадар кенгрок тасвирланиши, асосланилиши ва такомилга етказилиши лозим эди. Ҳар битта одамнинг мавжудлиги унинг макони, миллати ва имонидан ташқарида бўлмаслигини англаган, ана шу қадриятларга меҳр қўйилгандагина глобал фалокатлардан эмин бўлинишини тушунган, табиий катаклизмлар инсоннинг маънавий айнишлари натижаси эканини кўра олган йигитнинг бу ҳақиқатларга

келиш йўли ёки унинг шу фикрга келишига туртки бўлган сабаб акс эттирилганда, роман савияси юксалган бўларди.

Шуниси диққатга лойиқки, тарихни тасвирлашга тутинган ҳозирги ёзувчилар ўтмишдаги воқеаларга боғланиб, уларнинг қандай юз берганини кўрсатишдан кўра тарихни яратган одам ва унинг кўнглидан кечган рухий тўлғамларни акс эттиришга кўпроқ эътибор қаратадилар. Эндиликда ёзувчилар тарихий ходиса ва тарихий шахс тасвирига бир қадар эркин ёндашиб, тарихнинг юзага келиши ва тараққиётида конкрет инсон тутган ўринни кўрсатишга кўпроқ эътибор бераётирлар. Таниқли ёзувчи Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогиясининг учинчи китоби “Мироншоҳ мирзо” асари бу жиҳатдан ўзига хос ўрин тутади. Аввало, тетралогиянинг учинчи китоби бадиий жиҳатдан олдингиларга нисбатан пухталигини қайд этиш лозим. Бу китобга келиб, ёзувчи, ниҳоят, Амир Темури сиймосида фақат эҳтиром кўрсатиладиган хазратни эмас, адабий персонажни ҳам кўришга кўника бошлагани сезилади. Асарда Мироншоҳ, Хонзода, Соғинч бика, Султон Бахт, Шох Мансур каби ўзига хос концепцияга эга тимсоллар эса қоладиган қилиб ишланган.

Романда чинакам бадиий топилдик бўлган анчагина тасвирлар, тимсоллар мавжудлиги асарнинг қизиқарли ва ўқишли чиқишини таъминлаган. Гарчи, бу китобда ҳам тарихий сўзлар керагидан кўпайиб кетган бўлса-да, унинг тили ўзига хос ва жозибали. Асарда Соғинч биканинг: “Шахзода ҳам... мени севармикин? Мен-ку қуйиб-ёниб юрибмен, у-чи? Севармикин?.. Ўйлармикин?.. Қуйиб-ёнармикин?..” тарзидаги гумонли ўйлари ишонарли берилган. Қизнинг романтик феъли, болаларча ўйлаши, тўғри-нотўғри қарорларни шартга қабул қилиши унинг табиатидан келиб чиқиб тасвирланган. Романдаги “Зулукдай қошлари чимирилди, икки чаккасидаги қора зулфи аламдан гажакдай қайрилиб ўзини сочлар орасига урди, чап юзидаги кичкина чиройли холи эса, нима бўляпти ўзи, дегандай атрофга ҳайрон боқарди” тарзидаги тасвирлар мумтоз романлар аънанаси даражасида экани билан эътиборни тортади.

Амир Темурнинг “Мен мамлакатларни бирлаштира олурмен, бунга кучим етадур, аммо зўрлик билан икки кўнгилни бир-бирига боғлашдан ожиздурмен” шаклидаги иқрори ёки муаллифнинг у ҳақдаги “Самарқанддалиқ вақтларида ҳеч ким унинг ...қайси боғдалигини билмас, у ҳеч қаерда эмас, ҳамма жойда эди” каби тасвири бадиий топилма даражасида. Темурбекнинг: “Дунёда уруш отини ўчириш учун бел боғлағонмен, Мамат! Ажабо, бел боғлағон сарим уруш чиқаду, бу қандай сир-синоат?.. Наҳотки, қилич аралашмай қадам ташлаш мушкул бу оламда!” йўсинда озорланиши тасвири эзгуликка талпинган шундай қудратли одамнинг ёвузлик қаршисидаги ожизлигини табиий кўрсатади. Умаршайхнинг ўлганини эшитган Темур ҳолатининг: “Соҳибкирон оҳиста ортига ўгирилди, кўзларига тўлиб ана тўкиламан, мана тўкиламан, деб турган ёшлар энди унга бўйсунмай қўйишди. У ҳеч кимга бокмай, шоҳчодирга кирди... Лаҳза ўтмай, бир марта ўқирган овоз эшитилди” йўсинидаги тасвири ҳам ҳаққоний, ҳам таъсирчан чиққан.

Романдаги хоразмлик уста Матпано тимсоли ҳам ишонарли ва ўзига хос тасвирланган. Бу тимсол тасвири ўзига юкланган бадиий вазифадан ташқари, Темурнинг шахсиятини очишга хизмат қилганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Романда Саҳрои Кабирда бир томчи сувга зор бўлган баҳодирлар ҳолати тасвири ҳам жуда таъсирли чиққан. Рухнинг юксаклиги инсонга қудрат бахш этиши Ахий Жабборнинг ўз сувини Айбожга бера олишида яққол намоён бўлган. Султон Бахт бегимнинг мастликдан кутурган Мироншоҳни жиловлашга уриниши тасвири ҳаётий ва гўзал чиққан. Унда укасига ўктамлик қила оладиган аёл шиддати жуда таъсирли кўрсатилган.

Қайд этилган ютуқлар билан бирга “Улуғ салтанат” романи тасвирининг айрим ўринларида салқилик борлигини, ҳамиша ҳам ўқирманда шавқ уйғотадиган таъсирчан ифода йўсини таъминланмаганлигини айтиш жоиз.

Ёзувчи Омон Мухторнинг “Хотин подшоҳ” романида туркий халқлар ҳаётидаги бурилиш даври бўлмиш исломнинг



кириб келиш вақтида Бухоро салтанатини бошқарган Ой-нур тимсоли меҳр билан тасвирланган. Гарчи романда холис баён усули танланиб, ёзувчи тасвирда бевосита иштирок этмаган бўлса-да, муаллиф ўқирманни гўё бир йўлбошловчи каби қадимий Бухоро бўйлаб етаклаб юргандай ва шаҳарнинг ўтмиши билан таништиргандай бўлади. Асарда араб халифаси Муовия, унинг Убайдуллоҳ ибн Зиёд, Саййид ибн Усмон, Қутайба ибн Муслим каби лашкарбошилари ҳамда сотқин Хитфар Бухорхудот тимсоллари жонли тасвирланган.

Адиб этикоду имон учун борган жанглار тасвирланган бу романида севгининг сеҳрли қудратини бир-бирига қарама-қарши турган туркийлар билан арабларнинг етакчилари: Ой-нур ва Саййид ибн Усмон сиймоларида акс эттиради. Бир-бирига ёғий бўлган икки ёш ўртасида беихтиёр пайдо бўлган натижасиз ва азобли севги тасвири асарга айрича жозиба бахш этган. Ёзувчи асардаги аксар персонажларни ўз ички оламига эга бетакрор шахс сифатида тасвирлай олган. Бунда адиб кичик бир тафсил орқали муайян тимсолга хос каттарок жиҳатни ифодалаш йўлидан боради. Жумладан, Ойнурга тегишли: “Хотин подшоҳ қароргоҳга кириб келганида бир дам гангиди. Сирасини айтганда, у – журъат, ўктамлик билан юртни қўлида итоатли тутса-да, ёш жувон (кечаги қизалоқ) эди” ёки Саййид ибн Усмон ҳақидаги: “У аёлми, эркакми ўзидан акклироқ киши олдида доим бир нима дейишга қурби етмай, саросималанарди” сингари қисқа тасвирлар ёрдамида ҳар бир тимсолнинг ички дунёсини кўрсатишга эришади. Кўнгил майли, висол иштиёки боис бири олис саҳродан Бухоро томон, иккинчиси Бухоро шаҳридан саҳро сари от суриб, бир-бирига етай деб қолганда, кўнгил майли боис ортга қайтган Саййид ва Ойнур ҳолатлари тасвири таъсирли чиққан. Шунингдек, ёзувчи бадиий адабиётда илк бор Бухородаги туркийлар билан форсийлар муносабатидаги нозик жиҳатларнинг илдизи борасида ишонарли тўхтамларга келади.

Айни вақтда, “Хотин подшоҳ” асарида услубан бадиий яратикдан кўра маърифий йўналишдаги тадқиқотга ўхшаб

қолган ўринлар борлигини таъкидлаш керак. Асарда керагича ривожлантирилмаган бадиий топилмалар, яқунланмаган тақдирлар борлиги ҳам ўқирманда эътироз уйғотади.

Умумлаштириб айтганда, замонавий ўзбек романчилигида романий тасвирнинг янгича қатламлари ўзлаштирилиб, янги тимсоллар билан бойиб бораётганини кузатиш мумкин.



## Қурдош ҚАҲРАМОҶОВ

(1954 йилда туғилган)

### АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТАНҚИДЧИЛИКДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Истиклол, ҳаёт ва ижодимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, адабиётшунослик ва адабий танқид таракқиётида ҳам сифат жиҳатдан янги даврни бошлаб берди. Етмиш йилдан зиёдрок ҳукмбардорлик қилган марксча-ленинча дунёқараш ўрнига ҳурфикрликка асосланган янги илмий тафаккур шакллани бошлади. Бадиий асарни таҳлил ва талқин этиш, баҳолашда тайёр қолип ва андазалардан воз кечиш, умумбаشارий мезонлардан келиб чиқиб ёндашиш асосий тамойилга айланди. Асар таҳлилида ижтимоий-мафкуравий ёндашув ўрнига бадиий-эстетик мезонлар етакчилик қила бошлади. Бадиийлик тамойиллари ва асослари ҳақидаги қарашлар тақомиллашиб, асардаги инсон тасвирига ҳам муносабат тубдан янгиланди. Ижодкорга муайян ижтимоий соҳанинг вакили деб эмас, балки ўз қалби, орзу-умидлари, маънавий оламига эга бўлган индивид сифатида қараш шаклланди. Ушбу адабий ҳодисалар бевосита адабиётшунослик ва танқид методологиясининг янгиланаётганлигидан далолат беради.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги, шўро давридаги каби, бадиий асарга “ижтимоий му-



аммолар”, “долзарб мавзулар” нуктаи назаридан ёндашишдек бирёклама қарашлардан воз кечди. Бадиий асар талқини масаласи танқидчилик фаолиятида етакчи аҳамият касб этди. Зеро, истиқлолгача бўлган даврдаёқ шаклланган, бироқ тан олинмай, очик эътироф этилмай келинган ўзбек адабиётидаги турли ижодий изланишлар ҳам адабиётшунослик ва танқидчиликнинг бадиий асарларга, адабий жараёнга янгича концепция ва замонавий тамойиллар билан ёндашишини тақозо этмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида айтилган теран фикр-мулоҳазаларида “адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак”лиги алоҳида таъкидланади. Дарҳақиқат, бу мулоҳазалар бевосита танқид ва адабиётшунослик олдидаги вазифалар нечоғли долзарб ва масъулиятли эканини яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, миллий адабиётимизда бўй кўрсатаётган жаҳон адабиётига хос янгилинишлар бу ҳодисаларга эски мезонларда ёндашиб бўлмастлигини, уларни таҳлил ва талқин этишда жаҳоний миқёсда фикр юритишни талаб этади. Шу маънода хусусан, ўтган 2010 ва кейинги йилларда матбуотда чоп этилган адабиётшунослик ва танқидчиликдаги изланишлар, саъй-ҳаракатлар самарали кечди. Бу изланишлар мавзуларнинг хилма-хиллиги, таҳлил ва талқинларнинг изчил ҳамда теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу мақолаларга хос ютуқлар нималарда кўринади? Биринчидан, адабий-бадиий нашрларда босилган тадқиқот ва танқидий мақолалар, тақризларнинг мавзулари ранг-баранглигида, адабий жараённинг долзарб муаммоларини камраб олишга уринишда, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик муаммоларнинг дадил кўтариб чиқилганида кўриш мумкин. Иккинчидан, аксарият муаммолар хусусида кечган баҳс-мунозараларнинг ошқоралиги, илмий ва мантиқий асосланганида ҳам кузатиш мумкин.

Адабиётшунослик ва танқидчиликнинг ўтган йил мобайнидаги фаолиятининг энг характерли нукталарига тўхтал-

ганда, илмий-эстетик изланишларда адабиётшунослик соҳаси етакчилик қилганини таъкидлаш зарур. Бой адабий меросимизга янгича методология билан ёндашиш унинг очилмаган жиҳатларини очишга, баҳсли қирраларини ёритишга туртки беради. Бу борада “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ва “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Тафаккур”, “Ёшлик” каби журналларда чоп этилган бир қанча тадқиқот ва мақолаларни далил сифатида кўрсатиш мумкин.

Айтиш лозимки, адабиётшуносликнинг бугунги долзарб муаммоларини ҳамда замонавий адабиётнинг назарий масалаларини ёритишда бу нашрлар ибратли ишларни амалга оширдилар. Чунончи, ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан берилган мақолалар бу улуғ сиймолар ижодининг ҳали эътиборга тушмаган қирраларини очишга қаратилди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2010 йил 5 февраль сониди эълон қилинган “Навоийнинг худудсиз олами” номли давра суҳбатида иштирок этган олимлар Ёқубжон Исоқов, Иброҳим Ҳаққул, Қодиржон Эргаш, Каромат Муллаҳўжаева ва бошқалар бугунги кунгача навоийшуносликда эришилган натижаларни таъкидлаган ҳолда, галдаги асосий вазифа – навоийшуносликни янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор қаратиш, бу вазифалар нималардан иборат бўлиши керак, деган масалага анча ойдинлик киритишди. Шунингдек, Бобур мероси таҳлилига бағишланган Ҳасан Қудратуллаев ва бошқа бобуршуносларнинг чиқишлари ҳам адабий мерос кадрияти ва ибратини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади. Муҳими, улуғ салафларимиз таваллуд кунлари билан боғлиқ чиқишлар шунчаки улар шаънига турли шон-шарфлар айтишдан мутлақо холи бўлиб, асосий эътибор уларнинг ижодиётига қаратилди.

Адабий меросга муносабат масаласи “Матншунослик муаммолари” рукнида берилган бир неча мақолаларнинг асосий объекти бўлди. “Матншунослик давр талаблари дара-

жасидами?” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010, 2 июл) сарлавҳали давра суҳбати қатнашчилари олимлар Суйи-ма Ғаниева, Нусратулло Жўмахўжа, Нурбой Жабборов ва бошқалар мумтоз адабиётимизнинг энг далзарб муаммоларидан бири – матншунослик соҳасининг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари ҳақида баҳс юритганлар. Суҳбатда ўзбек матншунослиги бой тажрибага эга бўлган ҳолда бугунги кунда матншуносликда ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги, уларни ечишнинг илмий-назарий, ташкилий вазифалари алоҳида таъкидланган.

Мумтоз адибларимиз меросига муносабатда, айниқса, Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги баҳсда илмий ходим Абдусаттор Жуманазар айтиши мавзуда мақола эълон қилди ва унинг ҳар бир чиқиши алоҳида эътиборга тушди. Унинг “Калаванинг икки учи...” сарлавҳали икки мақоласи (ЎЗАС. 2010, 3,17 сентябр) Машраб мероси билан боғлиқ айрим муаммолар адабиётшунослар назаридан четда қолиб келаётганини ойдинлаштирди. Мазкур мавзуга оид чиқишларда бошқа олимлар ва ижодкорлар ҳам актив иштирок этаётгани мумтоз шоиримиз мероси билан боғлиқ масалаларнинг ёритилиш жараёни очик ва мунозарали тарзда давом этаётганини кўрсатади.

Адабиётнинг назарий муаммоларига бағишлаб қатор мақолалар чоп этилди. Уларда замонавий адабиётшуносликнинг янгича илмий-назарий мезонлари қандай бўлиш керак, кўп асрлик Шарқ мумтоз адабиёти илми ва Ғарб адабиётига хос таҳлил усулларини қай тарзда уйғунлаштириш мумкин, бугунги адабиётшунослик ва танқидчиликнинг методологик муаммоларини қандай яратиш лозим, деган долзарб масалалар кўтариб чиқилган, илмий хулосалар, конкрет таклифлар олдинга сурилган. Айтиш жоғда, адабиётшунослик ва танқидчилик назарий муаммоларнинг жаҳон адабиётшунослиги контекстида тадқиқ этилишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида чоп этилган Улуғбек Ҳамдамнинг “Давр та-



лаби ва янги мезонлар” сарлавҳали мақоласи билан бошланган (2010, 24 сентябр) бадиият назариясига доир қарашларни бир қатор мақолаларда кўриш мумкин. Жумладан, олимлар Муҳаммаджон Холбековнинг “Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар” (2010, 29 октябрь), Нўмон Раҳимжоновнинг “Ахлоқ ва идеал бош мезон” (2010, 12 ноябрь), Абдуғафур Расуловнинг “Концепция зарурати” (2010, 3 декабрь) каби мақолалари характерлидир. У.Хамдамов мақоласида бугунги ўзбек адабиётшунослигининг янгича методологик асослари ва тараққиёт тамойиллари қандай ривожланади, деган саволга Шарқ ва Ғарб илмий-фалсафий қарашларининг синтезлашуви асосида амалга ошириш таъкидланса, профессор М.Холбековнинг мақоласида эса, “жаҳон адабиёти” атамаси сўнгги даврларда барча миллий ва минтақавий адабиётларни бир-бирига боғлайдиган тушунчага айланиб, умуминсоний адабиётнинг вужудга келишига асос бўлгани кўрсатилади ва айни ҳолат худди иқтисодиётдаги глобаллашув каби адабиётда ҳам глобаллашув жараёни бошланганини таъкидлайди. Айни пайтда, умумбашарий бадиий яхлитликни ўзида мужассамлаштирган асарлар миллий анъаналар ва кадриятларни ҳам умуминсонийлик билан уйғунлаштириб, бир бутун ҳолда намоён бўлаётгани кўрсатилади. Проф. Н.Раҳимжонов мақоласида эса бугунги кун адабиётшунослигининг назарий асослари яратилишида жаҳон адабиётида яратилган етук асарлар қимматли манба бўлиб хизмат қилиши таъкидланиб, айни чоғда назарий умумлашмалар амалий тажрибалар асосига қурилиши, шу боис ҳам бугунги кунда ижодкорлик салоҳиятига эга бўлмаган тасодифий шахслар ҳам ёзувчилик даъвоси билан чиқишларига қарши курашиш зарурлигини куюнчаклик билан ёзилади. Проф. А.Расулов “Концепция зарурати” номли мақоласида бугунги глобаллашув жараёни жаҳон адабиётшунослигининг янги, истикболли муаммоларини ўртага ташлаётганини таъкидлар экан, янги назарий методологик янгиликларни кашф этиш тобора қийинлашиб бораётганини кўрсатади ва бу борада амалга оширилиши ло-

зим бўлган масалаларга тўхталади. Сувон Мелининг “Янги танкид” (Ғарб адабиётшунослигидаги бир оқим ҳақида // Шарқ юлдузи, 2010. 4-сон) номли мақоласида ўтган асрнинг ўрталарида Ғарб ва Америка адабиётшунослигида пайдо бўлган янги йўналиш, янги танкиднинг ўзига хос жиҳатлари, пайдо бўлишига асос бўлган манбалар, жумладан, фалсафий, илмий, ижтимоий асослар ҳақида атрофлича фикр юритилади. Мазкур мақола чуқур илмийликка асосланган бўлиб, унда янги танкиднинг жаҳон адабиётшунослигидаги ўрни, хизматлари, айтиш чоғда ўзига хос бўлган заиф томонларини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

“Жаҳон адабиёти” журналида “Адабиётшунослик” рукнида эълон қилинган кўплаб мақолаларда ўтган асрларда яшаб ижод этган жаҳон адабиётшунослигининг нодир манбаларидан таржималар ҳам ўрин эгаллаган. Жумладан, ўрта асрда Қашмирда яшаб ижод қилган назм назарийетчиси Анандавардхананинг “Дхваньялока” (“Жаҳон адабиёти”, 2010, 1-сон) номли асарининг Ҳ.Болтабоев ва М.Маҳмудов таржимасида эълон қилиниши хинд шеършуносининг ўрта асрдаги қарашлари билан бугунги ўзбек китобхонини таништиришга хизмат қилади. Бу тадқиқотнинг энг муҳим жиҳати, унда шеърининг жон-жони бўлмиш шеър жавҳари ҳақида маълумот берилишидир.

Таржимашунослик масалаларига оид мақолаларда таржимачиликнинг турли йўналишлари камраб олинганини кузатиш мумкин. Чунончи, Тоҳир Умрзоқовнинг “Аслиймонанд таржима муаммолари” (“Жаҳон адабиёти”, 2010. 1-сон), Парда Курбоновнинг “Байроннинг “Шийон туткун”и ўзбекча оҳангларда” (“Жаҳон адабиёти”, 2010, 2-сон) мақолаларида воситачи тил орқали қилинган таржималарга оид муаммолар тилга олинади. Ҳар иккала мақолада ҳам рус тилидан қилинган таржималар қанчалик маҳорат билан амалга оширилган бўлмасин, аслиятдан қилинган таржимадаги йўл қўйилган хатоликлар кейинги таржималарда ҳам такрорланиши мумкинлиги қатор мисоллар билан кўрсатилади. Таржима тарихига оид мақолалар ҳам таржимачилик масаласида алоҳида йўналишни

ташкил этади. Муҳаммадҷон Холбековнинг “Французча “Бобурномалар” (“Жаҳон адабиёти”, 2010. 4-сон) номли мақоласи “Бобурнома”нинг француз тилига қилинган таржималари тарихи ва уларнинг талқинига бағишланган бўлса, Б.Каримовнинг “Робинзон Крузо”нинг илк таржимаси” (“Жаҳон адабиёти”, 2010. 5-сон) номли мақоласида мазкур асарнинг XX аср бошларида М.Фозилбек Отабек ўғли томонидан амалга оширилган илк таржимаси ҳақида маълумот берилади. Айни пайтда, шу китобдан қилинган таржиманинг намунаси ҳам берилган. Мақолада Робинзон Крузонинг озарбойжон ва татар адабиётидан қилинган таржималари ҳақида ҳам кизиқарли маълумот бериладики, бу ўзбек таржимашунослиги тарихи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда ёрдам беради.

И.Ғафуровнинг “Таржимада аниқлик керакмасми?”, “Ҳозирги замон ва таржима”, Куръони карим таржимасига бағишланган мақолалари, “Таржимонлик мутахассислигига кириш” рисоласи, Комилжон Жўраевнинг “Маъно ва мантик бирлиги” (ЎзАС. 2010, 19 февраль) каби мақолаларида таржимашуносликдаги оқсаётган томонларга эътибор қаратилади. И.Ғафуровнинг мақоласида кейинги ўн йил ичида “Жаҳон адабиёти” журналида жуда кўплаб таржима асарлари чоп этилгани ҳолда уларнинг савияси ҳақида бирорта ҳам таҳлилий мақола йўқлиги афсус билан қайд этилади. Айни чоғда таржима ижодкорлик билан бирга аниқлик талаб қиладиган соҳа эканига эътибор қаратилади.

Қ.Йўлдошевнинг “Моҳиятни англатиш йўли” (“Шарк юлдузи”, 1-сон) номли мақоласи ҳам ғоят долзарб мавзуда эканлиги билан ажралиб туради. Маълумки, бадий асар таҳлили масаласи ўзбек адабиётшунослигида деярли ишланмаган соҳа. Бу борада ҳали олий ўқув юрглари учун бирорта мукамал дарслик ва қўлланманинг яратилмагани ҳам шундан далолат беради. Шу боис мазкур мақоланинг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти катта. Мақолада, бадий асар таҳлили жараёнида нималарга эътибор бериш керак, деган масалага ойдинлик кiritишга ҳаракат қилинган. Жумладан, таҳлил атамаси, таҳлил

турлари, чунончи, илмий, филологик, ўқув-дидактик турларга ажратилиб, етакчи принципларини кўрсатишга ҳаракат қилингани диққатга сазовор. Мақолада таҳлилда дунёқараш ва миллий мансубликнинг ўрни, энг аввало, фалсафий асосни белгилаб олиш билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши эътиборга молик. Муаллиф фикрича, фалсафий асос тўғри белгилаб олинмаса, таҳлил қанчалик маҳорат билан олиб борилмасин, кўзланган мақсадга эришилмайди. А.Расуловнинг адабий асар таҳлили ва талқинига бағишланган мақолалари ҳам кизиқарли ва янги қарашларга бой.

Адабий жараён муаммоларига бағишланган мақолаларда ҳозирги адабий танденцияларни белгилашга бўлган ҳаракатларни кузатиш мумкин. Ҳ.Каримов “Бугунги насрнинг хусусияти ва тамойиллари” (“Шарқ юлдузи”, 2010. 3-сон) номли мақоласида бугунги ўзбек насридаги асосий жиҳатларни кўрсатишга ҳаракат қилади. Мунаққид фикрича, бугунги кунга келиб асосий тамойиллар қуйидагича: жанрда ғоявий тематик кўламнинг кенгайиши, гуманистик мазмун ва руҳий таҳлилнинг теранлашиши, миллий ўзига хосликнинг кенг қулоч ёйиши, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, яшашдан мақсади ва бошқа масалаларнинг фалсафий йўналишдаги чуқурлашуви ва ҳ.к.

Олим мақолада Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, Н.Норқобил, А.Йўлдош, Ш.Бўтаев, У.Ҳамдам, Л.Бўрихон ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг турли йўналиш ва мавзулардаги асарларининг қиска-қиска шарҳи орқали юқоридаги тамойилларни тасдиқлашга ҳаракат қилган. Бироқ мақолада талқинлар асар мазмунини қиска-қиска баён қилишдан иборат бўлиб қолган. Асарни баҳолашдаги мезон ҳам ўзига хос. Масалан, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи ҳақида фикр юритиб, жуда вақтида ёзилган асардир, деб баҳо беради. Бадиий асарнинг мукамаллиги унинг вақтида ёзилган ёки ёзилмаганига қараб белгиланмаслиги кундек равшан.

Н.Эшонқулнинг ҳикоялари ҳақида фикр юритганда, уларнинг барчаси модерн талабига жавоб бериши айтилиб, бу-

нинг асосий сабаби кучли рамзийликка эга эканлиги билан изоҳланади. Ваҳоланки, модерн асарларининг ўзига хослиги кучли рамзийлик билангина белгиланмайди. Сўнги пайтларда мунаққидлар портрет яратиш маҳорати ҳақида ҳам қизиқарли мақолалар яратмоқдалар. Шу жиҳатдан О.Шарафиддиновнинг портретнавислик маҳоратини очувчи Д.Қуроноунинг “Портретдаги мусаввир сийрати” (“Шарк юлдузи”, 4-сон) номли мақоласи характерлидир. Мазкур мақолада тарихийлик тамойилларига асосланган ҳолда шўро даврида яшаб ижод қилган Ғафур Ғулом шахсияти ва сиймосидаги асосий чизгиларнинг олим томонидан тўғри талкин этилганлигини, портретда даврга хос бўлган нур ва соялар аниқ ажратиб олингани кўплаб мисоллар билан асослаб беради.

Шухрат Ризонинг “Қийноқ, сенга бўлсин шараф” (“Шарк юлдузи”, 2010, 6-сон) номли мақоласида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим портретига чизгилар берилади. Бунда шоир шеърятига хос бўлган чуқур инсоний дард унинг драматик асарларида қай даражада ўзини намоён қилди, деган масала ўрганилган ва драмаларида ҳам дард, қийноқ зухур этиб турилса-да, Усмон Азим энг аввало шоир сифатида ўзлигини намоён қилаётгани эътироф этилади.

Илмий ва бадиий асарларга кўплаб тақризлар ҳам эълон қилинди. Атоқли ёзувчимиз П.Қодиров билан Тўлқин Эшбек ҳамкорлигида чоп этилган “Оққан дарё яна оқади” (“ЎЗАС”. 2010, 9 июл) номли тақриз таниқли адабиётшунос олим А.Расуловнинг “Бетакрор ўзлик” китобига бағишланган. Китобда ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари акс этгани ундаги кўплаб мақолалар таҳлили билан кўрсатилади. Тақризчилар “Бетакрор ўзлик” китобининг мазмун ва моҳияти аниқ мақсадга қаратилганини, тили раво ва фактларга бойлигини таҳлиллар билан асослашади ва уни сўнги давр адабий танқидчилигининг ютуқларидан бири сифатида баҳолашади.

Профессор А.Расулов ва тадқиқотчи А.Тожиев қаламига мансуб “Доимий ҳамроҳ” (“Жаҳон адабиёти”. 2010, 8-сон) номли тақриз Д.Қуроноун, С.Мамажонов, Шералиева томо-



нидан яратилган “Адабиётшунослик луғати” номли китобга бағишланган. Такризда “Адабиётшунослик луғати” китобининг муҳим жиҳатларига тўхталинади. Муҳими, луғатда 550 га яқин атама ва тушунчанинг таҳлил ва талқин қилинганлиги ижобий ҳодиса сифатида баҳоланади. Асарда ўзбек адабиётига сўнгги 10-15 йил ичида кириб келган модернизм, структурализм, постмодернизм каби тушунчалар ҳақида янгича карашлар баён этилгани ишонарли очиб берилган. Шунингдек, луғатда мумтоз адабиётга оид кузатишларда ҳам етук адабиётшуносларнинг тадқиқотларига таянилган ҳолда керакли маълумотлар акс этганига эътибор берилади. Чунончи, аруз вазни шеърини санъатлари ҳақидаги карашларда Фитрат, С.Мирзаев, А.Рустамов, У.Тўйчиев каби адабиётшуносларнинг тадқиқотларига таяниш ижобий ҳодиса сифатида қайд этилади.

О.Абдуллаев ва Қ.Кубаевнинг “Бадий ижод психологияси” (“Жаҳон адабиёти”, 7-сон) номли такризи профессор Н.Раҳимжоновнинг “Бадий асар биографияси” номли Иззат Султон ижодхонаси ҳақидаги тадқиқотига бағишланган. Бунда муаллифнинг Иззат Султонни энг аввало драматург сифатида кашф қилгани, драматик асарлар яратилишига оид жараёнлар ҳақидаги кузатувларида ижод психологиясини ўрганиш бош масала бўлгани, тадқиқотчи шу асосда бадий асар биографияси юзасидан оригинал кузатишлар олиб борганлигини ишонарли тарзда қайд этадилар.

Сухбат жанрида чоп этилган мақолалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. “Шарқ юлдузи” журналида И.Ғафуров билан Й.Солижоновнинг “Улисс” дунёсидаги эврилишлар (“Шарқ юлдузи”. 2010, 1-сон), Н.Каримов билан Улуғбек Ҳамдамнинг “Асар юрак қони билан ёзилади” (“Шарқ юлдузи”. 2010. 3-сон) мавзусидаги сухбатлари шу жиҳатдан қимматли. Сухбатларнинг биринчисида Жеймс Жойс “Улисс” романининг ўзбекча таржимаси ва роман моҳиятини англаш муаммоси ҳақида гап кетса, кейингисида ХХ аср адабиёти, унинг фахрли ва оғрикли нуқталари, авлодлар алмашуви ва у

билан боғлиқ масалалар хақида фикр юритилади. Энг муҳими, бу суҳбатлар теран илмий таҳлиллар билан зийнатланган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги мустақиллик йилларида янгилашиш жараёнини бошдан кечирди ва ўз концепцияси ҳамда илмий-назарий асосларини яратишда такомиллашув босқичига қадам қўймоқда.



---

## Раҳматулла БАРАКАЕВ

(1954 йилда туғилган)



---

### БУГУНГИ БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ ҚАҲРАМОНИ

Ҳар қандай жамият истиқболини ўсиб келаётган ёш авлод белгилаши даврлар мобайнида тан олинган ҳақиқатдир. Шу боисдан мамлакатимизда Истиқлолнинг дастлабки кунларидан эътиборан ёш авлод жисмоний ва маънавий камолотига алоҳида эътибор берилляпти.

Ёш авлод маънавий камолотини таъминлашда болалар адабиёти ўзига хос ўрин тутиши тан олинган ҳақиқатлардан бири. “Болалар адабиёти” деганда болалар ёш хусусиятларига мос келадиган, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар хусусида ёш китобхон тушунчаси даражасида маълумот берадиган шўх ва ўйноқи, тарбиявий аҳамият касб этадиган асарларни тушуниш қон-қонимизга сингиб кетган. Шу сабабли ҳам шоиру носирлар ҳазилкаш, шўх, ўйинқароқ, топқир болакайлар ҳақида ҳазил-хузулга бой ҳажвий шеър ухкоялар, дostonу киссалар битадилар; наботот ва ҳайвонот дунёсини болаларнинг ҳайратомуз нигоҳи билан қайта-қайта кашф қиладилар; парранда, даррандаларни мисол қилиб, ибратомуз эртагу масаллар ёзадилар; Ватан – киндик қони тўкилган муқаддас она тупроққа садоқат, устозлар ва ота-

оналар хурматини шарафлаш руҳидаги шеър у дostonлар яратадилар; болаларни илм-маърифат нуридан баҳраманд бўлишга чорловчи – мактаб, китоб ва бошқа турли ўқув курулларини мадҳ этувчи асарлар битадилар ва ҳоказо. Албатта, бу мавзуларнинг ҳар бири ҳам умрбоқийлиги ва болалар адабиётимиз маҳсулида доимо сезиларли мавқе касб этиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлар. Бинобарин, “ана шу ҳақиқатларни ҳар бир авлод қандай қайта кашф қиляпти ва бу кашфиётларнинг бадиият даражаси қандай?” деган савол доимо олдимизда кўндаланг туриши ҳам шу боисдан табиийдир.

Истиклол даврида халқимиз том маънода уйғонди, ўзлигини қайта идрок этди, минг йиллик кадриятларига, эътиқодларига қайтди. Ушбу жараёнда ўзбек болалар шеърятининг ҳам камтарона ўрни, ўзига хос хизмати бор. Ушбу давр ўзбек болалар шеърятининг энг сара намуналари шу маънода ёш авлод қалбида истиклол туйғуларининг чечак очишига, ҳақиқий, том маънодаги она-Ватан – киндик қони тўкилган муқаддас заминга меҳр-муҳаббат; она-заминни, унинг бетакрор табиати – қир-адирларини, тоғу ўрмонларини, боғ-роғларини, дарёю кўлларини авайлаб-асрашга, “Ўзбекистон” деб аталмиш ана шу муқаддас Ватанга, унинг номини оламга танитган буюк фарзандлари – мутафаккир олиму шоирлари, улуғ Туркистон ягоналиги учун курашган соҳибқирон тождорлари шаънига муносиб фарзанд бўлиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Шу ўринда марҳум ижодкор Ҳ.Имонбердиевнинг “Алла” шеърисидаги қуйидаги мисралар эътибор тортади:

– Ана, Бўри келяпти!  
Ухлай қол, овунчоғим.  
Қўй шундай деб қўрқитиб,  
Ухлатар қўзичоғин.  
– Вуй, анови илонни!  
Ухла тез, болажоним, –  
Чумчуқ шундай қўрқитиб,



Ухлатар полапонин.  
– Ухла, Олабўжиев  
Кўрсатган қорасини. –  
Одам шундай кўрқитиб,  
Ухлатар боласини.  
Она Бургут аллалар:  
– Ухла, кучга тўлиб ўс.  
Ушбу тоғ-тош, осмоннинг  
Хукмдори бўлиб ўс!  
Писанд этмай хатарни  
Шунданми полапони,  
Тушларида чарх урар  
Тўлдириб кенг самони.

Назаримизда, ушбу шеър катта тарбиявий-маърифий аҳамият касб этади. Зеро, ўзбек болалар адабиёти мустақил Ўзбекистон келажагини яратувчи ёш авлод тарбиясига масъул экан, фарзандларимиз эрксевар, мард, комил инсонлар бўлиб етишуви йўлида доимо баланд пардаларда янграмоғи керак. Токи ижодкорларимизнинг ҳар бир асари ёш китобхон қалбида эзгулик, инсонийликнинг бир ниҳоли илдиз отишига хизмат қилсин. Ана шундагина болалар адабиёти ўз миссиясини муваффақият билан адо этган бўлади.

Ҳ.Имонбердиевнинг “Алла” шеъри, даставвал, шу жиҳати билан эътиборга молик. Зеро, она бургут полапонининг қалбига “ушбу тоғ-тош, осмоннинг хукмдори бўлиб ўсиш”ни гўдаклигидан алла билан сингдираётганлиги боис бургутча хатто тушида ҳам кенг самони тўлдириб чарх уради. Инчунин, мустақил она юртимизнинг келажаги бўлмиш фарзандларимиз ҳам болалиқдан шу азиз ватаннинг эгалари, унинг бахт-саодатини, порлоқ келажагини яратувчилар эканликларига комил ишонч руҳида тарбияланмоқлари лозим.

Булар – масаланинг ижтимоий, илмий ва амалий жиҳатлари. Бироқ муаммонинг аҳамияти булардан кам бўлмаган эстетик жиҳати ҳам мавжуд. Зеро, Шеърият – Она қадар по-

киза хилқат, Она қадар беғубор гўзаллик, Она қадар меҳрибон ва талабчан мураббийдир. Шу боисдан ҳам шеъриятга ошно қалблар гўзалликни ҳис қилади, гўзалликдан завқ олади, бундай қалбнинг ўзи ҳам гўзал бўлади. Ана шу маънода истиклол даври ўзбек болалар шеъриятининг энг яхши намуналари ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёш авлоднинг пок қалбини гўзаллик нури билан мунаввар қилади, бу беғубор қалбларга эзгулик уруғини сочади, уларни гўзал она-Ватанимизнинг порлоқ келажагини яратувчи том маънодаги гўзал Инсонлар қилиб тарбиялашдек масъулиятли ишга ўзининг холис ҳиссасини қўшади.

Маълумки, болалар табиатан ҳамма нарсага қизиқувчан, ҳар бир нарсанинг қандай пайдо бўлганини аниқлашга, масаланинг моҳиятини англашга интилувчан бўладилар. Шу боисдан ҳам ёш китобхонга мўлжаллаб яратилган энг яхши шеърларда болаларнинг ушбу хусусиятлари турли жиҳатлари билан намён бўлади. Бундан ташқари, ижодкор асарларини болаларга мўлжаллаб яратар экан, унинг асосий қаҳрамонлари болалар бўлиши ҳам табиий. Чунки китобни ўқиётган бола асардан, аввало, ўзини, ўй-фикри, дунёқараши, изланиш-интилишлари ўзи билан бир хил бўлган тенгдошларини қидиради.

Бугунги болалар шеъриятининг етакчи намояндаларидан бўлмиш Т.Адашбоев шеърларида ана шундай ёш қаҳрамонлар образи алоҳида ўрин тутади. Бу шеърларда асар марказида лирик қаҳрамон сифатида ҳар бири ўзига хос олам бўлган болалар образлари туради, асар сюжети улар номидан тасвирланади, бепоён оламини ўз нигоҳи билан кўришга, унинг турфа сир-синоатларини ўзича кашф қилишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган ёш қаҳрамоннинг баъзан беғубор, болаларча содда, баъзан ўша соддалик ортига яширинган болаларча қув, айёр, лекин, асосийси, доимо изланишда, ўсиш-улғайишдаги қиёфасини шоир моҳир мусаввир сингари турфа ёрқин бўёқларда тасвирлайди. Унинг асарларини ёш китобхонларга манзур қиладиган жиҳатлардан бири ҳам шунда акс этади.





Иждокор бола тимсолини, характерини яратар экан, яратувчилик ишқи билан ёнган, “келажакда ким бўлсам экан?” деб, эртага умид кўзларини тиккан, орзу-хаваслар оғушида яшаётган болалар образи унинг диккат марказида бўлиши табиий. Зеро, шоирнинг ана шундай шеърлари минглаб тенгдошлари орасидан ёш қахрамонларни ажратиб олади, уларни фикрлашга, тинглашга, назар ташлашга ўргатади. Фикрлаш эҳтиёжи эса шахснинг камол топишига олиб келади. “Тунда учган юлдузни” шеъри қахрамонлари ана шундай улкан умидлар билан яшаётган Нодир ва Носир исмли болалар:

*Нодир: – Космонавт бўлсам, ойга  
Каптар расмин ўярдим.*

*Носир: – Ер куррасин гулзордек  
Алвон рангга бўярдим.*

*Нодир: – Она-Ватан меҳрига  
Кўкдан боқиб тўярдим.*

*Носир: – Марсга экиб ҳандалак,  
Дўстлар келса сўярдим.*

*Нодир: – Тунда учган юлдузни  
Ўз ўрнига қўярдим.  
Эҳ, аттанг, – дейди Носир,  
Ёшмиз-да, ҳали ахир.*

Космонавт бўлиб, осмонларда учиш, кўкларни кучиш, Ою Марсларни ўзлаштириш, тунда учган юлдузни ўз ўрнига қайтариб қўйишдек улкан орзу-умидлар куршовида яшаётган болаларнинг ниятлари пок: Нодир Ойга каптар расмини ўймоқчи, каптар эса тинчлик рамзи, демак, болакайнинг орзуси бутун оламда тинчлик барқарор бўлишига эришиш; Носир Марсга ҳандалак экиб, дўстлари келса ҳандалак сўйиб, уларни меҳмон қилмоқчи, демак, унинг нияти ҳам эзгулик. Диалогик нутқ услубига асосланган ушбу шеърда болаларнинг ўзбекона бағрикенглик, меҳмондўстлик табиати ишонарли, самимий сатрларда тасвирланган. Шеър хулосаси болалар ҳали ёшликларидан озгина афсуслансалар-да, беғубор ор-



зу-истаклари ниятлари поклигига, қатъийлигига китобхонни ишонтира олиши билан эътиборга лойик.

“Космонавт” шеъри қаҳрамони Акмалжон ҳам Нодир ва Носир сингари бепоён самоларда парвоз этишдек эзгу орзу-умидлар билан яшайди. Унинг “скафандр ва кета” кийиб, ракетада космос бағрига учиб кетиши тасвири ёш боланинг чек-чегара билмас хаёлот олами маҳсули сифатида диққатга сазовор. Аслида космонавт бўлишни орзу қилмайдиган бола борми ўзи?! Акмалжоннинг тушидаги коинотга парвози эса хар бир хаёлпараст боланики сингари ғаройиботларга тўла – осмону фалакдан туриб эртақларда, китобларда ўқиган машхур қаҳрамонларини ўз юртларида кўриши, уларнинг барчасини ҳайрону лол қолдириши тасвирлари ниҳоятда рангин. Шоир туш эпизодини ўринли қўллаб, Акмалжоннинг коинотга парвози ва ғаройиб сайру саёҳати ҳақида қизиқарли ва ишонарли, асосийси, хаёлпараст ёш бола характерини табиий акс эттирадиган шеър яратади.

“Менинг саволим” шеъридаги уйғониб улгурмасидан, кўрпасидан чикмасидан “Тун не учун коронғи, кундуз нега ёпёруғ?”, “Нега куш парвоз этади-ю, менинг бошимдаги қалпоғим учмайди ёки мени ташлаб кетишга кўзи қиймайдими?” деб ўйлайдиган, боши жумбоқлар билан тўлиб-тошган, барча нарсага қизиқувчан, ҳамма нарсанинг моҳиятини билишга интилувчи бола ва “Латифжоннинг лофлари” шеъридаги Латифжон ҳам Нодир, Носир, Акмалжон сингари ўйчан, фикрловчи болалар тимсолидир. Латифжон табиатан озгина лофчирок бўлсада, аслини олганда, унинг лофлари одамларнинг оғирини енгил қилишга йўналтирилганлиги билан ҳаётбахш, ишонарли. Чунки у кўзи хиралашиб қолган саксон ёшли бувиси учун игнага ип ўтказувчи асбоб ўйлаб топмоқчи бўлади, онасига гуручнинг курмаги ва тошини ажратиб берадиган махсус магнит яратмоқчи бўлади, одамлар силлик, дум-думалоқ тарвузни кўтаришда қийналмасинлар деб тарвузнинг махсус туткич-сопли турини кашф қилмоқчи бўлади. Масаланинг моҳиятига янада чуқурроқ қирадиган бўлсак, лоф жанрининг замонавий-





лаштирилган шакли бўлган ушбу шеър қаҳрамони Латифжоннинг лофларида, шоир қайд этганидек, “анча-мунча асос бор”, яъни бу “кашфиёт”лар бувисининг игнасига ип ўтказавериш, онасига гуручнинг тоши ва курмагини тозалаб бериш, бозордан қийналиб тарвуз кўтариб келишдан безор бўлган боланинг ўз юкини енгиллатиш мақсадидаги ўй-фикрлари сифатида ёш китобхонлар хаёлот оламига ҳамоҳанг.

“Менинг саволим” шеърда эса барча нарсага қизиқувчан, ҳамма нарсанинг моҳиятини билишга интилувчи ана шундай болақайлардан яна бирининг жонли образи яратилган:

*Ўйлаб қолдим кўрпадан  
Туриб-турмай уйғониб.  
Тун не учун қоронғи?  
Кундуз нега ёп-ёруғ?  
Онам, бувим қаяқдан –  
Яралганим сўрасам,  
Қотиб-қотиб қулишар,  
Ўйлаб ҳайрон бўласан.  
Парвоз этар нега қуш?  
Бу савол ҳам қийнайди.  
Нечун учмас қалпогим?  
Мени кўзи қиймайди?  
Туриб-турмай кўрпадан  
Шунча савол қошимда.  
Тўлиб-тошган жумбоқлар  
Юрар менинг бошимда.*

Дарҳақиқат, ҳаётда дуч келаётган ҳар бир янгилиги ёш бола учун мўъжиза. У табиат ва жамиятдаги ҳар бир нарса ва ҳодисанинг моҳиятини тушунишга, англашга ҳаракат қилади ва “нима учун?” деган юзлаб саволлари билан бобо-бувиси, ота-онаси, ака-опаларига тиним бермайди. Ростдан ҳам, нега тун қоронғи-ю, кундуз ёп-ёруғ? Нега қуш парвоз қила олади-ю, боланинг қалпоғи учмайди? Бинобарин, ёш бола мактаб ёшига етгунга қадар табиат ва жамиятнинг ўз наза-

ридаги ҳар бир ҳодисасини мўъжиза деб ҳисоблаши ҳамда унинг сир-асрорини дастлаб ўзи ечишга уриниши, ўзи уддасидан чиқа олмаганида ҳаёт тажрибаси каттароқ одамлардан ёрдам сўраши у кишилиқ оламига кириб келишининг дастлабки босқичлари эканлиги шеърда ишонарли ва самимий тасвирланган.

Кейинги давр болалар шеърляти қахрамонлари ҳақида гап кетар экан, улар сафи ранг-баранглигини ҳам қайд этиш керак. Улар орасида Ҳ.Имонбердиевнинг “Ўжарлар” туркуми қахрамони Ғанича ва “Ғалати Омон” туркумидаги Омонни алоҳида тилга олиш жоиз. Ғанининг исмига жуссаси кичиклиги, заифлиги учун кичрайтирувчи “-ча” қўшимчаси қўшилган. Бироқ шуниси қизикки, қишлоқ болалари зўравон, “қишлоқнинг шефи” деб ном чиқарган Санжарни кўришлари билан тумтарақай бўлиб кетишса, ўжар Ғанича тап тортмай тураверади, Санжар уни ҳар қанча калтакласа ҳам, сувга пишса ҳам чўмиладиган жойдан кетмайди. Чунки у чўмиладиган жой биргина зўравон Санжарга эмас, барча болаларга тегишли деб ҳисоблайди. Қўй боқишга чиққанларида болаларнинг барчаси навбатма-навбат Санжарнинг қўйларига қарашса-да, ушоккина Ғанича Санжарга хизматкор бўлишни истамайди ва ўжарлиги учун яна Санжардан калтак ейди. Ҳамқишлоқлари ҳар қанча “бу йўлингдан қайт, бўлмаса калтак тагида майиб бўлиб кетасан” дейишса-да, у йўлидан қайтмайди, ҳақиқат йўлида, инсоний қадр-қиммат йўлида ўзидан кучли рақиб билан ҳам тинмай муштлашаверади:

*Навбатдаги ҳақорат  
Тоши отилган пайти,  
Ғанидаги жасорат  
Изига кетди қайтиб.  
Ғани бир дам тош қотди,  
Борлиқ рангин йўқотди.  
Оёқ-қўли бўшашиб,  
Туриб қолди қарахтдай.  
Қалқиб кетди, кесилиб*



Кулаётган дарахтдай.  
Бирдан ҳайқирди: – Йўқ! Йўқ!  
Ва Санжарга ташланди.  
Яна мушту яна дўқ,  
Яна ур-сур бошланди.  
Ҳа, бу гал ҳам қочмоқни  
Эп билмади Ғанича.  
Кўп-хўп еди калтакни,  
Солишди тўйганича.  
Ҳар ён кетди рақиблар  
Бир-бирига демай сўз.  
Барча бола жим боқар,  
Ғаничадан узмай кўз.



Назаримизда, ушбу шеърда ҳаётга жиддий боқадиган, ўз ўрни, инсоний кадр-қимматини ҳамма нарсадан устун кўядиган, қадри учун ҳатто нотенг курашдан ҳам қайтмайдиган қаҳрамон характери, феъл-атвори анча жонли яратилган. Шунча воқеалар бўлиб ўтганида Ғаничага “ўжарлигингни кўй, калтак еб майиб бўлиб кетасан” деб “маслаҳат” беришгагина яраган, ҳақиқатнинг ёнини олишга ярамаган, жони кўзига азиз кўринган болалар охирида Ғаничага ҳеч сўз демай тикилиб қоладилар. Аслида ҳам сўзга ўрин йўқ. Чунки ҳақиқат эгилиши, букилиши, ҳақоратланиши мумкин, бироқ синиб, йўқ бўлиб кетмайди. Шу боисдан ушоққина ҳақиқатнинг охир-оқибат ғолиб чиқиши табиий ва у, аслида, катта ҳақиқатга йўл очади. Шу маънода бу шеър катта ижтимоий-маърифий аҳамият касб этади: миллионлаб километр масофадан келаётган бир тутам нур йўлимизни ёритгани сингари ушбу кичкинагина ҳақиқат ҳам қалбларда чирок ёқади.

Болалар адабиётимизнинг эртаси сифатида бўй кўрса-таётган умидли қаламкашлардан Содикжон Иноятовнинг “Янги бола”, “Ёш партизан ҳақидаги фильмни кўрганда” шеърларидаги ўзига хослик у топган, кашф қилган кутилмаган



ва теша тегмаган мавзуларда, тиник тасвирда, бакувват, пишиқ хулосаларда акс этади. Мана, ёш шоирнинг “Янги бола” шеъри:

*У сузонгич таканинг  
Ушлолмади шохидан.  
Нок ўгирлай олмади  
Носир ака богидан.  
Дедим: – Кўрқоқ бўлмасанг,  
Олапарни битта сол!  
Эпложмайсанми? Қани,  
Бу ердан тез жўнаб қол!  
Хуллас, бизнинг “синов”дан  
Ўта олмади сира.  
Маҳаллада йўқ унга  
Битта ҳам ўртоқ, жўра.  
Аммо қўшни болакай  
Чўкаётган пайт сувга,  
Ўзини сойга отиб  
Тик қаради Кўрқувга!*

Шоирларимиз шеърлари қаҳрамонлари кўпинча шўх-шаддод, топқир, озгина кувроғу озгина соддароқ болакайлар. Бирок бу шеър қаҳрамони уларнинг аксича, бўш-баёвгина бола. Шеърнинг муваффақияти эса, эҳтимол, ана шу кутилмаган хулосада – яъни ташқи кўриниш, жисмоний куч ҳали ҳеч нарсани ҳал қилмаслигининг ёркин ва асосли акс эттирилганида, “синовчи”ларнинг тан олишларидадир. “Шеър одатда хайратдан туғилади”, деган гап ҳам бор. “Янги бола”ни ёш китобхонга манзур қиладиган сифат бориб-бориб ўша хайратга, тан олишга тақалса ҳам ажаб эмас.

Ҳозир болалар ҳам ёппасига шеър ёзаётган бир пайтда шеърнинг вазн ва қофиясини келиштириш билан ҳеч кимни хайратга солиб бўлмайди. Фақат самимият, қалб кўридан чиққан ёғду ва дард билангина китобхонни ўйлатиб қўйиш мумкин. “Ёш партизан ҳақидаги фильмни кўрганда” шеъри ана шу хусусияти билан китобхон қалбига жо бўлиши шубҳасиз:

Энг сўнги сўроқда ҳам  
Мардона тутди ўзин.  
Сотмади дўстларини  
Ўйшиганда ҳам кўзин.  
Душманлар аламзада,  
Олиб қасдма-қасдига,  
Партизанни ташлашди  
Оғир танкнинг остига.  
Зал ларзада! Ғазабдан  
Юраклар тўла нафрат.  
Кимдир инграр дард билан:  
“Фашистлар, сизга лаънат!”  
Даҳшат эди бундан ҳам  
Ўша дамда ушбу ҳол:  
Бир қиз экранга қараб  
Олма кавшар бемалол.

Тош тошга урилганда чиққан чакиндан ўрмонга ўт кетганидай, икки даҳшатни бир-бирига киёслаганда маънавий қашшоқлик, ўзгалар дардига эш, ҳамдард бўлолмасликдай қалб ногиронлиги накадар разолат эканлиги шеърда яққол акс этган. Танқидчилар, кўпинча, болалар учун ёзилган шеърларда очиқ тарбиявий хулоса, қиссадан ҳисса бўлмагани туюқ, чунки у шеърни бўшаштириб юборади дейдилар. Бироқ, бизнингча, ушбу мисол бу гапнинг ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермаслиги, гап маҳоратда, самимиятда, ҳароратда, тасвирда эканини кўрсатади.

Ушбу шеърларнинг баъзилари ХХ асрнинг 80 – 90-йилларида, яъни истиқлол арафасида ва мустақиллигимизнинг дастлабки ўн йиллиги мобайнида яратилган бўлса-да, бугунги кунда ҳам ёш авлод маънавий камолотига беминнат хизмат қилапти. Бироқ, афсуслар билан қайд этиш керакки, бугунги кунда бадий адабиётни мактаб адабиёт дарсликларида киритилган намуналар даражасидагина биладиган, бадий асар ўқишдан кўра тест ёдлайдиган амалиётчи авлод ҳам пайдо

бўлди. Бу авлоднинг фазилати шундаки, у компьютер билан тиллашишга уста, хорижий тилларни ҳам яхши билади. Лекин бу авлод китобнинг қоғози хиди қандайлигини билишига гумоним бор. Чунки у телевизорда хорижнинг зўравонлик тарғибига асосланган мультфильмларини кўриб улғаймоқда, китобни ҳам компьютердан, интернетдан ўқийди. Интернетдаги китобларнинг эса фарзандларимизни миллий, маданий, тарихий, адабий кадриятларимиз руҳида тарбиялашга хизмат қилиши даргумон. Бинобарин, ёш авлод маънавий камолотига масъул ҳар бир кишининг олдида фарзандларимизни бадий адабиёт ўқиш, улар қалбида асар қаҳрамонлари тақдирига эш бўла олиш, хурсандчилигини ўз хурсандчилиги, хафалигини ўз хафалиги сифатида қабул қила олиш кўникмасини ҳосил қилишдек масъулиятли вазифа турибди.

Болалар шеърятимиз эса, юқорида қайд этилганидек, “бу-гунги кун ёш қаҳрамони қандай бўлиши керак?” деган саволга жавоб топиш йўлида, ёш қаҳрамоннинг ўзига хос бадий оламини кашф этиш борасида тинимсиз интилиш-изланишда эканлигини тасдиқлашга, бу адабиётнинг эътиборга сазовор ўзига хосликлари мавжудлигини кўрсатишга, унинг келажакдан умид қилишга хизмат қиладиган мисоллар етарли.





## Улуғбек ҲАМДАМ

(1968 йилда туғилган)



---

### ШЕЪР – БОРЛИК ВА ЙЎҚЛИК ОРАСИ

*Ёки дарёсини топган ва топмаган irmoқлар*

Давр чиндан мураккаб. Унинг моҳиятини бир-икки оғиз гап билан тушунтириб бўлмайди. Лекин адабиётни тушуниш ёрдамида бу ишни уддалаш мумкин. Яъни назмнинг асосий белгиларини ўрганиш орқали даврни ҳис қилишга чоғланамиз. Биз яшаётган даврнинг бадиий адабиётга бевосита алоқадор биринчи белгиси шуки, у мафкуравий тазйиқ ўтказишдан йироқ. Умуман олганда, жамиятда бунга эҳтиёж сезилмайди. Бинобарин, драматургия, наср ва назмимиз зиммасига “эркинлик” деб аталган улкан омад куши келиб қўнди. Бу, албатта, санъатимиз учун мислсиз уфк, тенги йўқ имкон! Бироқ айти шу имкониятнинг залворли юкини кўтарганлар бор, кўтара олмаганлар бор. Натижада озод бўлган шоир шеър ёзгани билан унинг бадиий тафаккур даражасидаги силжиш ўша 60- ва 70-йилларникидан кўп-да узокқа кетолмади. Ўзгариш, ўсиш албатта бор. Буни инкор этиб бўлмайди. Гап бунда эмас, балки ўсиб-ўзгаришнинг даражаси ва салмоғидадир. Агар масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, дадил айтиш мумкинки, кейинги қарийб 20 йил мобайнида мамлакатда юз берган сиё-

сий-тарихий, иқтисодий-маданий, маънавий-руҳий маънодаги оламшумул ўзгаришлар олдида шоирнинг оламни бадиий-эстетик қабул қилишдаги ўсиши анча ғариб туюлади кўзимга. Чунки жамиятда ва инсоннинг ташқи ҳаётида юз берган ўша сиёсий-ижтимоий эврилишлар моҳиятига ҳамоҳанг мазмун ва шакл замондош шоирнинг ичкарасида – ботинида пишиб, ўзининг бутун бўй-басти билан тўлиқ намоён бўлганича йўқ. Аммо шу йўлда дадил ҳаракатланиб боряпти.

Бугун шеър ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги – шеър ёзиш техникаси болаларга мактаб партасидаёқ ўргатилмоқда. Қолаверса, шоир аруз каби ҳам синайдиган, ҳам савайдиган инжиқ вазни айланиб ўтса бўлади. Устига-устак, ҳар қандай бошқа вазни истаганча турлаш ва туслаш мумкин. “Булар шоирнинг “мен”лиги, ўзига хослиги” деган ақидани қўлига қалам олган ҳаваскор ёктириб, ўзига дастуриламал қилиб олганки, бу ҳам шоирнинг эркига эрк қўшгандек: у нимани қандай хоҳласа, шундай ёза беради... Шунинг учун бугун шеър ёзган кўп, шеърга ўхшаш тизмалар кўп, аммо чинакам шоиру чин шеър барибир унчалик сероб эмас. Беихтиёр ёдимизга унутилмас Озод ака Шарафиддинов тушади...

Шеър ёзишнинг қийинлиги – бугунги давр – ахборот замони инсонни ўз юрагидан кўчага ҳайдаб чиқара бошлади. Чунки техникалар шовқини, компьютерлар сеҳри, муносабатлар тиғизлиги, ахборотлар шиддати, умуман, буларнинг барчаси тағзаминидаги шахсий манфаат, оламшумул имконлар замондош кишининг ақлу ҳушини ўғирлаб қўйди. Унинг ўз кўнглида қолиб истикомат қилишига, Усмон Носир айтмоқчи “юрakни таржима қилиб яшаш”ига монелик қилди – қилмоқда. Шунинг учун ҳам, менимча, бугунги шароитда замонамизнинг, техника ва ахборот асримизнинг ана шундай дилўғирловчи жозибали шовқинини енгиб ўтиб, ўз юрагига саёҳат қила олган ва ўзга юракларга жиз этиб таъсир этадиган тўрт қатор шеър ёзган, ёза олган кишини – шоирни мен ҳеч иккиланмасдан замонамиз қахрамони деган бўлардим. Чунки жиддий шеър, умуман, жиддий адабиёт одамнинг инсонийлик меваси ва у ўқувчида айнан



шу жиҳатни тарбия қилади. Бундай ишга бош қўшган ижодкорки бор, ўз муқаддас вазифасини тўғри англабди, деганидир.

Кейинги қатор йиллар мобайнида ёзилаётган шеърларни кузатиб, уларнинг мазмун-моҳиятини англашга, ҳис қилишга уриниб келаман. Кузатишимча, барча замонларда ҳам шоирлар деярли бир хил мавзуларни куйлаб ўтишган. Бир хил мавзуларда куйлашгану, наволари ҳар хил қабул қилинган. Йўкса, нега бир шоир муҳаббат тўғрисида шеър айтса, кўнглинг айнийди-ю, бошқасининг ўқиган шеъри худди жазирама иссиқда ичилган бир пиёла муздай булок сувидек юрагингга роҳат бағишлайди?..

Истеъдодли шоира Ҳ.Худойбердиеванинг “Йўлларим” деб номланган янги китоби сара шеърлар шодасидан тузилган. Таниқли шоир Саъдулла Ҳакимнинг “Кўнгили юзи” номли тўплами ҳам кирилл, ҳам лотин алифбосида босилган. Унга кирган аксар шеърлар ўзининг ҳикматона мағзи билан, содда ифодаси, шарқона манتيқ-хулосаси билан ажралиб туради. Яна у қутилмаган ёндашуви билан, аччиқ кинояси билан ҳам шеърхон эътиборини тортади:

*Дўст бизни сотибди.  
Шод этди бу ҳол,  
Дилдан кўтарилди гард-ғуборимиз.  
Бозорда ўтмайин ётар қанча мол,  
Минг шукр, бор экан харидоримиз.*

“Шеърда ҳикмат бор” деган гап бугун айтилган эмас. Бироқ шеър асосан ҳикмат устига қурилган бўлса-чи? Унда ҳам шеър бўладими? Умуман, Шарқ адабиётида, назмида ҳикмат жуда катта ўрин тутиши сир эмас. XX аср ўзбек шеърляти Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, Ҳ.Худойбердиева ва 70-йиллар авлоди айримларининг талай шеърлари шеър шаклидаги ҳикматлардир аслида. Ўқувчи уларни айнан ана шу ҳикматлар боис ёқтириб, ёдлаб, давраларда айтиб завқланади. Тарихга назар ташласангиз ҳам бунинг тасдиғини топасиз. Бутун бошли мумтоз адабиётимиз

Яссавий, Лутфий, Атоий, Навоий, Бобур, Огахий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Увайсий... ҳаммасининг назмида шарқона донишмандлик, ўлмас ҳикматлар яшайди. Ўз шоиримизга айланиб кетган Умар Хайём-чи? У энг улуғ донишмандлардан бири эмасми? Умар Хайёмни дунё ёд айтади, ўқиб завқланади. Хўш, бу нимадан далолат? Ҳикматларга муҳаббатдан эмасми?..

Кўринадики, ҳикмат шеърнинг ажралмас узвидир. Инчунин, биз “Асло, шеър – ҳикмат эмас, у бутунлай бошқа нарса!” дея иддао қилсак, ҳеч шубҳа йўқки, юқорида саналган минг йиллик шеърини тарихни – классикани инкор этган бўламиз. “Ҳа, шеър ҳикматдир!” деган қарашни қабул этсак, бугунги ёзилаётган шеърлар табиатидаги бошқачаликни кўриб ўйланиб қоламиз. Эшитинг, қашқадарёлик ёш шоира Зухро “Мовий иффор” тўпламида қандай ёзади:

*Эрталабдан у одам  
Тинмай қорни курайди,  
Баҳорга йўл топмоқчи.*

Албатта, у ёки бу муносабат билан тўрт мучаси бут ҳолда тузилган ҳар қандай гапда даражаси ва мазмунидан қатъи назар бирон фикр бўлади. Фикр эса ўз ўрнида муайян ҳикмат парчаларини бағрига яшириб туради. Юқоридаги учликда ҳам шундай. У ҳикматдан бутунлай холи эмас, йўқ! Бироқ биринчи планда тасвир бор. Шеърни ўқиганингиз ҳамано кўз олдингизда эрталабдан чиқиб олиб тинмай қор кураётган одам келади. Ҳа, бу ерда тасвир етакчи ва шеърнинг кучи ана шу тасвир этилган эпизодни ёритиб турган шоирнинг нуқтаи назарида. Саҳармардондан тинимсиз қор кураётган одам қисматига юклаган маъно-мазмунида. Яъни бу ўринда ҳикмат тасвирнинг ўзидан – унинг жон-томирида қондек ҳаракатланиб турибди. Қаранг, шеърни ўзимча таҳлил этаяпман-у, ундан чиқаётган кайфият – маъни қаршисида ўйланиб қолаяпман: Шарқ кишининг ботинида – жуда ичкарида, баъзан ҳатто сўз ҳам кириб боролмайдиган теранликларда ҳикматга бўлган ўлмас бир майл – эҳтиёж яшайди, шекилли. Шунинг учун Шарқ шеърля-



ти томирларида донишмандлик, ҳикмат оқиб ётади. Агар шоир ҳикматга яқин келмаган бўлса, уни танимаган эса, таҳлилчи – адабиётчи уни топишга уринади. Эҳтимол, бу яхшидир, эҳтимол ёмон, гап бу ҳақида эмас. Гап бизнинг – Шарқ кишининг, Шарқ шоирининг табиатида, ўзига хослигида. У ёғини сўрасангиз, нафақат Шарқ, балки Ғарб, умуман, бутун дунёда инсон ҳаёти ҳақидаги гўзал ҳикматларга шайдолик бор. Йўқса, шарқона ҳикматлар асосига қурилган Пауло Коэльонинг романлари ер юзида бунчалар қўлма-қўл бўлмасди.

2006 йилда “Девор” деб аталган китоб эълон қилинди. Хосият Рустамова ўзбек шеърлятида Нодира, Увайсий, Зулфия, Ҳалима Худойбердиева, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзодек аёл шоиралар каби ўз йўлини – ўз шеърлий дунёсини яратиб келаётган катта ижодкор. Аммо “Девор” тўпламидаги шеърлар аввалги, масалан, “Нажот”даги шеърларга қиёсан бир қадар ҳароратсиз чиққандек таассурот қолдирди менда. Тўғри, “Девор”да ҳам маҳоратли шоиранинг даражасини таъкидлаб турадиган ўхшатишлар, истиоралар, мажозлар анчагина. Ўқувчини мувозанатдан чиқаришга кодир шеърлар ҳам мавжуд. Лекин бундай фазилатларнинг борлигига қарамай, “Девор” тўпламида шоир олдинга эмас, балки бир қадам орқага кетган, деб ўйладим. Хўш, нега? Ўзимча сабабини қуйидагича изоҳлаган бўлардим: Ижодкор учун ёзиш – энг катта саодат! Бироқ баъзан бизнинг ҳаммамизда бўладиган ҳол – ёзишни касбга айлантириб оламиз-да, тинимсиз-тинимсиз қоғоз қоралаймиз. Илмда олим учун кўп ишлаш, ҳар кунини мадир қоралаш фойдадан холи эмасдир. Лекин бадиий ижод масаласида буни ҳаммиша ҳам тўғри йўл, деб бўлмайдими. Чунки бундай ижод муайян вақтни ҳам талаб қилади. Бу вақт мобайнида бадиий асар худди ҳомила каби улғайиб етилади. Одатда, ой-кунини етилиб туғилган боланинг тўрт мучаси соғ бўлганидек, илҳом билан ўз вақтида ёзилган шеърнинг ҳам умри узок бўлади. Агар уни муддатидан илгари ёзсак, яъни шеърнинг қулоғидан бурув солиб тортқилаб дунёга келтирсак, бундай шеърлар дастасидан бунёд бўлган тўпламнинг



исми, масалан, “Девор” бўлади. Аммо-лекин тагин бир гапни айтиб қўйай, агар “Девор” Хосият Рустамованинг эмас, балки бошқа бир шоирнинг қаламига мансуб бўлганда эди, бу ўринда мен, шубҳасиз, тўплам ҳақида илиқ гаплар айтган бўлардим. Сабаби, Хосият ўзининг “Нажот” шеърӣ гулдастаси билан ўзига нисбатан мезонни анча баланд қўйиб улгурган эди.

Яқинда чикқан китоблар орасида Дилсўз (Носиржон Тошматов)нинг “Саркаш туйғулар” деб номланган тўплами шоирнинг қарийб йигирма йиллик шеърларини камраб олган. Бироқ тўплам юпқагина, бор-йўғи 110 бетни ташкил этади. Маълумки, ижодкор истеъдоди даражасини ҳажм ҳеч қачон белгилаган эмас. Мен шоирман, ёзувчиман, демакки, ёзишим керак, дея жилд-жилд китоблар нашр эттираётган ҳамкасбларимиз қанча. Дилсўзда, энг муҳими, кўпсўзликлик йўқ. У ҳар куни бир нечтадан шеър ясаб ташлашдек касалликка чалинган эмас. Чунки унинг назарида шеър – ўзига хос кайфият меваси, алоҳида фикр ва саркаш туйғулар омухталигидир. Тўпламдаги сўзбоши муаллифи шоир Икром Отамурод шундай ёзади: “Дилсўзнинг битикларида фикр, туйғу, кузатув, хаёл уюшган ҳолда ҳаракат ҳамда ҳолат кўринишида келади... Дилсўз туйғулари теран, фикрлари қурч шоир”.

*Майсалар-ла сирлашганмисиз,  
Биласизми уларнинг дардин?  
Ўроқ қайраб келганида қуз  
Бизга не деб шивирлашларин?*

Яқунланиш – ниҳояга етиб келиш олдидаги кўнгилини тушунишга чорлов бор юқоридаги тўрт қатор шеърда.

2006 йилда чоп этилган тўпламлар орасида Нодира Афқованинг “Сўз айвони” ва Жасур Хусановнинг “Ёнимдаги ёлғизгинам”, Шаҳрибонунинг “Лаҳзадаги мангулик”, Зокиржон Мамажоновнинг “Соғинч”, Хуршиданинг “Тажалли”, Ойдиннисонинг “Номсиз”, Гулжамол Раҳмонованинг “Истадим бетакрор бўлишни” каби тўпламларида ўзига хос овоз-

лар, эсда қоладиган кайфият, ташбеҳ ва истиоралари анчагина учрайди. Чунончи,

*Истадим бетакрор бўлишни,  
Ўхшаши йўқ баҳор бўлишни.*

(Гулжамол Раҳмонова)

*Қалбида ғам болалаган қиз.*

(Жасур Хусанов)

*Бу залвордан эзилди юрак,  
Юрак – тилсимланган атиргул.  
Дарвозадан чиқсам, тўрт тараф –  
Сенга томон олиб борар йўл.*

(Лола Саодатова)

*Гоҳида шохидан айро япроқдек  
Шамолда учмоқни истайди кўнгил.*

(Дилсўз)

*Мен сизга талпиниб учиб келяпман,  
Қуёшни қалбимда қучиб келяпман.*

(Умида Абдуазимова)

Она-Ватан ҳақида ҳам талай шеърлар битилди. Қурук мадҳ ва баландпарвоз хитоблар билан тўлган чучмал шеърлар қаторида Ватан ҳиссини чиндан-да ўз бағрига жо қилган мисралар ҳам ижод қилинди. Чунончи, Хуршиданинг “Тажалли” номли тўплами “Ватан” номли шеърдан бошланади. Унда шоира Ватансиз “Баҳор гул олиб келса ҳам сезмайсан” дейдики, Ватандан йироқ тушиб, бунинг нафасини озми-кўпми чеккан ҳассос киши борки, бунинг нима эканлигини дарҳол англайди:

*Сенсиз тупроқларнинг исин сезмасман,  
Ёмғирлар сасин, қор тусин сезмасман!..  
Оламни яшинатиб, ифор таратиб,  
Баҳорлар гул очиб келсин, сезмасман!..*

Бироқ шеърнинг ҳамма бандлари ҳам юқоридагидек самимий ва ўзига хос мазмунда жарангламайди. Чунки қуйироқда

шоиранинг овози Ватан хақида куйлаётган ўзга овозлар қаторига қўшилиб, эътибордан, алохидалиқдан махрум бўлади:

*Саркорим, сафдошим, сирдошим, Ватан,  
Бедор ҳисларимдай саркашим, Ватан!  
Сендан айро юрак умрим бегумон,  
Жону жаҳонимга жонбахшим, Ватан!..*

Худди шундай шеърлардан бири “Ўзбекистонга” деб номланиб, Салима Умарованинг “Соғинч саҳроси” дейилган тўпламидан жой олган:

*Юрагимга жосан, жонимсан, балки  
Руҳим, иймонимсан балки.  
Шарқда қуёш каби порлайвер балқиб,  
Ногоҳ “дарду оҳ”дан асрасин ўзи...*

Ватан – саждагоҳ, Ватан – муқаддас даргоҳ. Уни ҳаммамиз ўзимизча, ўз даражамизча яхши кўрамыз. Бунга шубҳа йўқ. Бироқ Ватан тўғрисида яхши шеър ёзиш учун уни камида Лайли ишқида ёниб куйган Мажнундек севиш, сева билиш зарур. Шундагина бугунги шоирларимизга ҳам Чўлпоннинг қатор оловли шеърлари, Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон – Ватаним маним”, Муҳаммад Юсуфнинг “Улуғимсан, Ватаним” каби онг ва қалбларимизга “жиз” этиб тегадиган, ҳароратли ва тирик шеърлар ёзиш насиб этади.

Нодира Афоқованинг “Ўзбекистон”, Шаҳрибонунинг “Ватан” шеърларида ҳам шунга яқин ҳаракат кўзга ташланади:

*Ортга боқса, баҳодир  
Темурлари бор Ватан,  
Босган йўлинг асотир,  
Эртақларга ўхшайди.  
Менга жондай азизсан.  
Менга номус-ор Ватан,  
Битта баргинг узилса,  
Мингта жоним қақшайди.*

(Нодира Афоқова)



Ёки куйидаги – Ватан ўзгача оҳангда, ўзгача мазмунда  
куйланган мисраларга эътибор беринг:

*Уммонлар бағрида сирлар яширин,  
Қуёшни кўрмаган қирлар яширин.  
Нигоҳимга кўчган фалак – кўк тоқим.  
Кафтимда ўйнайди жилга, шўх оқим.  
Зарралар аксида кузатдим, Ватан,  
Тўлқинлар тилида сўз айтдим, Ватан.*

(Шаҳрибону)

Кейинги йилларда, айниқса, баъзи бир ёш шоирларимиз ижодида анчайин бир кайфиятдан ҳам шеър ясашга мойиллик касали урчиб бораётганини афсус билан таъкидламоқчиман. Шунинг учун ҳам бугун шоир кўп, шеър эса ундан ҳам сероб. Лекин уларни мутолаа қилиб, сарагини ажрата бошларкансан, ўнлаб тўпламлар орасидан битта-яримтасигина ғалвирнинг ичида қолаётганини пайқайсан, киши. Шунда аклингга илк келган ўй тахминан куйидаги мазмунда бўлади: ҳа, санъатда ҳамма нарсани истеъдод, фидойилик ва ижодкор қисматига дохил бўлган дард белгилайди. Яхшиямки, дунёда пул ва мансаб дахл қила олмайдиган шундай мезонлар мавжуд!..

Истеъдодли шоир Раҳимжон Раҳматнинг шеърларини ўқир эканман, юкоридаги мулоҳазалар хаёлимни банд этиб олди. Чунки у ердаги бош мавзу – ҳаёт ва ўлим мавзуси бўлиб, у шунчалар кўп қирраларда акс эттириладики, гўё шоир бир неча йиллардан бери фақат ва фақат битта йўлда изтироб билан юриб келаётган йўловчидек таассурот қолдиради. Бу йўлнинг исмини тахминан ҳаёт ва ўлим оралиғи деб кўйиш мумкин. Шу ўринда унинг ўз аёлига атаб битган, фарёд, фо-жа, йиғи ва айни пайтда, улкан инсоннинг мардона руҳи жо бўлган ўнлаб шеърларидан иқтибос келтиргим келади:

*Ўқтамжоним, жон Ўқтам,  
Айтгин, қуёш ботмасин.  
Бағринга яшир мени,  
Ўлим олиб кетмасин.*

*Ўқтамжоним, жон Ўқтам,  
Сени қандай севаман.  
Ўлаётиб оғриқмас,  
Севишимни сезаман.*

Р.Раҳмат қисмати ва ижоди мисолида шуни таъкидлашни истардимки, чинакам шеър, чинакам санъат асари осонликча қўлга киритилмайди. У ижодкор юраги, соғлиғи ва ҳатто ҳаётининг маълум маънодаги қурбонликлари эвазига дунёга келадиган жудаям қимматбаҳо олам! Ҳақиқий санъат асарининг нархи ана шундай қиммат туришини англаган ижодкорки бор, ўйлаб қолади: У Яратгандан ўзига нима тиласин – зўр асарми ё соғлиқ, омонлик?.. Ҳа, ҳақиқий шеър, адабиёт ҳамиша ҳам ана шундай – борлик ва йўқлик оралиғида туғилади, яшайди...

Шунингдек, кўп шоирларнинг ҳар хил мазмун ва даражадаги тўпламлари нашрдан чиқди. Хусусан, Умида Абдузимованинг “Тикилиб-тикилиб қарайсан”, Илҳом Каромнинг “Зардоли гули”, Мусфира Мунавварованинг “Ота уйи”, Беғали Мўминовнинг “Унутилган муҳаббат”, Узоқбой Исмоиловнинг “Рост дунё”, Бобур Бобомуроднинг “Юрагим”, Майрам Шарапованинг “Саодат буржи”, Бибиражаб Эргашеванинг “Рухият”, Ҳазрат Эловнинг “Субҳидам”, Ойдиннисонинг “Номсиз”, Жасур Ҳусановнинг “Ёнимдаги ёлғизгинам”, Гулжамол Раҳмонованинг “Истадим бетакрор бўлишни”, Ирода Умарованинг “Баҳор висоли”, Мунаввара Юсупованинг “Муҳаббат йўли”, Зокиржон Мамажоновнинг “Соғинч”, Марҳабо Собированинг “Настарин чечаги” каби тўпламлари ўтган йилимизнинг турли-туман маънавий-эстетик “таъм”га эга бўлган меваларидан ҳисобланади.

Болалар шоири Анвар Обиджон катталар учун ёзган шеърларини жамлаб, “Танланган шеърлар” номи остида чоп этди. Айтиш керакки, шоирнинг катталар учун ҳам айтадиган жиддий кечинмалари, дардлари бор! У дунёнинг борлик ўйинларини, паст-баландини кўриб тўйган кайфиятда ёшларга, ортда келаётган наслга қарата дейди:



*Ёшлик учқур бир каптар,  
Ёшлик қадрин бошдан бил.  
Келса ўнқир-чўнқирлар  
Асабингни тошдан қил.*

*Сен яшайсан эрта ҳам,  
Мен-чи кеча ўлганман.  
Сенга сирли бу уйни  
Мен титкилаб бўлганман...*

Чоршамънинг “Танланган асарлар”и биринчи жилди ҳам эълон қилинди. У ғазаллар, мухаммаслар ва шеърлардан таркиб топган. Айниқса, шоирнинг тирик ва самимий туйғулари акс этган ғазаллари маънавий ташна ўқувчи чанқоғини бир қадар қондиради. Унинг “Бизга баҳор бегонадур борган сари” деб бошланувчи ҳаётий ва фалсафий камровга кўра ғоят тотли ғазали ажойиб қўшиқ бўлиб, халқ мулкига айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди.

Адабиёт, бу – миллатнинг кўнгли. Шунинг учун ҳам унга шеър ёки роман номи билан ҳар қандай “юк”ни юклаб бўлмайди. Адабиёт у ёки бу юмуш билан банд бўлган халқнинг ўй-хаёллари, орзу-умидлари, армон ва хўрсиникларининг улкан, яхлит рухий-маънавий олам – архетипга урилиб, атрофга сочилган акс садосидир, аслида! Шунга кўра ҳар қандай миллатнинг исталган давр адабиётини кўлга олиб, хижжалаб ўрганиб чиқиш дегани ўша миллатнинг маълум даврда бошидан, юрагидан кечирганлари билан танишиш, деганидир. Бирок бунинг битта шарти бор: шу халқ ва шу даврга мансуб шоир (ёки ҳар қандай бошқа санъаткор) ўз қисмати билан, дунёқарашию олган таълим-тарбияси, яшаш тарзи билан шу халққа ва шу халқ яратган давр кайфиятига мансуб бўлмоғи зарур! Яъни Г.Фрейтагнинг “Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди” деган фикрига қўшилмоғимиз учун ўша ҳар ким ҳақиқатан ҳам ўз халқига яқин бўлмоғи, яқин яшамоғи шарт! Йўқса, шиша қаср ичига кириб олиб, бутун умрини осойишта ўтказаяётган одамнинг қалбидаги халқ қиёфаси кишида шубҳа уйғотади.

Бугунги ўзбек ёшларининг илғор шеърляти мазмун-моҳиятида ҳам халқимизнинг маънавий бўй-бастига доир айрим қирралар кўзга ташланиб туради. Бирок бу киёфа ҳали биронта ёш шоир ижодида бутун жозибаси билан, яхши-ёмони, оқу қораси – борлиқ моҳияти билан ўзини кўрсатганича йўқ. Аслида, бу осон ҳам эмас. Дунё бўйлаб цивилизация бўронлари кучайиб бораётган бугунги кунимиз ва эртамизда бутун бошли халқ киёфасини ўзининг биргина ижоди бағрига сиғдириш – сингдириш энди янаям мушкул бўлади, чамамда. Аммо умид бор. Ахир, бир шоир бўлмаса, шу шоир мансуб бўлган катта бир авлод удаллаши мумкин-ку бу ишни! Ҳа, айнан шундай: ўз халқининг маълум давр-даги муайян киёфасини шу давр авлоди чизиб беришга кодир бўлади. Бирок киёфанинг тўлиқрок бўлиши учун бугунги ўзбек назмига, айниқса, ёшлар шеърлятига истаклар соғинасан, киши.

Авалло, ёшлар шеърляти шаклий жиҳатдан ҳам, мазмун нуктаи назаридан ҳам ғоят турфаланиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Чунки ижтимоий буюртмалар ва сиёсий тўсиқлар бўлмаган давр адабиётининг хилма-хиллик касб этиши табиийдир. Қолаверса, ахборот асрининг тўрлари воситасида бутун дунё яхлит бир санъат объектига айлангани иждокорнинг мавзу уфқларини ниҳоятда кенгайтириб юборди.

Чунончи, ёшлар шеърлятида шаҳар мавзусига кўпроқ қўл урила бошланди. Шунга карамай, у чинакам шаҳар поэзиясига айланганича йўқ. Ушбу шеърлятда шаҳарга хос белгилар – телефон, трамвай, тўп-тўп чироклар, оидин кўчалар деталь сифатида аллақачондан бери қўлланиб келинади. Бирок чинакам шаҳар руҳини, шаҳар табиатини, шаҳар қалбини “мана – у!” дея кўрсатиб берадиган бутун бошли шаҳар поэзияси йўқ ҳисоби. Ваҳоланки, халқимизнинг катта бир қисми шаҳарда яшайди. Демак, шаҳар халқ киёфасининг битта ажралмас қисмига айланиб улгурган. Бугунги ёшлар шеърлятини синчковлик билан кузатганимизда шунга ишора этувчи, аммо андак ўзга ракурсадан қаралиб ёзилган талай шеърлар галерея-

сига дуч келамиз: унда ёш шоир асосан қишлоқдан, пахта далаларию ялпиз ўсган ариқлар бўйидан шаҳарга катта умидлар билан келиб, аммо шаҳар табиатига кўниқолмай, унга сингишолмай, айна пайтда туғилиб ўсган қишлоғига ҳам қайта олмай, оралиқда қолган танг ҳолини чизишга уринади.

*Мен энди қайтаман, бўлди, етар, бас!*

*Ҳаловат топмадим гавжум шаҳардан,*

деб ёзади Ф.Ҳайит ўз авлоди кўнглидагини жамлагандек “Илинж” тўпламидан жой олган “Қайтиш” шеърида. “Хўш, нега ахир?” деган савол туғилади. Нега шоир ўзини у ёки бу касбнинг мутахассиси сифатида шакллантирадиган, болалик орзу-умидлари рўёбга чиқишига реал имконлар тақдим этадиган, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб етишмоғида кўмаклашадиган макон – шаҳар ва унинг сершовқин кўчаларидан бош олиб кетишга шай турибди?.. Чунки инсоннинг киндик қони тўқилган, ёруғ оламни, онани, одамларни, тоғни, куёшу ойни... илк бора танитган гўша ҳар қанча ғариб бўлмасин, ночор туюлмасин, барибир кўзига жаннатдек кўринади-да. Шунинг учун ҳам ўша жой шоир учун Ватаннинг бошланиши ва ҳатто айтиш мумкинки, Ватаннинг маркази ҳисобланади. Ҳа, ҳар қандай киши учун ўзи туғилиб, вояга етган гўша унинг ўз Ватани марказидир!.. XX аср психологияси, хусусан, Фрейд, Юнг, Фромм, Адлер ва ҳоказо кўплаб психоаналитикларнинг асарларида инсоннинг бундай ўйлов ва хатти-ҳаракатлари тубида ётган майл-интилишларнинг асл сабаблари хўп жозиб тарзда очиб берилган. Шоир-чи, бугунги ўзбек шоири нима дейди бу борада?

*Шафтолилар пишди бозимда,*

*Отам териб менга илинди.*

*Мен шаҳардан кўнгил узмадим,*

*Қишлоқда кўп ўрним билинди.*

*...Қаҳратон қиш келди бозимга,*

*Отам менга илинди ўзин.*

*Қор ёққан тун уйқуга кетди,  
Аммо тонгда очмади кўзин.*

*Ота, дедим ҳайқириб нолон,  
Лек очмади отам кўзини.  
Алмаштириб қўйдим шаҳарга  
Ҳатто унинг сўнгги сўзини.*

(М.Сиддик, “Ишк бекати”)

Қаранг, орзу-ҳаваслар кетидан олис шаҳарларга кетиш шоир учун қандай аламли йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин экан? Ҳа, орзу ортидан узоқ ва машаққатли сафарларга чиққан йўловчи ҳамиша камида шу орзулар салмоғига тенг бўлган қурбонлар беришга маҳкум!.. Тақдирининг шаҳар ва қишлоқ ўртасида муаллақ осилиб қолиши, жисми ва кўнглининг моддият ва маънавият аро сарсон бўлиши, руҳ, тана ва ақл сарҳадларида дарбадар кезиши, орзу ва имкон, умуман, бу нуқталарнинг барчаси орасидаги ҚИСМАТ гоҳо ёш шоир ақлию юрагини эзиб турган улкан тошга айланади. Аммо бошқа жиҳатдан, эзгу нияту ҳаракат билан нафақат шоир, балки умуман, барча санъаткорлар бошидаги ана шунга ўхшаш азалий муаммоларнинг ҳаммасини бир йўла хал қилиб қўйиш ҳам унчалик тўғри бўлмас-ов, дегинг келади. Чунки кўнгилдаги орзу-мақсадлар юксаклиги бир ёндаю иккинчи ёқда тақдир инъом этган имконлар қўлининг қалталиги ўртасидаги масофалар юки, алами шоир, ёзувчи, бас-такор қалбига ҳақиқий дилўртар изтиробларни солади, уни ўтдан олиб ўтларга ташлайди. Натижада титроқ шеърлар, кўнгилдаги музларни баҳор офтобидек эритиб сел қиладиган куйлар яратилади. Шунинг учун ҳам бугунги ёшлар шеърятидан катта умидлар қилар эканмиз, билмоғимиз зарурки, истаклар ортида уларга ана шундай чин изтиробларни – ҳаётларини ёкиб, қулини кўкка соворишга қодир оловларни ҳам тилаган бўлиб чиқамиз...

Назаримда, бугунги айрим ёшлар шеърятининг ўзак хусусиятларидан бири – улардаги юкнинг – одам ва олам дарди-





нинг энгил тортиб, нисбатан майдалашиб кетганидир! Йўқ, гап мавзуда эмас. Шоир беш юз йил олдин ниманики куйлаган бўлса, бугун ҳам ўшани тараннум этмоқда: муҳаббат, айрилик, висол, адолат, дўстлик, душманлик, она-бола, Ватан, табиат, қаҳрамонлик, умр бебақолиги, охираат қайғуси, буюклар мадҳи ва ҳоказо мавзулар ҳамма даврларда барча миллат адабиёти ва санъатининг диққат марказида бўлиб келган. Аслида, кунимизга келиб, шеъриятнинг мавзулар доираси янада кенгайган, дейиш мумкин. Чунки, масалан, биргина атом бомбасининг ишлаб чиқилиши билан одамзод кўнглига тушган ваҳм ва кўркув шу мавзуда ёзилган кўплаб асарларни вужудга келтирди. Энди кўл телефони, DVD, компьютер, интернет ва булар кўрсатаётган “қароматлар” ҳам секин-аста шеъриятнинг “исътемом доираси”га тортилмоқда. Гап бунда ҳам эмас. Менимча, бош гап шоирнинг ўша азалий ва абдий мавзуларга ёндашув тамойили ва даражасида бўлса керак! Майдалашув шу ерда! Шоирнинг (умуман, ҳар қандай ижодкорнинг) дунёни, одамни, яхшилик ва ёмонликни, ўз кўнгил оламию ўзгаларнинг босган қадамини... ўлчайдиган қаричи – дунёқарашни кичрайиб қолганга ўхшайди. Аксарият шеърларда осмондан кенгрок кўнгилларни, отнинг калласидан каттарок (жасоратли!) юракларни учратиш тобора кийинлашиб бораётир...

Шоирнинг дарди фақат унинг ўз дарди бўлиб қоляпти: у севадими-куядими, йиғлайдими-қуладими, ҳамма-ҳаммаси фақат ўзигагина тегишли бўлган, ўзигагина ажратилган ер майдони – “шахсий ҳовлиси”да қолиб кетяпти. Шунда беихтиёр ўйлаб қолсан: шеър тобора шахсийлашиб, субъективлашиб бораёпти экан. Бор-йўғи шу. Бундан ташвишга тушишнинг ҳожати бормикан? Ахир, дунёнинг ўзи шунга қараб кетмаяптими? Замондош инсон дунёнинг авзойидан, яшаш шартларидан, товар алмашиш натижаларидан келиб чиқиб, ўзини-ўзи чор деворнинг ичига қамаб олиб, оламдан, одамлардан узоқлашишга интилмаяптими? Бунинг оқибатида эса, бегоналашув муаммоси келиб чиқмаяптими?



Эрих Фромм инсон нафақат ўзидан, айти чоғда, ўзи яшаётган жамиятдан, оиласидан, яқинларидан... жамики эзгуликдан ҳам узоқлашиб бораётгани сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилмаганмиди?.. Бас, шундай экан, бугуннинг ёш шоирлари ижодидаги кайфият ана шу умумкайфиятнинг битта кўриниши, улар осмондан олиб эмас, балки борини борича ёзаяпти, холос, деб ўзимизни тинчлантирсак бўладими? Хўп, бу кайфият бир томонда турсин, иккинчи томонда бошқа гап бор: адабиёту санъатга ёппасига ёғилган эътиборсизлик, бепишандлик ҳукмрон бўлган куни кеча Муҳаммад Юсуф, Махмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо каби шоирлар одамларга шеър ўқита билди-ку! “Ҳеч ким китоб ўқимаяпти, ҳамма ўзи билан ўзи овора, одамларга битта китобдан бир бурда нон афзал бўлқолди!” деган пайтларда ҳам уларнинг назм тўпламлари ўн минглаб нусхада чоп этилиб қўлма-қўл бўлди-ку! Биргина М.Юсуф “Сайланма”сининг тўрт марта кетма-кет нашр этилганига нима дейсиз? Хўш, бунинг сири, сабаби қаерда экан?..

Юрагида ўз халқининг жажжи қиёфасини кўтариб юришга кодир шоир шеърга солинаётган ўз дардининг бир учидан ирмок очиб, кўпнинг умумдардига – умумдарёга кўшиб кўймоғи лозим кўринади. Аслида, бу иш атайин қилиниши керак эмас. Чунки у ҳолда сунъийлик деган адабиёт учун энг хавfli вирус урчиб кетади. Умумдарёга очилган ирмок ўз ўзидан – шоирнинг табиатидан, фикрлашидан, юрагининг ҳар уришидан туғилиб келмоғи зарур. Ахир, унинг қалбида ўз халқининг қиёфаси яшайди, дедик. Ҳамма гап шу ерда!..

Айрим ёшларимиз шеъриятидаги “фазилат”лардан яна бири – ўқимаслик касалининг шеър юзига тепиб чиққан заъфаронлиги, заифлиги, мадорсизлигидир. Албатта, бу ўринда “Мана сизга далил-исбот!” дея улар шеърларидан иктибос келтиришни лозим топмадик. Умуман, бугун бир-бировини ўқийдиган шоирлар кўпмикан ўзи? Назаримда, ёш ижодкорларнинг кўпчилигида ўзига – ўз асарларига махлиёлик бор. Бундайин иллатдан қутулишнинг йўли эса – мутолаа. Тенг-

дошлару салафлар, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий каби ўнлаб классикларимизу чет эл адиблари асарларини тинимсиз-тинимсиз ўқиш билан, умумий савиясини ошириш билан, ўз даврининг, миллатдошларининг дардига қалб қулоғини солиш билан, сўнг шу савиядан туриб кўнглини бўшатиш – ёзиш билангина бугунги ёш шоир ўзбек адабиёти деган муқаддас оламда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Ҳолбуки, бугун айрим ёшларимиз шеърятини кузатганимизда, жуда яхши эгалланган шеър техникаси ёнида ночор ва ғариб дунёкарашни, узоққа бормайдиган, жўн, хашаки фалсафани кўрамиз. Инчунин, ёш шоирлар одатда 30-35 ёшгача ёзганлари билан ўқувчи ва адабий жамоатчиликда умид уйғотади-ю сўнг она манбадаги давомсизлик туфайли манзил – дарёга етиб келмасдан йўлдаёқ тупроқ бағрига сингиб, изсиз йўқолган ирмоқ сингари кўздан ғойиб бўладилар. Хўш, нега? Нима учун? Қаёққа кетади ёш ижодкорларнинг катта бир қисми... 30-35 ёшдан кейин?..

Сирасини айтганда, 30-35 ёшгача ёзиш осон. Ҳамма гап кейин ҳам ёза билишда. Чунки ёшликда инсон – эркакдир, аёлдир – одатда, жисмонан соғлом, маънан ва руҳан тетик, захиаланмаган, соф бўлади. Тоза ва ёш юрак! Бу – лирика, адабиёт ва санъат тошиб-қайнаб турадиган зилол булоқ-ку! Гарчи бу ёшдаги киши шеър ёзмаса ҳам, қилаётган иши дехқончилик ё муҳандислик бўлса ҳам, барибир, унинг кўнглида ўзига хос кўтаринкилик, баландпарвозлик, романтикага мойиллик яшайди. Саналган ушбу хусуслар эса санъату адабиёт парвоз этадиган трамплиндир. Кейин-чи? Кейин нима юз беради? Кейин ҳамма нарса юз беради ёки ҳеч нима содир бўлмайди... Қизиқ, бу нима дегани?.. Ёш шоирнинг ёши улғайган сайин мутахассис сифатидаги, эр ёки хотин, ота ёки она сифатидаги вазифалари кўпаяди. Орзуларининг аксарияти орзулигича қолади, айримлари эса ҳаётга татбиқ этилиб адо бўлади... Буларнинг ҳаммаси санъаткор онгию кўнглига қаттиқ таъсир этиб, ундаги тирик туйғуларга даҳл қилади. Шунда шоирнинг ёши улғайса-да, ёзган шеърларининг сифати ортмайди. Модомики, у шеър ёзишдан бошқа ишга ярамаса, мажбуран ёзади,

аммо ёзганлари унга шуҳрат ва олқиш келтирмайди. Аксинча, ҳиссиз, тафтсиз ва дардсиз тизмалар шоирнинг умри давомида мисқоллаб, мисрама-мисра тўплаган обрўсини қисқа муддат ичида сувга ағдариб соб қилади. Бас, шундай экан, шеър – юракдан-юракка электр токидек улашиб таъсир этадиган санъат асари ёзилмаган вақтларда ижодкорнинг сукут сақлаши улкан савоб. Ҳатто ундан нари: буюк қахрамонликдир! Шунинг учун ҳам юкорида ўттиз-қирк чоғли ёш шоирнинг номлари зикр этилган бўлишига карамай, улардан қай бирларига катта адабиёт даргоҳига етиб келиш қисмати насиб этишини ҳозирча аниқ билмаймиз. Аммо эртага – 30-35 ёшдан кейин санъаткор, олим, ёзувчи ва шоир... ўз ҳаёти давомида нималарга, қандай синовларга рўбарў келишини умумий манзараларда бўлса ҳам тасаввур этиш қийин эмас. Тасаввурда аниқлашган нарса шуки, ёш шоир (ва умуман, ҳар қандай санъаткор, олим)ни эртага қорин ғами, обрў, мартаба, бойлик орттириш, бола-чақа ташвиши исқанжага олади. Санжоблар тушови кўпинча шу даражада оғирлашиб кетадики, оқибатда у (шоир, олим, ёзувчи, бастакор, рассом...) кўнгилдан воз кечиб яшашга, унга эътибор бермай, ҳамма қатори тирикчилик ташвишларига енгилиб кетишни истаб қолади. Ва шу ерда фожиа юз беради – ижодкор фожиаси: масалан, шоир энди истаса ҳам яхши шеърлар ёза олмайди. Бу – қисмат!..

Ҳа, яхши шеър, яхши адабиёт катта йўқотишлару қурбонлар эвазига қўлга киритилишини унутмаслигимиз керак. Эл қатори сара еб, турли-туман қийиб, бола-чақаларнинг орзу ҳавасларини рўёбга чиқариб ҳам яхши асар ёзаман, дейиш жудаям қийин эканлигини санъаткор, аввало, ўз иссиқ танасига ўйлаб кўрмоғи зарур! Чунки аслида, унга керакмикан бундай қурбонлик? Эҳтимол, яқинлари фароғатию шириншакар ўғил-қизларининг бахту икболи ҳар қандай адабиётдан афзалроқдир унинг учун...

Ёшлар шеъриятида шеърдан-шеърга ўсиб-ривожланиб, узлуксиз давом этиб бораётган яхлит, улкан мавзу ҳам кўзга кам ташланади. Масалан, бундай мавзу Чўлпонда Истиклол ғояси



эди, Фафур Гулом, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовда она-Ватан мадҳи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Давронда ижтимоий адолат туйғуси, Рауф Парфию замондошларимиз Ҳалима Аҳмедова ва Зебо Мирзода оғрик тўла, изтироб тўла севги! Албатта, муҳаббат – ёшлар шеърятининг ҳам бош мавзуси. Фақат уларда муҳаббат дарди ривожлантирилмайди, аксинча, ишқий шеърларнинг ҳар бири ўзича мустақил мазмун-моҳиятга, шаклу шамойилга эгаллиги билан ажралиб турадики, киши ҳаёлида бундай шеърлар умрларга татиғулик улкан севгининг эмас, балки ёз ёмғиридек қисқа муддатда “келиб кетган” кўнгил ўйинларининг замзамаси ва хотираси эмасмикан, деган иштибоҳ туғилади. Худди шундай бошқа мавзудаги шеърларда ҳам мазмун тадрижи кўзга ташланмайди. Узлуксизлик, узвийлик йўқ. “Хўш, унда ёшлар нима ҳақда кўпроқ ёзади?” деган ҳақли савол туғилади. Жавоб: ёшлар ўзларини жудаям қаттиқ севишади. Айримлари ҳатто ёридан, онасидан ва Ватанидан ҳам кўра кўпроқ ўзларини яхши кўради, десак муболаға бўлмас! Шунинг учун ҳам улар, асосан, ўзлари ҳақида ёзишади – ўз кўнгилларининг турли хил кайфиятларини изҳор этишади. Албатта, шеър авваламбор кўнгилнинг, “мен”нинг таржимаси бўлиши зарурлигини қабул этамиз. Аммо бунинг битта шарти бор: бу мен, бу кўнгил таржима қилинишга арзийдиган даражада баландда бўлмоғи лозим. Шоирнинг “мен”ига, кўнглига ўзга бировнинг, онанинг, миллатнинг, Ватаннинг, қолаверса, она заминуну бутун башариятнинг ҳам тақдири сиғмоғи, унга сингиб кетган бўлмоғи зарур. “Бу иддаолар нотўғри! Менинг ижодимда она ҳақида ўнта шеър бор!” деб эътироз билдириши мумкин. Тўғри, бўлиши мумкин. Аммо она тўғрисидаги шеърингизнинг саноғи мингтага етган тақдирда ҳам у ерда бош қаҳрамон она эмас, сизнинг ўзингиз бўлгандан кейин, онангиз қалби бадийий кашф этилмагандан кейин, тизмаларингизнинг баҳоси бўлакча бўлади-да!.. Эсламан: отаси ўлган бир киз “Энди мен нима қиламан, кимга эркаланаман, кимдан ёрдам сўрайман?” деб фарёд чекканди. Назар

римда, бу нола қирчиллама ёшида жувонмарг кетган ота ҳақида эмас, балки шу одамсиз эртанги ҳаётини тасаввур қилолмаётган кизнинг ўз дарди ҳақида эди. Баъзи бир ёшларнинг машқлари кўпгина жиҳатлари билан менга ўша кизнинг оҳ-воҳларини ёдга солади. Онаси вафот этган куйидаги шоирнинг фиғонлари эса ўзгача таралади: “Ахир, орзу қочиб кетмас битказар-ку тириклар. Онажоним, бир кунини ўтказар-ку тириклар” (А.Орипов). Яъни шоир ўғил эрта кетган онаси учун куйяпти, ўзи учун эмас. Унинг бутун нолалари онасига бағишланган, нафақат нолалари, балки ҳамма нарсасини – номи, шони, боринги, бутун ҳаётини онасининг пойларига пойандоздек ташлайди:

*Пайти келиб тўлар бир кун  
Паймона ҳам беомон.  
Кузатарлар мени ҳам сўнг  
Сенга томон, сен томон.  
Балки у кун бошим узра  
Дўстлар ҳам бош эгадир.  
Ўша дамги иқболим ҳам,  
Онажоним, сенгадир.  
Дилда неки журъатим бор,  
Дилда неки ҳаяжсон.  
Бари, бари сенга бўлсин,  
Сенга бўлсин, онажон.  
Сенга бўлсин бор ҳаётим,  
Номим, шоним бир йўла...*

Албаттаки, ҳар қандай шоирдан катта санъаткор олдига кўйиладиган талабларни иташ ноўрин. Лекин барибир, ҳар қандай шоир ана шу омоло (идеал)га интилноғи шарт! Нафсиламрини айтганда, мана шундай омолонинг идрок қилинмагани бугунги айрим ёшлар шеъриятида тушқун кайфиятни юзага келтираётган факторлардан биридир.

Аммо шукурки, ҳамма ёшларнинг шеърлари ҳам ундай эмас. Ёруғ хаёл, кучли истаклар билан кўнглимизда умид



уйғотаётган мисралар барибир ёзилмоқдаки, эҳтимол, айнан шу учқунлар келажакда халқимизнинг бадий тафаккур қўлидаги улкан маёқларга айланар... Мана, ўқиб кўринг:

*Биз севган баҳорлар келди, азизам,  
Кетдик, ариқлардан ялпиз терамиз.  
Майсалар лабидан шабнам сипқориб,  
Жажжжи капалакка дилни берамиз.*

(М.Шамс)

Ёки

*Минг бор Гулбаҳор, деб чақирсалар ҳам  
Бир бор ГУЛБАҲОРга айланолмадим.*

(Г.Ортикхўжаева)

Ёки

*Наҳот никоҳланган нигоҳларимиз?..*

(З.Мамажонов)

Ёки

*Юрагимда осмон яшайди,  
Ташвишларсиз осон яшайди.*

(Шаҳрибону)

Бунинг каби “йилт” этиб, шеърга ташна қалбларимизга олам-олам завқ бағишловчи мисралар қолган ёш шоирларда ҳам топилади. Чунончи, бугунги умидли шоирларимиздан бири Ойдиннисонинг “Номсиз” деб номланган тўпламида шундай шеър бор:

*Тогдек ҳасратимни қучоқлаб  
Орқалаб зил изтиробимни  
Охири ўзимни ўзим ардоқлаб  
Олганча ўзимнинг ёнимни  
Ҳаммангизни ташлаб кетмоқчи эдим  
Топилмади ҳеч ким*

Яъни шоира кўнгли дўстлардан, ёрдан, атроф-муҳитдан, қўйингки, ҳамма-хаммадан хафа бўлиб, уларни ташлаб қаёққадир бош олиб кетишга қарор қилади. Лекин яхшилаб

ўйлаб қараса, агрофида ташлаб кетиладиган одамнинг ўзи йўқ экан!.. Ҳеч ким бундай “сийлов”га муносиб эмас экан... Аммо бу шеърдан чиқадиган мазмун дудама пичоқнинг дамига ўхшайди: дарҳақиқат, ҳаётида арзийдиган киши бўлмаса, шоир кимни ташлаб кетади?.. Шоира ўқувчига шу маънони ўтказмоқчи бўлади. Аммо унинг ўзи ҳам (эҳтимол!) англаб етмаган ўзга маъно шеърнинг зимнида яшириниб ётади: у қандай яшади, нега яшадики, ташлаб кетиш учун ҳаётида ақалли биронта одам топилмаса?!.. Иккиёқламалик. Фожианинг кучига қаранг! Нақ иккита қаноти бор-а!.. Таъбир жоиз эса айтай: шоира кўнглидаги ана шу икки қанот ёрдамида ҳали ўз ботинининг узоқ-узоқ буржларига сафар қилиши мумкин. Фақат битта нарсани соғинаман унга: у ўша ерда қолиб кетмасин, аксинча, ўз жузъий олаמידан бир дарича очсину куллий олам билан мулоқотга киришсин! Назаримда, катта ва жиддий адабиётнинг хусусиятларидан бири айтиш шудир.

Ёш шоирлар шеър техникасини яхши эгаллаган, деб ёздим юқорида. Бу – табиий. Чунки шеър илми вақтлар, даврлар ўтган сайин авлоддан-авлодга сайқал топиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги ёш шоирга қайси вазнда қандай ёзиш кераклигини, оч қофиядан тўқ қофиянинг афзаллиги нимадан иборат эканлигини тушунтиришга уринаман десангиз, кулгили ҳолга тушиб қоласиз. Ёшлар оқ шеърда ҳам, модерн оҳангларда ҳам бинойидек ижод қилишмоқда. Анъанавий шеър техникасини бўлса, сув қилиб ичиб юборишган (Аруз вазни истисно!) Чунки улар бадий мушоҳада эркинлигига эгадирлар. Худди мана шу эркинлик ёш шоирларга ўзидан аввалги салафлар назмини “сипқориш” ва “ҳазм қилиш” имкониятини бермоқда. Ўйлашимча, уларнинг ижодкор сифатидаги омадларидан бири шу имконларда мужассам. Иккинчи томондаги имкон – ҳар кимнинг ўз шахсий ҳаёти, бошидан ўтказган яхши-ёмон кунларию кейинги йилларда мамлакат ва бутун дунё миқёсида юз берган эврилишлар синтези... Шоир юраги ана шу имконларга, одамлар қалбига, олам қалбига



ланг очилган эшикдек бўлмоғи лозимки, руҳий-маънавий мулоқотлар пировардида пишиб, сайқалланиб борсин, сўнг эса даврлар оша яшайдиган, авлоддан-авлодга хабар бериб толмайдиган, эскириб оҳори тушмайдиган, эстетик ва бадиий қимматини йўқотмайдиган асарлар ёзилгуси, дея умид қиласан, киши. Биноийдек бўлиш кўпчиликнинг қўлидан келадди, эплай олсангиз, Навоийдек бўлишга ҳаракат қилинг!

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
<b>Озод Шарафиддинов</b>	
“Адабиёт яшаса – миллат яшар”.....	7
<b>Иззат Султон</b>	
Баховуддин Нақшбанд абадияти.....	20
<b>Матёқуб Қўшжонов</b>	
Бир асар қисмати.....	39
<b>Азиз Қаюмов</b>	
Шеър дурдоналари.....	44
<b>Умарали Норматов</b>	
Роман кўзгусида миллат тақдири.....	58
<b>Наим Каримов</b>	
Олтин кўприклар жозибаси.....	72
<b>Абдуғафур Расулов</b>	
Концепция зарурати.....	85
<b>Суйима Ғаниева</b>	
Алишер Навоий насрида назмининг ўрни.....	97
<b>Нажмиддин Комилов</b>	
Тасаввуф ва бадий ижод.....	104
<b>Иброҳим Ғафуров</b>	
Ўзгараётган дунёда шеър сўзи.....	117
<b>Бегали Қосимов</b>	
Миллий уйғониш даври адабиёти.....	131

<b>Бахтиёр Назаров</b>	
Юксак тарихий эътикодга муносиб бадий самара.....	146
<b>Нўъмон Раҳимжонов</b>	
Истиклол ва ёшлар ижоди.....	169
<b>Ҳамидулла Болтабоев</b>	
“Маснавийи шариф” маънавияти ва давомчилари.....	190
<b>Маҳкам Маҳмудов</b>	
Саргузашт адабиётининг бадиияти.....	204
<b>Хуршид Дўстмуҳаммад</b>	
Миллий хикоя: изланишлар, ютуқлар, истаклар.....	223
<b>Йўлдошали Солижонов</b>	
Янги аср насри манзаралари.....	239
<b>Ортиқбой Абдуллаев</b>	
Ижоднинг азалий ва абадий йўли.....	255
<b>Насимхон Раҳмонов</b>	
Комиллик манзилига йўл.....	261
<b>Адҳамбек Алимбеков</b>	
Тарихий романчилигимизга бир назар.....	272
<b>Яшар Қосимов</b>	
Миллий маънавият ва бадийлик сарчашмалари.....	280
<b>Шухрат Ризаев</b>	
Истиклол даври ўзбек тарихий драматургияси.....	298
<b>Нурбой Жабборов</b>	
Гўзал ташбих, сирли руҳ.....	315
<b>Баҳодир Каримов</b>	
Бадий сўзни англаш.....	327
<b>Абдулла Улугов</b>	
Қабиҳ мактубларни ким битган?.....	335

***Қозоқбой Йўлдошев***

Роман жанрининг етакчи белгилари ва бугунги ўзбек роман-ларига хос хусусиятлар.....349

***Қурдош Қахрамонов***

Адабиётшунослик ва танқидчиликдаги изланишлар.....372

***Раҳматулла Баракаев***

Бугунги болалар адабиётининг қахрамони.....383

***Улуғбек Ҳамдам***

Шеър – борлик ва йўқлик ораси.....395





# ОЗОД ВАТАН САОДАТИ

Адабий-бадиий нашр

Муҳаррир *Носиржон Жўраев*  
Техник муҳаррир *Нодир Сувонов*  
Дизайнер *Ойгул Фозилова*

Нашриёт лицензияси № 181. 08.12.2011.  
Теришга 20.11.2012 й.да берилди.  
Босишга 10.10.2013 й.да рухсат этилди.  
Бичими 60x90<sub>1/16</sub>. Офсет босма. “Times” гарнитураси.  
Шартли б.т. 38,5. Нашр-ҳисоб т. 26,5. Адади 3000 нусха.  
Буюртма № 282-13.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
“ADIB” нашриёти масъулияти чекланган жамияти.  
100027. Тошкент. “Ўзбекистон” кўчаси, 16-А уй.  
Тел.: (8371) 245-89-24

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
“O`qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

ISBN 978-9943-4165-4-3



9 789943 416543

## Азиз китобхонлар!

*“ADIB” нашриёти йил давомида ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари – назм, наср ва драматургия намуналарини тақдим этиб боради. Дунё адабиёти хазинасидан ўрин олган умрбоқий дурдоналар, аср ошган асарлар, кўпдан бери илҳақ кутаётган ва соғинган китобларингиз Сизга мунтазир.*

*Атоқли адибларнинг “тандирдан узилган” янги асарлари ва таржималари ҳам сўз санъати муҳиблари учун ардоқли армуғон бўлади, деган умиддамиз. Ижод майдонига журъатли одимлар билан кириб келаётган навниҳолларнинг илк тўпламлари орқали эса адабиётимиз ворисларини кашф этасиз.*

*Инсон учун яхши китоб ўқишдан-да мароқли, мазмунли машғулот йўқ. “ADIB” нашриёти китобсеварларга ана шу бетакрор шавқни тўхфа этишга бел боғлаган. Мутолаа завқи Сизни асло тарк этмасин! Содиқ дўст – китобга меҳрдан айирмасин!*